

Тожи ҚОРАЕВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

II жилд



Тожи ҚОРАЕВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

II жилд

**Тошкент
“Наврўз” нашриёти
2019 йил**

UO'K: 828.356

КВК 83.3(Ў36)

Қ-42

Ушбу китобга таниқли адабиётшунос, халқаро Аҳмад Яссавий номидаги мукофот соҳиби, профессор Тожи Қораевнинг муосир адабиёт муаммолари ўрганилган ишлари киритилган. Ушбу тадқиқотларда ҳассос олимнинг замонавий миллий адабиёт тараққиётига оид ўзига хос қарашлари, янги ўзбек сўз санъатининг мумтоз Шарқ ва жаҳон адабиёти билан алоқа-боғланишлари, ижодкор маҳорати бўйича фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

Китоб ўзбек адабиёти тарихи билан шуғулланувчи магистрант, докторант ҳамда бадиий сўз муҳибларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Иброҳим Ҳаққул – филология фанлари доктори, профессор.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

Гайрат Муродов – филология фанлари доктори.

Нашр лойиҳаси муаллифи:

Раҳим Мақсудов – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ISBN 978-9943-6002-9-4



УМРИ УЗУН ТАЛҚИНЛАР

Ўзбек совет адабиётининг тарихи сингари тақдири ҳам жуда мураккаб ва фавқулодда зиддиятлидир. Бу адабиётда рост ва ёлғон, табиийлик ва сунъийлик, самимият ва ҳийлабозлик қўшилиб-қоришиб кетган. У тўғрилиқни ёқлаб ёлғонга, жасорат ва мардликни шарафлаб, таҳликаю қўрқувга таслим бўлган бир адабиёт эди.

Инсоният тарихида Аллоҳга қарши жанг бошлаб, динсизлик, руҳониятсизлик байроғини баланд кўтариш совет адабиётининг асосий мақсадларидан бўлган. Шўро салтанати сиёсати; мафкураси ва коммунистик партиянинг ғоявий кўрсатмалари бўйича қалам юритган ижодкорлардан аксариятининг умри ва меҳнати елга соврулган, десак, асло хато бўлмайди. Қанча ёзувчи, шоир ва олимларнинг асарлари қисқа муддатда унутилиб, на муаллиф, на китобларнинг ҳатто номлари тилга олинмаслигини ким ҳозир аниқ айта олади? Муҳташам бир мустабид империя қулаши ҳамон унинг сиёсати, маданияти, санъати ва илм-фани қатори адабиёти ҳам вайроналар остида қолди. Тарихнинг бу шафқатсиз ва фоже синовидан омон чиқиш қанча ёзувчи ёки қанча китобларга насиб айлайди? Бу ҳам муаммо. Буни ҳал қилишнинг биринчи чораси совет адабиётининг аҳволи, ютуқ ва камчиликларини, қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳаққоний сўзлашдир. Аслини олганда, бу иш ўзбек халқи ҳам эркин фикрлаб, ўйлаганини эркин сўзлашга киришган қайта қуриш ва ошкоралик давридан бошланганди. Ўшанда тил, тарих, дин, адабиёт, сиёсат, иқтисод мавзуида шундай фикр-мулоҳазалар илгари сурилгандики, ҳатто саксонинчи йилларнинг охирларида ҳам ундай дадиллик ва очикликни тасаввур этиш душвор эди.

Одатда, бундай вазият ва шароитда қочган ҳам, қувган ҳам, ютган ҳам, ютқазган ҳам марди майдон қиёфасида кўрингиси келади. Ғалатиси эса бошқа: неча ўн йиллар мобайнида Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Фитрат, Чўлпон каби адабиётимизнинг буюк намояндаларини қоралаб, уларнинг адабий меросини тақиқлашда ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлганлар орасида ҳам бир-бирини фош этиш, зимдан бир-бирига айб тўнкашдан уялмаслик эди. Илм-фан қотиллари ва адабиёт жаллодлари тўғрисидаги мақолаларни-ку, кўпчилик қизиқиб, гоҳо жуда ажабланиб ўқиганди. Уларда кўп таънаю маломат ёғдирилганлардан бири, машҳур шоир, драматург, жамоат арбоби Уйғун эди.

Бошданоқ бир нарсани тан олиш ва таъкидлаш лозим: Уйғунга замондош, тенгдош ва сафдош ижодкорлар “доҳий” Ленин ва Сталинга қандай суяниб, коммунистик ва совет давлатига нечоғлик ишонч ҳамда садоқат билан хизмат қилган бўлишса, Уйғун ҳам, албатта, ортда қолишни истамаган. Улар қандай инқилобий, синфий-партиявий ва замонавий ғоя ёки мавзуларда қалам тебратган бўлса, Уйғун ҳам ўша ғоя ва мавзулар талқинига куч сарфлаган. Замон, давр, давлат ва партия нимани талаб қилса, “лаббай” деб жавоб қайтариш ижод ва илм аҳли учун умумий мажбурият, дахлсиз бурч ўлароқ қабул қилинган ижтимоий, сиёсий ва адабий муҳитдан қайси ёзувчи ё шоир четда тура олган: чунки миллий маслак, миллий истиқлол ва шахс эрки орзуси Фитрат, Қодирий, Чўлпон қатлидан кейин тақа-тақ тўхтаган, каттаю кичик “эрк эртаклари”ни тинглашга кўниктирилганди.

Уйғуннинг коммунистпарастлиги, золим шўро салтанатига сиғиниши, балки, бошқа қаламкашларникига нисбатан баландроқдай кўриниши мумкин. Аммо у ҳам ўзича ўзбек адабиётининг равнақига ҳисса бўлиб кўшилишга арзигулик шеърлар ёзишни кўзлаган. Ойбек домла, Шайхзода, Ҳамид Олимжонга ўхшаб Уйғун ҳам халқимизнинг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг чин муҳиби бўлган. Унинг “Чор

девон"га ёзган мазмундор сўзбошиси, аллома Иззат Султон билан ҳаммуаллифликда яратган "Алишер Навоий" драмаси мазкур фикрнинг ёрқин далили ва доимий тасдиғи бўлиб қолаверади. Гапнинг бевосита Уйғунга боғланишига келсак, ҳассос адабиётшунос, профессор Тожи Қораевнинг уйғуншунослик фаолиятига диққатни қаратишдир. Устознинг нашрга тайёрланган "Танланган асарлар"ининг иккинчи жилдидаги тадқиқотлар орасида Уйғун ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланганлари катта ўрин эгаллайди. Булардан бири "Шоир қалби доим навқирон" деб номланган рисола бўлса, бошқаси "Уйғун маҳорати", "Уйғун поэзиясида ғоявийлик ва маҳорат" деб аталган монографиялардир. Буларда Уйғуннинг ижодий йўли, турли жанрдаги асарларининг ғоявий-бадий хусусиятлари ва маҳорати ҳақида бошқа бировлар айтмаган фикр-мулоҳаза ва хулосалар ўртага ташланган.

Тожи Қораев ҳассос ва оташин шоир Ҳамид Олимжоннинг чинакам муҳиби бўлиб, унинг кўп шеърларини талабаларга ёддан ўқиб, таҳлил этиб берардилар. Китобнинг Ҳамид Олимжонга доир мақолалар билан бошланиши ҳам бежиз эмас, албатта. Қайси шоирнинг шахсини яхши билсангиз, унинг шеърятини ҳам ўшанча яхши англайсиз. Ўзига хос истеъдод соҳиби, устоз Тошпўлат Ҳамид ҳаёти ва адабий фаолиятидан сўз юритилган фасл шу жиҳатдан ҳам эътиборга моликдир. Китобни нашрга тайёрлаган домланинг шогирдлари, филология фанлари доктори Ғайрат Муродов унга "Ибратли ҳаёт саҳифалари" номи билан мазмундор сўнгсўз ҳам ёзган. Ўйлаймизки, "Танланган асарлар"нинг нашр этилишидан устознинг руҳлари шод бўлганидек, илм ва адабиёт шинавандаларига баҳрамандлик насиб айлаши ҳам, шубҳасиздир.

*Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
4 октябрь 2019 йил, Дўрмон.*

МАНГУ СЕҲРЛИ НАВО

*Мени қуршар салқин бир ҳаво,
Сув устидан тун қуюлади.
Шунда қанча-қанча гапларни
Эсга солиб ой ҳам тўлади.*

*Кеча жимжит. Ёлғиз тўлқинлар
Пишқиради билмай тинимни.
Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар,
Солиб кўйдинг ёдимга кимни?*

Ҳамид ОЛИМЖОН

Шеърят мулкининг тарихи узоқ бўлганидек, келажаги ҳам порлоқ, даргоҳи кенг бўлганидек, шайдолари ҳам беҳисоб.

Бу даргоҳни зукко халқимиз муқаддас маскан сифатида қадрлаб келган, қадрлапти ва қадрлайди. Чунки у ўзининг ҳаётини, маънавий оламини шеърсиз тасаввур қилолмайдди.

Шеърпараст халқимиз шеърят мулкининг дарвозасига ҳар қандай шеърни, ҳар қандай шоирни йўлатавермайди. Шу сабабли бу қутлуғ даргоҳга кириш бахтига муяссар бўлиш учун ҳар бир бўлғуси шоир қатор мураккаб машаққатларни енгиши, узоқ йиллар қунт ва сабот билан ўқиши, изланиши, жиддий синовлардан ўтиши лозим бўлган. Шулар билан бирга, бу муқаддас даргоҳ ҳар бир бўлғуси ижодкордан катта иқтидор, юксак талант, фидойилик ҳамда софлик талаб қилган.

Халқимизнинг ўзи – табиатан шоир халқ. Унинг диди юксак, талаби баланд, руҳи бардам. Унинг ўзи бу Муқаддас ҳаётни куйлаш учун офтоб нурларидан қалам, моҳтоб ойдинлигидан дафтар тайёрлаб ижодкорнинг қўлига тутқизган, ҳаёт жўшқинлигига монанд сөз ясаб, жўшиб куйлашни ўргатган. Унинг тўйлари ва байрамлари ҳам, давралари ва мажлислари ҳам, қутловлари ҳам шеърсиз ўтмайди.

Ҳаётни, башарни улуғлашни, саодатни, эркни, бахтни, меҳнатни, тинчликни, гўзалликни куйлашни, ёмонликни лаънатлашни, миллий ифтихорни, қардошликни, иқболни авайлашни ва ардоқлашни ўргатган. Унинг кўнгли ҳам шеър каби нозик, шеър каби латофатли, шеър каби нафис ва шеър каби ардоқли. У оламини, одамни, ҳаётни, яшашнинг қиммати ва мазмунини шеърдан ташқари ҳис қила олмайди.

Шеърпараст халқимизнинг шеър ва шоир олдига кўядиган талаблари ҳам ўзгача.

Жумладан, ўтмишнинг йирик адабиётшунос олими Низомий Арузи Самарқандий «Чаҳор мақола» асарининг «Мақолаи дуввум дар моҳияти илми шеър ва салоҳияти

шоир» қисмида чинакамига шоир бўлиш учун йигитлик чоғида қобилият билан бирга яна қуйидаги фазилатларга эга бўлиш лозимлигини ҳам қатъият билан талаб қилади. Булар қуйидагилар:

1. Дақиқун назар – диққат билан кузатиш, текширувчи бўлиш;

2. Азимул - фикрат – чуқур фикрлай олиш, кенг муҳокамали бўлиш.

3. Мутановеъ бўлиш – тўғри, ҳаққоний, асосли фикрлашни ўрганиш билан хушфеъл, хуштаъб бўлишга интилиш.

4. Саҳихут таъб бўлиш – равон таъб бўлиш; ҳар томонлама янгидан янги ихтирочиликни ўрганиш, шу йўлда малака орттириш.

Айтилганларга қўшимча ҳолда сўз хазинасига бой бўлишлик учун кам деганда қадимги шоирлардан йигирма минг, замондошларидан ўн минг, жами 30 минг байтни ёд билиш зарур бўлган.

Бу фикр халқимизнинг шеърга ва шоирга бўлган талаби жуда ҳам баланд эканлигини кўрсатади.

Башарият ифтихори Алишер Навоий бўлажак шоирга қўйилган бу талабни ўз замонасида ортиғи билан бажарганлардан саналади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий йигитлик чоғларида 50 минг байт шеърни ёдлаб, салафи Арузи Самарқандий томонидан қўйилган талабни қарийб икки бараварига адо этган. Устоз Навоийнинг халафлари ҳам бу улкан вазифани бажаришга ҳаракат қилишган.

Бинобарин, Навоий ва Бобур, Машраб ва Мужрим Обид, Муқимий ва Фурқат, Огаҳий ва Нодира шоирлик қилган Ватанда шеър ёзиш жуда масъулиятли ва шу билан бирга шарафли иш ҳисобланган.

Ҳамид Олимжон «шоиру шеър у шуур» (Эркин Воҳидов) ниҳоятда эъзозланган ва бу соҳада минг йиллик ҳаётий анъаналар ҳукмронлик қилган мамлакатда туғилиб, шеър

риятга ҳавас қўйди. Шоир бўлишни, она халқининг асрий армонларини ва эрк ва иқболини куйлашни ўзининг ҳаётий зарурияти деб билди. Шеъроят майдонига у қаршисида минг йиллар давомида пайдо бўлган юксак пурвиқор маънавий тоғлар, мазкур тоғлар ёнида сержило азим қоялар қад ростлаб турганлигини билгани ҳолда, уларнинг панжасига панжа уришдек машаққатли масъулиятни ҳар томонлама чуқур тушунган ва ҳис қилгани ҳолда кирди ва ўзининг бутун ҳаётини, олмос истеъдодини, ақлий ва жисмоний қобилиятини, табиатидаги ўқтамлик фазилатини ана шу машаққатларни енгишга сафарбар этди. Бўлғуси шоир бадий ижод йўлидаги машаққатларни жасорат билан енгни, улуғ анъаналарнинг ҳақиқий вориси сифатида ижод қилди ва шулар сабабли тез орада халқимизнинг севимли шоирига айланди.

Оташин ватанпарвар шоир томонидан қисқа 15 йил ичида ёзилган ва эл маъқуллаган «Ватанимиз табиатидек рангбаранг ва бой» (С. Азимов) шеърлар, балладалар, поэмалар, драмалар, публицистик ва илмий асарлар, таржималар, ўзбек миллий адабиётини ривожлантириш йўлига сарф этилган катта ижодий меҳнат, жўшқин ташкилотчилик қобилияти ва жамоатчилик фаолияти фикримизнинг далилидир.

Ардоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон ёшлигидан булоқдай қайноқ халқ ижоди чашмаларидан, минг йиллик тарихга эга бўлган ёзма адабиётимиз бой хазинасидан, кўшни қардош халқлар яратган бадий обидалардан, чет эл ёзувчилари бисотидаги кашфиётлардан ҳар томонлама баҳраманд бўлишни ўзининг шарафли бурчи деб билади. Шунинг учун шоир болалигидан умрининг охиригача дақиқаларигача ўқийди, ўрганади, изланади, шеър ёдлайди, шеър ёзади. Онаси Комила опадан, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Абдулла шоир, Пўлкан шоирлардан эшитган юзлаб эртақ, латифа, лапар, алла, кўшиқлардан ташқари, у «Алпомиш», «Гўрўғли» сингари йирик дostonларни ҳам билар эди. Буларгина эмас, у рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ халқлари

томонидан яратилган «Эр Торғин», «Қиз Жибек», «Қирқ қиз», «Илья Муромец», «Манас» каби халқ эпосларини билар эди, булар асосида ишланган спектаклларни кўради, улар ҳақида завқ шавқ билан мақолалар ёзади, машҳур халқ бахшилари Жамол Жаббаев, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Абдулла шоир ҳақида фахр ва ғурур билан мақолалар, шоирлар ёзади. «Алпомиш» эпосини нашрга тайёрлайди. «Ҳасан батрак»нинг нашр этилишига мутасаддилик қилади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқ шоирларини ёзувчилар уюшмаси атрофига тўплаб, уларни ижодга рағбатлантиради, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашади, асарларини ёзиб олдириб, нашр эттиради.

Унинг жонкуярлиги ва ёрдами туфайли 30- йилларда фольклордан биринчи хрестоматиялар ва оммавий нашрлар майдонга келади, фольклор фан сифатида шакллана бошлайди.

Ҳамид Олимжон классик адабиётимизнинг ҳам оташин ихлосманди, толмас тарғиботчиси ва нодир тадқиқотчиси эди. Бу меҳрни унинг қалбига болалигидаёқ бобоси Мулло Азим ва отаси Олим Қори акалар сингдирган эдилар.

Ҳамид Олимжон ҳали йигирма ёшлигидаёқ, нафақат Алишер Навоий ғазалларини, балки унинг «Фарҳод ва Ширин» дostonидан айрим бобларни ёддан билган. Ёшлигидан уни Ҳофиз, Фузулий, Муқимий, Фурқат ғазаллари, Хайём рубоийлари, Фирдавсий, Низомий, Хисрав Дехлавий дostonлари ўзига мафтун этган. Айниқса, шоир ўттизинчи йилларда классик адабиётни ҳар томонлама чуқур ўргангани, унинг улуғ намояндалари тўғрисида кашфиёт даражасидаги тадқиқотларини ёзади. У Навоийнинг дostonларинигина эмас, балки ўша йилларда Навоий дostonлари асосида ёзилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби мусиқали драмаларни ҳам мутолаа қилар, улардан парчалар ёдлар эди.

Кейинчалик Навоий ва Муқимий ҳақида, Хайём ва Ҳофиз ҳақида, Фузулий ва Низомий ҳақида ёзилган мақолалари ва

шеърлари ана шу мафтунликнинг меваси сифатида бунёд этилган.

Ҳамид Олимжон устозларидан, айниқса, буюк Навоий ижодиётининг мафтунни ва оташин тарғиботчиси тарзида шуҳрат қозонади. Уни Навоийсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шоир 30-йилларнинг охири, Улуғ Ватан уруши йилларида бадиий ижод ва раҳбарлик ишлари билан банд бўлишига қарамай, улуғ Навоий юбилейига қизғин тайёргарлик кўради ва Навоий юбилейини ўтказиш кўмитасини зўр ташкилотчилик билан бошқаради.

Ҳамид Олимжон катта иштиёқ билан Навоий юбилейини ўтказиш кўмитасини бошқариш билан бирга ўзи ҳам буюк санъаткор ҳақида 20 га яқин мақолалар ёзади, докладлар ўқийди. Айниқса, «Навоий ўзбек адабий тилининг яратувчиси», «Фарҳод ва Ширин» ҳақида», «Навоий ва замонамиз» каби тадқиқотлари шу кунларда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларда ўзбек адабий тилининг, ўзбек адабиётининг тақдири, келгуси тараққиёти тўғрисида жонкуярлик билан баҳс юритилган ва Алишер Навоийнинг бу борада умр бўйи олиб борган тинимсиз саъю ҳаракатлари, кураши ўзининг ёрқин ифодасини топган ва ҳақиқий баҳосини олган.

Ҳамид Олимжон маънавий оламининг шаклланишида, ижод даҳосининг гуллашида рус адабиётининг роли ҳам беҳад. Шоир Навоийни қанчалик севса, Пушкинни ҳам шунчалик эъзозлаган, унинг шеърляти қуёшидан баҳраманд бўлган. Шоир Пушкин билан бир қаторда М. Лермонтовни, Л. Толстойни, И. Тургеневни, М. Горькийни, В. Маяковскийни, Н. Островскийни ҳам ўзига устоз деб билган, улар яратган анъаналарни ҳар томонлама ўрганган, ижод лабораториясига кун сайин чуқуррок кириб борган.

Таниқли рус ижодкорлари Н. Тихонов, А. Фадеев, Н. Погодин, А. Толстой, К.Симонов, В. Инбер унинг яқин дўстлари ва касбдошлари бўлишган. Рус адабиёти, айниқса, А. С. Пушкин ижодидан Ҳамид Олимжон қилган таржималар, рус адабиёти

классиклари ҳақида ёзилган ўнлаб адабий-танқидий мақолалар, шеърлар, уруш йилларида рус халқи вакилларига унинг томонидан кўрсатилган беҳад ғамхўрликлар ана шу яқинлик, ана шу меҳр ва ана шу юксак муҳаббатдан далолат беради.

Ҳамид Олимжон том маънодаги интернационалист шоир, буюк қардошлик гимнининг оташин куйчисидир. Унинг Т. Шевченко, Я. Колас ҳақидаги мақолалари, улар шеърлятидан қилган таржималари, у билан Эди Огнецвет, Садриддин Айний, Абулқосим Лоҳутий, К. Симонов, М. Турсунзода, Я. Купала ўртасидаги дўстлик, ижодий алоқалар, устоз-шогирдлик робиталари шундан кафолат беради.

Шоир Ўрта Осиё халқлари оғзаки ижодини, ўзбек классик адабиёти намуналарини қанчалик меҳр билан ўқиган ва ёд олган бўлса, А. Пушкин, М. Лермонтов, К.Симонов, М. Светлов, В. Инбер ва бошқа рус шоирларининг шеърларини ҳам шунчалик кўп билар ва чиройли қироат қилар эди. Ҳамид Олимжон Пушкин шеърларини етти яшарлигиданоқ ёддан ўқиб берганлиги бизга маълум.

Сарвар Азимов шоирнинг Пушкин ва бошқа рус ёзувчилари асарлари таржимаси устида сарфлаган ижодий меҳнати ҳақида фикр юритиб шундай ёзади: «...У, айниқса, рус поэзиясининг қуёши Александр Сергеевич Пушкиннинг «Кавказ асири», «Сув париси – русалка» поэмалари ва талай лирик шеърларини таржима қилишда зўр ижодий муваффақиятларга эришди. Пушкин шеърлятининг руҳини тўла сақлаган ҳолда ўзбек китобхонига манзур бўладиган таржималар ярата олди».¹ Ҳамид Олимжоннинг Пушкиннинг 100 йиллиги муносабати билан ёзилган машҳур «Салом, Пушкин» (1937) мақоласи унинг рус адабиётига бўлган юксак муҳаббатининг намунасидир. А.С.Пушкинга, рус адабиётига бўлган ана шу мафтунлик Ҳамид Олимжон ижодий принципларининг шаклланишида катта роль ўйнади. Ҳамид Олимжон

¹ Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар, Ўздавнашр. Т.1951, 28-бет. Қолган парчалар ҳам шу нашрдан олинади ва бетлари қавсда кўрсатилади.

ижодий услубига хос соддалик, равонлик, лирик жўшқинлик, эпик кенглик ва ҳаётга, воқеа - ҳодисаларга, образларга баҳо беришга ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан ёндошиш каби хусусиятларнинг шаклланишида А.С.Пушкин ижодига тегишли адабий анъаналарнинг ҳам таъсири бўлиши керак.

Бу соҳада у ибрат оларли адабий мактаб яратди, бошқаларни шу йўлдан боришга даъват этди.

Ҳамид Олимжон дунёга келган Жиззах шаҳри ўзига хос адабий ва маданий анъаналарга эга бўлган Ўрта Осиёнинг қадимий маданият ўчоқларидан биридир. Шу сабабли бўлажак шоирга бешиклигидаёқ она алласи билан бирга шеърний сатрлар ҳамроҳ бўлади.

У дунёга келган ва тарбия топган йилларда бу дийрда Муаззамхон, Маҳмуд Коризий, Рўзихон Бахши, Маҳвий каби бир қанча шоирлар қалам тебратишарди. Хуллас, Самарқанд, Бухоро, Хива, Каттакўрғон, Кармана сингари Жиззахда ҳам ўзига хос адабий муҳит мавжуд эди.

Маърифий анъаналарга эга Жиззах воҳаси ва бу воҳанинг рашк қилгудек малоҳатларга бой тенгсиз табиати, ундаги ибратли адабий ва маданий муҳит Ҳамид Олимжон шоирлик зуваласининг пишиқ қорилишида муҳим роль ўйнади.

Юқорида айтилган адабий манбалар ва омиллар билан бирга Ҳамид Олимжоннинг забардаст шоир ва улкан маданият арбоби бўлиб етишишида Самарқанддаги қизғин адабий муҳит, Ғафур Ғулом, Уйғун, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Зулфия, Комил Яшиндек тенгқурлар ва дўстлар билан бирга яшаш, ижод қилиш бахти ҳам катта роль ўйнади.

Ёшлигидаёқ тийрак Ҳамид Олимжон ана шу буюк адабий манбаларни ва омилларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштирмаса, шоир бўла олмаслигини, биргина ҳавас ва интилиш билан иш битмаслигини яхши билар эди.

Шунинг учун ҳам у буюк эътиқод ва катта ҳавас билан эслатиб ўтилган сарчашмалардан баҳраманд бўлади, мутолаани ҳаётининг асосий қонунига айлантиради.

Ҳамид Олимжон ҳаётни жуда севар эди, бу эркин, инсонпарвар ҳаётсиз ҳатто ўзини тасаввур қила олмас эди. Унинг кўп қиррали жўшқин фаолиятида, самимият билан йўғрилган ҳар бир мисрасида, мақолалари, маърузалари ва нутқларида биз ана шу мафтункорликни қалбан сезамиз.

Ҳамид Олимжон ижодининг халқчиллиги, замонавийлиги инсонпарварлик ғояларининг қай даражада маҳорат билан жўшқинлик билан тараннум этилишида ўзини яққол намоён қилади.

Адабиётшуносларимиз томонидан эътироф этилганидай, Ҳамид Олимжон «бахт ва шодлик куйчисидир» (Уйғун). Чиндан, унинг «Кўклам» (1929) шеърлар тўпламидан бошлаб, энг охирги асари - «Роксананинг кўз ёшлари» балладасигача ана шу муқаддас мавзу шоир ижодининг лейтмотивини ташкил этганлигининг гувоҳи бўламиз. Агар шоир 30-йиллар ижодида бахт, севги ва ватанни жўшқин васф этган бўлса, иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзилган асарларида юртини босқинчилардан сақлаб қолиш учун кураш туйғуси ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Ҳамид Олимжон ижодий услубига хос ўктамлик, ғурур, ишонч, шодиёна кайфият аломатлари 30-йилларда шаклланади ва уруш йилларида юқори поғонага кўтарилади.

Унинг «Бахтлар водийси», «Баҳри», «Ўлка», «Ўрик гуллаганда», «Шодликни куйлаганимнинг сабаби», «Чимён эсдаликлари», «Ўзбекистон», «Кўлингга қурол ол», «Ғалаба қўшиғи», «Шинель», «Дўмбиранинг мақтови», «Хулкарнинг шеъри» каби лирик асарларида, «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» каби балладаларида, «Зайнаб ва Омон», «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» дostonларида, «Дўстлигимиз ҳақида», «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман» каби оташин публицистик мақолаларида, «Салом, Пушкин», «Фарҳод ва Ширин» ҳақида адабий-танқидий тадқиқотларида, «Файзулла ота Юнусов», «Зайнаб» каби очеркларида, «Мени кутгил», «Пўлат қандай тобланди» каби таржималарида ва бу ерда

эслаб ўтилмаган яна юзлаб шундай гўзал асарларида, нутқларида биз юқорида таъкидлаб ўтган бахт ва шодлик ғояси бўртиб туради, бир-бири билан маҳкам боғлайди ва бир бутун яхлитлик касб этади. Ҳамид Олимжон шеърлари, дostonлари, очерклари, тадқиқотлари, публицистик асарлари, маъруза ва нутқлари марказида ҳаётпарвар, дўстпарвар, меҳнатсевар, некбин, курашчан инсон образи туради.

Улар баъзан лирик қаҳрамон тимсолида, баъзан реал шахс образи воситасида, баъзан символик образлар қиёфасида, баъзан афсонавий қаҳрамон сиймосида гавдаланади ва эскиликни, ёмонликни мағлуб этиб, адолатни, тўғрилиқни, қуёшни, баҳорни улуғлайди.

Ҳамид Олимжон бунёд этган характерлар фидокор, комил, олижаноб кишилар, улар фольклор асарлари қаҳрамонлари сингари ўтга солса қуймайди, сувга тушса чўкмайди. Ҳар қандай мушкулотни ҳал қила оладиган, ҳар қандай хавфни даф эта оладиган ўктам, ҳалол, ботир, ватанпарвар, меҳнатсевар кишилар.

Биз Зайнаб, Омон, Бунёд, Ойгул, Баҳтиёр, Баҳри, Файзулла ота Юнусов, Турсун, Роксана, Муқанна, Навоий, Пушкин; Эр Торғин, Алпомиш, Ҳамза ва яна бир қатор бошқа образлар ва лирик қаҳрамон сиймосида ана шундай олижаноб фазилатли кишиларни кўраимиз, улардан олам-олам завқ оламиз, яшашда, курашда улар бизга намуна-ибрат бўладилар.

Маълумки, бадий адабиётда яратилган ҳар бир тўлақонли образ зўр кашфиёт саналиб, у маълум даражада, ўзининг бунёдкорига ўхшаб кетади. Тўғрироғи, сўз санъаткорига хос муҳим фазилатлар, хусусиятлар, характер қирралари унинг томонидан яратилган образларга сингдириб юборилади.

Оташин шоир Ҳамид Олимжон томонидан яратилган ўлмас образлар хусусияти ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Ҳамид Олимжон шеърляти кучли лирик туйғуларга бойлиги, ёрқин эҳтирос ва шодиена кайфиятларга йўғрилганлиги, ўткир жозоба кучи ва она диеьрга оташин муҳаббати билан ўзига хослик касб этади. Унинг лирикаси янгилик билан эскилик ўртасидаги омонсиз кураш руҳи билан суғорилган. Бу жанговар руҳни шоирнинг ҳатто табиат ва интим мавзуда ёзилган лирикасида, ўзбек халқининг бахт ва саодатини ёрқин ифода этган, шодмон кайфият, юксак самимият меваси сифагида майдонга келган ижтимоий шеърларида ҳам равшан кўриш мумкин. Китобхонни ҳаётни севишга, унга хушчақчақ кайфият, эстетик туйғу пайдо қилишга ва шу билан бирга хушёр торттиришга, келажакни ўйлашга даъват этадиган бундай шеърларнинг тарбиявий-эстетик аҳамияти катта. Бундай шеърлар китобхон қалбини ҳаяжонга солади, уни янгидан янги марраларга чорлайди. Ҳамид Олимжон ана шундай руҳдаги шеърлари билан замонавий ўзбек шеърляти хазинасига муносиб ҳисса қўшди.

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.

Шундай сатрлар билан бошладиган «Ўрик гуллаганда» шеъри ўзбек адабиётининг фаҳри бўлиб қолди.

Гап бу шеърнинг форс, инглиз, араб ва яна ўнлаб бошқа чет тилларга таржима этилиб, севилиб ўқилишида эмас, балки унинг самимий, жозибали ёзилишида, унда гўзал инсоний фазилатларнинг табиий, равои, содда ифода этилишида, унинг марказида турган мавзу ва ғоянинг ўзига хос бир поэтик формада ибратомуз талқин этилишида ва янгиланиш руҳи билан йўғрилишида, баҳорий оҳанг касб этишида бўлса керак.

Эҳтимол, булар ҳам эмасдир, аниқроғи, гап шоирнинг юртига бўлган чексиз муҳаббатида, иқбол, саодатни, эрк ва

нурни мажнунона севишида, шу ҳаёт туфайли ўзбек халқи муяссар бўлган эзгуликларга маҳлиёлигидадир.


«Ўрик гуллаганда» шеъри ана шундай оташин севгининг зарби билан пайдо бўлган мўъжизадир.

Ҳамид Олимжон чиндан ҳам бугунги ҳаётда эртани кўра оладиган, асарларида ўтмиш билан бугунни, келажакни диалектик бирликда ифодалай оладиган некбин шоир эди. Шунинг билан алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг некбинлигини бугун ва эрта нуқтаи назаридан тушуниш лозим, ўтмиш унинг адабий бисотида инсон шахсини буккан, эркини поймол қилган, ҳурлигини яқсон этган, бир умрга ҳўрлаган бир Ёвуз куч сифатида гавдаланади ва қаҳру ғазабига гирифтор бўлади.

Шоирнинг «Шодликни куйлаганимнинг сабаби», «Бахтимиз тарихидан», «Бахт ҳақида», «Бахтлар водийси», умуман, 30-йилларда ёзилган кўпгина дилбар шеърлари, поэмалари ана шу диалектик бирликнинг намунаси. Умуман олганда, шоирнинг бутун фаолиятида, барча асарларида некбинлик кайфияти баланд туради. У оламни, одамни, ҳаётни, замонни, келажакни ҳамиша чарақлаган кайфият билан ҳис қилади, ловуллаб турган чақноқ кўз билан кўради, кўкдай тиниқ, биллурдай жарангли, маънодор сўз билан ифодалайди. Унинг ҳар сўзи, ҳар бир мисраси, ҳар бир қофияси ва ҳар бир тасвирий воситаси ўзича садо беради, ўзича рақсга тўшади, тингловчининг қалбидан бир умр ўрин олиб, уни замзамага солади.

Назаримда, «Ўрик гуллаганда» шеъри шунақа бир некбин кайфиятда, мафтункор соатда, санъаткор вужудида илҳом ҳукмрон бўлган онда, кўз билан гўзал табиатни ютиш мумкин бўлган пайтда ёзилган.

Шунинг учун ҳам ундаги лирик қаҳрамоннинг маънавий олами осмон сингари беҳудуд, қиёфаси баҳор янглиғ кўркем, табиати ипак каби мулойим, камалакдек рангдор, кайфияти офтобдай яшноқ.



Шеърнинг лирик қаҳрамони деразаси олдида ўрик дарахтининг оппоқ бўлиб гуллашидан бениҳоя хурсанд. Шу кувонч унинг кўнгил торларини чертади. Шундан сўнг у баҳор ҳақида, ўрик дарахти ҳақида, унинг новдалари, новдаларидаги ғунчалар; гуллар ва бу гуллар тотини тонгда-илк сахарда олиб кетган, шоирни ғафлатда қолдирган шабада ҳақида фикр юритади, уларга ўз муносабатини билдиради ва ниҳоят янги ҳаётдан мамнун ва масрурлигини, бахтли эканлигини ифодалаш билан шеърни якунлайди.

Лирик қаҳрамонга боғ ҳам, оппоқ гуллаган ўрик дарахти ҳам, еллар ва қушлар ҳам ҳавас билан боқади, ҳатто ҳар бир куртак, ҳар бир гул унга пешвоз чиқади, уни олқишлайди ва унинг шаънига қўшиқ айтади:

Юзларимни силаб, сийпалаб,
Бахтинг бор деб эсади еллар.
Этган каби гуё бир талаб,
Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар.

Ҳамма нарса мени қаршилар,
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз.
Мен юрганда боғларда тўлар
Фақат бахтни мақтаган овоз.

Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол.
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.

Гап бу шеърда оппоқ гуллаган ўрик дарахти ва бахтиёр лирик қаҳрамон ҳақида ҳам эмас, балки оппоқ гуллаган ўрик дарахти қиёфасидаги халқимиз кўз олдимизга келади. Ҳамид Олимжон лирикасига хос бундай рамзий образлар, жонлантиришлар, умумлаштириш ҳолатлари унинг асарларига ҳаётий

куч ва эмоционаллик бағишлайди. Бундай оригинал усулни у «Бахтлар водийси» шеърида ҳам маҳорат билан ишлатган ва гўзал Фарғона водийси мисолида бутун Ўзбекистонни бахтлар водийси сифатида таърифлаган. «Бахтлар водийси», «Чимён эсдаликлари», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда», «Ўрик гуллаганда», «Ўлка», «Ишим бордир ўша оҳуда» каби шеърлар Ҳамид Олимжоннинг табиат ошиғи эканлигини, ўзининг ғоя ва муддаоларини тараннум этиш ва ундан маҳорат билан фойдалана олиш қобилиятига эга эканлигини, табиатни муҳофаза этишга муносиб ҳисса қўшганлигини намоён этади.

Ватан мадҳига бағишланган шоирнинг шеърлари ичида 62 байтдан иборат, маснавий шаклида ёзилган «Ўзбекистон» (1939) шеъри алоҳида аҳамиятга эга. Шоир ижодий балоғатга етган бир пайтда ёзилган «Ўзбекистон» шеъри ўзбек лирик поэзиясининг мумтоз намуналаридан бири сифатида диққатга лойиқ.

Ўзбек ижтимоий лирикасининг (мактаб дарсликларида ёзилганидай пейзаж лирикасининг эмас)* гўзал намуналаридан бири саналган «Ўзбекистон» шеъри тўрт интонацион бутунликка эга бўлиб, шоир ундаги ҳар бир интонацион бутунликда Ўзбекистонга хос бир муҳим масалани қўяди ва уларни пейзаж ҳамда бошқа бадий тасвирий воситалар ёрдамида мантиқан асослайди.

Шеърнинг биринчи интонацион бутунлигида Ўзбекистон гўзал водий деган масала ҳал қилинган бўлса, иккинчи интонацион бутунлигида Ўзбекистон қаҳрамонлар диёри, учинчи интонацион бутунлигида Ўзбекистон хазиналар, бойликлар ўлкаси, тўртинчи интонацион бутунлигида Ўзбекистон халқлар дўстлиги гуллаган жой деган муҳим қарашлар ўзининг фалсафий баёнини топган.

* Ўзбек совет адабиёти. 10-синф учун дарслик. 8-нашри. Т., «Ўқитувчи», 1985. 19-бет.

Ҳамид Олимжоннинг зўр шеърлари кўпинча қолиплаш усулида ёзилади ва уларнинг ўзига хос сўз ва сўзлардан иборат маълум бир калити бўлади. Ўша шеърга калит бўладиган сўз ва сўзлар топилмаса, у шеърнинг қулфини очиш қийин бўлади, демак, уни тўғри тушуниб ҳам бўлмайди. Масалан, «Ўрик гуллаганда» шеърисида шу калит вазифасини «оппоқ гуллади» сўзлари бажарган бўлса, «Россия» шеърисида, «Осмон сингари бепоён Ватан», «Ўлка» шеърисида «Одам бахти биргина сенда» мисралари, «Ўзбекистон» шеърисида эса «бир ажиб ҳис» сўзлари бажаради.

«Ўзбекистон» шеърининг «Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди манда», қолипловчи байтини ўқиган китобхон ундаги «бир ажиб ҳис» сўзларига дуч келади-ю, бу «бир ажиб ҳис» нимада экан, деган фикрга келади ва шу «бир ажиб ҳисни» қанақа ҳис эканлигини билиб олиш учун шеърни бошидан охиригача ўқийди ва ниҳоят «Водийларни яёв кезган» шоирнинг ажиб ҳисларини билиб олади ва унга шерик бўлади. «Бу ажиб ҳис» Ватанга, мўъжизакор она тупроққа бўлган беқиёс муҳаббат, бунёдкор ўзбек халқига бўлган тенгсиз ҳурмат, меҳрибон қардош дўстларга бўлган поёнсиз муҳаббат ва шу мамлакат келгусисига бўлган юксак ишонч эканлигини билиб олади.

Ҳамид Олимжон «Ўзбекистон» шеърини анъанавий маснавий тарзида, Навоий севган классик шаклда ёзган. Гап бу шеърда маснавийнинг фақат чопағонлиги, майдонининг кенглиги ҳақида эмас, балки оташин шоирда пайдо бўлган ана шу жўшқин ажиб ҳисни, ватанпарварлик туйғуларини Ҳамидона сатрларда ёрқин ифодалаш устида кетади.

Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, оташин туйғуларга бой, романтик услубдаги бу шеър равон, содда, жўшқин, жозибали тилда ёзилганлиги маълум бўлади. Унинг ҳар бир байти, ҳар бир интонацион бутунлиги катта завқ шавқ меваси сифатида ўқилади, шеърга хос катта фалсафий мазмун, ҳаётий ғоялар, кенг географик олам, лирик

қахрамонига хос ибрат бўларли маънавий олам, бой эҳтирос,
некбин кайфият китобхон қалбини бир умр ҳаяжонга солади:

Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда қуртлар ипак тўқийди,
Бунда ари келтиради бол,
Бунда қушлар топади иқбол,
Бунда қорнинг тағларида қиш,
Баҳор учун сўзлайди олқиш.
Бир ўлкаки ҳуснга бойдир,
Унинг энг зўр кўзгуси ойдир.
Бир парча ўт бўлиб бунда кун,
Пахтасига ишлайди ҳар кун.
Ботирлари канал қазади,
Шоирлари ғазал ёзади.
Куйчилари ўқийди ялла,
Жувонлари айтади алла.
Пазандаси ёпади ширмой,
Қарилари кутади меҳмон,
Бу шундайин ажиб диёрдир.
Бунинг қизик ҳикмати бордир...

«Ўзбекистон» қасидасига хос ўктам кайфият, ижтимоий-
сиёсий руҳ, юракларга илҳом бағишловчи шеърый жозиба,
оҳори тўкилмаган ранг-баранг бадий тасвирий воситалар,
мақсадга мувофиқ ишлатилган поэтик санъатлар ва бадий
тилга тегишли ибратли хусусиятлар юқоридаги парчада ҳам
ўз ифодасини равшан топган.

Ҳамид Олимжон – ўзбек лирик поэзияси ривожига
қанчалик салмоқли ҳисса қўшган бўлса, ўзбек поэмачилиги
тараққиётига ҳам шунчалик муҳим ҳисса қўшган шоир.
Унинг қаламига мансуб ўнга яқин поэма фикримизнинг
далилидир. Булар ўртасида «Ота ҳаётидан», «Шоҳимардон»,
«Мустақиллик бизга берилган», «Ойгул билан Бахтиёр»,

«Зайнаб ва Омон», «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» поэмалари диққатга лойиқ.

Шоир поэмаларида чинакам ишқ-муҳаббатни, замонавий турмуш тарзини, ҳаётга муҳаббатни, меҳнатни улуғлайди, умуман, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашни ифодалашга ҳаракат қилади.

Мазкур мавзулар, айниқса, шоирнинг «Ота ҳаётидан», «Шоҳимардон», «Зайнаб ва Омон» каби замонавий мавзулардаги дostonларида ўзининг гўзал ифодасини топади. Ўзбек халқ эртаклари сюжети асосида ёзилган «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» қаҳрамонлик дostonларида меҳнаткаш халқ вакиллари саналган Ойгул, Бахтиёр, Тарлон, Бунёд ва бошқа оддий кишилар бошидан кечган воқеалар мисолида мозийдаги ёвузликлар ва бу ёвузликларга қарши қўзғалган халқ фарзандларининг одил, тенг, эркин, озод ҳаёт учун олиб борган кураши ўз ифодасини топган. Алишер Навоий ва А.С.Пушкин анъаналари таъсирида вужудга келган Ҳамид Олимжоннинг эртақ-dostonларида ўзбек халқининг зулм ва истибдодга қарши олиб борган мардона кураши тасвирланади, адолат, эрк, озодлик йўлида жон фидо қилган фарзандларининг ёрқин образи яратилади. Халқ ҳаётини, курашини, босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўлини ҳар томонлама ёритиши, чуқур халқчил ғоялар ва халқчиллик руҳи билан суғорилиши жиҳатидан новаторона яратилган бу икки эртақ дoston ўзбек поэмачилиги тарихида муҳим ўрин эгалланди.

Аммо Ҳамид Олимжон қаламининг дostonчиликдаги сеҳрини кашф этишда, унинг ўзбек лиро-эпик поэзиясидаги ўрнини белгилашда ва умуман шоирлик салоҳиятини баҳолашда «Зайнаб ва Омон» поэмаси алоҳида аҳамиятга эга.

30-йиллар шоир ижодининг гултожи, ўзбек поэмачилигининг катта ютуғи ҳисобланган «Зайнаб ва Омон» (1938) дostonи узоқ ва мураккаб изланишлар, жиддий ижодий меҳнат махсули сифатида майдонга келади.

Мазкур асарни ёзишда шоир ҳаёт ҳақиқатидан қанчалик қаттиқ илҳомланган бўлишидан қатъи назар, минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек достончилиги, айниқса, Алишер Навоийнинг бу соҳадаги ҳаётбахш анъаналарини пухта ўзлаштирди, воқеликда юз бераётган муҳим ўзгаришларга назар солади, асарига қаҳрамон қилиб танлаган Зайнаб ва Омонларнинг ҳаётини ҳар томонлама ўрганеди, улар мисолида ўзбек деҳқонларининг турмушини, уларга хос фазилатларини умумлаштирди. Шоирнинг «Зайнаб ва Омон» поэмасидаги катта маҳоратининг сабабларидан яна бири шунда эдики, у 30- йилларнинг бошида ёзилган «Бахтлар водийси», «Маҳорат», «Баҳри» каби шеърларида, «Шоҳимардон» (1932), «Ота ҳаётидан» (1934) поэмаларида миллий характер яратишга, шу асосда эзгуликнинг жаҳолат устидан ғалаба қозонишини кўрсатишга бел боғлаган эди. Аммо шоирда ижодий тажрибанинг етарли эмаслиги, ҳали ёшлиги сабабли мазкур асарларда унинг бу борадаги муддаоси етарли даражада амалга ошмайди. Ниҳоят, шоирнинг узоқ йиллар кутган мақсади унинг «Зайнаб ва Омон» поэмасида ўзининг бетакрор ифодасини топади. Бу муваффақият эндигина 30 ёшга кираётган Ҳамид Олимжоннинг поэтик қобилияти ҳали кўп ноёб асарлар яратишга қобил эканлигини кўрсатар эди.

Шоир «Зайнаб ва Омон» достонида икки ёшнинг ибрат бўларли тақдирини юксак эҳтирос билан тараннум этади. Янгилик билан эскилик ўртасида кечган курашда янгиликнинг одими зафарли эканлигини исботлаб беради. Шоир достонда замонавий ишқ, янгича инсоний муносабатлар, янгича онг тасвирига алоҳида эътибор беради ва бу масалаларнинг моҳиятини аниқ фактлар, ҳаётий эпизодлар, воқеалар, ибрат бўларли образлар мисолида кўрсатади. «Зайнаб ва Омон» поэмасининг сиёсий-тарбиявий моҳияти, бадий - эстетик қиммати ана шундай катта ва ибратли.

Ҳамид Олимжоннинг уруш даврида яратилган асарларида ўзбек халқининг фашизмга қарши қаҳрамонона кураши ўзининг ифодасини топди.

Уруш йилларида шоир ижоди жанговарлик касб этади. Унинг сўзлари совут ва қалқон кияди. 30-йилларда ёзган шеърларидаги жўшқин лиризм, ипакдек майин товланувчи нозик ҳислар ва туйғулар ўрнини ўткир қаҳру ғазаб, нафрат ва алам, даъват оҳанглари эгаллайди, ҳар бир шеъри бомба ва қуролга айланади.

Ҳамид Олимжондай оташин ватанпарвар, дўстпарвар шоирнинг, жўшқин янги ҳаёт куйчисининг шоирнинг шеъри бу йилларда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Урушнинг дастлабки йилларида ёзилган ва зўр ватанпарварлик, ёвга ғазаб ғоялари билан суғорилган «Ғалаба кўшиғи», «Кўлингга қурол ол» шеърларида шоир ҳарбий лирикасининг, бутун ижодий, ижтимоий фаолиятининг дастури ўзининг тўла ифодасини топган эди.

Ғалаба кўшиғини куйлашга онт ичган шоир ватандошларини кўлига қурол олишга, душманнинг адабини беришга, Ватанни ёвдан озод этишга, мард, ғолиб бўлишга чақиради. Чунки элимизга қарши мушт кўтарган ёвуз душман:

Кундузни тун деб уйлаб сарҳадга келди ўғри,

Кўршапалак охири оташга келди тўғри,

Тушар доим эсимга ўзбек мақолидир бу:

Ким аввал мушт кўтарса албатта, кўрқоқ келди. (227-бет).

«Ғалаба кўшиғи» шеъридан олинган бу парчадан кўриниб турибдики, шоирда истиқболга ишонч жуда кучли.

Шу ишонч уни жанг йилларида тинмай ижод қилишга, толмай курашишга даъват этади. Бирин-кетин яратилган «Кўлингга қурол ол», «Шинель», «Ниҳол», «Севги», «Йигит» каби шеърларида, «Йигитларни фронтга жўнатиш», «Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой», «Жангчи Турсун», «Рокса-

нанинг кўз ёшлари» каби қаҳрамонлик балладаларида, тарихий мавзудаги «Муқанна», маънавий-ахлоқий қарашларга бағишланган «Жиноят» драмаларида, «Дўстлигимиз ҳақида», «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман» каби публицистик мақолаларида ўзбек халқига хос хос оташин ватанпарварлик хусусиятлари, душманга аёвсиз нафрат, мислсиз қаҳру ғазаб, қасоскорлик каби фазилатлар ўз ифодасини топади.

Уруш йиллари Ҳамид Олимжон ижодида она образи билан Ватан образи, шоирнинг «мени» билан фронтда нон кечиб муқаддас ғалабани яқинлаштираётган қаҳрамон жангчи шахси бир-бири билан бирлашиб кетади. Ана шу руҳ, ғоя шоирнинг машҳур «Ғалаба кўшиғи» шеърида поэтик-пафос даражасига кўтарилади:

Ўзбек адабиётида баллада жанрини ривожлантиришда Ғафур Ғулом, Шайхзода, Уйғун каби шоирлар қаторида Ҳамид Олимжоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Унинг 30-йилларда ва айниқса, уруш йилларида ёзилган балладалари бу жанрнинг етук намуналари сифатида муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шоир ҳарбу зарб йилларида яратилган «Йигитларни фронтга жўнатиш», «Жангчи Турсун», «Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой», «Роксананинг кўз ёшлари» балладалари билан моҳир балладанавис шоир сифатида шуҳрат қозонади. Айниқса, у психологик, қаҳрамонлик балладаларини яратишда катта маҳорат кўрсатади. Ҳамид Олимжон балладалари ўткир ҳаётий масалаларга бағишланганлиги, темасининг актуаллиги, халқ қаҳрамонлари образининг ёрқин яратилиши, чуқур халқчил руҳи ва миллий хусусиятларга, жўшқин лирик туйғуларга ва ҳаётий сюжетларга эгаллиги билан китобхонни мафтун этади.

Украин ва ўзбек халқларининг дўстлиги васф этилган «Роксананинг кўз ёшлари» бу жиҳатдан характерлидир. Шоирнинг юксак шеърий истеъдоди туфайли бу дўстлик мавзуи «Роксананинг кўз ёшлари»да ўзининг такрорланмас лира-эпик ифодасини топади. Шу сабабли мазкур баллада

асрлар ўтгандан кейин ҳам халқлар ўртасидаги қардошлиқни мустаҳкамлаш йўлидаги ўзининг шарафли миссиясини бажаришига гумон йўқ.

Ўзбек публицистикасининг энг бақувват намуналаридан бири саналган «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман» нутқидан олинган мана бу оташин сатрларга диққат қилинг: «Менинг халқим ўз киндигининг қони тўкилган тупроқни ўз онасидай азиз кўради. Менинг халқим ўз болалари кўмилган тупроқни ўпади. Шу тупроқни ҳаром, нопок қилган одамни ўлдиради.

Қадим ўзбек ботирлари узоқ сафарга кетганда, бир ҳовуч ватан тупроғини доимо ўз ёнларида олиб юрганлар. Чунки бу тупроқ уларга ўз туғилган ерларини эслатиб турган, халқ олдида ичган қасамини ёдга солган. Ватанга бўлган муҳаббатини бир нафас ҳам унуттирмаган эди. Бу бир ҳовуч тупроқ унга ўз ота-онасини, қариндошларини, халқини эслатган, узоқ ўлкаларда бўлса ҳам, уни ўз ватанида ҳис қилдирган ва қаерда бўлмасин, ўз халқи шаънига иснод келтирмасликка, ўз халқининг номусли ва содиқ ўғли бўлишга чақирган.

У ватанни қанча севса, ота-онасини қанча севса, ота-онадан, севимли ёрдан, қадрдон Ватандан нишона бўлган шу бир ҳовуч тупроқни ҳам шунча севган. Шу бир ҳовуч тупроқнинг кучи шунча зўр бўлганки, у сувсиз саҳролардан, қорли тоғлардан, ваҳший дарёлардан, ёввойи ўрмонлардан кўз очиб юмгунча ўта олган. Шу бир ҳовуч тупроқ уни ўтдан олиб ўтга ташлаган, лекин омон сақлаган, ўк унинг кўкрагини теша олмаган, қилич танасини кеса олмаган, олов баданини куйдиrolмаган, зиндон чиритолмаган».

Шоирнинг муқаддас она-Ватанига, қаҳрамон она-халқига эътиқоди ана шунча баланд ва ниҳоясиздир. Ана шундай улуғ халққа, ор-номусли, виждонли, диёнатли қаҳрамон халққа караб, қўлингга қурол ол, деб мурожаат қилади, у:

Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса, бир парча нонинг,
Керак бўлса номус, виждонинг,
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол,
Қўлингга қурол ол!

Қўлига қурол олган, Ватан озодлиги йўлида онт ичган унинг ботир халқи қасамига амал қилиб, 1945 йилнинг 9 майида фашист галаларини тор-мор қилади, нафақат ўзини, балки бутун Европани душманнинг ифлос қадамларидан халос этади, муваффақият қозонади.

Яқин кунларда зўр шодиёна билан нишонланажак ғалаба кунлари ҳақида Ҳамид Олимжон ҳам уруш тугамасидан олдин ёзилган «Севги» шеърисида шундай ёзган эди:

Жисмимиз йўқолур, учмас номимиз,
Ғалаба тўйида бўлурмиз биз ҳам.
Азиз дўстлар билан учрашиб хандон.
Қадрдон элларга қўярмиз қадам.
Гўзал Украина далаларида
Яна аввалгидай табиат гуллар,
Буюк Россиянинг ўрмонларида,
Бизларни ёд этиб сайрар булбуллар.

Ҳамид Олимжон ижодиётининг ғоявий-бадиий жиҳатдан ибратли, таъсирли бўлишида. услубининг равон, содда, ҳайратомуз тарзда гўзал бўлишида юқорида эслатиб ўтилган ўзбек, рус, тожик, қозоқ адабий сарчашмаларидан баҳраманд бўлганлиги, бир умр ўз устида кунт ва сабот билан ишлаганлиги, ўзига ниҳоятда талабчан бўлганлиги сабабдир. Ҳамид Олимжон ниҳоятда мустаҳкам иродали, ўктам табиатли, принципиал, фозил киши бўлган.

У ҳаётда ҳам, ижодда ҳам, фаолиятда ҳам ўз идеалига доим содиқ қолган. Ана шу хусусият унинг шеърларига ҳам кўчган ва уларнинг бадиий баркамоллигини таъмин этган.

Ҳамид Олимжон – адабиётнинг қарийб ҳамма жанрларида ижод этган ажойиб сўз санъаткори. Унинг маҳорат билан ёзилган ҳикояларини, драмаларини, очеркларини, публицистик мақолаларини, катта эрудиция билан ёзилган ўнлаб илмий-тадқиқотларини яхши биламиз. Аммо у ҳамма-ҳаммасидан олдин шоир эди, замонасининг, халқимизнинг ҳавас қилса арзигулик пешқадам оташнафас шоири эди.

Гап унинг ўзбек лирик поэзиясига, лиро-эпик поэзиясига, драматургиясига кўшган ҳиссаларида ва ўзбек совет шеърятини камол топтириш йўлидаги меҳнатида эмас, том маъноси билан айтганда, у ҳикояларини ҳам, очеркларини ҳам, публицистик мақолаларини ҳам, драмаларини ҳам, илмий-тадқиқотларини ҳам шоир бўлиб ёзган, уларга шеърга кўйиладиган талаб нуқтан назаридан ёндашган. Шу сабабли мазкур асарларнинг қонида шеърӣ оҳанг, шеърӣ руҳ барқ уриб туради. Чунки табиатан шоир бўлиб туғилган Ҳамид Олимжоннинг шажараси, у мансуб бўлган халқнинг шажараси аслида шунақа бўлган.

Маълумки, шеър — бу тартиб, низом, ўлчов, шеър бу ҳаёт тарзи, ритми; шеър - бу завқу шавқ, шодмонлик; шеър - бу музаффарият, шеър бу мангулик.

Шеърдаги ана шу хусусиятлар, энг муҳими, мангулик халқимизнинг буюк фарзанди, оташин шоири Ҳамид Олимжонга кўчган. Чиндан ҳам ўзи айтганидай «дарё каби уйғоқ ётган» шоир 1944 йилдан бери ҳаётининг мангулик онларини кечирмоқда. Халқимиз орденли шоирини, аллома шоирини, ҳакам шоирини бугунги бахт ва иқбол гулларига, меҳр ва садоқат нурларига буркаб, қуёш қадар бошига кўтармоқда.

Вафотидан кейин шоир асарларининг танланган асарлар, 2 томлик, 3 томлик, 5 томлик, ва айниқса, ўн томлик мукамал асарлар тўпламининг нашр этилиши, турли тилларга

таржима қилиниши, номи билан институт (Қарши давлат дорилмуаллимини) адабиётчилар уйи (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги) театр (Самарқанд драма театри), Тошкент метрополитени станцияларидан бирининг аталиши, мактаблар, ҳайкаллар ўрнатилиши, ҳаёти ва ижодиётини кенг оммалаштиришга хизмат қилувчи музейларнинг (Жиззах шаҳрида) очилиши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан унинг номига (йиллик энг яхши поэтик асарлар учун) мукофот таъсис этилиши, юбилей саналарнинг вақти-вақти билан нишонланиб турилиши, асарларининг ўрта, махсус ва олий ўқув юртлари программаларидан мустаҳкам ўрин олиши халқимизнинг унга бўлган битмас-туганмас ҳурматининг ифодасидир.

Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодини ўрганиш ўзбек адабиётшунослик фанининг муҳим соҳаларидаи биридир. Ҳамид Олимжоншунослик 30-йилларнинг бошида бошланган, 30 - 40 - йилларда дастлабки ютуқларга эришган бўлса, бу соҳада шоир вафотидан кейин, айниқса, 50- ва 60- йилларда катта ютуқларга эришилди. Шоирнинг ҳаёти ва адабий меросини нашр этиш, ўрганиш, тадқиқ этиш ва оммалаштиришда, хусусан С. Азимов, Н. Каримов, С. Мамажонов, Н. Шукуров, С.Мирзаев, каби олимларнинг ҳиссаси каттадир.

Ҳамид Олимжон ўзига хос шеърый ва адабий мактаб яратган шоирлардан. Унинг номи билан боғлиқ адабий мактаб анъаналаридан ўзбек шоирларининг бир неча авлоди сабоқ олди. Шоир анъаналарини давом эттирувчилар ўртасида Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Шухрат, Туроб Тўла, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Хайриддин Салоҳ, Тошпўлат Ҳамид, Омон Матжон, Ойдин Ҳожиева, Гулчехра Жураева, Самандар Воҳидов каби ўнлаб иқтидорли шоирларнинг борлиғи диққатга лойиқ.

Эндиликда устоз шоирнинг номи тенгдошлари шогирдлари томонидан унга бағишлаб ёзилган шеърлар, дostonлар, эсселар, хотиралар, ҳикоялар, повестлар, драмалар ва опера-

ларда васф этилмоқда, ёрқин образи сахналарда яратилмоқда. Шоирнинг барҳаёт образи ва қутлуғ номи уни севган ҳар бир китобхоннинг, у васф этган ғояларни амалга ошириш учун курашаётган ҳар бир ватандоши ва қардошининг қалбида абадий сақланади.

Бугун шоирнинг ўзи минбарда туриб, ҳақли тарзда шундай айтмоқда:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ,
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман!

НАВОИЙ ИЖОДИЁТИ ТАРҒИБОТЧИСИ

Дунёда шундақа даҳолар бўладики, улар томонидан бунёд этилган асарлар ҳамма заминлар ва ҳамма замонлар етиштирган оқилларнинг эътиборини қозонади. Башарият ифтихори саналмиш Алишер Навоий томонидан яратилган дурдоналар ҳам ана шундай муҳим аҳамиятга эга адабий манбалардан саналади. Шулар сабабли унинг қаламига мансуб бадиият обидалари шоир барҳаёт бўлган XV асрдан бошлаб бизнинг асримизгача ҳам жаҳон фозилларининг диққатини ўзига тортиб келмоқда ва уларнинг тарғибот, тадқиқот объектига айланмоқда.

Аmmo шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бирон асрда ва бирон мамлакатда навоийшунослик фани бизнинг асримиздагидай, бизнинг мамлакатимиздагидай юксак поғонага кўтарилган эмас.

Алишер Навоий асарларини турли шаклларда нашр этиш, қўшни қардош тиллар ва чет тилларга таржима қилиш, улар борасида ҳар томонлама чуқур ва кенг маънодаги

фундаментал тадқиқотлар яратиш, улар ҳаётбахш анъаналарини эҳтиром билан давом эттириш олимларимиз, шоирларимиз, ноширларимиз ва таржимонларимизнинг муқаддас ишига айланди.

Алишер Навоий ижодиёти тарғиботчилари, тадқиқотчилари ўртасида эрк ва иқбол куйчиси, йирик жамоат ва маданият арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Ҳамид Олимжон томонидан яратилган илмий ишлар, олиб борилган тарғиботлар ва буюк мутафаккирнинг 500 йиллик юбилейини нишонлаш даврида амалга оширилган тадбирлар алоҳида қимматга эгадир.

Аслида Ҳамид Олимжон ёшлигидан Алишер Навоий ижодининг мафтунни эди. Шу сабабли у жўшқин адабий фаолиятининг 15 йилида ҳам улуғ устозининг асарларидан тинмай ўрганadi, уларни чуқур тадқиқ этади, кенг оммалаштиришга катта ижодий меҳнат сарфлайди.

Маълумки, Ҳамид Олимжон 20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошларида, аниқроғи, «Кўклам» шеърлар тўплами нашрдан чиққан кунларда Алишер Навоийнинг юракларни андуҳ ва шавққа тўлдирадиган ғазалларинигина эмас, балки шоҳ достони саналмиш «Фарҳод ва Ширин»ни ҳам бошдан охиригача ёддан билар эди. Ўша кунларда у эндигина 20 ёшга кирган навқирон йигит бўлган. Умуман, классик адабиётга, шахсан бу адабиётнинг асосчиси Алишер Навоий асарларига бўлган бу сўнмас муҳаббатни унда донишманд бобоси мулло Азим ва Фозил отаси Олим Қори ака пайдо қилган эдилар. Донишманд бобо ва Фозил ота томонидан болалиқда пайдо қилинган бу оташин муҳаббат йиллар ўтавергани сайин кучли аланга олаверади ва ниҳоят сўнмас буюк эътиқодга айланади.

Чиндан ҳам, Ҳамид Олимжоннинг Навоий ижодиётига бўлган эътиқоди буюк ва сўнмас эди. Шу эътиқод туфайли бўлса керак, шоир нафақат Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»ини балки бошқа дostonларини ҳам, мазкур

достонлар асосида яратилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби мусиқали драмаларни ҳам ёдлаб олганлигини замондошлари хотирлайди.

1938 йилнинг сентябрида Ўзбекистон ҳукумати «Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий туғилганига 500 йил тўлганлигини нишонловчи юбилей комитети тузиш ҳақида» қарор қабул қилади. Ҳамид Олимжон аввал ана шу қўмитанинг илмий котиби, орадан бир йил ўтиши билан раис ўринбосари қилиб тайинланади. Алишер Навоий юбилейига тайёргарлик кўриш йилларида Ҳамид Олимжон улуғ шоир ва буюк мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ташвиқ этиш борасида катта жонбозлик кўрсатади. Унинг олдида Алишер Навоий юбилейини ҳам Низомий Ганжавий, Тарас Шевченко, Шота Руставели юбилейлари сингари кенг миқёда ўтказиш ва бу учун катта чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси турар эди.

1940 йилнинг мартада иттифоқ Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети «Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилганидан кейин Ҳамид Олимжоннинг бу борадаги ташаббуслари кенг қанот ёяди. Шундан кейин бутун ўзбек ёзувчилари, олимлари, рус, украин, тожик, қozoқ, туркман ва бошқа халқларнинг ёзувчи ва фозиллари Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини кенг нишонлашга жалб этилади. Ҳамид Олимжон эса бу улуғ ишга бош бўлиб бор ватанни, бутун истеъдодини, ташкилотчилик қобилиятини сарфлайди. Шоир уддабуронлик билан Навоий юбилейини ўтказиш қўмитасини бошқариш билан бирга, қўмитанинг Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлар билан битадиган ишларини ҳам ташкил этади. Навоий тўғрисида маърузалар қилади. Конференция ва семинарлар уюштиради, асарларини қардош тилларга таржима қилишга бош бўлади, шоир ва мутафаккир тўғрисида бадиий, илмий асар ёзаётган ёзувчиларни рағбатлантириб туради. Унинг ҳайкалини,

портретини тайёрлашга кўмаклашади, мақолалар ёзади ва маърузалар тайёрлайди, Ҳамид Олимжоннинг Навоий юбилейи борасида олиб борган ана шундай жонбозлиги ва ташкилотчилиги тўғрисида машҳур рус ёзувчиси Н. Тихонов шоир ҳақидаги хотирасида ҳавас билан шундай ёзган эди: «Ҳамид Олимжон Алишер Навоий шеърлари ва ҳаёти, изланишлари, ижодининг поёнсизлиги ҳақида сўзлар эди. У узоқ ўтмишнинг улуғ шоири тўғрисида ҳикоя қилар экан, ҳикоясига ўзидан янги-янги тафсилотлар қўшар, фактларни мантиқан тўлдирар эдики, қаршимизда оламга сийрак кўзлари билан назар солувчи улкан санъаткор турганлигини, бу навқирон қалбада туғилажак ниятларнинг сон-саноксиз эканлигини ҳис этиб, кўриб турардик... у ўзининг, Навоийнинг шеърларини ўқир эди... у қалбан улкан шоир эди. Шундай шоир Алишер Навоий юбилейини бошқариши кишини, айниқса қувонтирар эди».*

Ҳамид Олимжон Навоий юбилейини ўтказиш комитетини бошқариш билан бирга, ўзи ҳам доҳий санъаткор ҳақида 20 га яқин мақолалар ёзади, докладлар ўқийди. Булар ичида айниқса «Навоий – ўзбек адабий тилининг яратувчиси», «Фарҳод ва Ширин» ҳақида», «Навоий ва замонамиз» деган тадқиқотлари характерлидир. Навоий тўғрисида Ҳамид Олимжон томонидан ёзилган тадқиқотлар унинг Навоий ижодиётига чексиз муҳаббати ва жиддий изланишлари натижаси ўларок майдонга келган. Ҳамид Олимжон бу мақолаларини ёзишдан олдин фақат Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, унинг асарларини жиддий ўрганиб қолмасдан, балки Навоий тўғрисида шунгача ёзилган илмий, бадиий, тарихий асарларни ҳам чуқур ўрганган, ўзбек ва форс-тожик халқлари тарихи ва адабиётидан ҳам хабардор бўлган.

Бу мақолалар катта билимдонлик, сўнмас эътиқоднинг меваси сифатида майдонга келган. Масалан, Ҳамид

* «Сен элимнинг юрагида яшайсан». Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1973. 123-124-бетлар.

Олимжоннинг «Фарҳод ва Ширин» ҳақида» деган мақоласи тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, 1939 йилда ёзилган бу йирик тадқиқот навоийшуносликда ўзига хос кашфиёт саналади. Мунаққид «Фарҳод ва Ширин»ни Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Низомийнинг «Хисрав ва Ширин»и, Хисрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хисрав»и билан чоғиштиради. Ҳамид Олимжон биринчилардан бўлиб, бу дostonларни қиёсий - типологик методда текширади ва улар ўртасидаги конкрет фарқларни аниқлайди, уни фактлар асосида Навоий дostonи сўз санъатида улуғ бир кашфиёт бўлганлигини исботлайди. Бу билан Ҳамид Олимжон Навоий «Ҳамса»си форс-тожик адабиётининг таржимаси, Навоий таржимон шоир дегувчиларга биринчилар қаторида зарба беради, иккинчидан, бундай асарлар таҳлилида қиёсий методнинг роли муҳимлигини исботлайди. Булардан ташқари, «Фарҳод ва Ширин» дostonи ўзининг чуқур ғоявий эстетик, образлар системаси ва бадий-эстетик таҳлилини ҳам Ҳамид Олимжоннинг мазкур фундаментал тадқиқотида топади. Кейинги 55 йил ичида (1939-1990) «Фарҳод ва Ширин» дostonи тўғрисида қатор йирик тадқиқотлар яратилганлигидан қатъи назар, Ҳамид Олимжон қаламига мансуб мазкур тадқиқот ҳамон ўзининг илмий-эстетик қимматини йўқотган эмас. Айниқса, «Фарҳод ва Ширин» тўғрисида яратилган ва яратилаётган тадқиқотларнинг йўналишини белгилаб беришда бу мақоланинг роли ниҳоятда катта эканлигини эътироф этиш лозим.

Шоирнинг «Навоий ва замонамиз» тадқиқоти ва навоийшуносликда алоҳида аҳамиятга эга асарлардан бири бўлиб, бу ишда Ҳамид Олимжоннинг катта донишманд эканлигини, у нафақат шоир, балки, улкан адабиётшунос олим, катта тилшунос, зўр тарихчи, забардаст философ эканлигидан далолат беради.

Ҳамид Олимжоннинг Навоий ҳақидаги тадқиқотларида унинг шоирлиги ўз ифодасини равшан топган. Шоир хоҳ

«Фарҳод ва Ширин» ҳақида фикр юритсин, хоҳ Навоий ўзбек тилининг ва адабиётининг асосчиси эканлигини, хоҳ Навоий ижодиётининг тематикаси ва уларнинг бизнинг замонамиз билан боғлиқ эканлигини исботламоқчи бўлсин, ҳамма-ҳамма ҳолда у шоирона тафаккур қилади, шоирона жумлалар қуради, таҳлил қилади ва шоирона хулосалар чиқаради. Муҳими, Ҳамид Олимжоннинг Навоий ҳақидаги барча асарларида устоз Навоий буюк фахр ва ифтихор билан тилга олинади ва шарафланади. Жумладан, унинг «Навоий ўзбек тилининг яратувчиси» мақоласида шундай жумлалар бор: «Жаҳон адабиёти тарихида франсуз ёзувчиси Бальзак, рус ёзувчиси Лев Толстой сингари кўп ёзган адиблар йўқ. Ўз асарларининг кўплиги жиҳатидан бу икки ижод ва фикр гигантига тенг келадиган ёзувчи топилмайди. Лекин булар проза азаматлари эдилар. Бизнинг буюк Алишеримиз шеър-поэзия бобида жаҳон адабиётининг энг биринчи ўринларида боради. Унинг жуда кўп илмий, тарихий асарларидан қатъи назар, ғазал ва дostonларининг ўзи улуғ бир тоғдан иборатдир. Навоийнинг ҳар бир дostonи катта бир роман, эпопеядир. Ёлғиз «Фарҳод ва Ширин» дostonининг ўзигина Пушкиннинг «Евгений Онегин»ига уч барабар келади...».* Келтирилган парчадан Ҳамид Олимжоннинг жаҳон адабиёти ютуқларидан хабардор эканлиги ўз ифодасини топиши билан бирга, унинг фактларни объектив баҳолаши, қиёсий методдан фойдаланиши ва ўз халқи маданияти билан фахрланиши кўзга равшан ташланади.

Алишер Навоий асарларига ва шахсига бундай маҳлиёлик шоир ижодиётининг ривожига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли унинг жўшқин лирикасини, ибратли ижодий фаолиятини, хусусан, «Зайнаб ва Омон» дostonини ана шу ҳаётбахш таъсирсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

* Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар, уч томлик, 3-том, ЎзССР ДБАН, Т., 1960, 317-бет.

Халқимиз ўзининг сеvimли шоири Ҳамид Олимжон туғилган куннинг 80 йиллигини катта шодиёналар билан нишонлаётган юбилей кунларида унинг улуг устози Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, оmmалаштириш ва тадқиқ этиш соҳасида амалга оширган ишлари ва жўшқин фаолияти тўғрисида фикр юритиш маълум эстетик-тарбиявий ва амалий аҳамият касб этади.

РУС АДАБИЁТИ ВА ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИЁТИ *

XX асрнинг энг улкан лирик шоирларидан бири Ҳамид Олимжон рус адабиёти асарларига хос ғоят нозик жиҳатларни, бадий маҳоратнинг олмос жилолаларини ўзбек адабиётига, хусусан, ўзбек поэзиясига биринчилардан бўлиб моҳирона сингдира олган сўз заргари, том маънодаги новатор ижодкор эди.

Ҳамид Олимжон ёшлигиданоқ рус тилини ўрганиб, бу тил орқали рус адабиётига кучли меҳр-муҳаббат қўйиб, уни иштиёқ ва эътибор билан изчил мутолаа қилганлиги маълум Ҳамид Олимжон адабий-ижтимоий фаолиятининг гуркираган даврида эса рус маданияти ва рус адабиётининг ўзбек халқи орасидаги энг жонкуяр тарғиботчиларидан бири сифатида шуҳрат қозонди. Бу ҳодиса эса ўша вақтда ижтимоий муҳит барча ўзбек зиёлилари олдига қўйган сиёсий, шу билан бирга, адабий-маърифий вазифалардан бири эди.

Бадий ижодиёт каби узоқ асрли мураккаб ва кенг тармоқли ижтимоий-эстетик қонуният тараққиётида шундай сиймолар учрайдики, буларнинг адабий-ижтимоий фаолияти ўзининг ғоят кўп қирралиги билан ажралиб туради. Масалан,

* Бу боб тадқиқотчи А. Хонов билан ҳамкорликда ёзилган.

Ўз халқлари ижтимоий тараққиётининг тарихий бурилиш давларида майдонга чиққан Ҳомер, Низомий, Навоий, Шекспир, Сервантес, Бальзак, Пушкин, Горький, Тагор каби даҳо сўз санъаткорлари фаолияти бунинг ёрқин мисолидир. Бу санъаткорлар ўз ижодлари билан жаҳон адабиётига шоҳ асарлар бериш, ўз халқлари адабий тилини яратиш, мукаммаллаштириш, қардош халқлар маданияти билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, адабиётлараро ҳамкорликни кучайтириш, адабиёт-санъат тараққиёти бобида юксак ташкилотчилик намуналарини кўрсатиш билан бирга ўз даврининг беқиёс байналминал сиймолари сифатида ҳам намоён бўлганлар.

Ана шундай кўпқирралилик, фикримизча, ўзбек адабиётининг биринчи бўғин вакиллари фаолиятига ҳам бевосита даҳлдордир. Ҳамза, Садриддин Айний, А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Ғ. Ғулум, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Абдулла Каҳҳорлар ўз вақтида ўзбек адабиётининг шаклланиши, ғоявий-эстетик жиҳатдан юқори поғоналарга кўтарилиши даврида фақат ижод билан шуғулланиб қолмасдан, балки тарихий давр талаби билан ҳозирги шаклланган ўзбек адабий тилини мукаммаллаштириш, миллий адабиётни асоссиз хуружлардан асраш, ўзбек адабиётининг қардош ва чет эл прогрессив адабиётлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, бадий таржимани кенг йўлга қўйиш, адабиёт, санъатнинг тараққиёти, гуллаб-яшнаши, ёшларга ғамхўрлик, катта ташкилотчилик ва жамоатчилик ишларини амалга ошириш соҳаларида ҳам жонбозлик кўрсатишган.

Ҳамид Олимжоннинг бу борадаги адабий-ижтимоий фаолияти алоҳида ажралиб туради. Маълумки, Ҳамид Олимжон фавқуллодда таланти ва ноёб фазилатлар эгаси эди: у толмас ташкилотчи, туғма шоир, беқиёс интернационалист, ўткир сиёсатдон, ажойиб нотик бўлган. Бу унинг кўп тармоқли фаолиятида алоҳида ўрин тутадиган рус-ўзбек

адабий алоқаларини ривожлантириш борасидаги ишларида ҳам яққол кўринади. Ҳамид Олимжон рус адабиётининг ғоявий-эстетик принципларини ўрганиш ва ўз ижодиётида тадбиқ этиш, рус ёзувчилари ижодиётини ўзбек элида оммалаштириш, тарғиб этиш, уруш даврида Ўзбекистонда яшаган рус адабиёти ва санъати намояндаларига ҳар томонлама шарт-шароит яратиб бериш борасида катта жонкуярлик намуналарини кўрсатади. Ҳамид Олимжон томонидан 30-йиллардаёқ яратилган «Салом, Пушкин», «Толстой ва ўзбек халқи», «В.В.Маяковский ҳақида», «Горькийни таниш», «Буюк санъаткор», «Ёвузларнинг омонсиз ёви», «Тарас Шевченко» каби ва ўзбек адабиётининг ғоявий-бадий софлиги ҳамда камолоти масалаларига бағишланган қатор назарий мақолалари, унинг рус адабиётини чуқур билишини, ундаги поэтик оқимлар, метод ва услублар тарихи, бадий-эстетик асослари, поэтикаси, образлар дунёси борасида теран билимга эгаллигини кўрсатади. Ҳамид Олимжоннинг рус-ўзбек адабий алоқаларини ривожлантириш соҳасидаги, хусусан, иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фаолияти Сарвар Азимов, Салоҳиддин Мамажонов, Наим Каримов каби олимларнинг қатор илмий танқидий ишларида, Т. Ҳамидовнинг докторлик, Х. Зикрияева ва Н. Намозовларнинг номзодлик диссертацияларида бирмунча кенг кўрсатилган. Аммо булар билан чегараланиб бўлмайди. Фикримизча, Ҳамид Олимжон ижодидаги рус адабий анъаналари масаласи ҳали илмий жиҳатдан дуруст тадқиқ этилмаган соҳалардан биридир. Адабий алоқаларни, бу борадаги фактларни, қайдларни, эътирофларни кўрсатиш ва шу билангина чегараланиш – бу ҳали адабий алоқалар каби катта адабий-ижтимоий ҳодиса натижасида юзага келадиган адабий таъсирни ҳамда унинг конкрет изларини холисона очиб бериш дегани эмас. Бу нарса аслида ғоят мураккаб ва нозик адабий жараёндр. Тўғриси, адабиётларнинг алоқалари ва ўзаро таъсири

масаласини, умуман, адабиётшунослигимизда ўрганиш соҳасида ҳали жиддий эътибор берилмаётганлиги ва бу масала бир қадар юзаки ва қуруқ талқин этилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Адабиётшунос Бахтиёр Назаров тўғри таъкидлаганидек, «...бизнинг ишларимизда кўп ўринларда адабий алоқалар доирасидагина қолиб кетиш, жуда нари борса, қисман адабий таъсирга ўтиш ҳоллари кўзга ташланади. Иккинчи масалада ҳам туб моҳият эмас, юзакилик, икки халқ адиби ижодларидаги ўхшаш ва яқин моментларни фақат қайд этиш билан чекланиш ҳоллари кўзга ташланади. Шу икки масаладан сизиб чиқувчи асосий масала адабиётларнинг бир-бирини бойитиши масаласи эса кўпинча четда қолади».

Ҳақиқатан ҳам бу фикрда жон бор. Адабий алоқа ҳамиша адабий таъсирнинг самарали натижаси ва унинг тўғри илмий талқини билан қимматлидир. Ўзбек шоирларининг ўз шеърларида Россияни, Волгани, Пушкинни, Лермонтовни, Некрасовни, Горькийни ва уларнинг шахсий-ижтимоий, ижодий фазилатларини куйлаши, рус адабиёти ва рус ёзувчилари ҳақида мақолалар эълон қилишлари булар шу адибларнинг анъанасини давом эттириш деган ҳақиқатни халқ тўла кўрсатиб бера олмайди, балки бу шу улуғ ёзувчиларга бўлган муносабатнинг изҳори, муҳими, тадқиқотчиларни олға ундайдиган, кўп ҳолларда таянч нуқтаси бўлиб ҳисобланадиган белгили қирралардир, холос. Фикримизча, адабий таъсирнинг анъананинг самарали натижаларини, бирдан-бир тўғри очиб берадиган муҳим амалий майдон - ёзувчилар қаламига мансуб бўлган бадиий асарларнинг асосий тадқиқот майдони бўлиб хизмат қилишидир.

Рус адабиёти сабоқларидан ўзбек адабиётида энг кўп, энг самарали, энг пухталиқ билан ўрганган ижодкорлардан бири саналадиган Ҳамид Олимжон ижодий фаолиятининг бу томонлари юзасидан фикр мулоҳаза юритиш мураккаб ва

масъулиятли вазифадир. Ҳамид Олимжон ижодига рус адабиётининг ғоявий-эстетик моҳияти, поэтикаси шу даражада сингиб, ўзиники бўлиб ўзлашиб кетганки, бу нарсани рақамлар билан санаб кўрсатиш, конкрет ҳолда мана бу, мана у деб белгилаб бериш мумкин эмас. Биз бу муаммони айрим жиҳатлари борасидагина, чунончи, Ҳамид Олимжоннинг рус классик адабиётидан эстетик томондан, асосан, бадий маҳорат жиҳатидан ўрганиш масалалари тўғрисида айрим фикр-мулоҳазаларимизни баён этишга ҳаракат қиламиз.

Агар таъбир жоиз бўлса, Ҳамид Олимжонни рус классик адабиётининг қуёши А. С. Пушкинга энг яқин, устозининг ўзбек элидаги орзуларини амалда яққол кўрган, энг бахтиёр, энг новатор шогирдларидан бири дейиш мумкин. Пушкин ва Ҳамид Олимжон ижодий фаолияти ўртасидаги ажиб бир ўхшашлик ҳар бир адабиёт мухлисига маълумдир. Бу икки шоир ҳам эсини танигандан бошлаб, болалик чоғлариданоқ, халқ эртаклари, халқ дostonларининг сеҳрли оламидан, тиниқ чашмасидан баҳраманд бўлиб, шу руҳда вояга етишган. Икки санъаткор ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, нашр этиш, илмий жиҳатдан ўрганиш, халқ оғзаки ижоди намуналарининг ижодкорларига ғамхўрлик кўрсатишда беқиёс хайрли ишларни амалга оширишган. Албатта, бу билан биз Ҳамид Олимжоннинг Пушкиндан ўрганишини шу йўналишда таъкидлаш ниятимиз йўқ. Бу масаланинг, ҳақиқий, адабий таъсирини кўрсатишнинг ҳали шунчаки дебоचा қисмидир, холос. Биз бу билан, аввало, Пушкин ва Ҳамид Олимжон шеърятининг фольклор чашмасидан доимо қониқиб турганлигини, бу икки даҳо санъаткор ижодиёти халқ оғзаки ижодиёти билан узвий бирикиб кетганлигини таъкидлашга муваффақ бўламиз, холос. Шунинг учун ҳам бўлса керак, халқчиллик, равонлик, соддалик, ажиб лирик ҳиссиётларнинг ижтимоийлик чўққисида талқин этилиши каби фазилатлар жиҳатидан

Пушкин ва Ҳамид Олимжон поэзияси ўртасида ғоят бир нозик ҳамоҳанглик мавжуд. Ижтимоийликнинг гўзал лиризм чўққисидида очилиши бу икки шоир ижодиётида алоҳида-алоҳида қимматга эга.

Булутли оқшом эди, кўк юзи ғира-шира,
Қопламоқда кечанинг либосин кўрғошин ранг.
Қарағайзор ортидан кўринади ой хира,
Тушдагидай туманли, илғайсан аранг...
Юрагимни эзади нуқул қора қайғулар,
У ёқда узоқларда ой қалқади ярқироқ.
Кечкурунлар навоси илиқ, у ёнда қандоқ?
У ёқда гўзал денгиз, ўйнар тўлқинли сувлар—
Яшил осмон тагида...*

Бу мисралар ёт элларда айрилиқдаги инсоннинг ғуссали туйғулари изоҳлари эканлиги дарҳол аён бўлади. Дарвоқе, бу парча А. С. Пушкиннинг машҳур «Эркинлик» шеърини ёзиб, Россиянинг жанубига сургун қилинган даврда яратган шеърларининг биридан олинган бўлиб, унда кўрганимиздек, буюк шоирнинг айрилиқ ғуссаси, туғилиб ўсган жойини соғиниш туйғуси ўзига хос бир ғамгин табиат манзараси, сўлғин лирик патетика қатида ўз мужассамини топгандир. Мана шу оддий, жозибали лирик бўлиб кўринган парча ортида чор самодержавиясининг қонли, жирканч башараси кўриниб турибди, шоир очиқ айтмаган тақдирда ҳам биз сезиб-билиб турамыз.

Ҳамид Олимжон шеърларининг асосий фазилати саналган мусиқавийлик, ҳис-туйғуларнинг ажиб табиат манзаралари Уйғунлигида талқин этилиши ижтимоий муҳитнинг долзарб масалалари билан чамбарчас боғлиқ тарзда намоён бўлади:

* А.С.Пушкин. Лирика. – «Ёш гвардия». Тошкент, 1975, 46-бет.

Кўм- кўк.
Кўм-кўк,
Кўм-кўк...
Кўклам куёшидан
кўкарган қирлар,
Пўлат яғринларни
кўтарган ерлар
кўм-кўк!...
Салқин саҳарларда уйқудан турган
Булоқ сувларига юзини ювган
Мармар наволарнинг
қўйнига чўмган
Зилол бўшлиқларга
кенг қулоч қўйган,
Мустақиллик
ишқи билан
ёнган далалар
кўм-кўк.*

Шоирнинг бошқа бир машҳур шеърдан олинган мисраларга диққат қилинг:

Оппоқ қордир тоғларнинг тоши,
Дарё тиниқ, осмон беғубор.
Шу ердадир ўлканинг боши,
Сув бўйида менинг уйим бор...

Бу ўлкада қалбларнинг тоза
Ва поклари келиб учрашар.
Одам топган бахтни овоза
Қилиб гуллар, булбуллар яшар. (I том, 243-бет).

* Ҳ.Олимжон. Беш томлик асарлар мажмуаси. 1 том. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т, 1970 й, 153-бет (Мисралар шу беш томликдан олинганди).

Бу мамлакатда ҳатто гуллар ва булбулларнинг ҳам одам бахтини бутун дунёга овоза қилиб куйлашини сезиш, бу ўлкада фақат қалби тоза ва пок одамнигина улуғлаш фақат Ҳамид Олимжондек улкан лирик санъаткорга хос фазилатдир. Бу фазилатни эса унга жонажон диёри бергандир.

А. С. Пушкин ҳақида ёзган «Салом, Пушкин» мақоласи, «Пушкин» шеъри ҳамда «Шодликни куйлаганимнинг сабаби», «Россия» каби шеърлари Ҳамид Олимжоннинг улуғ шоир даҳосини, унинг фожиали тақдирини, ижодининг асосий хусусиятларини нақадар чуқур билишини кўрсатади. Муҳими, булар орқали Х.Олимжоннинг Пушкин ижодидан қай йўналишда озиқланиш масалалари борасида ҳам маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин. Масалан, «Шодликни куйлаганимнинг сабаби» шеъридаги:

Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч
Йиғлаб турган бир черкас қизни

байтининг ўзиёқ, Ҳамид Олимжон Пушкин ижодининг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор берганлигини, қай бир томонлари уни тўлқинлантирганлигини, таъбир жоиз бўлса, ундан акс таъсир олганлигини сезмаслик мумкин эмас. «Пушкин» шеърида у шоирнинг ҳаққоний қиёфасини, ғоявий позициясини аниқ чизиб беради:

Дунёвий азоблар ёндирди қалбин,
Омонсиз ёв бўлди, золим фалакка,
Итоатсиз бўлди, исёнкор, бедин,
Фақат, ғариб қолди, ўртанди якка...
Юз ўғирди сарой, кошоналардан,
Тарихий жумбоқни шундай этди ҳал:
Аҳли киборлардан, подшолардан
Ўғри деб ном олган Пугачёв афзал. (1 том, 264 бет.)

Бунга ўхшаш мисоллар бизга муҳим хулосалар чиқаришимизга имкон беради. Ҳамид Олимжон улуғ Пушкин дардини, мунгини, чексиз ҳасратини қанчалик чуқур идрок этар экан, бу нарса ўз навбатида унга ўз диёрининг чиройини, бахтиёрлигини, рангинлигини шунчалик кучли ва яққол идрок этишга, беғараз бахтни, ёрқин яратувчилик, меҳнат завқ-шавқини шу қадар тўлиб-тошиб куйлашига имкон яратган, дейишимизга муҳим асос бор. Фикримизча, А. С. Пушкиннинг «Булутли куз, оқшом палласи» мисраси билан бошланувчи романи билан Х.Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» балладаси ўртасида ўзига хос бир яқинлик бор. Бу, аввало, мазкур асарларининг баён услубида, сюжет йўналишининг умумий фабуласида кўринади. Роман асосида бахтсиз бир жувон изтироблари талқини ётади. У бадном бўлмаслик учун никоҳсиз туғилган гўдагини бағрига босиб далама-дала юрар экан, охири уни бир уй олдига ташлаб кетади. Пушкин «булутли куз оқшом палласи»да бахтсиз ишқнинг сирли меваси» бўлган қўлидаги чақалоғини бағрига босиб, дала йўлида «диққат билан атрофга қараб», «бир қўркувда, ваҳимада» юрган жувон изтиробларини ва унинг бахтсиз қисматини мунгли лирик патетика қатида кўрсатар экан, китобхонни ачиниши ва нафрати ўз-ўзидан ижтимоий муҳитга каратилади.

Роксана воқеаси ҳам бир қарашда шунга ўхшашдай туюлади. Узоқ Украинадан уруш туфайли Ўзбекистонга эвакуация қилиниб, шу ерда яшаётган Роксананинг фарзанди ўлади. Роксана уни ҳеч кимга билдирмай далама-дала олиб юриб, христианлар мазорини қидиради. Минг изтироблардан сўнг, чорасиз қолиб, ахири иккиланган тарзда мусулмонлар мазорига боради. Қабристон қоровули бўлган чолнинг сўзлари Роксанани ҳайратга солади:

Билсанг менинг ҳам ўғлим,
Қолди сенинг ерингда.

Бор менинг ҳам қабрим.
Сенинг севган элингда.
Бу уруш кўп халқларнинг
Озорини ҳам кўшди.
Тақдирини қилди тенг,
Мозорини ҳам кўшди. (II том 32-бет.)

Буюк байналмилалчи Ҳ.Олимжон ўзбек элининг бағри кенглигини, уларнинг тенг оиладаги қардошларча самимий биродарлигини юксак фахр билан талқин қилади, бу билан эса ўз навбатида «Роксананинг кўз ёшлари» XIX аср рус шоири А.С.Пушкин асарларидан фарқли тарзда миллий шеърятнинг гўзал намуналари қаторида ўзгача оригинал ғоявий - эстетик қиммат касб этади.

Ҳамид Олимжон «Шодликни куйлаганимнинг сабаби» шеърида алоҳида бир ихлос билан: «Лермонтовни ташламадим ҳеч», - деган эди. Фикримизча, Ҳ.Олимжоннинг рус адабиётига муносабатида бу айрича таъкид («ташламадим ҳеч») ўзининг алоҳида илмий қимматига эга. У мақолаларидан бирида М. Ю. Лермонтов даҳоси борасида ҳам сўз юритар экан, уни яъни «йигирма етти ёшида ўлган бу йигитнинг кучи А. С. Пушкиндан кам эмас эди», (IV том, 155-бет) деб биларди. Дарҳақиқат, А.С.Пушкиндан сўнг рус адабиётида фавқулудда новаторона бир ҳодиса сифатида пайдо бўлган М. Ю. Лермонтов адабиётда Пушкин бошлаган йўлни изчил ва садоқат билан давом эттиради, уни яна бир қадар юксак поғонага кўтаради.

Ҳамид Олимжон ижоди, фикримизча, Лермонтов ижодига Пушкиндан кўра ҳам яқинроқ ва ҳамоҳангроқ бўлиб туюлади кишига. М.Ю. Лермонтов ижоди ва ўз навбатида ундан Ҳамид Олимжоннинг ўрганиши, аввало мусиқавийликнинг ўта рангинлашуви, лиризмнинг чуқурлашуви, ҳис-туйғулар талқинининг равонлашуви, энг муҳими эса, бизнингча, лиризмда реалистик йўналишнинг бирмунча кучайганлиги билан изоҳланади. Бу А.С.Пушкинда реализм заиф экан, деган

тушунчага олиб бормаслиги керак. Пушкин рус адабиётини романтизмдан реализмга ўтказган, реализм йўлига олиб чиққан, реализм принципларининг барқарорлашувини тезлаштирган даҳодир. Хусусан, декабристлар кўзғолонидан сўнг унинг ижодида реалистик йўналиш кучайиб кетади. Пушкиннинг энг новатор шогирди бўлган Лермонтов, аввало, устозининг ижодида кўринадиган реализмни кенг аспектда қабул қилиб олади ва уни лиризм билан уйғунликда янгича ва чуқур оҳангларда ҳали устози эришмаган юксакликларга кўтаради. Лермонтовдан сўнг эса реализм (албатта, Пушкиндан бошланган «танқидий реализм» тарзида) рус адабиёти ривожда янада такомиллаша, чуқурлаша бориб, у Тургенев, Некрасов, Чернишевский, Достоевский, Толстой, Чеховлар ижодида ўзининг тарихий такомилга етади. Биз юқорида А.С.Пушкин лирикасида ижтимоийликнинг лирик туйғулар чўққисиди талқин этилиши маҳорати борасида фикр юритганда, пушкинона ҳасрат, мунг оҳангидан Х.Олимжоннинг акс таъсириланишини, яъни бу нарса Ҳамид Олимжон ижодида ҳаёт бахтиёрлигини баралла овоз билан куйлаши тарзида намоён бўлишини айтган эдик.

М. Ю. Лермонтов ва Х. Олимжон муносабатини ҳам аввало шу йўналиш аспектида кўзатиш мумкин. Лермонтовда мунг, ҳасрат, бахтсизлик Пушкиндан кура ҳам кенг, чуқур ифодаланади:

Оқшом осмони тиниқ,
Порлоқ олис юлдузлар,
Гўдак бахтидай порлоқ.
О, нега фақат мен сизга, юлдузлар,
Бахтимдай порлоқсиз дея олмайман!*

Адабий таъсирни ўрганаётганда, асосан, наср билан насрни, шеърят билан шеърятни муқояса қилиш илмий ишларда таомил характериға айланиб қолган ҳодисадир.

* М.Ю.Лермонтов. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Г.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1978 йил, 70-бет.

Лекин, бизнингча, уни аксинча планда, масалан, наср ва шеърятнинг алоқаси тарзида ҳам ўрганиш керак. Масалан, Стендаль насрининг мусиқавийлиги, чуқур лиризм ва психологизмдан иборат фазилати қайси бир шоир учун ўрناق бўлмайди? Бёрнс шеърятига хос халқчиллик, ҳаётнинг ўзи каби содда жозибадорлик бир носир учун муҳим ижодий таъсир манбаи була олиши шубҳасиз.

Адабий таъсир ҳар қандай жанрдаги бадиий асарнинг ички эстетик йўналиши, услуби, манераси ва поэтикасидаги умумий ҳамоҳанглик жиҳатлари билан белгиланади.

Маълумки, Х.Олимжон поэзиясида гўзалликни улуғлаш асосий фазилатлардан биридир. Унинг поэзияси қатидан сизилиб чиқувчи рангинлик, мусиқавийлик китобхон қалбини ажиб нурли туйғулар, ёрқин ҳиссиётлар ила жунбушга келтириш хусусиятлари табиат тасвири жиҳатдан М. Ю. Лермонтов ижоди билан бирга И.С.Тургенев даҳоси билан, жаҳон адабиётида насрнинг шоири сифатида танилган, ҳар бир носир асарининг ўзи бошидан охиригача гўзал поэтик оҳанглардан иборат бўлган И. С. Тургенев ижодиёти билан ҳамоҳанг ҳодисадир. Давримизнинг энг улуғ ёзувчиларидан бири Чингиз Айтматов Ф. М. Достоевскийнинг 150 йиллик юбилейи тантаналари кунларида у ҳақда эълон қилган мақолаларидан бирида Достоевский ижодиётининг аҳамияти ҳозирги кунларда бутун дунёда тобора юксалиб бораётганлигини, хусусан, ёвуз кучларнинг қутураётган даврида одамга ачиниш, инсонни ҳалокатдан асраш ғояларининг тобора катта аҳамият касб этиб, дунё буйлаб кенг ёйилаётганлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ву нозик кузатиш ҳар бир буюк санъаткор даҳосига ҳам ўз йўналиши ва маъносида умуман даҳлдор қонуниятдир. Шу нуқтаи назардан караганда, XIX аср рус реалистик насрининг улкан вакилларида бири, моҳир табиат куйчиси И. С. Тургенев ижодиётининг аҳамияти, аввало, бутун дунёда катта сиёсий-ижтимоий моҳиятга эга табиатни муҳофаза қилиш муаммоси

жихатдан ялпи доирада тобора ўзига хос қиммат касб этиб бораётганлигини таъкидламоқ керак. Бу, энг аввало, И.С.Тургеневнинг табиат манзаралари тасвиридаги беқиёс санъаткорлиги билан боғлиқ. Бутун дунё ёзувчилари, жумладан, ўзбек ёзувчилари И.С.Тургеневдан биринчи навбатда ана шу жихатдан ижодий ўрганадилар. Биз нафис лирик шоир Ҳамид Олимжон поэзиясидаги беқиёс гўзал, миллий ва реалистик табиат тасвири поэтикаси И. С. Тургенев даҳоси билан ҳам чамбарчас боғлиқлигини ҳаммиша диққат марказига қўймоқ керак, деб ўйлаймиз.

Албатта, бу ҳодиса асарлардаги табиат тасвири деталларнинг сиртқи ўхшашлигига асосланмайди. Чунки И. С. Тургенев марказий Россия табиатининг, Ҳамид Олимжон эса такрорланмас Ўзбекистон табиатининг моҳир куйловчилари, улар бу соҳада табиатнинг истеъдодли рассоми даражасида намоён бўладиган адиблар бўлиб ҳисобланадилар. Бу борада икки санъаткорнинг асарларидан хохлаганча мисоллар келтириш мумкин. И. С. Тургеневдан: «...осмоннинг чети қизара бошлайди, қайинзор уйғонмоқда, патир-путур қилиб дарахтдан дарахтга зоғчалар кўнмоқда, қорайиб кўринган ғарамлар яқинида чумчуқлар чирқилляпти. Ҳаво ёришади, йул кўриниб қолади, осмон тиниқлашади, қора булутлар оқаради, далалар яшил тусга киради. Уйларда чўпчиروқларнинг қизил шуъласи кўринади, дарвозалар орқасидан уйқули овозлар эшитилади. Бу орада тонг қизариб келмоқда, мана, осмон буйлаб узун, заррин камарлар чўзилди, жарлардан буғлар кўтарилмоқда: ўткир овоз билан тўрғайлар сайрамоқда, тонг шамоли эсди. Қуёш қип-қизил рангда секингина қалқиб чиқмоқда. Ёруғлик жўшқин дарёдек оқиб келмоқда, юрагингиз шундай талпиниб кетади. Ҳаммаёк мусаффо, қувноқ, гўзал. Теварак-атроф узоқ-узоқларгача кўриниб туради. Ана, қайинзор орқасидаги қишлоқ, ана ундан нарироқда оқ черковлик бошқа бир

қишлоқ ҳов, ана у тепаликда кичкина қайинзор кўриниб турибди..».*

Ҳамид Олимжондан:

...Сенинг билан бирга иқболим,
Ишончимнинг сен вафо тоғи.
Мени қуршар салқин бир ҳаво,
Сув устидан тун қуюлади.
Шунда қанча-қанча гапларни
Эсга солиб ой ҳам тўлади.

Кеча жимжит. Ёлғиз тўлқинлар
Пишқиради билмай тинимни.
Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар,
Солиб қўйдинг ёдимга кимни?
(1-том, 226-бет).

Шоирнинг машҳур «Ўзбекистон» шеърисидаги:

Чиройлидир гуё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин,
Қорли тоғлар турар бошида.
Гул водийлар яшнар қошида,
Чор атрофга ёйганда гилам,
Асло йўқдир бундайин кўклам. –
(1- том, 273-бет).

каби мана шу мисралардаёқ бутун ўзбек элининг маҳобатли улуғвор, ҳаққоний, дилбар қиёфаси типик табиат тасвирида ёрқин ўз ифодасини топган.

Юқоридаги мисолларни тасвирдаги мусиқавийлик, тиниқлик, ички гўзаллик нуқтаи назаридан нозик бир ип бир-бирига боғлаб турибди. Ўзбекистон табиатининг моҳир

* И.С.Тургенев. Танланган асарлар. 1 том, Тошкент, 1967, 422-бет.

куйчиси Ҳамид Олимжон қаламига мансуб лиро-патетик, реалистик табиат намуналари унинг ижодига нурли туйғулар, шуъладор ёлқинлик, жозибадор тириклик бахш этиш билан бирга, ўзининг том маънодаги миллийлиги, она табиатни ардоқлаш ва севиш туйғуларини жунбушга келтириш туфайли янада оригиналлик касб этган.

Рус адабиёти сабоқлари ва Ҳамид Олимжон ижодиёти мавзуи ғоят кўп тармоқли катта масала эканлигини яна бир бор таъкидлагимиз келади. Фикримизча, Ҳамид Олимжоннинг серқирра ижодиётини ҳам кенг тарздаги қиёсий таҳлил аспектида ўрганиш вақти аллақачон етди. Чунки Ҳамид Олимжон ижоди юқоридаги рус классикларидан ташқари яна Некрасов, Лесков, Бунин, Блок, Горький, Маяковский, Пришвин, Паустовский каби рус классик ва замонавий ёзувчилари ижоди билан ҳам бевосита яқиндир. Ана шундагина бу жўшқин, оригинал сўз санъаткорининг ижодий олами унинг чексиз осмондек маънодор кўлами, дунёвий довуғи нақадар бепоёнлиги ўзига хослик даражаси янада чуқур, янада мукамал очилган бўларди, деб ўйлаймиз.

Агар диққат қилинса, А.С.Пушкин, М. Ю. Лермонтов, И. С. Тургенев, Ҳамид Олимжон асарлари кўлаמידан ҳамиша ям-яшил ўрмонларининг оҳиста шовиллаши, нам, салқин шабаданнинг оромли эсиши, кўм-кўк дарахтлар тўпининг улуғворлик билан чайқалиши, ранг-баранг адирлар бағридаги ўт-ўланларнинг ёқимли бўйлари, юзида куёш нурлари жилваланиб турган кенг дарё сувининг секин мавжланиши, турли қушлар сайраши, оппоқ парқув булутлар сийнаси кўришиб, эшитилиб, сезилиб тургандай бўлади.

Бу ички гўзал рангин туйғулар йўналиши бу тўрт сўз санъаткори даҳосининг бир-бирига ҳамоҳанглиги, ўз навба-тида эса оригинал пафосини яққол намоён қилиб туради. Академик ёзувчи Ойбек айтганидек: «Ҳамид Олимжон рус поэзияси таъсири остида вояга етган лирик шоирлардан дандир...

Ҳамид Олимжоннинг ўзбек халқига, унинг қаҳрамон ўтмишига ва бугунги улуғ қурилишига бўлган муҳаббатини тараннум этувчи лирикаси совет одами ҳиссиётларини чуқур ифода этади».*

Шодлик йўлга бошлади мени.
Бахтиёрлик бўлди одатим,
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни
Куйламаклик зўр саодатим (1 том. 270-бет).

Мана шу классик мисралардаги ҳаққоний фахр ва ўқтамонт, умуман, Ҳамид Олимжон ижодиётининг, жумладан, унинг рус адабиёти чашмаларидан баҳра олиш ҳодисасининг новаторона моҳиятини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

ШОИР ИЖОДИДА БУХОРОЛИК ПАХТАКОРЛАР МАДҲИ*

Ҳамид Олимжон кўп қиррали фаолият ва талант эгаси эди. Ўзбек адабиётининг шаклланиши ва тараққиёти, Ўзбекистонда фан ва маданиятнинг гуркираб усиши бевосита унинг сеvimли номи билан боғлиқ. Республикамизда унинг муборақ қадами тегмаган ер булмаганидек, унинг ижодидан баҳраманд бўлмаган киши ҳам камдан кам топилади. Халқ бахту саодати йўлида тинимсиз ижод қилган фаолиятли шоирга бундан ортиқ шараф бўлмаса керак.

Ҳамид Олимжон республикамизнинг жуда кўп вилоятларини яёв кезганидек, Бухорода ҳам бир неча маротаба бўлган ва Бухоро меҳнаткашларининг яратувчи ижодкор меҳнатидан доимо илҳомланиб турган. Бухоро меҳнаткашларининг

* Ойбек. Асарлар, IX том. Тадқиқот ва мақолалар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974 йил, 183-бет.

* Бу боб проф. Р.Воҳидов билан ҳамкорликда ёзилган.

меҳнатда эришган улкан ютуқлари Ҳамид Олимжоннинг «Файзулла ота Юнусов», «Зайнаб» деб аталган насрий асарларида, «Башар қуёшига» шеърисида, «Зайнаб ва Омон» поэма-сида бадиий ифодасини топган.

Ҳамид Олимжоннинг қаҳрамон излаб Бухорога келиши ўз тарихига эга. 1935 йилда иттифоқ ҳукумати бир гуруҳ ўзбек пахтакорларини орден ва медаллар билан мукофотлайди. Шулар орасида ғиждувонлик (ўша вақтдаги Акмалобод) Файзулла Юнусов ва Зайнаб Омоновалар ҳам бор эди. 1935 йилда орден, медалларни олиш учун улар Москвага боришади. Зайнаб опанинг ҳикоя қилишича, унинг Ҳамид Олимжон билан биринчи учрашуви ўша йили Тошкентда юз беради. У ёзади: «1935 йилда республикамизнинг бир қатор пахтакорлари қатори орден тақиб, Москвадан қайтаётган эдим. Тошкент вокзалида бизларни турли ташкилотларнинг ходимлари, меҳнаткашларнинг вакиллари карнай-сурнай садолари остида кутиб олдилар. Улар орасида оддийгина кийинган, кўзлари чақнаб турган қувноқ бир йигит ҳам бор эди. Шу пайт кимдир уни мен билан таништирди. Шоир вокзалда мен билан суҳбатлашди.

Бригадирлик вақтимда қандай ишлаганим, неча центнер пахта хосили кўтарилгани, илғорларнинг номларини сўраб олди. Шундан кейин Ғиждувонга келишини айтди». Ана шу қисқа танишув, қисқа савол-жавоблар асосида «Зайнаб» очерки яратилади.

Очеркда эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш ўзининг бадиий ифодасини топган. Ёзувчи Акмалободда (ҳозирги Ғиждувонда) қишлоқ ҳаётини реал воқеалар ва образлар мисолида ифода этади. Ҳури хола ва унинг қизлари Сора, Зайнаб образлари орқали қашшоқ оилаларнинг ҳаёт йулларини ҳикоя қилади, улар тақдирида мозийнинг қоронғу даврларини кўрсатади.

* Омонова Зайнаб. Ҳамид Олимжонни кўрганман. «Бухоро ҳақиқати» газетаси, 29 декабрь, 1970 йил, 257-сон.

Очеркда Ҳури хола, Сора, Зайнаб образларидан ташқари, Юнус ота, Омон ва бошқа қатор деҳқонларнинг образлари ҳам бор. Юнус ота илғор тушунчали, жонкуяр, инсон сифатида талқин қилинса, Омон меҳнатсевар ёш йигит сифатида кўзга ташланади.

Фидокорона меҳнат туфайли Зайнаб бошчилик қилган бригада пахтадан юқори хосил кўтариб элу юрт олқишига сазовор бўлганлиги очеркда ўз бадиий ифодасини топган.

Айтиш мумкинки, Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб» очерки шон-шараф иши бўлган меҳнат ва меҳнат қаҳрамонлари тўғрисида 30- йилларда ёзилган энг яхши асарлардан бири сифатида катта маърифий аҳамиятга эга. Унда адиб томонидан кейинчалик ёзилган «Зайнаб ва Омон» достонида баён қилинган асосий масалаларнинг фрагментлари ва қирралари ўз ифодасини топган, образларнинг характер хусусиятлари қисман бўлса-да очилган.

Ҳамид Олимжоннинг «Файзулла ота Юнусов» очерки ҳам Ғиждувон пахтакорларининг 30-йилларда пахтадан юқори хосил олиш йўлидаги кураши ва ҳаётига бағишланган асарлардан бири саналади.

Очеркнинг марказида ўзбек пахтачилигининг буюк устаси, меҳнат ветерани Файзулла ота Юнусовнинг намунали деҳқончилик фаолияти туради. Адиб даврга боғлиқ воқеалар, деҳқончиликка оид турли муҳим масалаларни яхши ўзлаштирган ҳолда бу очеркини яратган.

Ҳар иккала очеркда ҳам жанр талабига мувофиқ маҳаллий фактлардан, қаҳрамонлар биографияси ва фаолиятдан етарли фойдаланилган. Ғиждувон, Бойхотин (қишлоқнинг номи). Қизилтепа (қўшни туман) сингари жой номларининг, иштирок этувчилар номларининг, адресларининг аниқ берилиши ёзувчининг очерк жанри назариясини яхши эгаллаганлигидан дарак беради.

Шоирнинг «Башар қуёшига» шеъридаги:

Бухорода чевар Тожихон

Бахт уйида бўлганда меҳмон. –

мисралари 30-йилларнинг донгдор пахтакори Тожихон Тўраевага бағишланган. Тожихон Тўраева Бухоро туманидан бўлиб, жумхуриятимизда биринчилар қаторида кўп минг килограммчилар ташаббусини бошлаб берганлардан ҳисобланади. У чеварлиги учун 1935 йилда орден билан мукофотланган. Унинг ташаббуси кейинчалик Чиннихон Шаропова сингари издошлари томонидан давом эттирилади.

Бухоролик пахтакорлар мадҳига бағишланган бундай мисралар шоирнинг «Қаҳрамонлар қайтди» шеърисида ҳам учрайди:

Қаҳрамонлар қайтди юртига,
Ҳар бирининг ҳаётида шон.
Довюраллар юртига қайтди,
Кўкрагида барининг нишон...
...Ғиждувонлик Файзулла Юнус,
Бухоролик чевар Тожихон.

Булардан ташқари, Ҳамид Олимжон асарларида бухоролик буюк ҳаким Абу Али ибн Сино, буюк донишманд Аҳмад Дониш, устод Садриддин Айний тўғрисида, Бухоро камони, Бухоро ҳарбий қуроли – сўнгги найза ҳақида мароқ билан фикр юритилади. «Муқанна» драмасининг энг қизғин жанг эпизоди Бухорода бўлиб ўтади, шоир Қутайба келганга қадар бу ерда ҳукмронлик қилган аёл ҳукмдор Туғшоданинг номини ҳурмат билан эга олади:

Бухорода подшо экан Туғшода,
Эркаклардай юргизаркан ҳукмини.
Йулбошчи деб танир экан халқ уни.
(уч томлик, 246-бет).

Ана шу фактлар Ҳамид Олимжон Бухоронинг бугунини ҳам, ўтмишини ҳам яхши билганлигидан далолат беради.

Ҳамид Олимжон Бухоро тупроғига, табиатига, бухоролик пахтакорларга, зиёлиларга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини машҳур «Зайнаб ва Омон» достонида мукамал ифода этган. Бу достоннинг адабиётимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳаммага маълум. Аммо шундай ажиб достонга мавзу берган, шоир қаламига сеҳр, қалбига илҳом бағишлаган табаррук ўлкага ҳам ҳар қанча офарин айтса оз.

Бу достон «Зайнаб» очерки асосида ёзилган бўлса ҳам очеркдаги образларнинг ҳаёти, қиёфаси, кураши, орзу-уйлари лиро-эпик асар учун етарли эмас эди. Шоир қаҳрамонлар фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, мавзунинг ижтимоий қимматини кенгрок баён этиш мақсадида 1936 йилнинг май ойида Гиждувон туманига келади. Қаҳрамонлари – Зайнаб, Омон, Файзулла Юнусовлар билан учрашади, уларнинг пахтазорларини кўради, уйларида меҳмон бўлади, юқори ҳосил кўтариш сир-асрорларини ўрганади.

Бу тўғрида достоннинг бош қаҳрамони Зайнаб она куйидагиларни хотирлайди: «1936 йилнинг май ойлари эди. Далада ғўзани ягана қилаётганимизда, фаэтонда икки киши келди. Уларга марҳум Файзулла Юнусов билан умр йўлдошим Омон Нарзуллаевлар пешвоз чикдилар. Келган меҳмонларнинг бири Ҳамид Олимжон эди. У даладаги барча кишилар билан суҳбатда бўлди. Дала кезиб ғўза парваришини кўрди. Кечқурун уйимизда меҳмон бўлди. Тез орада Омон билан кадрдон дўст киришишди».*

Адабиётимиз фаҳри саналган «Зайнаб ва Омон» достони ана шундай тарзда майдонга келган. Очерк билан достон ўртасида айрим тафовутлар ҳам мавжуд. Масалан, очеркдаги Сора образи достонда Анор хола номи билан, очеркдаги Ҳури (Зайнабнинг онаси) образи достонда Зайнабнинг дўсти, дугонаси тарзида берилган. «Файзулла ота Юнусов» очеркидаги агроном Иброҳим достонда Собир бўлиб

* Ўша газета.

гавдаланган ва хоказо. Достондаги аксарият образлар ўз прототипларига эга.

Достон қаҳрамонларидан Омон Нарзуллаев иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Зайнаб Омонова умрининг охиригача Ғиждувон туманидаги Фиришкент қишлоқ советининг раисаси лавозимида ишлади.

Ҳамид Олимжон замонавий Ўзбекистоннинг, жумладан, Бухоро вилоятининг келгусида тараққий этган воҳага айланишини орзу қилган эди.

30-йиллар пахтакорларининг тажрибалари ва уларга бағишлаб ёзилган «Зайнаб ва Омон» сингари меҳнат шарафланган, ватанпарварлик руҳи билан суғорилган оташин асарларнинг катта маънавий таъсири бор.

Бухоролик машҳур пахтакорлар образига бадиий ҳайкал ўрнатган севимли шоиримиз Ҳамид Олимжон вилоятимиз пахтакорларининг қалбида доимо барҳаёт.

ДЎСТ ЭҲТИРОМИ

Уйғун билан Ҳамид Олимжон қадрдон дўст, ҳамқалам ижодкор, беғараз ҳамкасб, самимий суҳбатдош, ижодий йўналиши, эстетик қарашлари, ҳатто характерлари бир-бирига яқин шоирлардир. Бу икки забардаст шоир ўртасидаги самимий дўстлик алоқалари ва ижодий ҳамкорлик туфайли адабиётимиз катта фойда кўрди. Катта ибрат кучига эга бўлган бу ўзаро алоқалар шунинг учун ҳам маданиятимиз тарихида ўзига хос бир воқеа бўлиб қолди. Икки сўз санъаткори ўртасида бўлиб ўтган бундай ажойиб дўстлик алоқаларига мисол бўлгулик фактларни минг хилдан ортик тарихга эга бўлган ўзбек классик адабиётидан ҳам кўплаб топиш мумкин.

Бундай дўстлик алоқалари қайси даврда, қандай тарзда, қайси миллат вакиллари ўртасида юз беришидан қатъий

назар, ҳамиша ҳам жамият учун, халқлар биродарлиги учун, маданият ва санъат тараққиёти учун яхши хизмат қилган.

Мазкур ишда бундай типдаги кенг адабий алоқалар ҳақида сўз юритилмайди, балки шу соҳанинг бир шохобчаси саналган ёзувчининг ўз дўсти ҳақидаги асарлари тўғрисида, шу асарларнинг эстетик-тарбиявий қиммати хусусида фикрлар юритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қаламкаш дўстнинг қаламкаш дўст ҳақидаги жонсўз фикрлари, хотиралари, қайдлари, биринчидан, фикр юритилаётган адибнинг ички дунёсини, маънавий оламини, ижод лабораториясини тушуниш ва кашф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлса, иккинчидан, ўша адибнинг адабий портретини яратишда, адабиётимиз тарихида тутган ўрнини аниқлашда, адабиётимиз тарихини яратишда ҳам алоҳида эътиборга молик. Чунки ижодкор инсон, ва умуман, инсон табиати шунчалик мураккаб ва нозикки, бу нозикликлар ва мураккабликларни фақат яқин дўст ва биродар билиши ва тушуниши мумкин. Айниқса, серқиррали ижодкор шахсини тушуниш ва уни кашф этиш ниҳоятда мураккаб масаладир.

Шу ақидадан келиб чиқадиган бўлсак, тадқиқотчилар томонидан ёзилган илмий ишлар билан бирга сўз санъаткорлари томонидан уларнинг бир-бирлари тўғрисида ёзилган хотиралар, очерклар, илмий мақолалар ва қайдлар адабиётшунослик фанининг равнаки учун алоҳида қимматга эга. Айниқса, Ҳамид Олимжон ва Уйғун сингари бир-бири билан 17 йил (1927 йилдан 1944 йилгача) мустақкам дўстлик алоқаларини боғлаган, бирга ўқиган, бирга юрган, бирга яшаган, бирга шеър, бирга илмий мақолалар ёзган, умуман, янги ўзбек адабиётини шакллантиришда, тараққий эттиришда, унинг муваффақиятларини таъмин этишда ва уларни турли хуружлардан ҳимоя қилишда ўзининг бутун адабий фаолиятини бағишлаган адибларнинг эсдаликлари эстетик жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

Уйғун яқин дўст ва биродар сифатида Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижодини тарғиб қилишда барча қаламкашлар сингари кўпдан бери меҳнат қилаётган ва бу соҳада самарали ютуқларга эришяётган адиблардан ҳисобланади. Уйғун бевақт вафот этган мархум дўсти тўғрисида мана 46 йилдан буён ўйлайди, ёзади, унинг инсоний фазилатларини, баркамол асарларини, жамоат арбоби сифатидаги олижаноб фаолиятини, ижодий лабораториясини ва юксак орзу-идеалларини фақатгина кенг омма билан, китобхонлар билан бўлган мулоқотларида, чиқишларида, суҳбатларида, учрашувларидагина айтиб қолмай, балки турли жанрларда ёзилган асарларида ҳам тарғиб этиб келмоқда. Бу жиҳатдан Уйғуннинг «Шодлик ва бахт куйчиси» мақоласи, «Шоирнинг сўнги кунлари» очерки, «Шеърят бўстонининг хушхон булбули» нутқи, «Ҳамиша кўз олдимда» хотираси, «Ўтмишни эслаганда» (1963) автобиографияси, А. Наумов билан қилган суҳбати, айниқса, диққатга лойиқ. Турли жанрларга оид бу асарлар мудхиш тасодиф туфайли ҳаётдан бемаҳал кўз юмган қадрдон дўст, ардоқли халқ шоири ҳақидаги аламли хотираномалар бўлиб қолмасдан, балки ўзбек адабиётининг улкан вакили, ҳаётимизнинг оташин куйчиси, ўхшаши йўқ шоир Ҳамид Олимжон, унинг дилбар ижодиёти, намуна бўларли шахсияти, мазмундор фаолияти ҳақидаги ўзига хос фаҳрияномалардир.

Уйғуннинг Ҳамид Олимжон ҳақидаги биринчи иши «Шодлик ва бахт куйчиси» мақоласи 1944 йилда, шоирнинг бевақт ўлиmidан этиги бир неча ой кейин нашр этилган «Танланган асарлар»ига сўз боши сифатида ёзилган эди. Мазкур «Танланган асарлар» Ҳамид Олимжоннинг биринчи йирик асари бўлиб, у шоир ҳақида китобхонларга мукамал тасаввур пайдо қилиш мақсадида тартиб берилган эди.

Уйғуннинг 2 босма табоқ ҳажмидаги «Шодлик ва бахт куйчиси» мақоласи Ҳамид Олимжон ҳақидаги дастлабки йирик, мазмундор, кенг қўламли тадқиқот бўлиб, унда Ҳамид

Олимжоннинг адабий ва ижтимоий фаолияти монографик планда чуқур таҳлил этилган. Энг муҳими шундаки, эҳтирос ва муҳаббат билан ёзилган мазкур мақолада Ҳамид Олимжон адабий мероси ва ижтимоий-сиёсий фаолиятининг асосий масалалари, муҳим ғазилатлари ва ўзига хос хусусиятлари ғоявий-тематик жиҳатдан чуқур таҳлил қилинади ва қатор муҳим илмий хулосаларга келинади.

Юксак маҳорат ва катта муҳаббат билан ёзилган «Шодлик ва бахт куйчиси» мақоласида Уйғун адабиётшуносликда биринчилардан бўлиб, Ҳамид Олимжон адабий меросининг тематикаси, ғоявий мазмуни, образлар системаси ва поэтикаси тўғрисида конкрет, объектив фикр юритади, шоир ижодининг лейтмотивини аниқлаб, фикрлаш йўсини ва ижодий услубини белгилайди.

Бугунги кунда Ҳамид Олимжонни шодлик ва бахт куйчиси сифатида таърифлаш анъанага айланиб қолган. Ҳамид Олимжон ижодини ҳаммага макбул ҳолда шундай зўр таърифлаш, шодлик ва бахт мавзуи шоир ижодининг ғоявий асосини ташкил этганлигини Уйғун бундан 46 йил муқаддам ёзилган мазкур мақоласида асослаган эди. Булардан ташқари, мазкур мақолада Ҳамид Олимжон 30-йиллар ижодининг гултожлари саналмиш «Ўрик гуллаганда», «Бахтлар водийси», «Ўзбекистон» шеърларининг, уруш йиллари ўзбек шеърятининг классик намуналари ҳисобланмиш «Шинель», «Йигитларни фронтга жўнатиш», «Россия», «Кўлингга қурол ол», «Жангчи Турсун» асарларининг, «Зайнаб ва Омон» достонининг мукамал таҳлили берилади, улар ғоявий-бадий жиҳатдан баҳоланади, шоирнинг ижодий лабораторияси, шахсига оид муҳим фикрлар баён этилади. Мунаққиднинг баҳолари, қайдлари, хулосалари, таърифу тавсифлари мантиқий жиҳатдан асосли, назарий жиҳатдан пухта, илмий жиҳатдан объектив, далилланган. Масалан, у шоирнинг «Ота ҳаётидан» достонини таҳлил қилар экан, фикрини шундай зарбли, тўла-тўқ, маънодор сатрлар билан якунлайди: «...Бу

ишқ, бахтга эришган, ҳаётдан мамнун бўлган, яшашнинг завқига қонган кишиларда бўлади. Бу ишқ иши ўнгидан келган, ғалаба қозонган, тарихи шонли, ҳозирги нурли, келажаги порлоқ одамларга хос. Орзуси амалга ошган, муроди мақсадига етган, ўз юртини, ўз халқини озод кўрган кишиларгина бундай ишққа муяссар бўлади. Бу ишқ фақат шоир тасвир қилган мўйсафиднинг ишқи эмас, бу айна ҳолда шоирнинг ўзининг ҳам ишқидир. Чунки шоир ҳам ўз қаҳрамонлари билан ҳаётнинг ошиғи, ёруғ жаҳоннинг мафтунни эди».*

Мунаққид Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» балладасини шундай баҳолайди: «Уруш даврида яратилган ўзбек шеърятининг энг мумтоз намуналаридан бири бўлган бу асарда ватанпарвар она, фидокор ўғил образи ғоят моҳирлик билан чизилган... Бу чиройли балладада тасвир қилинган она образи ҳақиқий халқ қаҳрамони образи эди».

Уйғун иккинчи жаҳон уруши даври Ҳамид Олимжон ижодини таҳлил қилар экан, унинг характери ва тематик диапозони тўғрисида бундай ёзади: «Дўстлик ҳисси, севги шоирнинг фазилатларидан бўлса, садоқат унинг шиори бўлди. Шоир ватанга, халққа садоқат кўрсатишни ҳар нарсадан афзал кўрди. У Ватанга садоқат кўрғазини, кези келса, халқ учун қурбон бўлишни шараф деб билди...

Илмий жиҳатдан асосланган бу лўнда, қуйма фикрларда адабиётшунослик фанининг йирик вакили ҳисобланган Уйғун қаламининг сеҳрли кучи, катта эрудицияси ва жўшқин қалби ўз ифодасини топган. Мазкур мақоланинг методологик жиҳатдан ҳар томонлама таҳсинга лойиқ бўлиб ёзилишида, биринчидан, мунаққиднинг Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижодини яқиндан билиши сабаб бўлган бўлса, иккинчидан, 30-йилларда ва уруш йилларида Уйғун томонидан адабиётшунослик фанини Ўзбекистонда шакллантириш,

* Уйғун. Асарлар олти томлик. 6-том. Г.Ғулум помидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1978 йил, 185-бет. Қолган парчалар ҳам шу томдан олинган ва бетлар қавсда кўрсатиб борилади.

тараққий эттириш мақсадида ёзилган ўнлаб адабий-танқидий мақолалар, адабиёт ва санъат арбобларининг эстетик қарашларини чуқур ўрганганлиги сабаб бўлган бўлса керак. Мазкур мақолада илгари сурилган асосий фикрлар унинг ёзилганига 46 йил тўлишига ва бу орада Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва адабий фаолияти тўғрисида ўнга яқин китоблар ёзилишига ва бу мавзуда бир докторлик, тўртта кандидатлик диссертацияси ҳимоя этилишига қарамай, ҳамон ўз эстетик аҳамиятини йўқотмаганлиги, унинг катта меҳнат ва маҳорат билан яратилганлигидан шаҳодат беради.

Айниқса, мазкур тадқиқотнинг яқунловчи қисми зўр ёзилган. Хулосада Уйғун Ҳамид Олимжон ижодини адабиётнинг турлари, жанрлари нуқтаи назаридан тасниф қилади, унинг гўзал бадий маҳорати тўғрисида фикр юритади, дўстининг шоирлик таланти беқиёс ва беқамров эканлигини таъкидлайди, унинг ўзбек лирик, лиро-эпик поэзиясига, драматургиясига қўшган ҳиссасини мантиқан асослайди, таржималари, ҳикоялари, илмий асарлари, адабий алоқалари, адабий алоқаларни ривожлантиришдаги хизматлари, жамоатчилик ва раҳбарлик фаолияти тўғрисида илҳом тўла дил билан самимий юрак сўзларини ифода этади.

Агар мазкур мақола Ҳамид Олимжон ижодиёти ҳақида ҳар томонлама яхши тушунча ва таъриф берган дастлабки йирик тадқиқот сифатида караладиган бўлса, унинг эстетик аҳамияти янада ортади ва ундан кейин бугунгача шу мавзуда ёзилган ва ёзилаётган ишларга узвий алоқаси борлиги ҳам аён бўлади. Хуллас, Уйғуннинг «Шодлик ва бахт куйчиси» мақоласи Ҳамид Олимжоншуносликнинг дастлабки ютуғи бўлибгина қолмасдан, балки бу фаннинг бугунги ва бундан кейинги ютуғи сифатида ҳам тилга олишга арзигулик тадқиқотдир.

Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда, шахсий фазилатлари ва ижодий лабораториясини тадқиқ

этишда Уйғуннинг 1964 йилда ёзилган «Шоирнинг сўнги кунлари» очерки ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Биз бу ерда мазкур очеркнинг ёзилишига сабаб бўлган маълум фожиа, унинг тафсилотлари тўғрисида сўзламоқчи эмасмиз, у шундай ҳолда ҳам халқимизга маълум, балки шу бахтсиз тасодиф туфайли ёзилган очерк материали асосида халқ шоирига хос улуғ фазилатлар ва унинг ҳаётга, бадий ижодга бўлган оташин муҳаббати, дўстлари, оиласига бўлган самимий муносабатлари, руёбга чикмай қолган орзулари тўғрисида фикр юритамиз. Уйғун масаланинг ана шу томонларига кўпроқ эътибор беради ва қимматли дўстининг табиатидаги бошқалар илғаб олмаган характерли томонлар ва икки ўртада бошланган самимий дўстлик тарихи тўғрисида сўзлайди.

Уйғун Ҳамид Олимжонни дўстларга бегараз ғамхўр, оилага меҳрибон, халқ ишига жонкуяр, айтган гапини бажарадиган, ўктам, принципал, жасур, иродаси ниҳоятда мустаҳкам; ҳаётдан завқ ола биладиган, табиати кувноқ, шу билан бирга, ўзига хос ғурурга эга, вазмин ва сипо, табиатга ошиқ, ҳисси, ҳаяжони, ишончи баланд, руҳи тетик бир донишманд ёзувчи ва истеъдодли раҳбар сифатида характерлайди.

«Шоирнинг сўнги кунлари» очерки орқали Ҳамид Олимжон кўз олдимизда зўр ҳаётпарвар инсон сифатида, ўз идеалларига садоқатли шахс тарзида, ватанпарвар қаҳрамон қиёфасида гавдаланади. Иккинчи жаҳон урушининг қийинчиликларига қарамай ташкил қилинаётган ёзувчилар боғи ҳақида фикр юритиб Ҳамид Олимжон шундай дейди: «Ҳар бу ерни (ёзувчилар боғини – Т. Қ.) ижод фабрикасига айлантирамиз. Бу ерда энди қанча-қанча шеърлар, поэмалар, ҳикоялар, романлар, пьесалар яратилади» (49-бет). Мана шу ҳаяжон ва умид тўла сатрларда ҳам шоир характерига хос юксак оптимизм барқ уриб турибди. «Ҳа, мана, уруш ҳам тугай деб қолди... Ғалаба яқин. Айни яшайдиган, айни ижод қиладиган

замонлар қайтиб келяпти, ўтган умрдан албатта розимиз... Умримиз, ёшлигимиз ёмон ўтмади. Жанг, кураш, ижод билан ўтди, завқ билан ўтди... Назаримда, бу ёғи ундан ҳам яхши ўтади...» (50-бет). Қизғин ҳаёт-мамот жанги кетаётган бир мудхиш паллада эътиқоди қағъий инсонгина ишонч ва юксак виқор билан келажак ҳақида шундай фикр юрита олар эди, ўз мамлакатининг эртасига катта умид ва зўр ишонч билан шундай ойдин боқа олар эди ва шундай енгилмас, ўктам кишигина «эртани бугунга келтираман учун» тинмай кураш олиб бора олар эди. Ардоқли шоиримиз Ҳамид Олимжондаги шундай ажойиб фазилатлар мужассам эди. «Шоирнинг сўнги кунлари» очеркидан келтирилган бу парчаларда Ҳамид Олимжон характериға хос оптимистик хусусиятлар ўз ифодасини равшан топиши билан бирга, унинг аниқ, дона-дона, катъий гапириш, умуман, сўзлаш тони, манераси фикрлаш йусини, гап тузиш тартиби ҳам ўз ифодасини топади. Очерк шу жиҳатдан ҳам характерли.

Очеркда Ҳамид Олимжоннинг бой ижод лабораторияси, она-Ватанимиз табиати гўзалликларидан завқ ола билиши, ҳаёт ошиғи эканлиги ҳам характерли деталлар, манзараларда тиниқ ифода этилган. Очеркнинг бир ерида Уйғун ёзади: «табиатнинг ажойиб хусн-тароватини томоша қилиб борарканман, болалигим, қишлоғим, ёдимга тушиб кетди. Ҳа, мен мана шундай табиат кучоғида улғайган эдим. Ҳамид-чи? У ҳам Жиззахда, худди мана шундай гўзал табиат кучоғида вояга етган шоир эди. Шунинг учун ҳам ушбу топда менинг қалбимга тўхтовсиз қуйилаётган ажойиб ҳис-туйғулар унинг ҳам қалбидан жой олаётгани аниқ. Мен бу ҳолатни унинг катта, севинч ва ҳайратга тўла кўзлар билан атрофга тўймасдан оч назар ташлашидан, лабларидаги майин қалтироқ ва ним табассумдан яққол сезиб турардим. Шу пайтда унинг қалбида қандай ҳаяжон, фикрида қандай ўйлар, хаёллар, орзулар, мисралар туғилаётган экан... Билгим келарди, аммо унга ўринсиз савол бериб хотирини пароканда

қилишни, ҳаяжонини, севинчини, илҳомини чўчитишни истамасдим.» (48-бет). Санъаткор табиатидаги бундай ўзига хос, нозик моментларни қаламга олишдан аввал уни илғай ола билиш лозим. Бу учун эса санъаткор бўлиш керак. Санъаткор бўлганда ҳам ижодий принциплари, ёзувчилик табиати бир-бирига яқин бўлган санъаткор бўлиш, бир-бирини яхши билиш зарур. Талантли халқ шоири Уйғун Ҳамид Олимжонни яқиндан яхши билганлиги ва ижодий принципларига яқин бўлганлиги учун ҳам унинг ижод лабораториясига тегишли бундай ўта нозик лирик ва психологик моментларни аниқ илғай олган ва тўлиқ тасвирлаган.

Фикримизни Уйғуннинг «Ҳамиша кўз олдимда» хотирасидан олинган мана бу сатрлари ҳам мустаҳкамлайди. У ёзади: «...Адабиётга, илму фанга қизиқишимиз, хулқ-атворимиз бир-бирига монанд бўлгани дўстлигимизни янада мустаҳкамлади».²

Юқорида баён этилган фикр нуқтаи назаридан очеркнинг мана бу парчаси ҳам диққатга сазовор. Уйғун ёзади: «Соф ҳаво. Гул. Райҳон ҳидларини димоққа уриб, шабада эсади, аллакаерларда чигиртка сайрайди. Осмон тўла юлдуз. Йирик-йирик олтин юлдузлар... Анча вақт туннинг майин шивирларига кулок солиб, юлдузларнинг жамолига тиқилиб, жим ётдик. Назаримда, Ҳамид юлдузларга тиқилиб, ўй ўйламоқда эди. Балки, шу топда у эртага ёзиладиган, навбатдаги ўқувчини ниҳоятда мамнун қиладиган жонон шеърнинг илк мисраларини ичида такрорлаётгандир. Зеро, бундай ажойиб кечада, бундай чиройли жойларда шоирнинг миясида шеър ўз-ўзидан тугила бошлайди» (49-бет).

Очеркда бундан ташқари, «эски дўст, қадрдон, таъби нозик шоир»нинг (Уйғун ибораси, ўша асар, 46-бет). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси сифатидаги жамоат-

² Уйғун. Ҳамиша кўз олдимда. «Гулистон», 1979, 12-сон, 5-бет.

чилик фаолияти, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги роли тўғрисида ҳам фикр юритилади. Хуллас, «Шоирнинг сўнгги кунлари»да Уйғун очерк жанрининг турли-туман воситалари ва имкониятларидан фойдаланиб, азиз дўстининг, машхур шоирнинг кўркем образини яратади.

Очерк юксак самимият ва катта эҳтиром билан ёзилганлиги, тилининг тиниқ, ширадорлиги, ёрқин табиат тасвирларига бойлиги билангина эмас, балки улуғ шоир ва йирик жамоат арбоби образининг яқин дўст томонидан реалистик яратилганлиги билан ҳам эътиборга лойиқ. Йиллар ўтаверган сайин Ҳамид Олимжон таваллудининг санаси асримиздан узоқлашаверади, аммо унинг жозибали адабий меросига, намунали ижтимоий фаолиятига, гўзал инсоний қиёфасига ва фожиали тақдирига бўлган қизиқиш ошаверади. Унинг ҳақида хотиралар, ҳикоялар, повестлар ва романлар, поэмалар ва драмалар, опералар ва бошқа жанрлардаги асарлар яратилаверади. Ана ўшанда ҳам «Шоирнинг сўнгги кунлари» типига хотира-очерклар бўлғуси адибларга шоир образини яратишда бир компас вазифасини ўташи мумкин.

Ўзбек адабиётининг йигирманчи аср давомида улкан ютуқларга эришишида бошқа ҳаётий омиллар билан бир қаторда ўзаро самимий ҳамкорлик ва беғараз ёрдам воситалари ҳам алоҳида роль ўйнади. Ана шундай самимий адабий ҳамкорлик туфайли ўзбек адабиёти ҳам, жумладан, Ҳамид Олимжон билан Уйғун ижодиёти ҳам равнақ топди. Уйғун 1969 йилда Ҳамид Олимжоннинг 60 йиллик тўйига бағишланиб, Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет катта академик театрида ўтказилган тантанали кечада сўзлаган нутқида ва улкан шоирнинг 70 йиллик тўйи муносабати билан ёзилган «Ҳамиша кўз олдимда» хотираномасида ўзи билан қадрдон дўсти Ҳамид Олимжон ўртасида бўлиб ўтган ана шундай ижодий ҳамкорликлар, ўзаро беғараз, самимий ёрдамлар тўғрисида катта тарбиявий қимматга эга фикрларни билдиради, ажойиб фактлар ва

ибратли воқеалардан мисоллар келтиради. Бу жиҳатдан Уйғуннинг мазкур нутқидаги қуйидаги момент характерли: «Биз, - деб ёзади Уйғун, - Ҳамид Олимжон билан сафдош, қаламқаш дўст эдик. Бизнинг Самарқандда педагогика академиясида ўқиб юрган вақтларимизда бошланган дўстлик, ҳамкорлик Ҳамиднинг сўнгги кунларига қадар давом этди. Биз Самарқандда бирга ўқидик, бирга ёзишдик, ёзган шеърларимизни энг аввал бир-биримизга ўқиб берардик, бир-биримиздан маслаҳатлар олардик, адабий ҳаракатчиликда бирга қатнашардик. Тошкентга келганимиздан кейин ҳам муносабатларимиз ўзгармади: бирга бўлдик, кўп вақтга қадар бир уйда яшадик, бир институтда ишладик, биргалашиб илмий иш билан шуғулландик, кутубхоналарда соатларча бирга ўтириб, адабий меросимизни, ўзбек адабиёти тарихини бирга ўргандик, биргалашиб илмий мақолалар ёздик. Бизнинг бир-биримизга ихлосимиз, ишончимиз, ҳурматимиз жуда катта эди». (201-262-бетлар).

Уйғун шундан кейин «Жонтемир» достони, «Алишер Навоий» драмаси ёзилганда, Ҳамид Олимжон томонидан билдирилган дил сўзларини ва ўз дўстининг «Ўрик гуллаганда» шеъри ва «Муқанна» драмаси ёзилганда, улар тўғрисида айтган самимий фикрларини хотирлайди. Шундай дилбар асарлар яратилганда, кадрдон дўстларнинг бир-бирининг ижодий ютуғидан беҳад қувонганлигини хурсандчилик билан эслайди. Бу ўзаро ишонч ва ҳурмат уларни ижодий парвозларга рағбатлантирганини айтади.

Мазкур хотиранома ва нутқда Ҳамид Олимжон шахсиятига хос яна иккита муҳим томон таъкидлаб ўтилади. Булар қуйидагилар:

Биринчидан, шоир хотирасининг жуда ўткирлиги, ёддан кўп шеър билиши, уни маҳорат билан ўқий олиши ва иккинчиси, унинг ўткир нотик эканлигидир. Уйғун бу ҳақда ёзади: «Ҳамид Олимжон ажойиб нотик ҳам эди. У ўзининг

ёқимли овози билан ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам жуда равон, жуда чиройли, жуда мазмундор нутқ сўзлай оларди. Биз жуда кўп маъракаларда, адабий кечаларда унинг тингловчиларни ўзига тортиб оладиган, маҳлиё қиладиган, ҳаяжонга соладиган сермазмун, оташин нутқларини жуда кўп маротаба мароқ билан эшитганмиз. У шеърларни ҳам ёддан жуда чиройли ўқир эди. У фақат ўз шеърларинигина эмас, бўлак шоирларнинг шеърларини, бутун-бутун дostonларни ҳам ёд ўқий оларди. Унинг қувваи ҳофизаси ниҳоятда кучли эди. Бирор асарни бир-икки маротаба эшитса, ёки ўқиса бас, дарров ёд оларди. Ўша маҳалларда саҳнамизда тез-тез кўйилиб турган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмаларини Ҳамид бошдан оёк ёд биларди. Залда ўтирганимизда, асарни артистлардан олдин, секин овоз билан айтиб борар эди». (262-бет).

Ҳамид Олимжон фазилатлари тўғрисидаги бу фикрлар фақат унинг ўзига тегишли бўлиб қолмасдан, балки ҳозирги ёшларни шундай гўзал фазилатлар руҳида тарбиялашда ҳам муҳим ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Уйғуннинг «таъби юксак» шоир Ҳамид Олимжон тўғрисидаги асарлари қадрдон дўстининг ҳаёти ва ижодини, чин инсоний фазилатларини, миллий адабиётни юксалтиришдаги хизматларини, бебаҳо асарларини, жамоатчилик фаолиятини тарғиб қилибгина қолмасдан, балки улар ҳозирги ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Уйғуннинг мазкур асарлари ўзбек эстетикаси фани тараққиётига сезиларли ҳисса бўлиб қушилади.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИ

Маълумки, халқимиз 1990 йилнинг баҳорида суюкли шоири Ҳамид Олимжоннинг 80 йиллигини нишонлайди. Ана шу юбилей муносабати билан «Бухоро ҳақиқати» га-

зетасининг мухбири адабиётшунос олим, Ҳамид Олимжон шеърятининг мухлиси, ижодиётининг тадқиқотчиси ва шоир юбилейини Бухоро давлат дорилмуаллиминида ўтказиш комиссиясининг раиси Тожи Кораяева бир неча савол билан мурожаат қилди. Қуйида мазкур саволларга берилган жавоблар билан танишасиз.

САВОЛ: Турғунлик йилларида Ҳамид Олимжонга бағишлаб «Сен элимнинг юрагида яшайсан» ёдномалар тўплами чоп этилган эди. Бугунги қайта куриш даврида ҳам Ҳамид Олимжон шахси, ижоди ҳақида шундай китоб чиқариш мумкинми?

ЖАВОБ: «Сен элимнинг юрагида яшайсан» ёдномаси Ҳамид Олимжон ҳаёти, ижоди, шахсияти, фаолиятини ўрганишда, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Минг афсуски, бундай ёдноматўпламларини нашр этиш Ўзбекистонда жуда кеч бошланди ва у жуда оз нашр этилмоқда. Кейинги йилларда нашр этилаётган «Навойи замондошлари хотирасида» (1986), «Ҳамза замондошлари хотирасида» (1979) каби тўпламларга «Сен элимнинг юрагида яшайсан» ёдноматўплатиб аёнларининг давоми сифатида қараш лозим. Бундай тўпламлар адиблар ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим эстетик-тарбиявий аҳамият касб этиши билан бирга етук сўз санъаткорлари бадиий образини яратишда компас вазифасини ҳам утайди. Мазкур ёдноматўплатиб давр руҳидан келиб чиққан ҳолда, Ҳамид Олимжон ижодини, адабий фаолияти ва шахсиятини ошириб баҳолаш, пашшадан фил ясаш, унинг яқинларига лаганбардорлик қилиш ҳоллари йўқ эмас, бор. Бундай бир ёқлама, сунъий ва манфаатпарастлик руҳида ёзилган мақолалар ёдноманинг янги нашрида олиб ташланса ажаб эмас. Чунки Ҳамид Олимжон ижоди бундай ошириб баҳолаш, сунъий кўпиртиришларга муҳтож эмас. Бу ижод шундай ҳолида ҳам ҳали, албатта, айрим камчиликларидан қатъи назар, ўз

муаллифига улуғлик касб эта олади. Демак, шундай ва шунга ўхшаш тўплам яратиш бундай кейин ҳам мумкин ва зарур.

САВОЛ: Сизнингча яқин ўтмишда Ҳамид Олимжон ижодини идеаллаштириш нималарда кўринади?

ЖАВОБ: Идеаллаштириш йўқни бор қилиш эмас, балки борни ошириб кўрсатиш ва кўзга ташланиб турган камчиликларни хаспўслашдир. Шу нуқтаи назардан карасак, Ҳамид Олимжон ҳақида яқин ўтмишда яратилган ишларда шундай ҳодисага дуч келамиз. Қанчалик талантли ва актив фаолиятли бўлмасин, Ҳамид Олимжон ҳам ўз даврининг фарзанди эди, унинг ижодига мансуб асарлар ҳам ўз даври адабий жараёнининг махсулидир. Шу сабабли шоир замондошлари Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Комил Яшин, Зулфияларга ва улар томонидан яратилган асарларга хос камчиликлар Ҳамид Олимжон ва унинг ижодиётига ҳам хосдир. Ҳамид Олимжон ижодиёти тадқиқотчилари эса айрим ҳолларда шоир шахсиятини ва ижодиётини бўрттириб кўрсатишга уриндилар, унинг ижодий эволюциясига хос камчиликлардан, ёзувчилик тақдирида юз берган машаққатлардан, шахсиятига тегишли етишмовчиликлардан кўз юмдилар. Бундай камчиликлар Сарвар Азимовнинг «Ҳамид Олимжон абадияти», Наим Каримовнинг «Ҳамид Олимжон», С.Мамажоновнинг «Лирик кўлам, эпик олам» каби монографияларида, шоир асарлари 10 томлик академик нашрида ва Воҳид Зоҳидовнинг «Нафосат ижодкори» китобида ва мақолаларида учрайди. Масалан, шахсга сиғиниш рад этилганига ҳам 34 йил бўлди. Ҳамид Олимжон ҳам ўз даврининг фарзанди сифатида Сталин шахсини улуғлаган, шахсга сиғинишни маъқуллаган ижодкорлардан саналади. Фикримизга унинг айрим нутқлари, мақолаларидан ташқари «Башар қуёшига» шеъри, «Сосо» достони, «Икки қизнинг ҳикояси» балладаси мисол бўлади. Кейинги 34 йил ичида Ҳамид Олимжон ижоди ҳақида ёзилган илмий ишларда ва шу йилларда нашр этилган шоир асарларида шундай танқидий рух

сезилмайди. Аксинча, нашрларда «Сосо»ни «Она» деб янгича номлаш ва «Башар қуёшига»ни нашрдан тушириш қолдириш каби ҳолларга дуч келамиз. Шахсга сиғиниш йилларида халқимизнинг Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Элбек, Усмон Носир каби севамли фарзандлари қатағон қилинди. Шахсга сиғиниш ижтимоий иллат сифатида фош этилгандан кейин номлари зикр этилган шоирлар оқланди. Ноҳақ қатағон қилинганлар оқланган бўлсалар ҳам кейинги 34 йил ичида уларга бўлган муносабатнинг жуда секин ўзгаришида ва ҳали ҳам айрим тўсиқларнинг пайдо бўлиб туришида Ҳамид Олимжонга, унга ўхшаш бошқа шоирларга бўлган эҳтиромнинг баландлиги сабаб бўлмадими?! Унинг ва уларнинг номига доғ туширмаслик учун курашиш, уни ва уларни фақат ибрат қилиб кўрсатиш учун уриниш турғунлик йилларининг асорати ҳисобланади. Хаспўшлаш, ошириб баҳолаш каби асоратларни турғунлик йиллари яратди. Бу ерда ҳеч бўлмаса, Ҳамид Олимжоннинг «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» деган яна бир қатор адабий-танқидий мақолаларини эслатиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ. Мазкур мақолаларни ўқиган ҳар бир китобхон Ҳамид Олимжон адолат юзасидан қалам юритмаганлигига, илмий этикани бузганлигига, адабий ижодга, ёзувчи шахсига, бадий асарга вульгар социализм нуқтаи назаридан баҳо берганига, ижодкор тақдири масаласига юзаки қараганлигига ишонч ҳосил қилади. Албатта, машъум 30-йилларга хос мазкур ҳодиса фақат Ҳамид Олимжоннинггина эмас, балки ўша даврнинг катта хатоси эканлиги ҳаммага маълум. Ҳамид Олимжон ҳам даврининг кишисидир. Унинг ижодига хос бундай камчиликлар шоирнинг объектив ижодий қиёфасини кўрсатишга ёрдам беради ва улар асосан, даврга тегишли камчиликлар эканлигини унутмаслигимиз лозим.

САВОЛ: Домла, сиз ўтган даврда Ҳамид Олимжонга берилган баҳоларга қандай қарайсиз?

ЖАВОБ: –Ҳамид Олимжон босиб ўтган ижодий йўл ҳам теп-текис, равон бўлмаганидан воқифмиз, ахир. Унинг 1934 йилда Бутуниттифоқ ёзувчилар уюшмаси I съезди делегатлари рўйхатидан тушиб қолиши, 1929 йилда «Қизил қалам» ёзувчилари уюшмаси томонидан тавқи лаънатга учраши, 1937 йилда ёзувчилар уюшмаси аъзолари сафидан чиқарилиши, неча вақт ишсиз юриши сабаблари ҳали очилган эмас. Буларга ҳам қатағон йилларига тегишли бир-бирини кўролмаслик, гуруҳбозликлар, бўлар-бўлмасга сиёсий тамға босишлар сабаб бўлгандир. Булар ҳали жумбоқ. Юртимизга адолат офтоби сифатида нур сочаётган қайта қуриш ва унинг ошкоралик, демократиядан иборат икки олтин қаноти бу жумбоқларни ечиб беришига ишончимиз комил.

Ҳамид Олимжон ўз даврининг фарзанди эди. Унинг ҳаёти ва ижодида ўша замонга хос камчиликлар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Аммо, эътироф этиш керакки, шоир қаламига мансуб асарларнинг асосий қисми ҳамон халқ ва замон хизматидадир. Уларга хос алангали оташ ҳали кўп авлодларга бориб етади. Зотан, Ҳамид Олимжондай халқ ҳаёти чашмаларидан сув ичган, халқ ичидан етишиб чиққан буюк талант эгаларининг шуҳрати асло сўнмайди. Бундай шоирлар ижодиётини чор атрофга оби ҳаёт тарқатадиган қайнар булоққа ўхшатиш мумкин. Қайнар булоқ отилиб чиқаётган покиза суви билан халқ ташналигини қондириш бахтига мушарраф бўлганидай, Ҳамид Олимжон ҳам ҳаётбахш шеърояти халқчил ғоялари ва миллий руҳи билан авлодлари маънавий оламини бойитиш вазифасини адо этаверади. Даврлар синовидан ўтган шундай маънодаги дурдона асарлар Ҳамид Олимжон адабий меросида ҳали кўпчиликни ташкил этади. Фикримизга оташнафас шоирнинг табиат лирикасига кирадиган «Сиёб», «Дарё кечаси», «Чимён эсдаликлари», «Ишим бордир ўша оҳуда», «Ҳолбуки тун», «Ўрик гуллаганда», «Чирчиқ бўйларида», муҳаббат лирикаси намунаси саналадиган «Ҳаёлинг-ла ўтади тунлар»,

«Хайрлашув», «Хаёлимда бўлдинг узун тун», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда», «Севги», «Сен туғилган кун», «Ғазал», «Севги десам», «Савол», «Жавоб», «Ниҳол», гражданлик лирикасидаги «Куйчининг хаёли», «Ўлка», «Ўзбекистон», «Ғалаба кўшиғи», «Шинел» сингари шеърлари, «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» балладалари, «Зайнаб ва Омон», «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» поэмалари, «Муқанна» драмаси, «Мени кутгил» тарзидаги таржималари, Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотлари, «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман», «Дўстлигимиз ҳақида» сингари публицистик асарлари мисол була олади.

Шоирнинг энг сара асарлари ўрта, махсус ва олий ўқув юртларининг программа ва дарсликларидан 30-йиллардан бери муносиб ўрин олиб келмоқда. Улар қайта куриш даврида ҳам ёшларни ватанпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий қадриятларни улуғлаш, аҳд ва вафо, дўстлик ва мурувват руҳида тарбиялашда асқотмоқда. Мазкур фикрлар Ҳамид Олимжон шеърляти миллий заминга эгалигидан, маънавий-ахлоқий асоси мустаҳкамлигидан далолат беради. Шундай ҳаётий фазилатлар соҳиби бўлган шеърлятнинг умри боқий бўлади, албатта.

Ҳамид Олимжон поэзияда ўзига хос мактаб яратган аллома шоир эди. Унинг сеҳрли шеърляти мактабидан ўзбек шоирларининг кейинги уч авлоди сабоқ олиб, камолга етди. Ўзбек шеърляти шу кунларда эришаётган ҳар бир ютуқда халқ шоирининг анъаналари руҳи бор. Бу Ҳамид Олимжон яратган анъаналари барҳаётлигидан нишонадир.

Жамиятимизда қайта куриш жадаллашаётган шу жўшқин кунларда Ҳамид Олимжонга ўхшаш фаол, фидойи раҳбарлар етишмаётганлиги кун сайин сезилмоқда. Ҳозирги раҳбарларимиз буюк шоиримиздан фидойиликни, фаолликни, оташинликни, жонсўзликни ва ташкилий ҳозиржавобликни ўргансалар, фойдадан холи бўлмас эди. Шундай муҳим фазилатлар ҳар бир раҳбаримизда бўлганида эди, аввало,

жамиятимиз ҳозирги танг аҳволга тушиб қолмас эди ва, иккинчидан, бу тангликдан тезда қутулган бўлар эдик. Қани энди, аввало, раҳбарларимиз, кейин эса, зукко ёшларимиз Ҳамид Олимжон яратган ҳаётбахш анъаналардан сабоқ олишни одатга айлантирсалар эди. Бундай қутлуғ анъаналар ҳисобга олинмаётганлигидан афсусланади киши.

САВОЛ: Сиз Ҳамид Олимжон ижоди ҳақида илмий, илмий-методик мақолалар ёзгансиз. Бу борада яна қандай ишлар қилиш ниятингиз бор?

ЖАВОБ: Тўғри айтдингиз. Чиндан ҳам мен Ҳамид Олимжон ижодиётини яхши кўраман. Унинг шеърляти мухлисларидан бириман. Адабиёт оламига киришимда, олим бўлиб камол топишимда бошқа омиллар қаторида Ҳамид Олимжон асарларининг шахсиятига хос хусусиятларнинг роли оз эмас. Шу сабаб бир умр унинг асарларидан кўнгил узолмасам керак. Шеър ва поэмаларини ўқиш, ёдлаш, декламация қилиш менга ҳар қачон завқ бағишлайди. Айтганингиздай, унинг ҳақида «Дўст эҳтироми» деган мақола ёзганман. Бу мақола 1981 йилда «Гулистон» журналининг 10-сонида босилган. Унинг асарлари ҳақида ҳам мақолалар ёзганман. Масалан, «Ўзбекистон» шеърини ўтишда «комплекс таҳлил» номли мақолам «Совет мактаби» (1980 йил, 7-сонида) журналида эълон қилинган, «Ҳамид Олимжон асарларида Бухоро ва Бухоро пахтакорлари образи», «Навоий ижодининг толмас тадқиқотчиси», «Мангу сеҳрли наво» деган мақолаларим «Бухоро ҳақиқати», «Дўстлик байроғи» газеталарида босилган. Булардан ташқари, докторлик илмий ишим асосида ёзилган ва нашр этилган «Уйғун маҳорати», «Шоир қалби доим навқирон», «Уйғун поэзиясида ғоявийлик ва маҳорат» китобларимнинг кўп саҳифаларини ҳам Уйғун билан Ҳамид Олимжон шеърлятининг типологик таҳлилига бағишлаганман. Шу кунларда унинг ижодий фаолиятига бағишлаб «Оташнафас шоир» деган рисола ёзиб тугатдим, яқин вақтлар ичида у нашрдан чиқади. «Ўқитувчи» нашриётига топши-

рилган «Замон ва адабиёт ўқитиш» кўлланмасининг бир қисми ҳам Ҳамид Олимжон асарларини ўрта мактабларда ўрганиш масалаларига тегишли. Булардан ташқари, шоир таваллудининг 60 - 70- ва ниҳоят 80-йиллигини нишонлашга тегишли чора-тадбирларга бош бўлиш ҳам менга насиб килмоқда. Бу борада қилаётган ишларимдан ғоят мамнун-лигимни эътироф этишим керак.

Мухбир: Мазмунли суҳбатингиз учун газетамиз муштарийлари номидан катта раҳмат, устоз!

—Сизга ҳам раҳмат! Саломат бўлинг!

ШОИР МАҲОРАТИ

Бу – ҳаётнинг маъноси, сози,
Бу – абадий яшовчи хилқат,
Бу – ўлимдан қўрқмайдиган куч,
Бу – оташин асл муҳаббат.

Уйғун

I. ШОИР ҚАЛБИ ДОИМ НАВҚИРОН

(рисола; Тошкент: Фан, 1983)

СЎЗБОШИ

Уйғун ижодини миллий ҳаётнинг кўзгусига қиёс этсак бўлади. Унда ўзбек халқининг муайян тарихий бир даврда босиб ўтган йўлини равшан кўрамиз. Уйғун ўз ижодида замонавий воқелик вужудга келтирган кишилар характеридаги янгича хусусиятларни кўрсатишга алоҳида диққат қилади. Шоир бунга эришиш учун оригинал йўлдан боради, ўзига ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлган сафдош шоир дўстлари овозини такрорламайди. Тинимсиз изланишлар, кунт билан қилинган мутолаалар, дунё адабиётини ўрганиш, янгилikka тинмай интилиш Уйғун талантидаги бундай янги қирралар жозибасини оловлантирди, уни ўзбек халқининг йириқ сўз санъаткори сифатида юртимизга танитди.

Уйғун ижоди мавзу оламининг кенглиги ва ранг-баранглиги билан ҳам ўзига хос. Шоир қайси мавзуга мурожаат қилмасин, халқимизнинг олижаноб ва меҳнатсеварлиги масаласига алоҳида урғу беради. Бу хосият унинг муҳаббат мавзуида ёзилган шеърларида, дoston ва балладаларида,

публицистик асарлари ва драмаларида ҳам қуёш янглиғ нур сочиб туради. Муҳаббат мавзуси Уйғун ижодиётида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Уйғуннинг «муҳаббат» сўзига иштиёқи шунчалик кучлики, у бу сўзнинг турли маъно ва мазмунини асарларида ҳар томонлама кашф этиш билан бирга, шеърлари (масалан, «Муҳаббат» (1942), «Муҳаббатинг бўлса» (1963), тўпламларининг «Муҳаббат» (1939), «Ғазаб ва муҳаббат» (1943) номини ҳам шу сўз билан аташни маъқул кўради. Халқимиз Уйғунни «муҳаббат куйчиси» деб атайтиди.

Унинг ишқ-муҳаббат тўғрисидаги шеърлари, ғазаллари, дostonлари ва балладалари, «Алишер Навоий» драмасидаги Навоий ва Гули монологи, «Олтин кўл» ва «Лақма» мусиқали комедияларидаги қўшиқ, дуэт ва лапарлар, «Абу Али ибн Сино» драмаси ва «Парвона» комедиясидаги ҳикматли сўзлар, ғазал ва ашулалар давраларда шавқ билан ўқилади, тўйларда ўзгача жаранг беради, севишган йигит ва қизларнинг мўъжазгина дафтарчаларига битилади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Уйғун ижодидаги севги интим хиссиёт бўлиши билан бирга, теран ижтимоий-ахлоқий мазмун ва муҳим эстетик моҳият касб этган Ватанга, халққа, она-тупроққа, севимли маъшуқага, инсониятга бўлган чексиз муҳаббатнинг бир-бири билан уйғунлашган, қоришиб кетган гўзал намунасиدير.

«Олтин севги» китобига сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла шуларни назарда тутиб Уйғун лирикасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шундай қайд қилади: «Мен муаллифнинг «Юрагимни бериб кетсанг бас» шеърига қулоқ солганимда, ларзага келаман. Лирика жанрининг ҳақиқий сеҳрини мана шунга ўхшаш ўтли, ёлқинли шеърлар туркумида кўраман»². Бу гапларда муболаға йўқлигини ҳамма яхши билади. Булар Уйғун лирикаси ҳақида сафдошлари томонидан юракдан айтилган дил сўзларидир. Ҳақи-

² Уйғун. Олтин севги, Тошкент, 1981, 8-бет.

қатан, Уйғун ижодининг кўпгина гўзал намуналари киши юрагини ширин бир ҳаяжонга салади, унинг Ватанга, ҳаётга бўлган меҳрини оширади, кучига куч, илҳомига илҳом кўшади.

Муҳаббат ҳақида Константин Паустовский томонидан жуда топиб айтилган шундай фикр мавжуд: «Муҳаббатнинг минг қирраси бор, ҳар бири ўз нури, ўз ғуссаси, ўз бахти ва ўз тотли бўйига эга»¹. Уйғун ижодида мана шу минг қирранинг ранг-баранг томонларини, оловли жилваларини равшан кўрамиз. Шоир «Олтин севги» (1936) шеърисида: «Севги одат бизнинг кунларда, Севги бизга олтин зарурат» деб ёзади. Шоир бу шеърда илгари сурган чуқур поэтик мазмун эътиборга лойиқдир. Шоир мазкур мисраларда соф туйғулар, қутлуғ орзуларни алоҳида пафос ва ўзига хос ғурур билан васф эта олган.

Уйғуннинг лирикада муҳаббатни таъриф этишдаги ўзига хослиги нимада кўринади? Бу саволга кўпгина адабиётшунослар классик адабиёт, анъаналаридан новаторона фойдаланишида, деб жавоб берадилар. Бу фикр тўғри, аммо етарли эмас. Бизнингча, кенг диапазонли хассос лирик шоир Уйғун халқимизга хос қадимий одатлар, ахлоқий-маънавий қарашлар, фольклор традицияларини классик адабиёт анъаналарига омикталаштирган ҳолда ўз ижодида талқин этади. Ўзбек классик адабиётининг таъсири Уйғун ижодида бадий шаклларда ва тасвирий воситаларда равшан кўринади. Уйғуннинг улуғ рус адабиётидан самарали ўрганганлиги унинг муҳаббат ҳақидаги шеърларида ҳам, драмаларида ҳам ёрқин кўринади. Уммон сингари беҳудуд, ғоявий-эстетик таъсир кучи юксак бўлган бу сеҳрли дунёдан шоир ғоявий мазмунни чуқур, атрофлича, аниқ ва равшан, кўпчиликка тушунарли, содда ва тиниқ қилиб реалистик тасвирлашни, шахсий кечинмаларга ижтимоий маъно юклашни ўрганди.

¹ Воронцов В. Тафаккур гулшани. Тошкент, 1981, 382-бет.

Бундан бундай хусусиятлар бошқа адабиётларда йўқ экан, деган бирёқлама хулоса келиб чиқмаслиги керак. Жаҳон адабиётининг бу борадаги сабоқлари ҳамма қардош адабиётлар, жумладан, ўзбек адабиёти учун ҳам етакчи роль ўйнаши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бундай шарофатли хосиятнинг гўзал самараларини Уйғуннинг лиро-эпик асарлари ва драматургияси мисолида ҳам айтиш мумкин. Жумладан, Уйғуннинг «Март кунларида», «Гуласал», «Украина еллари», «Вафо» дostonларида хотин-қизларнинг эрка, ёруғликка интилиши, ўзаро ҳурмат асосида ташкил топадиган оила учун кураш мавзуси ўзининг ёрқин ифодасини топган бўлса, «Уфа йўлида» балладасида эркин ишқ-муҳаббат ва оила учун курашда ҳалок бўлганларнинг хотираси абадийлаштирилади.

Муҳаббат мавзуини бадий талқин этиш жиҳатидан Уйғуннинг драматик асарлари ижтимоий-сиёсий ва эстетик-тарбиявий қимматга эга. Шоир «Алишер Навоий», «Абу Райҳон Беруний», «Абу Али ибн Сино», «Зебунисо» каби тарихий драмалари орқали ўтмишда эркин севги — муҳаббат замон зайли туфайли фожеаларга гирифтор бўлганлигини катта маҳорат билан ифодалаган бўлса, ҳозирги замон мавзуида ёзилган «Ҳаёт кўшиғи», «Олтин кўл», «Навбахор», «Хуррият», «Парвоз» каби драмаларида бахтли муҳаббатни васф этади. Уйғун «Парвона», «Лақма» комедияларида, «Сўнги пушаймон», «Дўстлар», «Қотил» каби драмаларида муҳаббатдек ҳаётий, ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга молик масалага юзаки, бир томонлама қаровчи, эскилик сарқитларига ўралган айрим кишиларнинг тақдирини қаламга олади. Ҳар учала ҳолда ҳам шоир шарқона ахлоқ тўғрисида фикр юритади ва уни қарор топтириш учун курашади.

Ўзбек публицистикасида муҳаббат мавзуида баҳсу мунозаралар⁴, фикр алмашувлар⁵ тез-тез бўлиб турса ҳам,

⁴ Муҳаббатни ардоқланг, "Ёш ленинчи" газетаси, 1979 йил 2 февраль.

мазкур мавзунинг бадий адабиётдаги талқини моҳиятини баҳолаш масаласига келадиган бўлсак, аҳвол эътироф этадиган даражада эмас. Замонавий ўзбек адабиёти вакилларининг ҳар бири бу мавзу бўйича катта тажриба орттирган бўлишига қарамай, уларнинг шарқона ахлоқ тарбиясининг шаклланишига, янгича ахлоқий-маънавий қарашларнинг камол топишига қўшган ҳиссаси ўзининг етарли баҳосини олган эмас. Уйғун ижодиёти тўғрисида ҳам шунга яқин фикрларни айтиш мумкин. Адибнинг ўзбек поэзиясида муҳаббат лирикасини асослаш, ривожлантириш ва ижодиётида муҳаббат мавзуини талқин этиш борасидаги хизматлари қисман бўлса ҳам О. Шарафиддинов, В.Зоҳидов, М. Юнусов, С.Мамажонов, О. Шарафиддинов, Н. Шукуров, И. Ғафуров, Н.Раҳимжонов, Н.Каримов, В.Смирнова, З. Кедрина, К. Аҳмаджонова, К.Расулов, М. Салаева, Ч. Султонова каби адабиётшунослар томонидан тилга олиб ўтилган. Булардан уйғуншунос олима К. Аҳмаджонованинг «Уйғун — лирик шоир» китобининг «Гўзаллик ва муҳаббат талқини»³, таниқли адабиётшунос олим М.Юнусовнинг «Ҳаёт нафаси» китобига киритилган «Санъаткорнинг икки жабҳаси» мақоласини⁴ ва мунаққид Н.Раҳимжоновнинг «Давр ва ўзбек лирикаси» монографиясининг⁵ шу масалага бағишланган саҳифаларини алоҳида эслатиб ўтиш мумкин.

Танқидчи Н. Худойбергановнинг «Эҳтирос тўлқинлари» китобига кирган «Бахт ва муҳаббат йўлида»⁶ мақоласида мазкур масалага дастлаб дахл қилинади ва унда асосан, ўзбек насри бу соҳада эришган ютуқ ва камчиликлар ўзининг объектив баҳосини олади. Афсуски, мазкур мақолада Уйғуннинг номи эслатиб ҳам ўтилмайди.

² Қаюмов Л. Улкан бахт бу – севмоқ, севилмоқ. “Саодат” журнали, 1977, 26-27-бетлар.

³ Аҳмаджонова Қ. Уйғун – лирик шоир, Тошкент, 1979, 62-81-бетлар.

⁴ Юнусов М. Ҳаёт нафаси, Тошкент, 1981, 108-111-бетлар.

⁵ Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси, Тошкент, 1979, 95-97-бетлар.

⁶ Худойберганов Н. Эҳтирос тўлқинлари, Тошкент, 1970, 78-124-бетлар.

Уйғуннинг муҳаббат лирикаси тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида Мирмуҳсин, Туроб Тўла, В. Инбер, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов каби шоирлар ҳам ўз фикрларини баён этишган.

Уйғуннинг муҳаббат лирикаси борасидаги ва муҳаббат мавзуини талқин қилишдаги хизматлари таҳсинларга, олқишларга, ўринли танқидларга сазовор бўлиши билан бирга ўринсиз танқидлар, ортиқча қаҳру ғазаб, таъна ва дашномларга ҳам гирифтор бўлганлиги китобхонларга маълум. Шундай танқидлардан бирини адабиётшунос Наим Каримов «Фикрнинг гули ва ёлқини» деган мақоласида афсус билан эслаб, қуйидагиларни ёзади: «Бу нутқда бир неча ёзувчиларимиз «оқ калтак - кўк калтак» қилинган, нотик навбатдаги қурбонга ўтиб, бундай деган эди: «Уйғуннинг асарлари унинг фақат ҳозирги турмушимиздангина четда эканлигини эмас, умуман, ҳақиқий ҳаётдан четда эканлигини исботлайдилар... Уйғун куйлаган муҳаббат... «Ўлимдан кучли бўлган муҳаббат» эмас, Уйғун шеърларидаги муҳаббат одамларни кўтаринки руҳ билан зўр қаҳрамонликларга, олижаноб ишларга илҳомлантормайди... Уйғунга тақлид қилувчилар қаторига биз ёш шоирлардан Зулфия, Шукрулло, Раъно - Узоқова, Саид Назар ва бошқа ўртоқларни киритишимиз керак. Буларнинг ҳам кўп шеърлари совет воқелигига тамоман ёт бўлган ғоясизлик ва мазмунсизлик билан суғорилган «лирика» дан иборатдир».

Назаримда, Уйғуннинг ўшандан кейин анча вақт «шеърый» сукунатга берилишида ушбу танқиднинг «хизмати» оз бўлмаса керак»¹⁹. Наим Каримовнинг адабиёт майдонига қалам эмас, болта олиб кирган мазкур танқидчига нафрат, шоир Уйғунга ачиниш ва ҳурмат билдириши бежиз эмас. Ахир, бундай «ур калтак - сур калтаклар» туфайли адабиётимиз қанча зиён кўрди, бу ҳақда ҳозир гапириб ўтиришнинг

¹⁹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1982 йил 2 июль.

хожати бўлмаса керак. Аммо ўшанда ўринсиз танқид қилинган Уйғуннинг «Жафо қилма», «Бевафога» каби бир қатор шеърлари ҳамон китобхонлар севиб ўқийдиган асарлар қаторида туриши ва Уйғун ундан кейин ҳам муҳаббат мавзуида баркамол асарлар яратиб, ҳаётни, ёшлиқни, бахтни, висолни улуглаб келаётгани мазкур танқидчилар нақадар юзаки, ҳаётдан йироқ ва субъектив фикр юритганлигидан далолатдир. Бу жиҳатдан рус адабий-бадий танқиди тутган йўл ибратли. Рус поэзиясида бошқа мавзудаги шеърлар қанчалик севиб ўқилса, муҳаббат мавзуидаги шеърлар ҳам шунчалик севилиб ўқилади.

1982 йилнинг 7 июнида «Правда» газетаси танқидчи Павел Ульяшовнинг «Где же вы, мужчины?» деган адабий-танқидий мақоласини эълон қилди. Мазкур мақолада 1981 йилда журналларда эълон қилинган рус қиссаларида муҳаббат мавзусининг қандай тарзда ифода этилиши масаласи давримизнинг долзарб муаммоси сифатида текширилган, баҳоланган ва ахлоқ тарбияси борасидаги масалалар тўғрисида қизиқарли баҳс юритилган. Муҳаббат мавзуси талқини мисолида кишиларнинг ахлоқий муносабатлари тўғрисида баҳс юритадиган, замон илгари сурган бу борадаги масалаларни ҳаётга татбиқ этишга даъват этадиган бундай мақолаларни миллий матбуотимиздан кўплаб келтириш мумкин.

Уйғун ижодиёти тўғрисида гапирадиган бўлсак, унинг томонидан муҳаббат мавзуида яратилган турли жанрлардаги ғоявий ва бадий баркамол асарлар бундай олижаноб вазифани олтмиш йилга яқин даврдан буён шараф билан бажариб келмоқда. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида қисқача характерлаб ўтилган ишларнинг биронтаси ҳам Уйғун поэзиясида муҳаббат лирикаси ва ижодида муҳаббат мавзуи талқини масаласини махсус ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўймаган.

Уйғун бу борада олтмиш йилга яқин вақтдан буён узлуксиз қалам тебратиб келаётган, ижодий ютуқлари билан

умумхалқ муҳаббатига сазовор бўлган, ибратли тажрибалари билан адабиётимизни бойитаётган ёзувчилардандир. Шу нуқтаи назардан Уйғуннинг ахлоқ-одоб, оила ва муҳаббат темасида ёзилган вафо ва садоқат, висол ва ҳижрон ғоялари улуғланган асарлари тўғрисида баҳс этиш, гўзал инсоний фазилатлар соҳиби саналган қаҳрамонлари ҳақида фикр юритиш катта ижтимоий-сиёсий ва муҳим эстетик-тарбиявий қимматга эга.

Атоқли шоир ва забардаст драматург Уйғун ижоди мисолида ўзбек адабиёти ўзбекона ахлоқнинг таркибий қисмларидан бири бўлмиш чин муҳаббатни улуғлашда ва замонавий оилани қарор топтиришда эришган ютуқларни, тўплаган тажрибаларни умумлаштириш ушбу ишнинг мақсад ва вазифасини ташкил этади. Муҳаббат мавзусининг илмий талқини тўғрисида ўзбек адабиётшунослигида бугунгача биронта монографик характердаги тадқиқотнинг бўлмаганлиги ва бу тадқиқот муаллифнинг шу соҳадаги дастлабки уриниши бўлганлиги сабабли унда айрим камчиликларнинг бўлиши табиий. Иш ўзбек адабиётшунослигида мазкур «бўшлиқ»ни тўлдиришга озгина бўлса ҳам маълум ҳисса бўлиб қўшилар, деган умиддамиз. Ундаги камчиликлар ҳақида ўзларининг танқидий фикр-мулоҳазаларини билдирадиган китобхонларга миннатдорчилик билдирамиз.

Севги ва садоқат дафтари

Чамандаги асалари кун бўйи турфа гуллардан бол йиғиб чарчамагани каби саксон ёш эшигини қоқаётган Уйғун ҳам халқимиз вакиллари тақдиридан доимо хосият излайди, тўплаган турфа фикрларини, туйган тотли ҳисларини назмга солишдан эринмайди. Унинг сеҳрли, жозибали, қиёссиз лирикасини тонготарда атиргул висолига эришиб, бахтли хониш қилаётган ошиқ булбул навосига ўхшатса бўлади. Лекин шуниси борки, булбул фақат баҳорда гулга шайдо

бўлади ва шундагина унинг бийрон тилларидан сеҳрли наволар ҳувайдо бўлади. Уйғун табиат ва ватан шайдоси бўлганидан йилнинг барча мавсумларида «Ҳар фаслнинг ўз хислати»¹¹ га ярашиқ таронасини янграшиб келмоқда. Ўзбек юртида кишиларимиз қалб меҳри билан унган оддий гиёҳдан тортиб йирик иншоотларгача, ошиқ-маъшукларнинг биринчи бўйсидан тортиб, эндигина туғилган чақалоқнинг ингаингасигача, миллий ифтихор рамзи қилиб кўкракка тақишга арзигулик бинафшадан бошлаб, фанда янги кашфиётлар яратаётган алломаларимиз фаолиятигача, қўйинг-чи, замонамизнинг жуда қўп масалалари Уйғун ижодининг мавзу доирасини ташкил этади. Йилнинг тўрт фаслида ҳам Уйғуннинг қалбида баҳор мавж уради, унинг шакар гуфтор лирикаси қишнинг қаҳратон кунларида ҳам ишвали хониш қилади. Чунки у ҳаёт ошиғи.

Уйғун поэзиясининг мавзу доираси чиндан ҳам ҳаёт қадар кенг, уни бирма-бир санаб чиқиш амри маҳол, зотан сўз санъатининг табиати ҳисоб-китобга мойил эмас. Уйғун поэзиясининг ғоявий мазмунини реал воқелиқда содир бўлган ва бўлаётган жамики ўзгаришлар ташкил этади. Унинг ўзи эса бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси, бунёдкори, амалга оширувчи ва мустаҳкамловчиларидан бири. Уйғун поэзиясининг қаҳрамонлари меҳнатдан бахт топган, кўкрагига шамол теккан инсонлардир. Муҳими шундаки, Уйғун мазкур муҳим мавзуларни, ҳаётбахш ғояларни, бунёдкор қаҳрамонларни адабиётнинг турли шаклларида гўзал ифода қилиб беришда ўзига хос санъаткорлик кўрсатади. Унинг узоқ йиллар давомида қилган тинимсиз машаққатли меҳнати, изланишлари туфайли адабиётда уйғунона шеър деб номланган поэзиянинг ўзига хос бир ажиб чамани яратилди. Муаттар ҳидли, кўркем жамолли бу чаманни фалсафий лирика, табиат лирикаси, сиёсий лирика, воқеабанд лирика, сим-

¹¹ Қўштинқоқдаги сўзлар ва мисралар Уйғун ижодидан олинган.

волик лирика, публицистик лирика, ҳажвий лирика, юмористик лирика ва муҳаббат лирикаси деб номланувчи турфа гуллар яшнатиб турибди. Уйғун парваришида гуллаган мангу барҳаёт бу чаманнинг муаттар ҳиди кириб бормаган хонадон ўлкамизда топилмайди. Уйғунона шеърнинг ўз издошлари, мухлислари беҳисоб.

Маълумки, лирик поэзияни тасниф қилиш, номлаш (терминологик ва жанр хусусиятлари нуқтаи назаридан) масаласи ўзбек адабиётшунослигида ниҳоясига етказилмаган муаммолардан. Бу масала фақат ўзбек адабиётшунослигида эмас, балки қардош халқлар адабиётшунослигида ҳам мунозарали. Шу сабабли лирик поэзияни тасниф қилиш, жанр хусусиятларини белгилаш ва номлаш масаласида китобхон турли-туман фикрларга, таснифларга, атамаларга, принципларга дуч келади. Мавжуд адабиёт назарияси ва адабиётшуносликка кириш дарсликларида, қўлланмаларида, шунингдек, лирик поэзия тадқиқига бағишланган монографик характердаги китобларда лирик поэзияни характери ва тематикасига қараб тасниф қилиш асосий тенденция сифатида намоён бўлмоқда.

Кейинги йиллардаги (1965-1982) тажриба тематик принцип тарафдорларининг фикри ҳаётий заминга, илмий асосларга эга эканлигини кўрсатмоқда. «Введение в литературоведение» дарслигининг муаллифи Л. В. Шепилова лирик асарларни шаклига кўра тасниф қилувчилардан ҳисобланади. У шу принцип асосида лирик асарларни икки жанрга бўлади. Буларнинг биринчиси лирик шеър ва иккинчиси лирик поэма. Бошқача қилиб айтганда, бу олима лирикани кичик ва катта лирик шаклларга ажратиш тарафдори. Аммо машҳур олима Л. В. Шепилова ҳам лирикани турларга бўлишда адабиёт назариясида тематик принцип мавжудлигини ва бу принципга биноан лирик тур гражданлик, фалсафий, интим

ва бошқа жанрларга бўлинишини эътироф этиб ўтади¹. Маш-Маш-хур адабиётшунос олим Г.А.Абрамович бу масалада Л.В.Шеппи-ловага фикрдошдир. У ўз дарслигининг «Лирик асарларнинг кўринишлари» бўлимида лирик асарларни тематик принцип асосида эмас, балки унинг шаклига қараб классификация қилиш лозимлигини эътироф этади. Шу принципдан келиб чиқиб, лирикани ода, сатира, элегия каби жанрларга бўлади ва уларни анализ қилиш билан чегараланади. Г.Л.Абрамович баъзи назарийчилар лирикани тематик принцип асосида тасниф қилганликларини ҳисобга олади ва лириканинг фалсафий, ватанпарварлик, сиёсий ва гражданлик, муҳаббат ва пейзаж кўринишлари борлигини таъкидлайди².

Машхур адабиёт назарийчиси, профессор Л.И.Тимофеев ҳам «Адабиёт назарияси асослари» китобида лирик жанр шакллариининг бир-биридан фарқи, тематик принципга мувофиқ асосланганлигини эътироф этади, лирик тур муҳаббат, фалсафий, сиёсий лирика ва бошқа жанрларга бўлинишини таъкидлайди³.

«Словарь литературоведческих терминов» китобида лирик жанрнинг кўринишлари эпик турнинг шакллари сингари аниқ таснифга эга бўлмаса ҳам лирик асарлар ифода этилган мазмунига кўра сиёсий, пейзаж, фалсафий, муҳаббат, дўстлик лирикаси ва бошқа кўринишларга эга⁴, деган фикр илгари сурилади.

Ўзбек адабиётшуносларидан Ҳомил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Нуриддин Шукуров, Салоҳиддин Мамажонов, Иброҳим Ғафуров ва бошқалар томонидан бу масалада илгари сурилган фикрлар, асосан, рус адабиётшунослариининг фикрларига ҳамоҳанг. Шу билан бирга, ўзбек поэзиясининг

¹ Шеппилова В. Введение в литературоведение. М., 1968, с.268-269.

² Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. М., 1956, с. 248.

³ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. М., 1963, с. 335-352.

⁴ «Словарь литературоведческих терминов», М., 1975, с.175.

таснифи ва терминологияни қўллаш масаласида ўзига хос қарашга эга. Энг муҳими, ўзбек адабиётшунослари мазкур масала бўйича амалга оширилган тадқиқотларида, асосан, тематик принципга риоя қиладилар. Бу принцип ўзбек лирик поэзиясини тасниф қилишда ўзининг ҳаётийлигини тўла исботлайди. Масалан, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов лирик поэзия таснифи ҳақида мулоҳаза юритиб қуйидаги фикрларни баён қилади: «Лирика ҳам бир қанча турларга бўлинади. Аммо эпосда турларга бўлинишда асарнинг ҳажми, композиция қурилиши асос қилиб олинса, лирикада бошқача принцип мавжуд. Чунки лирик кечинмалар, ҳис-ҳаяжонларни тасвирлагани, характернинг бирор ҳолатини ифодаллагани учун у ҳажм жиҳатидан бўлади. Шунинг учун лирикада кечинманинг мазмуни, тематик принципи, турли кечинмаларга мос келувчи турли формалар турларга ажратишда асос қилиб олинади. Шу тариқа философик лирика, сиёсий лирика, ишқий лирика, пейзаж лирикаси каби турларни ажратишади»¹. Озод Шарафиддиновнинг «Йиллар ва йўллар» номли мазмундор йирик тадқиқотида, шунингдек, унинг лирик поэзия таҳлилига бағишланган бошқа қатор мақола ва китобларида² Ғафур Ғулум, Ойбек, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Миртемир ва Зулфия поэзияси мисолида лириканинг юқорида эслатиб ўтилган турлари ўзбек адабиётида камол топганлиги эътироф этилади. Поэзиянинг бошқа бир зукко тадқиқотчиси Иброҳим Ғафуров ўзининг «Ёнар сўз», «Ўртоқ шоир»³ ва бошқа китобларида, газета ва журналларда эълон эълон қилинган мазмунли ва ўзига хос мақсаларида лирик поэзияни турларга бўлишда тематик принципни маъқул

¹ «Эстетика масалалари». – Тошкент, 1965, 132-бет.

² «Адабиётимизнинг ярим асри». – Тошкент, 1967, 164-244-бетлар; «Шоир калби дунёни тинглар». – Ўзбек адабиёти масалалари, Тошкент, 1962.

³ Ғафуров Иброҳим. Ўртоқ шоир. – Тошкент, 1975, 3-бет.

тематик принципни маъқул кўради ва шу принцип асосида поэтик асарларнинг намунали таҳлилини беради.

«Адабиётшунослик терминлари луғати» муаллифлари лирика ҳақида фикр юритиб ёзадилар: «Ҳозир лирик шеърни унинг асосий мазмунига қараб, сиёсий ёки гражданлик лирикаси, фалсафий лирика, интим (шахсий) лирика¹, табиат ёки пейзаж лирикаси каби жанрларга ажратадилар. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам инсон ҳаёти, муҳаббати ва нафрати, севинч ва изтироби ўзининг ифодасини топади»².

Адабиётшунос олим, профессор Ҳомил Ёқубов «Адабий мақолалар» китобида Ойбек лирикаси хусусида диққатга лойиқ фикрларни баён қилиб, унинг лирикасини тематик принцип жиҳатидан эмас, балки образлар нуқтаи назаридан таҳлил қилади ва шундан келиб чиқиб, уни «ўзгаришлар образи», «табиат манзаралари образи» (пейзаж лирика), «севги-муҳаббат образи», «муҳаббат лирикаси» тарзида тасниф қилади³.

Филология фанлари доктори Н. Шукуровнинг «Услублар ва жанрлар» деб номланган китоби ва шу мавзуда ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси ўзбек поэзиясида амалга оширилган бу соҳадаги ишларни умумлаштириб бериши ва шу масала юзасидан қонкрет илмий хулосаларни ўртага ташлаши нуқтаи-назаридан аҳамиятга эга. Профессор Н. Шукуров 50 йил ичида ўзбек лирик поэзияси эришган ютуқларни таҳлил қилади ва уни қуйидаги беш турга бўлишни маъқул кўради:

1) ижтимоий-публицистик лирика; 2) интим лирика; 3) рамзий лирика; 4) воқеабанд лирика; 5) ҳажвий лирика⁴. Шундан сўнг у лирик турларнинг ўзига хос хусусиятлари ва

¹ «Луғат» муаллифлари «интим лирика» деганда, асосан, муҳаббат лирикасини кўради тутишган, шунга яқин фикр Н.Ҳотамов луғатида ҳам учрайди.

² Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент, 1967, 93-бет.

³ Ёқубов Ҳ. Адабий мақолалар. – Тошкент, 1970, 22-113-бетлар.

⁴ Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент, 1973, 96-бет.

лигида биринчилардан бўлиб, лирик поэзияни турларга бўлиш мезонларини белгилайди. Лирик турлардан поэтик шаклларни ажратади, уларнинг ўртасидаги фарқларни чегаралаб беради²³.

Интим лирика ва муҳаббат лирикаси терминлари Н.Т.Ҳотамов томонидан тузилган «Луғат»да²⁴ ўзининг тўғри изоҳини топган. Тожик адабиётшунослари ҳам лирик жанрни тематик принцип асосида турларга бўлади. Бу жиҳатдан Абдурахмон Абдуманноновнинг «Сухан аз қаҳрамони лирика» («Лирик қаҳрамон ҳақида сўз») мақоласида илгари сурилган фикрлар эътиборга лойиқ. У тожик шеърини материали асосида лирик поэзияни фалсафий лирика, гражданлик лирикаси, ишқий лирика ва бошқа турларга бўлади²⁵. Шунга ўхшаш фикрларни туркман²⁶ ва қорақалпоқ²⁷, қирғиз ва озарбайжон адабиётшунослари асарларида ҳам учратиш мумкин. Мана шу фактларнинг ўзи ҳам лирик поэзияни турларга ажратишда адабиётшуносларнинг фикрларида ҳар хиллик мавжудлигидан далолат беради.

Муҳаббат лирикасини тасниф ва талқин этишда олимлар ўртасида ҳар хиллик бўлганидек, уни номлаш масаласида ҳам ўзига хослик кўзга яққол ташланади. Масалан, Ҳомил Ёқубов уни «муҳаббат лирикаси», «севги лирикаси», «севги-муҳаббат» образи тарзида қўллайди, севги ва муҳаббат сўзларини бир хил мазмунда, параллел тарзда ишлатади. Олимнинг Ойбек лирикасига бағишланган тадқиқотида муҳаббат, севги сўзлари кўп ҳолларда ўз сифатловчилари билан ишлатилади. Масалан, эркин муҳаббат, озод муҳаббат, тўлиқ муҳаббат, соғлом муҳаббат, тенг ҳуқуқли севги-

²³ Уша асар, 93-160-бетлар.

²⁴ Ҳотамов Н.Т. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат. - Тошкент, 1969, 51,71,-бетлар.

²⁵ «Садон шарқ», 11-сон, 1975, 103-бет.

²⁶ Абдуллаев Эди. Адабиёт назарияси асослари. - Ашхобод, 1972, 161-267-бетлар.

²⁷ «Тулистон» журнали, 10-сон, 1975, 11-бет.

тўлиқ муҳаббат, соғлом муҳаббат, тенг ҳуқуқли севги-муҳаббат, қаҳрамонликка ундовчи муҳаббат, олижаноб севги, мардликка ундовчи севги, ёшлиқдаги ишқ ва ҳоказо.

Муҳаббат сўзи лирик поэзиянинг турларидан бири - муҳаббат лирикаси маъносини ифодалаганда адабиётшунослик термини сифатида ишлатилади. Бу жиҳатдан профессор Ҳ.Ёқубовнинг фикри мақсадга мувофиқ. У қуйидагиларни ёзади: ..."Шу тариқа Ойбекнинг муҳаббат лирикасида олижаноб, вафоли севгида бўлган умумбашарийлик фазилатлари шоир кечинмаларида қонкрет, индивидуал ифодасини топади".

Адабиётшунос О.Шарафиддинов ва тожик адабиётшуноси А.Абдуманноновлар ўз илмий ишларида ишқий лирика, Л.Тимофеев, В. Абрамович ва Н. Ҳотамовлар муҳаббат лирикаси, Л. В. Шепилова, Н. Шукуровлар интим лирика тарзида ишлатадилар. Ана шу терминлардан муҳаббат лирикаси деган атама мазкур рисолани текшириш объекти саналган лирик турнинг маъно ва мазмунини, жанр характерини ифода этиш учун мақсадга мувофиқдир.

Муҳаббат - энг қадимий ва энг навқирон тушунча. У шунгача қариган эмас, бундан кейин ҳам қаримайди. У ҳамиша офтоб янглиғ қалбга яқин. Аммо ҳар бир замон, ҳар бир авлод ва ҳар бир қалб уни янада янги, мазмунли, кўркем ва файзли бўлишига ўз ҳиссасини қўшади. Шунинг учун ҳам машҳур татар шоири Ҳоди Тоқтош «муҳаббат, ул ўзи эски нарса, лекин ҳар бир юрак они ёнгурта» деб бежиз айтмаган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ва у кишининг устози комиллари Фирдавсий ва Низомий, Хисрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий, Шайх Саъдий ва Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий ва Хоразмий, Бобур, Машраб, Мужрим, Хиромию Муқимий, Фурқат, Мунис, Огаҳий, Ҳамза, Айний, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тошпўлат Ҳамид, Душан Файзий ўзларининг машҳур байтларини муҳаббат васфига бахш этганлар.

Қадимий ва абадий навқирон муҳаббат васфи

Ўзбек адабиётида, умуман, жаҳон адабиётида муҳаббат мавзуида ижод қилмаган санъаткорни топиш қийин. Чиндан ҳам адабиёт майдонига кирган ҳар бир қаламкаш қадимий ва абадий навқирон муҳаббат мавзуида ижод қилишни саодат деб билади. Аммо улар ўртасида бутун ижоди давомида муҳаббат темасида қалам тебратиб, сўз санъатида шуҳрат қозонган шоирлар бармоқ билан санарлидир. Ўзбекистон халқ шоири Уйғун шундай бахтга мушарраф бўлган вафо ва садоқат куйчисидир.

Уйғун 30-йилларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон сингари севги ҳақида кўпгина шеърлар ёзган. У ахлоқий-тарбиявий қимматга эга бўлган муҳаббатни кишиларимиз онгида пайдо бўлган маънавий-эстетик ўзгаришларга омихта тарзда, табиат манзаралари фонида, кўтаринки услубда, қарама-қарши кўйиш приёмида ифодалади. Бу йиллар Уйғун ижодий услубида, асосан, мусбат воқеалар, қаҳрамонлар, янги тушунчалар, ғоялар, анъаналар мисолида эски тушунча, қонунларни рад этиш, янгисини қарор топтириш, унинг афзалликларини тарғиб қилиш учун кураш асосий йўналиш даражасига кўтарилди. Шоир ишқ-муҳаббатни шеърларида васф этганида ана шу йўлдан борди, янги тушунчалар, қарашлар, анъаналар асосида оила қуриш ва унинг бахтини таъминлаш масаласи муҳим аҳамиятга молик воқеалардан бири эканлигини тараннум қилди.

Бу жиҳатдан шоирнинг 30-йилларда ёзилган «Тутқин келинчак» (1926), «Хаёлингга кезар икки нарса» (1936), «Бинафшани чўзди ёрига» (1936), «Олтин севги» (1936), «Сен боғимнинг тоза гулисан» (1936), каби шеърлари характерлидир. Шоир бу шеърларида эркин, тенг, ихтиёрий муҳаббат тўғрисида фикр юритади. Бу мақсад эслатиб ўтилган шеърларда турли йўл ва приёмларда ҳал этилади. Масалан,

шеърларда турли йўл ва приёмларда ҳал этилади. Масалан, шоирнинг муҳаббат мавзуидаги дастлабки изланишлари намунаси саналган «Тутқин келинчак» шеърида эркин, тенг муҳаббат масаласи хотин-қизлар озодлиги масаласига боғлиқ тарзда ҳал қилинади. Бу масала лирик қаҳрамон эстетик қарашлари, тушунчаси, замонга муносабатига боғлиқ ҳолда ўз ифодасини топади. Мазкур шеърни лирик қаҳрамоннинг монологи дейиш мумкин. Бу монолог риторик сўроқлар, лирик баёнлар, ҳукмлар, таъкидлар асосида тузилган. Қўлланилган тасвирий воситаларнинг ҳаммаси тутқин келинчакка ҳамдамлик, уни «булутларга мармар кўйлак кийгизиб, духоба гулларга дудоқ тейгизиб, нозли қизлар каби отадиган тонглардан», «шундай оқшом» («фируза уфқли оқшом», «кумуш ой нозланиб боқувчи оқшом»), «гўзал дамлардан бебаҳра» қолмасликка даъват этувчи мотивнинг ёрқин ифодаланишига қаратилган. Шоир, асосан, ўз бадий қарашларини лирик тасвир, қаҳрамон характерида ҳукмронлик қилувчи бой маънавий оламини тасвирлаш орқали ифодалаган. Бу лирик қаҳрамон курашчан фаол киши сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Бу жиҳатдан қуйидаги сатрлар характери:

Шундай турмушларнинг чиркин бағрига,
Ботирларча кўрқмай, кўкраклар кериб,
Кел бери, барчамиз олов ёқамиз,
Ҳасрат нолаларни ёвларга бериб,
Кўнгилга севинчдан чечак тақамиз¹.

Шеър ўз аёллик қадр-қимматини ҳимоя қилолмай, ҳақ-ҳуқуқини талаб этиш йўлини тополмай, ҳали ҳам тутқинликда («алам-ғамлардан юзлари заъфарон», «ҳасратла юраги қонга тўлган», «яйраб бир оз эркин нафас ололмай», «кўнглига заррача севинч соллолмай») яшаётган келинчакка

¹ Уйғун. Асарлар (олти томлик), 1-том. – Тошкент, 1974, 13-бет. Бундан кейин қаясичида томларнинг рақами ва саҳифаси кўрсатилади.

Очилмоқ истаркан лола дудоқлар,
Жовдираб кўзларинг нечун ўйноқлар?
Сўзла, кимни кутдинг дастлаб, эй чечак,
Бебаҳо, гўзалим, тутқин келинчак?

(I том, 12-бет).

Шундан кейинги бандларда (улар уч банд) шоир миллий воқелик нафақат ижтимоий ҳаётга, балки табиатга ҳам ўзгача кўрк, ранг ва фусун берганлигини намоиш этади ва келинчакнинг тутқинлиги тенгсиз муҳаббат, мажбурий оила қуриш туфайли эканлигини баён қилади:

Кимни шунча кутдинг, дастлаб чечак?
Юзлари заъфарон каби келинчак?
Гул бермоқ истаган «ошиғинг» сенинг,
Чол эмасми, эркам, ялқов, эринчак?

(I том, 13-бет).

Мазкур бандда шеърда илгари сурилган эркин, тенг муҳаббат учун кураш ғояси баён этилиши билан бирга келинчак зўрлаб чиқарилган чол характерига хос «ялқов»-лик, «эринчоқ»лик, «пассив»лик аломатлари ҳам ўз ифодасини топган. Навбатдаги бандда эса чолнинг унга тенг эмаслиги тушунтирилади. Шеър тутқун келинчакни эркинликка чақирувчи, жаҳон ва баҳорни мадҳ этувчи сатрлар билан яқунланади.

Шеърнинг биринчи ва саккизинчи бандларидан ташқари (булар беш мисрали) қолган бандларининг ҳаммаси мураббаъ формасида тузилган. Унинг қофия системасида қатъийлик йўқ. Масалан, биринчи банд аа (дудоқлар-ўйноқлар), бб — (чечак-келинчак), маснавий системасида, иккинчи банд мураббаъ шаклида (ббба), учинчи банд эса, абба тарзида қофияланган. Шеърда «Очилмоқ истаркан лола дудоқлар» сингари абстракт фикрлар, табиат манзараларига меъёридан

қофияланган. Шеърда «Очилмоқ истаркан лола дудоқлар» сингари абстракт фикрлар, табиат манзараларига меъеридан ташқари ўрин бериш ҳоллари ҳам учрайди. Бу ҳол Уйғун ҳаётдан ижтимоий аҳамиятга эга долзарб мавзу танлай олган бўлса ҳам, уни санъаткорона ифода этишда ҳали етарли тажриба ва билимга эга эмаслигини кўрсатади.

«Тутқин келинчак» типигаги шеърлар Уйғун ўз устида тинмай ишлаши, изланиши, классиклар ижодини, ҳаётни ўрганиши лозимлигини тақозо этиши билан бирга, уни янги ижодий муваффақиятларга ҳам даъват этди.

Уйғун - «гул илҳом» даъвати билан «олтин қалам»да «зафар созини», «гул шеъри»да тараннум этувчи шоир. Уйғун шеърларидан териб олинган иборалар таърифу тавсиф, назокат учун айтилган сўзлар эмас. Балки уларда шоирнинг ўз ҳаётидан, ижодидан мамнунлиги, уйғунона шеърнинг эстетик хусусиятлари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ҳақиқатан ҳам, Уйғун қайси мавзуда ёзмасин, нима тўғрида фикр юритмасин, албатта, у ўша нарсаларнинг ҳаммасидан нафосат, назокат излайди, ҳаётнинг ранг-баранглигини, меҳнатнинг нашъали эканлигини, муҳаббатнинг бахтоварлигини кўз-кўз қилади. Унинг кўзлари - гўзаллик шайдоси, тиллари - болафшон, сўзлари - оҳанграбо.

Ҳаётда рўй берган ҳар бир воқеа, ҳар бир янгилик, кўзланган ҳар бир муддао, ўйланган, тузилган ҳар бир режа Уйғун қаламида ана шундай ўзгача жозиба, ўзгача маъно, социал қиммат, ҳусн ва ҳаётийлик кашф этади.

Муҳаббат мавзуини замон характериға мос янгича талқин этишдаги ижодий изланишлар «Тутқин келинчак»дан 9 йил кейин ёзилган «Хаёлингда кезар икки нарса» (1935) шеърида равшан кўзга ташланади.

Шоирнинг «Хаёлингда кезар икки нарса» шеърида ўлка-миз кишиларининг бунёдкор меҳнат қўйнида туғилган, камол топган оташин муҳаббати васф этилади. Бу мавзу 30-йиллар ўзбек поэзиясининг янги, муҳим масалаларидан эди.

фазилат ва тушунчалар эгасидир. У меҳнатни шон-шараф иши, деб билиши билан бирга ўз тақдири, бахти, муҳаббати, бўлғуси турмуш ўртоғи ҳақида ўйлашни ҳам унутмайди. Бахтли турмуш қуриш енгил-елпи ҳал бўладиган масала бўлмай, балки умуммиллий аҳамиятга эга ахлоқий масала эканлигини яхши тушунади:

Хаёлингда кезар икки нарса,
Икки нарса кўнглингга яқин,
Бири сўз беришган, суюшган ёр,
Бири колхоздаги пахтазор.

(I том, 74-бет).

Маънавий олами гўзал бу қаҳрамон ҳаётга онгли, фаол муносабатда бўлади. У қилаётган ҳалол меҳнатининг қадр кимматини, сўз берган, суйган ёрининг кимлигини ва қандайлигини ҳам яхши билади. Уйғун бу ёрнинг кимлигини, қандай фазилатларга эга эканлигини характерлаб бермаса ҳам, китобхон унинг юксак фазилатлар эгаси эканлигини шоирнинг унга бўлган симпатиясидан англаб олади. Образ яратишда шоирнинг маҳорати шундаки, унинг қаҳрамони ҳаётий, самимий, жонли киши. Шоир қаҳрамонга хос бундай характерли хусусиятларни рангли бўёқларда ифода этар экан, шундай реалистик бандлар яратади:

Сен ишладинг, бирга ишлашдилар,
Йўлдошларинг—уч юзлаб киши.
Еллар шеър ўқийди шивирлашиб:
-Қандай яхши колхознинг иши...
Бир чоғ дам олай, деб ўтирдинг сен,
Атрофингда майсалар, гуллар...
Сени мактаб, тўлиб сайрадилар
Бошларингда эрка булбуллар.

(I том, 73-бет).

Шоирнинг яратаётган қаҳрамонига, у бажараётган ишга, у мансуб жамоага, унинг маънавий-ахлоқий сифатларига катта симпатия билан қараши ўша йилларда поэзиянинг ҳаёт билан алоқаси нақадар мустаҳкам эканлигини кўрсатувчи бир фазилатдир. Ана шундай фазилат Уйғуннинг 30-йилларда ёзилган кўпгина шеърларида, айниқса, «Хаёлингда кезар икки нарса» шеърисида равшан кўринади.

Уйғуннинг севги-муҳаббат темасида ёзилган «Бинафшани чўзди ёрига» (1936) шеъри 30-йиллар учун характерли аҳамиятга эга бўлиб, лириканинг воқеабанд турига мисол бўлади. Шеърда ҳикоя қилинишича, ялқовликда айланган йигит севган қизига бинафша узатади. Қиз дангаса, лоқайд йигитнинг қўлидан бинафшани олмайди:

- Прогулчиларни ёқтирмайман,
Гулдаста олмайман улардан, -
Деди, заҳарханда билан ёри,
Йигит ўлаёзди булардан.

(I том, 79-80-бетлар).

Бу шеър билан шоир хотин-қизлар онгида янги тушунчалар пайдо бўлаётганини, улар фаоллашаётганини, меҳнатга эътибор ошаётганини, муҳаббат фақат ҳалол меҳнатда товланиши мумкинлигини эътироф этади. Муҳими, меҳнатга онгли муносабатнинг пайдо бўлганлигини шоир бу шеърда муҳаббат воситасида реалистик ифодалаган.

Уйғуннинг соф муҳаббат, замонавий оила хусусидаги қарашлари унинг 1936 йилда ёзилган «Олтин севги» деган машҳур шеърисида ўзининг янада мукамал, атрофлича, чуқур таҳлили ва таъсирчан ифодасини топган. Шоирнинг «Олтин севги» шеъри уч композицион бутунликдан иборат. Унинг биринчи композицион бутунлигида лирик қаҳрамоннинг чин

кахрамон севгисига восил бўлганлигидан сарфароз. Ошиқ ва маъшуқалар ишқ туфайли ўз муродларига етаётганлигидан мамнун. У севгини гўзал инсоний фазилатларнинг олийси, севмоқ, севилмоқни «олтин зарурат» деб билади. «Севгиси хур, толеи баланд»лигини бутун дунёга намойиш қилишга аҳд қилган, мағрур инсон. Шеърнинг биринчи бўлими умумлашма характерга эга. Унда муҳаббатни улуғловчи шундай мисралар бор:

Муҳаббатнинг баҳоси йўқдир,
Бизнинг учун севги фазилағ.
Севги одат бизнинг кунларда,
Севги бизга олтин зарурат.

(I том, 81-бет).

Шеърнинг иккинчи композицион бутунлигида бир бўсаннинг таърифи ва талқини ўз ифодасини топган. Шоир бўса ҳақида фикр юритиб ёзади:

У умримнинг олтин бобига
Равнақ бериб мунаввар қилди.
У ишқимнинг гул китобига
Ўчмас муҳр бўлиб босилди.

(I том, 82-бет).

Учинчи композицион бутунлик чоғиштириш приёми заминда қурилган. Унда ўтмишда севги-муҳаббат хору зор бўлганлигини шоир Лайли ва Мажнун бошига тушган фожиа орқали баён этади ва бу фожиага «тожу тахт», «хусусий мулк», «тенгсизлик» сабаб бўлганлигини ҳар томонлама асослайди. Шундан кейин оила қуришда эркинлик, ихтиёрийлик, тенглик, бир - бирини тушуниш, ҳурмат қилиш принципи асосий таомилга айланганлигини тараннум этади.

Уйғун томонидан кейинчалик тарихий темада ёзилган «Алишер Навоий», «Абу Райҳон Беруний», «Абу Али ибн Сино», «Зебунисо» ва «Қопқон» каби драмаларда «Олтин севги» шеърининг учинчи қисмида баён этилган фожиали севгининг тасвири Алишер Навоий ва Гули, Беруний ва Гулсанам, Ибн Сино ва Соҳибжамол, Зебунисо ва Розий, Йўлдош ва Гуласал ўртасидаги муҳаббат мисолида ўзининг ҳаётини ва реалистик ифодасини топди. Уйғуннинг «Олтин севги» шеъри 22 банд, 80 мисрадан иборат бўлишига қарамасдан энгил ўқилади, китобхоннинг қалбини завқ-шавққа тўлдиради, ҳаётга муҳаббат, ўтмишга нафрат, аҳдга вафо руҳида тарбиялайди. Бунга сабаб шоирнинг биринчидан, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган муҳаббат мавзуини янги қарашлар, тушунчалар ва миллий ахлоқ мезонларига мувофиқ тарзда содда, ҳаётини, таъсирчан талқин этиши бўлса, иккинчидан, лирик қаҳрамоннинг интим ҳолатларини, характери, психологияси, маънавий олами ва бошқа томонларини табиий ва ибратли яратишидир. Шоир шеър марказида турган эркин муҳаббат масаласини замон руҳига, 30-йиллар ҳаётига мос тарзда ифодалаган, мавзуга мос шакл танлаган. Анъанавий мавзуда, замонавий руҳда ёзилган «Олтин севги» шеърида шоир катта поэтик фикр орқали юксак бадиийликка эришган.

«Олтин севги» шеърига хос бундай гўзал фазилатлар шоирнинг 1937 йилда ёзилган «Сен боғимнинг тоза гулисан» шеърида ҳам равшан кўринади. Европа адабиётининг триолет²⁹ шеърий шакли таъсирида ва шарқ адабиётининг тасвирий воситалари асосида ёзилган бу шеърда шоир катта поэтик фикр орқали юксак бадиийликка эришган. Триолет шеърининг қурилмаси мураккаб бўлишига қарамасдан, шоир янги шеърий тизимдан лирик қаҳрамон руҳиятини бадиий ифодалашда ва миллий воқеликни муҳаббат мавзуси

²⁹ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, 1979, 319-320-бетлар.

воситасида тасвирлашда маҳорат кўрсатган. Уйғун 30-йиллар ижодий фаолиятида шаклланган бундай анъаналарни 40-50 ва ундан кейинги йиллар ижодий фаолиятида давом эттирди ва ривожлантирди. Бундай жиддий изланишлар ва новаторлик учун олиб борилган тинимсиз кураш натижасида Уйғуннинг ижодида европача соддалик билан шарқона донишмандлик фазилатлари бир-бирига уйғунлашиб кетди ва шоир ижодий услубининг бош принципига айланди. Шуларни ҳисобга олиб, тенгдошларининг услубий ранг-баранглиги ҳақида мулоҳаза юритган академик шоир Ғафур Ғулом Уйғун ижодий услубидаги равонликни³⁰ алоҳида мамнуният билан эътироф этган эди.

Хуллас, Уйғун муҳаббат мавзуини замон руҳига, қаҳрамонлари маънавий оламига мос тарзда ифода этишда 30-йилларда тинмай изланди. Турли форма ва услубдаги шеърларида муҳаббат темасини янгича руҳда, новаторона тарзда талқин этди. Интим мавзуни ахлоқий нуқтаи назардан таҳлил қилди, замонавий масала сифатида ёритди, эстетик-тарбиявий томонини кашф этишга эътибор қилди. Бир қатор шеърларида эркин, тенг, ихтиёрий муҳаббат ғоясини илгари сурди ва улар билан ёшларни ўзбекона руҳда тарбиялашга муносиб ҳисса қушди. Уйғуннинг шеърларида оила жамиятининг таркибий қисми, дастлабки бўғини сифатида таърифланди. севгига оид фикрларни шоир турли шакл ва жанрдаги шеърларида ифода этди. Бу жиҳатдан шоирнинг қадимий бармоқ вазни, триолет европа шеър қурилмаси тажрибаларидан фойдаланди.

Уйғуннинг лирик қаҳрамони ҳаётпарварлиги, ахлоқий-маънавий позициясининг мустаҳкамлиги, севги-муҳаббатда мислсиз садоқати билан замондошларига ибрат бўладиган, намунали, хулк-одобли кишидир. Бу жиҳатдан, айниқса, «Хаёлингда кезар икки нарса», «Олтин севги», «Сен боғим-

³⁰ «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1969 йил 21 ноябрь.

нинг тоза гулисан», шеърларининг лирик қаҳрамони диққатга сазовор.

Юқорида таҳлил этилган шеърлар Уйғуннинг 30- йилларда шеъриятда катта ютуқларга эришганлигини намойиш этиши билан бирга, ўзига хос новатор шоир сифатида шаклланганлигидан ҳам гувоҳлик беради. Шулар сабабли бу йилларда шоир эл олқишига сазовор бўлди ва диёримизда оташин, хассос лирик шоир сифатида шуҳрат қозонди.

Уйғун ижодига хос бундай хосият шоирнинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ижодида давом эттирилди ва ривожлантирилди.

ҲИЖРОНЛИ КУНЛАР НИДОСИ ВА ВАФО МАДҲИ

Иккинчи жаҳон урушининг якунига 38 йил бўлган бўлса ҳам, халқимиз қалбига уруш солган алам, фиғон, ҳижрон, офат ва ҳасратларнинг яралари ҳали битганича йўқ. Бузилган шаҳарлар, вайрон этилган қишлоқлар, куйиб кулга айланган уйлар, тўкилган беҳисоб қонлар кимнинг эсидан чиқади, дейсиз? Ғулғулали йиллар азобини тортган одамлар қалбидаги доғларни, яраларни, хасталикларни ҳали ҳам шифолай олганимиз йўқ. Отасидан ажралган норасида гўдақ, эри номнишонасиз йўқолган муштипар хотин, суюкли эридан «қора хат» олган ҳижронзада маъшуқа, ўғли ҳажрида адойи-тамом бўлган онаизор, фарзандининг дийдорини кўролмайд жон берган мўйсафид чол, ёрининг бир энлик хатига кўзлари нигорон бўлган, интизорликда гулдай чиройи хазон бўлган келинчак, ота деган буюк зотнинг дийдоридан бир умр бебаҳра қолган фарзанднинг ўксик қалбига малҳам бўла оладиган, дардларига шифо бахш этадиган мўъжизани табобат илми ҳали кашф эта олган эмас. Уруш кишиларимиз бошига солган фожиаларнинг чегараси йўқ.

Она-Ватан бахт-саодати йўлида ширин жонини тиккан ўзбек жангчиларининг, фронт орқасини мустаҳкамлашда

бутун борлиғини қаратган халқимизнинг буюк жасорати миллий адабиётимизнинг бош мавзуларидан бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Уруш йиллари ёзувчиларимиз учун ҳам синов йиллари бўлди. Ўзбек адиблари қардош адабиётларнинг вакиллари каби бу синовдан муваффақиятли ўтдилар. Бу сафда ғзаб ва муҳаббат куйчиси сифатида танилган Уйғун ҳам бор эди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Уйғун ижодининг баракали, ҳозиржавоб, даъваткор, оташин даврларидан бирини ташкил этади. У дўстлари Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Собир Абдулла, Миртемир билан ёнма-ён туриб, адабиётимизни янги шеърий гулдасталар ҳисобига бойитди, унинг ранг-баранглиги, ғоявий бақувватлиги, бадиий баркамоллигини таъминлаш учун бутун истеъдодини ишга солди. Фронт ва унинг орқасидаги актуал масалалар тўғрисида жанговар асарлар яратди. Бу асарларида халқимизнинг душманга ғзабини, нафратини, Ватанга, адолат ва ҳақ ишига муҳаббатини тараннум этди. Ғзаб ва муҳаббат мотивлари уруш йиллари Уйғун поэзиясининг асосий йўналишини ташкил этди. Унинг тинимсиз изланишлари, ижодий меҳнати туфайли ўзбек лирикасининг сиёсий, воқеабанд, фалсафий, пейзаж, публицистик ва муҳаббат турлари тараққий этди. Бу йиллар Ғ.Ғулом поэзиясининг марказида ота ва ўғил, Ҳамид Олимжон поэзияси марказида она ва ўғил образи турган бўлса, Уйғун поэзиясининг марказида ошиқ ва маъшуқа образи турди. Ота ва ўғил, она ва ўғил образлари сиёсий-фалсафий, публицистик лириканинг янада тараққий қилишига хизмат қилган бўлса, ошиқ ва маъшуқа образи муҳаббат лирикасининг ривожига катта хизмат қилди. Чиндан ҳам халқимизнинг уруш йилларидаги қаҳрамонона ҳаёти ўзбек поэзиясининг услуб ранг-баранглигини таъмин этишда, тематик диапазонининг кенгайишига, ғоявий асосларининг чуқурлашишига олиб келиши билан бирга, образлар системаси, характерлар дунёсининг

бойишига ҳам сабаб бўлди. Ўзбек халқининг юксак маънавий олами, букилмас иродасини, мустаҳкам имон ва эътиқодини, гўзал инсоний фазилатларини ёрқин ифода этишда ватанпарварлик, инсонпарварлик, тинчликсеварлик ва фашизмга нафрат руҳида ёзилган «Хайрлашув», «Ватан ҳақида кўшиқ», «Ленинград», «Назир отанинг ғзаби», «Келади» (Уйғун), «Соғиниш», «Сен етим эмассан», «Хотин», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» (Ғ.Ғулом), «Йигитларни фронтга жўнатиш», «Россия», «Шинель» (Ҳ.Олимжон) типидagi классик шеърлар билан бир қаторда, висол ва ҳижрон, вафо ва садоқат, аҳд ва паймон, ишқ ва муҳаббат мавзуида ёзилган «Яқинлик», «Севги», «Сен туғилган кун», «Ғазал», (Ҳамид Олимжон), «Ёр кетди», «Сендадир кўзларим» (Ойбек), «Мард йигит, ёринг бўлай», «Қора кўзим», «Бўсаси қанд», «Кўзларим йўлингда», «Боғ кўча» (Миртемир), «Жанубдан хат», «Ғалабанинг ўзи келмайди, дўстим» (Амин Умарий) типидagi интим шеърлар ҳам яратилди. Бу шеърлар шоирларимизнинг ҳаёт қатламларини тобора чуқурроқ кашф қилаётганлигидан, турмушга дадилроқ кириб бораётганлигидан, инсон табиатига хос нозик томонларни ифода қилишда маҳорат кўрсатаётганлигидан далолат беради. Мураккаб мавжудот ҳисобланган инсон характерининг ҳарбу зарб йилларидаги интим қирраларини ҳаётий черта билиш, руҳий ҳолатлари ритмикасини топиб унга ҳамсадо бўлиш, қалб дафтарини варақлаш осон иш эмас, балки ўта нозик, ўта мураккаб, айни чоғда жуда шарафли иш эди.

Уруш туфайли ёстикдошидан айрилиб, икки энлик хат ҳажрида ранглари сомон бўлган, садоқатни байроқ, вафони шеър, меҳнатни кунлик ҳаётий эҳтиёжга айлантирган, муштипар қайнонаси, ўксик қайнотасига ҳам ўғил, ҳам қиз бўлиб турмуш тебратган ҳасратзада келинчак ва иссиқ ёстиқ нашъасидан эндигина баҳраманд бўла бошлаган, саодатли куёвлиқ кунлари бахтидан тўймай фронтга кетиб, болиш ўрнида автомат ё милтиқ кучоқлаган, беқасам тўн ўрнида

шинель кийган, маъшуқасининг биргина сурати учун мингта фашистни ўлдиришга, ўлим бозорига ўн марта кириб чиқишга тайёр турган аскарнинг қалб кечинмаларини, юрак изтиробларини тушуниш, васф этиш учун фақат шоирлик истеъдодининг ўзи етишмас эди. Бунинг учун ватанпарвар, халқпарвар бўлиш билан бирга, буюк нафрат эгаси бўлиш ҳам лозим эди. Шундагина ошиқ ва маъшуқанинг ишқпарвар ҳаётини табиий васф этиш мумкин эди. Уйғун уруш йилларида поэзиянинг ана шундай нозик ва мураккаб соҳасида баракали ижод қилди.

Муҳаббат лирикаси фақат тематикаси билан эмас, балки характери, образлари, тасвирий воситалари, услуби билан ҳам лириканинг бошқа турларидан фарқ қилади. У қалб лирикаси, икки дилнинг ойнаси. Кечинма ва ҳислар лирикаси: ноз-истигно, ҳаё ва одоб, ифбат ва ғурур, вафо ва садоқат, висол ва ҳижрон унинг характерини белгилайди; ошиқ ва маъшуқа, дўст ва рақиб унинг асосий образлари саналади; сабо, гул, булбул, ғунча, сарв унинг тасвирий воситаларига материал бўлади. Шунинг учун ҳам Уйғун ҳақли суратда ўзини ишқ булбули, лирикасини «ишқ китоби» дейди.

Муҳаббат лирикаси катта сиёсий-тарбиявий ва эстетик аҳамиятга эга. Бундай лирика қаҳрамонларнинг нималарга қодир эканлигини кўрсатиш билан кифояланиб қолмасдан, балки бошқаларни ҳам шундай бўлишга, улардан ўрناк олишга даъват этади. Бу жиҳатдан муҳаббат лирикаси лириканинг бошқа турлари сингари ибрат мактаби бўла олиш кучига эгадир.

Муҳаббат лирикаси лириканинг бошқа турларига нисбатан халқчил ва оммавий. Унинг намуналари ҳажм жиҳатидан қисқа, услуб жиҳатидан равон ва нафисдир. Бундай асарлар ҳар қандай ғализлик, мураккабликлардан ҳоли бўлиши лозим. Муҳаббат лирикаси кўпинча бармоқ ва аруз вазнида, халқ кўшиқлари ва хат шаклида ёзилади.

Муҳаббат лирикаси жўшқин лиризмга бой бўлиши билан бирга, фалсафий мушоҳадалар, сиёсий мухокамалар, публицистик пафос, гўзал табиат манзаралари билан ҳам омихтадир. Чунки унинг лирик қаҳрамони ўз қарашларини XX аср - «гул аср» кишиси, Ватан фарзанди сифатида, инсоний эътиқод нуқтаи назаридан ифода этади. Ошиқ ва маъшуқа образлари эса ўз замони ва мақонининг маҳсули сифатида жамол кўрсатади, халқнинг азалий анъаналари, қонунқоидалари, талабларини билади, бахтли висол онларини шу диёрнинг сўлим манзарали жойларида утказишади, аҳду паймон қилишади. Жўшқин лиризм муҳаббат лирикасининг характерли белгиларидан бири саналади. Муҳаббат лирикасида алангали Эҳтирос, дилсўз жозиба, насим янглиг фароғат ҳукмрон бўлади. Муҳаббат лирикаси халқ оғзаки ижоди, классик адабиёт анъаналарига содик, замонга ҳамнафас, давронга камарбаста лирикадир.

Уйғун ижодида 30-йилларда шаклланган муҳаббат лирикасининг бу анъаналари унинг уруш давридаги бой ва мазмундор ижодида янада тараққий этди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида муҳаббат мавзуида ёзилган Уйғун шеърларининг муҳим фазилатларидан бири шундаки, уларга хос ёрга муҳаббат мотивлари кучли ватанпарварлик ва интернационал ғоялар билан мустаҳкам боғланиб кетади. Шоирнинг бу йиллардан шеърлари фашизмга, урушга нафрат, она заминга оташин муҳаббат, тинчлик ва тараққиётга сўнмас эътиқоднинг натижаси сифатида рўёбга чиқади. Уйғуннинг муҳаббат лирикаси қаҳрамонлари олижаноб фазилатлар, юксак инсоний ҳислатлар эгаси. Букилмас иродага, мустаҳкам эътиқодга, кучли ватанпарварлик туйғуларига эга бўлган Уйғуннинг қаҳрамонлари «сарбасар гуллаган водий»нинг комил фарзандлари «оташин асл муҳаббатни» инсон камолотининг мезони деб биладилар. Муҳаббат уларни чиниқтиради, тарбиялайди, зафарга чорлайди, муҳаббат туфайли улар

бахт-саодатга эришадилар, камолот касб этадилар. «Муқаддас асл севги» уруш йиллари қийинчиликларини баргараф этишда уларга мададкор бўлади. Шунинг учун муҳаббат лирикасини жанговар поэзия намунаси дейишга тўла асос бор.

Уруш йилларида Уйғун томонидан ёзилган «Муҳаббат», «Сурат», «Севги», (1942 йил), «Икки энлик хат», «Хаёлим сенда», «Мени койима», «Онт», «Ваъда», «Кел», «Мардонавора айтинг», «Арзимни ёра айтинг», «Жоним келур», «Қанча йироқ кетса, шунча тез келур» (1943), «Қиз қўшиғи», «Ёрнинг орзуси», «Қуёш йўли», «Севгимнинг рамзи», «Айлагил бардош», «Барибир севаман», «Агар севар бўлсанг», «Айрилиқ шомида», «Ўтинч», «Соғинган бўлсанг», «Сухбат», «Алданиш», «Ойга», «Бевафога» каби шеърлар унинг муҳаббат мавзуини ҳар томонлама ифода этишга катта эътибор қилганлигини кўрсатиши билан бирга, интим тема воситасида ўзбек халқининг уруш йилларидаги сўнмас жасорати ва олижаноб инсоний фазилатларини ёрқин тараннум этганлигини ҳам кўрсатади. Чуқур замонавий руҳда ёзилган мазкур шеърларни яратишда шоир ўзбек халқ оғзаки ижоди, Алишер Навоий ва Бобур, Фузулий ва Фурқат, Муқимий ва Абдулла Тўқай, А. С. Пушкин ва А. Некрасов, В. Маяковский ва Есенин, К. Симонов каби классик ва замонавий адабиётнинг вакиллари анъаналаридан ўринли фойдаланади. Уйғун муҳаббат лирикасининг темаси, ғояси, қаҳрамонлари замонавий қурилмаси, вазни, тасвирий воситалари анъанавийдир.

Уйғун шеърларининг ўқишли бўлиши учун турли услубий йўналиш ва шеърый тизимлардан фойдаланди. Уларнинг бир қисми хат шаклда ёзилган бўлса, бошқа бир қисми ҳазил тарзида, яна бир туркуми аруз вазнида ифода этилган бўлса, қолганлари бармоқ вазнида ёзилган. Шаклдаги бундай хилма-хиллик, услубдаги турли йўналиш шоирнинг воқеликни ҳаётий ифодалаш учун жиддий изланганлигидан далолат беради. Уйғуннинг изланишлар

самараси бўлиб майдонга келган «Сурат», «Жафо қилма», «Анор», «Эҳтиёт бўл», «Қуёш йўли», «Капалакка» каби ўнлаб ғоявий-бадий жихатдан бакуват шеърлар туфайли ўзбек лирик поэзияси янги дурдоналар билан бойиди. Бундай шеърлар туфайли миллий адабиётнинг тараққиёти тезлашди, шуҳрати ошди.

Шоир «Муҳаббат» (1942) деган шеърда «асл муҳаббат»нинг моҳияти ва унинг зафарга чорловчи хосияти ҳақида фикр юритади. Шеър жанггоҳдаги қаҳрамон жангчининг Фарғонада қолган ёрига бўлган муносабатини ифодалашга бағишланган. Оқоinda ётган жангчи ёрини эслайди. Хаёлида ёри унинг ёнида туриб, у билан бирга душманга қарши курашади, хужум пайтида уни олға ундайди ва ҳоказо. Шундан кейин лирик қаҳрамон (бу ерда жангчи тимсолида) бу психологик ҳолатнинг сабаби ва асл муҳаббатнинг таърифини беради:

Бу қандай куч, бу қандай қудрат,
Оқопимга келтирган сени,
Юрагимга тўлдириб ишонч.
Қизғин жангга бошлаган мени?

Бу — ҳаётнинг маъноси, сози,
Бу—абдий яшовчи хилқат,
Бу — ўлимдан қўрқмайдиган куч,
Бу — оташин асл муҳаббат.

(I том, 120-бет).

Бармоқ вазнида ёзилиб беш банд, 20 мисрадан иборат бўлган бу шеърда публицистик пафос кучли. Шеър Уйғуннинг муҳаббат мавзуидаги программ характердаги асарларидан бўлиб, қолган шеърларда унда ифода этилган бош ғоя кенгайтирилади, ривожлантирилади.

Хат характеридаги шеърлар уруш йиллари Уйғун ижодида кўп учрайди. Фикримизга унинг «Фронтдан хат» (1942), «Сурат» (1942), «Севги» (1942), «Икки энлик хат» (1943), «Кел» (1943), «Кут» (1943), «Мардонавора айтинг» (1943), «Арзимни ёра айтинг» (1943) каби шеърлари мисол бўла олади. Бу тасодифий ҳол эмас, балки табиий зарурат. Уруш туфайли ўз хонадонидан узоқ-узоқларга кетган йигитнинг оташин ҳисларини, меҳру садоқатга тўла дил сўзларини фронт орқасидаги келинларга, қизларга етказишда, қизлар ва келинларнинг муҳаббат ва вафо балқиган қалб алангаларини фронтдаги йигитларга маълум қилишда хат кулай бир восита сифатида хизмат қилди. Хат шакли шеърнинг ҳаётийлигини, таъсир кучини, табиийлигини оширар эди. Шоир юрагидаги ҳис-туйғуларини равон ва самимий ифода этар эди. Ўз мақсад ва муддаоларини ўқувчиларга ўнғай етказиш мақсадида Уйғун хат шаклидан ўринли фойдаланади. Натижада «Сурат», «Анор», «Кел», «Кут», «Мардонавора айтинг», «Арзимни ёра айтинг» типдаги классик шеърлар майдонга келади. Шоир хатни «Севги» шеърида қуйидагича таърифлайди:

Хат – оппоқ қоғозга битилган кўнгил,

Хат – севинч, муҳаббат, ҳаёт мумдаси.

Хат – ойна, унда акс этар дийдор,

Хат – асл, севишган юракнинг саси.

(I том, 144-бет).

Хатнинг Уйғунона ана шу таърифида ҳам бу усул севги-муҳаббат мавзуини ифодалашда катта имкониятларга эга эканлиги ўзини тўла намойиш қилиб турибди. Ошиқ ва маъшуқаларнинг юрак розини хат воситасида ифодалашда ўзбек адабиёти қардош адабиётлар сингари бой тажрибага эга. Бу жиҳатдан Алишер Навоий, Абдулла Қодирийларнинг назм ва насрда битилган хатлари диққатга лойиқ. Алишер

Навоий Шириннинг Фарҳодга, Лайлининг Мажнунга бўлган оташин муҳаббатини хат шаклида шундай латиф, ҳаётий, жозибали ва маънодор баён қилганки, шоирнинг бу борадаги санъатига қойил қолмаслик мумкин эмас. Шундай маҳорат намунасини А. Қодирий «Ўтган кунлар» романида маҳороат билан қўллаган. Хат воситадан ўзбек адабиётида Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода, Зулфия каби атоқли шоирлар ҳам фойдаланганлар.

Уйғун уруш даврида ёзилган шеърларида ўзбек классик адабиётига хос анъанавий шакллардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланди. Унинг тинимсиз изланишлари ва билимдонлиги туфайли анъанавий бадий усуллар замонавий руҳ касб этди, сўз санъати тараққиётига хизмат қилди. Чуқур замонавий, ижтимоий-сиёсий характердаги масалаларни ифода этишда катта моҳият касб этди. Бу жиҳатдан куйида таҳлил этиладиган шеърлар эътиборга лойиқ.

Уйғун «Сурат» шеърда хат шаклидан новаторона фойдаланган. Шеърда ҳарбу зарб йилларида душман билан олишиб, суюкли ёрини соғинган ошиқнинг фронт орқасидаги маъшуқасига ёзган қисқа илтижоли хати ва маъшуқанинг унга иболи, даъваткор жавоби ўзининг ёрқин ифодасини топган. Муҳаббат лирикасининг дилбар намунаси саналган бу шеърда автор образи аралашмайди, балки у маъшуқа сиймосида кўринади. «Сурат» ортиқча сафсата-ю, кириш ва чиқишлардан ҳоли шеър бўлиб, уни А.П.Чехов ва А.Қаҳҳорнинг мазмундор, кичик новеллаларига ўхшатиш мумкин. «Сурат» - классик адабиётимиз илғор анъаналари асосида ёзилган новаторона шеър. Уйғун ўтмиш адабиётимиз илғор вакиллари ижодида шаклланган ишқ-муҳаббат, вафо ва садоқат, одамийлик каби ғояларни реализм адабиётининг йирик вакили сифатида, халқ тақдирида юз берган воқеалар асосида янгича талқин қилади. Классик шоирларимиз ёзган ғазалларда (масалан, «Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади», «Сув», «Қора кўзим» типдаги машҳур ғазалларда)

жабрдийда ошиқ, жабркор маъшуқасининг ҳар қандай жафосига, нозу истиғносига, шарт ва талабига кўниши, чидаши ва маъшуқанинг фироғида оху нолалар чекиб, муштоқлик азобини тортиши садоқат ҳисобланган. Тўғриси айтганда, ғазалчилик анъанаси шуни талаб қилган, маъшуқа ошукни беҳад жабрлаши лозим бўлган, замонлар синовидан ўтган бу қоидага биноан маъшуқа қийновчи, ошиқ қийналувчи саналган. Уйғун бу анъанавий йўлдан бормайди. У шеърда ошиқ ва маъшуқа образидан, шартли анъанавий-тасвирий восита ва приёмлардан фойдаланган ҳолда мавзу ва ғояни ифодалашда, қаҳрамон характерини очишда новаторона - янгича йўл тутади. Уйғуннинг лирикасида, хусусан, «Сурат» шеърда, маъшуқа ҳам, ошиқ ҳам фаол образ ҳисобланади. Ўтмишда маъшуқанинг гўзал хусну жамолини мақташ лирик қаҳрамоннинг диққат марказида турса, Уйғуннинг «Сурат» шеърда лирик қаҳрамон — маъшуқанинг ўзи (юқорида айтганимиздай лирик қаҳрамон бу шеърда иштирок этмайди). Фронтдаги ёри унга «Суратингни юбор, сўғиндим, ёлғон айтсам, тил тортмай ўлай» деб хат ёзади. Маъшуқа ана шу қисқа, содда, ҳаётий ёзилган жангчи ёрининг хатига жавоб қайтаради. Бу жавоб шоир классик поэтикадаги лаф ва нашр санъатидан фойдаланган.

Лаф ва нашр санъати икки хил бўлиб, унинг биринчи хили лаф ва нашри мураттаб (тартиби сақланган), иккинчи хили лаф ва нашри номураттаб (тартиби сақланмаган) деб номланган. Лаф ва нашр санъатининг талабига кўра, «бир-бирига нисбат берилган (кўпинча ўхшатиш ва ўхшатишмиш) сўзларни бир байт (мисра) да йиғиб ва ёйиб бериш»³¹ керак. Лаф ва нашр санъати қадимий адабий санъатлардан бўлиб, ундан Камол Хўжандий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Огаҳий, Фурқат каби даҳо санъаткорлар мақсадга мувофиқ фойдаланганлар ва унинг оригинал

³¹ "Адабиётшунослик терминлари луғати". — Тошкент, 1970, 90-бет.

намуналарини яратганлар. Бу жиҳатдан Камол Хўжандийнинг «Инчи сарви кад, инчи рафтор аст»³², Бобурнинг «Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати»³³ мисраси билан бошланадиган юксак инсонпарварлик ва оташин ҳаётпарварлик ғоялари билан суғорилган классик ғазаллари характерлидир.

Классик адабиёт традициялари руҳида тарбияланган Уйғун машҳур «Сурат» шеърисида уруш йилларига хос интим туйғулар воситасида даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масаласини ифодалашда ана шу адабий-бадий анъаналардан фойдаланган. Уйғун мазкур шеърда маъшуқанинг юз, соч, қош, кўз, ёноғ, лаб, тишларини ёйма усулда ифодалашда Камол Хўжандий анъаналарини давом эттирган бўлса, ўхшатиш ва ўхшатишмиш сўзларни бир-бирига нисбат беришда ва шеърда кўзда тутилган муддаони хотимада яхлит, лўнда ифодалашда Бобир анъаналарини давом эттирган.

Камол Хўжандий ва Бобир ўз шеърларини ғазал жанрида, аруз вазнида ёзган бўлса, Уйғун ўзининг «Сурат» шеърини мурабба шаклида, бармоқ вазнида ёзди. Камол Хўжандий ўз ғазалини севги-муҳаббат мавзусида ёзган, инсонпарварлик ғоясини улуғлаган бўлса, Бобурнинг ғазалида ҳаётга, ёрга муҳаббат, дўстга садоқат ғояси тараннум этилади, лирик қаҳрамоннинг ҳаёт қадру қиммати ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари ўта гўзал, бийрон ва дилкаш тарзда васф этилади. Ҳар иккала шеърда ҳам ҳаётни шоирона кузатиш, санъаткорона ифодалаш маҳорати бир-биридан устун ва ўзига хосдир. Уйғун «Сурат» шеърисида адабий усул ва тасвирий воситалардан фойдаланишда анъанавий йўл тутган бўлса ҳам, вазн ва шакл танлашда, мазмун ва ғояни ифодалашда, лирик қаҳрамон образини яратишда замонавий заминда турди, воқеликни реализм методи асосида ифодалади. Уйғуннинг шеърисида тасвирланган маъшуқанинг содда,

³² «Гулшани адаб». Жилди III. – Дўшанбе, 1976, саҳифаи 9.

³³ Бобур. Асарлар. Уч жилдлик. I жилд. – Тошкент, 1965, 67-бет.

кўркем ҳусну жамоли Камол Хўжандий ғазалида васф этилган маъшуқанинг ҳусну жамолидай жанр талабига мувофиқ таърифланмайди, балки жанговар сафда туриб, Ватан тақдирини хал қилиш учун курашаётган ёрининг руҳини кўтариш, унга мадад бериш, унинг талабини қондириш учун таърифланади. Маъшуқа фронтга суратини юбормаган бўлса ҳам шоирнинг таърифида унинг ҳусну жамоли тўла намоён бўлади. Шу ерда Уйғун рассом бажариши лозим бўлган ишни сўз санъати воситасида бера олганини алоҳида таъкидлаш лозим. Уйғун мазкур шеърда маъшуқанинг ташки кўринишини романтик услубда, табиат предметлари воситасида ифодалаган бўлса ҳам унинг маънавий оламини замонавий реалистик услубда гўзал ифода этган. «Сурат» шеърисидаги маъшуқа китобхон Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалол меҳнати ва садоқати билан фронт орқасини мустаҳкамлаган ҳамда фронтга иқтисодий мадад ва руҳий далда бериб турган, ғалабамизни тезлаштиришга муносиб ҳиссасини қўшган минг-минглаб фидойи қиз-жувонлар образини кўради.

«Сурат» шеърининг қаҳрамонига классик ғазаллардаги қаҳрамонларга хос интим туйғулар учун ошиқни қийнаш, висолига зор қилиш каби хусусиятлар ёт. У — чор девор ичида яшайдиган, эрига муте киши эмас, балки яшашда ҳам, севишда ҳам, курашда ҳам эрлар билан ўзини тенг ҳис қиладиган бунёдкор киши. Ана шу хусусиятлари билан Уйғуннинг «Сурат» шеъри салафларининг шеърларидан фарқланади ва ўзига хослик касб этади. Юзни ойга, кўёшга, сочи тунга, қошни ҳилолга, кўзни юлдузга, ёноқни лолага, лабни ғунчага, тишни марваридга қиёслаш анъанавий усул ҳисобланади. Шеърда баён этилган ҳамма гап маъшуқа томонидан айтилганига қарамасдан, шеър шулар билан яқунланганида, у китобхон кутганидай бўлиб чиқмас ва жанговар йиллар руҳини ифодалай олмас эди. Иккинчидан, янги давр фарзанди ҳисобланган илғор тушунчали маъшуқа бу қиёслашларни ҳаёт-мамот жангида оғир кечинмалар

гирдобида юрган, севиклисининг суратига зор бўлиб, уни тумор қилиб кўкраги устига тақиб юришга интизор йигитнинг кўнглини кўтариш учун бир ширин лутф сифатида айтган. У ўзининг суюкли ёрига, жонажон Ватанига бўлган чин муҳаббатини, ўзбек халқига хос хусусиятини, душманга бўлган чексиз нафратини шеърнинг охирги икки мисрасида оригинал ва гўзал тарзда ифода этади.

Гар ўзимни кўрмоқ истасанг,
Ёвни енгиб, зафар билан қайт.

(I том, 143-бет).

Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Ёвни енгиб зафар билан қайт» ишдан бўлак олий муддао йўқ эди. Мана шу публицистик даъватлар, буйруқнамо жанговар фикр «Сурат» шеърининг ижтимоий-сиёсий қувватини оширади, маъшуқа характерининг замонавий руҳини, сиёсий-ижтимоий қимматини бўрттириб кўрсатади. Шуларга биноан машҳур шоира Вера Инбер Уйғуннинг «Сурат» шеъри ҳақида фикр юритиб, ҳозирги замон истеъдодли ўзбек шоирлари классик адабиёт образларидан усталик билан фойдаланадилар ва ҳозирги кун фойдасига муваффақиятли ишлата оладилар»¹, – деган эди.

«Сурат» типигаги шеърларни ўқиганда кишининг эсига «Севги юрак чашмасидан сув ичган оҳ-воҳларга эмас, балки ақл чашмасидан сув ичган мардликка суянади»², деган доно фикрлар келади. Чиндан ҳам «ўлдим, куйдим», «оҳ-воҳ»лар «Сурат» шеърининг бош қаҳрамони характерига ёт. У табиатан шўх, дилкаш, ватанпарвар, меҳнаткаш, даъваткор, ёрига садоқатли қиз. Уйғун бир жиҳатдан бу қиз образи орқали ўзбек қизларига хос олижаноб гўзал инсоний фазилатларни тараннум этган бўлса, иккинчи жиҳатдан, қиз

¹ Инбер В. Поэзия ҳақида фикрлар. «Шарқ юлдузи», 1954, 9-сон, 82-бет.

² Мирзакалон Исмоилий. Одамийлик қиссаси. – Тошкент, 1963, 143-бет.

образини миллий фонда гавдалантиришга эришади. Унда ҳаё, ибо, ноз, истиғно, карашма каби ҳар қандай дилни қитиқлаб, ром қила оладиган хусусиятлар ва миллий бўёқлардаги тасвир равшан кўринади. Ана шу гўзал инсоний хусусиятлари, ҳаётӣй асослари билан «Сурат» шеъри уруш йилларида қанчадан қанча аскарларни душманга нафрат, Ватанга муҳаббат, яқин ва муқаррар ғалабага ишонч руҳида тарбиялади. «Сурат» шеърининг эстетик-тарбиявий қиммати ҳам унинг ана шу жанговар характери билан белгиланади. Шу жиҳатдан уни К. Симоновнинг «Мени кутгил», Х.Олимжоннинг «Ниҳол», Ғ. Ғуломнинг "Соғиниш", Зулфиянинг «Палак» шеърлари билан бир қаторга қўйса бўлади.

Уйғуннинг «Кел» (1943) шеърида ҳижрон ўтида ўртанган маъшуқанинг соғинч ҳислари «Саодат соқчиси» ёрга ҳавола қилинса, «Кут» (1943) шеърида фронтдаги ёрнинг «Иқбол гули»—ўз маъшуқасига берган далдалари, юпанчлари, «наҳри ажэл» – фашистни яқсон қилиш учун бутун куч-қувватини жангга сафарбар этаётганлиги ва албатта ғалаба билан ўз диёрига қайтажаги ҳақидага қасамёди ифода этилган. «Мардонавора айтинг» (1943), «Арзимни ёра айтинг» (1943) шеърларида ҳам юқоридаги ғоя хат тарзида ўз ифодасини топган. Бу шеърларнинг биринчисида маъшуқанинг соғинчи мактуб воситасида баён этилган бўлса, иккинчисида ошиқнинг қасамёди ва юпанчи хат шаклида ифода этилади. Ҳар тўртала шеър ҳам ғазал жанрида ёзилган бўлиб, уларнинг тасвирий воситалари, образлаш йўсини анъанавий. Муҳими шундаки, Уйғун уруш даври қийинчиликларини ҳаққоний тасвирлашда, қаҳрамонлар қиёфасини ҳаётӣй характерлашда, соғинч, висол, ҳижрон, муҳаббат мотивларини, ҳисларини реал ифодалашда, она-Ватанга муҳаббат, душманга нафрат ғояларини ўзига хос баён этишда новаторлик намуналарини кўрсата олган.

Юқоридаги шеърлар таҳлили Уйғун уруш йилларида ўзбек лирик поэзияси хазинасини нафақат янги мотивлар, ха-

рактарлар, тасвирий воситалар, гражданлик пафоси билан бойитганлигини, балки хат-шеърлар силсиласи билан уни шакл жиҳатидан ҳам тараққий эттирганлигидан далолат беради.

Уйғуннинг «Сухбат» (1944) шеърида ҳам фронт орқасидаги пахтакор қиз билан фронтдаги жангчи йигитнинг ўзаро суҳбати баён этилган. Шеърнинг савол-жавоб усулида ёзилганлиги унинг оригиналлигини, табиийлигини таъминлагани билан бирга, шоирнинг уруш йилларида турли шеърый усулларга мурожаат этганлигидан далолат беради. Қиз билан йигитнинг интим ҳолатлари, аҳд-паймонлари, аҳд ва қасамлари, уларнинг бунёдкор меҳнати ва фронтдаги қаҳрамонона курашига боғлиқ ҳолда ҳаётий ифода этилади. «Сухбат» шеъри шоирнинг машҳур «Хайрлашув» (1941) шеъри йўлида ёзилганлиги билан ҳам диққатга сазовор. Бундай новаторлик хусусиятлари шоирнинг «Анор» шеърида янада равшанроқ кўзга ташланади.

«Анор» (1943) уруш даври Уйғун муҳаббат лирикасининг характерли намуналаридан. Бу шеър Уйғуннинг поэтик истеъдоди баланд, фантазияси бой, илҳом уфқлари кенг эканлигидан далолат беради. «Гул илҳом»ли шоир таланти анор воситасида гўзал инсоний хусусиятларни юксак даражада тараннум этишга қобилият кўрсатган. Наманганлик Гуландом фронтдаги севгилисига совға қилиб анор юборади. Қатрада офтоб акс этганидай, Ватан бахт-саодати йўлида кўксини қалқон қилган қаҳрамон йигит шу анор тимсолида Фарғонанинг гўзал боғларини, Амунинг кумуш жилвасини, белоруслик қизнинг ёнган кулбасини, қир, ўрмон, денгиз, қўл кабиларни кўргандай бўлади:

Бир чоғ назаримда анор донаси
Ёқут кўзгучага айланди бирдан,
Хотиротга тўлди дилнинг хонаси:
Акс этди кўзгуда ўша гул Ватан.

(I том, 188-бет).

Суюклиси томонидан юборилган анор жангчининг хаёлида «мужассам оташин салом»га, «ҳароратли қалбга», «лаълилар тўла қути»га, «ёқут кўзгучага» ўхшаб кўринади. Анорнинг ҳар бир донаси жангчига ёрнинг табассуми, лаби, ёноғи бўлиб туюлади ва «ғазаб юлдузи» бўлиб, уни ғалабага даъват этади. Энг муҳими, анор жангчининг кўзига маъшуканинг гўзал жамолини эслатади ва уни чексиз қувончларга сазовор қилади.

Санъаткор. Уйғун анор воситасида қиз ва йигит ўртасидаги оташин севгини гўзал ифодалагина қолмасдан, балки шу анор орқали китобхонларни юксак ахлоқий поклик ва муқаррар ғалабага ишонч руҳида тарбиялай олади. Анор фронт ва унинг орқасидаги кучлар моддий-маънавий бирлиги, ҳамкорлигининг нодир рамзидир.

Шеър муҳаббат рамзи - анорнинг даъваткор кучини мадҳ қилувчи куйидаги банд билан яқунланади:

Сен юборган анор қаршимда ҳамон
Қасосга чорловчи ўт бўлиб ёнар.
Мен кетдим, Гуландом, кун ботар томон,
Мисли жанг байроғи қўлимда анор.

(I том, 189-бет).

«Анор» шеърини ўқиганимда, Иброҳим Ғафуровнинг «мавзу ижодкор учун қаламнинг кучи кўринадиган синов майдони. Мавзу шоирни эмас, шоир мавзунини юксакликка кўтаради»¹, — деган фикри ёдимга тушади ва Уйғуннинг поэ-поэ-тик таланти олдида яна бир марта таъзим қилгим келади. Бу шеърнинг ёзилишида уруш йилларида кишилар тақдирида юз берган ҳаётий воқеалар асос бўлган. Уйғуннинг «Анор» шеъри шоира Увайсийнинг «Анор» чистони анъаналари руҳида ёзилган. Бу шеърлар ўртасида фарқ шундаки, XIX аср шоираси Увайсий анор орқали ўз чистонида феодал ўтмишнинг аёллар бошига солган уқибатлари

¹ Ғафуров И. Ўртоқ шоир. — Тошкент, 1976, 6-бет.

бўлса, XX аср шоири Уйғун бу воситада ўзбек йигитларининг ўз ватанига бўлган муҳаббатини, бир-бирига бўлган юксак садоқатини маҳорат билан қуйлаган.

«Анор» шеъри фақат юксак поэтик пафоси билан эмас, балки шеър техникаси қоидаларига тўла риоя қилиб ёзилганлиги билан ҳам диққатга сазовор. Вафо ва садоқат ғоясини ифодалашда Уйғун бу шеъри билан бармоқ вази имкониятлари кенглигини яна бир марта исботлаган.

"Жафо қилма" (1943) номи билан халқимиз ўртасида шуҳрат қозонган Уйғуннинг ғазали ҳам муҳаббат лирикасининг дилбар намуналаридан бири саналади. Бу ғазал ҳам «Сурат», «Анор» шеърлари каби адабий анъаналар таъсирида майдонга келган. Уйғун барҳаёт мумтоз адабиёт булоғидан сув ичган ҳолда замонавий лириканинг кўркем намунасини бунёд этган.

Юзаки караганда, мазкур ғазал кишига дидактик лириканинг намунасидай туюлади. Аммо масалага жиддий қарайдиган бўлсак, унда бадиий адабиётнинг гуманистик хусусиятлари ўзининг ёрқин ифодасини топганлиги, муҳаббатдай олий, гўзал ҳисни тарбиялаш, балоғатга етказиш, уни эъозлаш, пок тутиш, ахлоқ-одоб, ҳаё ва ифбат каби муҳим ҳаётий масалалар ўзининг ёрқин талқинини топганлиги аён бўлади. Булардан ташқари, мазкур ғазалда ёшлар зийракликка, ҳушёрликка, камтарликка, ҳалолликка, аҳд-вафога чақирилган. Покиза хулқ юксак одоб, аъло илм ёшларимизнинг фазилати бўлиши шоир томонидан алоҳида таъкидланган. Бой ҳаётий тажрибага эга бўлган Уйғун муҳаббатда бахтли бўлиш олий инсоний саодат эканлигини яхши билади. Шунинг учун бу халоватли, аммо мураккаб масалада шошмаслик лозимлигини, «ишқ бошқа ҳавас бошқа» эканлигини, уларнинг бир-биридан фарқини ажрата билиш кераклигини таъкидлайди. Айниқса, ғазалнинг қуйидаги байти диққатга сазовор:

Ноз этма, садоқатли ошиққа тараххум кил,
Кўнглига ғараз тўлган номардга имо қилма.

(I том, 190-бет).

Ғазалда асосий ўқ вазифасини бажарувчи «қилма» радифи; **жафо, сафо, хато, бино, ғадо, имо, ғизо** қофиялари, ўринли ишлатилган тасвирий воситалар шоир томонидан айтиладиган фикрни яққол ифодалашга бўйсундирилган. Ғазалнинг матлаида баён этилган асосий фикр ундан кейинги 6- байтда муродига етади. «Жафо қилма» ғазалининг мақтаи ҳам яқунловчи хусусиятга ва ғазалнинг жанрий хусусиятини белгиловчи аҳамиятга эга.

«Жафо қилма» ғазали мисраларида бир қизнинг исми яшириниб ётади. Бундай характердаги ғазаллар классик адабиётда ғазали мувашшаҳ деб аталади. Мувашшаҳ қоидасига биноан шоир мақтаёда ғазалда яширинган исм хусусида имо-ишора қилади. Зийрак китобхон бу имо-ишорага амал қилиб яширилган номни топиши лозим. Мазкур ғазалнинг мақтаи қуйидагича:

Ёд айла, гаҳи Уйғун исмингни баён этди
Шеърига қилиб маржон, сен унга жафо қилма.

(I том, 190- бет).

Демак, Уйғун бу ғазалида кимнингдир исмини яширган ва шу исмнинг бош ҳарфлари билан. шеърнинг сатрларини беаган. Сатрлардаги бош ҳарфлар бир ерга тўпланса, яширинган исм аниқланади. Бу хусусият шеърнинг кимгадир бағишланганлигидан дарак беради. «Жафо қилма» ғазали сатрлари бошидаги ҳарфлар бир ерга йиғиб ўқилса, Турсуной деган қизга бағишланганлиги маълум бўлади.

Турсуной ким? Тарихий шахси ёки тўқима образми? Шоир Уйғун нима учун унга бағишлаб шеър ёзди? Турсуной образи орқали ўзининг ахлоқий қарашларини ҳаётий, таъсирчан ва гўзал ифода этишига сабаб нима?

Отахон шоирнинг ҳикоя қилишича, Ўзбекистон ҳукумати иккинчи жаҳон урушининг қизғин дамларида ҳам ёш истеъдодлар тарбиясига катта эътибор бериб, бадий ҳаваскорларнинг кўрик - конкурсларини ўтказиб турган. Шундай кўрик - танловлардан бирида Турсуной деган фарғоналик қиз ўзининг ёқимли, нафис овози ва дилкаш рақслари билан кўрик иштирокчиларининг олқишига сазовор бўлади. Усмон Юсуповнинг таклифига мувофиқ Уйғун Турсунойга бағишлаб, «Жафо қилма» ғазалини ёзади. "Жафо қилма" ғазалининг ғоявий ва бадий жиҳатдан пишиқ ёзилишида Уйғуннинг Турсунойнинг талантига бўлган муҳаббати ва бу истеъдодни асраш тўғрисидаги қайғуриши сабаб бўлган бўлиши керак. Аммо, минг афсуски, Турсунойга бахтли ҳаётни куйлаб узоқ яшаш насиб этмади. У кўп ўтмай жоҳил эрининг қурбони бўлади. Унинг номи ва мазмунли қисқа ҳаёти Уйғуннинг унга атаб ёзилган сатрларида абадий яшайди.

Уйғун Турсуной мисолида ёшларни одобли бўлишга, илм, маърифат эгаллашга, ишқ-муҳаббатдек муҳим ҳаётий масалада янглишмасликка, тўғри йўл тутишга, ташқи гўзалликка эмас, маънавий гўзалликка эътибор беришга чақирди. «Жафо қилма» ғазалининг ёзилиш тарихи қисқача шулардан иборат³⁷.

«Севгини муқаддас, чинакам инсоний ҳис деб биладиган ва шунга астойдил амал қиладиган хулқи чиройли ёшларимиз жуда-жуда кўп»³⁸. Аммо баъзан гурунчга курмак аралашиб қолганидек, севгини ҳам енгил-елпи тушунадиган, уни оёқ ости қиладиган ёшлар топилади. Уйғун «Бевафога» (1944) шеърида ана шундай характердаги ёшларни танқид остига олади, асл муҳаббатни улуғлайди. Масалан, шоирнинг «Бевафога» шеърида ёрига хиёнат қилган, аҳду паймонини

³⁷ Уйғун билан суҳбатдан.

³⁸ Мирзакалон Исмоилий. Одамийлик қиссаси. - Тошкент, 1963, 138-бет.

бузган алдамчи, бeбурд айрим хотин-қизлар қаттиқ сатира остига олинади, уларга нисбатан ўқувчининг антипатияси пайдо қилинади. Шумғияга ўхшаш бундай типдаги аёллар аҳён-аҳёнда бўлса ҳам ҳаётимизда учраб туради. Уруш йилларида ҳам бундай типлар бўлган. Машҳур рус шоири К. Симонов ўзининг «Очиқ хат» шеърида фронтда қаҳрамонлик кўрсатаётган эрига хиёнат қилган аёлнинг қилмишларини хат шаклида ҳаётий ва таъсирчан фош қилган эди. Уйғуннинг «Бевафога» ва бошқа қатор шеърлари К. Симоновнинг ўша машҳур «Очиқ хат» шеъри ва С. Шчипачевнинг лирик шеърлари таъсирида яратилган. Уйғун бевафога, бeбурдга бўлган муносабатини урушдан кейинги йилларда ёзилган «Капалакка» ва «Садқай кўз ёшларинг кетсин» шеърларида ҳам давом эттирди ва бу мавзунини бадиий содда, равон ифодалашда ўзига хос усул яратди.

Уйғун уруш йилларида 30-йилларда бошлаган Европа шеъриятидаги соддалик билан Шарқ шеъриятидаги донишмандликни бир-бирига омикта қилиш борасидаги тажрибаларини ривожлантирди, бора-бора бу усул Уйғун ижодиётининг ўзига хос бош фазилатига айланди.

Уйғуннинг муҳаббат мавзуидаги «Куёш йўли» (1944), «Қиз кўшиғи» (1944), «Бинафша очилди» (1944) каби шеърлари унинг қадимий, аммо навқирон бу мавзунини чуқур бадиий талқин қилишда ва янги қирраларини кашф этишда ҳассос санъаткор сифатида маҳорат кўрсатганлигини намоён этиди.

Уйғун лирик ижодини тадқиқ этувчилар шоирнинг «Назир отанинг ғазали», «Ватан ҳақида кўшиқ», «Сурат» каби шеърларига қайта-қайта мурожаат қиладилар, лириканинг бу гўзал намуналаридаги ғоявий, эстетик қирраларни кашф этишга ҳаракат қиладилар. Аммо кўп ҳолларда Уйғуннинг бир қатор шеърлари танқидчилар эътиборидан четда қолиб кетмоқда.

Шоирнинг иккинчи жаҳон урушининг шиддатли дамларида ёзилган «Қуёш йўли» шеърида лирик қаҳрамон – жангчи йигитнинг ўз суюкли дилбарига мурожаати бир қарашда интим характерда туюлади. Инсоният олдидаги ўзининг масъулиятли ва шарафли бурчини тўла ҳис этган фидойи инсонлар манфур ёвларни узил-кесил янчиб ташлаш, одамзод наслини қуллик ва истибдод балосидан тамоман қутултириш мақсадида жасорат ва мардликнинг олий намуналарини кўрсатмоқда эдилар. Ана шундай йирик ижтимоий-сиёсий мазмундаги фикр Уйғуннинг 12 мисрани ташкил этган «Қуёш йўли» шеърида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шеър сўнггида лирик қаҳрамон дилдорасига шундай мурожаат қилади:

Шарқдан чиқмоқ учун тонгда барқ уриб,
Ғарбга йўл олади одатда қуёш.

(1 том, 243-бет).

Уйғуннинг висол ва ҳижрон мавзусидаги қўшиқлари бутун фронт бўйлаб янгради, жангчиларимизга куч ва далда берди, уларни ҳаётга муҳаббат, ғалабага ишонч руҳида тарбиялади.

Уйғун уруш йилларида ҳар галгидан ҳам фаоллик, ижодий жасорат кўрсатди. Ана шу фаоллик, ижодий жасорат, янгича фикрлаш, янгича ишлаш, образ яратиш, анъаналардан замон руҳига мувофиқ фойдаланиш, уларни янгилаш ва фаоллаштириш, қалб ва қаламни давр хизматиغا, ғалаба хизматиغا тўла сафарбар қилиш бу йиллар Уйғун ижодиётининг асосий моҳиятини ташкил этади. Уйғун бу йилларда Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Шайхзода, Миртемир каби ижодий жасорат кўрсатиб, ўзбек адабиётининг хазинасини бойитадиган «Ватан ҳақида қўшиқ», «Хайрлашув», «Сурат», «Анор», «Жафо қилма», «Қуёш йўли», «Ватан», «Бир қадам ҳам ортга силжиш йўқ», «Келади»

каби шеърларни яратди. Уруш йилларида шоир эришган улкан ижодий ютуқлар унинг кўп қиррали ёзувчилик фаолиятининг янада гуллаб яшнаши учун катта аҳамиятга эга бўлди.

ОСУДА КУНЛАР МУҲАББАТИ ҲАЁТДАЙ ШИРИН

Уйғуннинг янгроқ сози иккинчи жаҳон урушидан кейинги тинч қурилиш йилларида муҳаббат тароналарини мадҳ этишда янада баландроқ, шўхроқ ва латифроқ жаранглади.

Уйғун муҳаббат лирикасининг уруш даври муҳаббат лирикасидан фарқи шундаки, бу даврда яратилган шоир шеърларининг сатрлари «наҳри ажал» (фашистлар), «қонли юз», «яраланган бош» каби образлардан тамоман қўтилади. Унинг қаҳрамонлари айрилик азобларини сабот билан енгган дехқонлар, ишчилар, зиёлилар, юксак ахлоқий кийёфали, меҳнатсевар, ватанпарвар ёшлариир.

Муҳаббат машаққати ҳеч қачон ўз-ўзидан ҳаловатга айланмаганидек, урушдан кейинги йилларда ҳам у ҳижрон, изтироб, адашиш, иккиланиш, янглишишлардан ҳоли бўлмаган. Агар муҳаббат масаласи кўтилганидай, сип-силлик тарзда, осонлик билан амалга ошганида эди, турмуш, оила, севги, бахт деган тушунча бунчалик ширин ва муқаддас бўлмас эди, одоб, ҳаё, иффат, ибо гўзал инсоний фазилат ҳисобланмас эди.

Уйғуннинг урушдан кейинги йилларда муҳаббат мавзусида яратилган аксарият шеърларида ахлоқий аҳамиятга эга бўлган шундай олижаноб масалалар давр талабига, замондошимиз савиясига мувофиқ тарзда санъаткорона талқин қилинади. Бу йиллардаги Уйғун шеърларининг лирик қаҳрамони характерида унинг аввалги йиллардаги лирик қаҳрамони характерига нисбатан айрим ўзгаришлар, ўзига хосликлар юз берди. Масалан, энди у ишқ-муҳаббат қўйида

бутун ҳаётини бағишлаган ошиқ сиймосида эмас, балки отахон шоир, маслаҳатчи дўст, етук мутафаккир, доно замондош, инсон руҳий оламини чуқур биладиган психолог – мураббий сифатида намоён бўлади. Шунингдек, унинг муҳаббат лирикаси намуналарида оташин лиризмга фалсафий мушоҳадакорлик, енгил ҳазил-мутойиба, ҳаётбахш юмор, жўшқин публицистик пафос, символик хусусиятлар омикта бўлди. Уйғун лирикасига хос бундай хусусиятлар объектив сабаблар натижасидир, албатта. Чунки кишининг ёши камол топган сари ҳаёт тажрибаси, билим савияси ошади, унда нурунийлик фазилатлари асосий ўрин ола бошлайди. Бу жиҳатдан унинг «Капалакка» (1945), «Эҳтиёт бўл» (1945), «Гул юборибсан» (1946), «Кутардим» (1946), «Кетмас бўлиб кел» (1946), «Кечир мени» (1946), «Бир боқдим-у» (1956), «Ўлмас муҳаббат» (1963)... «Муҳаббатинг бўлса...» (1963), «Ойдин кечада» (1965), «Садқан кўз ёшларинг кетсин» (1966), «Севги ҳақида» (1967), «Тожиқ қизи» (1968), «Мубтало бўлсам керак» (1968), «Арзи ҳол айтмоқчиман» (1969) каби ғазал ва шеърлари характерлидир. Бу шеърлар, биринчидан, Уйғун ҳаётининг барча фаслларида севги-муҳаббат шавқини куйлаганлигини намойиш этса, иккинчидан, «муҳаббат завқи» уни ҳамиша маст қилганлигини, «севги қўшиқлари» унинг тилидан асло тушмаганлигидан гувоҳлик беради. Чунончи, Уйғуннинг «Капалакка» (1945) шеъри урушдан кейинги йиллар ўзбек лирик поэзиясида ўзига хос ўринга эга. Шоир бу шеърида ҳам севгига садоқат, аҳд ва паймон боқий бўлиши лозимлигини васф этади, бевурд, бевафо, беқарор “муҳаббат”ни қоралайди. Бу мавзунини образли ва ҳаётий ифода этишда у капалак ва лирик қаҳрамон (у замондошимиз) образларидан, қарама-қарши қўйиш приёmidан усталик билан фойдаланади. Бу усул санъаткор ифода этаётган воқеани ўқувчи кўз олдида равшан гавдалантиришда алоҳида моҳият касб этади. Натижада ўқувчида ишқ бобида беқарор, бевурд бўлган капалакка антипатия,

садоқатли лирик қаҳрамонга нисбатан симпатия туғилади. Бу ерда шоирнинг қарама-қарши қутб вакиллари саналган капалак ва лирик қаҳрамон характеридаги муҳим нуқталарни (булар севгида беқарорлик ва садоқатлилик) тўғри топа олганлигини ва улардан шеър ғоясини ҳаётий, таъсирчан, содда ифодалашда, мақсадга мувофиқ фойдаланганлигини таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Образлар характеридаги аниқ томонларни кашф эта билиш ва китобхон қалбини ижобий образ нури билан чарогон кила олиш маҳорати реализм адабиётининг ажойиб хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ўқувчи Уйғуннинг лирик қаҳрамони сиймосида капалакка қарама-қарши ҳолда халқимизга хос, бой маънавий оламни, файз ва шукуҳни, тонг мусаффолигини, чинор садоқатини, қалб кенглигини, севги фароғатини топа оладикки, бу фазилатлар, албатта, уни муҳаббатда покликка, садоқатга даъват этади.

«Бевафога» шеърисида шоир ишқ-муҳаббатда беқарор айрим ёшларни қаламга олган. Шеърнинг марказида ўз ёрига вафосизлик қилган қиз образи объект қилиб олинган бўлса, «Капалакка» ва «Садқаи кўз ёшларинг кетсин» шеърларида шундай типдаги бевафо йигитлар образи объект қилиб олинади. Уйғун «Бевафога», «Капалакка», «Садқаи кўз ёшларинг кетсин» шеърларида, «Жафо қилма» ғазалида илгари сурилган ғояларни, муҳаббатда беқарор, бебурд ёшлар образини «Парвона» комедиясида кенгайтирилган, чуқурлаштирилган ҳолда умумлаштирди. Мазкур шеърлар ва ғазалдаги ғоя шоирнинг «Қотил» ва «Лақма» драматик асарларида ҳам ўз ифодасини топди.

«Парвона» комедиясидаги бебурд, беқарор, айёр Ўткир образини фош қилиш орқали драматург катта ижтимоий масалани хал қилади. Назокат образи орқали эса ёшларни муҳаббатни қадрлашга, хушёрликка, вазминликка чақиради. Муҳаббат шахсий интим масала бўлибгина қолмай, балки

миллий аҳамиятга эга ижтимоий-сиёсий масала эканлигини намоёни қилади.

Уйғуннинг «Эҳтиёт бўл» (1943) шеъри ҳам бу жиҳатдан характерлидир. Шеър шоирнинг эстетик диди баландлигини, ҳиссиёт шоири, «севинчу қувонч», "завқу шавқ" шоири эканлигини, унинг шеърларида «соч», «сабо», «тонг», «гул», «юз», «сунбул», «чаман», «гулзор», «гулшан», «бўстон», «садоқат», «саодат», «иқбол», «булбул» каби лирикага либос бўладиган, замон шукуҳини, ҳаёт фойзини ифодаладиган, ўқувчига завқ туғдирадиган сўзлар шу нуқтаи назардан ишлатилганлигини исбот этади. Бу шеър Уйғун шеърларининг руҳини тушуниш учун унинг ўзига хос услубини билиш лозимлигини, ундаги гўзаллик сирларини ўрганиш Уйғун каби оташин ҳаётпарвар, ватанпарвар, халқпарвар бўлиш лозимлигини тақозо этади:

Ўғрилари кўлайиб қопти.
Эҳтиёт бўл, ечмагил қабо.
Хафа бўлма мендан, мен эмас,
Сочларингни ўйнаган сабо.
Сен беҳабар: тонг отган маҳал,
Юзларингга суқланганда гул.
Ўғирлаб кел сочидан ҳид, деб,
Юборибди сабони сунбул...

(I том, 300-бет).

Юзаки қараганда, бу шеърнинг асосида катта гап йўқдай туюлади кишига. Аммо ўринли ишлатилган сўзлар («ўғри», «қабо», «эҳтиёт», «соч», «сабо», «тонг», «гул», «сунбул»), бири иккинчисини изоҳлаб, тўлдириб келадиган ўйноқи сатрлар орқали лирик қаҳрамоннинг нозик, гўзал табиатини билиб олсак, «Эҳтиёт бўл» шеърининг моҳияти ва мақсадини тўғри англаган буламиз. Уйғун таърифлаган соҳибжамол маъшуқа шунақа гўзалки, унга нафақат табиатнинг гултожиси

саналган инсон, балки гул, сунбул, сабо ҳам шайдо. Сабо рашк қилиб унинг сочларини ўйнаса, гул юзларига суқланиб боқади. Сунбул эса сабони юбориб, унинг сочларидан ҳид ўғирлаб келишни буюради. Табиат воситаларини бундай жонлаштиришлар замирида инсонни улуғлашдек, катта ҳаётий ҳақиқат ётганлиги китобхонга аён.

Маълумки, классик адабиётда гул - гўзаллик, сунбул - нафислик (у сочга ўхшайди), сабо - оромбахшлик рамзи сифатида ишлатилиб, маъшуқа уларга қиёслантирилган. Уйғун «Эҳтиёт бўл» шеърисида классик поэтика захирасидаги мавжуд образлардан новаторона фойдаланганлиги шунда кўринадикки, бу шеърда маъшуқа аввало гул, сунбул, сабога қиёслантирилмайди, балки уларнинг ўзи маъшуқанинг тенгсиз ҳусну латофатига, кўрку жамолига маҳлиё бўлади, унга тақлид қилади. Шеърнинг лирик қаҳрамони - ошиқ бутун ҳаётини ёрга тиккан, керак бўлса унга жонини беришга тайёр турган, маъшуқасини хатто, гул, сунбул, сабо («Ўғрилар»)дан ҳам рашк қилиб кўриқлайдиган, муҳаббати соф, қалби дарё, виждони пок, нияти холис йигит. Шеърда ўринли қўлланган «қабо», «сабо», «гул», «сунбул» қофиялари, енгил юмор хосил қиладиган «ўғриларинг» сўзи, 9 бўғинли ҳижо вазни ундаги завқбахш кайфиятни, ҳаётбахш ғояни тўла очиб беришда, ошиқ ва маъшуқа образини кашф этишда, традицион воситалардан замонага мувофиқ фойдаланишда катта хизмат қилган.

Шоирнинг ишқ-муҳаббат мавзусини собитқадамлик билан қаламга олгани, бу ҳаётий мавзунини ҳар томонлама чуқур кашф қилишга тинмай интилиши ва янги қирраларини очиш устида, меҳнат қилаётганлиги, янги тасвирий воситалар, шакллар излаётгани 1946 йилда ёзилган «Севги ҳақида» туркум шеърларида ҳам ўзининг равшан ифодасини топган. Фикримизга «Гул юборибсан», «Гул шайдоси», «Кетмас бўлиб кел», «Гулсан-у ўзинг» каби латиф шеърлар мисол бўла олади. Бу шеърлар муҳаббат лирикасининг

ҳаётбахш, қувноқ намуналари бўлиб, улар халқимизни эстетик жиҳатдан тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Аммо шунини таъкидлаш лозимки, Уйғуннинг юксак эстетик идеаллар руҳида ёзилган интим лирик шеърлари баъзи адабиётшунослар томонидан танқид остига олинди. Бу ҳақда «Ёнар сўз» китобида Иброҳим Ғафуров ҳам афсусланиб қуйидагиларни ёзади: «...У (ўша танқидчи — Т. Қораев) Уйғуннинг «Сендадур хаёлим, сенинг хаёлинг ўзга бир одамда, яхши биламан. Аммо узолмайман кўнглимни сендан, толеим шу бўлса қандоқ қиламан», деган лирик туйғу билан тўлиқ мисралар ҳақида, бу бандлар кишини ноқулай вазиятда қолдиради, уларга на ўртадан юқори, на қуйи баҳо бера оласиз, деб қайғуради. Агар баҳо беришнинг бундай принциpidан келиб чиқилса, Шчипачев сингари шоирларнинг бутун ижодидан юз ўгириш ҳеч гап эмас. Зотан, Шчипачев худди юқоридаги Уйғун сатрлари услубида шеър ёзган»³⁹.

Бундай бир ёқлама таъна, дашномларга қарамай, Уйғун муҳаббат мавзuida шеърлар ёзишни давом эттиради. Уйғун учун севги «уммон», «лаъли лаблардаги олий табассум», «азалдан мерос бўлиб қолган» олий туйғу, шунинг учун «севги оташидан» унинг «юраги ёниқ», «гўзаллик»ни у «инсоннинг муҳаббатида» кўради. Уйғун шеърларида ишлатилган «севги водийси», «севги қўшиқлари», «севги гулзори», «севги боғи», «ишқ гулшани», «ишқ мадҳи», «ишқ булбули», «учрашув фасли» каби юздан зиёд ибораларни унинг бу борада тинимсиз изланганлигининг боиси деб тушуниш керак. Бу ҳақида шоир «Ўлмас муҳаббат» (1963) шеърда шундай ёзади:

Севги – қалбга умрбод йўлдош,
Муҳаббатдан воз кечиб бўлмас.

³⁹ Ғафуров Иброҳим. «Ёнар сўз». – Тошкент, 1973, 43-бет.

Ҳаётимнинг мазмуни – севги,
Қалб тепаркан - муҳаббат ўлмас.

(II том, 56-бет).

Шоир бошқа бир шеърда эса муҳаббат лирикасининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини куйидагича тушунтиради:

Муҳаббат ҳақида айтилган шеър
Уни улуғлашга хизмат қилмаса,
Инсонга бахт берган буюк севгининг
Қудратини таъриф кила билмаса,
Қуруқ гап, беҳуда соврилган елга.
Қуруқ гап, қачон наф бермас элга.

(II том, 57-бет).

«Севгисиз бахт йўқ» (1963) деган шеърда шоир юқоридаги фикрларни умумлаштириб бундай дейди:

Севги «ўйин-кулги», "кўнғил очиш"мас,
Бахтли турмуш қуриш – севгидан мурод.
Умрнинг безаги, дерлар, севгини,
Севиша билганлар – бахтли умрбод.

(II том, 59-бет).

«Муҳаббатинг бўлса»... (1963) шеърда эса тубанлик аралашган муҳаббатни қора булут соя солган кунга, «садоқат сувидан кўкарган севги»ни бахт маскани бўлган ажойиб бир боғга ўхшатади. «Севгининг ўлчови» (1964) шеърда севгининг ўлчови бўлиши мумкин эмаслигини, фақат севги тош бўла олиши мумкинлигини ёрқин деталлар орқали мантикий асослаб беради.

Уйғун 60-йилларда ёзилган шеърларида, асосан, муҳаббатни фалсафий жиҳатдан талқин қилишга, унинг ижтимоий ҳаётимиздаги қадру қимматини баҳолашга, миллий моҳиятини очишга ҳаракат қилган. «Садқан кўз ёшларинг

кетсин» (1966) типидаги шеърларида эса отахон шоир сифатида муҳаббатда алданган ёшларга насихат беради.

Уйғуннинг «Севги ҳақида» (1967), «Кекса жазман» (1969), «Гўзалларга тикилсам агар» (1969) шеърлари ҳазил-муто-йиба, қувноқ юморга бой бўлиб, уларда шоирлик бурчи ва вазифаси фалсафий тарзда ўз ифодасини топади. «Бахтиёр-ман» (1970), «Вафоли ёр эрурман» (1971), «Бир ажиб хислат сезарман...» (1971), «Муҳаббат мадҳини куйлаб...» (1971), «Сен каби соҳибжамолни» (1971), «Севги изҳор этдимиз?» (1971), «Гўзал ёр» (1971), «Тоза гулсан» (1971) каби ғазалларида «муҳаббат лаззати», «ҳижрон ели» хусусидаги баҳсини давом эттиради, вафоли, аҳду паймонли ёшларни алқайди, вафо-сизлик, бебурдликнинг оқибатини изоҳлаб беради.

Шоирнинг маҳорати, айниқса, унинг муҳаббат мавзуини оригинал баён этиш учун хилма-хил поэтик форма ва приёмлар излашида кўзга равшан ташланади. Фикримизга унинг «Бир боқсанг кифоя», «Кекса жазман» (1970) характеридаги тўртликлари ва классик поэтик шаклдаги ғазаллари мисол бўла олади.

Шоир «Бир боқсанг кифоя» тўртлигида гўзалнинг бир боқишини шундай таърифлайди:

Бир боқсанг кифоя, кўзингдан қалбим
Аккумулятори куч олиб кетар:
Бир зарядка бергил бир боқиб, гўзал,
Шунда қалб мотори юз йилга етар...

(II том, 361-бет).

Ҳаётбахш юмор билан суғорилган, киши табиатини қи-тиқлайдиган, руҳига тетиклик бахш этадиган бундай мазмун-дор тўртликлар фароғатли давр шеърхонларига манзур бўлмаслиги мумкин эмас. Шундай ҳодисани Уйғуннинг «Дутор», «Най» шеърларида ҳам кўрамиз. Шоир ҳижрон ва муҳаббат руҳини ифодалашда най ва дутор каби чолғу

асбобларидан восита сифатида тўғри фойдаланган, шу сабабли мазкур шеърлар нафақат қисқалиги, балки ҳаётий ва мазмундорлиги билан ҳам диққатга лойиқ. Уйғуннинг дилкаш ғазаллари бахтли, қувноқ, бунёдкор замондошларимиз тақдирини тараннум этишда, уларни эзгу идеалларга даъват этишда катта аҳамиятга эга.

Шоирнинг ғазал жанрида битилган «Ватан» шеърида она юрт ишқи тараннум этилган. Бу шеърдаги ҳароратли, тиниқ мисраларни ўқиганда, киши кўз унгида ардокли она юрт намоён бўлади.

Кейинги йилларда айрим адабиётшуносларимиз замонавий ўзбек адабиётида ғазал, умуман, арузга қайтиш Эркин Воҳидов ижоди билан бошланди, деган бир ёқлама фикрни айтмоқдалар. Бундай фикрнинг нотўғрилигини Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий сингари шоирларимизнинг ижоди тасдиқлайди. Масалан, Уйғун 40-йилларда аруз вазнида ўнлаб ажойиб ғазаллар ёзган. «Ватан» шеъри ҳам шулар қаторига киради. Бундай ҳодисани Ҳамид Олимжоннинг уруш йилларидаги ижодида ҳам равшан кўриш мумкин. Эркин Воҳидов ва унга тенгдош ижодкорлар эса поэзиямиздаги мавжуд анъаналар асосида арузга ёндашдилар ва унга янги ҳаво олиб кирдилар.

Уйғун 1968 йилда ёзган "Мубтало бўлсам керак" ғазалида:

Гул бўлиб очилди дилдорим ҳаёт бўстонида,
Энди гул юз ишқида булбулнаво бўлсам керак. -

(II том, 288-бет).

деб ёзган эди. Чиндан ҳам мана шу булбулнаволик шоирнинг кекса, аммо ҳамиша навқирон юрагида жаранг бериб, бугунги кунларимизда саодатли диёримиз бўйлаб таралаётган шеърларида турли пардаларда намоён бўлмоқда. Бу фазилат она Ватанга, фидокор халқимизга бўлган меҳр-муҳаббатнинг

хосиласидир. Дарҳақиқат, Уйғун 60 йилга яқин ижодий фаолиятида ўзбек адабиётида ғазал жанрининг ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг тенгдошлари ва шоғирдларининг бу борадаги жиддий изланишлари туфайли ғазал жанри адабиётимиздан яна ўзининг қонуний ўрнини эгаллади. Уйғун ғазалларида муҳаббат мавзуи ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу жиҳатдан шоирнинг «Бахтиёрман», «Вафоли ёр эрурман», «Гўзал ёр» каби ўнлаб ғазаллари характерлидир. Чунончи, Уйғуннинг Алишер Навоийнинг «Қора кўзим» таъсирида ёзилган «Гўзал ёр» ғазалида садоқат мавзуси ўзининг ибратли ифодасини топган бўлиб, унда лирик қаҳрамоннинг маънавий олами намунали ифодаланган. Умуман, Уйғун шеърларининг лирик қаҳрамони муҳаббатда садоқатли, муҳаббат йўлидаги қаршиликларни бартараф этишда ўзида етарли куч-қудрат сезадиган, маънавий олами бой, маданияти баланд кишидир. Шу сабабли у катта тарбиявий-эстетик аҳамиятга эга.

Уйғуннинг «Март кунларида», «Гуласал», «Украина еллари», «Вафо» каби поэмаларида, «Уфа йўлида» балладасида ҳам, уларда ифода этилган мавзуларга борлик ҳолда севги ва садоқат темаси, ишқ-муҳаббат масаласи, висол ва ҳижрон изтироби, янги оила ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида қизиқарли баҳс юритилган ва бу масалалар мазкур асарларда диққатга лойиқ тарзда ўзининг бадиий ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан, айниқса, «Вафо» достонининг эстетик-тарбиявий аҳамияти катта.

Юқорида айтилган фикрлардан Уйғуннинг муҳаббат лирикасида нуксонлар йўқ экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ҳар қандай улкан адиб ижодий фаолиятида учраши мумкин бўлган камчиликлар Уйғун ижодида ҳам мавжуд. Агар масалага муҳаббат мавзуи нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу мавзуни турли йилларда талқин этишда шоир қатор нуксонларга йўл қўйганлиги равшан бўлади. Фикримизга «Сиз билмайсиз менинг ёримни» (1945),

«Севаман буларсиз ҳам» (1946), «Севганлигим рост» (1946), «Севгисиз бахт йўқ» (1963) каби ҳали етук бўлмаган, ҳис-ҳаяжон меъёрига етмаган, образлилик ва конкретлиликдан холи шеърлар мисол бўла олади. Уйғуннинг муҳаббат лирикасида баъзан мавҳум фикрлаш (масалан, «Тутқин келинчак»), чиройли тасвирий восита ва приёмларни, образларни такрорлаш, сентименталликка берилиш, саёз фикрлаш ҳоллари ҳам учраб туради.

Уйғун муҳаббат мавзусини чуқур ва атрофлича, узлуксиз ишлаш, муҳаббат лирикасини шакллантириш, асослаш ва ривожлантиришда катта ижодий меҳнат сарфлаган ва бой тажриба орттирган шоирлардан. Унинг бу соҳадаги маҳорат мактабидан янги ўзбек адабиётининг иккинчи, учинчи ва кенжа авлоди дарс олиб вояга етди. Мирмуҳсин, Зулфия, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Шукрулло, Шухрат, Ж. Жабборов, Эркин Воҳидов, Зоҳиджон Обидов, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Тошпўлат Ҳамид, Нормурод Нарзуллаев, Хайриддин Салоҳ, Ойдин Ҳожиева, Гулчеҳра Жўраеваларнинг муҳаббат мавзуида гўзал шеърлар ёзишида, шубҳасиз, устоз Уйғун бадий тажрибаларининг таъсири катта. 50-йилларда маълум даражада назардан тушиб қолган муҳаббат лирикаси 60-70-йилларда поэзиянинг сифатини, ҳаётийлигини белгилайдиган, унга шухрат келтирадиган тенденцияга айланди.

Кейинги йилларда яратилган А. Ориповнинг «Аёл», «Биринчи муҳаббат» шеърлари, Э. Воҳидовнинг «Ёшлик. Дево-ни»га киритилган интим темадаги ғазаллари, Тошпўлат Ҳамиднинг «Менинг асрим», «Бинафша уфқлар», Ойдин Ҳожиеванинг «Шабнам», «Орзу гули» тўпламларидаги ишқий шеърлари фикримизга яхши мисол бўла олади. Мана шу фактлар муҳаббат мавзуи адабиётимизнинг муҳим мавзуи сифатида унинг тараққиёти учун катта имкониятлар яратиб бераётганлигидан далолат беради. Муҳаббат куйчиси Уйғун эса ҳамон изланишда, ҳамон муҳаббат мавзуининг янги

қирраларини кашф этиш йўлларини қидирмоқда. 30-40-йилларда Уйғун бу абадий навқирон муаммони тадқиқ этишда тенгдошлари Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Миртемир билан мушоира қилган бўлса, 50-60-йилларда Зулфия, Шухрат, Шукрулло, Раъз Бобожон, Ҳамид Ғулом; 70-80-йилларда эса бу мушоирани учинчи ва кенжа авлод билан давом эттирмоқда ва сўлим ғазаллари, дилбар шеърлари билан халқимизнинг олқишига, ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлмоқда.

ТАРК ЭТМА НАЗОКАТНИ, БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМА

Улкан сўз санъаткорларига хос хarakterли хусусиятлардан бири шундан иборатки, уларда адабиётнинг кичик жанрларида ифода этган муҳим фикр ва мулоҳазаларни, темаларни ижодий тажрибалари юксалиб, балоғатга етганларидан кейин адабиётнинг катта жанрларида давом эттирадилар ҳамда ўша мавзуларнинг ахлоқий-маънавий моҳиятини атрофлича очишга ҳаракат қилдилар. Бундай ҳолни ўзбек адабиётининг Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор каби йирик вакиллари ижодида равшан қуриш мумкин. Шунга ўхшаш ижодий лаборатория шоир ва драматург Уйғун ижодида ҳам хос.

Маълумки, Уйғун драматургия жанрига Иззат Султон билан ҳамкорликда ёзилган машҳур «Алишер Навоий» (1941) драмаси билан бирга кириб келди ва бугунгача йиғирмага яқин сахна асарлари яратди.

Драматург Уйғун фаолиятининг шаклланиши ва ривожига шоир Уйғун фаолиятининг самарали таъсири борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Уйғун драматургиясининг лиризм ва психологик кечинмаларга бойлиги унинг шоирлиги туфайлидир. Драматургия Уйғунга катта ижтимоий масалаларни, муҳим замонавий ва тарихий ахлоқий-тарбиявий муаммоларни атрофлича, ҳаётий ифодадашда,

тақдири халқ тақдири билан мустаҳкам боғланган улкан кишилар образини яратишда имконияти кенг жанр сифатида хизмат қилди. Шу сабабли Уйғуннинг шеърларидаги турлитуман мавзулар ва масалалар кейинги даврда унинг драматургиясига кўчди ва чуқур маъно, катта ғоявий мазмун ва салобат кашф этди. Бошқача айтганда, Уйғун драматургия жанрининг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланиб, шеърлятта ифода этилган ҳаётий темалар, масалаларни янада ривожлантирди. Бундай ҳодиса муҳаббат мавзуи талқинида ҳам равшан кўринади. Масалан, Уйғун «Жафо қилма», «Бевафога», «Капалакка», «Садқан кўз ёшларинг кетсин» шеърларида баён қилинган ғояларни, шундай хусусиятларга эга айрим хиёнаткор кишилар образини машхур «Парвона» комедиясида давом эттирди, ривожлантирди. «Олтин кўл» драмасининг яратилиши ва ундаги Шоҳиста билан Турсунбой ўртасидаги интим муносабатларнинг тарбиявий аҳамият касб этишида «Гуласал» достонидаги Гуласал ва Тошпўлат ўртасида бўлиб ўтган севги муносабатларнинг алоқаси бор. Шоирнинг эл эътиборини қозонган «Ҳаёлингда кезар икки нарса» шеърига хос ғоявий мазмун унинг замонавий мавзуда яратилган «Ҳаёт кўшиғи», «Навбахор», «Хуррият», «Парвоз» драмалари қаҳрамонларининг руҳига, маънавий оламига сингиб кетган. Шоирнинг тарихий мавзуда ёзилган драмалари ҳам «Олтин севги» ва шунга ўхшаш бошқа ўнлаб шеърлари таъсирида яратилган. «Қопқон» драмасидаги Йўлдош образи шоир поэзиясидаги машхур Жонтемир, Карим, Назир ота каби образларнинг таъсирида яратилган бўлса, мазкур драмадаги Гуласал образининг яратилишида Аширгул, Башорат, Анорхон каби образларнинг роли бор.

Шоир Уйғуннинг драматик асарларида муҳаббат мавзуи чуқур, атрофлича, кенг талқин қилиниши билан эътиборга лойиқ. Бундан ташқари, муҳаббат мавзуи Уйғун драмаларининг руҳини, қаҳрамонлари характерини белгилайдиган, конфликтларига асос бўладиган, сюжет ва композициясини

ташқил қиладиган муҳим воситага айланган. Уйғун драмаларининг ҳаётийлигини, таъсирчанлигини, саҳнавийлигини таъмин этишда муҳаббат мавзуи катта роль ўйнаганлигини эътироф этиш лозим. Уйғуннинг ижодида ахлоқий-маънавий қарашлар мавзуига дахл қилинмаган драматик асарлар оз топилади. Уйғун драмаларида муҳаббат мавзуи қандай тарзда қўйилиши ва қандай аспектда ҳал этилиши жиҳатидан 3 гуруҳга бўлинади. Биринчи туркумга тарихий мавзуда ёзилган «Алишер Навоий» (1941), «Абу Райҳон Беруний» (1973), «Қопқон» (1975), «Абу Али ибн Сино» (1979), «Зебунисо» (1981) драмалари киради. Иккинчи гуруҳга замонавий мавзуда ёзилган «Ҳаёт кўшиғи» (1947), «Олтин кўл» (1948), «Навбахор» (1949), «Ҳуррият» (1958), «Парвоз» (1966-74) драмалари мисол бўлади. Учинчисига эса «Сўнги пушаймон» (1955-61), «Дўстлар» (1961), «Қотил» (1965), «Парвона» (1966) каби драма ва комедиялари киради.

Уйғуннинг тарихий мавзуда ёзилган «Алишер Навоий», «Зебунисо» ва «Қопқон» драмаларида муҳаббат муаммоси асар қонфликтини ҳаракатга келтирувчи ва ривожлантирувчи куч сифатида хизмат қилса, «Абу Райҳон Беруний», «Абу Али ибн Сино» драмаларида у қонфликтнинг ёрдамчи масалаларидан бири сифатида хизмат қиладди. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам бу драмалардаги муҳаббат замон зайли билан фожнага учрайди.

Уйғуннинг тарихий драмаларида муҳаббат мавзуи замон дарди, замон оху фиғони, эркин муҳаббатга интилувчи, эркпарвар, ҳижронзада замон фарзандларининг ноласи, фарёди сифатида қаламга олинади ва драматург бу мавзу орқали ўтмишнинг фожияси, инсон шахсини хўрловчи, оёқ ости қилувчи жиҳатларини реалистик манзараларда ифода этади. Ёзувчининг фожиали муҳаббат мавзуини турли жанрлардаги драматик асарларида ҳаётий талқин этишдаги маҳорати шундаки, биринчидан у жаҳолат ҳукмрон бўлган замонларда муҳаббат каби гўзал инсоний фазилатнинг оёқ ости

қилинганлигидан, муҳаббатда, оила қуришда тенгсизлик, мажбурийлик принципи ҳукм сурганлигидан хабардор ва тенг ихтиёрий, эркин муҳаббатни тараннум этувчилардан бири ҳисобланади; муаллиф қаламга олган муаммони, қаҳрамонларнинг ҳаётини, улар атрофидаги ижобий ва салбий кишиларни яхши ўрганган; жаҳон драматургияси бу соҳада эришган ютуқлар таъсирида камол топди; драматургияга шеърятда катта тажриба орттирган йирик сўз устаси сифатида кириб келди. Ана шу объектив ва субъектив сабаблар туфайли Уйғуннинг драмаларида муҳаббат мавзуи бошқа мавзулар сингари ўзининг ҳаётий талқинини топган.

Агар шу ҳаётий асослар бўлмаганида, Уйғун биринчи драматик асари «Алишер Навоий»да муҳаббат ва бошқа масалалар талқини бўйича катта муваффақият қозона ололмаган бўлар эди. «Алишер Навоий» драмасининг улуғ шоир ва мутафаккирга бағишланган турли жанрларда, турли тилларда ёзилган асарлар ўртасида оммалашиб кетишида унда муҳаббат масаласи ҳаётий асосларга боғлиқ ҳолда қўйилиши ва табиий ҳал қилиниши катта роль уйнаган.

Уйғун билан Иззат Султон Навоий ва Гули тўғрисидаги халқ афсонасини драмага киритиб, унинг ҳаётийлигини, таъсирчанлигини, эстетик-тарбиявий қимматини оширган. Драмада Навоий билан Гули ўртасидаги соф, самимий муҳаббат Мажидидин каби фитначилар ифвоси билан фожиага гирифтор этилади. Аммо бу воқеа туфайли Навоий билан Гулининг бир-бирига кўрсатган садоқати, юксак аҳду паймони китобхонлар қалбини қуёш янглиғ равшан этади, уларни олий идеаллар сари руҳлантиради. Драматургларнинг юксак маҳорати туфайли Навоий ва Гулининг муҳаббати муҳаббат тимсолига айланади. Бу икки образ асл муҳаббат учун курашувчи ёшлар йўлини машъала каби равшан қилади. Драматурглар халқимизнинг Алишер Навоий ва Гули ўртасидаги олий инсоний муносабатларни ҳаё ва ифбат пардаларига ўраб, ахлоқ ва одоб қоидалари доирасида,

ҳаётий воқеалар ва тўқнашувлар асосида самимият билан таъсирчан ифодалаганликлари сабабли китобхонларнинг олқиш ва ҳурматига сазовор бўлди.

Алишер Навоий ҳаётининг интим томонларини бадий гавдалантириш қанчалик нозик санъат ҳисобланса, унинг муҳаббатини қозонган, фариштадек бетимсол Гулининг образини яратиш ҳам шунчалик мураккаб масала эди. Шу сабабли муаллифлар бу икки образни яратганда халқнинг этик, эстетик дидига, урф-одати ва ахлоқий-тарбиявий қарашларига суяндилар.

«Алишер Навоий» драмаси муаллифлари асардаги муҳаббат масаласини хал қилишда ана шундай халқ тафаккури ва замон руҳи нуқтаи назаридан караганлар. Алишер Навоий табиатига хос олижаноблик, адолатпарварлик, донишмандлик, вазминлик, халқпарварлик ва мардлик каби юксак фазилатлар шунингдек, Гули характерига хос ҳаё ва ифбат, лутфу назокат, оқила хулк ва одоб тўғрисида гап кетганда, ўзбек халқи ва унинг зукко фарзандлари кишининг кўз олдида гавдаланади. Агар Уйғун билан И. Султон драма марказида турган бошқа масалалар қатори муҳаббат масаласига ҳам алоҳида аҳамият билан эътибор қилмаганларида, «Алишер Навоий» драмаси катта ижтимоий-сиёсий ва эстетик-тарбиявий қиммат касб этмаган бўлар эди. «Алишер Навоий» сингари етук асарлар туфайли муҳаббатнинг ижтимоий ҳаётдаги қадру қиммати бир қадар ўсганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Алишер Навоий ва Гулининг бир-бирига кўрсатган садоқати ҳақиқий маъшуқа ва ошиқлар учун ибрат мактаби бўлиб қолганлигининг боиси ҳам шунда.

«Алишер Навоий» драмасида талқин этилган муҳаббат масаласи Уйғуннинг «Абу Райҳон Беруний», «Абу Али ибн Сино» драмаларидаги Беруний ва Гулсанам, Ибн Сино ва Соҳибжамол образлари мисолида давом эттирилди. Уйғун бу образлар воситасида халқимизнинг зулматда яшаб, адолат учун курашган донишманд фарзандлари тақдирида рўй

берган фожиаларни атрофлича очишга муяссар бўлган, уларнинг ҳаёти турли-туман қаршиликларга эга эканлигини, улар замон зайлига бўйсунмаганликлари учун муҳаббат лаззатидан, оила қуриш бахтидан маҳрум бўлганликларини ҳаётий воқеалар, образлар орқали берган. Буюк шоир ва улуғ давлат арбоби Алишер Навоий Гулини - гўзаллик ва назокат маъбудасини севади, Навоий ва Гулининг севгиси Мажидиддин каби ғийбатчиларнинг зарбасига учраб, ғунчалигида хазон бўлади, Навоий ва Гули бахтининг поймол бўлишига сабаб бўлади. Улуғ олим Беруний муҳаббатини қозонган ва уни жон-дилдан севган камбагал қиз Гулсанамни Маҳмуд Ғазнавийнинг синглиси Сайёра заҳарлаб ўлдиради, Ибн Синонинг севиклиси, сарой табибининг қизи Соҳибжамолни айғоқчи, рашкчи Соғиндиқ пичоклаб ўлдиради. Йўлдошнинг севгилиси Гуласал ёвуз ва ярамас Давронбекнинг қурбони бўлади. Дунёга яшаш ва уни яшнатиш, ёшартириш учун келган тўртала маъшуқа ҳам унинг қурбони бўлишади. Фарқ шундаки, уларнинг бири кўра билмасликнинг, иккинчиси рашк ва адоватнинг, учинчиси фитна ва фасоднинг қурбони бўлади. Навоийнинг Гулига бўлган муҳаббатини драматурглар унинг шоирона характеридан келиб чиққан ҳолда ҳис-туйғулар оғушида, шеърлар воситасида, лирик йусинда, латиф ва сеҳрли баён қилишса, буюк олим Берунийнинг Гулсанамга бўлган беғубор, самимий муҳаббатини қахрамоннинг табиатидан келиб чиққан ҳолда юксак эҳтиром ва чексиз меҳр оғушида тараннум қилади. Абу Али ибн Синонинг оқила қиз Соҳибжамолга бўлган муҳаббатини, уларнинг ҳаётига, характерига мувофиқ устоз шогирдлик йўналишида, фаолият жараёнида, баъзан лирик - психологик кечинмалар воситасида ифода этади. Кейинги драмаларнинг пайдо бўлишида «Алишер Навоий» драмасининг таъсири бўлгани каби Гулсанам ва Соҳибжамол образларининг яратилишида Гули, Беруний ва Абу Али ибн Сино образларининг ярати-

лишида Навоий образининг таъсири борлигини эътироф этиш лозим.

Уйғун тарихий драмаларида муҳаббатда зўрлик, тенгсизлик, мажбурийлик принципага қарши эркинлик, тенглик ва ихтиёрийлик принципини илгари суради. Барча замон ва авлодларнинг юксак орзуси, идеали саналган мазкур принцип ўртасидаги қарама-қаршилик шоирнинг «Зебунисо» драмасида ўзининг янада мукамал ва равшан ифодасини топади. Драматург Зебунисонинг шоир Розийга бўлган улкан муҳаббати, аҳд ва вафоси воситасида улар яшаган замоннинг қабиҳ, жирканч, ярамас башарасини, бобирийлар сулоласининг таназзулга юз тутганлигини катта жасорат билан фош этади.

«Зебунисо» драмаси тарихий мавзуни бадиий талқин этишда Уйғуннинг «Алишер Навоий» драмасидан кейинги катта ютуғидир. Драматург бу асарида машҳур шарқ шоираси, вафо ва садоқат тимсоли Зебунисонинг етуқ образини яратибгина қолмасдан, балки бу образ воситасида бобирийлар сулоласининг таназзулга учраганлиги бадиий ҳақиқат даражасига кутаради. Жаҳонгирлик, урушқоқлик, ақидапарастлик, мансабпарастлик касалига учраган Аврангзеб тахт учун отаси Шох Жаҳонни зиндонга солади, акалари Доро ва Шужони ўлдиради, укаси Муродни зиндонга ташлайди, ҳиндулар билан мусулмонлар ўртасига нифоқ солади, саройдаги бир гуруҳ мутаассиблар ва инглиз жосуси вазир Амирхон фикри билан Бомбей шаҳрини Англия қироличасига совға қилади, Зебунисонинг севгилиси шоир Розийни, укаси Муродни ўлдиради. Қизи Зебунисони Салигарх қалъасига ташлайди. Бу гуноҳлари, мансабпарастлиги учун ўғли Акбар, қизи Зебунисо, самарқандлик аллома Муҳаммад Саид, ажойиб ҳинд йигити Рожа Рам ва бошқа илғор қарашли кишилар ундан юз ўгирадилар. Саройда жосуслик, фитнес-фасод, келишмовчилик, мутаассиблик, диний, миллий айирмачилик авж олади, Кабиҳлик, ички ва ташқи зиддият кучаяди.

Шундай бир тарихий шароитда зулмат ичра юлдуздай порлаган, адолатпарвар, халқпарвар, ҳақиқатпарвар, дўстпарвар, зукко ва латиф Зебунисо сингари кишилар етишиб чикканлиги ва замон иллатларига қарши кескин кураш олиб борганлиги драмада катта маҳорат билан ифода этилади. Драманинг марказида шундай муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар турганлиги сабабли у китобхоннинг диққатини ўзига тортади.

Шоир Розий билан бир умрга аҳду паймон қилган Зебунисонинг муҳаббатига отаси Аврангзеб қарши чиқади. У қизини пастки табақадан чиққан Розийга эмас, инглиз жосуси, кекса вазир Амирхонга бермоқчи бўлади. Зебунисо жоҳил, мутаассиб отасининг таклифларини рад этади, хоин, айёр Амирхондан кўра меҳнаткаш халқ фарзанди – шоир Розийни афзал билади. Шоҳ ўз мақсадини амалга ошириш учун шоир Розийни ҳийла ишлатиб ўлдиради. Розийнинг фожиали ўлимидан кейин ҳам Зебунисо отасининг таклифини қабул қилмайди, балки бутун умрини Розийга ва шеърятга садоқатда ўтказишга аҳд қилади ва шу садоқатни бахт деб билади. Унга ҳинд йигити Рожа Рам ҳам кўнгил қўяди. Шоира Рожа Рамни қанчалик ҳурмат қилишидан қатъий назар, Розийга бўлган муҳаббати туфайли унинг севгисини рад этади. Драмада Зебунисо ва Розий муҳаббати линияларидан ташқари Наргис ва Рожа Рам, Шоҳжаҳон ва Мумтозбегим муҳаббат тармоқлари ҳам бор. Аммо драма конфликтининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожда Зебунисо ва Розий ўртасидаги эркин, ихтиёрий, тенг, асл муҳаббат асосий ўрин тутаяди, ихтиёрийлик, тенглик, эркинлик принципига асосланган Зебунисо билан Розийнинг бир-бирига бўлган муҳаббати драманинг конфликтига асос бўлади ва унинг сюжетини ташкил этади. Розийнинг пастки табақадан чиққанлиги, меҳнаткаш халқ вакили бўлганлиги, Зебунисонинг ҳар қандай мушкул вақтларда ҳам аҳдини бузмаганлиги, Амирхоннинг Зебунисога оғиз солиши ва Аврангзебнинг ўртага

қўйиши драманинг конфликтини кучайтиради, унинг фожиали якунланишига сабаб бўлади. Шоҳ Амирхонга Зебунисони унаштириш учун Розийни ўлдиргандан кейин жоҳил ота билан оқила қиз ўртасидаги зиддият янада кучаяди. Шундан сўнг Зебунисо саройдан бош олиб чиқиб кетади. Зиндондаги бобоси Шоҳ Жаҳон билан дунёнинг қабихликлари тўғрисида ҳасратлашади. Ўткир драматик коллизияларга, чуқур руҳий кечинмаларга, ҳис-туйғуларга бой, қалбни ларзага соладиган, ички изтироб ва тўлқинларга эга бўлган бу моментларни драматург алоҳида маҳорат ва санъат билан яратган. Шу қисқа зиндон эпизодидида шоҳ Жаҳоннинг тарихи, фожиаси, Аврангзебнинг разиллиги, Зебунисонинг адолатпарварлиги, эркпарварлиги, ҳақиқатпарварлиги, соф инсоний туйғулари, зукколиги, илғор қарашлари, Розийга садоқати, дунёвий ишқ эгаси эканлиги ўзининг санъаткорона ифодасини топади. Зебунисо қалъага ташлангандан кейин унинг устози, самарқандлик аллома Муҳаммад Саид саройдан ҳайдалади. Рожа Рам Амирхонни ўлдиради, Зебунисонинг акаси Акбар отаси Аврангзебга қарши бош кўтаради. Барча яқинларидан ажралиб, тахти хавф остида қолган Аврангзеб Зебунисони тошқалъадан озод қилади, гуноҳлари учун ундан узр сўрайди, тахтга ўтиришга даъват этади. Ҳар қандай тахтдан, бахтдан ўз идеалларини устун қўйган Зебунисо отасининг истакларини рад этади.

Уйғун ҳассос лирик шоир, умрини севиклиси Розийга ва шеърятга садоқатда ўтказган, XVI аср адабиёти ва санъатининг йирик арбоби, вафо ва садоқат тимсоли Зебунисонинг ёрқин образи мисолида давримизнинг маданий меросга бўлган муносабатини равшан намойиш қилди. Йирик тарихий шахслар, маданият арбоблари образини яратиш борасида тўплаган тажрибаларини умумлаштирди. Зебунисо образини Гули, Гулсанам, Соҳибжамол, Гуласал образларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. У мазкур образларнинг йиғиндиси сифатида майдонга келган. Мазкур образлар ўртасидаги

фарқ шундаки, Гули, Соҳибжамол, Гулсанам, Гуласаллар тўқима образнинг ибратли намунаси бўлса, Зебунисо тарихий образнинг ёрқин намунасидир, Зебунисо образини драматург, асосан, тарихий ҳақиқатга асосланиб, қисман бадий тўқима ёрдамида яратганлиги учун бу образ ёрқин ва жозибали чиккан.

Уйғуннинг Зебунисо образини яратишда эришган ютуқлари Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино образларини яратишда тўплаган тажрибаларининг синтези ҳисобланади. Агар Уйғуннинг замонавий драмаларидаги зёллар образи ичида Хуррият образи юқори чўққи ҳисобланса, тарихий мавзуда ёзилган драмаларидаги аёллар образи ўртасида Зебунисо образи ҳам ана шундай баланд чўққидир. Зебунисо образининг бундай ҳаётӣй, ибратли яратилишида Уйғуннинг шоира яшаган давр тарихини, зиддиятларини, проблемаларини атрофлича ўрганганлиги, чуқур бадий идрок этганлиги ва шоира ижодиётини, биографиясини, шахсини яхши билганлиги, тарихий мавзуда тўплаган тажрибалари катта фойда берган. Зебунисо ва Розий ўртасида пайдо бўлган, инсоний хусусиятларга асосланган, эркин, беғубор, пок, самимий севги Аврангзёб, Амирхон каби замонасининг разил кишилари қаршилигига дуч келиши, жисман поймол этилиши, аммо маънавий жиҳатдан ғалаба қозониши драмада ўзининг ҳаётӣй ифодасини топган.

Драматургнинг маҳорати шундаки, у интим, маиший тема воситасида XVI асрнинг ўзига хос зиддиятларини, қабихликларини, бобирийлар сулоласининг таназзулга юз тутганлигини, ҳар қандай гўзал инсоний хусусиятларнинг ер билан яқсон қилинганлигини, разолатнинг кутурганлигини маҳорат билан фош этади, халқнинг Зебунисо каби аклли, тадбирли, ҳақиқатпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар фарзандлари адолат, келажак учун олиб борган курашни реал тасвирлайди. Драма қонфликтининг ҳаётӣйлиги ва

таъсирчанлигини таъминлаш учун Зебунисо табиатига хос муҳим характерли белгилардан мақсадга мувофиқ фойдаланган. Юксак истеъдод соҳибаси Зебунисо шарқ халқлари ўртасида фақат шоира сифатида эмас, балки зукколиги, зўр истеъдоди, бир сўзлиги, ўз идеалига, эътиқодига эгаллиги, илғор дунёқараши, меҳнаткаш халққа яқинлиги, кишиларнинг келиб чиқишига эмас, балки бунёдкорлигига, қалбига қараб баҳолаши билан машҳурдир.

Уйғун «Зебунисо» драмасида шоира характерига хос яна шундай ёрқин фазилатларидан бири саналган унинг севги фожиасини қаламга олиб тўғри йўл тутган. Драматургнинг жиддий изланиши, заҳматли ижодий меҳнати туфайли адабиётимизда соф, эркин, тенг, ихтиёрий, ишқ-муҳаббат йўлида ҳаётини бағишлаган зукко шоиранинг ибратли, дилбар образи яратилди.

Уйғун замонавий мавзудаги драмаларида муҳаббат мавзусидан турли мақсадларда фойдаланди ва бу мавзу воситасида замонамизнинг долзарб масалалари тўғрисида баҳс юритди. Аммо қайси темада ёзишидан қатъий назар, у ҳаётга миллий ахлоқ мезонларини жорий этиш учун курашди. Уйғуннинг замонавий драмалари марказида ахлоқий жиҳатдан пок, руҳий жиҳатдан бардам, жисмоний ва маънавий жиҳатдан бақувват кишиларнинг тақдири, аҳдига вафодор ёшлар, шунингдек, бу ҳаётини масалада янглишган, айрим кишилар тақдири масаласи туради. Уйғун бу масалаларни ҳаётини лавҳалар, реалистик лавҳалар воситасида бадий талқин этади. Шунинг учун унинг драмалари ахлоқий-маънавий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Масалан, Уйғуннинг «Олтин кўл» мусиқали драмасида муҳаббат тарбия воситаси сифатида хизмат қилган. Драматург муваффақиятлардан эсанкираган, жамиятимиз ахлоқий нормаларини бузган, ўзига бино қўйган, ўзига ортиқча ишонган Турсунбойнинг қайта тарбияланиши ва яна қишлоғига кайтишида бу усулдан фойдаланган. Ўз шахсини жамоага қарши қўйган

худбин Турсунбой севиклиси Шоҳистанинг садоқати, қишлоқдошларининг меҳрибончилиги туфайли яна ўз жойига қайтади, ҳалол меҳнат билан шуғулланади. Бундай фикрни драмадаги Ғанижон ҳақида ҳам айтиш мумкин. У ҳам Кароматнинг муҳаббати, садоқати туфайли қайта тарбияланади ва фаол деҳқонлар сафидан ўрин олади.

«Олтин кўл» мусиқали драмасидаги Қобил билан Жамол муҳаббатида драматург муҳаббат обихаётга ўхшаш бир кимё эканлигини, у нафақат ёшларни тарбиялаганлигини ва уларга дадиллик, шижоат бағишлаганлигини, балки кексаларни ҳам яшартиришини, кўнглини гулдай очишини, уларга қувноқлик, ҳаётпарварлик, меҳнатга иштиёқ, келажакка умид бағишлашини ҳаётий тасвирлар орқали тасвирлайди. «Олтин кўл» мусиқали драмаси фақат шу жиҳатлари билан эмас, балки соф муҳаббатни мадҳ этиши, Шоҳиста ва Турсунбой, Каромат ва Ғанижон, Сарви ва Камбар каби гўзал ахлоқий тушунчаларга эга фидокор ёшлар муҳаббатининг тантанасини тараннум этиши жиҳатидан ҳам ибратли. «Олтин кўл»нинг кенг халқ ўртасида оммалашиб кетиши ва катта шуҳрат қозонишида унинг муҳаббат мавзуи билан зийнатланиши ҳам катта роль ўйнаганлигини унутмаслик керак.

Уйғуннинг «Ҳаёт кўшиғи» драмасидаги севги Ватанга, ҳаётга, халққа, келажакка муҳаббат руҳида тарбияловчи, дўстликни, бирликни, аҳилликни улуғловчи, улкан меҳнат ғалабаларига руҳлантирувчи севгидир. Тожихонга бўлган муҳаббати туфайли Комил ҳам, Қодир ҳам жанг майдонларида мардликнинг, қаҳрамонликнинг олий намуналарини кўрсатадилар. Бир неча марта ажал билан юзма-юз келиб, айёр душманнинг ҳамлаларини қайтарадилар. Тожихон уларни деб ҳалол меҳнат билан колхоз далаларини гуллатади, қишлоқни обод қилади, пахтадан юқори ҳосил етиштиради. Тожихон Комил ва Қодирнинг хатларидан Миша ҳақида маълумот олади ва унга ҳам хатлар ёзиб, уруш туфайли бутун оиласидан ажралган, аммо метин иродаси билан

дахшатларни енгган бу йигитнинг кўнглини кўтаради, уруш қийинчиликларини енгшида унга далда беради.

Тожихоннинг хатлари ҳар учала жангчини ҳаётга, ғалабага муҳаббат, душманга нафрат руҳида тарбиялайди ва жангчилар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди, Ғалаба марраларини яқинлаштиради. Комил, Қодир, Мишанинг хатлари эса фронт орқасидаги қийинчиликларни енгшида Тожихонга далда бўлади. Уйғуннинг «Ҳаёт кўшиғи» драмаси ёшларнинг бир-бирига муҳаббат изҳор этиши билан бошланади, шундан кейин драмада баён этилган асосий масалалар шу фонда давом этади ва уларнинг мурод-мақсадига етиши тантанаси билан яқунланади. Илғор деҳқонлардан бўлган Комил ҳам, Қодир ҳам Тожихонни севади. Лекин Тожихон масалани бир ёқлама қилмай уруш бошланади. Йигитлар урушга кетишади. Аммо уларнинг ҳар иккаласи ҳам Тожихонга умидвор. Тожихон эса ҳар иккаласига ҳам бутун уруш давомида бир маънода хат ёзиб туради. Уйғун уруш йилларидаги ўзбек жангчиларининг қаҳрамонона ҳаётини, дўстлигини, курашини ифодалаш ва уларни фронт орқасидаги кишилар ҳаёти билан боғлиқ тарзда, бир бутун ҳолда тасвирлаш учун ана шундай кулай усул танлаган. «Ҳаёт кўшиғи» драмасида баён этилган муҳаббат оптимистик, ғолиб муҳаббат, янги зафарларга чорловчи, меҳнатни, дўстликни улуғловчи, ибратли муҳаббат. Шу сабабли у ўлимларни доғда колдириб, душманни забун қилади.

Уйғун замонавий муҳаббатнинг гўзал намунасини «Навбахор» драмасидаги Баҳор ва Қодир образлари мисолида ёрқин кўрсатди. Уйғун бу образлар мисолида маънавий олами ўсган, эстетик диди ривожланган янги авлод вакилларининг оила қуришдаги ибратли хусусиятларини, эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилигини, янги оиланинг шаклланишида муҳаббатнинг эркин бўлиши лозимлигини, бундай оилани ташкил қилувчи кишилар даврнинг ҳар

жиҳатдан илғор, маълумотли, маданиятли, пешқадам кишилари бўлиши кераклигини кўрсатади.

Драманинг қаҳрамонлари олий маълумотли агроном Баҳор, фронтовик, идора ходими Қодир киефасида урушдан кейинги йиллардаги қишлоқ кишиларига хос олижаноб фазилатлар ёрқин гавдаланган. Драмада Баҳор билан Қодир ўртасидаги севги махсус масала сифатида қаламга олинмаган бўлса ҳам, китобхон уларнинг бахтли турмуш қуришига, аҳил яшашига ишонади ва уларга эргашади. Чунки Баҳор ҳам, Қодир ҳам ўз бахтини, муҳаббатини ҳар қандай қаршиликлардан ҳимоя кила оладиган, йўлидаги ғовларни енгишга маънавий ва жисмоний куч-қувватга эга бўлган, янгича қарашдаги, тушунчадаги 40-йилларнинг етук кишиларидир.

Уйғун «Ҳаёт кўшиғи», «Олтинкўл», «Навбахор» драмаларида ифода этилган янгича муҳаббат, замонавий оила қуриш, севги ва бахтни асраш ва авайлаш, камол топтириш борасидаги қарашларини «Хуррият» ва «Парвоз» драмаларида давом эттирди ва ривожлантирди. «Хуррият» ва «Парвоз» драмаларида 50- ва 60-йиллардаги халқимиз вакиллари-нинг муҳаббат ҳақидаги тушунчаси, муносабати, уни ҳимоя қилиш ва асраш тўғрисидаги кураши ўз ифодасини топди. Бу драмалар ҳаётимизнинг муҳим темаларини, муҳим масалаларини маҳорат билан ҳал қилиши билан бирга, муҳаббат сингари ахлоқий муаммо борасида баҳс юритганлиги билан ҳам диққатга лойиқ.

Уйғуннинг чуқур замонавий руҳ билан суғорилган «Хуррият» драмасида бошқа қатор масалалар билан бирга, оилавий, маиший масала ҳам катта ўрин олган. Драматургнинг маҳорати шундаки, у драманинг қонфликтини ташкил этган эзгулик билан ёмонлик ўртасидаги курашни оилавий масалага боғлиқ ҳолда ҳал қилади, унга ижтимоий-маънавий тус беради. Хотин-қизларга янгича муносабатни, уларнинг ҳуқуқини ҳар томонлама ҳимоя кила билиш лозимлигини, муҳаббатга садоқатда бўлиш учун доимо курашга тайёр

туриш кераклигини Хуррият ва Рихсивой оиласи мисолида кўрсатади. Муаллиф Хуррият ва Рихсивой севгиси мисолида эркин, асл муҳаббатга, аклли, тадбирли, курашчан, мард одамлар эришиши мумкинлигини исботлайди. Эшон ака, Дундиқхон каби алдоқчи, ҳасадчи, бузғунчи, нопок одамлар бор экан, том маънодаги муҳаббатга эришиш осон эмаслигини ҳаётий образлар ва лавхаларда талқин этади. Бундай нопок кишилар ўз манфаати йўлида ҳалол кишилар муҳаббатини заҳарлашдан, оиласини бузишдан тоймаслигини маҳорат билан кўрсатади. Драматург дилогиянинг («Хуррият») биринчи қисмида бу ибратли оиланинг ана шундай шумғиялар тухматига гирифтор бўлганлигини ва улар билан курашиб, ўз бахтини, муҳаббатини ҳимоя қила олганлигини кўрсатса, иккинчи қисми («Парвоз»)да бу оиланинг чинакамига маънавий-сиёсий, эстетик-тарбиявий жиҳатдан камол топганлигини, ҳавас қилса арзигулик оилалардан бирига айланганлигини ҳар томонлама исботлайди. Бу оиланинг бағрида ва тарбиясида Анор ва Каримжон, Нодира ва Низомжонларнинг оилалари ўсиб етишганлигини кўрсатиш ҳам драманинг аҳамиятли томонларидан бири саналади. Мазкур дилогияда Уйғун янги ахлоқий-маънавий принциплар асосида ўсиб етишган муҳаббатда, оилада, яшашда тенг ҳуқуқли хотин-қизлар образини яратди. Бу ғоя Уйғуннинг «Шубҳа», «Қотил» ва бошқа бир қатор драмаларида ҳам турли типдаги характерлар, воқеалар, эпизодлар асосида баён қилинган.

Уйғун «Лақма» ва «Парвона» комедияларида ўз оиласи бахтини, келажакини ҳимоя қила билмайдиган, муҳаббатни менсимайдиган кишилар устидан кулади. Бу икки комедия мавзу, ғоявий мазмун ва образлар тизими жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса ҳам, мазкур мавзунинг қўйилиши, ҳал этилиши, ғоявий мазмуннинг ифода этилиши нуқтаи назаридан бир-биридан тамоман фарқ қилади ва оригиналлик касб этади.

«Лақма» комедиясида драматург ўз бахтига, муҳаббатига эришган бўлса ҳам, аммо уни ҳимоя қила билмаган Хусниддин каби лақмаларнинг гапига лақиллаб, севимли хотинидан ажрашгача борган Маҳмуд сингари кишилар устидан кулган.

«Лақма» комедияси катта эстетик аҳамият касб этади, ёшларга оила бахтини мустақкамлаш, муҳаббат қадрига етиш масаласи тўғрисида яхши йўл-йуриқ кўрсатади.

Драматург «Парвона» комедиясида замонавий ишқ-муҳаббат, оила тўғрисида баҳс юритади, уни асраш, авайлаш, қадрига етиш керак, деган фикрни баён қилади. Аммо бу комедияда шоир мазкур масаланинг бошқа бир томонини – алданган қиз мавзусини атрофлича, чуқур таҳлил қилади ва Назокатнинг бошига тушган савдо орқали кишиларни хушёрликка, турмушга, оилага, ёр танлашга юзаки, енгил-елпи қарамасликка даъват этади, ахлоқ-одоб, инсоний бурч, тўғрилиқ, ҳалоллик, поклик каби замоннинг муҳим масалаларига, ҳаётнинг мураккаб томонларига тортади.

«Парвона» комедиясининг марказида Назокатнинг муҳаббатда, оила қуришда адашгани, айёр Ўткирни деб, кариндош-уруғлари, дўстларидан узоқлашгани ҳаётини воқеалар образлар ёрдамида чуқур талқин этилади.

Драматургнинг маҳорати шундаки, у комедия марказида турган эркин муҳаббат, соф ахлоқий, ҳаётини масалани турли ёшдаги, характер, дунёқарашдаги образлар муҳокамасига ташлайди, уларнинг тушунчалари, ҳаётини тажрибаларини чуқур психологик таҳлил қилади. Ўткирнинг фирибгарлигини, айёрлигини ҳаётини деталларда, лавҳаларда фош этади.

Драматург Назокатнинг хатосини кўрсатиш орқали ёшларни муҳаббат масаласига мулоҳазакорлик билан иш кўриш лозимлигини, Ўткир образида эса фирибгар, айёр кишилар ўз мақсади йўлида ҳар қандай ярамасликлардан қайтмаслигини ёрқин ҳаётини ситуациялар орқали тасвирлайди. Назокатнинг енгилтаклиги, товламачи Ўткирнинг айёрлиги туфайли Назокат оиласининг тинчи бузилгани,

Назокатнинг бахти поймол этилганлиги, Муроджоннинг соф инсоний туйғулари оёқ ости қилинганлиги ҳаётий воқеалар асосида чуқур таҳлил қилинади.

«Парвона» комедиясининг ҳаётийлигини таъмин этган соф ишқ-муҳаббат, поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, инсонийлик, шарқона ахлоқ тантанаси учун кураш ғояси катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга.

* * *

Ҳаётни чин дилдан севган, яшашни ва ижод этишни ўзининг шарафли бурчи деб билган, қалбида Ватанига, халқига, замондошларига муҳаббати булоқдай қайнаб турган шоирнинг қалби асло қаримайди. Шу фикрлар оғушида хаёл сурар эканман, кўз олдимга 78 ёшга кирган, аммо юраги ҳали ҳам яшаш ва яратиш ишқи билан жўш уриб турган замонавий ўзбек адабиётининг улкан вакили, забардаст шоир ва драматург, таниқли олим ва публицист, машҳур таржимон ва мураббий, йирик жамоат ва маданият арбоби Уйғуннинг тинимсиз ва ибратли фаолияти гавдаланади. Кексаликка бўй бермас бу улкан сўз саркардасининг кейинги йиллардаги жўшқин ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти унинг қалби тобора яшараётганлигидан, янги-янги асарлар яратиш, халққа, она юртига тобора кўпроқ хизмат қилиш завқи билан нафас олаётганлигидан далолат беради.

Кейинги уч йилда (1979-1981 йиллар) Уйғуннинг «Абу Али ибн Сино», «Зебунисо» каби ҳар бири бир шеърый романга тенг келадиган драмаларнинг ёзиб эълон қилиши, «Даврим таровати», «Избранные», «Қувноқ хандалар», «Абу Али ибн Сино», «Абу Райҳон Беруний», «Олтин севги» каби китобларнинг нашр эттириши, адабий-танқидий, публицистик мақола, очерклари, шеърлари билан матбуотда муттасил иштирок этиб туриши унинг халқ шоири сифатида замонамизга, халқимизга фаол хизмат қилаётганлигидан далолатдир.

Аслида давр масъулиятини чуқур ҳис этган, юртпарварлик туйғуси қалбида жўш уриб турган, истеъдод ва ижодий меҳнатини халқ манфаати йўлида бахш этган фаол ижодкоргина шундай хусусиятларга эга бўлади. Шу жиҳатдан Уйғуннинг ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳар томонлама ўрнатқан бўладиган ҳодисадир.

Муҳаббат масаласини кўп ва хўп талқин этишда Уйғун эришган ютуқлар унинг ўзига хос ижодкорлик салоҳиятга эга санъаткор эканлигини намойиш этиши билан бирга, у бу мавзудаги асарлари билан миллий адабиётимиз хазинасини бойитишга катта ҳисса қўшганлигини ҳам кўрсатади.

Тарбиявий-эстетик қимматга эга бўлган Уйғуннинг муҳаббат мавзуидаги асарлари халқимиз вакилларини, айниқса, ёшларни покиза ишқ-муҳаббат, замонавий оила қуриш, янги анъаналар руҳида тарбиялаш, миллий ахлоқ мезонларини қарор топтиришда катта аҳамиятга эга.

1983 йил.

II. УЙҒУН МАҲОРАТИ

(монография; Тошкент: Фан, 1984)

Замон – ижодкор – ижод

Ўзбек адабиётининг тараққиётида Раҳматулла Отақўзиев – Уйғуннинг ҳам хизмати улкандир. У халқ ардоқлаган шоир, драматург, киносценарист, либреттист, аллома, таржимон, мураббий ва адабиётимиз оқсоқоли даражасига етгунча узоқ ва машаққатли, мураккаб ва мазмунли ижод йўлини босиб ўтди. Катта мақсад йўлида қилинган узоқ ва тинимсиз изланишлар, дастлаб мактабда, таълим-тарбия техникуми (1923-1925) ва Педакадемия (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети) нинг ижтимоий - иқтисодий факультетида олинган таҳсил, ўз-ўзига талабчанлик, ижодига танқидий кўз билан қараш, ҳаётни, инсонни ўзича кашф қилишга интилиш, муҳаббат, муҳими ҳаётни жон-дилдан севиш ва унга фидойилик бу ижодкорни камолотга етказди ва унга шуҳрат келтирди.

Уйғун бутун фаолиятини миллий адабиётнинг тараққиётига бағишлаган биринчи шеъридан бошлаб дадил қадам, тетик руҳ, қайноқ илҳом билан кириб келди. Ўша йилларда замонавий ўзбек адабиёти шаклланиш жараёнини бошидан кечирар эди.

Уйғун шу йилларда аввал Самарқандда устод Айний бошлиқ Ҳамид Олимжон, Ойдин, Миртемир, Тошпўлат Саъдий, Шокир Сулаймон, Зиё Саид, Насрулла Охундий ва кейин Тошкентда Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Собир Абдулла, Боту, Олтой каби шоирлар, ёзувчилар, олимларнинг ижодий даврасида бўлди. Соғлом руҳли, жўшқин бу ижодий муҳит Уйғуннинг ижодкор сифатида шаклланиши ва камолотга етишида алоҳида рол ўйнади. Айниқса, Ҳамид Олимжондек улкан шоир ва йирик жамоат арбоби билан узоқ йиллар дўст бўлиш, ижодий

ҳамкорликда асарлар яратиш адабиётимизга катта фойда келтирди.¹

Уйғун билан Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Иззат Султон, Назир Сафаров, Умаржон Исмоилов, Собир Абдулла ўртасидаги ҳамкорлик, яқинлик алоқалари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Уйғун биринчи тўплами («Баҳор севинчлари», 1929) билан ўзини ўзбек адабиётининг ҳақиқий вакили бўла олишини кўрсатди. Шоирнинг кураш ва яратиш ғояси билан суғорилган 30-йиллардаги оташин шеърляти, ғазаб ва муҳаббат олови билан йўғрилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги жўшқин ижоди, тинчлик, тараққиёт мотивлари билан тўлиб тошган ва уруш оловини ёқувчи босқинчиларга қарши қаратилган урушдан кейинги йиллардаги серқирра фаолияти ва кўламдор ижодиёти ўзига хос бадиий-эстетик ҳодиса сифатида намоён бўлди. Унинг «Баҳор севинчлари» тўпамидан кейин яратилган 60 га яқин шеърлий китоблари, 20 дан ортиқ драмалари ва адабиётнинг бошқа жанрларида ёзилган асарларида биринчи китобда баён этилган тема, ғоя, образлар давом эттирилди, ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар ўзининг янада жозибали, жарангдор, мазмунли, таъсирчан талқинини топди. Шу фактнинг ўзи ҳам Уйғун биринчи тўплами билан янги ўзбек адабиётига тетик руҳ ва катта ишонч билан кирганлигидан далолат беради.

Мана салкам 60 йилдирки, Уйғун ўзбек адабиёти билан бирга қадам ташлаб ўсди, улғайди. Бугунги кунда ўзбек адабиёти ҳам ва унинг тенгқур вакили Уйғун ҳам катта ютуқларга эришди, шуҳрат қозонди.

Уйғун миллий адабиётнинг поэзия, драматургия, наср, публицистика, адабий танқид, адабиётшунослик, кинодраматургия, болалар адабиёти, бадиий таржима каби соҳаларида маҳсулдор ижод қилиб келаётган бўлса ҳам у халқимиз

¹ Қаранг: "Гулистон", 1981, 11-сон, 20-бет.

Ўртасида асосан ҳассос лирик шоир, забардаст драматург ва талантли олим сифатида машҳур. Унинг нафис ва ҳисчан, содда ва равон, лиризм ва драматизмга бой, воқеабанд ва манзаравий шеърияти инсонпарварлик ғояларини, халқ орзу-умидларини, замондошларимиз ахлоқий-маънавий қарашларини, давр руҳини, она Ватан табиатини ифода этишда маҳорат касб этди. Уйғун шеъриятида она замин гўзаллиги, ҳаёт нашъу намоси, кишилар қалби, дўстлар камоли, ўтмишнинг ёлқини, келажак жамоли ойнадай ярқираб туради.

Уйғун поэзиясининг ҳаётни ихлос ва муҳаббат билан бадий кашф этиш ва ташвиқ қилишдаги хизмати бениҳоя каттадир. Шоир шеърияти ғоявий-тематик, образлар системаси жиҳатидан қанчалик мазмундор, ҳаётий, хилма – хил ва дилкаш бўлса, шаклий жиҳатдан ҳам шунчалик ранг – баранг ва нафисдир. Бу ҳақда рус олимаси Вера Смирнова шундай ёзади: «Ҳаётга муҳаббат, халқ навқиронлиги, туйғулар софлиги ва чексизлиги – Уйғун лирикасининг асосий белгилари ана шулардир. Хоҳ ғамгин, хоҳ кескин ва ғазабкор бўлсин, унинг ҳар бир шеъри ва ҳар бир мисрасида оламни тасаввур этишдаги чуқур неқбин руҳ яшайди. Шоир борлиқнинг гўзаллигини равшан тасаввур этиб, уни чуқур ҳис қила олиши оқибатида қувонч туйғуларига чўмади; ана шу гўзаллик – шоир илҳом булоғини жўш урдиради. Табиат ва замин, денгиз ва осмон жилолари инсон гўзаллигини, меҳнат ва жасоратни, севги – муҳаббатни мадҳ этиш воситасида улуғланади. Оташин ватанпарварликни барқарор қилишга қодир Уйғун шеърияти кишиларимиз маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилаверади.

Уйғун шеърятининг қалбга яқин фазилатларидан яна бири, бу – воқеликни ҳиссий ўзлаштириш, манзараларни жонли тасвирлаш, сўзлар мусиқийлиги ва чуқур ички кечинмалар туфайли туғилган тушунчалар ва буларнинг барчасини бир тизмага жо эта олиш маҳоратидир. Йирик шоирларнинг барчасида бу фазилат мавжуд: Пушкин, Тютчев, Блок-

дан биз шунинг учун ҳам ўрганамизки, улар яратган шеър-
ятда бу фазилат уйғун суратда бўртиб кўринади. Тафаккур
билан ҳиссиётнинг бирикиб кетиши Уйғун шеърларида ҳам
бевосита кўзга ташланади.»¹

Уйғун драматург сифатида ҳам ўзига хос овозга эга йирик
санъаткордир. У драматургияга поэзияда шуҳрат қозонган-
дан кейин, иккинчи жаҳон урушининг бошларида машхур
«Алишер Навоий» (бу драма И.Султон билан ҳамкорликда
яратилган) драмаси билан кириб келди. Уйғун драматур-
гияга Шекспир, Пушкин, Гоголь, Чехов, М.Горький, А.Толстой,
Н.Погодин, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийларнинг вориси сифати-
да кириб келган, уларнинг бу соҳадаги қутлуғ анъаналарини
пухта ўрганиб, давом эттириб, ривожлантирган бўлса ҳам,
воқеликни реалистик ифодалашда, ҳаётдан мавзу ва қахра-
мон танлашда, конфликт топиш, композиция ва сюжет яра-
тишда, маҳаллий шароит, миллий колоритни тасвирлашда,
қаҳрамонлар характери ва психологиясини очишда ўз услу-
бига эга санъаткор бўлиб қолди. Уйғун драмалари лиризмга
бойлиги, кўпинча, шеърӣ йўлда ёзилиши, кўтаринки
романтик руҳга эга бўлиши, аския, ҳазил, юмор билан суғори-
лиши, кўшиқ, лапар, мақол, шеър, ҳикмат, латифа, эртак ва
ғазаллар билан зийнатланиши жиҳатидан ҳам ўзига хослик
касб этади. Уйғун ўзбек адабиётида шеърӣ драма, мусиқали
драма жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланишида Ғулом
Зафарий («Ҳалима»), Хуршид («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва
Мажнун»), Комил Яшин ва М.Муҳаммедов («Гулсара»), Собир
Абдулла («Тоҳир ва Зухра»), Умаржон Исмоилов («Рустам») ва
Комил Яшин, Амин Умарий («Ҳамза») лардан кейин муносиб
ҳисса қўшди, Бунга унинг «Алишер Навоий», «Олтин кўл»,
«Асрлар», «Лақма», «Парвона», «Қопқон», «Зебунисо» каби
шеърӣ ва мусиқали драмалари мисол бўлади. Ҳамзанинг
«Тухматчилар жазоси» комедиясидан кейин замонавий

¹ «Шарқ юлдузи», 1975, 5-сон, 169-бет.

темада яратилган «Қалтис ҳазил» комедияси ҳам Уйғун қаламига мансуб.

Унинг тинимсиз изланишлари, ноёб истеъдоди туфайли замонавий, тарихий, психологик драманинг «Ҳаёт қўшиғи», «Навбахор», «Хуррият», «Парвоз», «Қотил», «Она», «Гирдоб», «Сўнгни пушаймон», «Абу Райҳон Беруний», «Абу Али Ибн Сино», «Зебунисо» каби намуналари яратилди. Уйғун томонидан ёзилган драмалар билан нафақат ўзбек адабиёти, балки ўзбек театр санъати ҳам ўсди, бошқа халқлар тилларига таржима қилинди. Бу ҳақда ёзувчи Н.Грибачев «биз, москваликлар, ўзбек адабиёти ва санъати декадалари пайтларида Уйғуннинг саҳна асарларини мириқиб томоша қилганмиз.

Айниқса, унинг драматург Иззат Султон билан ҳамкорликда ёзган «Алишер Навоий» ва «Олтинқўл» каби драмалари бизда яхши таассурот қолдирган»⁴², - деб ёзган бўлса, украин ёзувчиси Иван Ле куйидагиларни эътироф этади : «Мен Ўзбекистонда Уйғуннинг «Хуррият» пьесасини, Иззат Султон билан ҳамкорликда яратилган «Алишер Навоий» драмасыни саҳнада томоша қилганман, Навоий ҳақидаги драма менинг буюк шоир ҳақидаги тасаввуримни хиёл ўзгартирган бўлса ҳам, аммо чинакам ўзбек қизи Хуррият тақдири, янги Ўзбекистонга хос бўлган ёлқинли аёл образи мени ҳаяжонлантирган эди. Уйғун ўзининг оддий дехқондан раҳбар лавозимига кўтарилган қаҳрамонини саҳнага олиб чиқиш орқали ҳозирги жамиятда, миллий республикаларда аёлнинг қанчалик камолотга эришганлигини ишонарли равишда кўрсатди»⁴³.

Уйғуннинг Иззат Султон, А. Спешнев, В. Шкловский билан ёзилган «Алишер Навоий», М. Шевердин билан ҳамкорликда яратилган «Авлиёнинг саргузашти» киносценарийлари ҳам драмалари сингари халқимиз ўртасида машҳурдир. «Гулан-

⁴² "Ўзбекистон маданияти", 1965-йил, 15-май.

⁴³ "Шарқ юлдузи", 1975, 5-сон, 165-бет.

дом» балетининг, «Алишер Навоий»¹, «Зебуннисо» операларининг либреттоси ҳам Уйғун қаламига мансуб. Драма-тургия, сценарий ва кинодраматургия жанрларини ривожлантиришдаги хизматларини ҳисобга олиб, 1956 - йилда Ўзбекистон ҳукумати Уйғунга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонини берди.

Уйғун, айниқса, 30 - йилларда адабий - бадиий танқид билан шуғулланди. Шу йилларда у Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Олим Шарофиддинов, Отажон Ҳошим, Сотти Хусайн, Абдурахмон Саъдий, Иззат Султон, Раҳмат Мажидий сингари шоирлар ва олимлар билан бирга фаолият кўрсатиб, янги ўзбек адабиётшунослиги тараққиётига самарали ҳисса қўшди.

30 - йилларда Уйғун Ўзбекистон давлат нашриётида адабиёт бўлими бошлиғи, «Қурилиш» журналининг масъул котиби (1931-1932), Ўзбекистон маданий қурилиш илмий - текшириш институтида илмий ходим (1932), Ўзбекистон Фанлар комитети ҳузуридаги А.С. Пушкин номли Тил ва адабиёт илмий - текшириш институти Адабиёт секторида аввал илмий ходим, кейин сектор бошлиғи бўлиб ишлади (1938-1943).

Уйғуннинг «Навоийнинг «Чор девони» ҳақида», «Муқимийнинг ҳаёти ва ижоди» (1939), ва уруш, урушдан кейинги йилларда Ҳамид Олимжон, Амин Умарий, Усмон Носир, Қуддус Муҳаммадий, Ҳабибий, Султон Жўраларнинг ҳаёти ва

¹ Халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Ҳалима Носирова "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг муҳбири М. Олимов билан қилган суҳбатда бу ҳақда шундай дейди: "Ўзбек операси қандай бўлиши керак, деган масалани композитор Мутал Бурхонов моҳирона очиб берди. 1939 йилда у "Алишер Навоий" либреттосига мусиқа ёзди. Бу асари билан М. Бурхонов ҳаммамизни лол қолдирган эди. Шу йили илҳом билан операнинг уч пардасини саҳналаштирган эдик. Лекин баъзи сабабларга кўра опера қўйилмади": Қаранг: "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1983 йил 1 июль. 1983 йилнинг 18 октябрида Уйғун билан қилган суҳбатимизда "Алишер Навоий" операсининг либреттоси 1939 йилда эмас, балки 1946 йилда ёзилганлиги, композиторлик иши энди охирига етаётганлиги аниқ бўлди. - Қ. Т.

адабий фаолиятига бағишланган мақолалари, тадқиқотлари муҳим ижтимоий-сиёсий, илмий - амалий қимматга эгадир.

Уйғун урушдан кейинги йилларда ва ҳозирги даврда ҳам адабий - бадиий танқид соҳасидаги фаолиятини давом эттирмоқда. Бу соҳадаги хизматлари ҳисобга олиниб, унга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси деган илмий унвон берилди.

Уйғун наср ва публицистика жанрларида ҳам ижод қилган. Унинг «Ҳикоялар» номи билан 1931 йилда нашр этилган тўпламида «Аламзадалар», «Турсуной», «Маст» ҳикоялари киритилган бўлиб, уларда жоҳил ва мутаассиб кишилар фош этилади, танқид остига олинади. Унинг маданият ва санъат арбоблари, қишлоқ хўжалиги ходимлари, машҳур пахтакорлар, шаҳар ва қишлоқларимизда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қиладиган очерклари ва публицистик мақолаларида миллий турмушга хос муҳим муаммолар ҳозиржавоблик билан қаламга олинади ва ҳал қилинади. Уйғун учун очерк ва публицистика разведкачи жанрлар ҳисобланади. Уйғуннинг прозаси эмоционаллиги, тиниқ ва равонлиги билан диққатни тортади.

Уйғун жаҳон ва қардош халқлар адабиётлари намуналарини ўзбек тилига ағдаришда катта хизмат қилган моҳир таржимонлардан. Таржималари билан у байналминалчилик ғояларини тарғиб этишда, халқлар дўстлигини, адабиётлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим ҳисса қўшиб келмоқда⁴⁵.

Ҳаёт оҳанглирига бой Уйғун ижодиётининг тематик диапозони кенг ва хилма - хилдир. Адибнинг ижодиётида ўзбек халқининг маънавий - ахлоқий қарашлари, табиат муҳофазаси, илмий-техника революцияси, ёшлик, висол ва муҳаббат, баҳор ва бахт каби темалар асосий ўрин олади. Айниқса, ишлаб чиқариш новаторлари, қишлоқ хўжалик ходимлари,

⁴⁵ Бу тўғрида китобнинг биринчи боби иккинчи бўлимида махсус фикр юритилади.

хотин - қизлар, буюк тарихий шахслар образини яратишда шоирнинг маҳорати диққатга сазовордир.

Уйғуннинг асарларида бунёдкорлик билан шуғулланаётган халқнинг ҳаёти ва кураши ўзига хос тарзда ёрқин ифодасини топган. Уйғун ҳаётдан мавзу, образ, конфликт ва характер танлаш, уларни ёрқин ифодалаш, сюжет ва композиция яратиш, поэтик санъатлар, бадий - тасвирий воситалар қўллаш, сўз қудратини намойиш қилиш, кўтаринки, равон, содда услуб жорий этиш бўйича узоқ йиллар изланган ва бадий маҳоратнинг юксак чўққиларини эгаллаган сўз санъаткоридир. Унинг ижодида, айниқса, анъана ва маҳорат, ғоявийлик ва новаторлик проблемаси алоҳида ўрин тутади.

Уйғуннинг бой ёзувчилик тажрибаси, ёрқин ижодий кредоси, ибратли шахсияти, ўзига хос ижодий лабораторияси миллий эстетика хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

У 1950-1951 йилларда «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири вазифасида, 1951-1954 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раиси лавозимида ишлади. Кейинги йилларда ҳам «Шарқ юлдузи», «Муштум» журналларининг редколлегия аъзоси Уйғун ўзбек адабиётининг тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келди ва унинг қардош адабиётлар билан алоқасини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатди. Академик Комил Яшин қуйидагиларни ёзади : «Уйғун ижодиёти ўзбек адабиёти тарихининг улкан ва мароқли саҳифасини ташкил этади. Уйғун тўғрисида гап кетганда, кўз олдимга оташнафас шоир, ардоқли драматург, ўзбек адабиётининг алломаси, атоқли жамоат арбоби, қолаверса, одамийликнинг барча яхши хислатларини ўзида мужассам этган олижаноб инсон, энг муҳими, замонамизнинг қаҳрамони даражасидаги софдил инсон келади.

Унинг ижодий йўли қатламларида ҳаётдаги ўзгаришларнинг унутилмас онлари бағоят кенг, миқёсли эканлигини, замон воқеаларида, халқнинг яратувчилик фаолиятида

шоирнинг фаол иштирокини, ижодий ютуқларининг маънавий асосларини кўраман»⁴⁶.

Уйғуннинг адабиёт ривожланишига қўшган хизматларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ҳукумати 1965 йилда Уйғунни «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони билан тақдирлади. 1967 йилда шоир Ҳамза номидаги Республика давлат мукофотига сазовор бўлди.

Уйғуннинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, баҳолаш, оммалаштириш соҳасида адабий - бадий танқид анча ютуқларга эришди. Бу тарих «Баҳор севинчлари»⁴⁷ тўпламига «Қизил қалам» жамияти томонидан ёзилган «Сўз боши» билан бошланади. Шундан кейин ёзилган Олим Шарофуддиновнинг «Уйғун шеърляти»⁴⁸ тадқиқоти муҳим илмий - назарий аҳамиятга эгадир.

Бу тадқиқотдан кейин ўтган 48 йил ичида адабий - бадий танқид шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан қизиқиб турди, асарларини таҳлил қилди, эришган ютуқларини баҳолади, адабиётимиз равнақига қўшган ҳиссасини эътироф этди. Уйғуннинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихини даврлаштирадиган бўлсак, уни ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлган қуйидаги тўрт даврга бўлиш мумкин. Биринчи даврга 1929 - 1936 йиллар, иккинчи даврга 1936 - 1950 йиллар, учинчи даврга 1950 - 1970 йиллар, тўртинчи даврга 1970 - 1980 йиллар киради. Биринчи даврда юқорида эслатиб ўтилган икки мақола эълон қилинди. Иккинчи даврда шоирнинг шеърляти, драматургияси ҳақида кундалик матбуотда мақола ва тақризлар ёзилди, «Ўзбек поэзиясининг антологияси»да диққатга лойиқ фикрлар илгари сурилди⁴⁹. Учунчи даврда Уйғуннинг 50 йиллик ва 60 йиллик юбилейи ўтказилиши муносабати билан мақолалар, тақризлар ёзилди,

⁴⁶ «Шарқ юлдузи», 1975, 5-сон, 162-бет.

⁴⁷ Уйғун. Баҳор севинчлари. Самарқанд. 1929.

⁴⁸ Уйғун шеърляти. 1936, 5-28-бетлар.

⁴⁹ Ўзбек поэзиясининг антологияси. - Тошкент, 1948, 12-13-бетлар.

рисолаларда драмалари таҳлил қилинди, баҳоланди¹, ҳаёти ва ижоди номзодлик диссертацияси аспектида ўрганилди. Шу даврда Уйғуннинг шеърляти ва драматургияси ҳақида бешта кандидатлик диссертацияси² ёзилди ва муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Уйғуншунослик тарихи 20- йилларда бошланган бўлса-да, аслида у мазкур диссертациялар ёзилгунгача маълум бир илмий йўналишга кирмаган ва аниқ бир мақсадга қаратилмаган эди. Ана шу ишлардан бошлаб Уйғуннинг ҳаёти, шеърляти, драматургияси, мактабларда ўрганилиши, ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси мақсадли, режали асосда, аниқ – илмий йўналишда тадқиқ этилди ва баҳоланди.

Тўртинчи давр Уйғуннинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва оммалаштириш муҳим аҳамият касб этган даврдир. Бу йилларда адибнинг лирикаси, драматургияси, ижодий лабораторияси, таржималари, ҳаёт йўли тўғрисида кўплаб мақолалар, рисоалар ёзилиб эълон қилинди, монографиялар, дарсликлар, қўлланмаларда ижоди ўрганилди, хизматлари баҳоланди.

Бу даврда Уйғун ижодига бўлган қизиқишнинг кучайишига шоир таваллудининг 70 йиллигининг кенг миқёсда тантанали нишонланиши муҳим аҳамият касб этди. Булардан А.Наимовнинг «Уйғун билан суҳбат»³, А.Акбаровнинг «Халқ шоири»⁴, Иван Ленинг «Навқиронликдан салом»⁵, Вера Смир-Смир-нованинг «Уйғун лирикаси»⁶, Зоя Кедринанинг «Йўл

¹ Абдусаматов Х. Улуғ Ватан урушидан кейинги ўзбек совет драматургиясида конфликт масаласига доир. – Тошкент, 1954, 48-71-бетлар.

² Салаева М. Уйғун поэзияси. – М., 1954; Аҳмаджонова Қ. Уйғун – лирик шоир. – Самарқанд, 1962; Расулов Қ. Уйғун драматургияси. – Самарқанд, 1964; Пирназаров М. Саккиз йиллик ўзбек мактабларида Уйғуннинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. – Тошкент, 1966; Султонова Ч. Уйғуннинг драматик маҳорати. – Тошкент, 1969.

³ Қаранг: "Шарқ юлдузи", 1974, 5-сон, 194-214-бетлар.

⁴ "Шарқ юлдузи", 1975, 1-сон, 217-228-бетлар.

⁵ "Шарқ юлдузи", 1975, 5-сон, 163-166 – бетлар.

⁶ "Шарқ юлдузи", 1975, 5-сон, 166-171-бетлар.

лари»⁵⁶, Эди Огнецветнинг «Қардошлик куйчиси»⁵⁷, Т.Полякованинг «Уйғун – шоир ва драматург»⁵⁸, Сергей Северцевнинг Уйғуннинг русча танланган асарларига ёзилган сўз бошиси⁵⁹, М.Юнусовнинг «Ўзбек совет адабиётининг истеъдодли сиймоси» ва «Санъаткорнинг икки жабҳаси»⁶⁰, Турсун Собировнинг «Ҳаётини комедия»⁶¹ мақолаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Бугунгача Уйғун ҳақида тўртта рисола ва битта монография эълон қилинди. Профессор С.Мамажонов («Уйғун») ⁶², академик Воҳид Зоҳидов («Шеърятимиз кўрки») ⁶³, М.Пирназаров («Саккиз йиллик мактабларда Уйғуннинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш») ⁶⁴, Кимё Аҳмаджонова («Уйғун – лирик шоир») ⁶⁵, театршунос Р.Азизова («Уйғун ва театр») ⁶⁶ лар қаламига мансуб мазкур китоблар ва монография Уйғуннинг ҳаёти ва ижодини илмий тадқиқ этиш ва оммалаштиришда, ўрта ва олий ўқув юртларида ўрганишда, уйғуншуносликнинг бўлғуси равнақини белгилашда алоҳида аҳамиятга эга. Бу рисолалар ўртасида С.Мамажоновнинг «Уйғун» китоби мазмунининг чуқурлиги, проблемалилиги, шоирнинг поэтик маҳоратини кашф қилиши, услубини белгилаши каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Р. Азизованинг «Уйғун ва театр» монографиясини ҳам жиддий изланишлар самараси ҳисоблаш мумкин.

⁵⁶ Уйғун. Избранное. М., 1980, с. 3-10.

⁵⁷ "Шарқ юлдузи", 1975, 5-сон, 170-171-бетлар.

⁵⁸ Уйғун. Избранное. М. 1958, с. 219-222.

⁵⁹ Уйғун. Поединок. М., 1975, с. 1.

⁶⁰ Уйғун. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том, 1965; Юнусов М. Ҳаёт нафаси. Тошкент, 1981.

⁶¹ "Шарқ юлдузи", 1975, 5-сон, 185-191-бетлар.

⁶² Мамажонов С. Уйғун. Тошкент, 1965.

⁶³ Зоҳидов В. Шеърятимиз кўрки. Тошкент, 1975.

⁶⁴ Пирназаров М. Саккиз йиллик мактабларда Уйғуннинг ҳаётини ижодини ўрганиш. Тошкент, 1967.

⁶⁵ Аҳмаджонова К. Уйғун – лирик шоир. – Тошкент, 1979.

⁶⁶ Азизова Р. Уйғун и театр. – Ташкент, 1975.

Профессор Н.Шукуров «Услублар ва жанрлар»⁶⁷ монографиясида Уйғуннинг поэтик услубини текширади, унга хос хусусиятларни белгилайди, умумлаштиради. Уйғун ҳақида ёзилган илмий ишлар ўртасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби А.Аброровнинг монографик характердаги «Уйғун»⁶⁸ адабий портрети ҳам диққатга лойиқ.

Юқоридагилардан ташқари, ўрта мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юртлири учун ёзилган кўплаб дарслик, хрестоматия ва қўлланмалардаги Уйғунга бағишланган бўлимлар, М.Иброҳимовнинг «Ўзбек балладаси» (1974), Н. Раҳимжоновнинг «Давр ва ўзбек лирикаси» (1979), С.Мамажоновнинг «Сайланма» (1981), М.Юнусовнинг «Ҳаёт нафаси» (1981), Н.Шукуровнинг «Бу олам саҳнида...» (1982) китобларида, Ҳ.Ёқубов, И.Султон, Л.Қаюмов, Ҳафиз Абдусаматов, Озод Шарафиддинов, Лев Пенёковский, Вера Инбер, Н.Каримов, И.Ғафуров, Б.Имомов, С.Шериухаммедов, С.Мирзаев, П.Шермухаммедов, Т. Собиров, Б. Ғуломов каби адабиётшуносларнинг китоб ва мақолаларида Уйғун асарлари ва ижоди тўғрисида илгари сурилган фикрлар ҳам диққатни ўзига тортади: Уйғун тўғрисида ҳам қалам тенгдошлари, дўстлари ва шогирдлари томонидан айтилган дил сўзлари, йўлланган мактублар, хотиралар, кутловлар ҳам унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда маълум аҳамият касб этади.

Юқорида қисқача обзор қилинган адабиётлар Уйғуннинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда характерли манба сифатида хизмат қилишидан қатъи назар, уларнинг биронтаси ҳам Уйғуннинг ҳаёти ва ижодиётини, анъана ва маҳорат масаласи бўйича ўрганганликни даъво қилмайди.

Мазкур манбалар камчиликлардан ҳам холи эмас. Биринчидан, обзор қилинган ишларда, асосан, Уйғуннинг лирикаси тадқиқ объекти қилиб олинган. Унинг ҳажвий

⁶⁷ Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент, 1973, 62-75-бетлар.

⁶⁸ Аброров А. Уйғун. – Ўзбек совет адабиёти тарихи. 4-томлик. 2-том. – Тошкент, 1971, 428-467-бетлар.

шеърлари, балладалари, дostonлари, драмалари, адабий-танқидий ва болаларга бағишланган асарлари, таржималари мунаққидларнинг назаридан четда қолган. Иккинчидан, уларда Уйғуннинг ижодкор сифатида шаклланиш жараёни, адабий анъаналарга, адабий алоқаларга муносабати, ўзига хос ижодкорлик қobiliяти, лабораторияси, шахсияти, эстетик қарашлари, мураббийлик, жамоатчилик фаолияти каби масалалар очилмай қолади. Учинчидан, Уйғуннинг 60-йиллардан кейинги ижодий фаолияти юқорида кўрсатиб ўтилган барча манбаларда деярли илмий баҳсга кирмай қолган. Бундай ҳол 1979 йилда нашр этилган «Уйғун - лирик шоир» рисоласида ҳам кўзга ташланади. Адабиётшунос ва танқидчилар, асосан, Уйғуннинг 60-йилларгача бўлган адабий махсулоти билан чегараланишга ўрганишган. Ваҳоланки, Уйғун 70-80-йилларда ҳам ижодий фаолият кўрсатмоқда, етук шеърлари, дostonлари, драмалари, адабий-танқидий асарлари, таржималари билан халқимизга хизмат қилмоқда, мураббий, маданият ва жамоат арбоби сифатида иш олиб бормоқда. Тўртинчидан, Уйғун асарларини баҳолашда, уларнинг жанрини белгилашда, ҳаётини ёритишда учраб турадиган турли-туман хато қарашлар ҳамон бартараф этилмаган. Бешинчидан, Уйғун ҳақида қанузгача мукамал адабий портретнинг, ижоди ҳар томонлама таҳлил ва тадқиқ қилинган монографиянинг яратилмаганлиги уйғуншуносликнинг қолоқлигидан, бу соҳага адабий-бадний танқиднинг бир ёқлама қараганлигидандир.

Юқоридагилардан келяб чиқиб, мазкур монографияда Уйғуннинг кўп қиррали ижодий фаолияти, ёзувчилик шахсияти ва лабораториясини ўрганишга, ижодининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини кўрсатишга, унда бўртиб кўринадиган анъана ва новаторлик, ғоявийлик ва маҳорат масалаларини тадқиқ этишга ҳаракат қилдик, асарларининг жанр хусусияти ва таснифи тўғрисида баҳс юритдик. Булардан ташқари, Уйғун поэтик асарларининг

услубий йўналиши, айримларининг ёзилиши тарихи текширилди, шоир шеърятига хос «сир» ларни очиш кўзда тутилди. Монографияда ҳал қилиниши лозим бўлган барча масалалар ўзбек адабиёти эришган ютуқларга боғлиқ ҳолда, қиёсий-типологияк усулда, ўзбек ва рус адабиёти анъаналарига боғлиқ тарзда ўрганилди ва шу асосда хулосаларга келинди.

Ҳал қилиниши лозим бўлган мазкур масалаларни бир монография ҳажмида қамраб олиш қийин, албатта. Биз Уйғуннинг гражданлик (сиёсий, фалсафий, публицистик), муҳаббат лирикаси, ижодида анъана ва новаторлик проблемалари, жамоатчилик фаолияти, ижодий лабораторияси ҳамда поэтик маҳоратининг баъзи томонлари тўғрисида шу кунгача нашр этилган мақолалар, рисодаларимизда баҳс юритганмиз¹. Шоирнинг ҳажвий лирикаси, лирик-эпик ва драматик асарлари таҳлили, эстетик қарашлари ва санъаткорлигига боғлиқ масалалар эса алоҳида тадқиқотлар объекти бўлади.

Монография икки бобдан иборат: биринчи бобда Уйғуннинг классик шоирларнинг анъаналарига муносабати, жаҳон адабиёти анъаналари таъсирида шеърятда, умуман, бадий ижодда эришган ютуқлари тўғрисида баҳс юритилди. Иккинчи боб «Лирик поэзияда анъана ва маҳорат» деб номланди. Унда лирик жанрлар тасниф этилди, табиат лирикаси ривожига қўшган ҳиссаси традиция ва маҳорат аспектида ёритилди. «Хотима»да Уйғун ижодий мактабига хос фазилатлар ва хусусиятлар умумлаштирилди.

¹ Қаранг: "Совет мактаби", 1977, 6-сон, 56-60-бетлар; "Совет мактаби", 1980, 10-сон, 22-25-бетлар; "Ўзбек тили ва адабиёти", 1981, 1-сон, 17-21-бетлар; "Совет мактаби", 1981, 12-сон, 21-24-бетлар, "Гулистон", 1981, 11-сон, 20-бет; Қораев Т. Рус адабиёти ва Уйғун ижодиёти. – Тошкент, 1981; Шу автор. Шоирнинг бир йили. Тошкент, 1982; Шу автор. Шоир қалби доим навқирон. – Тошкент, 1983; Қораев Т. Образли ва мангикий тафаккур жилоси. – Тошкент, 1983.

1 боб. АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ҳар бир сўз санъаткори истеъдодини шакллантириш ва баҳолатга етказиш учун ўз даври эстетик қарашларини ҳар томонлама, пухта ўрганиши билан бирга ўзигача бўлган тафаккур тарихи, чет эл ёзувчилари ва қардош халқлар адабиётлари эришган ютуқларни, илғор анъаналарни атрофлича эгаллаши лозим. Бир-биридан мураккаб шундай шартларни бажарган ҳолдагина у етук сўз соҳиби даражасига кўтарилиши ва сўз санъаткори деган олий унвон билан шарафланиши мумкин. Дунё адабиётининг гениал сўз усталари ижодий лабораторияси шундан далолат беради.

Тўғри, Уйғуннинг болалик йиллари мустамлака тузум бағрида кечди. Аммо замонасининг илғор фикрли, маърифатпарвар хонадониди туғилган ва тарбия кўрган Уйғун ёшлигидан нурли, саодатли, бахтли онларни қўмсади ва шу сабабли бор ҳаваси, эътиқоди ва қуввати билан туғилган қишлоғи Маркидан маданият ва маърифат, эзгулик, тинчлик ва тараққиёт шаҳри Тошкентга интилди, билим олишни, замонга хизмат қилишни ўзининг бурчи деб билди. Отаси Отақўзи ака, тоғаси Аҳмадали акадан олган сабоқлари, меҳмонхоналарида бўлиб турган қиссахонликлар, замонавий мактаб, Тошкент таълим-тарбия техникуми ва педагогикада олган сабоқлари Бойхонбоев, Вали Бурхон, Алябин каби ўқитувчиларнинг чинакам эътибори Уйғун шахсининг шаклланишида, унинг ижодкор бўлиб етишишида муҳим роль ўйнади.

Уйғунда бадиятга муҳаббат эрта уйғонган. Бундан ташқари, унинг улкан сўз санъаткори бўлиб етишишида Ўрта Осиё халқларининг бой эстетик анъаналарига эга бўлган оғзаки ва ёзма адабиёти, юксак инсоний идеаллар куйчиси саналган жаҳон ва қўшни қардош халқларнинг адабиётлари манба бўлиб хизмат қилган. Унинг ижодига хос соддалик,

самимийлик, равонлик, мусиқийлик, халқчиллик каби сифатларнинг илдизини, аввало, Ўрта Осиё халқларининг фольклоридан излаш лозим. Унинг барча турлар ва жанрлардаги асарларида фольклор асарларига хос гўзал фазилятлар равшан кўринади. Бувиси Ойимқиз ҳола, «эртакчи хола» лақаби билан донг чиқарган маҳалладоши Турсун ҳола, тоғаси Аҳмадали акадан эшитган ажойиб-ғаройиб эртаклар, тилсимларга бой чўпчаклар, латифалар, халқ китоблари саналмиш «Гўрўғли», «Авазжон», «Баҳром-Гуландом», «Тоҳир-Зухра», «Фарҳод-Ширин», «Зайнулараб», «Эр торғин», «Қизжибек» каби турли-туман ўзбек, қozoқ, қирғиз дostonлари, ҳикматлари ва мақолларининг жозибаси, ақлий кучи бўлғуси шоирнинг маънавий оламига гўлгула солади ва уни бир умрга сеҳрлайди.

Халқ оғзаки ижодига бўлган юксак муҳаббатини шоир «Ўтмишни эслаганда» автобиографиясида шундай хотирлайди: «Мендаги китобга, адабиётга бўлган ҳавас жуда ёшлиқдан бошланган. Ёшлиқ чоғларимда, қишнинг узoқ кечалари, болалар билан бирга сандал агрофида ўтириб, қора уйни сал-пал ёритиб турадиган шам ёруғида, ҳамма нарсани унутиб, зўр ҳаяжон билан гоҳ севиниб, гоҳ қайғуриб, гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб, тилсимлар, ажойиботларга тўлган чўпчакларни тинглашни яхши кўрардим... Кечалари тинглаган ажойиб эртакни, эртакларда ҳикоя қилинган қаҳрамонларнинг мароқли саргузаштларини ўйлаб-ўйлаб, ўйларим тушга айланиб кетарди»¹.

Фольклорга бўлган мафтункорлик Уйғун ижодини бир умрга зийнатлади, уни ижодий ютуқларга мушарраф этди. Ижоди улғайганидан кейин ҳам Уйғун фольклорга бўлган муҳаббатини бўшаштирмади. Фикримизга шоирнинг халқ бахшилари билан яқин муносабатда бўлиши, халқ оғзаки ижодини тарғиб қилиш соҳасидаги хизматлари, машҳур

¹ Адабиётимиз автобиографияси. – Тошкент, 1973, 219-бет.

қорақалпоқ эпоси «Қирқ қиз»ни таржима қилиши, қорақалпоқ афсонаси «Мазлумхон афсонаси»ни ёзиб олиши, буюк қозоқ оқини Жамбулга шеър бағишлаши, украин кўбизчиси Тарас Шевченко шеърларини ўзбекчага ағдариши ва унинг ўзини шеърда васф этиши, фольклор асарлари таъсирида асарлар яратиши, ижодида фольклор образлардан, мотивларидан, латифа, мақол, ҳикматларидан фойдаланиши каби масалалар далил бўла олади.

Уйғун фольклор асарлари ғояси, темаси ва образлари тизимидан таъсирланиши билан бирга турли шаклларида фойдаланишда ҳам маҳорат кўрсатган. «Асрлар» драматик достони ва ундаги Мардон образи, «Алишер Навоий» драмаси марказида турган масалалардан бири - Алишер ва Гули севгиси ҳақидаги афсона, Хоразм фольклори материали асосида ёзилган «Гуландом» балети, «Афанди ва Ойнак», «Афандининг туши», «Алданган Афанди» шеърлари, «Ёлғончининг жазоси» маснавийси шоирнинг халқ ижодидан ғоявий-тематик жиҳатдан таъсирланганлигига ва образларига монанд образлар яратганига яхши мисол бўлса, «Хайрлашув», «Ватан ҳақида кўшиқ» каби шеърлари, «Олтин кўл» мусиқали комедиясидаги хор, лапар, дуэт ва кўшиқлар халқ шеъри тарзида, мотиви ва йўлида яратилгандир. Булардан ташқари, Уйғун ўз ижодиётини мақол, матал, латифа, кўшиқ, аския, эртак каби фольклор дурдоналари билан беаган. Халқ оғзаки ижодининг самарали таъсири туфайли унинг ижоди янги маъно, мазмун, образлар билан бойиди, хилма-хил хусусиятлар касб этди, халқчил услубий йўналишга, турли шаклий кўринишга эга бўлди.

Уйғун ижодининг шаклланиши ва ривожидида минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек ва кўшни қардош халқлар адабиётларининг роли ҳам ғоят беқиёс. У ҳам тенгдошлари каби ёшлигидан шеърятнинг, классик адабиётнинг мафтуни бўлган. Аждодлар яратиб қолдирган бу буюк хазинадан у баҳраманд бўлибгина қолмай, балки унинг энг сара

намуналарини йиғиш, нашрга тайёрлаш, ундаги илғор анъана ва фазилатларни давом эттириш, улар ҳақида тадқиқотлар яратиш билан ҳам шуғулланган. Еу жиҳатдан Уйғуннинг Алишер Навоий, Фузулий, Муқимий, Фурқат, Нодира, Завқийнинг ҳаёти ва ижоди, лирикаси, сатираси тўғрисида баҳо юритадиган, уларнинг ҳозирги кун учун аҳамияти нималардан иборат эканлигини кўрсатиб берадиган мақолалари, бадний асарлари характерлидир. Шу жараёнда Уйғун мазкур салафлари ижодига хос анъаналарни ўрганиш ва улардан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлди. Уйғун булардан ташқари, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Лutfий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зебунисо, Увайсий, Аҳмад Дониш, Абдулла Тўқай, Ҳоди Тоқтош, Абай, Махтумқули, Бердақ каби ўзбек, тожик, қozoқ, туркман, қорақалпоқ, татар олим ва классикларининг ижодиётини ҳам қунт билан ўқиган, ўрганган, улар томонидан жаҳон баднийати хазинасига кўшилган традицияларни ўзлаштирган интернационал характердаги санъаткордир. Шу сабабли Шарқ мутафаккирлари сўз санъатида эришган ютуқлар Уйғун ижодиётида ўзининг самарали таъсирини қолдирган. Уйғун ижодидида салафлари ижоди таъсирида ёзилган назира ғазаллар билан бирга, анъанавий ғазаллар, ҳажвиялар, мухаммаслар ва новаторона руҳдаги шеърлар, ғазаллар, ҳажвиялар ва қўшиқлар ҳам учрайди. Уйғун ижодидан одоб-ахлоқ масалаларининг, ижобий маънодаги дидактиканинг ўрин олиши ва чуқур ишланишида Махтумқули, Абай, Бердақ каби Ўрта Осиё донишмандларининг роли каттадир. Ўрта осийлик адибларнинг традицияларини ўзлаштириш туфайли Уйғун ижодиёти ғоявий-эстетик томондан, тема ва образлар, жанрлар, формалар, тасвирий воситалар ва бадний санъатлар жиҳатидан бойибгина қолмай, балки Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Зебунисо сингарилар унинг адабий оламидан бир умрга жой олди. Уйғуннинг драматик маҳорати туфайли мазкур тарихий шахслар

Муқанна (Х. Олимжон), Төробий (Ойбек), Улуғбек (Шайхзода) каби ўлмас образлар қаторига қўшилди.

Уйғун салафлари ижодига хос фазилатларни, аввало, тадқиқотчи шоир сифатида ўрганди ва кейин уларни ўз ижодига новатор шоир сифатида татбиқ этди. Бу жиҳатдан унинг салафлари ижодига хос мусиқийлик, равонлик, донишмандлик, мунозаравийлик, манзаравийлик, табиийлик каби услубий йўналишларни, *лола, гул, саре, бўлбул, ел, кабк, кумри, ой, қуёш, тонг, кун, юлдуз* каби анъанавий образларни, ҳаётий гўзал тасвирий воситаларни, лаф ва нашр, себа се, китобат каби поэтик санъатларни ўрганиши ва улардан ўзбек халқининг миллий турмушини васф этишда новаторона фойдаланиши таҳсинга лойиқдир. Булардан ташқари, Уйғун қадимий жанрлар ва шакллاردан, янги инсоннинг меҳнатда эришган ютуқларини улуғлашда фойдаланди. Унинг изланишлари туфайли ғазал, қасида, маснавий, марсия, ҳажвия, қўшиқ, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, рубоий, туюқ каби жанрлар, аруз вазни ўзбек адабиётидан ўзининг ҳақли ўрнини олди. Уйғун ғазалларининг хонандалар репертуаридан мустаҳкам ўрин олиши ва халқимизнинг севиб ўқиладиган асарлари қаторида турши юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Уйғуннинг оташин ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, халқлар дўстлиги мавзуида ёзилган маснавий, мухаммас, мусаддас, мусаббалари тўғрисида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, кейинги пайтларда айрим адабиётшунослар ўзбек адабиётида ғазалга бўлган муносабатнинг жонланишини Эркин Воҳидовнинг номи билан боғламоқдалар. Бизнингча, мазкур фикр унчалик тўғри эмасга ўхшайди. Чунки ғазалга бўлган муносабат ўзбек адабиётида 40-йилларнинг бошларида жонланиб кетганлиги ва шу йилларда Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла, Уйғун, Чустий, Ҳабибий, Васфий, Чархий каби шоирлар томонидан

оригинал ғазаллар яратилганлиги ҳамда бу анъанани мазкур шоирлар урушдан кейинги йилларда ҳам давом эттирганлиги сир эмас. Уйғунга келадиган бўлсак, у ижодининг барча даврларида, 30-йиллар бундан мустасно, ғазал жанрида баракали ижод қилиб келаётган ва бу жанрнинг тараққиётига самарали ҳисса қўшаётган шоирдир. Эркин Воҳидов ва унга тенгдош авлоднинг ғазалчилик тараққиётидаги ҳиссаси шундан иборатки, улар ғазалнавис шоирларининг анъаналари заминида ижод қилиб, 60-70-йилларда ғазалчиликка бўлган муносабатга янги ҳаво олиб кирдилар. Шундай фикрни кўхна поэтик қурилмалар ва арузга муносабат масаласида ҳам айтиш мумкин.

Уйғун ижодининг шаклланиши ва ривожиди Ўрта Осиё халқлари томонидан ўтмишда яратилган оғзаки ва ёзма адабиёт муҳим роль ўйнаган. Уйғун бадий адабиётга А. Блок, С. Есенин, А. Толстой, Н. Тихонов, Самад Вурғун, Ходи Тоқтош, Абдулла Тўқай каби адибларнинг издоши сифатида кирди ва уларнинг қутлуғ анъаналарини давом эттиришни ўзининг ёзувчилик бурчи деб билди. Юқоридагилардан ташқари, Уйғун ижодининг ривожиди у билан бир даврда яшаган ва ижод этган Ўзбекистон ва қўшни қардош республикалардаги тенгдош ёзувчиларнинг ижодий муваффақияти, дўстлиги ва маслаҳатлари ҳам маълум эстетик аҳамият касб этди. Бу жиҳатдан, айниқса, Уйғун билан Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Н. Погодин, А. Толстой, К.Симонов, Жалол Икромий, Сулаймон Рустам, Собит Муқонов ўртасидаги дўстлик алоқалари характерлидир.

Хуллас, Уйғун истеъдодининг шаклланиши ва ривожиди Ўрта Осиё халқларининг қадимий оғзаки ва ёзма адабиётлари эришган ютуқлар, жаҳон ёзувчилари таъсири, шунингдек, Ўзбекистон ва қўшни қардош республикалар тенгдош ёзувчиларининг дўстлиги, ўзаро адабий алоқалари муҳим тарбиявий-эстетик аҳамиятга эга бўлди.

Алишер Навоий анъаналари ва Уйғун ижодида маҳорат масалалари

20-йилларда Навоийдек улкан адибнинг бой тажрибаларидан ибрат олиш, унинг ижодий лабораториясини ўзлаштириш, намунали шахси ва ижтимоий фаолиятини ўрганиш катта илмий-амалий ва эстетик аҳамиятга эга эди. Шу сабабли ҳам ўзбек адабиётининг вакиллари – Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Садриддин Айний, Ойбек ва Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом ва Шайхзода, Зулфия халқ оғзаки ижоди, қардош халқлар адабиётлари ва тараққийпарвар чет эл адабиётлари йиққан тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш билан бирга ўзбек адабиёти тарихини, унинг асосчиси Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, бой адабий меросини муҳаббат билан ўргандилар ва ундан ўзбек адабиёти тараққиёти йўлида фойдаландилар. Навоий адабий меросини тўплаш, нашр этиш, илмий баҳолаш, тарғиб қилиш, уни ҳар қандай ёт қарашлардан эсраш, ўлмас анъаналарини давом эттириш вазифаси замонавий ўзбек адабиётининг биринчи бўғини вакиллари зиммасига тушди.

Бу ишда қаламкаш тенгдошлари қатори Уйғуннинг ҳам ҳиссаси оз эмас. Уйғунни ҳам ёшлигидан Навоийнинг шахси, фаолияти, асарлари ўзига бир умр мафтун этган эди. Бўлажак шоир Навоий ва унинг асарлари тўғрисидаги дастлабки маълумотни отаси Отақўзи ака, тоғаси Аҳмадали акадан эшитди. Шоир «Ўтмишни эслаганда» автобиографиясида болалик йилларида тоғасидан «Фарҳод ва Ширин»ни эшитганини, отаси Навоий ғазалларини тушунтириб берганини юксак эҳтиром билан эслайди: «...Навоий девонини ўқий бошлаганимда, қалбимга тўлган шодлик ҳеч эсимдан чиқмайди. Навоий ғазалларида анчагина мен тушунмайдиган сўзлар кўп учрар эди. Дадам мен тушунмаган сўзларни тушунтириб, ғазалларнинг «мағзини чақиб» берарди. Мени биринчи бор мафтун қилган, юрагимга ларза

солган шеърятнинг илк намуналари Навоий ғазаллари бўлди»⁷¹

Болалигида Уйғун юрагида пайдо бўлган Навоий ғазалларига сўнмас муҳаббат ҳислари бўлғуси шоир улғаяверган сари тобора кучлироқ алангаланиб борди ва уни буюк шоир даҳосининг оташин ихлосмандига, кучли тарғиботчисига, садоқатли ворисига айлантирди.

Уйғун, айниқса, 30-йилларнинг охири ва 40-йилларнинг бошларида Навоий асарларини ҳар томонлама чуқур ўрганишга, лирик меросини атрофлича тадқиқ этишга ва нашрга тайёрлашга алоҳида эътибор берди. 1939 йилда ёзилган «Навоийнинг «Чор девон»и ҳақида»ги ибратли илмий тадқиқот буюк шоирга бўлган ана шу муҳаббат ва ихлосмандликнинг натижаси ўлароқ майдонга келган эди. Ушанда Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш муносабати билан унинг адабий меросини тўплаш, нашр этиш, ўрганиш ва тарғиб қилиш қизғин тус олган эди. Кейинги 45 йил ичида навоийшунослик мислсиз равнақ топди, катта муваффақиятларга эришди, улуғ шоир ва буюк мутафаккирнинг ҳаёти ва ижоди, дунёқараши ва ижодий методи, лирикаси ва ҳажвиёти, образлар тизими ва поэтикаси, асарлари текстологияси, Навоий ва адабий таъсир, традиция ва новаторлик масалалари тўғрисида ўнлаб китоблар яратилди, диссертациялар ёзилди, навоийшунослик ўзига хос фан сифатида шаклланди ва ривож топди. Навоийшунослик фани катта қадамлар билан ўсишига ва тараққий қилишига қарамасдан, меҳр - муҳаббат, ихлос ва истеъдод билан ёзилган «Навоийнинг «Чор девон»и ҳақида»ги илмий тадқиқот ҳамон ўз актуаллигини йўқотган эмас.

Мазкур илмий тадқиқот Уйғуннинг улуғ Навоий лирикасига эътиқоди баланд эканлигини эътироф этиши

⁷¹ Адабиётимиз автобиографияси. – Тошкент, 1973, 224-бет.

билан бирга, унинг катта эрудицияга эга нуқтадон олим бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Шундан кейин Уйғун Навоийнинг «Чор девон»ини нашрга тайёрлаш ишлари билан қизғин шуғулланди. Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулла билан ҳамкорликда олиб борилган катта ижодий меҳнат натижасида «Чор девон» нашрга тайёрланди ва уни Ўзбекистон Давлат нашриёти 1940 йилда китобхонларга тақдим этди. Навоийнинг танланган шеърларига Уйғун томонидан ёзилган «Навоийнинг «Чор девон»и ҳақида»ги мазкур мақола сўз боши ўрнида берилди.

Лотин графикасида chop этилган мазкур китоб, ўша йилларда бажарилган Навоий лирикасининг биринчи оммавий нашри сифатида эътиборга лойиқдир.

Шу йилларда олим ва ёзувчилар Навоий ижодини ўрганишга қизғин киришганлигини ва бу борёдаги ижодий ҳамкорликни Собир Абдулла бир ғазалида шундай хотирлайди:

«Чор девон» гулшани ичра кирибон бир неча ой,
Қилибон сайру тамошо, туну кун ишлар эдик⁷².

Мазкур тадқиқотни ёзиш ва «Чор девон»ни нашрга тайёрлаш жараёнида Уйғун гениал шоирнинг ижодини, ижтимоий-сиёсий, адабий фаолиятини, ибратли шахсини, ижод лабораториясини, замондошлари ҳаётини ўрганишга муяссар бўлди. Бу муваффақиятлар Уйғунни Навоийга, унинг даврига, мавзулари ва ғояларига янада яқинлаштирди, унга бўлган эътиқодини оширди. Навоий ҳақида, унинг асарлари сюжети асосида, образлари ва анъаналари таъсирида 40-йилларда яратилган турли жанрлардаги асарлар 30-йиллардаги изланишларнинг самараси сифатида майдонга келган эди.

⁷² Собир Абдулла. Асарлар. 4 томлик. 1-том. – Тошкент, 1975, 88-бет.

Навойнинг табаррук образини бадий адабиётда гавдалантириш Уйғуннинг эзгу ниятларидан бири эди. Бу муддаога эришиш учун шоир узоқ йиллар изланди, тайёргарлик кўрди, мушоҳада юритди, улуғ шоир асарларини, унинг даврига тегишли илмий, тарихий, адабий манбаларни, замонавий навойшунослик эришган ютуқларни ва бу соҳада тўпланган тажрибаларни қунт ва ихлос билан мутолаа қилди, қардош халқлар адабиётларининг бу борадаги тажрибаларини ўрганди, буюк мутафаккир яшаган даврга хос коллизияларни топди, Навоий характерига хос асосий белгиларни, фазилатларни аниқлади. Ана шу мураккаб ижодий жараён маҳсули сифатида «Алишер Навоий» опера либреттоси (1946), Иззат Султонов, В.Шкловский билан ҳамкорликда яратилган «Улуғ Алишер»⁷³ адабий сценарийси (1940) ва И. Султон билан биргаликда ёзилган «Алишер Навоий» (1941)⁷⁴ драмаси бунёдга келди.

«Алишер Навоий» драмаси буюк санъаткор образини бадий адабиётда гавдалантириш борасидаги биринчи йирик қадам эканлигини инobatга оладиган бўлсак, Уйғун билан Иззат Султон бу драмани яратишда чинакамига изланганлиги, катта эътиқод ва юксак ихлос билан ижод қилганлиги маълум бўлади. «Алишер Навоий» драмаси бадий адабиёт соҳасида ўзига хос кашфиёт бўлди, адабиётимиз хазинасига ноёб дурдона бўлиб қўшилди. Драмани диққат билан ўқиган ҳар бир киши муаллифлар Навоийнинг лирик куллиёти «Хазойинул-маоний»ни, унинг машхур «Ҳамса»сини, айниқса, ундаги «Фарҳод ва Ширин», «Ҳайратул-аброр», «Садди Искандарий» дostonларини, Хондамирнинг «Макори-

⁷³ Панченко С. Д. О драматическом образе Алишер Навои и средствах его создания. Ученые записки ГПИ. Вып. 10. Бухара. 1961, с. 215-225.

⁷⁴ Маълумки, Уйғуннинг "Алишер Навоий" драмаси, шунингдек, кўпгина бошқа тур ва жанрлардаги асарларининг ёзилган йили манбаларда ҳар хил кўрсатилган. Уларни ягона бир системага солиш ва ҳақиқатни рўёбга чиқариш мақсадида биз шоирнинг ўзи томонидан тартиб берилган 6 томлик "Асарлар"и (1974-1978) да белгиланган рақамларга амал қилишни лозим топдик. - Қ.Т.

мул-ахлоқ»ини, Восифийнинг «Бадойиул-вақое» сини, Бобурнинг «Бобурнома» мемуарини, XV аср тарихига, фалсафасига, поэтикасига тегишли илмий асарларни, халқ оғзаки ижоди намуналарини синчиқлаб ўрганишганлиги, мутолаа қилишганлигининг гувоҳи бўладилар. Асарда шундай ўринлар борки, баъзан Навоий мисралари билан драма муаллифлари қаламига мансуб сатрлар бир-бирига қўшилиб кетади, улар ўртасидаги фарқни ажратиб қийин бўлиб қолади. Айрим ўринларда эса Навоий бисотидан танлаб олинган ғазаллар, рубойлар, қитъалар ва турли байтлар, хикоялар, ҳикматларнинг ўзи томонидан драмада кечаётган воқеа ва ҳодисанинг талабига мувофиқ шундай ўринли ишлатилдики, буни маҳоратдан бўлак нарса дейиш мумкин эмас. Бу ҳақда Навоий образининг моҳир ижрочиси, Халқ артисти Олим Қўжаев ёзади: «Дарҳақиқат, пьесада улуғ Навоий асарларига ҳамроҳанг бир руҳ бор. Шеърый монологлар юксак пардаларда, навоийвор жаранглайди»⁷⁵. Авторлар олдида Навоийдек улкан шоирнинг, йирик мутафаккирнинг, давлат ва маданият арбобининг, ватанпарвар, халқпарвар, ҳақиқатпарвар буюк кишининг маънавий оламини ёритиш, бепоён қалбини очиш, ноёб шахсини тирилтириш, дилкаш чеҳрасини намоён қилиш вазифаси турар эди. Бу проблемалар ҳам ижодкордан катта масъулият ва юксак истеъдод талаб қиладиган ижодий жараён ҳисобланади. Хусусан, навоийшунослик эндигина шаклланаётган даврда бу муҳим вазифани кутилганидай удалаш жуда мушкул эди. Шунга қарамасдан, Уйғун билан Иззат Султон улуғ адиб образини яратиш соҳасида шундай улкан муваффақиятларга эришишдики, уларнинг тарихий образ ва шеърый драма яратиш соҳасидаги тажрибаси ўзинга хос бир мактаб, ибратли ижодий лаборатория бўлиб қолди.

«Алишер Навоий» драмаси ва шу номдаги кинофильмининг яратилиш тарихи, поэтикаси, тарбиявий-эстетик аҳами-

⁷⁵ «Гулистон», 1975, 5-сон, 21-бет.

яти, ютуқлари ҳақида ўнлаб мақолалар, қимматли тадқиқотлар⁷⁶ яратилган. Шуларни ҳисобга олиб мазкур асар тўғрисидаги баҳсга нуқта қўйиш мақсадга мувофиқдир.

«Алишер Навоий» драмасида эришилган катта муваффақият Уйғун билан Иззат Султонни Навоий мавзуида киносценарий яратишга ва шоирнинг образини у орзу қилган «ойинаи жаҳоннамо»да жонлантиришга рағбатлантирди. Авторлар бу олижаноб ниятни кинодраматурглар А.Спешнев ва В.Шкловскийлар билан ҳамкорликда амалга оширишди. Шундай қилиб, 1947 йилда Тошкент киностудияси «Алишер Навоий» номли овозли бадиий-тарихий фильмни томошабинларга намойиш этди. 1948 йилда иттифоқ экранига чиққан ва кино мухлисларининг олқишига сазовор бўлган «Алишер Навоий» фильми муаллифларга шу номдаги тарихий-биографик драма сингари катта шухрэт келтирди. Киносценаристларнинг катта маҳорати туфайли «Алишер Навоий»⁷⁷ фильми «Абу Али ибн Сино», «Тоҳир ва Зухра» фильмлари сингари жаҳоний шухрэт қозонди.

Саккиз йиллик (1939-1947 йиллар) тинимсиз ижодий меҳнат туфайли Навоий образи бадиий адабиётда ва санъатда абадийлаштирилди, тарих саҳифаларидан ёрқин ҳаёт саҳифаларига кўчди, шоир орзу қилган баркамол авлод мулкига айланди. Энг муҳими, XV асрнинг илғор қараш-

⁷⁶ "Қизил Ўзбекистон", 1948 йил 21 февраль; Воҳид Зоҳидов. Шеърятимиз кўрки. – Тошкент, 1975, 24-29-бетлар; Мамажонов С. Уйғун. – Тошкент, 1965, 28-31-бетлар; Шу автор. Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти. – Тошкент, 1975, 152-153 ва 158-159-бетлар; Имомов Б. Ҳаёт ва драматик конфликт. – Тошкент, 1968, 106-111-бетлар; Шокиров Ў. Иззат Султон. – Тошкент, 1970, 52-59-бетлар; Юнусов М. Ҳаёт нафаси. – Тошкент, 1981, 111-114-бетлар; Расулов К. Драматургия Уйғуна. АҚД. Самарканд, 1964, с. 11-16; Қўшқонов М. Ижод сабоқлари. – Тошкент, 1973, 79-82, 102-103-бетлар. Абборов А. Уйғун. – Ўзбек совет адабиёти тарихи. 2-том. Тошкент, 1971 451-456-бетлар; "Шарқ юлдузи", 1975, 1-сон, 223-226-бетлар; Қаюмов Л. Замондошлар. – Тошкент, 1972, 117-119-бетлар; Шокиров Ў. Замон нафаси ва образ. – Тошкент, 1980, 82-101-бетлар.

⁷⁷ Қаранг: Ўзбекистон кинодраматургияси тарихи очерки. – Тошкент, 1963, 154-206-бетлар; Ғуломов Б. Ижодда замон руҳи. – Тошкент, 1967, 113-143-бетлар.

ларини ўзида мужассам этган Навоийнинг нурли образи ёшларимизни эстетик жиҳатдан тарбиялашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Кўриб ўтганимиздай, Уйғуннинг Навоий шахсига ва ижодида муҳаббати шунчалик зўрки, унинг ижодида воқеага айланган бирон асар йўқки, у Навоийнинг номи билан боғлиқ бўлмаса. Уйғун халқининг улуғ Навоийга бўлган чексиз садоқатини, меҳр-муҳаббати ва эҳтиромини шеърларида ҳам самимият билан ифода этган шоирдир. Тўғри, Уйғун Навоийга бағишлаб махсус шеър, баллада, поэма ёзган эмас, аммо шоирларга, шеърга, замондошларига, ўқувчиларга ва бошқа турли мавзуларда ёзилган асарларида у ёки бу масалага боғлиқ ҳолда буюк шоирга бўлган эҳтиромини баён қилади, унинг давримизга дахлдорлигини тасдиқ этади, ўзининг эстетик қарашларини ифода қилади.

Навоийнинг номи тилга олиб ўтилган, унга муносабат билдирилган шеърларнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, Уйғун уларда Навоийга ва унинг ўлмас ижодига хос ажойиб фазилатлар тўғрисида, адабий меросининг эстетик қиммати, халқаро аҳамияти, ижодий тажрибаларининг бебаҳолиги тўғрисида фикр юритади, ўзининг санъаткор сифатида шуҳрат қозонишида улуғ адибнинг ҳиссаси катта эканлигини мамнуният билан қайд этади. Масалан, Ғафур Ғуломга бағишлаб ёзилган «Кўшиқ» шеърида Навоий бадий ижодга ҳавас уйғотган буюк устодлардан бири сифатида тилга олиб ўтилса, «Бобур» шеърида «шоир Навоийнинг шеърдан завқ олиб улғайдим, ўсдим».—дейди. Машҳур «Ватан ҳақида кўшиқ» шеърида Навоий «Маданият, санъат, билим ўлкаси, мўъжиза яратган илм ўлкаси» саналган ўлкасининг «севган ғазалхони» эканлиги таъриф этилади. «Гўзаллик ахтариб...» шеърида эса шундай сатрлар бор:

Навоний ғазали, Пушкин шеърида
Гўзаллик чамани кулф урар ҳамон.⁷⁸⁻⁷⁹

Бу сатрларда Навоий ва Пушкиннинг ижодиёти гўзаллик манбаи сифатида эътироф этилиши билан бирга, ижодкорлар бу нодир хазиналардан унумли фойдаланишга даъват этилади. Уйғун машхур покстонлик тараққийпарвар адиб Файз Аҳмад Файзга бағишланган «Шаҳрингга йўл олдим» шеърида ҳам Ҳамза ва Бобурнинг номи қаторида Навоийнинг номини ҳам ҳурмат билан тилга олади, энг буюк совға сифатида улуғ шоирнинг дostonларини олиб бораётганлигини фахр билан эслайди.

«Жононим келур» ғазалининг характерли томони шундаки, унда замондошларимизнинг Навоий асарларига бўлган жўшқин муҳаббати ёрқин ифодасини топган:

Фикри жўшқин, таъби нозик, ҳислари ўткир, баланд,
Шеър ўқиб шоир Навоийдан ғазалхоним келур (2, 26).

Мактаб ўқувчиларига бағишланган «Сизни кўтар келажак» шеърида бугунги бахтиёр, қувноқ, илмсевар ёшларнинг боболари Навоийдай бўлишларини орзу қилади.

Булардан ташқари, бир қатор шеърларида Навоийнинг шеърларидан эпиграф олганлигини, улардан тазмин сифатида фойдаланганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Келтирилган мисоллар Уйғуннинг Навоий ижодига ихлоси баландлигини намоён қилиш билан бирга унинг маданий меросга оқилона муносабатда бўлганлигини ҳам эътироф этади.

Уйғунни Навоий асарларининг мавзу ва ғоялари, образлар олами, сюжети ва шоирнинг юксак поэтик

⁷⁸⁻⁷⁹ Уйғун. Асарлар. 6 томлик. 2-том. – Тошкент, 1974, 354-бет (Бундан кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинади ва томи билан саҳифаси қавсда берилади).

санъаткорлиги маҳлиё этди. Шунинг учун унинг ижодида Навоий анъаналари таъсирида яратилган турли жанрлардаги асарлар кўплаб учрайди. Уйғуннинг «Олтин севги», «Мардонавора айтинг», «Арзимни ёра айтинг», «Кўзғолур чоғинг сенинг», «Сирдарёнинг сири», «Фарҳод куюши», «Фарҳод шеърлари», «Мубтало бўлсам керак», «Гўзал ёр» каби шеърлари ва ғазалларининг яратилишида Навоий «Хазойинул-маоний»си ва «Хамса»сининг ғоявий-эстетик таъсири сезилиши билан бирга, шоир поэтик оламидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун каби образларнинг барҳаёт руҳи борлиги ҳам равшан кўринади. Уйғун мазкур шеърларида устози Навоий орзу қилган, аммо эришолмаган эркин муҳаббат, қақроқ чўлларга сув чиқариш, мамлакатни обод қилиш, адолат, тинчлик, фаровонлик тўғрисидаги идеаллар ҳамма замонлар учун долзарблигини таъкидлайди. Айниқса, Фарҳод образи Уйғунга жуда яқин ва қадрли. Фарҳод образига хос гўзал инсоний фазилатлар уни бир умр мафтун этган. У Фарҳод қиёфасида ҳар томонлама балоғатга етган комил инсонни кўради. Фарҳодга хос мардлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, халқпарварлик, илмпарварлик, ёрга, дўстга садоқат каби фазилатлар Уйғуннинг эстетик қарашларига жуда мос тушади. Шу сабабли шоир даврнинг улуғ қурилишларини, меҳнат ва жанг қаҳрамонларини, тарихий воқеаларини Фарҳод номи билан боғлайди. Замонамизнинг марди майдонларини, фан ва маданият арбобларини Фарҳодга ўхшатади. Бу билан Фарҳод образини яратишда улуғ шоир бу образдан кутган юксак инсоний қиёфа ва балоғатга етган маънавий куч, кудрат XX асрда ҳам халқимиз эътиборида турганини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, Навоий яшаб ижод этган XV асрда Фарҳоддек комил кишини фақат орзу қилиш мумкин эди. Навоий кишиликнинг энг улуғ ниятларини Фарҳод образида ифодалашга уринган бўлса-да, унинг бу идеал қаҳрамони замон зайли туфайли маънавий ва жисмоний жиҳатдан фожиага гирифтор бўлади,

на ўзи бахтга эришади, на бировларни бахтга сазовор қила олади.

Халқимиз иккинчи жаҳон уруши бораётган машаққатли лайтларда Сирдарё сувини қақроқ даштларга олиб чиқиш учун иш бошлаган. Халқнинг бу қаҳрамонлик тарихи Ҳамид Олимжоннинг «Фарҳод тоғи этақларида» очеркида, Ғафур Ғуломнинг «Сув ва нур» балладасида, Шайхзоданинг «Фарҳодга хат» шеърисида, Собир Абдулланинг «Фарҳод чироғлари» мусаддасида, Ҳабибийнинг «Замон Фарҳодлари» достонида ўз ифодасини топди.

Фарҳод қурилиши мавзуи қаламкаш дўстлари қатори Уйғунга ҳам илҳом берди. У «Сирдарёнинг сири», «Кўзғолур чоғинг сенинг», «Фарҳод қуёши», «Фарҳод шеърлари» поэтик асарларини ва «Асрлар» драматик достонини яратди. Ўзига хос бир шеърый туркум ҳисобланган бу шеърларда Уйғуннинг Фарҳод қурилишидан олган таассуротлари, халқ қурилишида юз берган қаҳрамонлик лавҳалари, гўзал табиат манзаралари ўз ифодасини топган. Муҳими, мазкур асарларда бу улкан халқ ҳашаридан чексиз завқланган ватанпарвар, халқпарвар, дўстпарвар шоирнинг шахси, маънавий олами, ташаббускор табиати ёрқин ифодасини намоён этган.

Шоир «Кўзғолур чоғинг сенинг» ғазалида Сирдарёдан сув чиқариш армонида дунёдан кўз юмган Фарҳоднинг эзгу муддаолари бунёдкор халқимиз томонидан рўёбга чиқарилганлигини, бу туфайли мамлакат чаманга айланганлигини юксак пафос билан тараннум этади. Шеърнинг қуйидаги байтлари шоирнинг унда баён қилган мақсадини тўғри аниқлашда характерлидир:

...Айласанг бир йўл томоша энди сен Сир соҳилин,
Шубҳа йўқки, қолмагай кўксингдаги доғинг сенинг.
Янги тилсимлар очар наслинг букун, лозим бўлур —
Ҳормангиз, дўстлар!— дея, ёнига бормоғинг сенинг

(1, 192).

Фарҳодни замондош сифатида қабул қилиш, у билан ўртоқ тутиниш, янги замон туфайли юз берган ўзгаришлардан уни хабардор қилиш ва амалга ошган армонларини завқу шавқ билан бир-бир кўрсатиш замирида ҳам шоирнинг Фарҳод образига бўлган юксак эътиқоди сабаб бўлган.

«Сирдарёнинг сирин» шеърисида дарёнинг асрлар бўйи сирини очгани лойиқ сирдош ахтаргани ва бундай сирдошни ўзбек заминида топганлиги фахр ва ғурур билан тараннум этилади:

Бугун Сирдарёнинг сирин очгани
Фарҳод эмас, минглаб Фарҳодлар келди.
Дарёнинг йўлига гуллар сочгани,
Ширинлар – қадлари шамшодлар келди (1, 194).

«Фарҳод қуёши» шеърисида Фарҳод ГЭСи таърифланади, замон Фарҳодларининг бу улкан иншоотни қуришдаги қаҳрамонлиги мадҳ этилади.

«Фарҳод шеърлари» икки қисмдан иборат: уни биринчи қисми «Сепоячи» шеърисидир. Бу шеърда Фарҳод ГЭС қурилишидаги жўшқин меҳнат романтикаси, енгилмас халқ кудратини ўзида мужассам этган сепоячининг ватанпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик хусусиятлари ўзининг ҳақиқий ифодасини топган. Шоир асов дарё билан якхама-якка олишган Фарҳодсифат сепоячи ҳақида шундай ёзади:

Аммо сира бўй бермайди у,
Олов чақнар икки кўзида.
Юзлаб Фарҳод, минглаб арслоннинг
Кучини ҳис қилар ўзида (1, 338).

Шеърнинг иккинчи қисми «Юлдузлар» деб аталиб, у Фарҳодчиларнинг тунги фароғатига бағишланган икки бандлик умумий киришдан сўнг қиз ва йигитнинг диалоги формасида давом эттирилади. Ёшларнинг Фарҳод ГЭС ва келажак ҳақидаги романтик туйғулари табиат манзаралари фонида тасвирланади. Бу шеър диалог тарзида ёзилганлиги ва фикрни табиат манзараси воситасида ифода этиши билан ўзига хослик касб этади.

Уйғуннинг Фарҳод ГЭС қурилиши ҳақидаги шеърлари унинг «Асрлар» драматик достонини ёзишга тайёргарлик босқичи бўлиб, уларни ёзилжак катта асарнинг поэтик парчалари дейиш мумкин. Мазкур шеър шундан далолат берадики, шоир Фарҳод ГЭС қурилишидаги халқ қаҳрамонлиги тарихини, асов дарё билан ботир халқ ўртасидаги курашнинг кенг ҳаётий панорамасини кейинчалик «Асрлар» драматик достонида ифода этмоқчи бўлган.

Навоий асарлари таъсирида ёзилган ва халқимизнинг Фарҳод қурилишидаги улкан жасоратини аниқ манзаралар, образларда ифодалаган мазкур шеърлар ўзбек поэзияси «Фарҳоднома»си тарихига қўшилган ҳиссадир.

Уйғуннинг «Навоий булбулни таъриф қиларкан», «Чўтир кампир», «Сарвга» каби асарлари Навоий анъаналари таъсирида яратилган новаторона шеърлардир.

Мазкур шеърлар бугунги ҳаёт воқеалари таъсирида яратилган бўлса ҳам, уларнинг пайдо бўлишида Навоий лирикасига хос аниқ поэтик образ ёки поэтик символнинг таъсири борлиги кўзга ташланади. Бу жиҳатдан «Навоий булбулни таъриф қиларкан» шеъри диққатга сазовордир. Бу шеърда гул ишқида ёнган булбул рангининг қўлга ўхшашлиги сабабини шоир гулнинг бевафолиги билан изоҳлайди ва шундай мантиқий хулоса чиқарди:

Булбул учиб юрган бир кафт кул эмиш,
Бойси бевафо қизил гул эмиш (2, 105).

Шеърда шуниси характерлики, Уйғун Навоийдаги анъанавий гул ва булбул поэтик образи воситасида ишқ-мухаббат мотивини ўзига хос тараннум қилган ва бу мавзунинг ҳали шоирлар томонидан кашф этилмаган янги бир қиррасини бадиий тадқиқ қилган.

«Сарвга» шеърда ҳам шундай хусусият равшан кўринади. Маълумки, Навоий бошлиқ классик шоирлар сарвни гул, сумбул, райҳон қатори шеъриятнинг безак тошларига айлантиришган. Васф қилинадиган маъшуқа қоматини сарвга ўхшатиш классик адабиётда расм бўлган эди. Илмий-техника тараққиёти асрининг шоири Уйғун «Сарвга» (1960) шеърда классик мумтоз анъаналари заминиде қалам юритган бўлса ҳам сарвни янги талқин этишга муяссар бўлди. У гўзаллик рамзи саналган бу анъанавий поэтик образ воситасида илмий-техника даврининг мўъжизаси саналган космик кеманинг жаҳоншумул парвозини таърифлайди. Бу фикр шеърнинг хулосасида ўз ифодасини шундай топган:

Мен эса бошқа бир дэвр шоириман,
Бошқа бир гўзаллик жалб этди мени.
Ойга учаман деб шайланиб турган
Яшил ракетага ўхшатдим сени (I, 429).

60-йиллар ижод маҳсули бўлган «Сарвга», «Навоий булбулни таъриф қиларкан», «Чўтир кампир» шеърлари Уйғуннинг уруш йилларида ёзилган машҳур шеърлари анъаналарини, айниқса, «Сурат», «Анор», «Жафо қилма», «Тасаввур», «Инсон», «Куёш йўли» шеърлари анъаналарини эслатади. Аммо бу шеърлар ўзининг янги қирраларини, яъни давр руҳини ўзида равшан ифода этганлиги билан диққатга лойиқдир. Таҳсинга лойиқ бу ҳодиса ҳам Уйғун Навоий адабий анъаналарини ва, умуман, классик адабиётимиз тажрибаларини замонимиз ва замондошларимиз руҳига мос

тарзда ривожлантирилаётганлигидан далолатдир. Уйғуннинг «Онт», «Мардонавора айтинг», «Арзимни ёра айтинг», «Жононим келур», «Гўзал ёр», «Соғиниш», шунингдек, муҳаббат мавзуида ёзилган ғазаллари, шеърларида ҳам Навоий поэзиясига хос фазилатлар равшан кўринади.

Уйғуннинг «Ёлғончининг жазоси» (1945) шеърый эртаги ва «Асрлар» (1947) драматик достони Навоий дostonлари сюжети таъсирида яратилган асарлар сирасига киради. Маълумки, «Ҳайратул-аброр» дostonининг ўнинчи мақолотида, «Шер ва Дуррож» масалида ва «Ёлғончи» шеърида Навоий ёлғончиликни ижтимоий иллат сифатида танқид қилади, бу борадаги шахсий қарашларини баён этади, унинг зарарли оқибатлари ҳақида фикр юритади. Навоий дostonининг ўнинчи мақолотида муайян шахс, мамлакат ва давр кўзда тутилмаган ҳолда ёлғончиликнинг зарарли оқибати қораланади. Дostonда илгари сурилган мазкур ғояни «Шер ва Дуррож» масали бир иллюстрация сифатида аниқлаштиради, тўлдиради, тасдиқлайди. Уйғуннинг «Ёлғончининг жазоси» шеърый эртагида ҳам шундай рух, ғоя илгари сурилади ва ёлғончилиги туфайли панд еган одам образи яратилади. Ҳикояларда сюжет унсурлари нуқтаи назаридан ҳам ҳамоҳанглик аломатлари учрайди. Бу асарларни ёзишдан ҳар иккала шоирнинг нияти битта бўлишига қарамасдан, улар ўзига хос томонларга ҳам эга. Уйғун ёзган «Ёлғончининг жазоси» эртагининг Навоий асарларидан фарқи шундаки, унда ўтмишда ўтган каттақўрғонлик Холбой деган бир алдамчи, фирибгар, хасис чорвадор бойнинг одамларни лақиллатиш учун ёлғончилик қилиши ва бу аҳмоқлиги учун қўйларини бўрилар еб кетиши ҳикоя қилинади. Шу воқеа туфайли ёлғончилик зарарли иллат сифатида фош этилади. Уйғуннинг шеърый эртаги ёшларни ростгўйлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

«Асрлар» драматик дostonи Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonи таъсирида ёзилган. Аслида «Асрлар»

асарининг ёзилишида аниқ тарихий воқеа – Фарҳод ГЭС қурилиши, халқимизнинг мамлакатни электр нурлари билан чароғон қилиш, чўлларга сув чиқариш, қурғоқ ерларни обод қилиш борасидаги қаҳрамонона меҳнати сабаб бўлган. Мазкур мавзунинг тарихий тараққиётини кўрсатиш мақсадида Уйғун «Фарҳод ва Ширин» достонига мурожаат қилган. Достонда илгари сурилган ғоялардан ва ўтмишда халқ бошига тушган жабр-зулмдан китобхонни огоҳ қилиш учун шоир асарга Мардон бахши образини киритган ва у орқали ўқувчиларни масаланинг тарихига саёҳат қилдирган. Уйғун Фарҳод ГЭСи қурилиши ҳақида достон ёзишни ният қилганлиги ҳақида «Юксак баҳо» номли янги йил режаларини баён қилган мақоласида шундай ёзади: «...давримизнинг энг улуғ иншоотларидан бири бўлган Фарҳод ГЭС қурилишига бағишлаб ёзаётган «Фарҳод ва Ширин» номли достонимни тамоюлаш мўлжалим бор. Алишер Навоийнинг асарларига асосланган битта опера либреттоси ва битта мусиқали драма ҳам ёзмақчиман»⁸⁰. «Асрлар» ана шу орзуларнинг меваси ўлароқ майдонга келган асардир.

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони «Асрлар» драматик достонининг пайдо бўлишида асос бўлди. Бундан ташқари, Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достони, аниқроғи, унинг учинчи мақолоти, ёмон шоҳлар тўғрисида ёзилган машҳур қитъаси ва айрим ғазаллари ҳам «Асрлар»нинг ғоявий мазмунини белгилашда муҳим роль ўйнаган. «Фарҳод ва Ширин» достони, ундаги икки бош қаҳрамон — Фарҳод билан Ширин образи Уйғунга ўз эстетик қарашларини тасвирлашда восита вазифасини бажарган.

«Асрлар»нинг қаҳрамонлари ўзларини Фарҳод, Ширин деб атайдилар, фарзандларини шундай номлар билан шарафлайдилар, бажараётган ишларини Фарҳоднинг қаҳрамонлигига ўхшатадилар, бир-бирларига севги изҳор қилганла-

⁸⁰ «Қизил Ўзбекистон», 1944 йил 2 февраль.

рида Фарҳод тоғи, Ширин сойи ёнига борадилар, Фарҳод билан Ширинни тез-тез эслаб турадилар, умуман, ўзларини афсонавий Фарҳод ва Шириннинг зорислари, улар уддалай олмаган ишларни амалга оширувчилар сифатида ҳис қиладилар. Фикримизга асардаги Анвар, Мунаввар, Саодат, Шералининг тутган йўли, хатти-ҳаракати, фаолияти, орзу, нияти мисол бўла олади.

Драматик дostonнинг учинчи пардасида «Фарҳод ва Ширин» дostonнинг сув муаммосига бағишланган ўрни ҳикоя қилинади. Унда тўқима образ Фарёддан ташқари, тарихий Фарҳод, малика Ширин, Меҳинбону, Хусрав, вазир ва бошқалар кенг тарқалган эътиборга эришган. Ўтмиш билан янги даврни чағиштиришда, ўзбек халқининг бунёдкорлик фаолиятини равшанлаштиришда ва замонамиз Фарҳодларининг қахрамонлигини намойиш этишда фольклор услубида ёзилган бу парда яхши ўйлаб топилган. Шоир Фарҳод, ГЭСи мавзуи асосида замонамиз Фарҳодлари ва Ширинларининг келгуси авлодларга намуна бўлиб қоладиган образларини яратмоқчи бўлган. Аммо шоир масаланинг ўтмишига меъеридан ортиқ саяҳат қилганлиги, мавзуни кенг қамраб олганлиги, ҳар хил масалаларга мурожаат қилганлиги, образларни етарли бадийлик билан таъминламаганлиги, конфликтсизлик назариясига йўл қўйганлиги сабабли қийинчиликларга дуч келган ва катта мақсад йўлидаги изланишларини тўла рўёбга чиқара олмаган. Назаримизда, «Асрлар»нинг учинчи пардасини мустақил дoston сифатида эълон қилиб, Фарҳод ГЭСи қурилишига хос меҳнат романтикасини, ўзар табиат билан қахрамон янги давр кишиси ўртасидаги курашни замонавий драма қилиш лозим эди. Шу ўринда «Асрлар» спектакли тўғрисида ёзилган тақризда асарнинг камчиликлари тўғри кўрсатилганлигини эътироф этиш лозим: «...Бу пьесанинг эса бадий жиҳатдан кўп нуқсонлари бор. Бизнингча, бу нуқсонларнинг боиси асосан, шуки, автор мавзуни шу ҳажмдаги, шу жанрдаги асарнинг қулочи етмас

даражада кенг олган. У пьесада Фарҳод ГЭС қурилишини бутун тарихи билан, бутун кенглиги, бошланиши, давоми ва галабаси билан ҳатто у ҳақдаги асрий афсоналар билан бирга тўла акс этдирмоқчи бўлади... Натижада асар Фарҳод ГЭС қурилиши тарихига юзаки бир обзор бўлиб қолган»⁸¹. Бу камчиликлардан қатъий назар, «Асрлар» давримизнинг йирик иншооти саналган Фарҳод ГЭСи қурилиши унинг қахрамон бунёдкори ҳақида маълум тасаввур пайдо қила олади ва ёшларни қийинчиликларни енгишда меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Муҳими шундаки, Уйғун Навоий ижодиётини тадқиқ қилиш, асарларини оммалаштириш. Ўлмас образини яратиш, анъаналарини давом эттириш ва ривожлантиришда ўзинга хос ижодий лаборатория яратди ва Муқимий, Нодира, Фурқат, Фузулий каби классикларнинг ҳаёти ва ижодиётини илмий, бадиий тадқиқ этишда ҳам шу йўлдан борди. Муҳим илмий эстетик аҳамиятга эга бўлган бу йўл шоирнинг ижодий юксалишида алоҳида из қолдирди. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Зебунисонинг ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган тарихий-биографик драмалар, Нодира, Муқимий, Фурқат, Чархий каби шоирларнинг аянчли қисмати ҳақида баҳс юритадиган «Хаёллар» поэмаси, улуғ астроном Мирзо Улуғбекнинг фанний кашфиётларини мадҳ этадиган «Расадхона ёнидаги ўйлар» шеъри ва шуларга ўхшаш бошқа асарлари мазкур ижодий лабораториянинг қимматли маҳсули саналади. Ўзбек классикларининг илғор ютуқлари, ҳаётий ибратлари, бой, хилма-хил ижодий лабораториялари таъсири туфайли Уйғун ижодиёти новаторона моҳият касб этди ва давр эътирофига сазовор бўлди. Бундай йўлнинг хосияти ва аҳамияти тўғрисида Иззат Султон шундай ёзади: «Ўтмишнинг энг яхши, энг прогрессив традициялари буюк

⁸¹ "Ёш ленинчи", 1948 йил 9 сентябрь.

тарихий кишиларнинг ижодий тақдири ва шахсий қиёфасида айниқса яққол кўринади»⁸². Катта тарбиявий-эстетик қимматга эга бўлган бундай фикрнинг пайдо бўлишида Уйғун ва унинг Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Комил Яшин, Собир Абдулла сингари тенгдошларининг ижодий тажрибалари ва сабоқлари асос бўлган.

Уйғун ёшлигидан Умар Хайём, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Хўжа Ҳофиз, Лугфий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фузулий, Нодира, Муқимий, Фурқат каби халқимизнинг баркамол бадий тафаккур соҳиблари томонидан яратилган назм инжуларидан баҳраманд бўла олди, ана шу баҳрамандлик уни кун сайин назм бўстони чаманлари сари етаклади ва бошқа ҳаётбахш омиллар қатори унинг боғбонларидан бирига айланишига ҳисса қўшди. Уйғуннинг Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий, Чустий, Чокар, Васфий, Шариф Нурхон, Восит Саъдулла каби анъанавий шаклларда ижод қилган ва қилаётган шоирлар билан ҳамнафаслигини, бизнингча, унинг ўтмиш адабиётимизга бўлган ана шу улкан муҳаббатининг бир ифодаси сифатида тушуниш лозим. Уйғун ўтмиш адабиёти ва унинг илғор вакиллари анъаналарига бўлган садоқатини, шунингдек, классик адабиётимиз тажрибалари руҳида ижод қилган ва қилаётган ўзбек ёзувчилари ижодига бўлган муҳаббатини ўзининг тадқиқотларида, ўлмас бадий асарларида баён қилибгина қолмасдан, балки уларнинг ижодий лабораториясида пайдо бўлиб, ҳаёт синовида синалган илғор анъаналарини ўрганди, ўзлаштирди, ўз ижод лабораториясида қайта ишлади, шу асосда миллий адабиёт хазинасини бойитиш бахтига муяссар бўлди, ўзи эса новатор шоир сифатида эл ўртасида шуҳрат қозонди.

⁸² "Қизил Ўзбекистон", 1963 йил 23 январь.

Рус адабиёти анъаналари ва Уйғун ижодида новаторлик муаммолари

Йигирманчи аср давомида етишган ўзбек ёзувчилари учун XIX-XX аср рус реалистик адабиёти эришган ютуқларни ўрганиш, рус ҳамда ўзбек адабиётлари ўртасидаги адабий алоқаларни ҳар томонлама тадқиқ этиш ва зарурат бор.

Рус адабиёти ва Уйғун ижодиёти масаласи, XX асрнинг бу пешқадам адабиётидан Уйғуннинг ўрганиши, унинг намуналарини ўзбек тилига таржима қилиши, оламшумул ютуқлари ва лирик вакиллари ижодиётини оммалаштириши, классиклар образини яратиши ва абадийлаштириши, рус адабиёти анъаналарини давом эттириш соҳасидаги хизматлари ҳозирги замон адабиётшунослик фанининг муҳим масалаларидан бири саналса ҳам, бу муаммо ҳанузгача ўзбек адабиётшунослигида ўзининг ифодасини топган эмас. Адабиётшунослардан В.Зоҳидов¹, Л.Қаюмов², М.Юнусов³, С.Мамажонов⁴, Т. Ҳамидова⁵, О.Шарафиддинов⁶, А.Акбаров⁷, А.Акбаров⁷, А.Аброров⁸, ёзувчилардан Ҳамид Ғулом⁹, Иван Ле¹⁰, Раҳмат Файзий¹¹ кабиларнинг Уйғун ҳақида ҳамда рус ва ўзбек адабий алоқалари тўғрисида ёзилган тадқиқотларида Уйғун ва рус адабиёти масаласига йўл-йўлакай бўлса ҳам тегиб ўтилади. Аммо юқорида эслатилган

¹ Зоҳидов В. Ҳаётбахш бадият тароналари. – Тошкент, 1975, 338-бет.

² “Ўзбекистон маданияти”, 1975, 43-сон.

³ Юнусов М. Традиция ва новаторлик проблемаси. – Тошкент, 1965.

⁴ Мамажонов С. Шеърят баҳси. – Тошкент, 1970, 76-бет.

⁵ Ҳамидова Т.Х. Русско-узбекские литературные связи в годы Великой отечественной войны. – Ташкент, 1973; Ҳамидова Т. Рус-ўзбек адабий алоқалари тарихидан. Тошкент, 1977.

⁶ “Ёш ленинчи”. 1956 йил 12 май.

⁷ “Шарқ юлдузи”, 1975, 1-сон, 221-бет.

⁸ Аброров А. Уйғун. – Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки. 2 томлик. 2-том. – Тошкент, 1962, 363-367-бетлар.

⁹ “Қизил Ўзбекистон”, 1944 йил 29 август.

¹⁰ “Шарқ юлдузи”, 1975, 5-сон, 163-166-бетлар.

¹¹ “Совет Ўзбекистони”, 1975 йил 30 май.

ҳам мазкур масалани ҳал қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эмас. Бу борада шоирнинг автобиографиясида, «Уйғун билан суҳбат»да⁹⁴, шеърлари, мақолаларида ва бошда турдаги асарларида айтилган фикрлар катта аҳамиятга эга.

«Ўзбекистон ёзувчилари ичида рус тилини чуқур ва яхши билладиган қаламкашлардан»⁹⁵ бўлган Уйғун ёшлигидан рус тилига меҳр қўйди ва рус адабиёти классиклари А.С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов, А.П. Чехов, Н.А. Некрасов, М. Горький, В.Б. Маяковский ижодиётини чуқур ўргана бошлади. Унинг рус тили ва адабиётига бўлган интилиши, муҳаббатини Алябин, Бойхонбоев, Вали Бурҳон сингари ўқитувчилари қўллаб-қувватлаб турдилар ва келгусида ижодий жиҳатдан ўсишига раҳнамолик қилдилар. Бу тўғрида шоир автобиографиясида мамнуният билан қўйидагиларни хотирлайди: «Рус адабиёти муаллимимиз Алябин Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Горький, Маяковскийнинг ҳаёти, ижоди ҳақида ажойиб суҳбатлар ўтказиб, бизда ... рус адабиётига нисбатан туганмас муҳаббат уйғотган. Айниқса, Горькийнинг муаллим айтиб берган ҳаёти ва саргузаштлари менга жуда қаттиқ таъсир қилган эди» (6, 338).

Кейинчалик бу рўйхат анча кенгайди ва унга А.П. Чехов, А. Блок, С. Есенин, А. Толстой, Н. Погодин, К. Симонов, Н.Тихонов каби рус адибларининг номлари қўшилди. Чиндан ҳам Уйғун сингари улкан истеъдодларнинг серқирра, бой, новаторона ижодиётини икки ё учта адабиётнинг таъсири билан, тўрт ё бешта машҳур ёзувчининг ижоди билан чегаралаб қўйиш мумкин эмас. Воқелигимизни турли шаклларда, хилма-хил мавзуларда завқ ва шавқ билан қўйлайдиган, ўзига хос овоз, услубга эга бўлган, диапазонни кенг, серқўлам бундай ёзувчилар ижодиётининг айрим босқичларида турли халқларга мансуб, ҳар хил даврларда

⁹⁴ «Шарқ юлдузи», 1974, 6-сон, 194-214-бетлар.

⁹⁵ «Шарқ юлдузи», 1975, 5-сон, 164-бет.

яшаган, ранг-баранг усулларда ижод этган ёзувчиларнинг асарларидан баҳраманд бўлганлар.

Улкан ёзувчиларнинг ижодий лабораториясига тегишли бу саволга ўз ижодий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда машҳур рус драматурги Виктор Розов шундай жавоб берган: «Томошабинлар билан бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида севимли авторингиз ким, деб берилган саволга Чехов ва Достоевский деб жавоб бергандим. Кейинчалик нотўғри жавоб берганлигимни тушуниб қолдим. Мен севган ёзувчилар озмунча эмас. Руҳий ҳолатим турлича бўлган пайтларда турли ёзувчиларни ёқтирардим»¹. Ўзбек ва рус адабиётидан ташқари, украин, белорус, қозоқ, озарбайжон, татар, қирғиз, туркман, қорақалпоқ адабиётларидан ижодиётининг турли босқичларида баҳраманд бўлган Уйғун ижодиёти учун ҳам мазкур фикрлар бевосита дахлдордир. Уйғунга ҳам: «Ўз устозларингиз деб кимларни айта оласиз?— деб савол берилганида, у шундай жавоб берган экан: «Устозлар кўп. Уларнинг орасида мен учун энг севимлиси ва энг муътабар бўлганлари, поэзияда Навоий, Фузулий, Фурқат, Пушкин, Лермонтов, Маяковский, драматургияда Шекспир, Чехов, Горький»².

Ёзувчи учун бир умрлик иш саналган ўқиш, ўрганиш, изланиш, ўз устида ишлаш, бадий маҳорат сирларини эгаллаш каби ижодий жараёнга тегишли мураккаб масалалар, айрим умумий томонларни ҳисобга олмаганда, ҳар қандай ёзувчида ҳар хил кечади. Уйғун ижодига назар ташлар эканмиз, у ҳам тенгдошлари сингари давр тақозоси билан бир вақтнинг ўзида илмий-тадқиқот ишлари, журналистика ва бадий ижод билан шуғулланган. Шоир мактабларда, техникум ва педакадемияда ўқиган йилларида ўқитувчилардан рус тили ва адабиётидан маълум

¹ «Ўқитувчилар газетаси», 1971 йил 17 октябрь.

² Мамажонов С. Шеърят баҳсида. — Тошкент, 1970, 76-бет.

сабоқларни олган бўлса ҳам кейинчалик бу сабоқларни у ўз устида мустақил ишлаш, рус ёзувчилари асарларини ўз она тилига таржима қилиш, рус ёзувчилари тўғрисида тадқиқотлар яратиш, улар эришган ютуқларни ўзбек халқи ўртасида оммалаштириш, шахсий, дўстона алоқа ўрнатиш, уларни мустақамлаш, рус адибларига бағишлаб бадий асарлар ёзиш, устоз-шогирдлик алоқаларини ўрнатиш, рус ёзувчиларни билан ҳамкорликда ижод этиш шаклларида давом эттирди.

Бир халқ адабиёти вакилининг йиллар давомида бошқа бир халқ адабиёти ҳақида ўйлаши, унинг ютуқларини ҳар томонлама чуқур ўрганиши, тарғиб қилиши, анъаналарини давом эттириши - булар унинг ўша халққа, ўша халқнинг тилига, адабиётига бўлган самимиятининг ёрқин ифодаси ҳисобланади. Рус адабиёти анъаналарини ўрганиш жараёнида Уйғун томонидан бажарилган турли мазмун ва шаклдаги ишларни ана шундай ҳурмат ва самимият нишонаси сифатида тушуниш лозим.

Уйғунни рус адабиёти билан боғлаган ва таништирган усуллардан бири таржимадир. 30-йилларда қулай шакл сифатида танланган, кенг оммалашган ва ўзини тўла оқлаган бу шакл кўплаб пешқадам ўзбек шоирлари учун ҳам яқин ва қадрли эди.

Уйғун жаҳон, қардош халқлар адабиётлари эришган ютуқларни ўрганиш ва ўзбек халқини бу ноёб дурдоналар билан баҳраманд қилиш мақсадида 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб таржимонлик билан шуғулланади. Унинг узоқ йиллик меҳнати туфайли А.С. Пушкиннинг «Тобутсөз», «Арзрумга саёҳат», Л. Н. Толстойнинг «Хожимурод» қиссалари, А.П.Чеховнинг «Оқ чарлоқ», «Олчазор» драмалари, И. А. Крылов масаллари, С. Маршак. А. Ахматова шеърлари ўзбек халқининг маънавий мулкига айланди. Шекспирнинг сонетларини, машҳур «Юлий Цезарь» трагедиясини, «Вероналик икки йигит» комедиясини, Шевченконинг

«Подшолар» асарини, В. Гюгонинг «Момотомбонинг жавоби», И. Чавчавадзенинг «Базалет кули», Я. Колас, Э. Огницвет, Н.Ушаков каби инглиз, украин, француз, болгар, грузин, белорус ёзувчилари, драматурглари ва шоирларининг асарларини рус тили орқали ўзбек тилига таржима қилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳада унинг хизмати катта эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

Уйғун таржималари орасида насрда, драматургияда ва назмда ёзилган асарларнинг бўлиши унинг адабиётнинг барча турларини чуқур билганлигидан ва барча турларида бараварига қалам тебрата олиш қобилиятига эга бўлганлигидан далолат берса, мазкур асарлар жаҳондаги турли халқлар ёзувчилари ижодидан саралаб олинганлиги билан шоирнинг етук байналминал ғоялар, қардошлиқ ва биродарлик куйчиси эканлигини намоён этиди. Уйғун таржималарининг илмий-амалий ва тарбиявий қиммати ҳам унинг ана шу томони билан баҳоланиши лозим. Булардан ташқари Уйғун таржималари ўзининг нафислиги, содда ва равшонлиги, оригиналининг хусусиятларини сақлаб қолиши, ўзгача жезиба билан ўзбек тилида жило толиши жиҳатидан ҳам диққатга сазовордир. Уйғун томонидан қилинган таржималарни олима З.Умарбекова ўз тадқиқотларида юқори баҳолаганлиги ҳам шундан далолатдир¹. Комил Яшин айтганидек, чиндан ҳам Уйғун «Буюк рус шоирлари Пушкин, Лермонтов², Некрасов асарларини, Шекспирнинг «Юлий Цезарь» трагедиясини таржима қилиб, ўзбек китобхонларининг маънавий хазинасини бойитди». Масаланинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, Уйғун таржима туфайли буюк даҳоларнинг

¹ «Шарқ юлдузи», 1975, 5-сон, 184-185-бетлар.

² «Гулистон», 1975, 5-сон, 20-бет. Уйғуннинг таржимонлик фаолияти ҳақида фикр юритган ёзувчилар, таржимашунослар ва мунаққидлар Комил Яшин сингари у таржима қилган шоирлар рўйхати қаторига М.Ю. Лермонтовнинг номини ҳам қўшадилар. Уйғун Лермонтовни севганлиги, ундан ижодий таъсирланганлиги рост. Аммо Уйғун Лермонтов асарларини таржима қилди, деган фикр тўғри эмас. — Қ.Т.

ижод лабораториясига кирди, уларнинг бадий маҳоратидан баҳраманд бўлди. Бу жиҳатдан Уйғуннинг Ҳамид Олимжон ҳақида айтилган фикрларини унинг ўзининг ижодий фаолиятига ҳам тааллуқли деб ҳисоблаш мумкин: «Ҳамид Олимжон ўзининг муваффақиятли таржималари билан ўзбек ... адабиётининг хазинасига кўп нарсалар қўшди. У рус шоирларидан, Украина ва бошқа республика шоирларидан таржима қилди. Пушкиндан, Лермонтовдан, Байрондан ва бошқа рус ҳамда дунё классикларидан чиройли таржималар берди. Айниқса, Пушкин ва Лермонтов асарларини ўзбек тилига таржима қилишда Ҳамид Олимжоннинг хизматлари катта. Ҳамид Олимжон ... рус адабиёти, жаҳон классик адабиётини ўзбек оммасига таништиришда, уларни шоҳ асарлардан баҳраманд қилишда кўп хизмат кўрсатди.

Бу шарафли иш шоирнинг ўзига ҳам катта бир мактаб бўлди, у рус ва дунё классикларини ўзбек тилига таржима қилар экан, уларнинг доҳиёна асарларидан ўз ижоди учун ҳам муҳим хулосалар чиқарди. Улардан ўрганди, ўз шеърини балоғатга етказди. Айниқса, Пушкин Ҳамид Олимжон ижодига катта таъсир кўргазди. У Пушкинга бағишлаб алоҳида шеърлар ёзди. Унинг халқ адабиётига, фольклорга мурожаат қилиши ҳам Пушкин асарини кўп ўқиш, уларни таржима қилиш туфайли бўлди, дейиш мумкин. У «Ойгул ва Бахтиёр», «Семурғ» каби дostonларини Пушкин эртакларидан таъсирланиш орқасида ёзди. Унинг «Зайнаб ва Омон»ида ҳам, қандайдир Пушкин дostonларининг ҳиди келади. Зайнаб кечаси ўз севгилиси ҳақида хаёл қилар, ўз севгилисининг ишқи билан ёнар, васл орзуси билан турли ўйларга борар экан, Татьянани эсга туширади. Бу ҳол шоир ижодига ҳусн бўлиб тушди. Бу ҳол унинг ижодини юксакка кўтарди ва унга салобат, жиддият, улуғворлик бахш этди» (6, 195).

Хассос лирик шоир ва улкан драматург Уйғун ижодининг балоғатга эришишида ва кун сайин янгидан янги фазилатлар

касб этиши, рангин хислатлар билан тўлишиб боришда ҳам мазкур таржималарнинг роли каттадир.

Рус адабиётига бўлган ана шундай қизиқиш Уйғуннинг «Бизнинг Пушкини», «Сўз сеҳргари», «Улуғ адиб», «Шеъринят булоғи», «Атоқли адиб», «Оташин шоир ва жамоат арбоби», «Дунё тургунча» каби илмий-оммабол характердаги мақолаларида ёрқин кўринади. Мазкур мақолаларда Уйғуннинг рус бадий дэхоларига бўлган эҳтироми ўз ифодасини топган. Шу залда Уйғун рус адiblари ҳаёти ва ижодини халқимиз ўртасида оммалаштириб қолмасдан, балки улар яратган нафосат оламнинг ҳаётбахш тароватидан баҳраманд бўлганлигини ҳам тан олади.

Бу жиҳатдан Уйғуннинг «Бизнинг Пушкини» ва «Шеъринят булоғи» мақолалари характерлидир. Ҳар иккала мақоланинг қам муҳим томони шундаки, уларда, аввало, ўзбек шоирининг рус поэзиясининг икки кўёшига бўлган оташин муҳаббати ва, иккинчидан, улар ижодидан олган сабоқлари эътироф этилади. Уйғун биринчи мақоласида Пушкин асарларига бўлган муҳаббатини, Пушкин асарларининг эстетик аҳамиятини, ўзига кўрсатган таъсирини шундай эслайди: «Эсимда, студентлик давримда Пушкин дostonларини овоз чиқариб ўқишни севардим. Чунки Пушкин шеърларининг мазмунигина эмас, балки оҳанги, мусиқаси ҳам, Пушкин тилининг шираси, ранго-рэнглиги, жилваси ҳам менга чексиз завқ ва ҳузур бағишлар эди. Пушкинга нисбатан ўша ёшликда уйғонган чуқур муҳаббат, буюк ҳурмат ҳамон қалбимда чечак отмоқда» (6, 214). Мақолада кўрсатилишича, ўзбек шоирлари Пушкин асарларини, унинг 100 йиллиги муносабати билан, 1937 йилда ўргана бошлайдилар ва таржима қиладилар. Шоир бу тўғрида фикр юритиб, «таржима қилиш билан бирга биз улуғ бир мактабда - шеъринят мактабида дарс олдик», - деб ёзади.

«Шеъринят булоғи» мақоласида В.В.Маяковский шеъринини «юксак тоғ» деб таърифлайди, уни булоққа

ўхшатади. Маълумки, тоғ юксаклик ва абадийлик, булоқ эса барҳаётлик ва тинчимаслик рамзидир. Уйғуннинг бу шоир ижодига муносабати ана шундай. Мазкур мақолани ўқиган киши Уйғун Маяковский ижодидан нималарни ўрганганлигини яхши ҳис қилади. Бу ўрганиш, биринчидан, давр руҳини чуқур билиш ва ғоявий-тематик жиҳатдан бўлса, иккинчидан, бадий-эстетик нуқтаи назардандир.

Уйғун ўзбек адабиётининг буюк вакиллари Навоий, Муқимий, Ҳамид Олимжонга бағишланган тадқиқот характеридаги «Навоийнинг «Чор девон»и ҳақида», «Муқимий», «Шодлик ва бахт куйчиси», шунингдек, «Амин Умарий», «Ҳаёт ва шеърят ошиғи» каби мақолаларида, улуғ украин шоири Т. Шевченко ҳақидаги «Улуғ қўбизчи», буюк татар шоири Абдулла Тўқай ҳақидаги «Буюк шоир» каби адабий-танқидий мақолаларида ҳам рус адабиётининг ҳаётбахш таъсири, жаҳоншумул тарихий аҳамияти тўғрисида, рус ёзувчиларининг ибрат бўла оладиган адабий, ижтимоий-сиёсий мураббийлик фаолияти, халқчил фазилатлари, рус ва ўзбек адабий алоқалари тўғрисида салмоқли фикрлар айтади ва муҳим хулосалар чиқаради. Шоир «Ўзбек адабиётининг янада юксалиши учун» мақоласида шундай ёзади: «Илғор рус ёзувчилари билан Ўзбекистон адабиётчилари ўртасида ижодий дўстлик ўзбек халқи адабиётининг ривожланишига ҳаётбахш таъсир кўрсатди ва кўрсатмоқда.

Уйғун рус адабиёти анъаналари, айниқса, Пушкин анъаналари таъсирида Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Амин Умарий, В. В. Маяковский поэзияси таъсирида Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ҳасан Пўлат ижодида юз берган сифат ўзгаришларни, Навоий билан Пушкин, Салтиков-Шчедрин билан Муқимий ижоди ўртасидаги бир-бирига ўхшаш, яқин жиҳатларни тўғри топган ва бу ҳодисаларни илмий жиҳатдан объектив баҳолай олган. Уйғун поэзия сирларини чуқур эгаллаш учун ўзбек ёзувчиларини буюк рус ёзувчилари ижодий тажрибаларини пухта

ўрганишга даъват этади. У рус адабиётини «бадий маҳоратнинг олий мактаби»¹⁰⁰ деб таърифлайди. Маҳоратни «катта ҳаётий ҳақиқатни бера билиш санъати»¹⁰¹ деб тушунади. Т. Шевченко, Абдулла Тўқай, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Амин Умарий, Ғафур Ғулом бадииятда эришган ижодий жасоратни уларнинг рус тилини, рус адабиётини яхши билишида, деб билади ва уларнинг бу борадаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Уйғун Навоий ҳақида ўйлаганида ҳамиша унинг кўз олдида А. С. Пушкин туради, Пушкин ҳақида ёзганида ҳеч қачон Навоийни унутмайди. Бу иккала шеърият куёшини у ўзининг пири деб билади ва уларга шогирдлик таъзимини бажо келтиради. Фақат буларгина эмас, унинг диққат-эътиборидан Гоголь ва Чехов, Лермонтов ва Некрасов ҳам жой олган, шу туфайли уларни ҳурмат ва муҳаббат билан эслайди. Буюк рус адабиётига муҳаббат ғояси, айниқса, унинг «Улуғ қўбизчи» мақоласида равшан ифодасини топган.

Уйғун «Бадий маҳорат сари» мақоласида рус ёзувчиларининг ёш ижодкорларни тарбиялаш, мураббийчилик анъаналари соҳасидаги тажрибаларини ўзбек ёзувчиларига ўрнак қилиб кўрсатади. Бу жиҳатдан у А. Фадеев, К. Федин, И. Эренбург, М. Исаковский каби машҳур ёзувчиларининг ёшларга ғамхўрлик қилиш, тарбиялашдаги кўрсатган ғамхўрликлари ва жонбозликларини мисол қилиб келтиради. Унинг қаламига мансуб барча адабий-бадий, танқидий мақолаларда бундай ибратомуз масалалар тез-тез эсга олинади ва янги бўғинни тарбиялаш тўғрисида ажойиб фикрлар илгари сурилади.

Уйғуннинг рус адабиётига бўлган муносабатини белгилашда унинг замонавий рус ёзувчилари билан дўстона алоқалари ва улар билан ҳамкорликда ёзган асарлари катта аҳамиятга эгадир. Уйғун рус ёзувчилари билан яқиндан

¹⁰⁰ «Қизил Ўзбекистон», 1951 йил 25 май.

¹⁰¹ «Ўша ерда».

алоқада бўлиб, қизғин ижодий фаолият кўрсатди. У А.Н.Толстой, Н. Погодин, Н. Тихонов, , А. Фадеев, К.Симонов, С. Шчипачев, А. Ахматова, В.Шкловский, А. Спешнев, Владимир Державин, С. Северцов, А. Наумов каби ёзувчилар билан дўстона ижодий ҳамкорлик қилган. Бундай ижодий ҳамкорлик туфайли Уйғун ижодиёти бойиди ва ривож топди, ўзбек адабиёти катта фойда кўрди. А.Н. Толстой билан Уйғун ўртасида пайдо бўлган устоз – шогирдлик алоқалари меваси сифатида «Она» драмаси майдонга келди. Бу таниқли рус ёзувчисининг ўзбек шоирига кўрсатган ҳурмати нишонасидир. Шу масала хусусида Уйғун устози туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан ёзилган мақоласида қуйидагиларни хотирлайди: «...Мен ҳам у кишининг дўстлигига ноил бўлганим билан ҳамиша фахрланаман. Бизнинг ижодий муносабатларимиз тобора мустаҳкамланиб борди. Драмаларимдан бирини ёзиш жараёнида Алексей Николаевич ўзининг маслаҳатларидан баҳраманд бўлганман. Бунинг учун устоддан бир умр миннатдорман»¹. Машҳур драматург Н. Погодиннинг Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Собир Абдулла билан ҳамкорликда ёзган «Ўзбекистон қиличи» пьесаси ё у яқинлик ва ижодий ҳамкорликнинг яна бир олтин саҳифасини ташкил этади². Жаҳоний шуҳратдор «Алишер Навоий» фильми сценарийсини Уйғун ва Иззат Султон В. Шкловский, А.Спешнев билан ҳамкорликда яратишди. Муҳим эстетик аҳамиятга эга бўлган бундай адабий алоқалар туфайли ўзбек адабиётида драма, киносценария каби оз тараққий этган жанрлар ривожига тезлашди.

Уйғун рус адабиётига, унинг асосчилари ва вакилларига бўлган оташин муҳаббатини, шогирдлик эҳтиромини бадий асарларида ҳам ифодалайди. Унинг А.С.Пушкин Л.Н.Толстой, В.Г. Белинский, Н. Островскийга бағишлаб ёзган турли

¹ "Тулистон", 1983, 1-сон, 6-бет.

² Ҳамидова Т. Рус – ўзбек адабий алоқалари тарихидан. – Тошкент, 1977, 179-193-бетлар.

жанрдаги асарларида рус адабиётининг эстетик аҳамияти, фазилятлари кўрсатилди. Маъшур рус адiblари образини яратиш жараёнида Уйғун улар ижодига хос маҳорат сирларини эгаллашга мўяссар бўлди¹⁰⁴.

Уйғун ижодиётининг шаклланиши ва ривожда ўзбек классик адабиёти ва халқ оёзак ижоди анъаналари сингари рус адабиёти ютуқларининг таъсири ҳам каттадир. Бу таъсир Уйғун шеърятининг камол топишида қандай роль ўйнаган бўлса, унинг ижодида драматургия жанрининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши ҳам шундай роль ўйнади. Уйғун янги тилдаги ўзбек шеърятини яратиш ва ривожлантиришда буюк мумтоз ва замонавий шоирлар ижоди таъсирида қаләм тебратган бўлса, ўзбек драматургияси тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган асарларини яратиши В. Шекспир, А.С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов сингари жаҳон адабиёти намояндалари анъаналаридан илҳомланди.

Уйғун ижодининг шаклланиши ва ривожда маълум даражада рус классик адабиёти вакиллари асарлари самарали таъсир қилган, дедик. Бу улуғ санъаткорларнинг ижодий тажрибалари Уйғун шеърятининг шакл, бадиий-эстетик жиҳатдан рангин, инсонпарварлик пафосининг юксак, халқчил ва ҳаётий бўлишида катта роль ўйнади. Уйғун шеърятининг ривожда, айниқса, Пушкиннинг таъсири сезиларлидир. Уйғун бу буюк шоирга бўлган сўнмас муҳаббатини унга бағишлаган шеърларида, таржималарида, мақолаларида ёрқин ифодалаган. Пушкин шеърятига хос романтик рух, романтик образлар, содда реалистик услуб каби фазилятлар Уйғун ижодига ҳам яқин.

Уйғун ижодида лирика, поэма, баллада, мактуб драматургия жанрларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожда, поэзияси услубининг содда, ёқимли фикрчан.

¹⁰⁴ Қораев Т. Рус адабиёти ва Уйғун ижодиёти. – Тошкент, 1981, 13-15-бетлар.

нафис бўлишида ҳам бошқа манбалар қатори Пушкин бадий иланишларининг роли катта.

Рус адабиётида шеъриятни оддий халқ тилига яқинлаштиришга уриниш тамойили Пушкин номи билан боғлиқ. Пушкин ижодига хос бу анъанани замонавий миллий шеъриятда Уйғун ҳам давом эттирди. Уйғун ижодига хос шарқона донолик фазилатининг шаклланишида Навоий, Фузулий каби буюк мутафаккирларнинг роли муҳим бўлганидай, европача соддалик хусусиятининг қарор топишида А. С. Пушкин ва В.В. Маяковский каби шоирларнинг таъсири катта. Уйғун ҳар қандай муаммони давр талабига мувофиқ содда ифодалаш санъатини, меҳнаткаш халқ ҳаётини ҳар томонлама пухта, ҳаётий тасвирлаш йўллариини ҳам Пушкиндан ўрганди. Уйғун ижодида шеърий драма жанрининг пайдо бўлишида, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Зебунисо каби буюк тарихий шахслар образининг яратилишида Пушкин ижодига мансуб «Борис Годунов» шеърий трагедиясининг таъсири катта. Бу таъсир, айниқса, «Алишер Навоий» шеърий драмасида равшан кўринади. Бу борада Уйғуннинг ўзи қўйидагиларни хотирлайди: «...Иззат Султон икковимиз Уйғуннинг маслаҳатларидан баҳраманд бўлиб турганимиз ҳолда, пьеса ёзишга киришдик. Бундан аввал шеъриятда орттирилган тажриба мана шунда қўл келди; шоир ҳақидаги драма Пушкиннинг «Борис Годунов»ига ўхшаш шеър билан ёзилиб, айрим жойларида насрий саҳналари бўлиши керак эди»¹.

«Борис Годунов» ҳам, «Алишер Навоий» ҳам, асосан, шеърий усулда, кўтаринки романтик руҳда ёзилган ва трагик хусусиятга эга.

Пушкиннинг «Сувда ўлган одам» балладаси билан Уйғуннинг «Фашистнинг ўлиги» (1943) балладаси ўртасида ҳам шундай ҳамоҳанг аломатлар мавжуд. Бу иккала баллада

¹ «Шарқ юлдузи», 1974, 6-сон, 205-206-бетлар.

ҳам ўликни кўмиш воқеаси - тугундан бошланади ва у тез тараққий қилади. Воқеабандлик, драматизмнинг кучлилиги, якунининг бир хиллиги жиҳатидан ҳам бу асарлар бири-бирига ўхшайди. Аммо Пушкин балладасида тасвирланган ўликнинг кимлиги, манзили ва нима учун, ким томонидан ўлдирилиши, хўрланиши сабаблари баён қилинмаган. Уйғун балладасида бу жиҳатлар ўзининг етарли ифодасини топган. У ўзга юртларга бостириб қирган фашизмнинг вакили, уни ёвузлиги учун «бир ботир» аскар ўлдирган. Ёвузлиги, қон тўкканлиги сабабли ундан ер ҳам, тоғ ҳам, дарё ҳам, қир ҳам хазар қилади, бағридан жой бермайди.

Дастлабки миллий рус балладаси ва В. Г. Белинскийнинг эътирофига сазовор бўлган «Сувда ўлган одам» асарида Пушкин мазкур воқеанинг балладабоплигига, замон зарбидан чўчиб умр ўтказаетган рус деҳқонининг тақдирига эътибор қилган. Ўлик воситасида Пушкин афсона яратади. Афсона воситасида чоризм истибдодини фош этади. У воқеабандликка, руҳий, психологик жиҳатларга эътибор қилади.

Уйғун ўз ижодий палитрасига биноан жонлантириш (унда ер, тоғ, дарё, қир жонлантирилади), бўрттириш, манзара яратиш усулидан фойдаланади. Воқеани драматик ҳолатда баён қилади.

Муҳими, А. С. Пушкин анъаналари туфайли ўзбек адабиёти балладанинг классик турига мансуб бир асар билан бойиди. Бундай ҳолни Уйғуннинг бошқа асарлари мисолида ҳам равшан кўриш мумкин.

Демак, А. С. Пушкин анъаналарини ўзлаштириш туфайли Уйғун ижодиёти ўзбек адабиётида кам тараққий этган драма, баллада, мактуб, граждандлик лирикасига мансуб асарлар билан бойиди, содда услуб кашф этди, реалистик хусусиятларини ривожлантирди.

Уйғуннинг Н. А. Некрасов ижодидан самарали илҳомланганлиги унинг «Россия», «Темир йўл» ва «Рус халқи» шеърлари таъсирида ёзилган асарларида равшан кўринади.

Бу традиция. айниқса, Некрасовнинг сеvimли мавзулари ва образлари таъсирида ёзилган Уйғуннинг «Волга» (1969), «Бурлоқлар» (1969) шеърларида ёрқинроқ кўринади. Уйғун Некрасовнинг машҳур «Волга бўйларида» (1860) шеъри таъсирида ёзилган мазкур асарларида буюк рус шоири шеъриятига хос халқчиллик пафосини давом эттиради.

Маълумки, Некрасовнинг «Волга бўйларида» шеърида ватанпарварлик ва демократик ғоялар илгари сурилган. Рус халқининг қалбидаги орзу-армонлар ифодаланган, бурлоқларнинг оғир ва жафоли ҳаёти, шоирнинг улар ҳолига ачинганлиги, Волга дарёсига бўлган улкан муҳаббати (у Волгани «бешигим» дейди) ўзининг реалистик ифодасини топган.

Шу асар таъсирида яратилган Уйғуннинг «Волга» шеърида самимий дўстлик туйғулари, Волга дарёсининг тарихда тутган ўрни ва ҳозирги кунлардаги аҳамияти, таърифи, таъсифи гўзал баён қилинган.

Бундай яқинлик аломатлари Некрасовнинг «Темир йўл» поэмаси билан Уйғуннинг «Уфа йўлида» балладасида ҳам учрайди. Биринчидан, ҳар иккала асарда ҳам воқеа суҳбат усули асосида баён этилган. Некрасов мазкур поэмани суҳбат асосида қурилганлигини эътироф этиш мақсадида «Темир йўл» сарлавҳаси остида берилган эпиграфдан кейин қавсда «Вагондаги суҳбат» деб ёзиб қўйган. Бу ёзув асарнинг суҳбат йўлида ёзилганлигини белгилабгина қолмасдан, балки унинг иккинчи номи вазифасини ҳам бажаради. «Темир йўл» да лирик қаҳрамон Ваня билан суҳбатлашса, «Уфа йўлида» балладаси лирик қаҳрамон ва асар қаҳрамони суҳбатни асосида қурилган, иккинчидан, ҳар иккала асарда ҳам воқеа йўлда кечади ва қаҳрамонлик ғояси илгари сурилади. Учинчидан, иккала асар ҳам табиат манзаралари таърифига бағишланган бўлимлар билан бошланади. Лирик муқаддима вазифасини бажарувчи мазкур бўлимларда лирик қаҳрамонлар маънавий оламига хос ватанпарварлик туйғулари гўзал ифодасини топган. «Темир йўл» поэмасининг

лирик муқаддимасида Россиянинг куз фаслидаги ажойиб табиат манзаралари зўр санъаткорлик билан яратилган бўлса, Уйғуннинг балладасида Бошқирдистоннинг қиш пайтидаги пейзажи тасвирланади. Шундан кейин асар марказида турган асосий масалани Некрасов уч бўлимга бўлиб ифода этса, Уйғун уни бир бўлимда баён этади ва балладани лирик хотима билан тугатади. Юқоридагилар мазкур асарлар тасвир усули, баён методи ва композицион қурилиши жиҳатидан бир-бирига яқин эканлигини кўрсатади.

Бу асарлар ўртасида маъзу, образ, восита танлаш ва улардан фойдаланишда ҳамоҳанглик кўзга ташланса, ғоявий мотивлари, ифода усуллари ва методи жиҳатидан ўзига хослик хукмронлик қилади. Некрасов ўз шеърида Волга дарёси воситасида рус халқи тақдирига ачинаш ҳисларини, унинг озодлигини кўмсанг туйғуларини ғамгин оҳангда баён этган бўлса, Уйғун «Волга» шеърида бирлик, қардошлик ғояларини кўтаринки руҳда ифодалайди. Уйғуннинг «Бурлоқлар», «Ёнадиган бўлсанг, яллиғланиб ён» ва бошқа асарлари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Амин Умарий, Султон Жўра, Мамарасул Бобоев, Миртемир каби ўзбек шоирлари ҳам Уйғун сингари рус шоири Некрасов анъаналарини маълум даражада давом эттирганлар. М. Юнусовнинг «Поэзиямиздаги Некрасов анъаналари ҳақида»² мақоласида бу ҳақда эътиборга лойиқ фикрлар баён қилинган.

30-йиллар адабиётида воқеаларни ҳужжатга асосланиб тасвирлаш тамойили кучайди. Аслида ҳужжатлилик - англашилган тарихийлик принципини рус адабиётида А.С. Пушкин бошлаган эди. Унинг «Капитан қизи» повестига Пугачёв кўзғолони воқеаларининг асос бўлганлиги бизга аён. Шоирнинг «Дубровский» асари, «Борис Годунов» трагедияси,

² Юнусов М. Барҳаёт анъаналар. – Тошкент, 1969, 142-148-бетлар.

«Евгений Онегин» романи тўғрисида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Замонавий сўз санъатида М. Горький А. С. Пушкин ижодида зухур топган ҳужжатга таяниш тамойилига эътиборни қаратди.

Уйғун (1934), «Қуёш ўлкасига» (1935), «Лочинлар» (1936), «Ҳаёт китобида ўчмайди сира» (1936—1937) каби машҳур шеърларини, «Жонтемир» (1931), «Гуласал» (1934) каби дostonларини, «Шоир ҳақида баллада»сини, «Алишер Навоий», «Навбахор», «Хуррият», «Парвоз», «Қотил», «АбуРайҳон Беруний», «Абу Али ибн Сино», «Зебунисо» каби драмаларини шу принцип асосида яратди.

Мазкур асарларни яратганда шоир, албатта, бадиий адабиётнинг умумлаштириш принципларидан, шартлилик хусусиятларидан фойдаланганлиги табиий, аммо муҳими шундаки, адабий-бадиий шарт-шароит аниқ воқеа ва шахсларни бадиий тасвирлашни тақозо этмоқда эди. Бу принцип асосида ҳаёт ҳақиқатини очиш, албатта, ўзига хос мураккабликларга ҳам эга. У бир жиҳатдан санъаткор учун осон, чунки у ўзи билан бирга яшаётган ва «ёнида паспорти бўлган одам» ва ёки ўтмишда ўтган аниқ бир тарихий шахс ҳақида ёзиши керак. Иккинчи жиҳатдан, қийин, чунки у тарихий-илмий асар ё очерк ёзаётгани йўқ, балки бадиий асар ёзаяпти. У яратаётган қаҳрамон кимнингдир нусхаси бўлиб қолмаслиги, балки маълум бир табақанинг умумлашган характери даражасига кўтарилиши лозим. Шундай қилиб, ижодкор олдида тарихий ҳақиқатни бузмаслик шarti билан бирга бадиият қонунларига амал қилиш бурчи кўндаланг бўлиб турар эди.

Замонавий адабиётга хос бундай хусусиятни Уйғун 30-йилларда пухта ўзлаштирди.

Янги поэзияда яратган Анорхон, Аширгул, Башорат, Гагарин, Терешкова каби образлари ҳам худди шу принцип асосида яратилган эди. Шу сабабли улар эл ўртасида тез

шуҳрат қозонди. Ҳамонки, оммага меҳнат ва курашда ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Уйғун билан қурган суҳбатларимиздан бирида баҳс бадий асар қахрамонлари ва прототиплик хусусида кетди. Шунда адиб «Хуррият» драмасининг ёзилиш тарихи ҳақида ҳикоя қилиб берди: Қашкадарё воҳасига қилган одатдаги сафарларидан бирида ёзувчи Нозик Чалаева деган бир раҳбар аёл билан учрашиб қолади ва мезбоннинг таклифига мувофиқ у бошчилик қилаётган туманда меҳмон бўлади. Районда юз бераётган бунёдкорликларни, халқдаги ғайрат-шижоат ва ташаббускорликни ўз кўзи билан кўради. Нозик Чалаеванинг ҳудудни тадбиркорлик, ташкилотчилик, актидор билан бошқараётганлиги, унинг характериға хос дадиллик, қатъийлик, фидойилик, халқпарварлик каби ҳислатлар адибни ҳайратға солади. Сафардан кейин шоир Нозик Чалаева мисолида ўзбек аёли тақдирида юз берган ўзгаришлар ҳақида асар яратишға қарор қилади. Шу тарзда машҳур «Хуррият» драмаси майдонға келади. Ундаги Хуррият образининг пайдо бўлишида эса Нозик Чалаева прототип ролини ўйнаган.

Уйғун ўзбек адабиётининг тарғиботчиси ва билимдони А.Наумов билан қилган суҳбатида «Навбахор» драмасининг ёзилиш тарихи тўғрисида ҳам шунга ўхшаш фикрларни олға суради³. Ана шу фактларда ҳам М. Горький ижодиётиға хос англашилган тарихийлик принципи муҳим аҳамиятға эга эканлиги ўзини намойиш қилиб турибди. Бундай мисолларни эса Уйғун ижодидан кўплаб келтириш мумкин.

Уйғун ижодига хос халқ ҳаётини чуқур бадий таҳлил қилиш, кашф этилмаган ҳаёт қатламларини содда, равон услубда баён этиш, меҳнат кишилари ҳаётини муҳаббат билан тасвирлаш, инсон концепциясини пафос даражасига кўтариш, янгиликни улуғлаш каби хусусиятларнинг камол

³ «Шарқ юлдузи», 1975, 1-сон, 208-212-бетлар.

топишида ҳам Горький бадний тажрибалари муҳим эстетик аҳамият касб этган.

Хуллас, М. Горький традицияларига амал қилиш туфайли Уйғун ижодиёти тематик-ғоявий, образлар галереяси, жанрлар хилма-хиллиги бадний-эстетик жиҳатдан ривожланди, халқчиллиги, реализми кучайди, қамрови кенгайди, турмушга муносабати фаоллашди.

Ғафур Ғулום, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Ойбек, Уйғун 30-йилларда рус шоирлари анъаналари таъсирида янги ўзбек шеърини яратдилар. Янги ўзбек шеъри, аввало, мавжуд ҳаёт талаби ўзбек фольклори анъаналари таъсирида яратилган.

Маълумки, новатор шоир В. Маяковский ўз ижодида ижтимоий ва халқаро мавзуларга катта эътибор берар, шу билан бирга, шеърятга янги поэтик усулларни олиб киришга интилувчи ижодкор эди. Масалага шу жиҳатлар нуқтаи назаридан қарасак, Уйғун лирик ижодида мана шу таниқли шоирга эргашиш, унинг адабий-бадний тажрибаларини давом эттиришга ўрниш хусусиятлари аниқ кўринади.

Уйғун 30-йилларнинг охири ва 40-йилларнинг бошларида халқаро, тинчлик, тараққиёт мавзуларида диққатга лойиқ шеърлар ёзган. Бундай шеърлардан «Она», «Бельбао қизи», «Тарих осиб ўтар лаънат дорига» шеърлари характерли. Анъанавий вазн ва шаклда ёзилган мазкур шеърларда ўша кунларнинг сиесий руҳи ва шоирнинг халқаро воқеаларга муносабати ёрқин кўринади. Уйғун ижодига хос шундай ҳаётний руҳ 50-йиллар шеъриятида янада кучайди. ўзгача тарзда кўринди ва оҳангда жаранглади. Эслатиб ўтилган шеърларда шоирнинг изланганлиги нафақат шеърний қурилма ва оҳангнинг янгилигида, балки ифода усуллари, образлар, деталлар ва поэтик санъаткорликнинг ўзинга хослигида ҳам равшан намоён бўлган.

Масалан, Уйғуннинг «Тинчлик кабутари» шеъри 15 бўғинлик бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, у 8/7 туроқларига

ажратилган ва мазкур туроқлар синдирилиб, мисраларга айлантирилган. Натижада ҳар бир банди 8 мисрадан иборат, тоқ мисралари саккиз хижодан, жуфт мисралари етти хижодан ва тўртинчи, саккизинчи мисралари қофияланган шеър тури пайдо бўлган. Фикримизга шеърдан келтирилган қуйидаги банд мисол бўлади:

Жаҳон бўйлаб учиб юрар
Ок кабутар — қумуш қуш,
Тинчлик қуши, нажот қуши,
Ҳаёт қуши, эрк қуши,

Олам-олам севинч солар
Миллионларнинг қалбига,
Кабутарнинг тиним билмай.
Мағрур канот силкиши(1, 350).

«Тинчлик кабутари» шеъринида қўлланган бу шеърини шакл эвал «Гуллар хужуми» шеъринида ишлатилган эди. Шундан кейин шоир «Байроқча» шеърини ҳам шу усулда ёзди. Маълумки, реализм адабиёти бадий асарларнинг мазмуни ҳаётини ва ранг-баранг бўлиши лозимлигини талаб қилиши билан бирга унинг шакли ҳам етук, хилма-хил ва гўзал бўлиши кераклигини тақозо этади. Масалага шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Уйғун мазкур шаклни бир неча шеъринида такрорлаб, шаклий қусурларга йўл қўйди. Бу ҳол унинг янги шакл излашга ҳаминча ҳам эътибор қилмаганлигидан далолат беради.

Шеърдан келтирилган мисраларда Уйғун шеъринига ҳос соддагина фикрлаш усули поэтик ҳукмларни тасдиқловчи вазмин публицистик оҳанг билан ўзбек тилига ҳос равон, нафис, жозибали рух қўшилиб кетганлиги равшан намоён бўлади. Масалага шоирнинг санъаткорлиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мазкур асардаги тасвирини

воситалар ва образли ибора, ифодалар, бадий сўзга заргардек муносабатда бўлиш ҳоллари шеър устида шоир жиддий меҳнат қилганлигидан далолат беради. Шоир «Тинчлик кабутари» шеърининг биринчи бандида ифода этилаётган масаланинг моҳияти ва унинг бутун дунё меҳнат ахлига дахлдорлиги ҳақида китобхонга маълумот бериш билан бирга тинчлик символи - кабутарнинг сифат ва фазилатлари ҳақида ҳам синонимлардан ўринли фойдаланиш орқали бадий образ яратади. Унга хос оқ куш, кумуш куш, тинчлик, нажот, ҳаёт, эрк куши каби сифатлашлар орқали кабутарнинг яхшилик тилакдоши эканлигини тасдиқлайди.

Уйғуннинг ўзбек ҳажвий поэзияси тарихига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган сатирик шеърлари ҳам В. В. Маяковский бадий тажрибаларидан холи эмас. Бу ерда гап Маяковский билан Уйғун ижодида равшан кўзга ташланадиган порахўрлик, лаганбардорлик, шуҳратпарастлик, тартиббузарлик, тўрачилик, ғийбатчилик, мажлисбозлик, безорилик каби иллатларга қарши кураш тамойили ҳақидагина эмас, балки мазкур шоирлар ғоявий-эстетик кредосига хос хусусиятлар ва ижодкорнинг фаол ижтимоий ўрни тўғрисида кетяпти. Айрим кишиларга хос бундай иллатларни В.В. Маяковский «Лаганбардор», «Мажлисбозлар», «Ғийбатчи», «Арбоб», «Пролетар шоирларига мактуб» каби шеърларида қанчалик фош қилган бўлса, Уйғун «Ўғри», «Порахўр», «Безори», «Ғийбатчи», «Оқпадар», «Туристлар», «Ёмон танқидчи ҳақида», «Бир душман бор», «Шошилма», «Лаганбардор ва шуҳратпараст бошлиқ ҳақида» шеърларида фош этади.

Уйғуннинг уруш давридаги ижодиёти билан машхур рус ёзувчиси К. Симоновнинг шу йиллардаги шеърлари ўртасида ҳам яқинлик, ҳамнафаслик, ҳамоҳанглик хусусиятлари сезилади. Давр нуқтаи назаридан қаралганда, бундай яқинлик, ҳамоҳанглик хусусиятлари ўша йилларда ижод этган бошқа

сўз санъаткорлари ижодига ҳам хосдир. Аммо бадиий адабиётнинг бу икки забардаст вакили ижодиёти ўртасида даврга тегишли ғоявий яқинликдан ташқари яна фақат шу икки санъаткорнинг ўзига хос ўхшаш томонлар ҳам учрайди⁴. Бундай ўхшаш томонлар К. Симоновнинг «Мени кутгил» (1941), «Эслайсанми, Алёша, Смоленск йўлларини» (1941), «Очиқ хат» (1943) шеърлари билан Уйғуннинг «Бир қадам ҳам ортга силжиш йўқ» (1942), «Кел», «Кут», (1943), «Бевафога», «Келади» (1944) шеърлари ўртасида мавжуд.

Жангчи шоир К. Симоновнинг юксак шеърий истеъдоди туфайли майдонга келган ва халқнинг севимли асарлари қаторидан мустаҳкам жой олган «Мени кутгил» (Шеърни Ҳамид Олимжон катта маҳорат ва чуқур муҳаббат билан таржима қилган) шеърида ғалаба онларини истиқбол билан кутаётган, бутун борлиғини яқин ва муқаррар ғалабага тиккан аскарнинг олижаноб қалби кўзгуда кўрингандай намоён бўлса, шу шеърга жавоб тариқасида ёзилган, уруш йиллари ўзбек поэзиясининг ютуғи ҳисобланган Уйғуннинг «Келади» шеърида ўз ўғлини, ёрини, жигарини интизорлик билан кутаётган халқимиз вакилларига далда берилади, ғалабага ишонч кўрсатилади. Бу шеърнинг уруш йилларида кишиларга кўрсатган таъсири тўғрисида профессор Л. Қажумов қуйидагиларни ҳикоя қилади: «Мен Қўқондаги Ҳамза номли театрдаги бир концертни зслайман. Ёш артист саҳнада «Келади» шеърини руҳланиб ўқияпти... Зал жангчиларнинг биродарлари, оналари, хотинлари, болалари билан лиқ тўла эди.

Шеър аскарнинг ота-онасига мурожаат қилиб, кўпдан бери хат олмагани учун ташвиш тортаётганлиги ҳақидаги сўзлар билан бошланади. Сўнгра унинг қандай жанг қилаётганлиги ҳақида гапирилади. Шеър қўл қовуштириб

⁴ Шундай ўхшаш томонлар Д. Беднийнинг «Ленинград» (1941), «Ғазаб» (1942) шеърлари билан Уйғуннинг «Ленинград» (1942), «Ғазаб ва муҳаббат» (1943) шеърлари ўртасида ҳам учрайди. – Қ.Т.

Ўтирмасликка, бор куч билан меҳнат қилишга чақирик билан тугалланарди, чунки ғалаба яқин ва ғолиб жангчи уйига қайтиб келади. Залдагилар жимжит бўлиб тинглашарди. Одамлар шоирга ишонишди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлишини ва орзикиб кутилган ғалаба яқинлигини ҳис қилишди.

Кўпгина кишилар рўмолча билан кўз ёшларини артишган бўлса ҳам, кўнгиллари равшан тортди. Мен ўша пайтда поэзиянинг одамга нақадар зўр таъсир қилишини ўз кўзим билан илк бор кўрдим...»¹⁰⁹. Урушнинг бошида ёзилган «Мени кутгил» шеърида баён қилинган садоқат мавзуи урушнинг охирида ёзилган Уйғуннинг «Келади» шеърида давом эттирилади ва садоқат, эътиқод бўлган жойда албатта ғалаба тантана қилади, деган муҳим поэтик ғоя баён қилинади. Шу жиҳатдан ҳар иккала шеър ҳам ғалаба симфониясидек жаранглайди. К. Симонов «Мени кутгил» шеърида урушга нафрат, Ватанга садоқат ғоясини, халқдаги юксак жанговор руҳни интим мавзу воситасида новаторона ифода этган бўлса, Уйғун шундай ғояни ўз шеърида миллий ахлоқ идели ёрдамида чуқур, ҳаётий ва оташин тасвирлайди. Ҳар иккала шеърнинг ҳам лирик қаҳрамони қиёфасида фидоий кишиларига хос энг муҳим сифатлар ўз ифодасини топган. Шундай типдаги мукамал шеърлар ҳақида фикр юритганда, кишининг хотирасига Абдулла Ориповнинг «...Мен шоирдан бир нарсани талаб қиламан: мазмунда ҳаётийлик, шаклда санъат бўлсин»¹¹⁰, деган сўзи эсга келади. Юқоридаги иккала шеърнинг мазмуни чиндан ҳам ҳаётдай ҳаётий, формаси санъатча гўзалдир.

Тинчлик аскарига ҳурмат ва муҳаббат руҳи билан суғорилган К. Симоновнинг машҳур «Очиқ хат» шеърида фронтда жон олиб, жон бераётган эрига бевафолик қилган

¹⁰⁹ Ҳажомов Л. Замондошлар. – Тошкент, 1972, 117-бет.

¹¹⁰ "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1983 йил 26 сентябрь.

бир аёлнинг тубан қиёфаси фoш қилинади ва бевафо аёл тимсолида садоқатга хиёнат ғояси такрорланмас бир тарзда тасвирланади. Уруш йилларидаги маълум бир ҳаётий ҳақиқатни катта бадий ҳақиқатга айлантирган бу шеърнинг сиёсий-ғарбиявий аҳамияти ҳозирги кунларда ҳам оз эмас.

Уйғуннинг севги ва садоқат мавзуида ёзилган шеърларида, «Вафо» поэмасида урушда душманга қарши омонсиз курашаётган жангчи билан фронт орқасида ғалабани мустақкамлаётган ватанпарвар кишилар ўртасидаги маънавий бирлик, самимий муносабатлар ва уларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати, сўнмас севгиси ҳаётий ифодасини топган. Уйғуннинг шундай характердаги шеърлари билан К. Симоновнинг «Очиқ хат», «Мени кутгил» шеърлари ўртасида ҳамоҳанг томонлар кўп топилади.

Уйғуннинг «Бевафога» (1944) шеъри ҳам К. Симоновнинг «Очиқ хат» шеъри таъсирида ёзилган. Маълумки, бу шеърда ҳам вафо ва садоқатни оёк ости қилган бевафо ёрнинг хиёнати шоирнинг қаттиқ қаҳру ғзабига учрайди. Садоқатга хиёнат қилган аёл образи воситасида Уйғун ҳам К.Симонов каби вафо ва садоқатни улуғлайди. «Очиқ хат» ва «Бевафога» шеърларининг севиб ўқилиши, ёддан айтилиши, мактубларга илова қилиниши уларнинг ҳаётий ҳақиқат билан суғорилганлигидан далолатдир. Шунга ўхшаш яқинлик аломатлари С. Шчипачев ва А. Сурков, А. Твардовский ва А.Ахматова каби рус шоирлари шеърляти билан Уйғун шеърлятида ҳам кўзга ташланади.

Уйғуннинг лирик, сатирик, лиро-эпик, драматик ва эстетик тафаккур тарихида эришган ютуқлари тўғрисида фикр юритар эканмиз, бу борада татар, озарбайжон, қозоқ украин адабий традицияларининг ҳам роли самарали бўлганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Рус адабиётининг ҳаётбахш ютуқлари туфайли Уйғун ижодиёти ғоявий-тематик, образлар системаси бадий-эстетик жиҳатдан ҳам, услубий йўналишлар, поэтик

формалар, жанрлар, тасвирий воситалар жиҳатидан ҳам ривожланди, ранг-баранглик касб этади, Уйғун ижодиётидаги граждонлик пафоси, ижтимоий сиёсий оҳанг, ҳаққонийлик, замонавийлик, ҳозиржавоблик каби принципларнинг шаклланиши ва ривожидида ҳам рус адабиёти анъаналарининг ўрни бор.. Миллий адабиётлар ўртасидидаги адабий-бадий алоқа, таъсир туфайли Уйғун новатор санъаткор сифатида шуҳрат қозонди. Қардош мамлакатлар, чет эллар адабиётлари эришган ютуқларни ўзбек халқи ўртасидида оммалаштиришида ва ўзбек адабиётида катта воқеа бўлган асарларни жаҳон доирасига чиқишида мана шундай алоқа ва таъсирнинг ўрни каттадир.

II боб. ЛИРИК ПОЭЗИЯДА АНЪАНА ВА МАҲОРАТ

Лирик жанрлар ва поэтик шакллар таснифи

Ўзбек оғзаки ва ёзма адабиёти, қардош халқлар ва жаҳон адабиёти традициялари заминидида, асосидида вужудга келган ўзбек лирик поэзияси юксак ғоявий асосларга эга бўлиши билан бирга, турли жанрлар ва поэтик шаклларга бойлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Мазкур ҳаётбахш анъаналар замонавий ўзбек поэзиясининг пайдо бўлиши ва шаклланишида пойдевор ролини ўйнаган. Ана шу муҳим ҳаётий омиллар туфайли ўзбек лирик поэзиясида қисқа давр ичида янги сифат ўзгаришлари пайдо бўлди ва у бадий адабиёт ривожига хизмат қила бошлади. Халқчиллик, ҳаққонийлик, замонавийлик принциплари асосидида иш юритган, юксак инсонпарварлик пафосига ва хилма-хил жанрлар, поэтик шакллар, тасвирий воситаларга эга бўлган ўзбек лирик поэзияси йигирманчи асрда бой тажриба орттирди ва жаҳон халқларининг эътиборини тортди.

Тўғри, юз йиллар давомида яратилган ғазал, мактуб, фард, рубоий, марсия, туюқ, қитъа, сокийнома, чистом, муаммо, манзума каби анъанавий жанрлар; мухаммас, мусаллас, мусаддас, мурабба, мусабба, маснавий, мусамман, тасни, машру, мустазод каби қадимий поэтик жанрлар тинчлик, меҳнат, тараққиётни куйлашда яхши синовдан ўтди ва ҳозирги кунларда ҳам хизматини адо этмоқда. Бу жиҳатдан янги ўзбек адабиётининг бешигини тебратган Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Айний, Завқий, Сўфизода, Авлоний, Аваз Ўтар ва биринчи бўғини вакиллари Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Уйғун, Собир Абдулла, Ғайратий, Ҳабибий, Чархий, Васфий, Шариф Нурхон, Восит Саъдулла, Чустийларнинг ижодиёти диққатга сазовордир.

Янги типдаги лирикага хос хусусиятларни ўзида ифодалаган ижтимоий-публицистик лирика, интим лирика, рамзий лирика, воқеабанд лирика, ҳажвий лирика¹¹¹, табиат лирикаси деб номланган жанрлар муҳим эстетик қимматга эгаллиги ўз-ўзидан аён бўлади. Мазкур янги жанрларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиётида Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ойбек, Ғайратий, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Султон Жўра, Усмон Носир, Амин Умарий, Мамарасул Бобоев каби шоирларимизнинг ҳиссаси катта. Ижодий фаолиятида новаторлик хусусиятлари тонг юлдузидай чарақлаб турадиган адабиётимизнинг мазкур дарғалари асарларининг асосий қисмини ана шу янги жанрлардаги шеърлар ташкил этади.

Ўтмиш адабий анъаналари асосида, янги воқелик талаби, халқчиллик принциплари таъсирида пайдо бўлган ва шаклланган ўзбек лирикаси жанрларининг номланиши ва таснифини ҳар томонлама ўрганиб, бир ёқлама қилмасдан туриб, у эришган ютуқлар ва ўзига хос томонлар тўғрисида фикр юритиш қийин. Лекин лирик поэзияни жанрларга

¹¹¹ Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент, 1973, 96-бет.

бўлиш ва номлаш масаласига келганда, тадқиқотчилар турли-туман таснифлар, ҳар хил терминлар ва ёндашишларга дуч келишади. Бу масала рус адабиётшунослигида ҳам бартараф қилинмаган. Масалан, рус адабиётшунослари Л.И. Тимофеев⁸, Г.Л. Абрамович⁹, Л.В. Шепилова¹⁰, Г.Н. Поспелов¹¹, Н.А. Гуляев¹² томонидан ёзилган дарслик ва қўлланмаларда¹³, шунингдек, муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган қўлланмаларда ҳам рус лирик поэзияси, асосан, характерига кўра ва кўшимча ҳолда тематик-ғоявий ва тасвир усули принципига мувофиқ тасниф этилади. Лирик поэзия характерига кўра тасниф қилинганда ода, элегия, сатира, эпиграмма, эпитафияга ва баъзан мактуб (послание), эпиталом, дифирамбга бўлинса, тематик-ғоявий ва тасвир усули принципига кўра тасниф қилинганда, муҳаббат, фалсафий, гражданлик, сиёсий, пейзаж ва ватанпарварлик лирикаси каби жанрларга ажратилади. Барча жорий дарслик ва қўлланмаларда адабий маҳсулот классик тасниф – ода, элегия, сатира, эпиграмма, эпитафия асосида таҳлил этилади ва баҳоланади. Мазкур тасниф асосида иш юритганда, ўтмиш адабиёти маҳсулотини таҳлил қилиш ва баҳолашда ютуқларга эришилаётган бўлинса ҳам, янги замон лирикасини тасниф қилиш ва баҳолашда тадқиқотчилар турли-туман қийинчиликларга дуч келишмоқда. Натижада замонавий лирика эришган ютуқлар дарслик ва қўлланмаларда ўз ифодасини етарлича топмай қолаётир.

Чиндан ҳам В.В. Маяковский асосланган сарбаст шеърятни, унинг издошлари Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон,

⁸ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М., 1963, с. 340-352.

⁹ Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. – М., 1975, с. 236-241.

¹⁰ Шепилова Л.В. Введение в литературоведение. – М., 1968, с. 268-272.

¹¹ Поспелов Г.Н. Теория литературы. – М., 1978, с.273-280.

¹² Гуляев Н.А. Теория литературы. – М., 1977, с. 141-161.

¹³ Гуляев Н.А., Богданов А.Н., Юдкевич Л.Г. Теория литературы в связи с проблемами эстетики. – М., 1970, с. 315-324; Введение в литературоведение. – М., 1976. с.396-399.

Шайхзода, Уйғун лирикасини, у Н. Тихонов, А. Твардовский, К.Симонов, А. Сурков, С. Вурғун, М. Турсунзода, А. Тўқимбоев, Сакен Сайфулин Э. Межелайтис, Р. Ҳамзатов, К. Кулиев, Имант Знедонис, Е. Исаев ва Е. Евтушенко, М. Қаноат, Ў. Сулаймонов, Зулфия, А. Орипов шеърларини анъанавий принцип асосида тасниф қилиш, номлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш тўғри эмас. Уларни қандайдир қолиплар асосида эмас, балки ўзига хос, янги мезонлар асосида баҳолаш кутилган натижаларни беради.

Бундай бир томонламаликдан қутулиш учун лирик поэзияни тасниф ва таҳлил қилганда, бизнингча, уни икки даврга – йигирманчи асргачагача ва ундан кейинги даврга бўлиб тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина ҳар икки давр лирикасининг ўзига хос жанрий хусусиятлари, тематикаси ва образлари, ғоявий ва бадний-эстетик томонлари етарли тарзда инобатга олинган бўлади. Шундай қилинмай, тематик-ғоявий ва тасвир усули принципи асосида вужудга келган тасниф билан иш юритилганда мавжуд воқелигимизни ифодалашда фаол хизмат қилаётган ғазал, рубой, муҳаммас ва маснавий сингари анъанавий жанрларни ҳисобга олиш лозим бўлади. Ҳақиқатан ҳам, илмий-техника ривожига асрига хос жўшқин руҳни, инсониятнинг романтик туйғуларини анъанавий жанрлар ва шаклларда ифодалаш қийинчилик туғдириши мумкин.

Янги давр, янги инсон поэзия олдига янги талаблар қўйди. Ана шу ҳаётий талаблар асосида янги шеърят яратилди.

«Адабиёт назарияси» китобининг иккинчи томида ғазал, қасида, мурабба, рубой, қитъа каби лирик жанрлар ҳақида маълумот берилгандан кейин¹ ҳозирги ўзбек лирикаси жанр жанр қиёфасини белгилайдиган хусусиятлар тўғрисида илмий жиҳатдан асосланган фойдали фикрлар илгари

¹ Адабиёт назарияси. 2 томлик 2-том. – Тошкент, 1979, 261-269-бетлар.

Жумладан, унда бу тўғрида шундай ёзилади: «Лирикамининг бугунги жанр қиёфасини кўпроқ қоришиқ, эски, «соф жанр» талабларидан ҳоли, «универсал», синтетик шеърий шакл белгиламоқда. Бу шакл шеъриятимизда инсон ички дунёсини янада кенгроқ ўзлаштиришга қаратилган реалистик методнинг қарор топиши билан боғлиқ равишда рўёбга чиқаётир. Мазкур «қоришиқ жанр»нинг асосий белгилари нимадан иборат? Булар: а) лирик ифоданинг эркин парвози, б) кечинмалар диалектикасининг яратилиши; в) мушоҳада доирасига тушган энг увоқ майда-чуйдаларнинг ҳам шу ондаёқ қайд этилиши; г) бевосита нутқ - монолог билан тасвирларнинг алмашиб туриши; д) вазн ва турокнинг эркин қўлланиши каби хусусиятлардир. Лирик шеъриятнинг ижтимоий ҳаётга эркин аралашуви, социал тараққиётга янада кучлироқ таъсир ўтказишга интилувчи ана шундай универсал бир жанрнинг юзага чиқишига сабаб бўлди. Белинскийнинг «давр ғоялари бўлганидек, давр шакллари ҳам бўлади», - деган чуқур мазмуни фикрини хотирага олсак, манзара тагин ҳам ойдинлашади. Шу маънода лирикамиздаги ҳозирги ҳукмрон қоришиқ жанрни даврнинг шеърий шакли деб тавсифлаш мумкин»¹⁵. Мазкур фикрлар ўзбек лирик поэзиясини жанрларга бўлишдаги дастлабки жиддий изланишлар сифатидагина эмас, балки жанр тақдирини тўғрисидаги жиддий қайғуришлар натижаси сифатида ҳам эътиборга сазовор. Аммо шундай фойдали фикрлардан кейин мазкур икки томликда ўзбек лирикасини янгича номлаш ва тасниф қилишга қарши чиқилади ва қуйидаги хулосаларга келинади: «Бас, шундай экан, ҳозирги замон лирикасининг жанр системасини қайдан излаган маъқул? Адабиётшунослар бунга: «Бундай система кимга ҳам керак? Бугунги адабиёт тараққиёти шуни тақозо этармикан?»—деган савол билан

¹⁵ Ўша том, 267-бет.

этармикан?»—деган савол билан жавоб бермоқдалар»¹. Келтирилган иқтибосда илмий фикрлашдан кўра субъектив фикрлаш усули баланд туради. Бугунги адабиёт тараққиёти эса, аксинча, ўзбек лирик поэзияси ҳақида шундай баҳс юритиш ва уни янгича тизимга солиш, бир хулосага келиш кераклигини талаб қилмоқда.

Ўзбек лирик поэзияси жанрлари тақдирини ҳозирги замон нуқтаи назаридан ҳал қилиш бўйича «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати»да баён этилган фикрлар ва изланишлар мақсадга мувофиқ. Унда, биринчидан, лирик асарларнинг турлича тасниф этилаётганлиги, қадимда «лирик жанрларни мазмун ва шакли жиҳатидан қатъий чегаралашга интилиш» бўлганлиги, ҳозирги вақтда унинг сиёсий, пейзаж, фалсафий, ишқий, ҳажвий кўринишлари борлиги айтилади, иккинчидан, тасвир принциплари жиҳатидан классик лирика билан ҳозирги лирика ўртасидаги фарқни белгилашда «Луғат» авторларининг қарашлари диққатга лойиқ. Улар бу ҳақда шундай ёзишади: «Классик лирика ва ҳозирги лирика ўзларининг тасвир принциплари - ижодий методлари жиҳатидан ҳам айрим тафовутларга эгадир.

Адабиётшунос Т.Бобоевнинг «Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўқув-методик қўлланма» китобида ҳам лирик асарларни жанрларга бўлиш масаласида бугунги кун талаби, замонавий лирик поэзияси характери ва тараққиёти нуқтаи назаридан ёндашилганлигини қайд қилиш керак. Қўлланма муаллифи бу ҳақда фикр юритиб, шундай ёзади: «Лирик шеърят ўз тематик-ғоявий йўналиши ва тасвир усулига кўра қуйидаги гуруҳлар (хиллар)га ажралади: интим лирика, гражданлик лирикаси, пейзаж лирикаси. Лирикани бу хилда классификация қилиш, биринчидан, лирик шеърятни характерлашга имкон беради ва, иккинчидан, уни ўрганишга

¹ Ўша том, 267-бет.

қулайлик туғдиради»¹. Т. Бобоев қўлланмасидаги таснифни маъқуллаш билан бирга, унда ҳажвий, рамзий-символик ва воқеабанд лирика ҳисобга олинмаганлигини ҳам айтиш керак. Масалан, шулардан ҳажвий лирика жанр сифатида ҳисобга олинмас экан, унда Ҳамза, Айний, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Уйғун, Сами Абдулла Қаҳҳор, Ямин Қурбон, Олим Кўчқорбеков, Мухтор Худойқулов, Зоҳиджон Обидов каби ҳажвгўй шоирлар томонидан яратилган сатирик асарларни қайси жанрга қўшиш мумкин. Назаримизда, қўлланма муаллифи масаланинг бу томонини ҳисобга олмаганга ўхшайди.

Ўзбек лирик поэзиясининг давр руҳини ифодалаши, ижодий методи ва мазмунига асосланиб тасниф қилишга интилиш майли профессор Н.Шукуров бошчилигида ёзилган «Адабиётшуносликка кириш» қўлланмасида янада равшанроқ сезилади. Унда янги ўзбек лирикаси публицистик, интим, символик-рамзий, ҳажвий лирикага бўлинади. «Лирик асарларнинг жанрини аниқлашда қўлланма муаллифлари, шеърларнинг мазмуни, руҳидан бўртиб кўринувчи стилистик хусусиятлари ва образли структурасидан келиб чиқиб», тўғри йўл тутишган². Шундан кейин мазкур қўлланмада, классик лирика жанрлари ва поэтик шакллари таснифи ва таърифи берилади³. Бизнингча, янги типдаги ўзбек лирик поэзияси жанрлари таснифига қўлланма муаллифлари яна икки нарсани киритишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Булардан биринчиси китобдаги «публицистик лирика» атамаси ўрнида Т.Бобоев қўлланмасида ишлатилган граждандлик лирикаси атамасини қўллаш бўлса, иккинчиси, табиат лирикаси⁴ жанрини лирик поэзия жанрлари сирасига

¹ Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўқув - методик қўлланма, 205-бет.

² Шукуров Н., Ҳотамов Н., Холматов Ш., Маҳдов М. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, 1979, 181-бет.

³ Ўша қўлланма, 185-197-бетлар.

⁴ Биз бундан кейин пейзаж лирикаси атамаси ўрнида табиат лирикаси атамасини атамасини ишлатамиз. Пейзаж бадиий адабиётнинг тасвирий воситаларидан

қўшиш масаласидир. Чунки «публицистик лирика» атамасидан кўра, ижтимоий лирика атамасининг мазмун доираси кенг, у сиёсий, фалсафий, публицистик лирика жанрларини ўз ичига олади ва кутилган мақсадни лўнда тарзда ёрқин ифодалайди. Публицистик лирика деганда эса, лириканинг фақат шу кўринишига хос хусусиятлар англашилади ва у сиёсий - фалсафий лирикага хос хусусиятларни ўзида ифодалаш қувватига эга эмас.

Табиат лирикаси жанри ва унинг тараққиётини ҳисобга олмасдан эса, ҳозирги ўзбек лирикаси ривожини ҳар томонлама тасаввур этиш қийин. Табиат лирикаси кун сайин ривожланаётган лирик жанрлардан бири бўлиб, у миллий турмуш тарзи, она Ўзбекистон қиёфаси, ҳаётнинг гўзал ва фаровон томонларини қаламга олишда ва мамлакатимиз қудратини, халқимиз бунёдкорлигини намоиш этишда катта имкониятларга эга. Бу имкониятлардан, айниқса, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Зулфия қабилар етарли фойдаландилар ва табиат лирикасининг адабиётдаги ўрнини мустаҳкамлашда, унинг эътиборини оширишда муҳим ҳисса қўшдилар.

Озод Шарафиддиновнинг ҳам бу борадаги қарашлари диққатга сазовор. У «Лирика кечинманинг мазмунига, шеърлар тематикасига, композицион хусусиятларга, турли кечинмаларга мос келувчи турли формаларга қараб тур ва жанрларга бўлинади»⁵, - деб ёзади ва кечинманинг мазмунига кўра лирикани, асосан, фалсафий лирика, сиёсий лирика, муҳаббат лирикаси, пейзаж лирикасига бўлади, уларнинг таърифини беради. Бу таснифда ҳам, айрим

ном табиатни васф этадиган жанрни ифодалаш учун кутилган мақсадни рўёбга чиқаришда торлик қилади. Шу сабабли табиат лирикаси атамаси мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, пейзаж сўзини ўз маъносига (табиат тасвири) ва тасвирий воситалардан бири сифатида ишлатиш лозим. - Қ.Т.

⁵ Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. - Тошкент, 1983, 214-бет.

камчиликлар бор. Унда лириканинг ҳажвий, воқеабанд, символик-рамзий жанрлари ҳисобга олинмаган.

Ўзбек лирикасини янгича тизимга солиш, мавзу, бадийй ғоя ва тасвир усули жиҳатидан тасниф қилиш масаласида Ҳ. Ёқубов, С. Мамажонов, М.Юнусов, Н. Каримов, И. Ғафуров, И. Ҳаққулов каби олимларнинг асарларида илгари сурилган фикрлар ҳам диққатга лойиқдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Биринчидан, лирик поэзия хусусида фикр юритган аксарият олимлар замонавий ўзбек лирикасини мавзу ва бадийй ғоя, тасвирлаш усули принципи асосида янгича тизимга солиш ва янгича номлаш майлида эканлиги маълум бўлса, иккинчидан, улар ўртасида шундай ғояни асослашга интиляётган олимлар сони кун сайин кўпаяётгани, ўз фикрларини исботлаш учун тинимсиз изланишаётганлиги аён бўлади, учинчидан, олий ва ўрта ўқув юртлари учун тузилган дарслик, қўлланмаларда турли хил йўл тутилганлиги сабабли таълим-тарбия зиён кўраётганлиги маълум бўлади.

Ўзбек замонавий лирикасининг ҳозирги кундаги камолини характерлаб берадиган мураккаб илмий таснифга эга бўлмаганлигимиз туфайли, бу борадаги дастлабки уринишлардан бири сифатида юзага келган Н. Шукуровнинг таснифини қўшимчалар киритган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Тўлдирилган вариантда профессор Н.Шукуров таснифи қуйидагича бўлади: 1) ижтимоий лирика (сиёсий, фалсафий, публицистик лирика); 2) табиат лирикаси; 3) муҳаббат лирикаси; 4) ҳажвий (сатира, юмор) лирика¹²⁶; 5) символик-рамзий лирика; 6) воқеабанд лирика.

¹²⁶ Мулоҳаза сифатида шунини айтиш лозимки, ҳажвий жанр эмас, тур сифатида таърифлаш ва системага солиш лозим. Шунда унинг ўзинга хос шаклий ва маънавий кифоаси, конкрет поэтик хусусиятлари ва тематик диапозони аниқ бўлади. Дарҳақиқат, ҳозирги қарашлар бўйича ҳажвий сатирик ва юмористик шеър сифатида тушунадиган бўлсақ, уни тор маънода тушунган ва хусусиятини ҳисобга олмаган бўламиз. Аслида жаҳон адабиётида ҳажвий ва юмористик роман,

Бу тизимни янада мукамаллаштириш ёки бошқа принциплар ва қондалар асосида янги тасниф яратиш адабиётшунослик фанининг навбатдаги тараққиётига боғлиқ.

Янги ўзбек адабиётидаги триолет, терцет (мусаллас — учлик), сонет, ромэнс, миниатюра, эпиграмма, оқ шеър каби поэтик шакллар Европа ва рус адабиётидан ўтган бўлса, маснавий, мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман, тасниъ, машру кабилар ўзбек мумтоз адабиётидан кирган. Аммо шунини ҳам айтиш лозимки, ўзбек шоирлари мазкур жанрларга ҳамма вақт ҳам анъанавийлик нуқтаи назардан эмас, новаторона муносабатда бўлишга ҳаракат қилишган. Шулар сабабли улар қисман шаклий жиҳатдан, асосан, мавзу, ғоя ва тасвир усули жиҳатидан ўзгаришларга учраган. Замоनावий ўзбек шоирларининг бу борадаги новаторлиги шундан иборатки, улар, аввало, анъанавий жанрлар ва шаклларнинг тематик-ғоявий, тасвирий, услубий йўналишига ва поэтик қурилмасига айрим янгиликлар киритишди, руҳини, поэтик пафосини замон руҳига, халқнинг маънавий эҳтиёжи ва талабларига мослаштиришди. Бундай новаторона, ислохотчилик жасорати Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Айний, Сўфизода, Ойбек, Гафур Ғулوم, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Миртемир, Зулфия каби устоз шоирлар ижодида равшан кўринади. Фитратнинг “Миррих юлдузига”, Чўлпоннинг “Тўзал”, Усмон Носирнинг “Нил ва Рим”, Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига», Ойбекнинг «Наъматок», «Ўзбекистон», Гафур Ғулумнинг «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», Ҳамид Олимжоннинг «На бўлғай...», «Ғунча янглиғ», «Кўлингга қурол ол», Уйғуннинг «Ватан ҳақида қўшиқ», «Озарбайжон», «Хайрлашув», «Сурат»

повесть, драма ҳам бор. Шулардан келиб чиқиб, ҳажвин адабий тур деб таърифлаш маъқул. Шу жиҳатдан ҳаже иккига бўлинади: а) сатира; б) юмор. Сатира ўз табиатида кўра, сатирик роман, повесть, драмага бўлинади. Юмор ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. — Қ. Т.

каби шеърлари анъанавий поэтик қурилмаларни ислоҳ қилиш туфайли бунёд этилган новаторона ижод маҳсулидир. Аммо яна бир хил поэтик тизимлар борки, улар давр ва янги инсон талаби, пешқадам шоирларнинг жиддий ижодий изланишлари, миллий ҳамда қўшни халқлар адабиётлари анъаналари таъсирида пайдо бўлди, тез ривожланди ва ўзлашиб кетди. Бундай поэтик қурилмаларни янги типдаги шакллар ёки замонзвий шакллар деб аташ мақсадга мувофиқ. Жумладан, кейинги йилларда ўзбек адабиётида традицион мусамман (саккизлик) поэтик формасидан тамоман фарқ қиладиган, янгича тематик-ғоявий ва формал-поэтик хусусиятларга эга бўлган саккизликлар пайдо бўлди, ривож топди. Саккизликнинг бу шакли қардош овар халқи адабиёти, аниқроғи, машҳур шоир Расул Ҳамзатов шеърляти таъсирида пайдо бўлди. Ўзбек шеърлятига тез сингиб кетган бу шаклда, айниқса, Жамол Камол, Самандар Воҳидов, Маъруф Жалил, Қамбар Ўтаев, Садриддин Салимов, Одил Ҳотамов каби шоирлар маҳорат кўрсатишди.

Шундай фикрларни анъанавий рубоий жанридан тўла фарқ қиладиган ва халқ оғзаки ижоди таъсирида пайдо бўлган янги тўртликлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Янги типдаги тўртликларнинг ибратли намунаси 30-йилларда Уйғун томонидан яратилган эди. 60-70- йилларда шундай тўртликларга эътибор янада кучайди. Шу сабабли бу йилларда тўртлик шаклида кўпчилик шоирлар ижод этишди. Аммо Уйғун, Рамз Бобожон, Шухрат, Барот Бойқобилов, Толиб Йўлдош ва Чархийларнинг бу борадаги изланиши таҳсинга лойиқ.

Мусаддас жанридан фарқланадиган янги типдаги олтилик шакли ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Миниатюралар ва воқеабанд шеърлар ёзиш ҳам замонавий ўзбек поэзиясида тобора анъана тусини олмоқда. Бу жанрлар тараққиётида, айниқса, Уйғун ва А. Мухтор каби шоирларимизнинг ҳиссаси катта. Мазкур анъана ҳозирги ёшлар

поэзиясида муваффақият билан давом эттирилмоқда. Ўзбек адабиётига сонет, триолет, романс каби Европа шеър шаклини киритишда Усмон Носир, Уйғун, Мирмуҳсин, Шукрулло, Барот Бойқобилов ва Р. Парфининг изланишлари эътиборли. Сонет жанрини ривожлантириш ва оммалаштиришда, айниқса, шоир Б. Бойқобиловнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Шу йилларда Пўлат Мўмин, Рауф Парфи каби шоирларнинг изланишлари туфайли анъанавий қитъа жанри ҳам поэзиямиздан мустаҳкам ўрин олди. Бу жиҳатдан айниқса, Пўлат Мўминнинг хизматлари катта. Унинг «Гул ва пиёз» (1970) тўпламидан ўрин олган қитъалари фикримизни тасдиқлайди.

Булардан ташқари, Шайхзоданинг ўн бирликда, Абдулла Ориповнинг ўнликда ёзилган «Ўн бирлар», «Ўзбекистон» қасидаларини ўзбек адабиётида янги бадий шакл яратиш йўлидаги жиддий изланишлар дейиш лозим. Айниқса, Шайхзода томонидан ўн бирлик тарзида яратилган «Ўн бирлар» қасидаси янги бадий қурилмаа бунёд этишда ўзига хос кашфиётдир. Ўзбек классик ва замонавий шеърини анъаналари заминида яратилган бу қасидада шоир Сталинград остоналарида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўн бир жасур аскарнинг ботирлигини улуғлайди. «Ўн бирлар» шеъри ўн бир банддан иборат бўлиб, унинг ҳар бир банди ўн бир мисрадан ва уч хил қофиядан ташкил топгандир. «Ўн бирлар» шеъри бандларининг тузилиши ва қофияланиш тизими қуйидагича: бу шеърнинг ҳар бир банди унинг қофияланиш қоидасига мувофиқ уч бўлақдан иборат: Биринчи бўлақни 1—4-мисралар ташкил этади ва у а б а б тарзида қофияланади. Иккинчи бўлақни 5—8-мисралар ташкил этади, у в г г в тарзида қофияланади. Учинчи бўлақни 9-11 мисралар ташкил этади, у д д д тарзида қофияланган. Бармоқ вазнидаги бу қасида қаҳрамонлик мавзусида ёзилган бўлиб, унда ватанпарварлик ғояси улуғланади. Унинг қаҳрамонлари ўн бир миллат вакиллари дир. Қасида қуйидаги банд билан якунланади:

Йўқ келмас Сизга марсия,
Бўлса ҳамки йиғлагум, дардим.
I бўлак: Бўйсунсайдн олтин қофия,
Шоҳ қасида Сизга бнтардим.

Ким билади қуёш ва жонон,
Қандай ваъда бермишди Сизга.
II бўлак: Аммо Сизлар Қуёшга, қизга—
Қарз эмассиз, ўн бир қахрамон.

Дашти қипчок, Урал, Фарғона —
III бўлак: Сизни куйлар, куйлар афсона—
Кумуш еллар, биллур тарона¹²⁷.

Аммо, афсуски, устод Шайхзода томонидан ўн birlik поэтик шакли сифатида кашф этилган «Ўн бирлар» қасидаси тематик-ғоявий тузулиши, шаклий ва қофия тизими жиҳатидан мураккаб хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли анъанага айланмай қолаётир.

Юқоридагилардан ташқари, назарияга доир китоблар ва луғатларда тез-тез учраб турадиган мушоира, назира, дўстлик ҳазили ва муаммо, таърих, мувашшах каби атамалар борки, уларни шаклий ва маънавий хусусиятларидан келиб чиқиб, поэтик жанрлар ва шакллар сирасига киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки улар, аввало, ўзига хос шаклий ва, иккинчидан, тематик-ғоявий қиёфага эга эмас, балки адабий ҳодисаларни ифодалаш, мисраларда яширинган қандайдир бир муаммони аниқлаш, кимнингдир яширинган исмини топиш, қайси бир бино ва тарихий воқеанинг тарихини аниқлаб бериш вазифасини бажаради. Сўз ўйинига ва топнишмоққа хос бундай хусусиятлари билан улар поэтик

¹²⁷ Ўзбек поэзияси антологияси. - Тошкент, 1948, 266-бет.

жанрлар ва шакллардан кўра, поэтик санъатларга яқин турадилар. Бошқача қилиб айтганда, поэтик санъатларнинг тараққий қилган бир кўринишидир.

Шунга яқин фикрлар лирик поэзия таснифига ва изоҳига бағишланган китоблар ва луғатларда ҳам учрайди. Масалан, «Лирикада кичик жанрлар» китобида таърих, мувашшаҳ, муаммони шеърӣ жанрлар қаторига киритмай тўғри йўл тутилган. Бу китобда муаммоннинг² поэтик санъатлардан бири сифатида таърифланиши ҳам илмий жиҳатдан асосли. Аммо таърих³ шакл жиҳатдан ҳам (аслида барча турдаги тўртликларнинг пайдо бўлишида халқ тўртликлари ва рубоий жанри асос бўлган), хусусиятлари жиҳатидан ҳам муаммога (муаммо, таърих, мувашшаҳга хос яшириниш хусусияти аслда топишмоқдан ўтган, мувашшаҳ⁴ шакл жиҳатдан ғазалга (у ғазалнинг кўринишларидан бири эканлигини унутмаслик лозим) яқин ва ўхшаш, ҳамжонс эканлиги ҳисобга олинмай, мазкур китобда улар поэтик шакллар (мувашшаҳ китобнинг 161-бетида шакл дейилса, 117-бетида жанр дейилган) қаторига киритилган. «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати»да мувашшаҳнинг⁵ поэтик санъат сифатида талқин этилишини шу жиҳатдан қувватлаш лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бошқа турлар ва жанрлар каби лирик турнинг жанрлари ва шакллари ўртасида ҳам қатъий чегара қўйиш мумкин эмас. Мазкур таснифлар уларни бир-биридан қатъий фарқловчи тематик-ғоявий, тасвир усули ва формал-поэтик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яратилган ва тизимга солинган. Улар нисбий аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик лозим.

² Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент, 1976, 148-149-бетлар.

³ Ўша китоб, 131-бет.

⁴ Ўша китоб, 161- ва 167-бетлар.

⁵ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча - ўзбекча изоҳли луғати, 191-бет.

Уйғун 60 йилга яқин ижодий фаолияти даврида лирик турнинг барча жанрларида маҳсулдор ижод қилди ва қилаётир. У анъанавий жанрлар ва поэтик шакллардан фойдаланиш ва уларни халқимиз манфаатлари йўлида хизмат қилдиришда ҳам юксак маҳорат кўрсатди. Элимиз ва қардошлар ўртасида, Уйғун ғазаллари, маснавийлари, қасидалари, манзумалари, фахриялари, марсиялари, муҳаммас, мусаддас, мусаббаларининг севилиб ўқилиши шундан далолатдир. Юксак гражданлик туйғулари билан суғорилган Уйғуннинг мазкур асарларида давримизнинг актуал ғоялари гўзал ифодасини топган. Уйғуннинг рус ва жаҳон шеърляти таъсирида яратилган сарбаст шеърлари, ижтимоий лирикаси, тўртлик ва миниатюралари, сонет ва триолетлари, оқ шеър ва сочмалари ҳам диққатга лойиқдир. Энг муҳими, Уйғун замонавий ўзбек адабиётини ижтимоий (сиёсий, фалсафий, публицистик) лирика, табиат лирикаси, муҳаббат лирикаси, ҳажвий лирика, воқеабанд лирика ва рамзий-символик лирика жанрларидаги шеърлари билан бойитди, шуҳратига шуҳрат қўшди. Хусусан, Уйғуннинг лириканинг ижтимоий, табиат ва муҳаббат лирикаси жанрларини асослаш ва ривожлантиришдаги хизматлари катта. Бу тўғрида шоирнинг ўзи қуйидагиларни ёзади: «Мен қўшиннинг деярли ҳамма турлари сафида жанг қилган аскарман, бинобарин, сиёсий, яъни ташвиқий шеърлар менга табиат ҳақидаги шеърлар сингари азиз ва мўътабардир»¹³².

Уйғуннинг ноёб шоирлик иқтидори ва ўз устида тинмай ишлаш қобилияти туфайли унинг лирикаси жанговарлик, ҳаққонийлик, ғоявийлик, ҳаётийлик сифатлари билан йўғрилди, қизғинлик, самимийлик, нафислик ва соддалик касб этди. Уйғун лирикаси ҳаётга фаол, қизғин муносабати, янги инсоннинг мураккаб, бой ички оламини, нозик туйғуларини, яшаш ва курашини, орзу-ўйларини чуқур, ҳаётий, ёрқин

¹³² "Шарқ юлдузи", 1974, 6-сон, 204-бет.

ифодалаши, тематик-ғоявий кўламининг кенглиги, образлар оламинининг ибратомузлиги ва бадиний тасвирий воситаларининг хилма-хиллиги билан эътиборни тортади. Уйғун услубий йўналиши жиҳатидан фақат ўзига ўхшайдиган шоирлардандир. Уйғун лирикаси жаҳон шеърятининг энг муҳим фазилатлари билан муштарак бўлиши билан бирга миллий руҳи, анъанавий шакллари, ўзига хос услуби, маҳаллий колоритига ва табият тасвирига бойлиги билан эътиборга сазовор. Уйғун шеърятининг бир дилбар намунасида ўзбек тупроғига хос ўзгача ранг, ҳид, тароват, гўзаллик, ўктамлик, тўкинлик, атласдай товланувчи турли-туман жилолар, дилга қувват бағишлайдиган ҳаётбахш қудрат намоён. Уйғун шеърларининг ўзига хослиги унинг лирик қизғинлигида, равон, тиниқ, содда ва оташин ёзилишида, мусиқийлиги, ҳаётийлиги, воқеабандлиги, драматизмга бойлиги ва мутафаккирлик билан қайноқ ҳис-туйғуларнинг табиий тарзда қоришувидадир. Шоир лириканинг қайси жанрида қалам тебратмасин, ҳаминша миллий воқеликка оташин мунсабатда бўлади, уни севиб, ардоқлаб, меҳр-муҳаббат билан тараннум этади.

Анъанавий поэтик шакллардан фойдаланишда шоир маҳорати

Замонавий ўзбек адабиётининг вакиллари мумтоз поэтик шаклларга турли даврларда турлича муносабатда бўлиб, улардан ўз ижодхоналарида ҳар хил тажрибалар қилиб қабул қилган бўлсалар ҳам, аммо бу уринишлар, бу соҳадаги индивидуаллик ва новаторлик хусусиятлари ҳали адабиётшунослигимизда етарлича ўрганилган ва умумлаштирилган эмас.

Бизнинг назаримизда, замонавий ўзбек шоирларининг мумтоз поэтик шаклларга муносабати масаласида адабиётимизда икки хил тамойил ҳукмронлик қилиб келаяпти. Уларнинг биринчисида шоир қадимий поэтик шакл саналган

маснавий, мухаммас, мусаддас, мусамман, мусаббаъ ва бошқаларни ўтмиш адабиётимизда қандай шаклда бўлса, ўшандай ҳолда қабул қилади ва шу асосда ижод этади. Бу шеърятда кенг тарқалган анъанавий йўл саналади. Фикримизга Собир Абдулла, Ҳабибий, Шариф Нурхон, Чархий, Чустий, Васфий, Улфат, Фақирий, Чокар, Восит Саъдулла каби шоирларнинг маснавий, мухаммас, мусаддас, мусамманларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу тўғрида илмий адабиётларда баъзи фикрлар илгари сурилган. Жумладан, Ж. Жумабоева анъанавий усулда ижод этган хоразмлик шоирларнинг лирик асарларини таҳлил этади¹³³. Аммо, афсуски, олима ўзбек шоирларининг анъанавий шаклларга ижодий муносабатда бўлганлигини исботлашга ҳаракат қилмайди, бу жиҳатдан таниқли адабиётшунос М.Юнусовнинг «Традиция ва новаторлик проблемаси» монографияси катта илмий-амалий қимматга эга бўлиб, унда анъана ва новаторлик масаласи чуқур ўрганилиши, муҳим назарий хулосаларга келиниши билан бирга Ҳамза, Айний, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғайратий, Уйғун каби шоирларнинг ўзбек ва рус адабий анъаналари таъсиридаги ижодиётининг хусусиятлари кўрсатилган¹³⁴.

Новаторлик деб аталувчи иккинчи йўлдан борувчи шоирлар учун шаклий, аввалдан мавжуд қолиплар тор маънода қабул қилинса ҳам, аммо улар асос эмас. Новатор шоирлар қадимий поэтик қурилмаларни замон руҳига мослаштиришади, тўғрироғи, анъанавий поэтик тизимлар асосида янги шеърый шакллар яратишади. Бундай новаторлик хусусиятлари янги типдаги ўзбек шеърятининг дарғалари бўлмиш Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Миртемир, М.Шайхзода ва Уйғун ижодида равшан кўринади.

¹³³ "Ўзбек тили ва адабиёти", 1975, 1-сон, 52-55-бетлар.

¹³⁴ Юнусов М. Традиция ва новаторлик проблемаси. – Тошкент, 1965.

Уйғун мумтоз адабиётнинг ғазал, қасида, марсия, фахрия, мактуб каби жанрларида диққатга лойиқ асарлар яратганидек, анъанавий поэтик қурилмалар саналган маснавий, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба каби шаклларидан ҳам унумли фойдаланиб, ўзбек поэзияси захирасини гўзал лирик шеърлар билан бойитди.

Мумтоз поэтик шакллардан фойдаланишда Уйғун ижодида ҳам, юқорида эслатиб ўтилгандай, икки ҳукмрон тамойил кўзга ташланади. Унинг ижодида мумтоз шоирларимиз томонидан минг йиллар давомида ишланиб, маълум қолипга, қатъий шаклга кирган маснавийлар, мухаммаслар, мусаддаслар ва мусаббалар бўлиши билан бирга, анъанавий поэтик шаклларга новаторона муносабатда бўлиш натижасида пайдо бўлган оригинал шеърый намуналар ҳам учраб туради. Масалан, «Ўзбекистон» (1943), «Фармонингдаман» (1944), «Армиям» (1944) каби асарлар мухаммас поэтик шаклининг қатъий коидаларига амал қилиб ёзилган шеърларга мисол бўлади. Уларнинг биринчи банди одатдагидай *а а а а а* тарзида қофияланган бўлса, қолган бандлари азалий шаклдагидай *б б б б а; в в в в а* тарзида қофияланган.

«Фармонингдаман» мухаммаси беш банддан иборат бўлиб, фақат шеър бандларининг охириги мисраси «Эй улуғ халқим, сафарбар айла, фармонингдаман» тарзида бир хил такрорланади. Бу жиҳатдан у «Ватан ҳақида қўшиқ» шеърига ўхшайди.

Қолган икки мухаммаснинг бандлари охирида такрорланадиган (улардан «Ўзбекистон» 10 банддан, «Армиям» 7 банддан иборат) мисралар маълум ўзгаришлар (бу ўзгаришлар маълум маъно оттенкасини ташийди, албатта) билан келади. Аммо мухаммасларнинг қофия тизимига бу ўзгаришлар ҳеч қандай таъсир қилмайди. Шоир мазкур уч мухаммасдан иккитасида анъанавий йўлдан бориб, тахаллус қўллаган бўлса, «Ўзбекистон» мухаммасида янгича йўл тутиб,

тахаллус қўлламаган. Мумтоз мухаммаснинг табъи худ кўринишида ёзилган ушбу мухаммаслардан кўриниб турибдики, шоир уларнинг шаклий томонларига деярли ўзгариш киритмаган бўлса-да, уларда иккинчи жаҳон уруши йилларининг жанговарлик руҳини ва ватанпарварлик ғоясини маҳорат билан ифодалаган.

Маълумки, Ўзбекистон ҳақида Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Зоҳидов, Тошпўлат Ҳамид, Жамол Камол, Садриддин Салимов ва бошқа шоирларимиз ҳам турли даврларда ҳар хил жанрлар ва шаклларда шеър ёзишган. Жумладан, Ғафур Ғулом «Ўзбекистон» ҳақидаги ўз шеърини урушдан кейинги йилларда қасида жанрида, мурабба формасида ёзган бўлса, Ҳамид Олимжон урушгача бўлган йилларда ёзилган «Ўзбекистон» шеърини маснавий тарзда ёзган. Ойбек, Собир Абдулла шу номдаги шеърини мухаммас шаклида, А.Орипов эса ўнлик (машру), Садриддин Салимов мурабба шаклида ёзган. Уйғун ҳам Ойбек, Собир Абдулла сингари «Ўзбекистон» шеърини анъанавий мухаммас шаклида ижод этган. Шу далилнинг ўзи ҳам шоирларимизнинг жанрлардан ва поэтик шакллардан фойдаланишдаги ижодий индивидуаллигини тасдиқлаши билан бирга уларнинг жанрларга, поэтик қурилмаларга муносабати бир хил эмас, балки ҳар хил эканлигини кўрсатади.

Шоирларнинг жанрларга, поэтик шаклларга муносабати масаласи, бизнингча, адабиётшуносликдаги фақат формал ҳодиса бўлмай, балки уларнинг шахсий қобилияти, истеъдоди, билими, савияси, дунёқараши, эстетик принциплари, шахсий услуби, шеър ёзилаётган пайтдаги вазияти ва кайфияти билан боғлиқ маънавий масала ҳам ҳисобланади. Чунки ҳар бир истеъдодли ижодкор ўтмишда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам поэтик жанрлар ва шаклларга ўз шахсиятидан ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлади.

Фикримизни исботлаш учун яна Ўзбекистон ҳақида турли даврларда, ранг-баранг шаклларда, турли услубдаги шоирлар томонидан ёзилган ҳар хил савиядаги шеърларга мурожаат қиламиз. Уларда мақсад битта - она Ўзбекистонни улуғлаш бўлса ҳам поэтик ифода ва тасвирлаш усуллари хилма-хилдир.

Бебаҳо Ватаним Ўзбекистоним,
Бутун Шарқ ичида зебо, кўркисан,
Гўзалсан, ободсан, тўқсан, маданий,
Қизларнинг қош узра қийғоч бўркисан¹³⁵.

Анъанавий мурабба тарзида ёзилган ва жуфт мисралари қофияланган (*кўркисан, бўркисан*) биргина шу бандда мазкур шеърга хос гўзал хусусиятлар ва таниқли шоир Гафур Ғулом поэзиясига хос жўшқин публицистик пафос, фалсафийлик, миллийлик ва байналминаллик ўз ифодасини ёрқин топган. Гафур Ғулом миллий шоир сифатида ўз бекиёс Ўзбекистонининг гўзаллигини, ободлигини, маданийлигини, Шарқда намуна эканлигини банднинг юқоридаги уч мисрасида сифатлашлар ва синонимлар қаторини тузиш туфайли фахр ва ғурур билан таърифлаган бўлса, банднинг сўнгги мисрасида қозоқ қизлари тўйларда, тантаналарда киядиган, бош кийимни ифодалайдиган «бўрк» сўзини қўллаш, «қийғоч» сифатлашини ишлатиши, Ўзбекистонни шу қийғоч бўркке ўхшатиши билан байналминал шоир эканлигини тасдиқлаган. Бу билан у нафақат ўз халқининг урф-одатларни яхши билганлигини, балки кўшни қардош халқларнинг урф-одатларидан ҳам хабардорлигини намойиш этган. Булардан ташқари, мазкур бандда урушдан ғолиб чиққан халқнинг фарзанди - лирик қахрамоннинг шеър ёзилган пайтдаги кўтаринки руҳи, ўзига хос маънавий-эстетик олами, жўшқин

¹³⁵ Гафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 10 томлик. - Тошкент. 19-бет.

ватанпарварлик, дўстпарварлик фазилати ҳам ёрқин ифодасини топган.

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар,
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар,
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди¹³⁶.

Ойбекнинг «Ўзбекистон» (1934) шеърдан олинган ва а б б б а тизимида қофияланган мазкур банд мухаммас тарзида ёзилган. Аммо бу мухаммасда Ғ.Ғулом шеърдан фарқли ўлароқ Ойбек шеърятига хос шоирона образлилик, фалсафий чуқурлик, қуюқ мураккаб фикрлаш, сокин романтик руҳ ва вазмин эҳтирос каби хусусиятлар ўз ифодасини топган. Ойбек олд такрорлар, жонлантириш, антитеза, ўхшатишлар ёрдамида, мураккаб мантиқий тафаккур қилиш усули билан Ўзбекистонга хос характерли белгиларни таърифлайди ва унинг 30-йиллардаги ҳаётини ёрқин поэтик манзараларда, қабарик образларда жонли ва аниқ тасвирлайди.

Маснавий шаклида ёзилган Ҳамид Олимжоннинг машҳур «Ўзбекистон» шеърида эса ҳаётдан мамнун ва масрур бўлган лирик қаҳрамоннинг она юрти ҳақидаги таъриф ва тавсифлари ассоциацияси устун туради. Шундай кўтаринки руҳни, дostonбop мавзуни ифодалашда минбар шоири саналган Ҳамид Олимжонга маснавий шеър шаклига хос декламацион хусусият ва жуфт қофия тизими қулай имкониятлар яратиб берган.

Маълумки, Уйғун - завқ ва шавқ шоири, Ҳ.Олимжондай равон ва тиниқ фикрлайдиган, содда, ўйноқи, фикрчан ва таъсирчан ёзадиган шоир. Унинг анъанавий мухаммаснинг таъби худ сифатида ёзилган ва а а а а тарзида қофияланган

¹³⁶ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 19 томлик. 1-том. – Тошкент, 1975, 309-бет.

«Ўзбекистон» шеърининг матлаи ҳам шундан далолат беради:

Эй муқаддас гул диёрим, гулшаним, жоним менинг,
Мен сенинг бағрингда ўсдим, йўқдир армоним менинг,
Сен билан ўтмоқда шодон ҳар кун, ҳар оним менинг,
Жон фидо бўлсин сенга, эй Ўзбекистоним менинг,
Шухрати оламини тутган шавкатим, шоним менинг (1, 17).

Уйғуннинг «Ўзбекистон» мухаммаси Ойбек ва Ғафур Ғуломнинг шундай номдаги шеърларидан уруш йилларида ёзилганлиги ва Уйғун ижодий манерасига хос асосий хусусиятларни ўзида равшан намоён этганлиги билан фарқланади. Шулар сабабли унда ҳарбий ватанпарварлик мавзуи, ҳарбу зарб йилларининг қасоскор руҳи, жанговор йиллардаги Ўзбекистоннинг таърифу тавсифи, ўзбек халқининг яқин ва муқаррар ғалабасига комил ишонч сadoси ва Уйғун ижодий усулига хос равонлик, соддалик, кўтаринкилик, оташинлик ва юксак гражданлик пафоси баралла намоён бўлган. Уйғунона шеърга хос бундай хусусиятлар китобхон қалбида ватанпарварлик, жанговарлик туйғуларини алангалаттиришда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Уйғун халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт анъаналари руҳида ёзилган машҳур «Хайрлашув» (1941) шеърида анъанавий мухаммаснинг поэтик шаклини бузган ҳолда унинг ички имкониятларини кенгайтиради, унга жанговар руҳ, таъсирчанлик бағишлайди. Уйғуннинг новаторлиги, дастлаб, мазкур шеърнинг диалог тарзида ёзилишида кўринади.

Шеърнинг биринчи бандида Ватан ҳимоясига кетаётган ўғил онаси билан хайрлашаётиб, унга далда ва сабот тиласа, иккинчи бандида онанинг фронтга кетаётган ўғлига насиҳатлари нфода этилган. Бу шеърдаги иккинчи янгилик шундан иборатки, Уйғун мухаммасдаги ҳар бир банднинг беш мисрадан иборат бўлиши лозимлиги анъанасини маълум даражада

сақлагани ҳолда унинг қофияланиш тизимини ислоҳ қилган ва янгича қофия тизимига асос солган. Бу хилдаги мухаммас мумтоз адабиётимиздайўқ эди.

Анъзанавий мухаммаснинг биринчи банди а а а а тарзида қофияланса, қолган бандлари б б б а а ёки б б б б а ва ҳоказо тарзида бўлиши яхши маълум.

«Хайрлашув» шеърининг биринчи банди ҳам, қолган бандлари ҳам а а а б б тарзида қофияланган. Фикримиз исботи учун қуйидаги икки бандни келтирамиз:

Ўғил:

Душман келиб боғимдан гул узолмас,
Гўдакларнинг тинч уйқусин бузолмас,
Ҳамла қилсам, ҳамламга ёв тuzалмас,
Хайр она, онажоним, яхши қол,
Оқ сут берган меҳрибоним, яхши қол.

Она:

Фашистларни нимта-нимта тилмасанг,
Одамхўрни хонавайрон қилмасанг,
Ялмоғизни дорга оса билмасанг,
Розимасман бор шунқорим, яхши бор!
Бор арслоним, ифтихорим, яхши бор! (1, 115)

Уйғун томонидан шеърятга киритилган мухаммаснинг а а а б б қофияланиш системаси иккинчи жаҳон уруши кунларининг даъваткор руҳини ифодалашда ката аҳамият кашф этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Хайрлашув» шеърининг а а а тарзида қофияланган дастлабки уч мисрасида ё ўғилнинг ва ё онанинг урушга қарши қаҳру ғазаби, Ватанга нисбатан сўнмас муҳаббати ифодаланса ва бу мисралар ўзига хос бир зарб билан ўқилса, б б тарзида қофияланган, айрим ўзгаришлар билан келадиган қолган икки мисрасида она билан ўғилнинг хайрлашуви ўз

ифодасини топади ва улар кам алоҳида зарб ҳамда ўзига хос овоз билан ўқилади, рефрен тусини олади.

Ҳ.Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол», Ғ.Ғулломнинг «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» каби шеърларида ҳам шундай новаторона хусусиятларни кўрамиз. Хуллас, Уйғун мумтоз мухаммас поэтик шаклидан новаторона фойдаланиб, унинг заминиде вазининг имкониятларини кенгайтирди. Булар эса унга давр руҳини ифодалашда катта қулайликлар ва имкониятлар яратди.

Уйғун ижодида анъанавий маснавий шеърый шаклида ёзилган шеърлар, дostonлар ҳам учрайди.

Уйғун маснавийга ҳаммша анъанавийлик нуқтаи назардан қарамайди, балки янги давр, ўз шахсияти, мавжуд воқелик руҳидан, янги давр кишилари характеридан келиб чиққан, ижодий тажрибаларга суюнган ҳолда муносабатда бўлади. Шу асосда анъанавий маснавий заминиде янги хусусиятдаги маснавий поэтик шаклини яратади.

Бундай изланиш, дастлаб, шоирнинг «Хайрлашув»¹³⁷, «Назир отанинг ғазоби» (1942) шеърларида кўринади. Маълумки, «Назир отанинг ғазоби» шеърининг, I, III, IV интонацион бутунлигининг¹³⁸ дастлабки 6 мисраси ва бир байтлик муқаддимаси маснавий тарзида, II интонацион бутунлиги ва IV интонацион бутунлигининг кейинги 9 мисраси мурабба тарзида қофияланган.

Уйғуннинг машҳур «Келадн» (1944), «Салом» (1960), «Сўнги нусхалар» (1960), «Меҳнат» (1960) каби шеърлари ва «Ёлғончининг жазоси» (1945) шеърый эртаги маснавийда ёзилган. Юқорида эслатиб ўтилганлар орасида Уйғуннинг

¹³⁷ "Хайрлашув" шеърининг охирги бандининг дастлабки 8 мисраси ҳам маснавий тарзида қофияланган. – Қ.Т.

¹³⁸ Ўзбек шеърятининг анъанавий банд шаклига тўғри келмайдиган, маълум композицион бутунликка эга бўлган, муайян поэтик фикрни ўзиде ифода этган, бир зарб билан ўқиладиган шеърининг парчаларини интонацион бутунлик деб юритиш мақсадга мувофиқдир. – Қ.Т.

маснавий поэтик шаклига новаторона муносабати «Келади» ва «Салом» шеърларида ўз ифодасини топган.

Шу ўринда маснавий қадимий тарихга эга эканлигини, унда Навоийнинг «Ҳамса»си, Хоразмий, Дурбек, Лутфий, Хиромий ва бошқа шоирларнинг дostonлари, Муқимийнинг «Танобчилар», «Тўйи Иконбачча» сатиралари, Фурқатнинг «Гимназия», «Илм хосияти» каби шеърлари ёзилганлиги ва эл ўртасида шуҳрат қозонганлигини эътироф этиш керак.

Маснавийда ёзилган асарларнинг эл ўртасида бунчалик кенг шуҳрат қозонишига сабаб шуки, биринчидан, маснавий эпопеяга хос қаҳрамонлик мотивини ифодалаш учун катта имкониятларга эга, шоир маснавийда ижод қилганда, қофия танлашда қийналмайди, демак, у фикрини изчил, равон ифодалашга муяссар бўлади, иккинчидан, бошқа жанрлар ё поэтик шаклларда ёзилган шеърларни ўқишдан кўра маснавий йўлида ёзилган шеърларни ўқиш бирмунча енгил, чунки ундаги қофиядош мисраларнинг ҳар бирини бир зарб билан ўқиш мумкин. Ўзига хос ана шу хусусиятлари билан маснавий поэтик қурилмаси мумтоз адабиётимизнинг ҳам, замонавий адабиётимизнинг ҳам ривожига катта ҳисса қўшиди ва кўшаётир.

Уйғун маснавийга хос фазилатларни ҳар томонлама эгаллаганлиги сабабли унга замонавий миллий адабиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда новаторона муносабатда бўлди. Шоир янги ўзбек адабиётининг йирик вакили сифатида поэтик шаклга асосий фикрдан келиб чиқиб муносабатда бўладиган ва поэтик шаклни поэтик мазмунга бўйсундира олиш қудратига эгадир. Масалан, унинг «Келади» шеърида урушга кетган фарзанди доғида адо бўлган онага далда берилади, фидойий аскарнинг қудрати васф этилади, яқин ва муқаррар ғалабага ишонч ғояси тараннум этилади. «Келади» шеъри IV интонацион бугунликдан ташкил топган бўлиб, унинг ҳар бир интонацион бутунлигида ғалабага бўлган ишонч ғояси ўзининг бадий ифодасини топади ва ҳар бир

интонацион бутунлик шу асосий ғояни тасдиқлайдиган ва айрим ўзгаришлар билан такрорланиб келадиган:

«Келади, соғинган ёринг келади
Келади, шарафинг, оринг келади» (1, 219), -

мисралари билан якунланади.

Ўзбекистонда 1960 йилда бўлиб ўтган қозоқ адабиёти ҳафталиги муносабати билан ёзилган ва шу ҳафталикнинг очилиш маросимида шоир томонидан ўқиб берилган «Салом» шеъри ҳам поэтик хусусиятлари жиҳатидан «Келади» шеърига ўхшаб кетади. Ҳаётимизнинг гўзал фазилати саналган халқлар дўстлиги ва биродарлиги мавзуида ёзилган бу шеърнинг ҳам ҳар бир интонацион бутунлиги ундаги асосий фикрни тасдиқлайдиган, тўлдирадиган ё якунлайдиган бири-бирига яқин мазмунга эга:

Санъат майдонида чиқарганлар ном,
Ассалому алайкум! Салом! Ассалом! (1, 447) -

мисралари билан тугалланади.

Анъанавий маснавий шаклида ёзилган «Салом» шеърида шоир фақат мавзуни, ғояни ифодалашда лирик қаҳрамоннинг маънавий оламини ҳар томонлама очишда новаторона йўл тутибгина қолмасдан, балки унинг маҳорати мумтоз поэтик шаклларни бузишда ва улар асосида янги поэтик бадний қурилмалар кашф этишда ҳам равшан кўринади.

Анъанавий тарздаги маснавий поэтик шакллар, а а, б б, в в тарзида қофияланади, лирик муқаддима ва хотимага эга бўлади. Уйғуннинг эслатиб ўтилган «Келади» ва «Салом» шеърлари ҳам қадимги маснавийлар сингари а а, б б, в в тарзида қофияланиб келади, шу билан бирга улар олға сурилаётган фикрнинг талабига мувофиқ бир неча интонацион бутунликларга бўлинади ва ҳар бир интонацион

бутунлик икки мисрадан иборат ўз муқаддимасига эга бўлади. Бу муқаддималарда эса шеърда ифода этилаётган асосий ғояга мантикий урғу берилган бўлади. Интонацион бутунликларда шеърда илгари суриладиган масаланинг маълум бир томони яхлит тарзда баён этилади. Масалан, «Келади» шеърда келади сўзи маълум бир вазиятда анафора вазифасини, бошқа бир ўринда эса эпифора вазифасини бажарса, «Салом» шеъри интонацион бутунликлари муқаддималарининг қофияси, албатта, ассалом сўзига мувофиқ бўлиб келган, масалан, *ном - ассалом, мудом - ассалом, илҳом - ассалом, тамом - ассалом* тарзида. Бундай поэтик кашфиётлар катта ижодий меҳнат, ўз устида узлуксиз ишлаш, изланиш ва билимдонлик туфайлигина пайдо бўлиши мумкин.

Шуларга ўхшаш фазилатлар Х. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасида, «Ўзбекистон» шеърда, Ғ. Ғулومнинг «Кўкан» поэмасида, қатор манзумаларида ҳам равшан кўринади.

Уйғун мумтоз адабиётимиз захирасидаги мавжуд мусаддас ва мусабба поэтик шакллари анъаналар асосида ижтимолий лириканинг янги, дилбар намуналарини ҳам яратган. Унинг «Ватан ҳақида кўшиқ» (1941), «Озарбайжон» (1960) каби эл таниган шеърлари фикримизнинг далили бўла олади. Юксак ватанпарварлик ва халқлар дўстлиги мавзусида ёзилган ва гражданилик туйғулари билан тўлиб-тошган бу шеърларнинг ғоявий ҳамда бадий жиҳатдан баркамол чиқишида Уйғун томонидан моҳирона қўлланган поэтик шаклларнинг ҳам роли катта, албатта. Агар шоир олға сурган юксак ғоясига мувофиқ, гўзал форма танлай олмаганида, унинг шеърлари халқ ўртасида бунчалик шуҳрат қозонолмас ва гулгун давраларда такрор-такрор айтилмас эди.

Бизга маълумки, анъанавий мусаддас поэтик шаклнинг талабига мувофиқ унинг ҳар бир банди 6 мисрадан иборат

бўлиб, биринчи банди а а а а а системасида, қолган бандлари эса, б б б б а а¹³⁹⁻¹⁴⁰ ёки б б б б б а¹⁴¹ ва ҳоказо тарзида қофияланиб келади. Мумтоз мусаббанинг ҳам биринчи банди а а а а а тарзида ёки а а а а а б¹⁴² тарзида қофияланса, қолган бандлари б б б б б а¹⁴³ ёки б б б б б а в тарзида қофияланади.

Анъанавий мусаддас ва мусаббанинг қофияланиш тизими ва банд тузилиши шоирни қийнамасдан қўймаслиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Классик шоирларимизнинг мусаддас ва мусабба поэтик шаклларида жуда оз ижод қилганликларининг сабабларидан бири ҳам, бизнингча, бу тизимларнинг қофияланиш тарзи ва бандларининг мураккаблиги туфайли бўлса керак.

Ўтмишда яшаб, ижод этган шоирларнинг бугунгача тўпланиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинган меросига назар ташлайдиган бўлсак, мусаддас ва мусабба поэтик қурилмасида Навоий, Машраб, Огаҳий, Комил, Нодира, Фурқат, Аваз ва Муқимий каби ўнга яқин энг забардаст шоирлар ижод қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Улар ҳам бу шаклда бошқа жанрлар сингари кўп эмас, балки битта ё иккитадан ёзишган.

Уйғун мумтоз мусаддас ва мусабба тизимида ижод қилишнинг шундай қийин томонларини тушунган, улардан поэтик шакл сифатида воз кечиш мумкин эмаслигини ҳам, анъанавий тарзда фойдаланганда, улар шоирни қийнаб қўйиши, ҳатто ижодий тараққиётни бўғиши: шаклбозликка олиб бориши мумкинлигини ҳам яхши билган ва шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда масалага ижодий тарзда ёндашган. Давримизнинг долзарб масалаларини, кишилари-

¹³⁹⁻⁴⁰ Аввз. Девон. Тошкент, 1976, 335-338 бетлар.

⁴¹ Машраб. – Тошкент, 1971, 186-187-бетлар.

⁴² Комил. Девон. – Тошкент, 1975, 213-214-бетлар.

⁴³ Машраб. 188-190-бетлар.

мизнинг қаҳрамонона ҳаётини, бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини куйлаш учун қадимий мусаддас ва мусаббадан уларнинг банд тизимини қисман ўзгартирган, қофияланиш тизимини ислоҳ қилган ҳолда фойдаланган.

Мусаддас ва мусаббанинг банд тузилишини қисман ўзгартариш ва қофия тарзини ислоҳ қилиш билан Уйғун аруз ва бармоқ шеърини вазилари қўшилмасидан пайдо бўлган янги шеърга асос солди. Бу янги шеърда банд қисман арузда бўлиб, унинг вазни, қофияланиш тизими ва бошқа поэтик хусусиятлари бармоқ вазни қонун-қондаларига мувофиқлашади. Масалага янада чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, Уйғун турли товуш товланиш хусусиятларига эга бўлган ўзбек тилининг бой фонетик ва поэтик-грамматик хусусиятларидан унумли фойдаланиб, халқ шеъри вазиларидан саналувчи бармоқнинг имкониятлари кенг эканлигини намойиш қилган.

Айтилганидай, Уйғуннинг машҳур «Ватан ҳақида қўшиқ» шеъри мусаддас поэтик шаклида, «Озарбайжон» шеъри эса мусабба формасида ёзилган. Шеърларнинг биринчиси 11 банддан (66 мисрадан), иккинчиси тўрт банддан (28 мисрадан) иборат:

Ватан - она сўзи нақадар лазиз!

Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз,

Ҳурматингни сақлар ҳар бир ўғил, қиз,

Муқаддас, мўътабар Улуғ Ватаним,

Шарафлар, шонларга тўлиқ Ватаним,

Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан (1, 116)

«Ватан ҳақида қўшиқ» шеърдан келтирилган 1-банддан кўриниб турибдики, Уйғун мусаддас поэтик шаклининг нафақат қофия тизимини, балки банд қурилмасини (композициясини) ҳам маълум маънода ислоҳ қилган. Агар анъанавий мусаддаснинг ҳар бир банди олти мисрадан иборат бўлиб, асарнинг бошидан охиригача бир бутунликни таъмин-

лаган бўлса ҳамда бир оҳангда ўқилса, Уйғуннинг «Ватан ҳақида кўшиқ» шеърининг ҳар бир банди олти мисрадан иборат бўлиб, уч ички бўлинишга эга ва уч хил оҳангда ўқилади.

Мусаддас бандларининг композицион жиҳатдан бундай ички бўлинишларга эга бўлиши, биринчидан, шоир илгарини сураётган фикр оқимининг ўзига хос тўлқинларидан ҳосил бўлса, иккинчидан, янгича қофиялаш тизими ва банд тузилиши туфайлидир. Чиндан ҳам «Ватан ҳақида кўшиқ» шеърининг ҳар бир бандининг а а а тарзида қофияланган биринчи, иккинчи, учинчи мисраларида лирик қаҳрамоннинг она-Ватан ҳақидаги, шу Ватаннинг қаҳрамон, донишманд, улуғ фарзандлари ҳақидаги таъриф ва тавсифлари романтик руҳда ифодаланса, б б шаклида қофияланган тўртинчи, бешинчи мисраларида шу Ватаннинг беқиёс фазилатлари, ажойиб хислатлари мурожаат оҳангида тараннум этилади, рефрен сифатида барча бандларнинг охирида такрорландиған олтинчи мисра лирик қаҳрамоннинг қасамёди бўлиб жаранглайди. Бу мусаддас бандларининг бири уч ички композицияга эга бўлиб, улар уч хил қофияланиш хусусиятига эгадир. Бундай ўзига хослик шеърининг фақатгина гражданилик пафосини кучайтирибгина қолмасдан, балки унинг оҳангини турлича товлантиради ва либосини ҳам рангини қилади.

«Озарбайжон» шеъри ҳам гоаявий-бадий жиҳатдан юксак, публицистик эҳтиросларга бой бўлиб, унда халқларимиз ўртасидаги дўстлик жўшиб-тошиб куйланган. Унда Уйғун традицион поэтик шаклга хос ҳар бир банднинг етти мисрадан иборат бўлишининггина сақлаб қолган. Аммо бу шеърда ҳам у ифода этилаётган фикрнинг оқими ва қалбининг тўлқинлари амрига мувофиқ бандни уч ички композицияга бўлган ва шунга мувофиқ тарзда ҳар бир банд уч хил қофияланган. Уйғун еттиликда тузган бандларнинг қофияланишидаги яна бир фаркли томон шундан иборатки, уларнинг ҳар бири ўзига хос қофия тартибига эга, фақат

бандлар охиридаги в в тарзида қофияланган икки мисра айрим ўзгаришлар билан нақоратдай такрорланади. Аммо унинг қофияси биринчи банддагидай *кон-жон, радифи эса Озарбайжон* тарзида такрорланаверади:

Салом юборибсан баҳор елидан,
Биз келдик бағрингга ўзбек элидан;
Қалбимизда тошган шодлик селидан
Оламга сиғмайди ҳаяжонимиз,
Соғ-омон бормисан, қадрдонимиз,
Қардош Озарбайжон, жон Озарбайжон,
Дўстлик севгисига кон Озарбайжон (1, 442).

Шеърнинг кейинги бандлари ҳам шу тарзда тузилган ва қофияланган. Демак, Уйғун бу шеърида анъанавий мусабба поэтик шаклининг, биринчидан, банд тузилишига ислоҳ киритган бўлса, иккинчидан, қофияланиш тизимини тамоман янги тартибда тузган.

Шоирнинг «Ҳаёт чақиради», «Назир отанинг ғазаби», «Кўзғол, дединг» каби бир қатор шеърларида қадимий поэтик шакллардан аралаш ҳолда фойдаланиш ҳодисасига дуч келамиз. Аммо бу ҳодиса мазкур шеърларнинг гоёвий ё бадий сифатига салбий таъсир етказмаган, аксинча уларнинг ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилган. Масалан, «Кўзғол, дединг» (1941) шеърини Уйғун, асосан, мурабба формасида ёзган ва унинг жуфт мисралари ўзаро қофияланган. Аммо бу шеърнинг биринчи банди 8 мисрадан ва иккинчи банди олти мисрадан иборат. Шеърнинг саккиз мисрадан иборат биринчи банди мурабба тарзида қофияланган бўлса, (иккинчи банддан кейинги бандлар шундай тартибда қофияланган) олти мисрадан иборат иккинчи банди маснавий сифатида қофияланган. «Кўзғол, дединг» шеърининг дастлабки икки бандининг (биринчисининг саккиз мисрадан, иккинчисининг олти мисрадан) бундай ҳолда бўлишига, бизнингча, шоир

кўкрагида ёвуз душманга нисбатан бўлган қаҳр-ғазабнинг чексизлиги, туйғуларнинг маълум бир қолипга сола билмаганлиги сабаб бўлган. Фикримизга биринчи банддаги етти мисранинг кўзғол сўзи билан бошланиши ва иккинчи банддаги олти мисранинг ҳар бир мисраси учун сўзи билан якунланиши гувоҳ бўлади. Кўзғол ва учун сўзлари шоирдаги ғазаб ва нафрат туйғуларининг поёнсиз эканлигига гувоҳлик бериши билан бирга, *Кўзғол сўзи биринчи банддаги, учун сўзи эса иккинчи банддаги мисраларни бир бирига боғлаган, бошқача қилиб айтганда, мазкур сўзлар шу бандлар учун қолип ролини бажарган. Шулардан кейин шоирнинг ҳис-туйғуларни маълум бир ритмга, тартибга киради ва шеър ўз ўзанидан оқа бошлайди.*

Бундай хусусият Уйғуннинг «Ҳаёт чақиради» (1961) шеърида ҳам равшан кўринади. Маълумки, Уйғун ўз ижодий хусусиятига кўра ҳис-туйғулари тизгинсиз, табиатан жўшқин, оташин лирик, серзавқ, кўтаринки, некбин шоир. Унинг барча яхши шеърларида кундалик ҳаётимизда юз бераётган улуг ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларнинг тавсифи, баёни эмас, балки лирик, фалсафий таърифи, тасдиғи, шоирона бой эҳтиросларга йўғрилган талқини, қайдлари ифода этилади.

Шоирнинг «Ҳаёт чақиради» шеърида эҳтирос ниҳоятда бой, туйғулар баҳор фаслидек пўртанали, фикр олмосдек тиниқ, формуладек аниқ, ҳукм буйруқдек зарбли. Фикр ва туйғунинг селдай қуйилиб келганидан бўлса керак, шоир баён қиладиган муддаосини қатъий бир тартибга сололмайди, шу сабабли дам олти мисрадан (биринчи банд), дам беш мисрадан (иккинчи ва учинчи бандлар), шундан кейин ўн уч мисрадан (тўртинчи, бешинчи бандлар) ва етти мисрадан (бешинчи – охириги банд) иборат бандлар тузади.

Ҳар бир банднинг охирида келадиган ва унда баён этилган фикрни ҳамда шеърнинг асосий ғоясини тасдиқлайдиган «Ҳаёт чақиради мени ёнига» мисраси рефрен тарзида

такрорланаверади. Шеърнинг биринчи банди а б б б б в, иккинчи банди а а а а б, учинчи банди а а б б в тарзида қофияланган бўлса, қолган бандлари традицион маснавий шаклида қофияланган. Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, «Ҳаёт чақиради» шеърининг ёзилишида ўзбек адабиёти тарихининг барҳаёт тажрибалари Уйғунга қўл келган ва шу сабабли шоир баҳорги дарёлардай тошқин, камалакдай сержило фикрлари ва туйғуларини, ҳаётга мафтунлиги, ҳаётпарварлик ғоясини мусаддас, мухаммас, маснавий поэтик шаклларида аралашига фойдаланган ҳолда баён қилган. Бундай хусусият шоирнинг «Назир отанинг ғзаби» (1942) ва бошқа бир қатор шеърларида ҳам равшан кўринади. Жанрга нисбатан бундай эркин муносабатда бўлиш аломати Уйғун шеърларининг табиийлигини таъминлаганлигини таъкидлаш лозим.

Маълумки, мумтоз адабиёт захирасидаги маснавий, мухаммас, мусаддас, мусабба каби поэтик шаклларда гражданлик пафоси, Ватан, халқ, замон тақдири масаласи, тинчлик, фаровонлик, дўстлик, ҳамкорлик, ободлик, ҳаётпарварлик муаммоси ўзбек шоирларининг шу шаклдаги шеърларидагидай махсус мавзу сифатида қаламга олинмаёди ва ёрқин жарангламайди. Бу шаклнинг айрим ижтимоий-сиёсий мазмун касб этган намуналари ҳам даврдан, ҳаётдан шикоят мотивларини ифодалаш билан чегараланади. Аксинча, уларда интим масалалар баёни, даврдан нолиган ошиқ ва маъшуқларнинг кечинма ва изтиробларини ифода этиш асосий ўрин тутди.

Хулоса қилганда, анъанавий шеърининг шакллари бузиб, ислоҳ қилиб, уларнинг заминиде янги шеърининг тизимлар яратиш, поэтик шакллардан аралаш ҳолда фойдаланиш ҳодисаси Уйғун ижодиётининг гўзал фазилатларидан бири бўлиб, улар шоир шеърининг фақат шаклий жиҳатдан оригиналлигини, рангинлигини таъминлабгина қолмасдан,

балки унинг маънавий жиҳатдан бойлигини, гражданлик руҳининг чуқурлигини ҳам намойиш этади.

Анъаналар ва Уйғун шеъриятида табиат лирикаси

Уйғуннинг ўзига хос ижодкорлик қобилияти, ҳаётга муносабати, наботот оламига яқинлиги ва уни жон-дилдан севиши. табиат мавзусини узлуксиз ишлаши туфайли табиат лирикаси мислсиз ривожланди, лирик поэзиянинг пешқадам, жанговар жанрларидан бирига айланди. Аниқ воқеликда, миллат кишилари маънавий оламида, муқаддас еримизда юз берган ўзгаришларни бадний ифодалашда Уйғунга табиат лирикаси кўл келди. Уйғун ўз ижодиёти билан она замин қудратини, гўзаллигини, халқининг она еримизга садоқатини, заминимизга муҳаббатини, халқимизнинг олижаноб маънавий оламини намойиш этишда табиат лирикаси бой имкониятларга эгаллигини биринчилар қаторида исботлади. Умуман, ҳаётда табиатдан ташқари бирон нарса бўлиши мумкин эмас. Жумладан, инсон ҳам табиатнинг фарзанди, унинг қўйнида нозу неъматлари, гўзалликларидан баҳраманд бўлиб ўсади, фазилатларидан ибрат олиб улуғлик касб этади. Шу жиҳатдан табиат лирикасининг инсонни эстетик ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашдаги роли каттадир. Аммо табиат лирикасига муносабат ҳамиша бир хил бўлган эмас. кейинги йилларда табиат лирикасига эътибор бир қадар кучайган бўлса, 50-йилларда унинг ижтимоий ҳаётдаги қиммати камситилган ва ҳатто бу жанрда ижод этадиган шоирлар зуғумга олинган. Бу ҳақда ва табиат лирикасининг аҳамияти тўғрисида Уйғун шундай ёзади: «...Эсимда, танқидчилар мени ҳам бир вақтлар табиатга майлинг зўр, деб ноҳақ айблашганди... Лекин ҳар бир одам қўлидан келган ишни қилади. Ҳа, бутун гап мана шунда. Имоним комилки, фалон-фалон қурилиш-монтаж бошқармасининг еттинчи сон қурилиш участкасини тасвирлашга махсус бағишлаб ёзилган

шеърдаги ижтимоий гапларни табиат лирикасида ҳам ифодалаш мумкин. Табиат ҳақидаги баъзи шеърлар бу вазифани ҳатто яхшироқ адо этса ҳам ажаб эмас. Кимдир айтган экан: табиат лирикаси ҳам портрет шеърнинг ўзгинасидир, фақат унда одам сурат ўрнатилган чорчўпдан ташқарида бўлади, деб... Сиз бунини портрет дейсизми? Хўп, бординг, автопортрет бўлсин. Табиат - одамнинг кўзгуси»¹⁴⁴.

Уйғун табиат лирикасини асослаш, ривожлантириш, эътиборини оширишда Ҳамид Олимжон, Ойбек, Миртемир, Зулфиялар қатори кўп тер тўқди, ижодий фаолиятининг барча босқичларида бу жанрда ғоявий-бадиий жиҳатдан етук шеърлар, поэмалар, балладалар яратди. Нафақат булар, балки шоир машҳур жамоат ва маданият арбоби, таниқли публицист сифатида табиатни асраш, авайлаш ва янада яшартиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди ва қўшаёттир. Ана шу изланишлар ва курашлар туфайли табиат мавзуси Уйғун ижодидан мустақкам ўрин олди ва доимий мавзуларидан бирига айланди.

Булардан ташқари, Уйғуннинг табиатга бунчалик махлиё бўлишига яна қуйидагилар сабаб: биринчидан ҳар қандай шоир ҳам, жумладан, Уйғун ҳам, табиат қўйнида туғилади, вояга етади, ундан озми-кўпми бахраманд бўлади. Уйғун эса табиати кишини ҳайратга соладиган Жанубий Қозоғистоннинг қадимий маърифат ва маданият марказларидан бири бўлган Марки қишлоғида туғилди, болалик йилларини шу ерда кечирди, Ўрта Осиёнинг Тошкент, Самарқанддек жаннатмакон шаҳарлари қўйнида таълим олди, ҳаёт кечирди ва яшаяпти. Мазкур жойларнинг мавзеларига хос гўзал табиат манзаралари бўлажак шоирнинг табиатга бўлган муҳаббатини оширишда катта ҳисса қўшди. Ана шу жиҳатдан Уйғуннинг сажиясида табиатга яқинлик, ҳамнафаслик аломатлари мавжуд.

¹⁴⁴ "Шарқ юлдузи", 1974, 6-сон, 203-бет.

Иккинчидан, Уйғун таълим олган, анъаналарини садоқат билан давом эттираётган ўзбек ва жаҳон адабиёти табиат тасвири масаласида бой тажрибага, илғор традицияларга эга адабиётлардан саналади. Улуғ Навоий ҳам, Пушкин ҳам, Лермонтов, Некрасов, Лутфий, Бобур, Комил, Хиромий, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ҳам моҳир табиат куйчиси сифатида шуҳрат қозонишган. Уйғуннинг салафлари табиат тасвиридан замондошларининг қайғу-аламларини, турмушдан норозиликларини, орзу-армонларини тасвирлашда, ватанпарварлик, адолатпарварлик, эрқпарварлик, халқпарварлик, гуманистик ғояларни ифодалашда фойдаландилар. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари, бир қатор ғазаллари, Бобурнинг «Бобурнома»си ва Пушкиннинг «Кавказ», «Қишлоқ», Некрасовнинг «Темир йўл», Тургеневнинг «Муму» асарларида шундай йўл тутилган. Масалан, Навоий «Лайли ва Мажнун» дostonида бош қаҳрамонларнинг бир-бирига бўлган самимий муҳаббатини наврўз байрами фонида тасвирлаган бўлса, уларнинг фожиаи ўлимини сўлғин куз фасли фонида тасвирлайди¹⁴⁵. Бу билан китобхон қалбида севишганлар бахтига зомин бўлган адолатсиз тузумга нисбатан нафрат уйғотади.

Куз тасвири билан бошланган Некрасовнинг «Темир йўл» шеърида ҳам шундай ғоя илгари сурилган. Пушкин эса «Кавказ асири»да табиат тасвири воситасида эрқпарварлик ғоясини илгари суради.

Табиат Уйғуннинг ҳаётга бўлган шайдолигини кўтаринки услубда тасвирлашда, кишиларимизнинг яшашга чексиз муҳаббатини куйлашда муҳим фон, восита, факт, деталь, образ вазифасини бажарди. Уйғуннинг табиатдан фойдаланишда салафларидан фарқли томони, новаторлиги ана шу масалалар билан бирга яна табиатга ХХ аср талаблари, уни асраш, авайлаш, муҳофаза этиш нуқтаи назаридан қарашларида

¹⁴⁵ Қаранг: Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. 8-том, IX боб. 14-22-бетлар; XXXV боб. 219-232-бетлар.

равшан кўринади. Учунчидан, Уйғун - реализм адабиётининг йирик вакили. Бу адабиёт илғор анъаналарга кенг йўл очиб берган бўлса ҳам, табиатни билан новатор адабиётдир, ҳаётни реалистик услубда, ўсиш-ўзгарнишда, халқчиллик нуқтаи назардан ифодалайдиган адабиётдир. Бу адабиётнинг вакили бўлган Уйғун ижодиётида ҳам шундай хусусиятлар равшан кўринади.

Уйғун ижодий услубига хос хусусиятлардан бири шундаки, у қаҳрамонлари характерида табиат фониди олади. Бу ҳодиса унинг поэзиясида хилма-хил ҳолатда кечади. Масалан, «Назир отанинг ғазали» асарларида табиат билан инсон кайфияти ўртасидаги мувофиқлик (табиат ҳам дарғазаб, инсон ҳам) кўзга ташланса, «Гулсал»да қарама-қаршилиқ (Гулсал хафа, табиат хушнуд ҳолда), «Хаёлингди кезар икки нарса», «Куз қўшиқлари», «Куюш ўлкасига» каби шеърларда ҳамоҳанглик аломатлари ёрқин кўринади. Бу ҳодиса табиатни ҳар томонлама ўрганиш, унга ижобий муносабатда бўлиш туфайли содир бўлган. Уйғуннинг биронта салафи ва мусири инсон билан табиатга хос хусусиятлар, улар ўртасидаги мувофиқлик ва қарама-қаршиликларни унингчалик чуқур, ҳаётний, аниқ ва ҳар томонлама кашф этган эмас. Шоир инсон юрагидаги мураккаб кечинмаларни қанчалик нозик ҳис қилса, табиатда содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларни ҳам шунчалик ёрқин сезади. Шу жиҳатдан Уйғун ижодиёти бой адабий маҳсулотга эга.

Лирик поэзиянинг бошқа жанрлари сингари табиат лирикасининг ҳам ўзига хос хусусиятлари, воситалари, предметлари ва белгилари бўлади. Табиат лирикаси поэзиянинг кенг тарқалган, қадимий ва ҳаминша навқирон жанрларидан бири бўлиб, ёзма адабиётга у фольклордан кирган.

Ўзбек адабиёти тарихида табиат лирикасининг дастлабки намуналари Махмуд Қошғарийнинг қомусий аҳамиятга

эга «Девону луғотит-турк»¹⁴⁶ ва ундан кейин яратилган Носириддин Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий»¹⁴⁷ асарларида учрайди. Маълумки, бу асарларнинг биринчиси XI асрга тегишли бўлиб, иккинчиси XIV асрнинг бошлари (1309-1310)да ёзилган. «Девону луғотит-турк»да баҳор, қиш, ёз фасллари тасвирига бағишланган ажойиб тўртликлар учраса, «Қиссаи Рабғузий»да баҳор таърифига бағишланган «Баҳориёт» номли 11 байтли ғазал учрайди. Бу тўртликлар ва баҳор васфига бағишланган ғазал нафақат тематик-ғоявий хусусиятлари билан, балки жанрий ва тасвирий асослари билан ҳам диққатни тортади. Табиатга хос хусусиятларни ўрганиб, табиат мавзуини бадий ҳаётга киритиш анъанаси аслда шу асарлардан бошланади ва у кейинчалик ўзбек адабиётининг барҳаёт анъаналаридан бирига айланади. Бу самарали муносабатнинг ривожини Алишер Навоийнинг лирикаси, «Хамса»си ва фасллар тасвирига бағишланган «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») қасидасида, Хиромийнинг Шаҳрисабз васфига бағишланган қасидасида, Комил, Огаҳий, Фурқат, Муқимий ва бошқа классик шоирларимизнинг ижодида равшан кўриш мумкин. Поэзияда «Баҳория» номи билан юритиладиган шеърларнинг пайдо бўлишини ҳам табиатга муҳаббат нишонаси ҳисоблаш мумкин.

Шоир Уйғун айтганидек, санъатнинг ҳар бир тури, ҳар бир жанри ўзининг воситаларига эга бўлганидек, табиат лирикаси ҳам ўз воситалари ва предметларига эгадир. Табиат лирикаси воситаларига табиат лавҳалари, ҳодисалари, йил фасллари кирса, предметларига дарахтлар, ўсимликлар, кўкатлар, ҳашаротлар, ҳайвонлар, чақмоқ, камалак, бўён, шамол, ёмғир, қор, иссиқ, совуқ, сэхро, дала, дашт, чўл киради. Табиат лирикаси жанрида ижод қиладиган ҳар бир санъаткор турли-туман хусусият ва характерга эга бўлган табиат пред-

¹⁴⁶ Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Биринчи том. – Тошкент, 1959, 11-17-бетлар.

¹⁴⁷ Ўша асар, 83-бет.

метларининг ички моҳиятини тушунибгина қолмасдан, балки улар ўртасидаги диалектик бирлик ва қарама-қаршиликларни ҳам яхши билиши лозим. Шундагина у табиат образини жонли яратишга, бу восита орқали инсон образини ҳар томонлама очишга муяссар бўлди. Кучли эмоционаллик, оташин лиризм, поэтик бўёқдорлик, образлилик, манзаравийлик, аниқлик ва ҳаётийлик табиат лирикасининг узига хослигини ташкил этади.

Уйғун ижодиётининг мазмунли ва ибратли бўлишида унинг мавзу жиҳатдан бойлиги ва хилма-хиллиги ҳам сабаб бўлди. Энг муҳими, табиат ва инсон, инсон ва табиат концепциясини ҳал этишда унинг истеъдоди бағоят маҳорат касб этади, қаламининг бўёғи қуюқлашади ва рангшилик касб этади, фантазия олами кенгайди, илҳоми жўш уради.

Уйғуннинг табиат лирикасига мансуб шеърлари табиат устидан ҳукмронлик қилаётган, гўзалликларидан баҳраманд бўлиб, эстетик ва жисмоний жиҳатдан камолга эришаётган кишиларимизнинг маънавий - ахлоқий қарашларини тадқиқ этишда катта аҳамиятга эга. Чиндан ҳам Уйғун инсонни табиат қўйнида, табиатни инсон ҳукмида тасвирлашда ўзига хос маҳоратга эга. Бу ҳақда Л.Қаюмов шундай ёзади: «Уйғуннинг поэтик услубида яққол кўзга ташланадиган хусусиятларидан бири табиатни жуда нозик ҳис қила билиш қобилиятидир. Шоир ҳам, унинг лирик қаҳрамони ҳам она юртни жуда севади. Ватаннинг гўзалликларини нафис равишда ҳис қилади. Шунинг учун ҳам Уйғун яратган поэтик пейзажлар ғоят таъсирли ва бойдир»¹⁴⁸

Уйғуннинг табиатга бағишланган шеърларини мавзу жиҳатдан қуйидагича тасниф қилса бўлади; 1) табиат фаслларига бағишланган шеърлар; 2) дарахтлар, гуллар, япроқлар ва бошқа шундай турдаги предметларга бағишланган шеърлар; 3) кушлар, ҳашаротлар, ҳайвонларга бағишлан-

¹⁴⁸ Қаюмов Л. Замондошлар. – Тошкент, 1972, 118-бет.

ган шеърлар; 4) самовий предметларга бағишланган шеърлар; 5) топонимларга бағишланган шеърлар.

Шоир ёшлигида, йигитлик йиллари ва ўрта ёшлигида табиат ҳақида қанчалик қайғуриб, унинг тўғрисида мазмундор, жозибали шеърлар ёзган бўлса, кексалик чоғида ҳам табиат ҳақида шунчалик дилкаш шеърлар бунёд этмоқда. Муҳими шундаки, шоирнинг кексаликда яратилган шеърлари табиатнинг ҳали етарли очилмаган, мураккаб сир-асрорини, ҳали сезилмаган гўзалликларини, китобхон илғамаган янги-янги томонларини донишмандона кашф қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Шоир «Мавзу ҳақида» ва «Бағишлов» шеърларида заррадан тортиб қуёшгача, чигиртканинг чириллашидан тортиб япроқнинг шитирлашигача, булбулнинг чах-чахидан бошлаб бақанинг қуруллашигача, Дўрмон шабадасининг шўхликларидан бошлаб осмон чақмоғигача бўлган мавжудотнинг сон-саноксиз фарзандлари, кўринишлари, қилиқлари, манзаралари ва бошқа сир-асрорлари таърифини, тасвирини, характерини, манзарасини ғоят ҳайратомуз ва билағонлик билан яратади.

Уйғуннинг табиат ҳақидаги шеърларига диққат қиладиган бўлсак, уларда айтиб ўтилганлардан ташқари, яна бир муҳим хусусиятнинг борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу илм билан бадиятнинг бир-бири билан қўшилиб кетиши ва ягона оқим ҳосил қилиши хосиятидир. Уйғунда бадий қобилият билан илмий салоҳият бирлашмаганида, у эслатиб ўтилган турли-туман предмет ва нарсаларнинг ҳар томонлама талқинини бера олмас, бир-биридан фарқланадиган аниқ нуқталарини топа олмас ва ҳар бирида бир ажиб гўзаллик, бир янги маъно ўқий олмас эди. Шоирнинг бундай муваффақиятларга эришишида юқоридагилардан ташқари, ижодкорга оби ҳаётдай зарур бўлган яна бир манба борки, бу - табиатни асраш, авайлаш ва келгуси авлодга табиий тарзда топшириш идеалидир.

Табиатнинг умумхалқ мулки ва халқаро аҳамиятга эга масала эканлигини ҳам адабиётимизда муаммо сифатида дастлаб кўтариб чиққанлардан бири Уйғундир. Унинг «Куз кўшиқлари», «Баҳор», «Баҳор ҳақида» каби шеърлари ёзилган 30-йилларда табиатни муҳофаза қилиш масаласи ҳукумат томонидан кун тартибига кўйилмаган. Шунга қарамай, шоир мазкур шеърларида нафақат табиатнинг гўзаллигини эътироф этиш, ундан завқ ва баҳра олиш лозимлигини, балки инсоният келажаги учун уни асраш, авайлаш кераклиги ғоясини ҳам илгарин сурган эди.

Ҳар бир ишнинг ўз устаси бўлганидай, ҳар бир мавзунинг ҳам ўз ижодкори бўлади. Бўлмаса ҳаётни, ёзни, кузни, баҳорни, қишни, ям-яшил дарахтни, булбулни, оппоқ очилган пахтани, қип-қизил гулни қайси шоир ёмон кўради, дейсиз? Ҳамма ижодкорлар ҳам яхши кўради, албатта! Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам мазкур мавзуларни китобхон кутганидай гўзал ифода эта олмайди. Китобхон диди ва талабига мувофиқ яхши ёзиш масъулияти ижодкорларни изланишга, ҳаётни кузатишга ва ҳаётдан ўз мавзуларини танлаб олишга олиб келади. Шу жараён муваффақиятли ҳал этилгач, ижодкор ўз мавзуси ва услубини топиб олади, мазкур йўналиш бўйича диққатга сазовор асарлар ярадади. Уйғун адабиётимизда табиат куйчиси бўлганидай, фасллар куйчиси ҳамдир. Унинг сеҳрли қаламдан баҳор ва куз, қиш ва ёз ўзининг бетакрор таърифи ва тасвирини топган. Айниқса, адабиётимизда баҳор темасини янгича талқин этишда Уйғуннинг хизмати катта. У «поэзияга баҳор нафасини олиб кирган»¹⁴⁹ шоир саналади.

Уйғуннинг техникум деворий газетасида чиққан биринчи шеъри Баҳор ҳақида ёзилган, матбуотда биринчи эълон қилинган «Кўнглим» шеърида ҳам Баҳор тасвирига алоҳида эътибор қилинган, биринчнтўпламига «Баҳор севинчлари» деб ном берилган. Биринчи шеърдан бошлаб шу кунларда

¹⁴⁹ Қаюмов Л. Замондошлар, 118-бет.

эълон этилаётган шеърларигача ҳам баҳор нафаси уфуриб туради, баҳорий завқу шавқ ҳукмронлик қилади. кўклам таровати намоён бўлади. Булар шоирнинг баҳорни қаттиқ севганлигидан, ҳаётини, ижодини баҳорсиз тасаввур этолмаганидан, қалби, ижоди табиатан баҳорга мойиллигидан далолатдир. Булардан ташқари, шоирнинг ўзи ҳам асарларида «илҳомини кўклам қизидан» олганлигини, «Келинчақ баҳор билан», «нозли кўклам қизи» ижодида элоҳида ўрин эгаллаганлигини махсус қайд этади. Фақат буларгина эмас, у, аввало, баҳорда (14 майда) туғилган, ёшлиги табиат қўйнида кечган, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлган. Бу тўғрида шоирнинг ўзи қуйидагиларни эътироф этади: «Дадамнинг маслаҳати билан деҳқончилик, дала ишларига аралашиб кетдим. Тоғга яқин жойдаги хушманзара, ҳайкириб оқадиган Худойқул ариғининг ёнидаги кичкина далада меҳнат қилиш менга зўр завқ бағишларди.

Табиатга бўлган мендаги севги ўша ёшлик чоғларимдан бошланган» (6, 337).

Биринчи шеърни матбуотда эълон қилингандан буён ўтган 60 йил ичида Уйғун не-не баҳорларни кўрмади, унинг завқу шавқидан баҳраманд бўлишмади! У баҳор билан бирга далаю қир кезди, боғу роғлар яратди, уларни гуллатди, турмушга файзу шукуҳ қўшди. Шоир ҳаётини, ижодини, келажагини баҳор билан боғлаганлиги сабабли ҳам унинг чеҳрасидан файзу шукуҳ ёғилади. Бир донишманд, шоир қалби асло қаримас, деганида, умрини эл манфаати йўлига бағишланган, ҳаёти баҳор билан ошуфта бўлган шундай валламат одамларни кўзда тутган бўлса керак. Уйғун «Мен баҳорни ўқимоқдаман»¹⁵⁰ шеърида баҳорни китоб сифатида ўқийди, унинг ҳар бобидан, минг турли маъно ва ҳар варағидан минг жилва пайдо қила олади. Баҳорга хос ана шу минг турли маъно ва минг хил жилва унинг ижодида, баҳор

¹⁵⁰ Уйғун. Даврим таровати. – Тошкент, 1980, 88-бет.

мавзуига бағишланган шеърларида ўзининг равшан ифодасини топган.

Уйғуннинг баҳор мавзусига бағишланган шеърларини хронологик тартибда, ижодининг тараққиёт босқичларига боғлиқ тарзда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу жиҳатдан шоир ижодини беш даврга бўлиш мумкин. Биринчи даврга 1926 йилдан 1937 йилгача ёзилган шеърлар киради. Бу даврда Уйғун баҳор мавзусини ишлаш маъносида ҳам, ижодининг тараққиёти маъносида ҳам ўргамчик шоирдан ижоди шаклланган, ўзига хос хусусият ва маҳорат касб этган шоир даражасига кўтарилди. «Баҳор тонгида» (1926), «Баҳор» (1926), «Баҳор ели» (1926), «Баҳор» (1928), «Баҳор ҳақида» (1937) каби шеърлар шу даврнинг маҳсулидир. Иккинчи даврга иккинчи жаҳон уруши йилларида баҳор тўғрисида ёзилган шеърлар киради. Уруш йиллари ўзбек халқи тарихида ўзига хос жанговар йилларни ташкил этганидек, Уйғун ижодида ҳам шундай характердаги йиллар сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бу йилларда шоир ватанпарварлик қаҳрамонлик, халқпарварлик, душманга ғазаб ва нафрат мавзуларида қанчалик ҳайратомуз шеърлар ёзган бўлса, баҳор мавзусида ҳам шунчалик ажойиб шеърлар ёзди ва баҳордан душманга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланди. «Кўклам» (1942), «Баҳор кўшиқлари» (1942), «Баҳор истаги» (1942), «Бинафша» «Ғалаба баҳори» (1945), «Баҳор тунида» (1945) шу йилларнинг шеърий маҳсулидир. 1946-1953 йилларда баҳор мавзуида ёзилган шеърлар учинчи даврни ташкил этади. Урушдан кейинги йиллар ва дастлабки беш йилликларда шоир ижодининг маҳсули бўлган «Келди баҳор» (1946), «Мен баҳорни ўқимоқдаман» (1946), «Бизнинг баҳоримиз» (1949), «Баҳор қўшиғи» (1953) каби шеърларда мазкур йилларга хос хусусиятлар яққол ифодасини топган. Тўртинчи даврга 60-йиллар (1964-1969) да ёзилган шеърлар киради. Бу давр ҳам иккинчи жаҳон уруши йиллари сингари, Уйғун ижодида баҳор мотивини талқин этишдаги маҳсулдор

йиллар саналади. Қуйидаги олти шеър - «Баҳор табассуми» (1964), «Ўлкада баҳор» (1966), «Баҳорни соғиндим» (1967), «Баҳор ҳикояси» (1967), «Минг қатла хурсандман» (1968), «Баҳор келди» (1969) шу йилларда ёзилган. Бешинчи даврга, шоирнинг 1970¹⁵¹ йилларда ёзган шеърлари киради. Бунга «Яна баҳор келди», «Баҳор шамолига» (1972) ва шундан кейин ёзган шеърлари мисол бўла олади.

Бундай даврлаштиришдан ва қавс ичида берилган йиллардан Уйғуннинг баҳор мавзусига бўлган муҳаббати қанчалик зўр ва доимий эканлиги маълум бўлади, Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, бу йилларда шоир баҳор мавзусини ишлаш устида тинимсиз изланганлигининг, унинг янги қирраларини очиш, моҳиятини ҳар томонлама чуқур таърифлаш, бошқа фасллардан фарқли томонларини кўрсатиш, жилваларини, нозу ишваларини, кўрку тароватини, ҳаётбахш табассумларини, ҳаётга ҳусн бағишловчи, қалбларни ғулғулага солувчи сифат ва фазилатларини, кароматларини очиш учун катта меҳнат қилганлигининг гувоҳи бўламыз.

Агар шоир тинимсиз ижодий изланмаганида бир мавзуда бир неча шеър ёза олмас эди ва ёзганида ҳам улар бир-бирининг такрори бўлиб қолиши мумкин эди. Уйғуннинг баҳорга бағишланган шеърлари айрим кусурларидан қатъий назар, мазмундорлиги, ҳис-ҳаяжонга бойлиги, дилкашлиги, табиийлиги ва ҳаётбахшлиги билан бир-биридан қолишмайди, бири иккинчисини бадий мазмуни ва тасвирий воситалари жиҳатидан тўлдиради, биринчисидан иккинчиси, иккинчисидан учинчиси янада ҳаётийлик, мазмундорлик ва таъсирчанлик касб этади. Шоирнинг ўзига нисбатан ўта талабчанлиги ва юксак поэтик иқтидори туфайли мазкур шеърлар бир-биридан тамоман фарқ қилади, ўзига хос ранг ва ҳидга эга турфа чаманнинг хушбўй гулларига ўхшайди.

¹⁵¹ Мазкур даврлаштириш Уйғуннинг баҳор мавзуини тадқиқ этиш борасидаги ижодий эволюциясини аниқлашда ҳам аҳамиятлидир. - Қ.Т.

Уларни бир жойга тўплаш имконияти бўлса, Уйғун ёзган баҳор ҳақидаги китоб маъно ва мазмунга, сеҳр ва тароватга, туйғу ва ҳисларга қанчалик бой эканлигининг, унинг ҳар бир варағи ўзига хос ранг ва тасвирга эгаллигининг ва табиат китобини Уйғун қанчалик моҳирлик билан ўқиганлигининг, ундан етарли таълим олганлигининг гувоҳи бўламиз.

Баҳор мавзусига бўлган муҳаббат туфайли шоир унинг ўзини янгичасига, фаол тарзда, ижодий руҳда тасвирлади, баҳор муаммосини ифодалаш воситалари бўлмиш гул, сумбул, булбул, сабо, ғунча, чаман, боғ, шабада, гулшан каби анъанавий образларга ҳам янги маъно берди, уларни янгича шаклда, йўналишда, усулда талқин этди. Баҳор тасвирида Уйғуннинг қалами шунчалик ўзига хослик, шунчалик бунёдкорлик касб этадики, у қўллаган тасвирий воситалар ва бўёқлар шеърдан шеърга кўчиб тиниқлашади, қуюқлашади ва оригиналлик касб этади. Муҳими шундаки, баҳор мавзусини ифодалаш, ватанпарварлик, ҳаётпарварлик ғоясини таранқум этиш, баҳор образини яратиш ва бу борада бадиий тасвирий воситалар қўллашдаги шоирнинг маҳорати, ўзига хослиги унинг ҳамма даврдаги шеърларида ҳам кўзга ташланади. Шоирнинг баҳор мавзусини бадиий талқин этишдаги ижодий тадрижини ўрганиш ва шеърлари давр руҳи билан суғорилганлигини, ғоявий-бадиий жиҳатдан бардамлигини кўрсатиш мақсадида шеърлар таҳлилини биринчи даврдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки ўн икки йил ичида баҳор ҳақида ёзилган шеърларнинг орасида шоирнинг тинимсиз изланишларидан дарак берадиган «Баҳор» ва «Баҳор ҳақида» шеърлари билан бирга, баҳорни бир ёқлама, мавҳум ҳолда ижтимоий ҳаётдан узилган тарзда тасвирловчи бўш шеърлар ёзганлиги ҳам маълум бўлади. Уйғуннинг ғоявий-бадиий жиҳатдан етук бўлмаган бундай асарлари сирасига «Баҳор тонгида», «Баҳорда», «Баҳор ели» шеърлари киради. Аслида баҳор тасвирига, образига мойил томонлар шоирнинг матбуотда

биринчи эълон қилинган «Кўнглим» (1926) шеърда кўринади. Бундай майл «Келдик» (1925), «Тонг» (1925), «Яшасин қишлоқ» (1926) каби шеърларда кучайган бўлса, баҳор ҳақидаги биринчи шеър «Баҳор тонги»да (1926) ва ўша йили ёзилган «Баҳорда», «Баҳор ели» шеърларида махсус мавзу сифатида қаламга олинган. Шу шеърлар баҳор мавзуини ифодалашни, ҳаётга муҳаббат ғоясини илгарин суриши жиҳатидан унчалик оқсамаса ҳам, баҳор образининг ижодий руҳ билан суғорилмаганлиги, бадний-тасвирий воситаларнинг мақсадга мувофиқ хизмат қила олмаганлиги жиҳатидан оқсайди. Иккинчидан, шоир ёшлиги, тажрибасизлиги туфайли баҳор мавзунинг янги қирраларини очолмаган. Бошқача айтганда, мазкур шеърларда ҳаётни ўзича кўришга, ўзича идрок этишга уриниш ҳолатлари кўзга ташланса ҳам ғоявий бадний олам яратишда шоир бирмунча қийналганлиги сезилади. Масалан, «Баҳор тонгида» шеърда ишлатилган «чўпон» ва «деҳқон бобо» сўзларини ҳисобга олмаганда унда шоирнинг эстетик тафаккури ўз ифодасини топмаганлиги аён бўлади. Унда шоирнинг баҳор ҳақидаги тушунчаси, тасаввур, қарашлари ҳали умумий эканлиги кўриниб туради. Шеърда ишлатилган хилма-хил тасвирий воситалар туман ичидаги ғунчага ўхшайди. Шу сабабли улар кишига эстетик таъсир кўрсатолмайди. Фикримиз исботи учун шеърнинг дастлабки бадний китобхон диққатига ҳавола қиламиз:

Паришон бўлганда кечанинг ҳоли,
 Зулматнинг юзлари аста сўлганда,
 Тонгнинг мармар тусли оппоқ рўмоли
 Зардан попук боғлаб, нозла кулганда,
 Кумуш қор кўйлакли тоғлар устига
 Шуълалардан олтин байроқ тикилди.
 Зангори чеҳрали кўкнинг бағрини
 Олтин қизнинг сочи – нур қиллар тилди... (I. II).

Кўриниб турибдики, бу бандда ҳали баҳордан дарак йўқ. Унда ифода этилган тонг тасвири шунчалик умумий ва мавҳумки, уни баҳор тонгининг эмас, балки куз тонгининг ёки ёз тонгининг тасвири десак ҳам хато қилмаймиз. Булардан ташқари, мазкур сатрларда ишлатилган бадий-тасвирий воситалар аниқ бир мақсадни кўзда тутиб ишлатилмаганлиги учун маълум эстетик аҳамият касб этолмаган. Фақат шеърнинг учинчи ва тўртинчи бандларидаги «бархит гилам ёзган тепа, қирлар» тасвиридан китобхон баҳор ҳақида озгина бўлса ҳам тушунча пайдо қилади. Бундай этишмовчиликлар (гарчанд уларда баҳор ҳақида муайян тушунчалар, жозибали мисралар, мақсадга мувофиқ бадий-тасвирий воситалар ишлатилган бўлса ҳам) шоирнинг «Баҳорда», «Баҳор ели» шеърларида ҳам учрайди. Табиат тасвири нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, кейинги икки шеърда шоирнинг топқирлиги, баҳор образини жозибадор яратиш соҳасидаги изланишлари маълум бўлади.

Тўғри, бу йилларда шоир ҳали ёш эди, шаклланиш, ўсиш, улғайиш жараёнини бошидан кечираётган эди. Бундан ташқари, унинг ҳаёт тажрибаси, билим савияси, маҳорати етарли эмас эди. Иккинчидан, бу шеърларнинг учаласи ҳам бир йилда ёзилган эди. Уларнинг бирин-кетинликда ёзилганлигига диққат қиладиган бўлсак, шоир ижодига хос бир муҳим фазилат – ўз ишига сира қониқмаслиги ва бу йўлдаги мақсадини рўёбга чиқариш учун тинмай изланиш хусусияти кўзга ташланади.

Шоирнинг «Баҳор» (1928) шеъри баҳор мавзуини етарли бадий савияда ифода этишдаги дастлабки ютуғи саналади. Мазкур шеърда баҳор тасвири маълум маънода ўзининг реалистик ифодасини топган ва унда шоирнинг ижтимоий эстетик позицияси, шоирлик кредоси намоён бўлган. Фикримизни далиллаш учун шеърдан иккита парча келтирамиз:



Академик Воҳид Абдуллаев шогирдлари билан Варахшада



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор ўзбек филологияси
факультетида



Профессор Саиджон Алиев хонадонида



Адабий мулоқот. Ўзбекистон халқ шоири Уйғун ва профессор Тожи Қораев



Ёзувчи Нурали Қобул билан



Устоз ва ҳамкасблар даврасида



Машхур тилшунослар даврасида



Ўзбек адабиёти кафедраси жамоаси



Замонавий ўзбек адабиёти фанидан машғулот



Аҳил оила



Тожи Қораевнинг падари бузруквори ва волидаи муҳтарамалари



Ота ва ўғил



Акаси Ҳожи Қораев



Опаси Нарзибегим



Укаси Каримбек Мақсудов



Укаси Раҳимбек Мақсудов

Тожи Қораев хотирасини абадийлаштиришга ҳисса қўшган олимлар



Профессор
Иброҳим Ғафуров



Профессор
Иброҳим Ҳаққул



Профессор Ғайрат
Муродов



Олимнинг илмий ва ижодий асарлари

Келганда гул ёйиб эркалаб баҳор,
Олтин табассум-ла, нозли боқиш-ла.
Кумуш томчи сочар инжу каби қор,
Оғочлар ясанар, қушлар чалар тор.

Баҳорда қувнайди меҳнат эрлари,
Баҳорда томчилар манглай терлари.
Баҳорда завқ эмар дала қизлари.
Ҳаёт сочар куннинг олов излари.
Баҳорда йўрғалар олтин трактор...
Ох, баҳор нашъали, баҳор гўзалдир (1, 26-27).

Келтирилган парчаларнинг биринчисида баҳор тасвирига хос хусусиятлар бу мавзуда ёзилган аввалги шеърларга нисбатан аниқ, тиниқ ва образли ифодаланган бўлса, иккинчисида, баҳор фаслининг қиммати, халқимизнинг бунёдкор фазилати, шоирнинг яратувчи халқ меҳнатидан гўзаллик топа олганлиги, завқланганлиги ва шулар туфайли баҳор ҳақиқий баҳор сифатида қалбларга нашъа солиши объектив ифодасини топган.

Аmmo бу шеър ҳам шоирнинг баҳор мавзусидаги изланишларидан бир нишона эди, холос. Унда кўпчилик тушунмайдиган, етарли аниқлик ва тиниқлик касб этмаган мавҳум фикрлар, ўхшатишлар, баднийликдан маҳрум мисралар ва ноўрин ишлатилган сўзлар йўқ эмас эди. Масалан:

Оқ сочли кекса тоғ музли киприқдан
Сочар тубанларга садаф доналар.
Ёяр этаклари чечак – лолалар (1, 26).

Бундан олдин келтирилган шеърий парчалар билан бу бадний лавҳа ўртасида катта фарқ бўлиб, бу факт шоирнинг баҳор мавзуини етук бадний талқин этишда тажрибаси, билими ҳали ҳам етарли эмаслигидан далолат беради. Сабаби

шундаки, мазкур мисраларда, биринчидан, табиийлик етишмайди, шоир шеърнинг бадийлигини таъмин этаман, деб ортиқча чиранганлиги маълум бўлади.

Маълумки, Уйғун ижодиётининг ўзига хос томонларидан бири унинг шеърлардаги соддалик, манзаравийлик, равонлик, мусиқийлик, сўздан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва табиийликдир. Албатта, шоир бунга осонликча эмас, балки узоқ йиллик меҳнат ва машаққат, тинимсиз изланишлар туфайли эришган.

Юқордаги мисраларда Уйғун ижодига хос ана шу фазилатлар етишмасди.

Уйғуннинг «Баҳор ҳақида» (1937) шеъри баҳор мавзусини бадий ишлаш жиҳатдан характерлидир. Бу шеър катта тайёргарликнинг, узоқ изланишларнинг самараси сифатида майдонга келган. У «Баҳор» шеърдан (1923) тўққиз йил кейин ёзилган. Назаримизда, шоир баҳор мавзуида ёзилган шеърларида нималардир етишмаганлигини, бу учун ўз устида ишлаши, ҳаётни ўрганиши лозимлигини англаб олган ва орадан ўтган тўққиз йилда бу соҳада йўл қўйган камчиликларни бартараф этиш учун тинмай изланган. Ниҳоят, «Баҳор ҳақида» шеърда уларни тузатган, сеvimли мавзусида поэтик кашфиёт даражасига кўтарилган асар яратишга муяссар бўлган. Фикримизга шеърнинг содда, равон, манзаравий, табиий ёзилганлиги, ҳаётий материалларга бойлиги, жозиба кучига эгаллиги, шоирнинг ифода этаётган муаммони пухта билиши, уни муҳаббат билан, қалб қўрига йўғириб баён қилганлиги, бу муҳаббатни китобхонга юқтира олишга муяссар бўлганлиги, баҳор образини ҳаракатда, жонли тарзда, курашчан ҳолатда кўрсатганлиги, янги бадий-тасвирий воситалар қўллаганлиги асос бўла олади. «Баҳор ҳақида» шеърда мавзу, ғоя, образ, бадий-тасвирий воситалар, шеър унсурлари, оҳанг меъёрида ишлатилган.

Соддалик - табиийликнинг онаси. Табиий ва содда бўлмаган асар китобхоннинг қалбидан жой тополмайди.

Содда ва табиий ёзиш осонликча қўлга киритиладиган ютуқ эмас. У жуда кўп изланиш, узлуксиз меҳнат ва оғир машаққатларнинг, маҳоратнинг махсули сифатида бунёд этилади. Шоира Зулфия сўзи билан айтганда, «соддалик қалбнинг қайноқлигидан, маҳоратнинг теранлигидан келиб чиққан»¹⁵² фазилатдир. Уйғун бундай маҳоратни осонликча қўлга киритган эмас.

Бадний ижодда маълум довоя ошиш, янги поэтик кашфиёт яратиш ҳам ўзига хос жасорат саналади. Уйғуннинг «Баҳор ҳақида» шеъри ҳам 30-йиллар ўзбек адабиёти учун поэтик кашфиёт. Ўзига хос жасорат ва Ватанга муҳаббатнинг намунаси эди. Бу шеър ўзкининг муҳим фазилатлари билан шу йилларда яратилган «Ўрик гуллаганда», «Наъматак», «Яловбардорликка» каби шеърлар қаторини тўлдирди ва шеъриятда воқеа бўлмбқолди.

«Баҳор ҳақида» шеърининг ғоявий-бадний жиҳатдан пухта ва таъсирли чиқишида Уйғуннинг она диёримингга бўлган чексиз ва оташин меҳр-муҳаббати, фарзандлик эҳтироми сабаб бўлган. Ватаннинг севган шоир унинг баҳорини ҳам севади ва баҳорининг тароватини, кўркини, тенгсиз, такрорланмас фазилатларини жўшқин сатрларда тараннум қила олади. Уйғуннинг «Куз қўшиқлари», «Қуёш ўлкасига», «Хаёлингга кезар икки нарса», «Атиргул», «Тонгги бўса» каби ўнлаб шеърларида ҳоким бўлган бундай патетик кайфият – кўтаринки романтик руҳ «Баҳор ҳақида» шеърининг ҳам муваффақиятини таъминлаган.

Шеърда шоир ва баҳор образи, тиниқ, эниқ, ҳаётий яратилган. Шеърдаги лирик қаҳрамонга хос хусусият шундан иборатки, у – баҳорни, турмушни, ҳаётни жон қадар севади, умридан, қилаётган ишларидан мамнун, ҳисси баланд киши. Шу сабабли у баҳорни «қалбимнинг рамзи» дейди. Шоир

¹⁵² «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1982 йил, 25 июнь.

баҳор образини рангдор, оҳангдор, жонли, табиий, фаол ва нафис қилиб яратади.

Қўлларингга бинафша ушлаб,
Яна бўлдинг қаршимда пайдо.
Сен бизнинг ҳаётга ўхшайсан,
Шунинг учун мен сенга шайдо.
Ҳар жиҳатдан ўхшайсан унга,
Умринггина ўхшамас фақат.
Сен, хадемай ўтиб кетасан,
Турмуш - баҳор яшнаро то абад (1, 94).

Қуйидаги бандларнинг сеҳру жозибаси ҳам китобхонни беэътибор қолдирмайди.

Яна келдинг қалбимнинг рамзи,
Яна келдинг минг жилва билан.
Яна келдинг ясанди дунё,
Далаларга тўшалди гилам.
Ҳар ёғочга кийгизиб либос,
Ҳар нарсани кўрасан бориб.
Мулойим ва илк бўса билан
Гул очасан ғунчани ёриб (1, 93).

Мазкур бандлар нафосатини биз юқорида эслатиб ўтган омиллар билан бирга, билан - *гилам, бориб-ёриб* тарзидаги оригинал қофиялар, *яна келдинг ва ҳар* олд такрорлари, *қалбимнинг рамзи каби янги, охори тўкилмаган ўхшатиш*, яна келдинг минг жилва билан ҳар ёғочга кийгизиб либос, ҳар нарсани кўрасан бориб каби ҳаётий жонлантиришлар ҳам таъминлаган. Фикримизга ёқут уфқ, бахт майи, ғунча пиёла каби оригинал сифатлашлар ҳам мисол бўла олади. Бундай новаторона ишлатилган ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш ва маъноли, мантиқли, тўла-тўқ қофиялар шеърнинг ҳар бир

бандида учрайди. Шеърнинг бадий жиҳатдан нафис ва ғоявий жиҳатдан намунали чқишида шоирнинг поэтик сўздан маҳорат билан фойдалана олиши бармоқ системаси банд тузилиши ва тўққиз ҳижоли бармоқ, вазнини ўринли ишлатгани муҳим роль ўйнаган «Баҳор ҳақида» шеърисида новаторона яратилган шеърларда фикр билан бадийлик бир-бирига ани шундай омукта бўлиб кетган бўлади. Бундай омукталиқ шоирнинг юксалганлигидан, янги поэтик поғонага кўтарилганлигидан бир нишонадир.

Уйғун «Баҳор ҳақида» шеърисида эришган ютуқларини иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзилган баҳор ҳақидаги шеърларида давом эттирибгина қолмай, балки уларни «Кўклам» (1942), «Баҳор кўшиқлари» (1942), «Баҳор истаги» (1942), «Момақалдироқ» (1943), «Бинафша» (1943), «Ғалаба баҳори» (1945), «Баҳор тунида» (1945) каби шеърларида ривожлантирди. Уруш йилларида ҳаётимизда юз берган тарихий воқеалардан келиб чиқиб, баҳор мавзусининг янги-янги қирраларини кашф этди, унинг мазмунини кенгайтирди, баҳор образининг янги хусусиятларини топди. Буларнинг ҳаммаси шоирнинг ўз устида тинмай ишлашидан, изланишидан, топқирлиги ва новаторлигидан далолат беради.

Урушгача бўлган йилларда ёзилган шеърларида шоир баҳорни гўзаллик ва нафосат рамзи, бунёдкорлик ва яшартириш фасли, меҳнаткашларга ҳамдам ва ғамхўр бир образ сифатида таърифлаган эди. Лекин шоирнинг 30-йилларда ёзилган баҳор ҳақидаги шеърларининг бирортасида баҳор зафар ва эзгулик, ғзаб ва нафрат рамзи сифатида, ёвуз душманга қарши қўлига қурол олган курашчи сифатида талқин этилган эмас. дейиш мумкин. Баҳор мавзусидан бундай янги мазмун топиш, баҳор образини жанговар тарзда гавдалантириш, ундан ўткир ғоявий қурол сифатида фойдаланиш шоирнинг уруш давридаги ижодиётига хос хусусиятдир.

Иккинчи жаҳон уруши бошқа соҳадаги кишилар сингари сўз санъаткорлари олдига ҳам ижодий изланиш, мавзулар,

образлар талқинига янгича муносабат, янги поэтик кашфиётлар яратиш вазифасини кўндаланг қўйган эди. Шу сабабли Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Шайхзода, Султон Жўра, Собир Абдулла, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Миртемирлар қатори Уйғуннинг ижодида ҳам янги сифат ўзгаришлари юз берди. Шундай фазилатлар сабабли шоирларга янги фикр айтувчи, янги маъно яратувчилар, деб таъриф берилган бўлса керак. Шоирларнинг машаққатли меҳнатига берилган бу юксак баҳо Уйғунга ҳам, унинг уруш йилларидаги ижодиётига ҳам, шахсан баҳор мавзудидаги изланишларига ҳам тегишлидир. Бу жиҳатдан шоирнинг «Кўклам», «Баҳор қўшиқлари» шеърлари характерлидир.

«Баҳор қўшиқлари» шеърида шоир баҳорга «ғалаба», «ҳақликнинг сози», «абადий бахт яллеси», «сўнмовчи ҳаёт овози» деб таъриф беради. Чунки баҳор ўз жилваси билан ёнғинларни сўндиради, азиз тупроқни қондан тозалайди, шабадаси билан байроқни ҳилпиратади, гулшанларда гулларни гуллатади, энг муҳими, у :

Ёш ўрнига кулги, ғам ўрнига соз,
Олиб келур бизга муқаддас зафар.
Бахтимизни қутлаб ҳар сафаргидай
Булбуллар чаманда айтишар лапәр (1, 131).

Уйғуннинг «Баҳор қўшиқлари» шеърини ўқиганда кишида халқ шоирининг топқирлик ва изланувчанлик қобилиятига ифтихор туйғулари пайдо бўлади. Бундан ташқари, шоир мазкур шеърнинг биринчи қисмида ўзбек халқининг ғалабага бўлган интиқлигини, уни бетоқатлик билан кутаётганлигини шунчалик ҳаётий ва таъсирчан қилиб тасвирлайдики, унинг бу борадаги поэтик иқтидорига, ватанпарварлигига ҳавасингиз келади. Шоирнинг баҳордан янги маъно ахтаришида ҳам, баҳор образидан бало-офатларга қарши курашишда турли-туман аспектда фойдаланишида ҳам,

баҳорни тинчлик ва тараққиёт, бахт ва ғалаба рамзи сифатида тасвирлашида ҳам душман устидан бўлажак ғалаба ва она-Ватанга бўлган сўнмас муҳаббат сабаб бўлган.

Шеърнинг биринчи бўлимида шоир баҳор образини душманга қарши курашувчи, Ватанини қатъий ҳимоя қилувчи бир фаол куч сифатида кўрсатишни мақсад қилган бўлса, иккинчи қисмида баҳорнинг табиатни янгиловчи, уни ҳаракатга келтирувчи, унга кўрк ва ҳусн, нафосат ва назокат бағишловчи, кишиларда завқ-шавқ уйғотувчи, уларни меҳнатга, яратишга, зафарга ундовчи куч сифатида тасвирлайди, унинг бунёдкорлик ва курашчанлик фазилати талқинига алоҳида аҳамият беради.

«Баҳор кўшиқлари» шеърининг фазилатлари булар билан тугамайди. Булардан ташқари, у кишиларни ҳаётга муҳаббат, бунёдкорликка иштиёқ, ёвга нафрат руҳида тарбиялашда ҳам катта аҳамиятга эга.

«Баҳор кўшиқлари» шоирнинг машҳур «Куз кўшиқлари» шеъри тажрибаси заминда ёзилган. Агар шоир «Куз кўшиқлари» шеърида табиатнинг пишиқчилик палласидаги бой манзарасини ва куз фаслининг ўзига хос характерли хусусиятларини кўтаринки кайфиятда ифода этган бўлса, «Баҳор кўшиқлари» табиатнинг уйғониш, янгиланиш, яшариш палласининг дилбар манзарасини, табиатнинг тўнғич фарзанди баҳорнинг ўзига хос фазилатларини, ҳаётбахш, курашчан образини уруш даври воқеалари фонида бўёқлар ва латиф тасвирларда яратади. Ҳар иккала шеърга хос муштарак хусусият шундан иборатки уларда саҳий она тупроғимизнинг бой манзаралари, тўкин кучоғи, тенгсиз жамоли ҳаётий ва дилбар тарзда ифода этилади. Мазкур шеърлардаги лирик қаҳрамоннинг маънавий олами кенглиги, ахлоқий қарашлари мустаҳкамлиги, ўзига хослигидан ташқари, самимийлиги, оташинлиги, табиатни донишмандона кашф қила олиши ва у билан ўзини ҳақнафас ҳис қилиши жиҳатидан ибратлидир. «Баҳор кўшиқлари» шеъридаги

лирик қаҳрамоннинг мазкур шеър ёзилган даврдаги хушчакчақ кайфияти, юртга муҳаббати, ғалабамизга ишончи, баҳорга ҳамнафаслиги, эстетик кредоси ва шоирлик қиёфаси, бой шахсияти ўзининг бадий ифодасини топганлигини алоҳида эътироф этиш керак. Шеърнинг бошланмаси саналган қуйидаги мисралар фикримизни қувватлайди:

Ғарчи қопласа ҳам ўлкани ёнгин,
Ёзган бўлса қамки ўлим қанотин,
Ғарчи бало, офат, даҳшат, мусибат
Ёнган гулзорларда чопса ҳам отин,
Мен баҳор кўшингин куйлайман дадил (1, 131).

Бундай юксак туйғу, келажакка комил ишонч билан боқиш, халқ иши ва ғояларининг ҳақлилигига садоқат миллий реализм адабиётини вакилларига хос хусусиятдир.

Шоирнинг сеvimли образи – баҳор «Кўклам» ғазалида «Баҳор қўшиқлари» шеърисидагидай икки аспектда кўрсатилади. Биринчи аспект шундан иборатки, у ўз зиммасидаги вазифасини бажаради:

Нурли кўклам ерга зумрад майса, сунбул келтирур,

Бизга деб заррин саватда ранг-баранг гул келтирур
(1,128).

Иккинчи аспектда давр тақозоси билан баҳор ҳам душманга қарши курашувчи куч сифатида кўрсатилади:

Боғларим, гулзорларимни, бўлди пайхон, эгмасин,

Телба, кўппакларни зинхор боғла деб гул келтирур (1,
128).

Мазкур сатрларда баҳор гўзалликни оёк ости қилувчи душманга қарши курашувчи куч сифатида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ва нафосат тимсоли бўлган

юртларнинг тақдирини баҳорни разолат ва бузғунчилик рамзи ҳисобланмиш урушга, фашизмга қарши кўзгатади. Мазкур мисраларда ишлатилган қофиялар, радиф сифатида ишлатилган келтирур сўзи, душманга нисбатан ишлатилган «телба кўппак» образли ибораси, ўринли ишлатилган қарама-қарши қўйиш ва бошқа поэтик санъатлар шоир илгарини сураётган ҳаётбахш ғояни равшан ва таъсирли ифодалашга хизмат қилади. Бу ғазалда ҳам лирик қаҳрамоннинг эстетик нуқтани назари ибротли, у инсонпарварлик ғояларининг тантанасига ишонадиган, халқнинг келажағини учун курашадиган олижаноб киши сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Шу нуқтани назардан ғазалнинг мақтан ҳаракатлидир:

Биз билан кўклар ҳаёт, бахт, шул сабабдан Навбахор,
Уйга шодлик юртга иқбол, боққа булбул келтирур (1.
128).

Уйғуннинг баҳор образидан турли аспектда фойдаланишдаги изланишлари ва маълум бир поэтик ютуқларни қўлга киритганлиги «Баҳор истағи» ва «Бинафша» шеърларида ҳам ўз ифодасини топган. Уруш йилларидаги халқларнинг ўз юртлири озодлиғини йўлидаги курашлари, тинчлик ва тараққиётни таъминлаш учун жонбозлик кўрсатишлари ва тинч ижодий меҳнатга, харобага айланган Ватанни озод эттиш ва яшнатишга бўлган интиқликлари, бу йўлдаги олижаноб орзу, ҳаваслари ҳар иккала шеърда ҳам лирик қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, ширин хаёллари, тасаввурлари орқали янги бир йўналишда ифодаланган.

Одатда, Уйғун баҳор ҳақидаги шеърларини, асосан, апрель, май ойларида ёзган. Уйғун поэзиясининг нодир намуналари саналган «Баҳор истағи» ва «Бинафша» шеърлари эса декабрь ва июнь ойларида ёзилган. Нега энди шоир қишда, июнда баҳорни истаб қолди? Ахир, у баҳор қишдан кейин келишини яқин билади-ку? Ана шу саволларга жавоб истаб,

шоирнинг бу шеърларни ёзишдан мақсади ва бу мақсад орқали қандай вазифани амалга оширишни олдига вазифа қилиб қўйганлигини англаш мумкин. Маълумки, уруш йилларида инсоният бошига фашист тўдалари оғир кулфатлар солди. Обод шаҳарлар, қишлоқлар яксон қилинди. Болалар етим қолди. Боғлар хазонга, далалар мозорга айланди. Халқ бошига тушган кулфагларнинг адоғи йўқ эди. Уруш йилларидаги бундай фожиалар, кулфатлар, хўрликлар ҳар қандай метин иродали кишининг ҳам кўнглини бузар, хўрлигини келтирар ва шу аламлар туфайли унинг юрагида ғалабага, тинчликка, баҳорга, ижодий меҳнатга бўлган иштиёқни кучайтирар, урушдан олдинги тинч, фаровон файзли кунларни ҳаёлига келтирар ва тақдирдан мамнунлигини, нима учун қон тўкаётганлигининг сабабини тушунар, бу кураш эвазига осойишта, тинч кунларини, ҳаётини, тотув турмушини сақлаб қолишга имон пайдо қилар эди. Табиийки, шундай пайтда ҳар қандай инсоннинг ҳам кўз олдига эзгулик ва бунёдкорлик келади. Уйғун ижодиди баҳор ана шундай хосиятларга эга тимсолий образдир. Шоир баҳорни фақат табиатни тирилтирувчи, ҳаётга кўрк ва латофат бағишловчи бир буюк куч сифатида эмас, балки одамларнинг уруш йилларидаги дардига, ташвишига, курашига шерик, у билан ҳамнафас, зафар кунларини яқинлаштириш учун бор имкониятни урушга қарши қаратган эзгулик, бунёдкорлик тимсоли сифатида ҳам тасвирлайди. Баҳор образининг ижтимоий-сиёсий қиёфасини, жанговар руҳини, мададкорлигини кашф қилишга ҳаракат қилади.

Бундай хусусият, аввало, унинг «Баҳор истаги» шеърларида равшан кўринади. Шеърда шоир баҳорни тинчлик, бунёдкорлик, эзгулик ва тараққиёт тимсоли сифатидагина эмас, балки уруш йиллари учун ҳамма нарсадан ҳам муқаддас ва азиз ҳисобланган зафар тимсоли сифатида бадий талқин қилади. Баҳорга етмоқ учун зафарга эришмоқ лозимлигини, зафар кучмоқ учун баҳор лозимлигини уқтиради. Шунинг учун янги

Йил шомида шоирнинг хаёлини барча тинчликсевар кишиларнинг хаёли каби фашизм устидан тезроқ зафар қозониш истаги банд қилади. Унинг талқинича, зафар – бу баҳор, зафар йўқ экан, баҳор келмайди. Шу тариқа халқимизнинг зафарга бўлган интиқлигини, уни тезроқ амалга ошириш учун жангларда жон бериб, жон олаётганлигини реалистик тасвирлайди. Бу фикр, айниқса, шеърнинг хотимасида ўзининг гўзал ифодасини топган:

Янги йил кечаси шул сабабдан қалб
Зафар номли, баҳор кел, деб, қистайди.
Кўзларим, янгидан бутун ўлкани,
Баҳор либосида кўрмак истайди (1, 162).

«Баҳор истаги» шеърида баҳор образидан оригинал тарзда фойдаланиш маҳоратини шоирнинг «Момақалдироқ» ва «Бинафша» шеърларида ҳам равшан кўрамиз.

Шоир «Момақалдироқ» шеърида табиат ҳодисалари момақалдироқ гулдирашини тўпга, жалани ўққа, чакмоқни қиличга ўхшатиб, жанг йилларининг манзарасини реалистик яратган ва шу воситалар билан баҳорнинг ғалабамизга қўшаётган ҳиссасини оригинал ифодалаган бўлса, «Бинафша» шеърида баҳор даракчиси бинафша ва унга қиёс қилинган тинчлик образи орқали жанг йилларида «ёв босган шаҳар»даги ватандошларимиз кулфатлар орқали фашизмнинг ёвузлигини ватандошларимизнинг баҳорни, зафарни, тинчликни кутишдаги бетоқатликларини шоирона умумлашмалар, чуқур кечинмалар ва ёрқин поэтик бўёқларда ифодалайди. Шоир шеърга бинафша образини беҳуда киритмаган. Бинафша образи унинг уруш йилларидаги ғояларини ифодалашда бир восита ролини ўйнаган. Биринчидан, бинафша баҳор даракчиси, демак, эзгулик, зафар, тинчлик ва бунёдкорлик даракчисидир. Иккинчидан, бинафша кўклик, яшиллик рамзи, демак, ёшлик ва нафосат символидир.

Учинчидан, халқимиз бошига оғир кун тушганда, яқин кишиларидан ажралганда, кўк кияди, бинафшанинг ранги ўшанга ишорадир. Тўртинчидан, уруш йилларида яхши ният маъносида конвертлар баҳор – зафар даракчиси – бинафша рангида эди. Муҳими, шоир «ёв босган шаҳарда юрган етимча» билан бинафша, бинафша билан кўк конверт ўртасида маълум мувофиқликлар топган ва улар орқали урушнинг халқимиз бошига солган кулфатларини ҳаққоний ифодаллаган. Шоир бу шеърда асосий эътиборни фронтдан келган бинафша ранг конвертга қаратади. Кўк конверт унга баҳордан, фронтда ғалабамизни таъминлаш учун қилинаётган жанглардан гувоҳлик беради. Бинафша конвертни кўрган лирик қаҳрамоннинг завқ ва шавқи, ҳис-туйғулари куйидагича поэтиклаштирилади:

Бинафша конвертни очган замони
Баҳорнинг хидига тўлди димоғим.
Қуёш нури билан артаётгани,
Бинафша табассум айлади борим (1, 198.)

Ниҳоят, шоир бетоқатлик билан кутган кунлар келади. Баҳорда тарихий ғалаба қўлга киритилди. Шоирнинг «Ғалаба баҳори» шеъри шу муносабат билан ёзилган. Шеърда шоирнинг бу оламшумул ғалабадан беҳад қувонганлиги, муддао ва орзуларининг рўёбга чиққанлиги, шу сабабли бутун табиат, халқ бу ғалабани катта тантана билан нишонлаётганликлари эътирос билан тараннум этилади. Бу шеърда ҳам шоирнинг сезимли усули – табиат воситаларидан ўринли фойдаланиш ва улар орқали фикрни образли ифодалаш қўл келади. Шоир умумхалқ шодиёнасини турли тасвирий воситалар, жонлаштириш, умумлаштириш, аниқлаштириш, параллелизм, антитеза, ўхшатиш ва сифатлашлар орқали оригинал ифодалайди. Масалан, шоир

умумлаштириш санъатидан фойдаланиб, халқ эришган улуг ғалабанинг моҳиятини шундай таъкидлайди:

Зотан, бу кун борлиқ коинот
Кўшиқ айтар сеинчга тўлиб.
Табиатнинг бутун овози
Эшитилар бир кўшиқ бўлиб (1, 279).

Кейинги бандда эса образлаштириш, жонлаштириш санъатидан фойдаланиб, ғалабадан одамлар, қушлар, еллар, булбуллар, сувлар қалбида пайдо бўлган шодлик аломатлари баён этилади:

Кўшиқ айтар боғда булбуллар,
Сойда сувлар, саҳрода еллар.
Кўшиқ айтар озод насллар,
Хуқуқ олган аймақлар, эллар (1, 279).

Куйидаги бандда эса кўк ва ер, лочини ва ёв сўзларидан ўринли фойдаланиб, шонр чиройли антитеза яратади ва шу муносабат билан фашизм устидан қозонилган ғалабанинг моҳиятини алоҳида таъкидлаб кўрсатади:

Кўшиқ айтар кўкда лочинлар,
Ерда ёвни яқсон этганлар.
Кўшиқ айтар ғолиб ва мағрур,
Берлин кўчасидан ўтганлар (1, 280).

Охириги бандда эса ғалаба баҳорининг катта ижтимоий-сиёсий моҳиятини талқин этади:

Бу баҳорда ҳикмат тўладир,
Ғалабанинг баҳоридир бу.
Жаҳон бўйлаб янги кундузнинг
Тантанали наҳоридир бу (1, 280).

Шундай қилиб «Баҳор қўшиқлари», «Бинафша», «Момақалдироқ», «Кўклам» шеърларида Уйғун баҳор мавзусидан урушга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланишда маҳорат кўрсатди ва баҳор образидан жанговар йилларга хос руҳни счишда мақсадга мувофиқ фойдаланди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тинч қурилиш йилларида ҳам Уйғун баҳор мавзуидаги изланишларини изчил давом эттирди ва айрим ютуқларни қўлга киритди. Шоирнинг тарихий юксалишлар даврида баҳор мавзуида эришган муваффақиятларининг характерли томони шундаки, у 30- ва 40-йиллар сингари, 50-, 60-, 80-йилларда ҳам даврнинг руҳидан, халқимиз амалга ошираётган буюк яратувчилик ишларидан, кишиларнинг маънавий ва ахлоқий қиёфасида пайдо бўлган сифат ўзгаришларидан келиб чиқиб, баҳор мавзуини бадий талқин қилишга ва ундаги ҳали очилмаган янги қирраларни кашф қилишга интилди. Бу жиҳатдан шоирнинг «Мен баҳорни ўқимоқдаман» (1946), «Баҳор табассуми», (1964), «Минг қатла хурсандман» (1968), «Яна баҳор келди» (1972), «Баҳор шамолга» (1972) каби шеърлари диққатга сазовордир.

Муҳими, мазкур шеърларда шоирнинг шахсияти кўз олдимизда табиий тарзда гавдаланади. Унинг машаққатларга, ютуқларга, изланишларга тўла ҳаёти мисолида изланувчан санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодиётида юз бериши мумкин бўлган муаммоларни равшан кўрамиз, у билан бирга қувонамиз ва изтироб чекамиз.

Уйғун уруш ва урушдан олдинги йилларда баҳор ва куз образларини ишлаш билан бирга мазкур мавзуни ҳам ҳар томонлама юксак бадий даражада кашф этишда катта ютуқларни қўлга киритган эди. Шоирнинг урушдан кейинги йиллар ижодида ибрат бўларли бундай тараққиётни кўролмаймиз. Бунга, биринчидан, ўша йиллардаги конфликтсизлик назарияси, иккинчидан, шоирнинг асосий кучини драматургия жанрига қаратиши ва, учинчидан, ўша йиллар

танқидчилигининг Уйғун шеърлятига нотўғри муносабатда бўлиши сабаб бўлган эди. Уйғуннинг урушдан кейинги йиллар ижодида, шахсан баҳор мавзуидаги шеърларида рўй берган риторика, декларативлик, баёнчилик, чўзиқлик, ҳиссиз, тузсиз мисралар яратиш, шаблон ҳамда яланғоч фикрлаш каби нуқсонларни юқорида эслатиб ўтилган уч сабабдан излаш керак.

Бу ҳақда шоирнинг ўзи қуйидагиларни эслайди: «Танқидчилар мени табиатга майли зўр, деб зуғумга олган вақтлар қайси даврга тўғри келганини эслашга уриниб, бундоқ қарасам, бу – айнан мен драматургияга яқиндан мурожаат қилган пайтлар экан. Янги пьеса билан қанчалик банд бўлмайин, атрофимни ўраб турган, шуурим билан ҳаётимга қаттиқ сингиб кетган табиат олами коғозга ўзини алоҳида туширишимни талаб қилар – қаҳрамонларимнинг ҳамма ишлари ва кечинмаларига бир амаллаб уни ёпиштирганим ёки дарча сингари тор ремаркаларда йўлакай тасвирини бериб кетганим унга кифоя эмасдек эди.

Албатта, драматургия қайси бир жиҳатдан шеърни ситиб чиқарди, шундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас эди, лекин шунга қарамай, драма бобидаги илк тажрибам айнан менинг шеърлятдаги тажрибам билан чамбарчас боғланган...»¹⁵³

Эслатиб ўтилган камчиликлар Уйғуннинг «Бизнинг баҳоримиз» (бу шеър 13 банддан иборат), «Ўлкада баҳор» (бу шеър 17 банддан иборат), «Баҳор ҳикояси» (бу шеър ҳам 17 банддан иборат) каби шеърларида равшан кўринади.

Урушдан кейинги йиллар Уйғун ижодида яна шундай типдаги шеърлар учрайдики, уларда воқелик юзаки тарзда, такрор ҳолда, кучли поэтик умумлашмаларсиз, эҳтироссиз, ёрқин, оригинал бадний бўёқларсиз ифода этилган. Бундай шеърлар қаторига «Баҳор қўшиғи», «Баҳорни соғиндим» каби асарлар киради. Мазкур шеърларда шоирнинг воқеликни

¹⁵³ «Шарқ юлдузи», 1974, 6-сон, 204-бет.

оригинал ифодалаш учун изланганлиги, янги бадий-тасвирий воситалар топиб кўллаганлиги, китобхон олдида насъульят хис қилганлиги сезилса-да, аммо унинг бу ҳаракатлари, изланишлари ҳамиша ҳам ниҳоясига етмай қолади, поэтик кашфиёт даражасига кўтарилмайди. Масала, унинг «Баҳор кўшиги» шеърида «Майнинг умри боқий халклар умридай» сингари оригинал фикр ифодаланган мисралар бўлишидан қатъий назар, унда 30-йилларда ёзилган «Баҳор», «Баҳор ҳақида» ва 40-йиллар маҳсули саналган «Кўйлаб», «Баҳор кўшиқлари» шеърларида ифода этилган фикрлар, бадий усуллар, бўёқларнинг такрорланганлиги, баҳор ва май байрами темаси, май ва баҳор образи бири-бири билан боғланиб кетмаганлиги сезилади. Шулар сабабли уларда шоир илгари сурган муддао тўла рўёбга чиқмай қолган. Яхши ният билан ёзилган «Баҳорни соғиндим» шеърида ҳам фикр саёз ифодаланганлиги, бир неча мавзу қаламга олинганлиги ва ижодий имкониятлардан етарли фойдаланилмаганлиги туфайли шоирнинг муддаоси тўла амалга ошмай қолган.

Хуллас, 50-йилларда совет адабиётининг умумий оқими-га кўра, Уйғун ижодида ҳам конфликтсизлик назарияси туфайли ҳаётни юзаки тасвирлаш, декларативлик, тантанаворлик, баёнчилик каби нуқсонларга йўл қўйилган.

60-йилларда ўзбек адабиёти катта тараққиёт босқичига кўтарилди, унда лиризм, фалсафий психологик таҳлил кучайди, инсон характерининг турли-туман қирралари теран ва асосли тадқиқ этила бошланди. Шу йиллардан бошлаб Уйғун ижодида ҳам кўтарилиш пайдо бўлди, шоирнинг воқеликни ва бунёдкор кишиларимиз қалбини кашф этишдаги маҳорати ошди, ҳаётни бадий ифодалашда янги воситалар излашга, лиризм ва фалсафийликка, образлиликка майли кучайди.

Шоирнинг «Баҳор табассуми», «Минг қатла хурсандман», «Баҳор келди», «Баҳор шамолига» шеърлари шундай жиддий изланишларнинг натижасидир.

Шоир «Минг қатла хурсандман» шеърида лирик қаҳрамон шахсияти орқали баҳорнинг бунёдкор фазилатларини очади. Шеърда шоирнинг руҳий дунёси бой, сезгилари ўткир, баҳор ҳақидаги тасавури кенг эканлиги маълум бўлиши билан бирга унинг баҳорга ошуфта бетоқат қалби янгиланиш ҳамда яшариш, яратиш ишқи билан банд эканлиги намоён бўлади. Аслида шундай фазилатларга эга бўлганлиги сабабли шоир баҳорни севади, ҳатто қиш ва ёзда ҳам баҳорни соғинади. Юртида бутун йил давомида баҳор бўлишини хоҳлайди.

Шеърда шоирнинг халқ таъбирлари ва удумларидан ўринли фойдаланганлиги кўзга ташланади.

Севинавераман ҳар гулга қараб,

Ўнгидан келгандай ёқимли тушлар.

Узоқ тикиламан маҳлиё бўлиб,

Чарх уриб ўйнаса, самода қушлар (2, 477).

Маълумки, «Минг қатла хурсандман» шеъридан бир йил олдин ёзилган «Баҳорни соғиндим» (1967) шеърида шоир баҳорга интиқлик, соғинч кайфиятини ҳаётий тарзда баён эта олмаган эди. «Минг қатла хурсандман» шеъри ана шунга жавоб тариқасида ёзилган шеърдир. Шеърда олға сурилган баҳорни соғиниш, баҳорга муҳаббат, инсоннинг табиатга мафтунлиги каби ғоялар, патетик кайфиятлар, қуюқ ҳис-ҳаяжонлар шоирнинг «Баҳор келди» (1969), «Яна баҳор келди», «Баҳор шамолига» (1972) шеърларига ҳам хосдир.

«Баҳор келди» шеърида шоир баҳорнинг бунёдкорлик, ҳаётпарварлик характери очган бўлса, «Яна баҳор келди» шеърида баҳор образига хос жўшқинлик, ёшлик, ғайрат, шижоат, ҳаётни, табиатни уйғотиш, ҳаракатга келтириш,

яшартириш, гуллатиш учун кураши таъсирли тасвирланади. Баҳор образини ёрқин характерлаш мақсадида шоир момоқалдироқ, чакмоқ, гул, булбул, булут, абри найсон каби анъанавий тасвирий воситалардан ўринли фойдаланади, туйғуларига, севинчлари тўлқинига эрк беради. Фикрини хукм-буйруқ тарзида ифодалайди.

Ҳазил тарзида ёзилган «Баҳор шамоли» шеърида эса шоир баҳор табиатига хос ўжарлик ҳислатини юмористик тарзда талқин қилади. Шеърда шоир билан баҳор шамоли ўртасида бўлган тортишув баён қилинади. Ўжар баҳор шамоли шоирнинг эшигини қоқавериб, тун бўйи унга ором бермайди. Ана шу воқеа баҳонасида шоир баҳор шамоли табиатига хос шўхликлар, қайсарликларни (унинг томларнинг тунукаларини кўчирганлигини, одамларнинг ғашига текканлиги, дарахт ва новдаларнинг шохини эгганлигини) жонли тасвирлайди. Шоир баҳор шамолига хос хусусиятларни табиий ва образли тасвирлаш мақсадида аллитерация ва жонлантириш усулидан ўринли фойдаланади. Булар унинг кузатувчанлигидан далолат беради.

Маълум бўлди, баҳор шамоли,
Тиним билмас, қайсар экансан.
Гувуллаб, гувуллаб, увиллаб,
Тўхтамасдан вайсар экансан (2, 423).

Кейинги бандда эса, баҳор шамолининг ўйинкароқ характери жозибали тасвирланади:

Кўшни томнинг тунукасини
Тарақлатиб кўчириб кетдинг.
Шўхлик қилиб момо кампирнинг
Рўмолини учуриб кетдинг (2, 423).

Қуйидаги бандда баҳор шамолига хос қайсарлик, шўхлик, ҳазилкашлик хусусиятлари ўзининг реал тасвиричи топган:

Ғазаб билан ғижирлатасан,
Ҳам дераза, ҳамда эшикни.
Тортинмайсан уйга киришдан,
Тоғиб олсанг бирор тешикни (2, 423).

Уйғун - воқеликни образли реалистик ифодалаш йўллари, усулларини чуқур эгаллаган санъаткор. Шoir ижодида хос бундай фазилат унинг «Баҳор шамолига» шеърини ҳам равшан намоён бўлган. Бундай асарларни ўқиганда, киши сеҳрли куй тинглагандай бўлади, ўзини бирон ноёб тасвирий санъат қаршисида тургандай ҳис этади. Аслида «Баҳор шамолига» сингари шеърлар ҳар қандай тасвирий санъат асарларидан, ҳар қандай куйдан ҳам устун бўлиб, ундай шеърларда куй ҳам, манзара ҳам, воқелик ва образ ҳам бири-бири билан қўшилиб кетган бўлади. Ана шундай фазилатлари сабабли бундай шеърлар қалбимиздан бир умр ўрин олади.

Уйғуннинг «Яна баҳор келди» шеъри билан «Баҳор шамолига» шеъри 1972 йилнинг 7 мартинида ёзилган. Шoir биринчи шеърини аслида 7 мартда бошлаган, аммо 20 кундан кейин - 27 мартда тугатган, иккинчи шеърини 7 мартда бошлаб, шу кунини ноёнига етказган. Бу шеърлар ўзига хос ғоя ва мавзуга эга бўлишидан қатъий назар, бир вақтда ёзилганлиги сабабли бир бирига яқин томонлари ҳам мавжуд. Улардаги бу яқинлик аломатлари ҳар иккала шеърда баҳор образига хос хусусиятларни ифодалашда ўхшаш томонларнинг борлигидир. Фарқли томони шундаки, «Яна баҳор келди» шеърини баҳор образига хос хусусиятларни лирик қаҳрамон ҳаракатга келтиради, «Баҳор шамолига» шеърини баҳор образи ўзини ўзи намоён қилади. «Яна баҳор келди» шеърини баҳорнинг келаётганлигидан

хурсанд бўлган лирик қаҳрамон «асаблари тортилган», «ҳислари, туйғулари» туғён урган ҳолда кўрсатилса, «Баҳор шамолига» шеърда у баҳорнинг ўйинқароқлиги, шўхлиги, қайсарлигидан, келтираётган зиёндан озгина бўлса-да ранжиган, аммо аслида уни жонидан севган, ҳаётпарвар ҳолда кўзга ташланади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам Уйғуннинг бой шахсияти, табиатга симпатияси, ҳаётга муҳаббати ўз ифодасини равшан топган.

Уйғуннинг баҳор мавзуида ёзилган шеърлари таҳлиладан, аввало, шоирнинг бу қадимий ва навқирон мавсумий мавзуга садоқати бир умрлик эканлиги ва, иккинчидан, мазкур мавзуни ҳар томонлама талқин этиш учун, очилмаган қирраларини очиш учун изланаётганлиги маълум бўлади. Шоирнинг баҳорга доимий садоқати ва тинимсиз изланишлари туфайли ўзбек шеърятининг чамани маъно ва мантиққа тўла бир-биридан рангин, бир-биридан ҳушбўй ва нафис шеърлар билан музайян бўлди.

Куз Уйғун мавсумий поэзиясининг асосий мавзуларидан яна биридир. Куз ҳам шоир баҳор мавзуи сингари узоқ йиллардан буён изланади. Шоирнинг тинимсиз изланишлари туфайли куз ҳақида турли йилларда ҳар хил савияда ифода этган 20 га яқин шеър пайдо бўлди. Куз ҳақидаги шеърлари ҳам баҳор ҳақидаги шеърлари сингари Уйғуннинг адабиётимиздаги ўрнини белгилашда, ўзига хос ижодкорлик шахсиятини намоён этишда катта аҳамиятга эга. Уйғуннинг оташин лириклиги баҳор мавзуини талқин этишда қанчалик муҳим аҳамият касб этган бўлса, куз тасвирларини ифода этишда шунчалик аҳамият касб этди.

Уйғуннинг куз фаслига муҳаббати зўрлигининг сабабини Одил Ёкубовнинг қуйидаги сўзлари билан изоҳлаш мақсадга мувофиқ: «Билмадим нега, эҳтимол, деҳқон фарзанди бўлганим учундир, эҳтимол энг ёшлик йилларим қишлоқда ўтгани учундир, биргина «куз» сўзи бир дунё ёруғ ҳислар уйғотади. «Куз» деганда лоп этиб беҳудуд оппок далалар, аллақандай

маънос улуғвор сукунатга чўмган қирмиз ранг боғлар, кучоққа сигмас қовунлар, олачипор тарвузлар юмалаб ётган сарғиш қирлар кўз олдимига келади, ҳорғин, бироқ ўз ишидан, ёз бўйи тер тўкиб йиққан ҳосилидан мамнун ва мағрур ҳамқишлоқларим ёдимга тушади. Куз фасли фақат деҳқон учун эмас, ҳамма касб эгалари, ҳатто ижод аҳли учун ҳам ўзгача аҳамиятга молик. Адабиётда, масалан, «Болдино кузи» деган машҳур ибора бор. Бу иборани эшитганимизда, олтин ранг рус ўрмонларида ўйчан кезиб юрган буюк рус шоири Пушкин кўз олдимиизга келади. Болдинога сургун қилинган улуғ шоирнинг битта кузда яратган ўлмас шеърлари, шафақранг рус ўрмонларидай тиниқ ва хазин дostonлари ёдимизга тушади. Пушкин-ку улуғ сиймо, ҳатто каминадай оддий адиблар учун ҳам куз фасли энг сермахсул, энг яхши фаслдир...»¹⁵⁴. Уйғуннинг «Менинг кузим» шеъри ҳам бу фикрни тасдиқлайди:

Севинчим камаймас, ҳаётга бўлган
Ишқим авжга чиқар куз палласида.
Дўстлар, қанча шодлик, қанча мазмун бор,
Ғолиб колхозчининг шўх ялласида! (1, 334)

Ҳа, шундай, куз деҳқонлар учун қанчалик долзарб, гал-вирни сувдан кўтарадиган, йилга яқун ясайдиган серташвиш фасл бўлса, ижод аҳли учун ҳам шунчалик аҳамиятга эгадир.

Куз ҳақида Уйғун машҳур «Куз қўшиқлари» шеъри ёзилган 1935 йилдан буён қалам тебратади, изланади. «Куз» (1943), «Куз шамолига» (1945), «Менинг кузим» (1946), «Олтин сочди йўлингга куз» (1945), «Қизил карвон» (1955), «Олтин куз» (1956), «Пахтазорга» (1948-1960), «Кузақда» (1966), «Олтин куз» (1967), «Ҳеч қўймади мени олтин куз» (1977), «Боғда» (1977), «Куз лавҳаси» (1977), «Кузги япроқ»

¹⁵⁴ «Совет Ўзбекистони», 1981 йил 1 ноябрь.

(1978) каби шеърлар шундай изланишлар самарасидир. Бу шеърлар бир мавзуда ёзилишига қарамасдан, олдига қўйган мақсади, характери ва бадний савияси жиҳатидан бир - биридан фарқ қилади. Булардан ташқари, куз мазкур шеърларда турлича аспектда ва турли нуқтаи назардан ёритилган. Шунини таъкидлаш лозимки, шеърларнинг ҳаммасида, фақат «Богда» шеъри бундан мустасно, пахта ва пахтакорлар ҳақидаги фикрлар ё у, ё бу даражада ифода этилади. Бошқача қилиб айтганда, характери жиҳатидан мазкур шеърлар лирик турга мансуб бўлиб, уларда баён этилган фикрлар субъектнинг қарашлари сифатида ифода этилган.

Уйғуннинг куз ҳақидаги шеърлари, асосан, новаторона ёзилган асарлар сифатида адабиётимиз тараққиётига катта ҳисса қўшди. Шундай шеърлардан бири - «Куз қўшиқлари» Уйғуннинг ижодида куз мавзунинг узоқ йиллар давомида қайта-қайта ишланишида, мазкур мавзуда ўнлаб шеърларнинг пайдо бўлишида ўзига хос туртки бўлди. Уйғуннинг бу борадаги тажрибалари эндиликда ағъанага айланди ва давом этдирилмоқда. Шу сабабли мазкур шеърнинг эстетик аҳамияти тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

«Куз қўшиқлари» шеърининг биринчи интонацион бутунлигида куз фаслининг таърифи берилди, унинг бошқа фасллардан фарқланадиган ўзига хос ҳислат ва фазилатлари асф этилади. Бу ҳислат ва фазилатлар катта санъаткорлик билан шундай аниқ ва тиниқ ифода этиладикки, шеърни ўқигандан кейин она-Ватаннинг тўкин, фаровон, шодмон кузи сизни бир умрга мафтун этмай қўймайди. Уйғун ҳаётни оптимистик тасвирлайди. Инсонни ватанпарварлик, ҳаётпарварлик руҳида тарбиялайди. Маълумки, ўтмишда шоирлар кузни ҳазонрезлик фасли сифатида талқин этганлар. Ундан ғам-кулфат симболи сифатида фойдаланганлар, Уйғун ана шу ақидага қарши боради, кузни қаҳрамонлик, мардлик фасли, тўкинлик, фаровонлик фасли, йилнинг етилиши, камолатга эришиши, гўзаллик ва тароват фасли, олтин кўйлак кийган

бахор қиёфасидаги фасл сифатида тараннум этади, унинг гўзаллик, хушчақчақлик, завққа ва фароғатга тўла ажиб бағрини, характерли янги фазилатларини кашф этади.

Биринчи интонацион бутунликда шоир кузнинг яхлит, гўзал манзарасини чизган. Бу билан ўқувчида куз ҳам бошқа фасллардан қолишмайдиган фазилатларга эга, деган эстетик тушунчани тасдиқ этган.

Шеърнинг иккинчи интонацион бутунлиги марказида Ватанимиз нозу неъматлар макони, деган масала қўйилади ва бу фикр узумзорлар, поллизлар, боғ-роғларнинг таърифи мисолида ибратли тарзда ҳал этилади. Шоир юксак ватанпарварлик туйғулари билан, чақноқ патетик кайфият билан «оқ олтин» диёри чаман-боғларини, бу боғларда азамат колхозчиларнинг ҳалол меҳнати туфайли етилган хилма-хил асал меваларни мақтайди, меҳнат шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айланган бу диёр тўкинлик, фаровонлик ва бунёдкорлик диёри эканлигини мамнуният билан эътироф этади.

Бу интонацион бутунликда лирик қаҳрамоннинг кўркем она юрти нозу неъматлари тўғрисидаги фикрлари, шундай обод мамлакатнинг фарзанди бўлишдан ифтихор ҳиссига тўлиши ўзининг ёрқин ифодасини топган. Айниқса, шоирнинг жонлантириш усулидан ўринли фойдалангани (меваларнинг сўзлаши), янги ўхшатишлар яратиши (шафтолни қизга ўхшатиш каби), чиройли сифатлашлар қўллаши (олтин нашватилар, ёқут олмалар) ва лирик қаҳрамон чеҳрасида табассум, қалбида самимият ва эҳтирос балқishi шеърнинг дилкашлигини, ҳаётийлигини, табиийлигини таъминлаган.

Иккинчи интонацион бутунликдаги кейинги икки банд шеърни яратишда кўзда тутилган асосий ижтимоий вазифани ҳал қилиб беради. Шу икки банд бўлмаганда, «Куз қўшиқлари» шеъри ўз олдидаги асосий вазифани етарли адо этмаган бўлар эди. У фақат боғ-роғлар, узумзор ва поллизлар таърифидан иборат шеър бўлиб қолар эди:

Бу боғларда озод меҳнатнинг
Жаранглайди созланган сози.
Бу боғлардан юксалар кўкка
Тинч ҳаётнинг, бахтнинг овози
(1, 59—60).

Учинчи интонацион бутунликда гўзал табиат манзаралари фониди лирик қаҳрамоннинг фаолияти ва мамнунлик кайфиятида оригинал ифода этилади. Бу бутунлик шеърнинг ўзига хос бир махсус қўшиғи бўлиб, унда яратувчи, эркин, ижодий меҳнат нашъаси мадҳ этилади ва ўзбек халқининг жонажон Ватанини янада бой, обод ва қудратли қилиш йўлидаги меҳнатидан мамнунлиги баён қилинади. Шундай қилиб, лирик қаҳрамоннинг қиёфасида мўл пахта ҳосили етиштираётган меҳнат кишисининг маънавий дунёси - ватанпарварлик фазилати намойиш этилади.

Тўртинчи интонацион бутунликда «мардлик қўшиғини айтиб» куз келганлиги, у, терим-йиғим, йиллик меҳнатга яқун ясайдиган, хирмон кўтарадиган, элга шон-шараф ва фаровонлик келтирадиган фасл эканлиги ёрқин бўёқларда гўзал ифодасини топади.

Бешинчи интонацион бутунликда шоир биринчи интонацион бутунликдаги дастлабки бандни такрорлайди ва унга олдинги бандни мантиқан асослайдиган, фаслларнинг характерини ва меҳнат таксимотиши белгилайдиган янги бир банд қўшади. Бу иккала банд бир-бири билан боғланиб, ўқувчининг куз ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш билан бирга, шеърдаги асосий бутунликни қолиплаш хусусиятига ҳам эгадир.

Олтинчи интонацион бутунлик ўзига хос лирик хотима бўлиб, унда лирик қаҳрамоннинг традицион лирик персонаж сабо билан савол-жавоби ва кайфияти баён этилган:

Кайфим чоғ, уйқудан уйғониб саҳар,
Сабодан сўрадим: бу қандай фасл?

Сабо жавоб берди: бу фасл асил,
Олтин кўйлак кийиб кўринган баҳор (I, 61).

Уйғуннинг «Куз кўшиқлари» шеъри муқаддас ва азиз юртимиз - Ўзбекистонимизнинг кузги кўриниши, табиат манзараларини, бойликларини, ташвишларини шодликларини атрофлича акс эттириб берувчи, шу билан бирга, инсонни меҳнат ва фароғатга чорловчи ўзига хос лирик гимндир. Шеърнинг лирик қаҳрамони ўз она юрти боғлари, чаманлари, узумзорлари, пахтазорлари билан беҳад қувонадиган, уларни парваришлаб вояга етказган замондошлари меҳнатидан илҳом оладиган ажойиб инсондир. Шу сабабли ҳам Ватан табиати, бойликлари, замондошлари ҳақида фикр юритганда, унинг тилидан сўз эмас, бол тўкилади, мисралари маънога кўмилади, айни пайтда, у табиат сир-асрорлари ҳақида фикр юритувчи инсонга, уни камалак рангида жилвалантирувчи тенгсиз мусаввирга, тонгги насим янглиғ куй яратувчи бастакорга ўхшаб кетади. Уйғуннинг «Куз кўшиқлари» типдаги шеърларида тиниқ романтик туйғулар замзамаси билан ёрқин реалистик манзаралар ва ҳаётий ҳодисалар тасвири бирлашиб кетгандай бўлади.

Шоирнинг «Кузги япроқ» (1978) шеъри ҳам «Куз кўшиқлари» шеъри сингари катта маҳоратнинг маҳсули сифатида майдонга келган. Шоир «Куз кўшиқлари»да мавзу доирасини кенг олиб, умуман, куз фаслига хос хусусиятларни ва бу мавсумда бажарилиши лозим бўлган ишларни, айниқса, кишиларнинг табиат гўзалликларига, бунёдкор меҳнатга бўлган шавқу завқини олти кўшиқда жозибали қилиб куйлаган бўлса, «Кузги япроқ» шеърисида мавзунини аниқ олади, аммо уни чуқур, атрофлича таҳлил қилади, ишонарли тарзда изоҳлайди. Заррада қуёш акс этганидай, «Кузги япроқ» шеъри мисолида шоир катта ҳаётий мавзунини ва муҳим ғояни ҳал қилади. Шеърнинг ёзилишига ёз бўйи ишлаб, ҳориб,

сарғайиб ерга тушган кузги япроқ сабаб бўлади ва шу япроқнинг тақдирин шоирнинг хаёлини эрта баҳорга - унинг эндигина кўкариб чиққан, зумраддай товланиб турган даврига тортади. Эрта баҳорда кўкарган япроқ бутун ёз бўйи, куз бўйи жала, дўл, бўронларнинг қаршилиги, зарбини қайтариб, онаси - дарахтга хизмат қилади, унинг неъматини тайёрлаб беради. Япроқнинг беминнат хизмати билан дарахт йил бўйи гуркираб ўсади ва атрофига ҳаёт, гўзаллик бахш этади. Шоир япроқнинг меҳнатини, онаси - дарахтга бўлган фидойчилигини шундай ифодалайди:

Хизматинг беминнат, саховатинг кўп,
Дарахтнинг неъматини сенинг қўлингда.
Новдалар нур ичра чўмилиб ўйнар,
Ҳаёт барқ уради соғу сўлингда...¹⁵⁵

Шеърда ҳаётнинг абадийлиги, ҳар йили янгиланиб туриши гоёси дарахт ва япроқ символида маҳорат билан баён қилинган. Бундан ташқари, шоир бу шеър билан ҳаётдаги ҳар бир нарса, у катта ё кичиклигидан қатъи назар ўз ўрнига эга эканлигини ва кичик нарсалар ҳам катта аҳамиятга моликлигини япроқ тимсолида жозибали тасвирлайди. Шунингдек, шоир авлодлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, фарзандларнинг оналарга фидойчилигини рамзий тарзда ифода этади. Бу жиҳатдан шеърнинг охириги банди характерли:

Япроқнинг умрида, қилган ишида,
Ҳаёт фалсафаси сезилар аён.
Ўз ҳаёти билан кичкина япроқ
Мангулик дарсини этади баён...

¹⁵⁵ Уйғун. Даврим таровати. - Тошкент, 1980, 95-96-бетлар.

Лирик характерга эга бўлган «Кузги янроқ» шеърида лирика билан фалсафа, ахлоқ тарбияси билан шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари бир-бирига чирмашиб кетган. Бундай фазилат шоирнинг «Куз шамолига», «Кузакда», «Куза», «Куз лавҳаси» шеърларига ҳам хос. Бу шеърлар куз ҳақида ёзилгандай кўринса ҳам, шоир уларда куз воситасида бошқа мавзулар ва ғоялар хусусида фикр юритган ва лаврининг долзарб масалаларини юлғари сурган. Масалан, «Куз» шеърида ватанпарварлик ғояси баён этилган бўлиб, ёвуз душманни муқаддас тупроғимиздан тезроқ ҳайдаб чиқариш учун барча воситалар, жумладан, куз ҳам иштирок этаётганлиги тасвирланади.

Уйғуннинг «Куз шамолига» шеърида куз шамолининг гулга ишқибозлигига боғлиқ ҳолда шеъринят ва нафосат улуғланади. «Кузакда» шеъри ҳам шу жиҳатдан ғоят ибратли. Унда шоир кузги арча билан қайин тимсолида кўз олдимиғза баҳор билан кузги келтиради. Чиндан ҳам, кўм-кўк арча баҳорни, олтинранг қайин кузни эслатади, кишига. Бу шеърда шоирнинг ҳаётни синчиклаб кузатиши, толқирлиги, шу билан бирга, фавқулодда тафаккур қила олиш қобилиятига эга эканлиги равшан кўринади. Шеър шунчалик содда манзарали ва ҳаётний ёзилганки, уни ўқиганингизда ҳаётнинг бир парчаси кўз олднингизда намоён бўлади ва шоир қалбидан кечган ўша вазиятдаги бир оний ҳис-туйғулар замзамаси сизнинг ҳам кўнглингиздан кечгандэй бўлади:

Кузакда ўрмонни айланиб юриб,
Кўзим арча билан қайинга тушди.
Арча ҳамон кўм-кўк, қайин барглари
Сарғайган; олтинранг, оташранг, пушги.
Кўк шохи либосли арчахон билан
Олтин кўйлак қайин турар юзма-юз.
Гуёки шоирни ҳайратга солиб,
Ёнма-ён тургандай баҳор билан куз (2, 175).

Шундай табиийлик, соддалик, ҳаётийлик аломатлари, поэтик фикрни ортиқча бўёқларсиз содда ифодалаш санъати шоирнинг «Еоғда», «Менинг кузим», «Ҳеч қўймади мени олтин куз», «Куз лавҳаси», «Олтин куз» каби шеърларида ҳам равшан кўринади. Куз Уйғун шеърларида йилнинг бир фасли, табиатнинг тўкин-сочин долзарб палласи, завқу шавққа тўла бир они сифатидагина эмас, балки кишиларни қаҳрамонликка, ҳаётпарварликка, эзгуликка чорлайдиган куч сифатида, яхлит поэтик образ сифатида кўзга ташланади. Шоирнинг куз ҳақидаги қайси шеърини ўқиманг, кузнинг сафарбарлик ҳолати ва даъваткорлик фазилати равшан кўринади. Масалан, «Ҳеч қўймади мени олтин куз» шеърида кузнинг сафарбарлик ва даъваткорлик хосияти бундай тасвирланган:

Ҳеч қўймади мени олтин куз,
Далага чиқ далада тўй, деб,
Олиб чиқди мени далага,
Жамолимни бир кўриб қўй, деб¹⁵⁶.

«Куз лавҳаси» шеърида ўзбек кузининг ўзига хос ажиб кўринишлари, гўзал манзаралари, ноёб фазилатлари ва барчани ўзига чорловчи меҳнат шавқи дилкаш мисраларда самимий ва ҳаётий тасвирланади:

Роҳат бағишлайди юзларни силаб,
Сахий кўзимизнинг кўнғир салқини.
Юракларга эзгу ҳаяжон солур,
Гўзал пахтазорнинг кумуш ёлқини...¹⁵⁷

Уйғуннинг куз ҳақидаги шеърларида яна бир муҳим фазилат ёрқин кўринади. У ҳам бўлса, лирик қаҳрамоннинг кузга бўлган самимий муносабати масаласидир. Шоир

¹⁵⁶ Ўша асар, 89-бет.

¹⁵⁷ Ўша асар, 93-бет.

шеърларида кузни ўзига яқин тутади, уни химоя қилади, ундан илҳом олади, унга олқишлар айтади. Бу жиҳатдан «Менинг кузим» шеъри характерлидир. Бу шеърда ҳам «Куз кўшиқлари» сингари кузнинг табиат фасллари ўртасидаги ўрнини ва аҳамиятини асослашга, характерли хусусиятларини кўрсатишга эътибор қилинган. Бу шеърларнинг бири-биридан фарқи шундаки, шоир биринчи шеърда куз мавзуининг моҳиятини, унинг ўзини тасвирлаш, мўл-кўл таърифини бериш, исботлаш йўлидан бориб асослаган бўлса, иккинчи шеърда кузнинг фазилатларини инкор қилувчиларга қарши чиқади, уларнинг бу борадаги қарашларини мантиқан рад этади ва кузга хос фазилатларни бадий таҳлил қилиш, фикрларини асослаш йўли билан ўз ақидасини мустаҳкамлайди. Бу жиҳатдан шеърнинг биринчи ва иккинчи бандлари характерли:

Ким у олтин кузга тухмат қилувчи?

Ким у кузни ғамнинг уяси деган?

Қайси бир дилхаста: куз— фаслларнинг

Хасрат, ўлим ортган туяси деган?

Мен бу ақидани инкор этаман,

Кел, олтин чеҳрали ҳосилдор кузим!

Сахий боғларингдан шарбат тут менга!

Накш олмадек бўлиб қизарсин юзим! (1,334).

Уйғуннинг «Олтин сочди йўлларингга куз», «Олтин куз», «Олтин дала», «Пахтазор илҳомлари» каби бир қатор шеърларида пахта йиғим-терим даври, пахтакорнинг оғир ва шараф-ли меҳнати, теримчилар шижоати, пахтакорларнинг ватанпарварлик ташаббуси, кузнинг меҳнат аҳлига қилган кўмаги, теримчиларга самимий муносабати тараннум этилади. Бу жиҳатдан шоирнинг «Олтин сочди йўлларингга куз» шеъри характерли. Бу шеърда теримчи қизнинг меҳнатдаги фаолияти улуғланади. Шоир қизнинг фаолиятини таҳлил

қилиш жараёнида уни халқ, ҳатто табиат ҳам ҳурмат қилишини шундай таъриф этади:

Ҳурмат қилар сени барча эл,
Ҳурмат қилар ҳатто табиат.
Қушлар сайрар сенинг шаънингга,
Гул очилар гулшанда қат-қат.
Шаббодалар тарар сочингни,
Кўзгу тутар сувлар юзингга... (I, 335).

Шоирнинг «Олтин дала» шеърида ҳам куз палласи тасвирланган бўлиб, унда:

Очилган пахталар ғўза- қизларнинг
Табаррук бошида олтин дурралар...
Оқ пахта чаноқдан тошиб чиқибди,
Олтин кадаҳларда кўпиргандай май... (II, 366) -

каби ғўзал сифатлашлар, янги ҳаётий ўхшатишлар ишлатилган. Бундай оригинал бадий-тасвирий воситалар шоирнинг «Олтин куз» шеърида ҳам мақсадга мувофиқ ишлатилган. Айниқса, мазкур шеърда «Олтин сочди йўлларингга куз» шеъридагидай теримчи қизларнинг меҳнатдаги жўшқин фаолияти ва пахта далаларининг кузги жамоли ўзига хос тарзда поэтиклаштирилган. Бу жиҳатдан шеърнинг иккинчи ва бешинчи банди характерлидир:

Кумуш далаларда кўз қамаштириб
Юлдуздай чакнашар олтин чаноқлар.
Шабнам инган қизил гулларга ўхшар
Иш билан терлаган гулгун ёноқлар.
Куз кўргазмасини ёйибди, қаранг,
Олма; анжир, узум, шафтоли, анор...
Боққа атир пуркар сада райҳонлар,

«Олтин куз» шеърдан олинган иккинчи банднинг биринчи, иккинчи мисраларида шоир сифатлашдан икки марта (даланинг кумушлиги, чаноқнинг олтинлиги), бир марта ўхшатишдан (чаноқларни юлдузга ўхшатган) ва бир марта жонлантириш усулидан (чаноқларнинг кўз қамаштириши) фойдаланган бўлса, шу банднинг учинчи ва тўртинчи мисраларида жўшқин меҳнат фаолияти билан банд бўлган қизларнинг терлаган юзини шабнам инган қизил гулларга ўхшатади. Мазкур мисраларда ишлатилган сифатлашлар, ўхшатишларнинг мантиқан бир-бир билан боғланганлиги ҳам теран маҳорат натижасидир. Бундай фавқулодда маҳорат кўрсатиш учун шоирда катта ҳаётий тажриба билан бирга таърифланаётган образга нисбатан улкан симпатия ҳам бўлиши керак. «Олтин куз» шеъри катта муҳаббат ва ҳаётий тажрибанинг меваси сифатида майдонга келган.

Уйғун куз туфайли ўзгача-файз, чирой ва саҳоват кашф этган, беқиёс гўзалликлар, бойликлар ва мўъжизалар маскани бўлган она юртига бўлган фарзандлик ҳурматини бу шеърда жўшқин ифодалайди. Ўз Ватанини, унинг фарзандларини, даласини, пахтасини, гулини, булбулини, чўлини, қирини севмаган кишидан, аввало, шоир чиқмайди. Уйғун халқнинг ҳар бир ютуғидан, унда содир бўлган ҳар бир янгилигидан фахрланадиган, бутун ишқини Ватан бахтсаодати йўлига сарфлаган шоирдир. Шунинг учун унинг барча шеърларида, жумладан, «Олтин куз» шеърида ҳам Ватан табиатининг бир палласи, ундаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир кўриниш, ҳар бир манзара, лавҳа, кишиларимизнинг меҳнатда эришган ҳар бир ютуғи, орзу-ўйлари, шодлик ва қувончлари гўзал кўринади, унинг қалбини қитиқлайди, юрагида уларга нисбатан оташин муҳаббат уйғотади. Шу оташин муҳаббат бўлмаганда, япроқ олтин капалакка, пахта териш машинаси олтин кемага, гуруч марваридга, буғдой

олтинга, пахтазор олтин денгизга, сўйилган тарвузлар қип-қизил чўгга ўшатишмас, «шакарпалаклар»нинг тарсиллаб ёрилиши, «чарос» ва «ҳусайин»нинг шудрингда товланиши, алвон-алвон гулларнинг кўзни қамаштириши табиий ва ҳаётний тарзда ўз ифодасини топмаган бўлар эди. Ўзбек миллатига хос шундай муҳаббат, фахру ғурур бўлмаганида, шоирнинг мўъжизакор қаламидан самимият ва шодлик туйғулари барқ уриб турган оташин ва манзарали мисралар пайдо бўлмас эди:

Куз. Салқин шаббода ўйнар беқарор,
Сувларда акс этар мусаффо фалак,
Айланиб-айланиб тушади ерга
Ҳар япроқ мисоли олтин капалак.

Хуллас, юқоридагилардан маълумки, Уйғун куз мавзунини бадий талқин этишда узоқ йиллардан бери изланади. Унинг бу изланишлари туфайли турли йилларда турлича савиядаги шеърлар ёзилди, уларда куз фасли узининг бетакрор гаърифийки, тасвирини топди.

Уйғун қиш ва ёз фасллари ҳақида ҳам мазмунли шеърлар яратган шоирдир. У баҳор ва куз тўғрисида қанчалик меҳр ва муҳаббат билан қалам сурган, бу фаслларнинг ўзига хос хусусиятларини кашф қилган бўлса, қиш ва ёз фасллари тўғрисида ҳам ҳассослик ва билимдонлик билан қалам тебратган. Унинг «Қор» (1942), «Янги йил шеърлари» (I бўлим, 1942), «Қиш» (1943), «Хотира», «Қор ёққан кечаси» (1944), «Янги бахт билан» (1954), «Ер ором олариниш» (1965) «Қаранг, олам қандай чиройлик» (1977), «Қиш», «Холиқ қўрқоқ», «Арча» ва бошқа шеърларида ўжар қиш мавсумининг фазилатлари ўзининг бетакрор ифодасини топади. Уйғун қишнинг ерга мадад, кoinотга гўзаллик инсониятга ризқ-рўз, шодлик ва ором, жисмоний куч-қувват, соғломлик бағишлов-

чи фасл сифатидаги таърифни бериб, унинг завқли маззаларини уста рассом сингари жонли ва дилкаш яратади.

Уйғуннинг «Сизга бахт тилайман» (1973), «Янги йил ҳақида ўйлар» (1977), «Қаранг, олам қандай чиройлик» ва бошқа бир қатор шеърларида йўл-йўлакай, маълум бир воқеага, байрамга (кўпинча, янги йил байрамига) боғлиқ тарзда бўлса ҳам қишга хос ажиб фазилатлар тасвирланади, қишнинг тантиқ меваси, келгуси ҳосилнинг кўрمانаси саналган қор оппоқ пахтага, барака уруғига, юлдузга, кумушга ўхшатилади, табиат эҳсони, гўзаллик намунаси сифатида эъзозланади. Шу жиҳатдан «Қаранг, олам қандай чиройлик» шеъри Уйғуннинг бу соҳадаги ўзига хос кашфиётдир.

Шоирнинг қиш тасвири ва унинг аҳамиятига бағишланган шеърларида ҳам баҳор ва кузга бағишланган шеърлари каби табиат ва инсон бирлиги масаласи инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик қилиш, уни ўз измига солиш учун кураши ўз ифодасини топган.

Уйғуннинг ёз ҳақидаги «Ёз», «Лагерь», «Сув қучоғида», «Ҳандалак», «Ишқомда узум пивди» шеърлари ҳам шундай фазилагларга эга.

Хуллас, Уйғун фасллар таърифига бағишланган шеърларида ҳар бир йилимиз истиқбол сари қўйилган ўзига хос бир залворли одим эканлигини, йилларнинг халқимиз ризқига қўшаётган буюк ҳиссасини, фасллар туфайли йилимиз мазмунли ва обод эканлигини фахр билан тараннум қилди ва ўзбек мавсумий поэзияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшди, поэтик маҳоратнинг янги чўққиларни кашф этди.

Хотима

А. Фитрат, А. Чўлпон, А. Қодирий, Ҳамзадан кейин миллий адабиёт майдонида кириб, унинг қутлуғ анъаналари ҳақида давом эттирган Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир ва Уйғун каби адабиётимиз

дарғаларининг ҳам замонавий ўзбек адабиёти тарихида тутган ўзига хос ўрни ва овози бор. Аввало, ҳар бири ўзига хос бир давр яратган мазкур адибларсиз янги ўзбек адабиёти тарихини тасаввур қилиш мумкин эмас, иккинчидан, ўзбек адабиётининг бугунги камоли ва келгуси равнақи шулар яратган анъаналар ва кашфиётларга боғлиқдир.

Минбарбоплик, гражданлик, фалсафийлик, замонавийлик, ҳозиржавоблик Ғафур Ғулом поэзиясига хос хусусият бўлса, Уйғун шеърлятига нафислик, соддалик, жўшқинлик, лиризм, психологизм, ҳиссий мушоҳада, воқеабандлик, драматизм, манзаравийлик хосдир. Ғафур Ғулом адабиётнинг поэзия ва наср турларида ўз истеъдодини ёрқин намойиш эта олган бўлса, Уйғун поэзия ва драматургияда самарали меҳнат қилди. Ғафур Ғуломнинг шеърларида, поэмаларида эпиклик ва тарихийлик кучли бўлса ва у ўз асарлари композициясини, асосан, бугун билан ўтмишни чоғиштириш усули асосида тузган бўлса, Уйғуннинг шеърлятида, драматургияси ва лиро-эпик асарларида ҳам лириклик кучли ва у асарларини воқеанинг моҳиятини ифодалаш билан бошлайди, тарихга саёҳат қилиш, чоғиштириш усулини оз қўллайди. Ана шу далиллар номи эслатиб ўтилган адибларнинг ҳар бири ўзига хос мактаб яратганлигидан далолат беради. Маълумки, мактаб яратиш ҳар қандай ёзувчига ҳам муяссар бўлавермайди. Бундай бахтга ижодий фаоляти, яратган асарлари адабий жамоатчилик, халқ томонидан тан олинган, ижодий тажрибалари ёшлар томонидан қабул қилинган ва давом эттириляётган устоз адибларгина муяссар бўладилар.

Шу принциплар нуқтаи назаридан Уйғун ижодига назар ташлайдиган бўлсақ, у 30 ва 40-йиллардаёқ етук асарлари ва ибратли ижодий, ижтимоий фаоляти билан устоз сифатида тан олинган ва ўзига хос мактаб яратган эди. Поэзияда, драматургияда, адабий-бадий танқидда Уйғун эришган маҳорат «сир»лари аллақачон унинг шогирдлари, издошлари томонидан қабул қилиниб, анъана сифатида давом эттирил-

моқда ва ривожлантирилмоқда. Уйғун яратган мактабнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда воқелик табиат воситалари асосида, асосан, некбинлик нуқтаи назаридан кўтаринки, равон лирик услубда, бадий тарзда ифода этилади. У - завқу шавқ шоири, ҳаёт ва Ватан мафтун. Ана шу фазилат унинг поэзияси ва драматургиясининг лиризм билан суғорилишига, ўзига хос нафислик, мусиқийлик ва равонлик касб этишига сабаб бўлган. Нафислик, равонлик, мусиқийлик, лиризм аслда санъат ва адабиётнинг муҳим фазилатлари бўлса ҳам уларга ҳар қандай адиб осонликча эриша олмайди. Адабиёт ва санъатга хос бундай фазилатлар Уйғундай заҳматкаш, изланувчан, фидоий, ўз устида умр бўйи меҳнат қиладиган, замон билан ҳамнафас, анъаналарга садоқатли, новатор санъаткорларгагина насиб этади. Уйғун ижодига хос романтик услуб ва туйғуларнинг шаклланиши, камол топишида мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий ижодига хос романтик методнинг ҳам таъсири каттадир. Гафур Гуломдан адабиётдаги услубий хилма-хиллик ҳақидаги фикрини айтиб беришни сўраганларида у шундай жавоб берган экан: «Ойбекнинг кенглиги, Абдулланинг сиқиклиги, Шайхзоданинг чуқурлиги, Уйғуннинг равонлиги (таъкид бизники Т.Қ.), Миртемирнинг эркалиги менга ёқади. Ойбек фикрни кенг қамраб олади. Айниқса, «Навоий» романи Ойбек ижоди ширага, ўзи ақлга тўлганини кўрсатади. Абдулла бошқалар бир саҳифада айтадиган гапни битта гапда айтиб қўяди-қолади. Уйғун шеърларини ўқиганда, бирон ерида қоқилмай, ашулага ўхшаб ўзи оқиб келаверади. Шайхзода шеърлари гиж-ғиж ақлга тўла. Миртемирнинг шеърларини ўқисам яйраб кетаман. У шошилмай, эркаланиб ёзади»¹. Ўзбек адабиётининг алломаси томонидан айтилган мазкур фикрларда ҳақиқат олови ловуллаб ёниб турганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Уйғун маҳоратининг бир қирраси услубдаги

¹ "Ўзбекистон маданияти", 1969 йил 21 ноябрь.

равонлик эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Уйғун томонидан 60 йилга яқин вақт ичида ёзилган бадий, етук поэтик ва драматик асарлар мазкур фикримизнинг далилидир.

Уйғун ижодий услубига ҳос иккинчи муҳим хусусият кўтаринкилик, романтикага мойилликдир. Маълумки, Уйғунда ҳис-ҳаяжон кучли, патетика, завқу шавқ баланд. Шу сабабли у воқеликни, асосан, нақбий позицияда туриб эҳтирос билан ифодалайди. Унинг шеърларида воқеанинг ўзи эмас, балки шу воқеа туфайли шоир қалбида пайдо бўлган ассоциация ифодаланadi. Бундай ҳодиса «Назир отанинг ғазабини» туркумидаги жиддий шеърларига ҳам ҳос.

Лиризм Уйғун ижодий услубига ҳос учинчи йўналишдир. Масалага объектив ёндашадиган бўлсак, шеърятни, умуман, бадийятни лиризмсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Аммо Уйғун ижодидаги, шеърятдаги лиризм ўзгача, оташин, қайноқ, теран лиризмдир. Уйғуннинг лирик асарларининг кишини ўзига маҳлиё қилиши, оҳанграбодек тортиши, қалбимизни баҳор шабадасидай эркалаши, унга илиқлик ва ўктамлик бағишлаши шундандир.

Уйғун шеърятига воқеабандлик, драматизм, манзаравийлик каби хусусиятлар ҳам ҳосдир. Булардан ташқари, Уйғун шеърлари табиийлиги, ҳаётийлиги, мусиқийлиги, халқчиллиги, самимийлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Уйғун қон-қони билан замонавий шоирдир. У хоҳ узоқ ўтмиш ҳақида, хоҳ шу кунлар ҳақида, хоҳ келажак ҳақида қалам тебратмасин, бари бир у бугуннинг руҳи билан нафас олади. Уйғун шеърларида ҳаёт ҳақиқатини кашф қилиш қудрати, мантиқий тафаккур кучли.

Фалсафадаги мазмун ва форма бирлиги категориясига Уйғуннинг ижодиёти ҳаётий мисол бўла олади. Унинг ёрқин истеъдоди ҳаётни, ўзбек халқи тақдирини турли жанрларда ифодалашда маҳорат кўрсатди. Натижада Уйғун ўзбек шеърятини нафақат услубий йўналишлар, ғоявий-мазмун, ҳаётий образлар жиҳатидан, балки турли вазнлар (бармоқ,

аруз, эркин), турли жанрлар, лирика (табиат лирикаси, ҳажвий лирика, рамзий-символик лирика, воқеабанд лирика, гражданлик лирикаси (сиёсий, фалсафий, публицистик), лиро-эпик (лирик поэма, лиро-эпик поэма, драматик поэма, эпик достон ва бэллада), турли анъанавий жанрлар ва шакллар (ғазал, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, маснавий, тўртлик, триолет, сочма, оқ шеър, сонет) билан бойитди. Ўтган ўн йилликларда Уйғун шеърларининг шуҳрати барча қардош республикаларга, чет элларга таралди. Латинш шоири ва ёзувчиси Имант Знедонис Уйғун лирикасига хос хусусиятлар ҳақида шундай ёзади: «Мен ажойиб лирик шоирнинг асарлари билан танишар эканман, уларда улкан қалб ҳароратини, тошқин ҳислар диалектикэсини, вафо ва садоқатни, меҳрибонлик ва баҳордэй гўзал ҳаётни куз ўнгимда тасаввур этганман. Зотан, қалбдаги ҳарорат, вафо ва садоқатни, меҳрибонликни баҳордай гўзал ҳаётни рангин бўёқларда бермоққа фақатгина етук истеъдод эгасигина қодирдир»¹.

«Ўзбек шеърининг ёруғ юлдузларидан бири»² Уйғун томонидан кэшф этилган ва анъанага айланган юқоридаги фазилатлар миллий эстетиканинг хазинасига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди ва замонавий ўзбек адабиётининг кейинги вакиллари томонидан давом эттирилмоқда. Кейинги йилларда етишиб чиққан ижодкор авлод Уйғуннинг шеърлари, поэмалари, драмалари таъсирида асар ёзиш, уларга пайрав қилиш, мухаммас, назира боғлаш билан бирга, унинг шеърини, драматургиясига хос равонлик, кўтаринкилик, фалсафийлик, воқеабандлик, манзаравийлик каби энг муҳим хусусиятларни давом эттирмоқда.

Уйғун шоғирдларининг унинг ижодига бўлган оташин муҳаббатини ёзувчи Саид Аҳмад «...Уйғун шеърлари «Ўқиш

¹ "Ўзбекистон маданияти", 1965 йил 15 май

² "Шарқ юлдузи", 1975, 5-сон, 166-бет.

китобим» бўлиб қолди»¹⁶¹,— дея таърифлаган бўлса, атоқли шоир ва ёзувчи Мирмуҳсин «адабиётимизнинг неча авлоди бу ёрқин ва жўшқин шеърият булоғидан сув ичиб вояга етди»¹⁶²,— деб эътироф этади. Шогирдлик эҳтироми билан айтилган бундай сўзлар Туроб Тўла, Зоҳиджон Обидов, Тошпўлат Ҳамид, Восит Саъдулла каби ижодкорлар томонидан ҳам айтилган.

Ҳамид Ғулом «Украина еллари» балладасини отахон шоирнинг машҳур «Украина еллари» поэмаси, Рамз Бобожон «Назир отанинг ғазабии», Туроб Тўла «Назира бувининг ғазабии», Тошпўлат Ҳамид «Чол» шеърини Уйғуннинг «Назир отанинг ғазабии» шеъри таъсирида ёзган. Уйғуннинг гражданлик, муҳаббат, табиат лирикаси таъсирида бу жанрларнинг ажойиб намуналари пайдо бўлди. «Назир отанинг ғазабии», «Куз кўшиқлари», «Ватан ҳақида кўшиқ», «Сурат», «Келади», «Давримизнинг виждони», «Тинчлик кабутари» ва куз, баҳор ҳақида ёзилган кўплаб машҳур шеърлари ва «Жафо қилма», «Гўзал ёр» каби ғазаллари, мухаммас ва мусаддаслари ўзбек поэзиясида янги давр очганлигини, янги руҳ ва йўналиш пайдо қилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Уйғун поэзиясининг аҳамияти ўзбек адабиётининг тараққиётида муҳим роль ўйнаганлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Уйғун ғазалларига мухаммас боғлаш, Уйғун шеърлари, кўшиқлари, лапарлари йўлида шеърлар, кўшиқлар, назиралар, лапарлар (Эркин Воҳидовнинг Уйғун «Сафарнома»си туркуми ва «Назир отанинг ғазабии» йўлида ёзилган шеър сингари) яратилиши ҳам унинг ижодига бўлган муҳаббат ва издошликнинг бир нишонасидир. Бундай фикрларни шоирнинг драматургияси ва болаларга бағишланган асарлари тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

¹⁶¹ Саид Аҳмад. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том. — Тошкент, 1971, 7-бет.

¹⁶² «Совет Ўзбекистони», 1975 йил 30 май.

Уйғун – янги инсон маънавий оламини тадқиқ қиладиган, миллий шеърят савиясини белгилайдиган, ўзбек тилининг қудратини намоёиш этадиган, ўтмиш билан бугунни, бугун билан келажакни боғлайдиган шоирдир.

Халқ, Ватан бахт-саодати йўлида ихлос билан хизмат қилиш, фаол ижтимоий позицияда туриш, илғор тажрибаларга садоқатда бўлиш, новаторлик учун, бадиий адабиёт истиқболи учун, юксак бадиийлик учун кураш Уйғун ижодий фаолиятининг асосий фазилатларини ташкил этади. Уйғун ижодидаги шундай хусусиятларни ҳисобга олиб ёзувчи Н. Грибачев қуйидагиларни ёзган эди: «Бой ҳаётий тажриба, олижаноб мақсадларга садоқат, асарларингизнинг бадиийлиги сизни кўп миллатли адабиётнинг олдинги сафига олиб чиқди, халқ ҳурматига сазовор бўлишингизни таъминлади»¹. Агар маҳорат шоирнинг сўздан канчалик ўринли фойдаланишида, турли-туман жанрлар ва шакллар, поэтик воситалар ва санъатларни мақсадга мувофиқ қўллай билишида, мазмун ва формалар мутаносиблигини таъминлай олишида, тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ва кечинмаларни ҳаётий ва таъсирли баён қилишида кўринадиган бўлса, буларнинг ҳаммаси Уйғун ижодида мужассамдир.

¹ "Ўзбекистон маданияти", 1975 йил, 30 май.

III. УЙҒУН ПОЭЗИЯСИДА ҒОЯВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ

(монография; Тошкент: Ўқитувчи, 1985)

Шоирнинг ҳажв дафтари

Саксон баҳорни қаршилаётган отахон шоир ва забардаст драмасгург Уйғуннинг кўп қиррали ва ҳар жиҳатдан бой поэтик бисотига кулгу ҳам бегона эмас. Уйғун нафақат жўшқин лирик шоир, балки моҳир ҳажвгўй шоир сифатида ҳам халқимизга танилган. Шоирнинг устозлари ва тенгдошлари ижодида сатира қанчалик муҳим ўрин тутса, унинг ижоди учун ҳам бу йўналиш сезиларли мавқега эга. Уйғун ҳам мавжуд ҳаётда учраб турадиган камчиликларни фош этишда сатира ва юмор жанри имкониятларидан мақсадга мувофиқ фойдаланди. Шоирнинг ҳажвдан фойдаланиши тасодифий эмас, балки қонуний ҳодисадир. Бу ҳодисанинг қонуний эканлигига қуйидаги сабаблар асос бўла олади. Биринчидан, Уйғун сажиясида ҳажв мавжуд бўлган ўзбек халқига мансуб шоирдир. Иккинчидан, Уйғуннинг ижоди озуқланган ўзбек ва қўшни қозоқ, қирғиз, татар халқларининг ёзма ва оғзаки адабиётлари бой ҳажвий анъаналарга эга маънавий манбалардан ҳисобланади. Учинчидан, янгилиниш сифат ўзгаришлари юз берадиган ҳар бир жамиятда, албатта, қарама - қаршилиқ бўлиб туради. Бу тарихий жараён ҳар қандай жамиятга ҳам хосдир. Мазкур жараёнда табиий тарзда, янгилик маъқулланади ва эскилик рад этилади. Сўз санъати эса мазкур жараённи ҳаққоний тарзда ўзида ифода этадиган соҳа ҳисобланади. Бу соҳанинг ифода воситалари кўп бўлиб, шулардан бири ҳажвдир. Ана шундай маънавий ва ҳаётий асослар бошка шоирлар қатори Уйғун ижодиётида ҳам ҳажвнинг пайдо бўлиши ва ривожда муҳим роль уйнайди. Уйғун ижод майдонига кирган 20-йилларда ва

шоирнинг ижодий шахсияти шаклланган 30-йилларда, иккинчи жаҳон уруши даври, урушдан кейинги тикланиш даври ва 60-80-йилларда турмушимизда турли кўринишдаги қарама-қаршилиқлар бўлиб турди. Мазкур зиддиятларни баҳолаш ва фош этишда сатира ва юмор ҳам муҳим восита сифатида хизмат килди.

Уйғун ижодиёти ҳажв соҳасида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Уйғуннинг ҳажв билан шуғулланган тенгдошларидан фарқи шундаки, у ҳажвгуй шоир сифатида тез шуҳрат қозонган эмас, балки бу соҳага жуда секинлик билан кириб келди ва 60- йилларда ўзининг етук сатирик шеърларини яратди. Шунгачада, Уйғун ижодида сатирик ва юмористик асарлар бўлса ҳам, улар ҳажвнинг талабларига тўла тарзда жавоб беролмас эди. Масалан, 20-30-йилларда Уйғун ижодида яратилган шеърларда ҳажвга мойил томонлар, унсурлар кўзга ташланса ҳам, улар ҳали чинакамига сатирик ва юмористик пафосга эга эмас эди, балки танкидий сўзлар, чизгилар, образлар тарзида намоён бўлар эди. 40-50- йиллар Уйғун ижодида бу жанр шакллана бошлади ва 60- йилларда тўла жанрий хусусият ва ҳажвий пафос кашф килди. Уйғун ҳажвиётида ҳалол ва меҳнатсевар инсонларга ёт бўлган Уруш йиллари шоирнинг ҳажвий тиғи гитлерчилар тўдасига қарши қаратилди. Урушдан кейинги йилларидаги бюрократлар, юлғичлар, порлар, «иғвогарлар, расмиятчилар, халқ мулкига хиёнат килган кимсалар, озодлик, тинчлик ва тараққиёт душманлари сатира остига олинди, ҳаётдан орқада қолганлар, ландовур, дангаса ва сатанглар масхара килинди. Хуллас бу йилларда шоир ўзининг танқидий қарашларини сатира ва юмор воситасида мақсадга мувофиқ ифодалаш санъатини эгаллади.

Шоир каламига мансуб ҳажвий шеърларни жанр хусусиятларига кура икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1) сатирик шеърлар; 2) юмористик шеърлар.

Уйғуннинг сатирик ва юмористик шеърлари, асосан, унинг "Танланган асарлари" (1955), икки томлик асарлари (1959), уч томлик асарлари (1964-1965), олти томлик асарлари (1974-1978) ва турли йилларда нашр этилган китобларидан жой олиши билан бирга, "Фалончига" (1966), "Кекса жазман" (1975), "Кувноқ хандалар" (1980) номлари билан ҳам алоҳида тўплам сифатида нашр этилган.

Уйғун ҳажвияларининг ўзига хос томони шундан иборатки, уларда, асосан, кишилар онгидаги эскилик саркитлари, ахлоқий-маънавий қусурлар танқид этилади, маънавиятга ёт бўлган хулк ва одатлар фош қилинади. Уларни мавзу жиҳатдан қуйидагича тасниф қилиш мумкин: биринчи гуруҳга «Ўғри», «Фалончига», «Порахўр», «Мақтанчоқ», «Безори», «Қорин бандаси», «Ғийбатчи», «Каламуш», «Саганг», «Мунофиқ», «Маймунлар» каби шеърлари киради. Уларда шоир тараққиётимизга, жамиятимиз равнақига халал етказувчи текинхўр, безори, ўғри, каззоб, бюрократ, лаганбардор, ҳаромтомоқ, мақтанчоқ, юмалоқ хат битувчи, тухматчи, ғийбатчиларнинг ярамас кирдикорларини фош қилади. Иккинчи гуруҳга кирувчи «Шакар домулла», «Оқнадар», «Туристлар», «Сўнгги нусхалар» каби шеърларида иккиюзламачи «шакар домулла»ларни, айёр ва моллазараст кимсаларни сатира қамчиси билан савалайди. Учинчи гуруҳга кирувчи шеърларида эса, нўноқ шоирларни, чаласавод танқидчиларни, ёш, ҳовлиқма ёзувчиларни, дангаса, талантсиз, мақтанчоқ кишиларни фош этади. Фикримизга «Ёнадиган бўлсанг, яллиғланиб ён», «Ёмон танқидчи ҳақида», «Шошилма», «Шоир Ўткирга» каби шеърлар мисол бўла олади. Тўртинчи гуруҳга кирувчи шеърларда эса шоир инсон организмга қуртдай ўрнашиб олиб, уни кемирувчи ялқовлик, такасалтанглик, дангасалик, ишёқмаслик, лоқайдлик каби иллатларни танқид этади. Масалан, «Бир душман бор...» шеърда халқимизга ёт бўлган ялқовликнинг зарарли оқибатларини очиб ташлайди, одамларни ундан

қочишга, унга қарши ўт очишга чақиради. Шу жиҳатдан шеърнинг қуйидаги банди ҳарактерли:

Иродангни қилич килиб ур,
Газанданинг янчилсин боши!
Телиб ташла, юрган йўлингда
Ғов булмасин касофат тоши!

«Порахўр» шеърида эса шоир маънавий олами бузуқ, ҳаромхўр, текинтомоқ кишиларнинг ташқи башарасини ва тубан ички қиёфасини тасвирлайди. Шоирнинг маҳорати шундан иборатки, порахўрларга хос текинтомоқлик, юлгичлик хусусиятини, уларнинг тамагирликдан иборат табиатини заҳарханда сўзлар, иборалар, ҳаётий воқеа асосида реалистик тасвирлайди ва порахўрларнинг ифлос, разил башарасини умумлашма ҳолда гавдалантиради. Масалан, мазкур шеърнинг биринчи бандида ҳаромга ўрганган порахўрнинг тамагирлик ҳолати, манфур қиёфаси шундай тасвирланади:

Агар порахўрга ишинг тушдими,
Муомала килар қўлингга боқиб,
Ҳаромга ўрганган, бир нима кутиб
Кўзи жовдирайди сўлаги оқиб.

Келтирилган банднинг кейинги мисрасида ишлатилган «кўзи жовдирайди, сўлаги оқиб» сўзларига диққат қиладиган бўлсак, унда шоирнинг порахўрга бўлган нафрати жуда баланд эканлиги ва бу нафрат эвфемизм воситасида маҳорат билан ифода этилганлиги аён бўлади.

Лирик қаҳрамоннинг порахўрга бўлган қаҳр-ғазаби шеърда ўзининг ёркин ифодасини топганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Китобхон лирик қаҳрамон қиёфасида бир умр ҳалол яшаб келаётган кишилармизининг порахўрга

бўлган нафратини равшан сезади ва унда ҳам шундай кимсаларга нисбатан кучли ғазаб пайдо бўлади. Ву жиҳатдан Уйғуннинг «Ўғри» шеъри ҳам характерли. «Ўғри»да ҳам порахўрга ухшаш замоннинг долзарб масаласи кўтарилади ва ғоявий-бадий жиҳатдан юксак даражада ҳал этилади. «Ўғри» шеъринда шоир одатдаги ўғрилар ҳақида эмас, балки юзаки қараганда унчалик кўзга ташланмайдиган, аммо катта хиёнатларга сабаб булаётган вақт ва асаб ўғрилари ҳақида, уларнинг жамиятимизга келтираётган зиёнлари ҳақида қаҳру ғазаб билан фикр юритади. Муқояса қиладиган бўлсак, вақт, асаб ўғриси ҳам порахўрга ўхшайди, у ҳам давримизнинг душманидир. Шу нуқтаи назардан унинг порахўрдан ҳеч қандай фарқи йўқ. Фарқ шундаки, порахўр чўнтагинини шилади, нафсинга шерик бўлади, вақт, асаб ўғриси эса ҳаётдаги энг катта бойлигининг - умринга завол бўлади, ақлининг, асабининг кемиради. Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, Уйғун ғазабига учраган «ўғри»нинг жамиятимизга, халқимизга келтираётган зиёни порахўр келтираётган зиёндан ҳам хавfli ва зарарлидир. Уйғуннинг шеъринда ана шу хавfli ва зарарли душманнинг башараси фoш қилганибгина қолмасдан, балки инсониятни унинг дахшатдан огоҳ булишга, унга қарши кескин кураш олиб боришга ва ундан ҳазар қилишга даъват этилади. Шеърнинг кейинги бандларида шоир вақт ва асаб ўғрисига бўлган нафратини шундай ифодалайди:

Ундайларнинг суҳбати азoб,
Гапи сассиқ, қўланса, тузсиз.
Улар асаб, вақт ўғрилари:
Улар шилқим, бераҳм, юзсиз.
Ундайлардан ақлингиз бўлса,
Узоқ юринг, гапинг тўғриси.
Ўғриларнинг энг расвоси ҳам
Вақт ўғриси, асаб ўғриси.

Уйғун сатирик шеърларининг ўзига хос томонлари шундан иборатки, биринчидан, уларда табиий соддалик билан оқилона фикрлаш йўсини бир-бири билан омукта бўлиб кетган бўлса, иккинчидан, публицистик ҳарорат билан образлилик уларнинг қонига сингиб кетган, учинчидан, классик адабиёт анъаналари билан халқ оғзаки ижодиёти традициялари ўзига хос омукталиқ кашф этган. Шундай фазилятлар бирлашиб, Уйғун шеърларининг халқчиллигини, ғоявийлиги ва бадийлигини таъминлаган.

Бундай ижтимоий-сиёсий ва бадий хусусиятлар шоирнинг «Фалончига», «Безори», «Мунофиқ», «Ғийбатчи», «Оқпадар», «Қорин бандаси», «Маймунлар», «Каламуш» каби сатирик шеърларига, шунингдек, дидактик характердаги «Нон», «Насихат», «Шошилма», «Ўзингдан кўр» шеърларига ҳам хосдир. Шоирнинг айрим юмористик асарлари кишилардаги қандайдир камчиликларни тузатишга қаратилган тарбиявий характердаги асарлар бўлиб ҳисобланади. Унинг айрим ҳажвий шеърлари сатирик руҳда эмас, балки ўзига хос энгил ҳазил, пичинг ёки кулги асосида пайдо бўлган. Улар китобхон қалбида майин табассум пайдо қилади, унинг хордиғини чиқаришга, кайфиятини яхшилашга, дилини шод қилишга кўмаклашади. Масалан, Уйғуннинг «Шинавандалар» деб номланган юмористик шеъри П.Попович ва Николаевларга ўртоқлик ҳазили сифатида ёзилган бўлиб, унда футбол ишқибози бўлган космонавтларимизнинг кўкда ҳам футбол ўйинларининг бориши ва натижаси билан кизиққанликлари ўзига хос энгил юмор билан чиройли ифода этилади. «Трамвайда» деган юморда эса шоир одобли ёшларнинг кексаларга бўлган ҳурматини уларга ўрин бўшатиб бериши воқеаси мисолида маҳорат билан баён қилади ва бу ҳаётий ва воқеа туфайли кекса шоирнинг қалбида пайдо бўлган хурсандлик, миннатдорчилик туйғуларини, ўз ёшлиги эсига тушиб, болалик йилларини эслаганлигини юмористик услубда

ифодалайди. Мазкур шеърда илгари сурилган фикр унинг охирги бандида шундай хулосаланади:

Тўғри, кексайганим, қариганим рост,
Далил – сочимдаги ҳисоби йўқ оқ.
Аммо трамвайда ўрин бўшатиб,
Эсга солаверманг, ўкситманг, ўртоқ.

«Кекса жазман», «Бир боқсанг кифоя», "Кўк чой», «Чўтир кампир», «Алданган Афанди», «Афандининг туши» каби шеърларида Уйғун юморига ҳос нозик томонлар ўз ифодасини топган. Шуниси муҳимки, Уйғуннинг юмористик шеърлари китобхон руҳини бардам қилади, ақлига ақл кўшади. Жумладан, унинг «Чўтир кампир» шеъри шундай хусусиятга эгадир. Шеър китобхонни ўйлашга мажбур этадиган банд билан бошланади:

Минглаб ғазалларда, минг йилдан бери
Ойга ухшәтилар эди гўзал ёр.
Энди сабил колди минг йиллик мадҳлар,
Минг йиллик тәърифлар, ташбеҳлар бекор.

Шундан кейин ой аслида бир совуқ тош бўлиб, у гўзалликни – нурни кечаси куёшдан қарзга олишини ва кундузи қайтариб бергандан кейин яна сўлиб қолишини ҳикоя қилади. Шеър қуйидагича яқунланади:

Ҳа, инсон кўзида кўкда оймомо
Гўзал кўринарди тўлган фаслида,
Аммо космонавтлар кўриб тушишди:
Чўтир кампир экан шўрлик аслида.

Мазкур шеърда ҳазил ҳам, илмий-техника парвози асрининг ютуқлари ҳам, астрономия ва космонавтика

ҳақидаги фикрлар ҳам, нозик инсоний ҳис-туйғулар ҳам бир-бирига чиройли тарзда уйғунлашиб кетган. Бундай маҳорат намунасини Уйғундай истеъдод соҳибларидагина кўриш мумкин.

Юқорида айтилганлар Уйғун ўзбек ҳажвий лирикаси ривожига сезиларли ҳисса қўшаётганидан, уни ҳам ғоявий-тематик, ҳам поэтик шакллар, янги тасвирий воситалар билан бойитаётганлигидан гувоҳлик беради. Агар буларга шоирнинг «Қалтис ҳазил», «Олтин кўл», «Лақма» каби машҳур комедиялари, «Сўнгги пушаймон», «Қотил» сингари сатирик драмаларида эришган ютуқларини ва ўнлаб пьесаларида маҳорат билан яратган сатирик, комик образларни қўшадиган бўлсак, унинг ўзбек ҳажвиёти тараққиёти борасидаги хизматлари янада салобат касб этади. Уйғуннинг [ҳажвий шеърлари, драма ва комедиялари ўзига хос эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Улар халқимизни юксак идеаллар руҳида тарбиялашда, танқидий тафаккур тараққиётини ривожлантиришда катта роль ўйнайди.

Шеърятда табиат концепцияси

Уйғун А. Наумов билан қилган суҳбатида «Мен табиат бўйини қониб-қониб искаганим йўқ. Бироқ унинг вужудига ўзимни сингдириб юбордим», - деб айтган эди. Уйғун ижодиётини синчиклаб кузатган киши одилона айтилган бу фикрда катта ҳақиқат борлигига ишонч ҳосил қилади. Табиатга маҳлиёлик ҳар қандай шоирда бу даражада зўр бўлавермайди ва ҳар қандай шоир ҳам ўзини Уйғунчалик табиат билан бу қадар қондош - жондош ҳис қилавермайди. Уйғун ижодий йўналишига кўра Алишер Навоий, А.С. Пушкин, И.С. Тургенев, И. Бунин, С. Есенин, Максим Богданович, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Амин Умарий, Миртемир, Зулфия каби сўз санъаткорларидай вужуд-вужуди билан ўзини табиат билан бирга ҳис қиладиган, ижоди табиат таъсирида шаклланган,

фигурларини табиат фасллари, манзаралари, образлари, предметлари воситасида ифодалашда маҳорат кўрсатган лирик шоирдир. У япроқнинг шивирлашини эшита олади, шамол ва шаббоданинг шўх қилиқларини сеза олади, бақанинг қуруллашидан гўзаллик топади, капалак билан табиати беқарор одамлар ўртасида ўхшашлик борлигини ҳис қилади, ариқ, булоқ, анҳорда эзгулик ва фидойилик фазилатларини кўради, чўл, қир, тоғ, саҳро ва чўққилар воситасида юксак инсоний сифатларни мадҳ этади. Хуллас, табиатнинг бирон-бир манзара ва кўриниши, предмети, воқеа-ҳодисаси, фасллари йўқки, улар Уйғуннинг ижодиётига тасвир объекти ва воситаси сифатида хизмат қилмаган бўлсин.

Уйғуннинг табиат ҳақидаги қарашлари мукамал ғоявий тизимни ташкил этади. У бу борада ўз концепциясига эга шоирлардан. Унинг асарларидаги табиат концепцияси муҳим социал-эстетик аҳамияти билан диққатни тортади. Шу жиҳатдан Уйғуннинг табиат тасвирига бағишланган шеърлари ҳақида баҳс юритиш алоҳида эстетик аҳамият касб этади.

Шоир 30- йилларда табиатдан меҳнат кишиларининг ҳаётга муҳаббатини, бунёдкорлик фаолиятини ва янги онгнинг шаклланишини намойиш қилишда уларни эстетик ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда фойдаланган бўлса, иккинчи жаҳон уруши йилларида душманга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланди. Уйғун поэзиясида гўзаллик ва абадийлик рамзи сифатида хизмат қилган баҳор, булбул, гул, қор, анор, қуёш, тонг, ой каби поэтик образлар уруш йилларида ўқ, қон, кафан, байрок, ғазаб юлдузи образлари сифатида новаторона тарзда ишлатилди. Шоир ҳалол кишиларни қуёшга, баҳорга ўхшатса, фашизмни жинчиروққа, хазонга ўхшатади. Ўхшатишларни бундай контраст ҳолда ишлатиш йўли билан Уйғун ўз шеърларида муҳим ижтимоий-сиёсий фикрларни олға суришга муваффақ бўлади. Бу борада шоирнинг фантазияси бой, маҳорати юксак. Шу

сабабли у бутун табиатни, ундаги барча предметларни душманга қарши қўзғата олади. Бу жиҳатдан унинг «Лолалар», «Қор», «Партизанлар» каби шеърлари ҳарактерли. Жумладан, шоирнинг «Партизанлар» шеърида шундай сатрлар бор:

Гулларинг ҳам, гўзал боғинг ҳам,
Ёшлигинг ҳам, бахтли чоғинг ҳам,
Булбуллар ҳам, кўклам ҳам, ёз ҳам,
Қўшиқлар ҳам, кулги ҳам, соз ҳам,
Интиқомга, ғазабга тўлиб,
Қасд этишиб ёвнинг жонига,
Барчаси ҳам партизан бўлиб,
Кетди партизанлар ёнига.

Табиатдан мақсадга мувофиқ бундай фойдаланиш анъанаси шоирнинг урушдан кейинги йиллар шеърлятига ҳам хосдир.

Уйғун табиат ҳақидаги шеърларида ўз даври учун долзарб ҳисобланган икки муҳим масалани кўтариб чиқади ва ҳал қилади. Биринчидан, табиат ҳақидаги шеърлари билан кишиларни жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшса, уларни ҳаёт гўзалликларидан баҳраманд бўлишга чақирса, иккинчидан, кишиларни табиатни муҳофаза қилишга, уни асрашга чақиради,

Чиндан ҳам Уйғуннинг табиат ҳақидаги шеърларини ўқиган китобхон унга меҳр қўяди, унинг ҳимоячисига айланади ва шунгача етарли сезмаган гўзалликлар сирини кашф қилгандай бўлади, табиат фарзанди сифатида ўзини янада кучли, комил ва ўктам ҳис қилади, Уйғуннинг табиат ҳақидаги шеърлари бизни табиатнинг ажойиб ва ғаройиб қўйнига етаклайди, қалбимизга қувонч, руҳимизга бардамлик ва тетиклик бағишлайди. Таниқли адабиётшунос С. Мамажонов айтганидай, «Энг муҳими, Уйғун ... табиатни

инсондай қудратли ва ижодкор, инсонни эса табиатдай гўзал, нозик, пок ва бой деб тасаввур этади.

Уйғуннинг табиат ҳақидаги шеърларида ҳам шоир ижодиётига хос гўзал фазилат – ҳаётни ҳамиша зийраклик билан кузатиш, уни донишмандона баҳолаш ва табиий ифодалаш ҳодисаси бўртиб кўринади. Масалан, шоирнинг уруш йилларида ёзилган «Лолалар», «Партизанлар», «Анор», урушдан кейинги йилларда ёзилган «Данак», «Япроқ», «Чинор» шеърларида ана шу фазилат кўзга равшан ташланади. Уйғуннинг топқирлиги, зийраклиги, воқеликни образли тасвирлай олиш истеъдоди шундан иборатки, у хоҳласа, табиатнинг ҳар қандай предметдан, образидан, кўринишидан ифода этаётган ғоясига мувофиқлик топа олади, табиатнинг ҳар қандай ҳодисасини ўз ғоясига мувофиқ ишлата олади ва табиатнинг ҳар қандай образида инсонларга хос хусусиятларни кўра олади.

Уйғуннинг «Анор» шеъридаги новаторлиги шундаки, у ўзбек классиклари тажрибаларига янгича муносабатда бўлади. Агар XIX аср шоири Увайсий ўз асри аёллари бошига тушган фожиаларни образли баён этишда "Анор" чистонида анор образидан усталик билан фойдаланган бўлса, Уйғун анор образидан йигирманчи аср кишиларининг бир-бирига, она-Ватанига, дўст-биродарларига бўлган оташин муҳаббатини ифодалашда маҳорат кўрсатади. Увайсий ўз шеърида анорни эшиксиз, туйнуксиз гумбазга, доналарини бағри қон қизларга ўхшатиб, аёлларнинг асоратда, зулматда, эрксиз, ҳуқуқсиз яшаётганлигини ҳаётий тасвирлаган. Уйғун эса анорни гоҳ қутига, гоҳ ҳароратли қалбга, гоҳ кўзгуга, гоҳ ғазаб юлдузига, гоҳ доналарини ёқутга, лаълга ўхшатади ва шулар орқали кишиларнинг ғалабага бўлган ишончи нақадар юксак эканлигини жонли ва реал тасвирлайди.

Мумтоз адабиёт намояндаси Муқимийнинг анорга бағишланган бир шеъри бор. Унда шоир анорнинг инсон организ-

ми ривожига учун фойдали эканлигини, саломатлиги учун таърифи ва тавсифини беради, ҳақимлигини таъкидлайди:

Неъмат ичра ҳуш латофатликда мустасно анор,
«Қой» агар ҳикматда дерлар қотим сафрс анор.

Меъдани лоқижа айлаб, иштаҳани келтируб,
Кўп ғизо қилгани қилгай рангини хурмо анор.

Аччиғида хосият кўпдур, ҳавосида хусус,
Бўлса ширин ташналик дафъиғадуру танҳо анор.

Келтирилган байтларда Муқимий Увайсий ва Уйғундан фарқли ўлароқ, анордан восита, символ сифатида фойдаланмаганлиги, балки унинг ўзини, хусусият, фазилатларини қаламга олганлиги маълум бўлади. Бу ўзига хослик аломатлари мазкур асарларнинг фақат поэтик воситаларига тегишли бўлиб қолмай, шаклида ўз ифодасини топган. Увайсий ўз асарини чистон, Уйғун мурабба жанрида ёзган бўлса, Муқимийнинг шеъри ғазал шаклида ёзилган. Ҳаётдан мавзу, образ, восита танлаш ва уни ҳар хил тарзда бадний ифодалашга хос ана шу ҳодисада ҳам авлодлар ўртасидаги ворислик аломати, анъана ва маҳорат проблемаси ўзининг ёркин ифодасини топганлигини таъкидлаш лозим.

Шундай фазилатлар Уйғуннинг 70- йилларда ёзилган "Япроқ" (1970) ва "Чинор" (1971) шеърларига ҳам тегишлидир. Мазкур шеърларнинг умумий томони шундаки, уларнинг ҳар иккаласида ҳам лирик, рамзий ва фалсафий хусусиятлар кучлидир. Фарқли томони, "Япроқ" дарахтнинг барги, "Чинор" эса дарахт ҳақидаги шеърдир. Шоир "Япроқ" шеърида садоқат ва фидойилик ғоясина илгари сурган бўлса, "Чинор" шеърида умрбоқийлик, ҳаётпарварлик ғоясини баён қилади. Ҳар иккала шеърда ҳам япроқ ва чинор символи воситасида ахлоқ ва одобга тегишли гўзал инсоний фазилат-

лар ҳаёт фалсафасига йўғрилган ҳолда талқин этилади. Шоирнинг "Япроқ" ва "Чинор" шеърларида илгари сурилган ғоя тарбиявий аҳамиятга эгадир. Чинор дарахтини узоқ умр кўриши, кўм-кўклиги, кўркамлиги учун халқимиз севади. Шу фазилатлари сабабли чинор халқ тафаккурида умрбоқийлик, ҳаётпарварлик рамзи сифатида машҳурдир. Ўзбек адабиётида чинор образига тез-тез мурожаат қилишнинг боиси ҳам шунда. Маълумки, бу мавзуда қатор шеърлар, хикоялар ёзилган, кинофильмлар яратилган. Улар орасида, айниқса, Асқад Мухторнинг "Чинор" романи билан Уйғуннинг шеъри алоҳида ажралиб туради.

Эслатилган асарлар оригинал хусусиятларга эгаллиги билан адабиётимизга ҳисса бўлиб кўшилган. Бундай ўзига хослик, аввало, уларнинг жанридадир. "Чинор" романи эпик турнинг фалсафий роман жанрида ёзилган. Зеро, унда ўзбек халқи тақдирида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Очилбобо оиласи мисолида кенг эпик кўламда ҳикоя қилинади. Уйғуннинг асари лирик турнинг табиат лирикаси жанрида ёзилган. Унда воқелик қисқа, лўнда, таъриф-тавсифларда, субъектнинг воқелик ҳақидаги қарашлари, қайдлари тарзида, ҳис - туйғулари қанотида ифода этилган. Асқад Мухторнинг романида чинор муҳим ижтимоий-сиёсий фикрни ифодаловчи, умумлаштирувчи, символик образ даражасига кўтарилган. Ёзувчи Очилбобо оиласи мисолида чинордай тарвақайлаб ўсган, тўрт томонга шох ташлаган ҳар бир шохда миңглаб барги яшнаб турган, илдизлари ерга мустаҳкам чирмашиб кетган ўзбек оиласининг мазмунли, мураккаб ҳаётини, тақдирини тасвирлайди. «Чинор» шеърларида эса шоир лирик шеърнинг талабларига мувофиқ тарзда чинор дарахтининг хосиятлари ва ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида фикр юритади ва унинг кўркам афсонавий образини яратади. Чинор образи воситасида умрбоқийлик ғоясини илгари суради. Айниқса, шоирнинг маҳорати чинорнинг улуғвор савлатини, кўркам, йўғон ва бакувват гавдасини,

довул ва бўронларнинг қаршилигини енгишдаги жасоратини, кишиларга роҳат бағишлашини тасвирлашида кўзга ташланади. Масалан, чинорга хос савлат ва жасорат шеърнинг иккита бандида ҳаётий ўхшатиш ва оригинал муболага воситасида қуйидагича тасвирланган:

Довулларда аста тебранар
афсонавий паҳлавонсимон.
Бўй чўзганда қаддини ростлаб
Тор келгандай бўлади осмон.

Бундай тасвир шеърнинг учинчи бандида янада чуқурлашади.

У иккинчи бандни мантиқан давом эттиради, тасдиқлайди, энди бу ерда шоир чинорнинг йўғонлиги, бақувватлиги, баландлиги ҳақида гапириш билан бирга, баргининг қалинлигини, танининг кумушлигини, танасининг сершоҳлигини ҳам таърифлайди:

Ўн кулоч ҳам етмас белига,
Барги қалин, кумуш тан, сершоҳ.
Ойдин тунда бошига келиб
Қушдай кўнар бутун бошлик моҳ

Шоирнинг «Япроқ», «Чинор» каби шеърларида лирик жўшқинлик билан публицистик пафос, илмий мушоҳадалар билан образлилик, соддалик билан мусиқийлик бир-бирига қўшилиб кетганлиги сабабли улар ғоявий ва бадий жиҳатдан мукамаллик касб этган.

Уйғуннинг табиат китобига кирган булбул, лайлак, капалак, бақага бағишланган бир туркум шеърларида паррандалар олами ва ҳашаротлар дунёси қаламга олинади, уларга хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилади, уларнинг ҳаётдаги мохияти тасвирланади.

Масалан, «Бақа қуруллади» шеърда шоир бақада ҳам гўзаллик, ҳаётпарварлик хосияти борлигини топади ва бу фикрини мантиқан асослаган ҳолда китобхонга тақдим этади. Албатта, бақа деганда кишининг кўз олдига ранги кесакка ўхшаш, башараси совуқ бир жонивор келади. Уйғун эса бақанинг баҳор даракчиси эканлигини, бақа ҳам булбулга тақлид қилиб хониш қилишини, хунуклигидан ковакларда умр кечиришини, ҳаётни севишини ва бошқа жониворлардек насл қолдириш учун курашишини тасвирлайди. Бу ерда гап Уйғуннинг масалага қанчалик ижодий ёндашишида, танлаган мавзудан поэтик фикр излаши ва шу туфайли китобхонга янги фикр айта олдими, йўқми – шу ҳақда боряпти. Хулоса қилиб айтганда, Уйғуннинг поэзияга тамоман ёт бўлган бақа образидан ҳам поэтик фикр топганлиги кишини қувонтиради.

Бу хусусият шоирнинг "Булбул" шеърда ҳам намоён бўлади. Шеърда булбул ҳаётпарварлик ва тинчлик рамзи сифатида гавдаланади. Шеърда "табиатнинг мангу ҳофизи" булбулга хос муҳим хислатларни лирик-публицистик йўналишда ифодалайди. Шундай хусусиятлар шоирнинг "Лайлак", "Капалакка" шеърларига ҳам хос.

Уйғуннинг ижодида бир туркум шеърлар борки, уларда самовий мавжудотлар: тонг, қуеш, юлдуз; самовий воқеа-ҳодисалар шамол, шаббода, булут, ёмғир, шабнам, бўрон, қор ва табиат манзаралари тасвирланади. Шоир бундай шеърларида табиат воситасида қалбида пайдо бўлган ғояларни, қарашларни образли акс эттиради. Бундай шеърларга шоирнинг «Тонгги бўса» (1936), «Қор» (1942), «Қуёш ботар чоғда» (1983), «Бир гала оқ булут» /1962/, «Шамол чўпон эмиш» (1965), «Тонг манзараси» (1967), «Шабнамми, дурми» (1967), «Дўрмон шабадаси» (1968) каби асарлари мисол бўла олади.

Уйғун адабиётга тонг образини олиб кирган ва тонг манзарасини уста рассом каби мукамал тасвирлаган шоирдир. Тонг Уйғун учун фақат самовий мавжудот предмети

сифатидагина эмас, балки ҳаёт тонги сифатида қизиқарли, гўзал, қимматлидир. «Тонгги бўса», «Тонг манзараси» шеърларига шу нуқтаи назардан эътибор қилиш лозим.

«Тонгги бўса» шеърининг ўзига хос яралишида шоирнинг (лирик қахрамоннинг) ҳаётга бўлган оташин мухаббати ва табиатга бўлган эътиқоди сабабдир. Ана шу улкан мухаббат ва эътиқод туфайли шоирнинг илҳами жўш уради ва у тонг тасвирига «ранг бисотидан энг ёрқин, энг гўзал мато» танлайди. Шеърда ҳукирсонлик қилган кўтаринки руҳ, чақноқ кайфият, унга безак бўлган оҳори тўкилмаган ўхшатишлар, янги сифатлашлар ва ҳаётий жонлантиришлар, риторик сўроқлар ва таъкидлар, моҳир расом қўли билан чизилган манзаралар, ёрқин ва тиниқ кўринишлар оппоқ тонгга монанд сўзлар ана шундан далолат беради.

Уйғуннинг сеҳрли қалами туфайли тонг гоҳ оппоқ, шоҳига, гоҳ мраммага, гоҳ зарга, гоҳ садафга, гоҳ сарлавҳага, гоҳ ғунчанинг очилган чоғига, гоҳ қизнинг мраммар ёноғига, гоҳ Эрам товусига ухшайди.

«Тонгги бўса» шеърда тонг образидан ташқари, табиат образи ҳам самимий, тиниқ ҳаётий ва ҳароратли тасвирланади:

Табиат саҳарда мисли бир ғунча,
Тонг эса ғунчанинг очилган чоғи.
Ёки тахмин қилинг, табиат бир қиз,
Тонг эса у қизнинг мраммар ёноғи.

Уйғуннинг «Тонгги бўса» шеъри билан «Тонг манзараси» шеъри ўртасида 30 йилдан ортиқ вақт бор. Бу даврда ҳаётда қанча ўзгаришлар юз берган бўлса ҳам, шоирнинг тонгин тасвирлаш услубида унча катта ўзгариш сезилмайди. Бизга маълумки, «Тонгги бўса» шеърида ҳаёт кенг тарзда тасвир объекти қилиб олинган эди. Мазкур шеърнинг биринчи қисмида тонг тасвири берилса, иккинчи қисмидаги охириги 16

мисрада шоирнинг тонготардаги кайфияти, шодлик ва қувончлари, умуман, унинг «саодат ва нур келтирувчи» тонгга бўлган самимий муносабати ўзига хос латифлик билан тараннум этилади, учинчи бўлимида эрта тонгда фабрикаю заводлар, мактаблару пахтазорлар қўйнига йўл олган ўғил-қизлар ҳақида хабар берилади, Якунловчи тўртинчи қисмда эса риторик сўроқлар, анафоралар, кўтаринки ҳис-туйғулар воситасида мазкур шеърнинг ёзилишига «мароқли ва гўзал ҳаёт» сабаб бўлганлиги китобхонга маълум қилинади. Кейинги шеърда ҳис-туйғу кўтаринки тарзда эмас, мўътадил, аммо тасвирлар аниқ, ташбеҳлар тиниқ, шоир тонг образига тун образини қарама-қарши қўяди ва тонгнинг тунни мағлуб қилишини тазод усули орқали чиройли тасвирлайди:

Тонг ёришар, мағлуб бўлиб тун,
Ранги ўчиб, қайтар изига.
Уфқ чўзар ёқут лабини
Ловуллаган қуёш юзига.

Шеърда шоир тазод ва параллелизм усулидан фойдаланиб тонг ва тун образларининг ёрқин тасвирини беради ва китобхонда тонгга нисбатан муҳаббат, тунга нисбатан ғазаб уйғотади. Шу нуқтаи назардан бу шеърда тонг ва тун образлари рамзий хусусиятга эгадир.

Уйғуннинг «Қуёш ботар чоғда», «Бир гала оқ булут», «Шамол чўпон эмиш», «Шабнамми, дурми?» шеърлари манзаравий шеърлар бўлиб, улар шоирнинг ҳаётий кузатиши, топқирлиги сифатида майдонга келган. Масалан, «Қуёш ботар чоғда» шеърида қуёш ботаётган пайтда осмонда ва денгизда рўй берадиган ажиб манзара тасвирланади:

Қуёш ботар чоғда тарқоқ булутлар
Шоҳига, атласга айланар нурда.
Кимхоб тўшалгандай бўлар денгизга,
Тўлкинлар товланар минг алвон турда.

Кумуш тўлқинларда кечки қуёшнинг
Шуъласи гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб ўйнар,
Гуёки ҳисобсиз олтин капалак,
Чаманга гоҳ қўниб, гоҳ учиб ўйнар.

Мазкур шеърда шоир тасвирлаш санъатини ҳар томонлама эгаллаб олганлиги, ундаги бўёқларнинг тиниқлиги, қўлланган бадий тасвирий воситаларнинг хилма-хиллиги, ўхшатишлар, сифатлашлар, жонлантиришлар, параллелизм ва тазоднинг ҳаётийлиги равшан намоён бўлади.

Бундай хусусият «Бир гала оқ булут» шеърига ҳам хосдир. Шоирнинг «Шамол чўпон эмиш» тўртлиги ҳаётни жиддий кузатиш мевасидир. Унда шамол чўпонга, булутлар куйга, чақмоқ қамчинга, тер ёмғирга ўхшатилади ва шу ўхшатишлар асосида самовий ҳодиса ҳисобланмиш ёмғирнинг пайдо бўлиши ва ёғиши ҳақида аниқ тушунча ҳосил қилинади:

Шамол чўпон эмиш, булутлар куйи,
Куйларни савармиш чақмоқ қамчиси.
Чопа-чопа "куйлар" терга тушганда,
Ерга йўрғалармиш ёмғир томчиси.

Уйғуннинг табиат ҳодисалари туркумида ёзилган шеърлари ўртасида ғоявий-бадий савиясининг баландлиги жиҳатидан «Дўрмон шабадаси» шеъри алоҳида аҳамиятга эгадир.

«Дўрмон шабадаси» шеърининг ёзилиш тарихи бор. Маълумки, Ҳамид Олимжон ташаббуси билан 1944 йилда Дўрмонда ёзувчилар боғи ташкил қилинган эди. Кўп ёзувчилар қатори Уйғуннинг ҳам ҳаёти, ижодиёти 1944 йилдан бошлаб шу хушманзара ва дилкаш боғ тарихи билан боғлиқдир. Унинг кўп машхур шеърлари, драмалари, очерк ва публицистик мақолалари, таржима ва адабиётшуносликка оид асарлари бу боғда яратилган. У ҳар йили эрта баҳордан кеч кузгача Дўрмондаги дачасида яшайди ва ижод қилади.

Шоир танига роқат, ижодий парвозларига қанот бағишлаган, қалбига илҳом ва қувонч ҳады этган ана шу масканни «Дўрмон шабадаси» шеърисида мадҳ этади. Аслида Дўрмон шабадаси шоирни 1964 йилдан буён илҳомлантириб келади. Уйғун бу шеърини ҳам энг яхши шеърлари сингари узоқ ва пухта тайёргарликдан кейин қоғозга туширади. Маскур шеърда шабада образига ҳар томонлама ва тўлиқ таъриф берилади. Унинг гоҳ хушчақчақ, гоҳ шўх, гоҳ ўйинқарок, гоҳ майин, самимий, дилкаш образи ёркин ва аниқ манзараларда гавдалантирилади.

Тўғри, ўзбек классик адабиётининг Навоий, Бобур, Ғоҳий, Мужрим Обид, Хиромий, Муқимий, Фурқат каби вакилларининг асарларида сабо, шабада образларига тез-тез мурожаат этилади. Сабо, шабада уларнинг ғазалларида ошиқнинг саломини маъшуқага етказувчи восита сифатида хизмат қилади. Масалан, улуғ Навоийнинг «Эй, сабо, ҳолим бориб, сарви хиромонимга айт. Йиғларимнинг шиддатин гул барги хандонимга айт» байти билан бошланадиган ғазалида сабо образи воситасида ёрига бўлган оташин муҳаббатини, жафокор ёр ҳажрида чеккан ҳисобсиз азобу ғаму андухларини маҳорат билан ифодалаган. Шоир сабони айрилиқдаги ошиқнинг яқин кишиси, ҳамдами сифатида таърифлайди, унинг дил сўзларини маъшуқага етказувчи, аҳд-паймонни мустақкамловчи сифатида ҳарактерлайди.

Замонавий ўзбек адабиётининг Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир, Зулфия каби таниқли ижодкорлари шеърларида ҳам шабадага мурожаат этилган, ундан поэтик образ сифатида ўринли фойдаланилган. Айниқса, шоир Ҳамид Олимжоннинг «Чимён зсдаликлари», «Ишим бордир ўша охуда», «Қора денгиз бўйида», «Ўрик гуллаганда», «Тинимсиздир ёлғиз шаббода» шеърларида, «Роксананинг кўз ёшлари» балладасида ишлатилган шабада образи фикримизга мисол бўла олади. Шоир асарларида шаббода гоҳ ижобий, гоҳ салбий маънода ишлатилган.

Масалан, «Чимёй эсдаликлари». «Жора денгиз бўйида», «Роксананинг кўз ёшлари»да шаббода образи ижобий маънода ишлатилиб, кишиларга ҳамдам, кайғудош сифатида намоён бўлса, «Ўрик гуллаганда», «Тинишсиздир ёлғиз шаббода» шеърларида у шоирнинг гашига тегадиган, унга халақит берадиган, рашикини кўзгатадиган образ сифатида кўзга ташланади.

Уйғун шеъриятида ел, сабо, майин шамол, шабада сўзлари поэтик образ даражасига кўтарилади. Шоир дастлабки шеърларидан бошлаб шабадани, асосан, сўз маъносиди, баъзан образ маъносиди ишлатган бўлса, «Дўрмон шабадаси» шеърида уни шоирларга илҳом бағишловчи шеърят париси образи даражасига кўтаради. «Дўрмон шабадаси» шеъри табиат лирикасининг гўзал намуналаридан саналади. Унда Уйғуннинг воқеликни образли тарзда ифодалашдаги маҳорати юқори даражада юксалганлиги намоён бўлган.

Чиндан ҳам психологик тасвирнинг чуқурлиги ва тиниқлиги, шабада образининг турли-туман ҳолатда, ҳаракатда ифодаланиши жиҳатдан «Дўрмон шабадаси» шеъри ўзбек адабиётида ўзинга хос бир воқеадир. Унда инсонга дўст ва ҳамдам бўлган шабада образи яратилади. Шоир шабада образига хос хусусиятларни чуқур таҳлил қилади ва унга ҳар томонлама баҳо беради.

Уйғуннинг ижодида географик жой номлари ҳақида ёзилган бир туркум шеърлар борки, уларда ҳам шоирнинг табиатга беқиёс муҳаббати, унинг ранго-ранг кўринишларидан завқланиш, ҳали очилмаган сир-асрорларини кашф қилишга интилиши ва табиат ҳақидаги фикрларини китобхонлар билан баҳам кўришга ҳаракат қилиши ўз ифодасини топган. Уйғуннинг бой ва ранг-баранг поэтик ижодида шунчалик кўп жой номлари қаламга олинганки, уларнинг ҳаммаси тўғрисида фикр юритиш имконияти йўқ. Жой номлари ҳақида шеър ёзиш ўзбек адабиётининг қадимий анъаналаридан бири бўлиб, бу масалада ҳам Уйғун ўстози

Навоийдан, ундан кейин ўтган ўнлаб салафларидан илҳомланди ва уларнинг бу борадаги йўлларини давом эттирди.

Топонимларга Навоийнинг «Хазойинул-маоний» лирик куллиёти, «Хамса»си ва айниқса, «Хамса» таркибидаги «Садди Искандарий» достони, Хиромий, Муқимий, Фурқат ижодида ҳам қайта-қайта мурожаат қилинади, Жумладан, Навоий «Садди Искандарий» достонида Искандарнинг Хуросонга юришини, у ерда Ҳирот шаҳрини барпо этишини тасвирлаш жараёнида она шаҳрининг географик жиҳатдан ўнғай жойда жойлашганлигини, Ҳирот деб номланиши сабабини, табиати дилкаш, иқлими ёқимли, кўриниши гўзал эканлигини шундай тасвирлайди:

Вале чунки манзури ўлғоч бу наҳр,
Ясоб анда бир жаннатосор шаҳр,
Чу мазкур этиб аҳли дониш ҳар от,
Писанд айламай хотири жуз Ҳирот.
Чу лафзга илтифот айлабон,
Ҳамул шаҳр отин Ҳирот айлабон.
Ҳирот ўлди алқоби Искандарий, -
Дедилар авом они лекин Ҳирий.
Чу тўртинчи иқлим эди мавқеи,
Бас ўлди қуёш соҳиби толеи.
Кавокибгаким, етти тақсим эрур,
Жаҳон мулки ҳам етти иқлим эрур.
Ангаким васат меҳри рахшон келиб,
Мунга лек мулки Хуросон келиб.

Навоийнинг дунё ҳақидаги тасаввури кенг, шу билан бирга, жуда аниқдир. Навоий асарларида топонимлардан фойдаланиб, ўзини буюк ватанпарвар, халқлар дўстлигининг оташин куйчиси сифатида намоён этиш билан бирга, географик номлар кўмагида турли ҳил поэтик санъатлар, тасвирий воситалар, қофия ва радифнинг янги намуналарини

яратади ва ўзини сўз устаси сифатида намойиш қилади. Бу жиҳатдан шоирнинг Мовароуннаҳр, Кўҳак (Зарафшон) дарёси, Бухоро таърифига бағишланган байтлари диққатга лойиқдир.

Уйғун ўз ижодида Навоий адабий фаолиятига хос ана шундай анъаналарни давом эттирди ва миллий воқеликни улуглади. Жой номлари бадий асарларга аниқлик бағишлашидан ташқари, ўзига хослик, маҳаллий колорит, ранг ва нафосат ҳам беради. Масалан: «Дарёлар» шеърида шоир Волга, «Уч дарё кушиғи» шеърида Волга, Аму, Днепр дарёлари воситасида эллар биродарлиги ғоясини публицистик пафосда оригинал усулда тараннум қилади. «Ай-петри» шеърида ҳам шундай ҳолни курамыз.

Уйғуннинг жой номлари асосида ёзган асарлари ўртасида «Тешиктош» шеъри ҳарактерлидир. Шеърда Андижондаги Тешиктош қишлоғи таърифини бериш учун шоир табиатнинг жонли, жонсиз барча воситаларидан унумли фойдаланади. Табиат образлари, бадий ва мантиқий тафаккур ёрдамида қишлоқнинг шундай аталиш сабабини очиб беради. Унинг номи Тешиктош бўлса ҳам, жисми жаннатмонанд эканлигини гўзал табиатга хос манзаралар, ажойиб кўринишлар ёрдамида реалистик тасвирлайди:

Юксак чўққиларнинг кумуш тожлари

Чақнаб, ёниб ўйнар қуёш нурида.

Гулдор капалаклар арзи ҳол айтиб,

Тиз чўкишга тайёр гул ҳузурида.

Чиний кабутарлар муаллақ туриб,

Мусаффо осмонда учишар тўп-тўп.

Насл қолдиргани - уя солгани

Қушлар шошилади, тумшуғида чўп.

Жамбил ҳиди анқир аллақайлардан,

Қулоқни тешгудай булбул ноласи.

Баҳорни учратдим: кўлда лоладан
Шабнам тўлдирилган гул пиёласи.

Шоирнинг нигоҳи шунчалик ўткирки, унинг тафаккурида тоғ чўққиларидаги қор кумуш тож бўлиб кўринади ва қуёш нурида мавжланган қор парчалари учкун чақнаган ажойиб манзарани эслатади. Банднинг дастлабки икки мисрасида ўринли қўлланган ўхшатиш, сифатлаш ва жонлантириш воситасида шоир Тешиктошнинг тоғли қишлоқлардан бири эканлигига ишора қилган бўлса, учинчи ва тўртинчи мисраларида ишлатилган сифатлаш ва жонлантириш орқали Тешиктошнинг гўзал ва обод масканлардан бири эканлигини кўз олдимизда гавдалантиради. Кейинги икки банддаги жонли, тиниқ, конкрет тасвир ва ҳаётий-бадний воситалар шоирнинг юксак маҳоратидан далелат беради.

Шеърнинг мазкур бандларида йиллар давомида табиат томонидан Тешиктош бошига солинган воқеа-ҳодисалар ва унинг бу қаршиликларни писанд қилмай, кун сайин яшнаши, енгилмас характери тасвири берилади. Шоирнинг табиат ҳодисалари – жала, сел: предметлари – тош, дарё, сой, дарахт ҳақидаги тушунчаси ёрқин, тасвиридаги манзаралар бўёқли ва образли. Масалан, шоир хўмрайиб сўзи воситасида йўл четдаги тошларга жон киритади. Ана шу ҳаётий жонлантириш туфайли уларни образ даражасига кўтаради. Шоир бешинчи бандда ишлатилган Қорадарё топоними орқали Тешиктош қишлоғининг манзилини аниқлаш билан бирга, шеърнинг маъно ва мазмунига аниқлик бағишлайди, уни кенгайтиради.

«Тешиктош» шеърининг лирик қаҳрамони она-Ватанни фарзандлик муҳаббати билан севадиган ва унинг ҳар бир гард тупроғини кўзига суртадиган давримизнинг пешкадам кишиларидан. Шеърда лирик қаҳрамон тилидан айтилган «латофатли, серфайз, серқуёш экан», «...жамоли бор ҳавас қилгудек», «баркут ёнбағир», «жаннат парчаси» каби сатрлар

ва сўзларда унинг маънавий олами, Батавимизга чексиз муҳаббати ёрқин ифодасини толган.

«Тешиктош» шеърн муносабати билан Уйғуннинг айрим шеърлари автобиографик ҳарактерга эга эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Шундай хусусият шоирнинг «Нор», «Чинор», «Дўрмон шабадаси» каби шеърларида ҳам ёрқин кўринади.

Хуллас, Уйғун янги ўзбек адабиётида табиат ҳақида, унинг ранг-баранг кўрinishлари, дилбар манзаралари, предметлари, воқеалари, жониворлари, фасллари тўғрисида, уларга хос хусусиятлар борасида ижодининг илк давридан бошлаб ҳозирги кунларгача ибратли лирик асарлар яратиб келмоқда. Уйғуннинг табиат ҳақидаги шеърлари унинг ижодида яхлит бадний тизимни, «Табиат китобидан» номи билан юритиладиган машҳур туркуمني ташкил этади. Уйғун ижодиётининг дилбар намунаси саналган бу туркум шоирнинг табиат ҳақидаги қарашларини ҳар томонлама ифода этганлиги ва ғоявий-бадний юксаклиги билан эътиборга лойиқ. Мазкур шеърлар ватанпарварлик, ҳаётпарварлик, инсонпарварлик ғояларини улуғлаш билан бирга, табиатни асраш, авайлаш, инсоннинг табиатан гўзал ва жисмонан бақувват бўлиб тарбия топишида катта аҳамиятга эга. Ана шу соҳада Уйғун 60 йиллик ижодий фаолияти давомида бой тажриба тўплади, бадний ижодкорликнинг турли-туман маҳорат намуналарини кўрсатди. Ийрик сўз санъаткорининг бу борадаги тажрибаларини тўплаш, умумлаштириш, маҳорат қирраларини ҳар томонлама ўрганиш ва оммалаштириш адабиётшунослик фанининг муҳим вазифаси саналади.

ОЛАМДА НЕКИ БОР...

Уйғун шеърлари ичида «Суръат» (1960), «Оқ олтин мадҳияси» (1964), «Оламда неки бор» (1967), «Эски афсона»

(1969), «Жоҳилга сажда килма» (1962), «Инсон орзуси» (1965), «Ўтмиш» (1970, 1975), «Умринг ўтиб боради» (1960), «Ҳаёт демак» (1962, 1975) каби шеърлари ҳам бор. Мазкур шеърлар таҳлил этилган шеърлар билан мантиқий тафаккур асосида ёзилганлиги ва шоирнинг ҳаёт, вақт, нарсалар, умр, моддий дунё ҳақидаги қарашлари фалсафий тарзда баён қилинганлиги жиҳатидан яқин туради. Уйғун Шарқ ва Фарб фалсафасини яхши ўрганган, эстетика фанига ҳисса қўшган адабиётшунос олим ҳамдир. Шоир биографиясига хос бундай илмий йўналиш унинг ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Унинг ижодида мантиқий тафаккур маҳсули сифатида майдонга келган шеърлар шу фазилатнинг самарали таъсири натижасидир. Муҳими шундаки, унинг асарларида шоир Уйғун билан олим Уйғун ялакат мағиздай ўзини намоиш қилади. Олимлиги мазкур асарнинг поэтик мазмунини ташкил этса, шоирлиги ўша асарнинг ҳис-туйғусини таъмин этади. Хаамири ҳис-туйғу ва ақлдан қорилган бадий асарлар барҳаётлик касб этиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шундай хосият Уйғуннинг таҳлил этилаётган шеърларига ҳам хосдир. Уйғун мазкур шеърларда ҳаёт қатламларини, нарсалар ва предметлар таркибини, уларнинг ҳаётдаги ўрни ва вазифасини олим сифатида текширади, таҳлил қилади, шоир сифатида баҳолайди, таърифини келтиради. Илмий-техника ривожини авж олган ҳозирги шароитда китобхонга ҳар қандай шеърнинг маъқул тушмаслигига ҳам ҳозирги шеърятимиздаги бир ёқламалик, бошқача қилиб айтганда, китобхонларни ақлий жиҳатдан қониқтирмаслик маънавий оламнинг торлиги каби камчилик сабаб бўлаётир. Давр талабини ва китобхонлар дидини яхши тушунган Уйғун эса ўз шеърларида ҳаёт қарама-қаршиликларини, мураккабликларини бадий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилишга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан унинг шеърлари долзарблик касб этади ва китобхонлар диққатини ўзига жалб қилади.

Масалан, унинг «Оқ олтин мадҳияси», «Қор», «Оламда неки бор», «Кўк чой», «Эски афсона», «Инсон орзуси», «Ҳаёт демак» шеърларини олиб қарайлик. Бу шеърларнинг дастлабки учтасида («Оқ олтин мадҳияси», «Кўк чой», «Қор») техникавий экин саналган пахта ва чойдан олинадиган ҳосилнинг химиявий, техникавий таркиби, инсонга фойдали томонлари ҳақида фикр юритилса ва улардан қандай тарзда фойдаланиш йўллари тўғрисида маслаҳат берилса, қолган шеърларда ҳаёт, умр, инсон, вақт, дунёнинг моддийлиги каби фалсафий тушунчалар тўғрисида баҳс юритилади, фанда, ҳаётда хали ҳал этилмаган баъзи жумбоқлар ёритилади.

Шоирнинг «Кўк чой» шеъри ароқхўрларга қарши ҳазил тариқасида ёзилган бўлиб, унда кўк чойнинг инсон организми учун фойдали томонлари мантиқий тафаккур ёрдамида таҳлил этилган ва шу восита асосида ичкиликбозлик танқид остига олинган. «Кўк чой» шеърида ҳам шоир «Қор», «Оқ олтин мадҳияси», «Оламда неки бор» шеърлари сингари моддалар, предметлар таркибининг химиявий, тиббий, техникавий хусусиятлари ҳақида фикр юритади ва уларнинг фойдали томонларини таърифлайди. Шеърда шоир кўк чойнинг тиббий жиҳатдан инсон танасига фойдали эканлигини, химиявий жиҳатдан витаминларга бойлигини, техникавий жиҳатдан уни иссиқ холда ичиш лозимлигини баён этади ва мазкур фикрларини ҳаётий фактлар, мисоллар, турмуш тажрибалари, воқеалари асосида исботлайди. «Қор» шеърида эса таниқли шоира Эди Оғницвет айтганидек, химиклардай қорнинг таркибини, хислатларини текширади ва ундан вазият тақозоси билан мақсадга мувофиқ фавқулуд-да фанний хулоса («Аmmo бу қор – миллион фашистнинг мурдасига ёпилган кафан») чиқаради. «Оқ олтин мадҳияси» шеърида пахтадан химиявий йўл билан олинадиган хилма-хил нозу неъматлар, пахтадан қилинадиган кийим-бош, пахтанинг жангчилар ярасига малҳам, жангу жадаллар вақтида қурол, хоналарга пояндоз, ўқувчиларга дафтар, молларга озуқа,

паловга ёғ бўлиши ҳақида, хуллас, у битмас- хазина, туганмас кон, бойлигимизнинг тожи эканлигини таърифлайди. Шеърдан келтирилган банд ҳам шоирнинг бу борадаги махоратидан гувоҳлик беради:

Юз хил нозу неъмат, минг хил усти бош
Паловларга маза киргизган ёгсан.
Мураккаб химия, шеъримга қоғоз
Дори-дармон учун ажиб гиёҳсан.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган пахта, чой ва бошқа техникавий ўсимликлар таърифига бағишланган бундай шеърлар эстетик аҳамияти-дан ташқари, катта ҳаётий аҳамиятга ҳам эгадир.

Шоирнинг «Оламда неки бор» шеъри таҳлил услуби жиҳатидан юқоридаги шеърларга ўхшаса ҳам объекти нуқтаи назаридан ўзига хосдир. Бу шеърда шоир дунё моддийдир, деган фалсафий тушунча тўғрисида баҳс юритади ва лирик қаҳрамоннинг маънавий қиёфаси бой, намукали, диапазони кенг эканлигини намоён этади. Оламнинг моддийлигини исботлаш мақсадида ёзилган мазкур шеър мисолида Уйғун ижодий қиёфасига хос муҳим фазилатлар намоён бўлади. Бу шеър, аввало, унинг ўтмишда яшаб ўтган Умар Хайём, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Улуғбек, Михаил Ломоносов, Менделеев каби буюк донишмандларнинг муносиб вориси эканлигини, иккинчидан, фалсафанинг билимдонларидан эканлигини, учинчидан, табиий фанлар тараққиётини ўзлаштирган материалист олим эканлигидан далолат беради. Масалан, шеърнинг мана бу бандида ленинча билиш назарияси узининг равшан ифодасини топган:

Бутун коинотни, борлиқни модда
Қоплаб олган эмиш азалу абад.

Модданинг хислати беҳисоб эмиш,
Жилваси, жилоси билмас эмиш ҳад.

Навбатдаги бандда эса жисмларнинг бир турдан иккинчи турга айланиши, аммо абадийлиги ҳақидаги таълимот ўз баёнини топганлиги маълум бўлади:

Фақатгина модда абадий – мутлақ,
Чексиз коинотни кезиб юрармиш.
Камаймай, кўпаймай, йўқолмай, фақат
Ҳолатинигина ўзгартирармиш.

Мана бу сатрларда эса Шарқ мутафаккирлари Умар Хайём, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек асарларида оламнинг моддийлиги хақида илгари сурилган ғояларга ҳамнафаслик аломатлари сезилади:

Оламда неки бор маълум, номаълум:
Узоқ галактика, тупроқ, тоғу тош.
Ойдин тун, кумуш тонг, лоларанг шафақ,
Ҳашарот, наботот, ҳарорат, кўёш,
Булбулдаги нағма, ғунчадаги ноз,
Атомнинг қуввати, атомнинг ўзи,
Лаъли лаблардаги тотли табассум,
Булоқлар жилваси, оҳулар кўзи,
Ҳансираган буюк океанлардан
Булут бўлиб кўкка кўтарилган сув,
Гулдан гулга қўнган гулдор капалак,
Мусаффо кўлларда чўмилган оққуш,
Момогулдирак, ўт, ёнар тоғ, чақмоқ,
Довул ҳам, бўрон ҳам, шамол ҳам, ел ҳам,
Табиатдаги барқ, сонсиз ранг, садо,
Тўфон ҳам, тўлкин ҳам, тошқин ҳам, сел ҳам
Чолғудаги нозик қиллар ва унлар,
Ранг-баранг гулларнинг ўткир иси ҳам,

Куёшнинг иссиғи, ойнинг ёғдуси,
Ҳатто инсон, унинг ақли, ҳисси ҳам,
Кўкда жимирлаган сонсиз юлдузлар,
Боғларда етилган ҳисобсиз емиш,
Ҳаммаси ҳам модда ва ёким унинг
Хислати, сифати, қудрати эмиш.

Шоирнинг «Эски афсона» шеърида халқ ўртасида ҳозиргача яшаб келаётган «булбул гулга ошиқ» деган эски тушунча рад этилса ва булбулнинг гулга эмас, фақат булбулга ошиқ бўлиши ҳақидаги ҳақиқат исбот этилган.

Шоирнинг «Ўтмиш» шеъри ҳам фалсафий мушоҳадаларга, далилларга бой бўлиб, унда Уйғуннинг, умуман, маданий меросга, хусусан, улуғ донишмандлар ижодига замонавий эстетика фани нуқтаи назаридан муносабатда бўлганлиги ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шу сабабли шеърни ўқиганда кишининг кўз олдидан Уйғуннинг маданий меросни турли ёт қарашлардан асраш, авайлаш, келажак авлодга етказиш борасидаги фаолияти, шу борада ёзилган илмий тадқиқотлари, драмалари, шеърлари бирма-бир ўтади. Шоир мавзунини таъсирли ифодалаш, илмий ва бадий аҳамиятини таъминлаш мақсадида тасвирий воситалардан (масалан, ўтмиш куёшга, Алишер Навоий девони булбулга ўхшатилади, Пушкин асарлари жонлантириш усули асосида тилга киради. Беруний каби улуғ донишмандларнинг фан бобида қилган хизматлари - ўтмишни куёшдай равшан қилганлиги ўзининг образли ифодасини топади) ўринли фойдаланади. Шоир бутун ижодида, шахсан мазкур шеърида ўтмиш билан бугунни мутаносиб ҳолда кўради ва ўтмишни субъектив ҳолда баҳолайди, ўтмиш бугунги кишилар, кашфиётлар бағрида яшаётганлигини, уларга озуқа бераётганлигини ва кун сайин замонавийлик, ҳаётийлик касб этаётганлигини шеърнинг иккинчи бандида шундай баён этади:

Ўтмиш бизнинг идрокимизда,
Қалбимиздан мангу жой олди.
У шоирлар шеърда «меҳмон»,
У рассомлар расмида колди.

Уйғуннинг ҳаёт, ҳақиқат, фазо, умр, табиат, дунёнинг моддийлиги, ҳали етарли хал этилмаган баъзи фалсафий тушунчалар, фан-техника кашфиётларига бағишланган шеърларида айтиб ўтилган фазилатлардан ташқари, яна иккита муҳим фазилат кўзга ташланади. Улардан бири мазкур шеърларнинг жўшқин публицистик пафос билан йўғрилгани бўлса, иккинчиси, қудратли, сиёсий ижтимоий заминга эгалигидир. Ҳаётийлик, ғоявийлик, мавзулар долзарблиги, образлилик, замонавийлик, илмийлик, публицистик пафос, илмий-техника тараққиёти мавзусида ёзилган Уйғун шеърларининг муҳим фазилатлари ҳисобланади ва уларнинг умрбоқийлигини таъминлайди.

Шундай хусусият адибнинг «Абу Райҳон Беруний», «Абу Али Ибн Сино», «Хуррият», «Парвоз» драмаларига, айрим поэмалари, илмий, публицистик асарларига ҳам хос эканлигини эътироф этиш лозим.

Уйғун илмий-техника ривож мавзусида ёзилган шеърлари билан ўзи яшаган замон фан ва техникаси коинотни кашф этишда, табиий ва аниқ фанлар халқ хўжалигини ривожлантиришда эришган оламшумул ютуқларнинг моҳиятини оммалаштириш билан бирга, кишиларнинг бу фанларга, техника тараққиётига қизиқишини оширади. Булардан ташқари, шоир табиий ва аниқ фанлар, шунингдек, техника фанлари эришган ютуқларни бадиий талкин этиш воситасида ёшлар дунёқарашини шакллантиришга ҳам ҳисса қўшмоқда. Шоирнинг бундай ижод намуналарида эришган маҳорати, қўллаган тажрибаси муҳим эстетик қимматга эгадир.

БОЛАЛИК ТАРОНАСИ

Уйғун катталар ўртасида қанчалик ҳурмат ва эъзозга эга бўлса, кичкинтойлар ўртасида ҳам шунчалик қадр ва қимматга сазовордир. Чунки у 60 йиллик ижодий фаолияти давомида Ўзбекистонда болалар адабиётининг шаклланиши ва тараққиёти учун тинмай ғамхўрлик қилиб келаётган шоирлардан саналади. Болалик мавзуга бағишланган «Ҳадя» (1948), «Баҳор ва мен» (1966), «Менинг икки онам бор» (1974) шеърый китоблари, шунингдек, турли йилларда нашр этилган тўпламларига, танланган асарларига (1955), икки томлик, уч томлик ва (1954-1965) олти томлик асарларига (1974-1978) киритилган шеърлари, эртаклари Ўзбекистонда болалар адабиётининг шаклланиши, тараққиёти ва Султон Жўра, Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадий каби болалар адабиёти вакиллари ҳаёти, ижоди талқинига бағишлаб ёзилган адабий-танкидий мақолалари юқоридаги фикримизга гувоҳлик қила олади.

Уйғуннинг болаларга атаб ёзган шеърларини ўқиган катта- кичик китобхон ўзини яна бир марта гул ёшликнинг, қувноқ болалик даврининг дилбар, шўх, ардоқли, маъсум, унутилмас чаманзориди ҳис этади, болалик йилларининг кўркам, чақноқ хотиралари, ширин, эҳтиросли таассуротлари оғушида сезади. Уйғун болалар ҳаётини, характерини ва ўй-кечинмаларини дилдан ҳис қилганлиги сабабли ҳам унинг шеърлари шавқ билан ўқилади. Шу сабабдан бўлса керак, иккинчи, учинчи ва тўртинчи авлод вакиллари Уйғуннинг «Менинг икки онам бор», «Гул ўтказдим боғимга», «Чегарачи», «Баҳор», «Булбулга», «Қушлар келди», «Лайлак» каби шеърларини ёддан билишади. Бошланғич мактабдаёқ ёдлаб олинган бу мазмундор, ҳаётий, равоң, ўйноқи, жозибали шеърлар ҳаммамизнинг маънавий-эстетик жиҳатдан шаклланишимизда катта тарбиявий роль ўйнаганлиги, шубҳасиз.

Уйғуннинг «Менинг икки онам бор» шеъри уч банддан, 12 мисрадан иборат. Назаримда, бу шеър Уйғун ижодининг тематик-ғоявий мазмунини, бадий-эстетик қимматини ўзида ифодалаган, унга кўрк ва тароват бахш этган бадий ижод намунасидир. Болалар адабиётимизда Ватанга муҳаббат руҳида ҳамиша бош ҳарф билан ёзилдиган, юксак ҳурмат ва эътиборга лойиқ бўлган Оналаримизга эҳтиром тўғрисида кўпдан кўп шеърлар ёзилган. Бизнингча, биринчиси иккинчисига, иккинчиси биринчисига бевосита мустаҳкам боғлиқ бўлган бу улуғ мавзуни ҳозиргача ҳеч ким Уйғундай бири-бирига бунчалик вобаста ҳолда дилбар қилиб ифодалай олган бўлмаса керак. Ҳақиқатдан ҳам мазкур шеърнинг маънавий олами жуда кенг, поэтик руҳи беғубор, эмоционал қуввати катта. Унинг лирик қаҳрамони бири сут, иккинчиси ширин нон, бири тил бериб булбул қилиб сайратган, иккинчиси бағрида гуллар каби яйратган - ҳар иккала онаси туққан онаси ва она-Ватан - онаси билан чексиз фахрланади, улар олдида доимо бурчли эканлигини катта патетика билан ифода қилади:

Бири туққан онамдир,
Иккинчиси ҳур Ватан
Иккисига баробар
Қурбон бўлсин жону тан.

Шеърнинг халқ шеърий вазни – бармоқ тизимида ёзилганлиги, сатрларнинг етти ҳижодан иборатлиги, қофияларнинг оригинал ва олға сурилган ғояни ифодалашга мослаштирилганлиги, ишлатилган барча сўзларнинг содда, тушунарли, жарангли ва уч бўғиндан ошмаганлиги лирик қаҳрамон нутқининг табиийлигини таъминланган, характерининг пухта ва ҳаётий чиқишига асос бўлган. Шеърда лирик қаҳрамон - бола булбулга, гулга ўхшатилади. Бу ўхшатишлар заминидан ҳам катта ҳаётий ҳақиқат - халқимизнинг

болажонлиги ўз ифодасини топган ва шеърда илгари сурилган ватанпарварлик ғоясини образли ифодалашда муҳим аҳамият касб этган.

Ана шу етук фазилатлари туфайли ҳам Уйғуннинг «Менинг икки онам бор» шеъри ўзбек болалар адабиётида бутун бир даврни ташкил этади. Унинг тараққиётига туртки бериб келмоқда ва болалар адабиётининг мумтоз намунаси сифатида боқий ҳаёт кечириш ҳуқуқига эга бўлган.

Уйғуннинг бошқа шеърларида ҳам жонажон диёримиз кўйнида ва меҳрибон она бағрида бекаму кўст камол топаётган лирик қаҳрамоннинг ҳаётга, табиатга, баҳорга, ёзга, қушларга, ўсимликларга муносабати, машхур «Чегарачи» шеърида эса унинг халқ олдигаги фарзандлик бурчи, аскарлик қасамёди ўзининг мукамал ифодасини топган.

«Гулдор капалак», «Гул ўтқаздим боғимга», «Бойчечак», «Баҳор» шеърларида тароватли баҳор куйчиси, гўзал табиатнинг сеҳргар наққоши Уйғун болаларни ана шу кўркем, минг хил фусун ва латофатга эга табиатнинг эрка қизи гул баҳорга муҳаббат руҳида тарбиялашни ният қилади, баҳор туфайли ҳамма нарсага қизиқувчан, ишчан, ўйинқароқ, гул ва нурга ўч лирик қаҳрамонини боғ, гул, капалак, сой, сув, тоғ, япроқ, қуш, майса, той, кўзичоқ, бойчечак, боғбон, дарахт, чўпон, болари, шамол, қуёш, шуълалар билан таништиради, уларга меҳр-муҳаббат уйғотади, муҳими, кичкинтойларни табиат олами билан таништиради, уларга муқаддас она ерга ва унинг ҳисобсиз хислатларига эътиқод пайдо қилади.

«Гул ўтқаздим боғимга» ва «Ҳандалак» ҳам шу жиҳатдан ҳарактерлидир. Шоир биринчи шеърида ўлкамизга баҳор келиши билан бутун жонли ва жонсиз мавжудот жумбушга кириб кетгани, ёш лирик қаҳрамоннинг атрофида бўлаётган бу жонланишдан ибрат олиб боғига гул ўтқазishi ўзгача самимият билан, ҳаётий тарзда тараннум этилади. Лирик қаҳрамон томонидан ҳақли суратда айтилган куйидаги сўзлар айниқса мароқлидир.

Мен ҳам қараб турмасдан
Гул ўтқаздим боғимга.
Чунки гуллар муносиб
Менинг ёшлик чоғимда.

«Хандалак»да ҳам меҳнатга муҳаббат, она ер ноз-неъматларидан ифтихор масаласи қўйилиб, ёш қаҳрамоннинг лирик монологи орқали бу ғоя талабга мувофиқ тарзда ҳал этилган. Ҳар иккала шеърнинг ҳам муҳим томони шундаки, уларда шоир бунёдкор меҳнатни улуғлаган, болаларда меҳнатсеварлик фазилатини ёшлигидан шакллантириш лозимлиги алоҳида таъкидлаган. Бу зарур ғояни эса лирик қаҳрамоннинг катталар сингари боғига гул ўтқазиб, парвариш қилиши, хандалак экиб, вояга етказиши ва улардан баҳраманд бўлганида, унда пайдо бўлган ўз меҳнатидан мамнунлик ҳисси билан исботлаган.

«Булбулга» шеърида лирик қаҳрамоннинг баҳор ғазалхони булбулга муносабати ва ўқишга муҳаббати қулай шаклда қизиқарли ифода этилган.

«Қушлар келди» шеъри савол-жавоб (лирик қаҳрамоннинг саволи, қушларнинг жавоби) тарзида ёзилган бўлиб, унда кичкинтойларнинг қанотли дўстларини асраб-авайлаши, уларга ғамхўрлиги жонли лавҳада ёркин ифода топган. «Лайлак» шеъри ҳам қанотли дўстлар мавзусига бағишланган. Шоир бу шеърида ҳам поэтик маҳоратнинг янги қирраларини намойиш этади. Лайлакни ва фақат унга хос характерли белгиларни таърифлаш йўли билан болаларга бу беозор қуш хақида етарли таассурот ҳосил қилади. Шеър халқ қўшиқлари йўлида ёзилган:

Лайлакнинг бўйи новча,
Тумшуғи бор тарновча.
Лапанглайди учганда,
Уясидан кўчганда.

Узун экан оёғи,
Худди чолнинг таёғи
Қаноти ола экан,
Сайрашга бало экан.

Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, Уйғун сеҳрли рассом сингари Лайлакни табиий тарзда шундай жонли тавсифлаганки, бу шеърни ўқиганда, кўз олдингизда жонли лайлак намоён бўлади.

Умуман, шоир «Булбул», «Қушлар келди», «Лайлак» шеърлари билан кичкинтойларни қушлар оламига олиб киради, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритади, болаларни беҳад завклантиради ва қанотли дўстларга нисбатан уларда муҳаббат уйғотади. «Чегарачи» деб номланган шеър ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида ёзилган. Болаларнинг ардоқли шоири Уйғун бу шеърда чиндан ҳам адабиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мавзунини кичкинтойлар оламига боғлиқ ҳолда оригинал кашф қилган. Бу шеър ҳам «Менинг икки онам бор» шеъри сингари ўзбек болалар адабиётида алоҳида тилга олинган асар ҳисобланади. Шеърнинг лирик қаҳрамони кучли характер эгаси, Ватанига, халқига ўта садоқатли чинакам фарзанд, дўстпарвар, душман билан муросасиз, чегарачи қушин вазифаларини, қонун - қоидаларини ёддан билладиган мард бола. У оталар ва акалар йўлига ҳар жиҳатдан содиқ қаҳрамон. Халқимизга хос шундай ажойиб фазилатлар бу боланинг қон-қонига сингиб кетганлиги учун ҳам унинг тутган йўли, фикрлари, мардлиги бошқаларга намуна бўла олади. Қуйида келтириладиган банд фақат шеърнинг лирик қаҳрамони тилидан айтилган қасамёд сифатида эмас, балки Ватанимиз бағрида яшаётган барча кичкинтойлар тилидан хор килиб айтиладиган қасамёддай жаранглайди:

Катта бўлсам, акамдай
Чегарачи бўлгим бор,
Халқим буюрса ҳатто
Ватан учун ўлгим бор.

Шоирнинг «Афанди ва ойнак», «Гунча», «Сув қучоғида», «Бойчечак», «Баҳор», «Қорбобо», «Мен қушларга дон бердим», «Соғ баданда соғ ақл», «Ишкомда узум пишди», «Ташвиш тортма, дейсан» шеърлари хусусида ҳам шундай ижобий фикрлар айтиш мумкин.

Юқорида айтилган фикрлар ҳам отахон шоиримиз Уйғун ўзбек болалар поэзияси раvнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётганлигидан далолат беради.

Уйғуннинг кичкинтойларга бағишланган шеърлари айрим қусурлардан, етишмовчиликлардан холи эмас. Фикри-мизга унинг баъзи шеърларида сохталик аломатларининг кўриниши, айрим мисраларда бўғинлар сонининг баъзан ошиб кетиши, ғализ, ортиқча жумла, ибораларнинг учраши мисол бўла олади. Масалан, «Гул ўтқаздим боғимга» шеъри бешинчи банд билан ўзининг гўзал ниҳоясини топган бўлишига қарамай, шоир унга яна бир банд қўшади. Аввало, бу банднинг икки мисраси ғализ, сохта, шу билан бирга, у шеърнинг умумий руҳига мувофиқ бўлиб тушмаган.

«Булбулча» шеърининг биринчи мисрасида, «Гунча» шеърининг учинчи банд, учинчи мисрасида сакталик аломати, ҳижонинг ошиб кетиши ҳоллари учрайди. «Қушлар келди», «Лайлак», «Бойчечак» каби шеърларда қофия тизими бузилган ва баъзан оч қофиядан фойдаланилган.

Булардан ташқари, Уйғуннинг айрим шеърларида баёнчилик, чўзиқлик аломатлари борлигини, публицистик фикрлаш услубининг устунлигини кўриш мумкин. Бунда қусурлар туфайли уларда ҳақиқий шеъриятга хос образлилик, мушоҳадакорлик, эмоционаллик ва мухтасарлик каби гўзал фазилатлар етишмайди.

Ўзбек поэзиясининг оқсоқоли Уйғун томонидан кичкинтойларга багишлаб ёзилган шеърлар болаларимизнинг маънавий камолотида қандай ҳисса қўшиб келган бўлса, бундан кейин ҳам шундай муҳим ҳисса қўшаверади. Шу билан бирга, улар Ўзбекистонда болалар адабиётининг бўлғуси разнақи учун ҳам аҳамият касб этишига ишончимиз комил.

БАЛЛАДАЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

Ўзбек балладалари мавзудиапазонининг кенглиги, образларининг хилма-хиллиги, услубий йўналишининг ранг-баранглиги ижтимоий-сиёсий пафосининг юксаклиги жиҳатидан поэзиямизнинг муҳим қисмини ташкил этади. Ижтимоий ҳаёт тараққиёти билан баробар балладачилик ҳам ривожланиб, адабий ҳаётимизда мустахкам ўрин эгаллади, тасвир доираси кенгайди.

Уйғуннинг «Шоир ҳақида баллада» (1937) асари билан Шайхзоданинг «Ўртоқ Навоий» (1939) балладаси ўртасида мавзу, ғоявий нуқтаи назардан яқинлик, ҳамоҳанглик аломатлари мавжуд. Уйғун ўзининг балладасида буюк рус шоири А.С.Пушкиннинг чоризмга қарши олиб борган фаолияти ҳақида ҳикоя қилса, Шайхзода балладасида мураккаб тарихий шарт-шароитда яшаган, халқ манфаати ва адолат учун курашган буюк ўзбек шоири Алишер Навоий фаолиятидан ҳикоя қилади. Равшан кўриниб турибдики, мазкур балладаларда икки халқнинг икки буюк шоири образи воситасида ўзбек шоирлари эркпарварлик ва адолатпарварлик ғоясини илгари суришган. Бу бадиий ғояни ҳассос лирик шоир Уйғун лирик-психологик кечинмалар, табиат тасвири, рамзий образлар (денгиз, қирғоқ, тўлқин) воситасида мураккаб бадиий-тасвирий воситалар ёрдамида (бундай ҳолат Уйғуннинг «Жонтемир» достонида ҳам учрайди) тасвирланган, файласуф шоир Шайхзода мазкур

Ғояни адолатпарвар шоир Навоийнинг илғор дунёқараши тасвири орқали муайян тарихий жалиллар ва асарларидан олинган байтлар мисолида таъсирли баён қилади. Уйғуннинг А.С. Пушкин ҳақидаги балладаси ҳам «Уфа йўлида» балладаси сингари. композицион жиҳатдан уч бўлимдан иборат бўлса, Шайхзоданинг балладаси икки қисмдан ташкил топган. Уйғун балладасининг биринчи қисмида чор Россияси даврида камситилган Пушкин шеъриятининг эркпарварлик, халқпарварлик моҳияти баён этилса, иккинчи қисмида эркпарвар шоирнинг нуроний портрети чизилади. Шоирнинг чоризмга қарши олиб борган кураш тарихидан бир лавҳа ҳикоя қилинади, учинчи қисмида вақт ўтиши билан Пушкин ижоди қадру қимматга эга бўлганлиги таъкидланади. Ҳар учала қисмни лирик қаҳрамон образи бир-бири билан боғлайди. Мазкур балладада Уйғун бу жанрнинг мавжуд анъаналаридан бирмунча чекинганлиги ва фикрни ифодалашда, образ яратишда янгича йўл тутганлиги кўринади.

Биринчидан, бу балладанинг яхлит сюжет чизиқлари йук, бинобарин уни ҳикоя қилиб бериш қийин. Унда лирик-фалсафий ўйлар, туйғулар ҳукмрон. Асарда шоирнинг чуқур психологик кечинмалари орқали ўтмишга нафрат, даҳо ижодкорга муҳаббат ифода этилади. Иккинчидан, балладанинг қаҳрамони тарихий шахс бўлганлиги учун шоирнинг олдида халқ тушунчасидаги Пушкин образини яратиш, ҳаётини, курашини тарихан аниқ ифодалаш вазифаси туради. Уйғун Пушкин ҳаётини, ижодиётини яхши билганлиги, асарларини ўзбек тилига таржима қилганлиги, ҳаётбахш тажриба-изланишларини давом эттираётганлиги сабабли бу вазифани яхши удалади. «Шоир ҳақида баллада» асарида эришган ютуқларини Уйғун кейинчалик «Чилдухтарон» балладасида давом эттирди ва ривожлантирди. «Ўртоқ Навоий»да Шайхзода олдида ҳам шундай вазифа турар эди. Шайхзода ҳам Уйғун сингари ёритаётган мавзусининг билимдони эди. Навоий ижодиётининг мафтуни, тадқиқотчиси ва тарғибот-

чиси эди. Шулар сабабли у ҳам кўзлаган мақсадини таъсирли, равон, юксак пафос билан ифодалашга муяссар бўлган. «Ўртоқ Навоий» балладасининг ҳар иккала қисми ҳам (унинг биринчи қисмида Хусайн Бойқаронинг саройдаги айшу ишратлари ифода этилган бўлса, иккинчи қисмида халқнинг улуг Навоийга бўлган меҳр-муҳаббати ва Навоийга хос гўзал инсоний фазилатлар тасвирланган) ғоявий-бадиий етуклик билан ёзилган.

Юқорида тилга олинган балладалар шундан далолат берадики, 30-йилларда ўзбек адабиётида классик даражадаги баллада жанри пайдо бўлди ва шаклланди. 30-йилларда ривожлана бошлаган бу жанр хусусиятлари иккинчи жаҳон уруши йилларида давом этди, янада янги сифатлар билан бойиди. Шу йилларда ёзилган Ҳамид Олимжоннинг машҳур «Жангчи Турсун» (1942), «Роксананинг кўз ёшлари» (1944), Уйғуннинг «Фашистнинг ўлиги» (1943), «Қасос» (1944), Ғафур Ғуломнинг «Сув ва нур» (1943), Шайхзоданинг «Капитан Гастелло» (1941), «Қисмат» (1942), «Муҳаммад тўпчи» (1943) балладалари фикримизнинг далили бўла олади. Шундай баркамол балладаларнинг яратилишида биринчидан, жанговар йилларда халқимиз тарихида рўй берган қаҳрамонлар туйғулари сабаб бўлган бўлса, иккинчидан, ўзбек шоирларининг бу жанр соҳасидаги тажрибаси ошгани, ижодий лабораторияси бойигани, учинчидан, ўзбек ва жаҳон адабий анъаналарининг қўшилиши эди.

Адабиётнинг мавзу оламини ҳаёт белгилаганидек, балладанинг тасвир маъбасини ҳам халқнинг ҳаёти, кураши, ўй-орзуси белгилаб келди. 30-йиллар ўзбек балладасининг диққат марказида ўша йилларнинг муҳим масаласи саналган мавзулар турган бўлса, уруш йиллари ўзбек балладасининг, умуман, ўзбек адабиётининг диққат марказида халқнинг душманга қарши олиб борган ватанпарварлик кураши турди.

Аммо уруш муаммоси ҳар бир шоир томонидан ҳар хил ишлангани сингари ўзбек балладаларида ҳам ички бадий тадриж рўй берди.

Уйғун вазн танлаш, воқеани қизиқарли тасвирлашда ўзбек халқ оғзаки адабиёти анъаналарига суянган бўлса, мавзу танлаш, образ яратиш ва замоннинг долзарб ғояларини ифодалашда, композиция тузиш ва поэтик ифодалашда ёзма адабиёт анъаналарига, рус поэзияси тажрибаларига суянди. «Фашистнинг ўлиги» асарининг майдонга келишида рус балладаларининг энг яхши намуналаридан ҳисобланган А.С. Пушкиннинг «Сувда ўлган одам»и муҳим роль ўйнаган бўлса, «Қасос» балладасининг майдонга келашида ўзбек халқ оғзаки ижодининг оҳанглари сезилади.

«Фашистнинг ўлиги» балладасида ифода этилган фашизмга нафрат ғоясини Уйғун «Қасос» балладасида давом эттирди. Украин халқи ҳаётидан олиб ёзилган бу асар иккинчи жаҳон уруши даври ўзбек болалар адабиётининг ютуқларидан ҳисобланади. Халқ асарлари вазнида ёзилган (у бармоқнинг 7 лик ҳижосида) «Қасос»да халқ адабиётига хос фантазия, содда ва раvon фикрлаш, сюжетлилик, оптимизм, энгил баён, қаҳрамонликни улуғлаш каби хусусиятлар қаторида тасодифийлик аломатлари устун туради.

Бу даврда баллада жанрига хос хусусиятларни мукамал эгаллаган Уйғун «Қасос» балладасида уни янада ривожлантирди. Поэмалар сингари балладаларда ҳам лирик чекиниш, лирик кириш ва лирик хотималарга имконият катта. «Қасос»да балладага хос шундай хусусиятлар раvshan кўринади. Унинг биринчи бўлими асарнинг лирик кириши, иккинчи бўлими эпик қисми, учинчи бўлими эпик ва лирик хотимасидир. Шоир биринчи қисмда тинч осойишта ҳаёт кечириётган бунёдкор украин халқининг осуда турмушини пейзаж фонидида лирик туйғулар қанотида тиниқ ва раvон тасвирлайди. Бу сербўёқ, нафис тасвирда баллада қаҳрамонларининг ўз она тупроғига беқиёс муҳаббати ўзининг жўшқин

ифодасини топган. Шоир ватанпарварлик руҳининг кучи оркали ўқувчида душманга қарши нафрат, ғазаб ҳиссини беради. Ҳаёт мароқли ва ширин кечаётган бир чоғда фашистлар галаси мамлакатга бостириб киради. Душманнинг ваҳшийликлари, Колянинг ўрмонга қочиб кетиши воқеаси балладанинг иккинчи қисмини ташкил килади. Учинчи қисмида бу ваҳшийликлар туфайли Колянинг юрагида қасоскорлик ҳиссининг уйғониши, ота-онасини, сингисини ўлдирган, қишлоғини кулга айлантирган фашист зобитини топиб олиши ва партизанлар сафига қўшилиши ҳикоя килинади.

Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» балладалари ҳам Уйғуннинг «Қасос»идай халқ оғзаки ижоди анъаналари руҳида ёзилган. Улар ўртасидаги ҳамоҳанглик аломатлари фақат вазн танлашдагина (Ҳамид Олимжон балладалари ҳам бармоқнинг еттилик вазнида ёзилган) эмас, балки мавзу ва ғоявий-эстетик томондан ҳамдир. Уйғуннинг «Қасос»идан бир йил кейин ёзилган Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари»да ҳам уруш йилларида қардош украин халқи бошига тушган кулфатлар тасвирланади. Коля ҳам, Роксана ҳам украин халқининг сеvimли фарзандлари. Ҳар иккала балладада ҳам ватанпарварлик ва байналмилалчилик ғоялари илгари сурилади. Фарқ шундаки, Уйғуннинг «Қасос» балладасида воқеа Украинада, Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари»да Ўзбекистонда кечади. Уйғун балладасининг қаҳрамони Коля Украинанинг озодлиги учун фашистларга қарши мардларча курашиб, ватанпарварлик кўрсатган бўлса, Ҳамид Олимжон ўз балладасида Ўзбекистонга эвакуация қилинган украин аёлининг ўзга ўлкада ўғилчасининг вафоти туфайли тортган изтиробларини тасвирлайди. Уйғуннинг асари қаҳрамонлик, Ҳамид Олимжонники психологик балладанинг ёрқин намунасидир.

Уйғун баллада жанри тараққий қилган 50- ва 60-йилларда ҳам «Чилдухтарон» (1959-1961), «Иш ахтариш жуда

оғир иш» номли балладалар ёзди. Бу йилларда Шайхзода, Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Шухрат, Хайриддин Салоҳ, Тошпўлат Ҳамид, Юсуф Шомансур, Жамол Камол каби ўнлаб шоирлари баллада жанрида маҳсулдор ижод қилдилар, бу борадаги анъаналарни ривожлантирдилар. Шу йилларда Ҳамид Ғуломнинг «Қитъалар уйғоқ» (1960), Шухратнинг «Мангулик» (1961) деб номланган балладалар тўпламлари эълон қилинди. 50- ва 60- йилларда балладасиз чиққан шеърлар тўпамини топиш қийин эди. Баллада жанрига эътибор шунчалик кучайган бир даврда унинг пайдо бўлиши ва шаклланишига муносиб ҳисса қўшган Уйғуннинг балладанавис шоирлар билан мушоирага киришиши алоҳида эътиборга лойикдир.

Шоирнинг халқаро мавзудаги «Иш ахтариш жуда оғир иш» балладаси билан ўзбек поэзиясида яна бир янги мавзу, янги оҳанг пайдо бўлди. Бу асарда ишсизлик туфайли тинкаси қуриган, ночор америкалик ишчининг саргузашти ҳикоя қилинади. Шоир ишчининг аламларга тўлган ҳикояси орқали ўқувчида хўрланган инсонларга нисбатан ҳамдардлик туйғуларини кучайтиради.

НАФОСАТ БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

Тошпўлат Ҳамиднинг ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақида
лавҳалар
(рисола; 2019)

Соғинсангиз мени изланг
Боғ гуллари атридан.
Мен соғиниб, Сизга қарай
Шеърларимнинг сатридан.

Ўтаб бўлдим ҳаётимни,
Берилиб ҳис-туйғуга.
Сизга атаб ижодимни,
Мангу кетдим уйқуга.

Бу китобни опам Нарзибегим Қораева
ва акам Ҳожибек Қораевларнинг
хотираларига бағишладим.

*...Устоз шоир Уйғун Тошпўлат Ҳамид ҳақида ёза туриб, уни
Зарафшон булбули деб атаган эди. Бунингдек ажойиб, ҳамда
тўғри таърифдан ўтказиб, бир нима демоқ мушкул, албатта.
Тошпўлат аканинг туғилган қишлоғи Бўстон деб аталади.
Бўстон булбулсиз бўлмайди. Тошпўлат Ҳамид нафақат
Бўстон қишлоғининг, нафақат Бухоро чаманзорининг, ёхуд
Зарафшон воҳасининг, балки дилбар Ўзбекистон...
гулшанининг хушовоз булбулларидан биридир.*

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

КИРИШ

Ҳар бир инсон бу дунёи шарифда орзу билан яшайди. Яшашдан асл мақсад ҳам, менинг назаримда, шу орзуларни рўёбга чиқаришдан иборат. Ахир, биздан кейин келажак авлодга қоладигани ҳам рўёбга чиққан шу орзуларимиз бўлса керак!

Мен ҳам умрим давомида орзулар оғушида яшадим. Аллоҳга шукроналар бўлсинким, уларнинг кўлига эришдим. Орзуларимдан бири – устозим Тошпўлат Ҳамид ҳақида бир китоб ёзиб, унда шоир ва инсон сифатида бу олийҳиммат одам босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўлини ёритиш, келажак авлодга XX аср сабоқлари тўғрисида озгина бўлса ҳам фикр пайдо қилиш эди. Бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун умр бўйи ўйладим, материал йиғдим. Дилбар шоирни, ҳақиқий инсонни ўргандим. Аллоҳнинг инояти билан Тошпўлат Ҳамид кўлида ўқиш, у бош бўлган машҳур “Нилуфар” адабий тўғарагида тарбияланиш, у билан бирга ишлаш, ҳамкорликда мақолалар ёзиш бахтига муяссар бўлдим. Тошпўлат Ҳамидни нафақат устозим, ватандошим сифатида, балки меҳрибон акам, бир жигаргўшам сифатида ҳурмат қилар эдим. У ҳам мендан меҳрини, рағбатини, эътиборини аяган эмас. Укаси сингари, яқин шогирдларидан бири сифатида мени ардоқлар, йўғимни бор қилар эди. Мен билан фикрдош, маслаҳатдош, маслакдош эди. Ҳар бир ёзилган янги асарини аввал менга ўқиб берарди. Нашрдан чиққан китобларига дастхат ёзиб, келажакимга умид билдирарди. Жумладан, “Менинг асрим” шеърлар китобида чиройли қилиб шундай дастхат ёзилган: “Ҳурматли укам, талантли адабиётшунос, ҳамкасаба, ватандош Тожи Қораевга камоли эҳтиром билан автордан. Имзо. 3 январ, 1966 йил”. Бу китоб 1965 йил охирларида нашрдан чиққан. Мен ўшанда эндигина аспирантурани тамомлаб, ишга келганман. Бухоро педагогика институти

Ўзбек адабиёти кафедрасида ассистент лавозимида фаолият кўрсатардим. Ҳимоям 1966 йилнинг 29 апрелида бўлиб ўтди. Ҳали қўлига номзодлик дипломи тегмаган олимга эҳтиром, ҳурмат бўлса, шунчалик бўлади-да! Бундай таҳсинга лойиқ гапни айтиш учун Тошпўлат Ҳамиддай дарёдил шоир, меҳрибон устоз бўлиш керак.

Халқнинг шоирлар пайғамбарсифат бўладилар, деган гапи рост бўлса керак. Тошпўлат Ҳамид ҳам келажакни кўра оладиган шундай сифатдаги шоир эди. Шундай фазилати сабаб бўлган бўлса керак, дастхат битилган китобларидан ташқари, ўз қўли билан тўлдирилган кадрлар варақасидан, ўз қўли билан ёзилган таржимаи ҳолидан, босилмаган асарларидан, унга келган хатлардан, расмлардан, ўзи ҳақида ёзилган мақолалар, қайдлардан менга ҳам бир нусхадан бериб кўярди.

Шоирнинг туғилган кунига 70 йил тўлиши олдидан унга бағишлаб китоб ёзиш учун “Тошпўлат Ҳамид” деб номланган папкани шахсий архивимдан топиб, қўлимга олгандим. Унда йиғилган барча материалларни бир-бир варақладим. Ўрганиб чиқсам, хотираларимни бир жойга йиғсам, бир китоб бўладиганга ўхшайди. Бундан ташқари, шоир китобларига ёзилган тақризларим, 50 ва 60 йиллиги муносабати билан битилган мақолалар анчагина. Шундан кейин мазкур китобни ёзишга жазм этдим. Уни “Нафосат боғининг боғбони” деб номладим. “Нафосат боғининг боғбони” – мақолалар, хотиралар, ўйлар, мушоҳадалар, қайдлар китоби. Китобга хос ана шу асосий томонлар унинг услубий йўналишини белгилади. У оммабоп услубда, хотиралар ва мушоҳадалар қоришмасидан иборат халқ севган енгил, равон, образли, ҳисли тилда ёзилди. Аслида мен оташнафас шоир ва фаол инсон Тошпўлат Ҳамид ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиб, илмий китобни вужудга келтирмоқ ниятида эдим. Аммо ёшимнинг пайғамбар ёшига етиб қолганини, шоир билан 30 йилга яқин ҳамкор, ҳамфикр бўлганим, умр

бўйи йиққан материалларим хотиранома асар ёзишимни тақозо этди.

“Нафосат боғининг боғбони” китобида Тошпўлат Ҳамидни дилбар шоир ва меҳрибон устоз, одамлар оғирини енгил қиладиган дарёдил инсон сифатида тасвирлашга ҳаракат қилдим. Иложи борича, шоирни устозлари, тенгдошлари, шогирдлари, дўстлари даврасида кўрсатишга, унга хос инсоний фазилатларни қаламга олишга, унинг Бухоро адабий муҳитини ташкил этишдаги фаолиятини таҳлил этишга, Бухоро мавзусини ўзбек шеърлятига олиб киришдаги хизматларини белгилаб беришга, оддий инсон тарзида одамлар орасида яшаб, умр кечирганлигини, табиатига хос муҳим хусусиятларини кўрсатишга уриндим. Фикрларим тасдиғи сифатида улуғларимиз томонидан шоир тўғрисида айтилган гаплардан иқтибослар, шеърларидан мисоллар келтирдим.

Китоб “Кириш”дан ташқари, икки қисм ва ўн бир бобдан иборат. Унинг биринчи қисмига ўйларим, мушоҳадаларим асосида ёзилган мақолаларимни, тақризларимни, иккинчи қисмига хотираларимни киритдим. Бу бўлиниш, албатта, нисбий ҳисобланади. Чунки, ўй-мушоҳадаларимга хотираларим қўшилиб кетган ўринлар ҳам кам эмас. Бундан ташқари, китоб яхлит ҳолда шоир Тошпўлат Ҳамид ҳақида ҳикоя қиладиган хотира асари эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Мазкур китоб ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган XX аср ўзбек адабиёти тарихи фанини ўқитишда ўқитувчиларга, ўрганишда толиби илмларга ёрдам берадиган маърифий қўлланма вазифасини бажаради. Мактабларимиз, ўрта махсус ва олий ўқув юртларимиз шу кунларда шундай маънодаги маърифий китобларга муҳтожлик сезаётгани кўпчиликка аён.

Булардан ташқари, бу китоб XX аср ўзбек адабиёти айрим масалалари, унинг вакиллари ҳаёти ва ижоди билан

қизиқувчиларга, бадий ижод билан шуғулланувчи ҳаваскорларга, айниқса, шеърят шайдоларига ҳам ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтайди.

Мен кутилган орзуимга қанчалик эришдим, буни айтолмайман. Бу баҳони ҳакам – вақт ва одил китобхон беради. Аммо юртимизнинг бир эрка, дилбар шахси, юзлаб истеъдоддиларнинг меҳрибон устози, ватанпарвар, халқпарвар шоири руҳи олдидаги шогирдлик бурчимни адо этганлигимдан хурсандман. Китобнинг ёзилишида, нашр этилишида ўзининг маслаҳатини, ҳимматини аямаган олийжаноб, саховатпеша кишиларнинг барчасига миннатдорчилик билдиришни бурчим деб биламан.

Биринчи қисм

МАҚОЛАЛАР ВА ТАҚРИЗЛАР

Умуман айтганда, кейинги йиллардаги энг яхши асарларга замонавийлик, ҳаётга чуқур кириб бориш сингари хусусиятлар хосдир. Ижодий ходимларнинг мураккаб жанрлар ва йирик шаклларга кўпроқ мурожаат қилаётганликлари ҳам қувонарлидир. Шу нуқтаи назардан Тошпўлат Ҳамиднинг ҳам поэтик асарлари мақтов ва эъзозга арзигуликдир.

Шароф РАШИДОВ.

*“Ўзбекистон маданияти” газетаси,
1974 йилнинг 29 ноябри.*

НАФОСАТ БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

Боғ боғбонсиз бўлмайди, адабий муҳитни ҳам мураббийсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳар иккаласига ҳам меҳр, шафқат, тарбия – сув, ҳаво, офтоб сингари зарурлиги ҳаётини ҳақиқатдир.

Мазкур ҳақиқатдан келиб чиқиб, масалага ёндашадиган бўлсак, ҳар бир адабий даврнинг ўз боғбонлари борлиги аён бўлади. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Бухоро адабий муҳитига машҳур маърифатпарвар, адабиётшунос олим Садр Зиё (Шарифжон Маҳдум) раҳбарлик қилганлигидан хабардормиз. Шу даврда яшаган ва Бухоро адабий муҳити ривожига муносиб ҳисса қўшган ўнлаб шоирлар ва шеършунослар, аскиячилар ва латифагўйлар, шеърхонлар ва қиссахонлар Садр Зиёнинг адабий мактабидан дарс олишган. Устоз Садриддин Айний “Эсдалиқлар” асарининг III қисмида бу тўғрида шундай ёзади: “Латифжон (Шарифжон – таъкид бизники – Т. Қ.) Маҳдумнинг уйи, одат-

да, ҳафтанинг уч кечасида, иш йўқ бўлган – сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари шоирлар, шеършунослар, латифа айтувчилар ва қизиқчилар мажлисига айланарди. Мен Абдувоҳид (Абдулвоҳид Мунзим – кўзда тутилади. Таъ-кид бизники – Т. Қ.) қатори меҳмонларга дастурхончилик қилганим сабабли, шундай кечаларда меҳмонхонадан баҳраманд бўлар эдим. Ўзимнинг дастлабки, лекин муҳим адабий материалларимни шу ҳовлида тўплаганман, десам бўлади. Мен бу ҳовлида мулла Нарзулла Лутфий, Абдулмажид Зуфунун, Яҳё-хўжа, Содикхўжа Гулшаний, Ҳомидбек Ҳомид, Абдуллахўжа Таҳсин, Мулло Бурҳон, Муштоқий, Қори Абдул-карим Офарин Дўзахий, Мирзо Азим Сомий Бўстоний, Мулло Раҳмат Сартарош, Азизхўжа Азиз ва бошқаларни танидим ҳамда билиб олдим. Буларнинг ҳар бири шоир ва шеършунос эди”. (Қаранг: Садриддин Айний, Асарлар, 8 томлик, 6 том, “Тошкент”, бадиий адабиёт нашриёти, 1965, 10-бет).

Булардан ташқари, Садр Зиёнинг ҳовлисида бўладиган адабий суҳбатларда Мирзо Ҳайит Саҳбо, Шамсиддин Маҳмуд Шохин Аҳмад Маҳдум – Дониш (Аҳмади Калла) каби ижодкорларнинг яхши хислатлари ҳақида сўз борганлигини устод Садриддин Айний машҳур “Эсдаликлар” асарида хотирлаб ўтади.

Келтирилган иқтибос ва сўзлардан маълум бўляптики, Садр Зиё ўз уйида ташкил этган адабий мактаб туфайли XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Бухорода адабий ҳаракатчилик ривожланган ва янгича маърифатпарварлик йўналишида давом этган. Натижада бу адабий мактабда фақат ўз даври адабий муҳитининг эмас, балки кейинги даврлар адабий муҳитининг ҳам тараққиётига муҳим ҳисса қўшган буюк истеъдодлар этишиб чиққан.

Садр Зиё Бухоро адабий муҳитига раҳбарлик қилиш билан бирга бу адабий мактабга тегишли ниҳолларни меҳроқибат билан парваришлаган, ўзи ҳам маҳорат билан қалам тебратган. Шоир тарихшунос, адабиётшунос олим сифатида

шуҳрат қозонган. Унинг хонадонида тарбия кўрган Садриддин Айнийдек ёшлар жаҳонга машҳур ёзувчи бўлиб етишди. У томонидан ёзилган “Тазкират-ул ашъор” ва “Наводири зиёия” тазкиралари орқали ўша давр Бухоро адабий муҳити, унинг вакиллари ҳақида маълумотга эга бўламиз. Бу тазкиралар тожик адабиётшунослари томонидан ўрганилган бўлса-да, ўзбек адабиётшунослари ҳалигача етарли тадқиқ этмаган. Агар шу маънода иш тутиладиган бўлса, ўзбек ва тожик адабиёти янада бойиган, ўнлаб бухоролик шоирлар, олимларнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилган бўлар эди. Тазкиралар ёзиб, адабий муҳитни ёритиш, унга хос фазилатлар ҳақида фикр юритиш, бу муҳитда ўсиб-унган ижодкорлар ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақида маълумот ёзиб қолдириш мураббийчиликнинг олий намунаси ҳисобланади.

Садр Зиё асос солган ана шу ҳаётбахш анъаналар олимнинг ватандошлари томонидан давом эттирилмоқда.

Садр Зиёдан кейин унинг бу соҳадаги адабий анъаналарини устоз Садриддин Айний давом эттирди. Устод С.Айнийнинг XX аср Бухоро адабий муҳитини ташкил этишдаги хизматлари беҳисоб. У кишининг бевосита саъй-ҳаракати, адабий ташкилотчилиги ва шарофати туфайли октябр тўнтарилишигача ҳамда ундан кейинги дастлабки йилларда ўнлаб ижодкор ёшлар адабиёт майдонига кириб келдилар ва адабий муҳитнинг жонланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Булардан Абдулвоҳид Мунзим, Мирзо Сирожиддин, Пайрав Сулаймоний, Муҳаммаджон Раҳимий, Жалол Икромий, Аҳмаджон Ҳамдий, Субҳий, Бехат (Борбанд), Шариф Нурхон, Наққош Гадо, Муҳаммаджон Васфий, Султон Жўра, Қурбон Бадалиларнинг номларини қайд этиб ўтиш мумкин. Ўзбек, тожик ва ҳар иккала адабиёт ривожига ўзига хос ҳисса қўшган бу ижодкорлар Бухородаги адабий ҳаётга тегишли ҳаётбахш анъаналарни давом эттиришда ибрат кўрсатдилар. Айниқса, уларнинг устод Садриддин Айний йўлидан бориб, зуллисонайнлик анъанасини давом эттирган-

ликлари ва тили бошқа-ю, дили бир бўлган ўзбек, тожик халқлари ҳаётини бадиий ифодалаш борасидаги хизматлари таҳсинга лойиқ.

Устод Садриддин Айний бошқарган адабий муҳит ҳақида шу давраларнинг иштирокчиси, шоир Шариф Нурхон шундай хотирлайди:

– Инқилобдан бурун Ҳовузи Чақардаги чойхонада устоз Айний бошлиқ шоирлар тўпланишарди. Улар орасида Наққош Гадо, Аҳмади Бехат, Дурди деган шоирлар бўлайди. Мен ҳам жума кунлари тоғамга эргашиб борайдим. Кейинчалик буни шеър қилдим:

Самад Маҳсум билан Садриддин Айний,

Киришиб мангу дўсту оғайни...

Килиб она Ватанга дилни пайванд,

Халойиқ гами билан эдилар банд.

Баъзи суҳбатларида бор эдим ман,

Ғам-у кулфатларига ёр эдим ман.

Уларга сув берувчи жомчи эрдим,

Улар денгиз эса, мен томчи эрдим.

(Қаранг: Шариф Нурхон. Яхшидан шарофат, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент – 1980, 8-бет).

Кейинчалик устод Садриддин Айний Самарқандга кўчиб кетади, ўзининг асосий диққат-эътиборини XX аср тожик адабиётини шакллантириш, асослашга қаратади ва унга ҳам эришади.

Устод Садриддин Айнийдай Бухоро адабий муҳитига раҳбарлик қилиши лозим бўлган Абдурауф Фитрат олдин асосий диққатини бадиий, илмий ижодга, ижтимоий-сиёсий ишларга қаратади. 1920 йилдан Бухоро халқ республикаси ҳукумати таркибига киради ва турли юқори лавозимларда ишлайди. Профессор Бегали Қосимовнинг ёзишича, шу

йилларда жумҳурият ижтимоий ҳаётининг ҳамма масалаларида фаол иштирок этади. Хусусан, унинг ғайрат ва ташаббуси билан 1921 йилда Бухорода шарқ мусиқа мактаби очилади. Мактабга домла Ҳалим Ибодов, Шоҳназар Шаҳобов, Бобоқул Файзуллаев каби машҳур хофизу мақомшуносларни тўплайди. Шаҳар маркази (Дзержинский, 8-хонадон)даги уйни беради. Ўзи мутасаддилик қилади". (Қаранг: Абдурауф Фитрат, "Чин севиш", Тошкент, 1996 йил, 17-бет). Абдурауф Фитрат адабий ишларни жонлантириш, газетачиликни ривожлантириш мақсадида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонни "Бухоро ахбори" газетасига ишга таклиф этади. Чўлпон 1921 йилнинг 21 майдан 1922 йилнинг 15 январигача "Бухоро ахбори" газетасига муҳаррирлик қилган. Бу тўғрида халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти совриндори, таниқли журналист, олим Абул Бозоров "Катта талант эгаси" ("Чўлпон тўғрисида билганларим") хотираномасида шундай ёзади: "Чўлпоннинг муҳаррирлик имзоси "Абдулҳамид Сулаймон (Юнусов) деб қўйилган. 1921 йилнинг 30 июнидаги бош мақола "Мағбуот – кичик бир давлатдир" сарлавҳасида берилган. Шу сонда Туркия буюк миллий мажлиси аъзоси, Русия илмий - тадқиқот ҳайъати аъзоси Исмоил Сабоҳийнинг "Менинг ўйларим" мақоласи босилган. Мақоланинг охириги сатрлари шундай тугалланган: "...тиришмаган, қўли кучли бўлмаган миллатлар ва кишилар ҳур бўлолмаслар ва яшай олмаслар. Ҳаққини куч билан тутмаган ҳақ эгаси саналмайду. Пешонанг амирлар ва ишлатувчилар учун эмас, ўзинг учун терласун. Қоронғиликдан чиқ ва дунёни кўр, эй Туркистон халқи! 1919 йил".

Булардан ташқари, мазкур хотираномада Абул Бозоров Чўлпоннинг Бухородаги адабий муҳаррирлик ҳаёти, яшаш жойи, қизиқиш доираси, "Бухоро ахбори" газетасида босилган асарлари, уларнинг мундарижаси ва савияси ҳақида ёзиб, фикрини шундай яқунлайди: "Хулеса қилиб шуни айтиш керакки, Чўлпон даврида газетада адабиёт, театр, маданият

ва турмуш соҳаларидан кучли материаллар берилган. Буларнинг кўпчилиги Чўлпоннинг қўли билан ёзилган. ("Катта талант эгаси" хотираномаси. Бу хотираноманинг қўлёзмаси бизнинг архивимизда сақланади - Т. Қ.). Бундай факт ва мулоҳазаларга Чўлпоннинг "Яна олдим созимни" (Тошкент, 1991 йил) китобини варақлаганда ҳам дуч келамиз. Мазкур китобга киритилган "Клеопатра уйқуси", "Халқ", "Мен қочмадим", "Кўз" (1921 йил), "Кулмак истадинг", "Ётоқдан", "Қизариш", "Оғриганда", "Барг", "Юрт йўли" (1922), "Уч-тўртта юлдуз", "Баландликда" (1923) каби шеърларининг Бухорода ёзилганлиги ва босилганлиги ҳам маълум бўлади.

Чўлпоннинг Абдурауф Фитрат талаби билан Бухорога келиши ва "Бухоро ахбори" газетасига муҳаррирлик қилиши бу ердаги адабий муҳитга шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатган бўлиши керак. Шоирнинг Бухоро даври ҳаёти яхши тадқиқ этилмаганлиги сабабли бу ҳақда бир нарса айтиш қийин. 20-йилларнинг боши билан "Қизил империя" таъқибига учрай бошлаган Абдурауф Фитрат ҳаётида дарбадарлик даври бошланади. У 1923-1924 йилларда Москвадаги Шарқ тиллари институтида ишлаб, илмий-тадқиқот ишлари олиб боради. Абдурауф Фитрат таржимаи ҳолига тегишли манбаларда унга Ленинград давлат дорилфунуни профессорлик илмий унвонини берганлиги ҳақида маълумот бор. Бу маълумот унинг Ленинград давлат университети шарқ факулътети билан яқин алоқада эканлигидан далолат беради. 1927 йилда жумҳуриятимиз пойтахти Самарқандда олий педагогика институти (ҳозирги СамДУ) очилади. Абдурауф Фитрат ўша даврнинг таниқли раҳбарларидан бири Акмал Икромовнинг тавсияси билан олий педагогика институтига ишга олинади. Унинг қўлида Миртемир, Уйғун, Ойдин, Ҳамид Олимжон каби ўзбек маданиятининг кўзга кўринган арбоблари таълим-тарбия олганлари маълум. Марказ Тошкентга кўчгандан кейин алломанинг дўсти отилганига қадар ҳаёти тазйиқ ва

таъқиб остида пойтахт шаҳарда кечади. Ана шу сабабларга кўра у Бухоро адабий муҳитини бошқаришдек улуғ бахтга муяссар бўла олмади.

Адабиёт майдонига дадил кириб келаётган талантли шоир Султон Жўра 1933 йилда Андижонга кетиб қолади. 30-йилларнинг бошида бухоролик ёш ижодкорларга ғамхўрлик қилиб турган Ғафур Ғулом ҳам кейинчалик бу ташаббусини унутади. Ғафур Ғулом 1932 йилда машҳур украин шоири Иван Ле билан Бухорога келади. Шу сафари давомида бухоролик ёш шоирлар Султон Жўра ва Қурбон Бадалиларнинг ижоди билан қизиқади. Уларнинг шеърларини тўплаб, Тошкентга олиб боради ва “Шеърлар” номи билан алоҳида китоб сифатида нашр эттиради.

Шундан кейинги чорак асрдан зиёд вақт давомида минг йиллик тарихга эга бўлган Бухоро адабий муҳитида бир бўшлиқ пайдо бўлади. 1960 йилда нашр этилган Тошпўлат Ҳамиднинг «Қуёш шаънига» шеърлар тўплами чиққунга қадар Бухорода бирор китоб, тўплам, алманах ва ҳоказо ҳаёт юзини кўрмади. Бу ерда бадий ижод билан шуғулланадиган Бехат, Субҳий каби шоирлар ҳаётдан кўз юмдилар, Муҳаммаджон Раҳимий, Жалол Икромийлар Душанбега, Султон Жўра Андижонга, Шариф Нурхон, Пайрав Сулаймон, Абдурауф Фитрат Самарқандга, Муҳаммаджон Васфий Тошкентга кетиб қолишади. Натижада парокандалик юз беради. Етилиб келаётган ёш ижодкорларга сарварлик қиладиган, уларни тарбиялаб вояга этказадиган тайинли бир устоз топилмай қолади. Бухоро адабий муҳити “муз” қотади. Маънавиятда тушкунлик юз беради. Нафосат олами ўз-ўзидан хира тортади. Бу ҳолат ҳар бир зиёлини ажаблантирар, ҳайратда қолдирар, аммо ҳамон нима сабабдан шундай ғариб аҳвол юз берганлигини тушунолмади киши.

Ниҳоят, 1955 йилнинг 25 ноябрида Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасининг қарорига биноан Бухоро вилоятида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг бўлими ташкил этила-

ди. Унга шоир Тошпўлат Ҳамид масъул котиб этиб тайинланади. Бухоро адабий муҳитида шундан кейинги 25 йилда юз берган барча ўзгаришларга мазкур тарихий қарор ва бу қарорда кўзда тутилган мақсад-муддаони амалга оширишда Тошпўлат Ҳамид фидойилик кўрсатганлиги барча ижодкор аҳлига беш бармоқдай маълум.

Тошпўлат Ҳамид Бухоро вилоятининг ижодкорларига бошлиқ этиб тайинланганда ёзувчилар уюшмасига ҳали аъзо эмасди. Шу воқеадан икки йил ўтгандан кейин, 1957 йилда у Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси сафига аъзо этиб қабул қилинди. Ушанда у эндигина 28 ёшга кирган навқирон йигит эди.

Ёш бўлишига қарамай, у анчагина ҳаётий ва ижодий тажриба орттирган, кўпчилик билан ишлай олиш, кишиларни маълум мақсад йўлида уюштира билиш, ижодий-оммавий тадбирларни ташкил қилиш қобилиятига эга, вилоятда шоир сифатида шуҳрат қозона бошлаган таниқли ижодкор эди. Унинг дастлабки шеърлари ҳали ўқувчилик йилларидаёқ Қизилтепа туманидан чиқадиган «Совет пахтаси учун», вилоят газетаси «Бухоро ҳақиқати», 1948 йилда эса «Ёшлик» алманахида, республика газета-журналларида, «Мактаб саҳнаси», «Тортиқ» деб номланган тўпламларда босилган эди. Булардан ташқари, бўлғуси нафосат боғининг боғбони Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факултетини тугатгандан кейин, 1949-1951 йилларда Шофиркон туманидаги Шота Руставели номли ўрта мактабнинг юқори синфларида ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради. 1951 - 1955 йилларда Қизилтепа тумани халқ таълими бўлимини бошқаради. Шунинг билан бирга Мирзо Азим Сомиёв Бўстоний номли (олдинги М. Горкий номли) ўрта мактаб ўқувчиларига она тили ва Ватан адабиётидан таълим беради.

Тошпўлат Ҳамид мактабда дарс берган, туман халқ таълими бўлимини бошқарган йилларида ҳам ўзини шоир, адабий-бадий тадбирларни ташкил этувчи, ёш ижодкор-

ларни уюштирувчи ва уларга маслаҳат берувчи мураббий сифатида намоён қилади. Унинг адабий-бадий ишларни ташкил этиш борасидаги фаолияти ҳақида шофирконлик, қизилтепалик кекса маориф ходимлари ва ўша йилларда ундан сабоқ олган, унинг адабий тўғаракларида тарбия кўрган муаллимлар, ижодкорлар ҳали ҳам бу борада тўлиб-тошиб ҳикоя қиладилар. Жумладан, шоир таваллудининг 60 йиллигига бағишланган «Шофиркон ҳақиқати» газетаси саҳифасида шундай ёзилган: "...Тошпўлат акадан илк маротаба сабоқ олган ўқитувчи Фатхиддин Носиров устозни шундай хотирлайди:

— Биз ўшанда тўққизинчи синфда ўқирдик. Тошпўлат ака дарсга кирди-ю, ўқувчиларни батамом мафтун этди. Адабиёт оламини, шеърят дунёсини кашф этгандек бўлди. Устознинг билимдонлиги, шеър айтиши бизни ҳайратга соларди. Менинг адабиёт ўқитувчиси бўлиб етишимда устознинг ғоят катта хизматлари борлигини мамнуният билан қайд этиб ўтишни истардим». (Қаранг: Аҳад Ҳасан, Салим Мухтор. «Чинор», «Шофиркон ҳақиқати» газетаси, 1987 йил, 8 декабр).

Тошпўлат Ҳамиднинг муаллимлик маҳорати ва адабиёт фани тарғиботчиси, ташкилотчиси, ёш ижодкорлар мураббийси сифатидаги фаолиятига бағишланган бундай дил сўзларини таниқли шоир Сафар Барноевнинг хотираларидан, Тожи Қораевнинг 1996 йилда нашрдан чиққан «Илҳомли онлар юлдузи» (шеърлар, бадиалар) тўпламига кирган «Шеър — рўшнолик» мақоласидан ва бошқа кишиларнинг эсдаликларидан ҳам келтириш мумкин.

Келтирилган шу мисоллардан ҳам Тошпўлат Ҳамиднинг адабий муҳитга раҳбарлик қила олиш истеъдодига хос ажойиб хусусиятларни сезиш мумкин.

Чиндан ҳам у шеърят шайдоси, ҳаёт шайдоси эди. Шу ширин ҳаёт, шу сеҳрли олам – шеърят учун бутун борлигини сарфлашга тайёр эди. У табиатан шоир бўлиб туғилган,

шеър ишқи, шеър дарди қонига, жонига хақ инояти билан кирганлиги ҳар бир шеъри, ҳар бир сўзи, нутқи, ҳаракати, қиёфасида ўзини намоён қилиб турарди. Шоирона жўшқинлик, завқ, ҳаяжон, эҳтирос унинг бутун вужудини қамраб олганлиги чақноқ кўзларидан билинарди. Оламга, одамга у ана шу ёниб турган чақноқ кўзлари билан махлиё бўлиб боқарди. Улардан илҳом оларди. Шулар сабабли вилоятда, республикада ялт этиб кўзга кўринган ҳар бир янгилик унинг эътиборидан четда қолмасди. Ҳаётда пайдо бўлган ҳар бир янгилик унга шеър инъом этса, янги бир истеъдоднинг пайдо бўлиши, кўзга ташланиши унга бир олам завқ бағишларди. «Ўзгаларнинг бахти унинг бахти, қувончи унинг қувончи эди. Унинг кўнглида кир йўқ эди. Ғаразгўйлик, кўра олмаслик, ҳасадгўйлик унга бегона эди. Озгина куюнчаклигини ҳисобга олмаганда у дарёдил шоир эди. Ижобий маънодаги куюнчаклигининг таъида ўз ижодини янги босқичларга кўтариш, янги кашфиётлар оламини кашф этиш, тенгдошларидан ортда қолмаслик, Бухоро адабий муҳитини шакллантириш, уни Самарқанд, Тошкент, Қўқон адабий муҳити даражасига кўтариш ғояси, ҳисси яшар эди. У ҳаётининг охириги дақиқаларигача ана шундай юксак ғоялар, ҳислар ва режалар билан яшадди.

Ана шундай олийжаноб кишининг вилоят ижодкорларига бош бўлиб келиши, албатта, омад, яхшилик, муваффақиятлар белгиси саналарди.

Тошпўлат Ҳамид ижодий уюшмага бош бўлиб келганда кекса ғазалхон Шариф Нурхонни, адабиётшунос олим Саиджон Алиевни ҳисобга олмаганда, республика миқёсида танил-ган ижодкорлар Бухорода деярли кўзга ташланмас эди. Самарқандда, Тошкентда, Қўқонда эса адабий ҳаёт қайнар, булоқдай жўшқин эди. Ёш ижодий уюшма адабий раҳбарнинг юрагида Бухоро адабий муҳитини шу шаҳарлар адабий муҳити даражасига кўтариш нияти қулф уриб яшар эди.

Тошпўлат Ҳамид ижодий уюшма ишини адабий тўғарак ташкил этишдан бошлади. Бу адабий тўғарак кейинчалик «Нилуфар» номи билан бутун вилоятда шуҳрат қозонди, ўзининг бўлиқ меваларини берди. Шундан кейин шаҳар ва туманлардаги ёш ижодкорларни «Нилуфар» тўғараги атрофига йиға бошлади. Тўғарак дастлаб ҳафтада бир марта, кейинчалик ойда икки марта, 80-йилларда ойда бир марта ўтадиган бўлди. Тўғарак ўз режасига, дастурига эга эди. Ҳар бир йиғилиш режаси эълон қилинарди. Тўғарак йиғилишларини асосан унинг фидойи раҳбари Тошпўлат Ҳамид бошқарар, унда «Бухоро ҳақиқати», «Советская Бухара» газеталарининг, вилоят радиоэшиттириш бошқармасининг ижодий ходимлари иштирок этишарди. Муҳим масалалар кўриладиган айрим йиғилишларда вилоят партия қўмитасининг мафкуравий ишлар бўйича котиби, газеталарнинг муҳаррирлари ва бошқа маданий-оқартув идораларининг бошлиқлари ҳам қатнашарди. Жумладан, 1958 йилда бўлиб ўтган бир йиғилишда Москвада 1959 йилда бўлиб ўтадиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига тайёргарлик масаласи кўрилди. Декадага тайёргарлик ва вилоят ижодкорлари олдидаги вазифалар тўғрисида вилоят партия қўмитаси учинчи котиби Анвар Марасулович Кўчқоров сўзлади. Шунда Анвар Кўчқоров тўғарак аъзоларини декада муносабати билан нашр этилган бадий асарларни ўқиш, оммага етказишга даъват этди. Тўғарак аъзоларига биттадан бадий асар тарқатиб, шу китобга тақриз ёзиб, газеталарга топширишни айтди. Менга Баҳром Раҳматовнинг «Пьесалар» тўпламига тақриз ёзиш вазифаси юклатилди. Мен бу тўпламни ўқиб, унга тақриз ёздим. Тақризим «Бухоро ҳақиқати» газетасининг 1958 йил декабр ойидаги сонларидан бирида «Китобхонлар декада китоблари ҳақида» рукни остида босилиб чиқди. Шу вақтда мен Бухоро давлат педагогика институти тарих-филология факултети ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг III курс талабаси эдим. Бу тақриз, менинг агар таъбир жоиз бўлса,

илм соҳасидаги биринчи ишим, адабиётшуносликдаги илк қадамим эди. Шу сабаб уни ҳамон эслайман ва ҳар эслаганимда тўғарагимизни, унинг раҳбари Тошпўлат Ҳамидни, обком котиб Я. М. Кўчқоровни алоҳида ҳурмат билан хотирлайман. Эҳтимол, шу тақриз менинг адабиётшунос олим бўлиб етишишимга сабаб бўлгандир.

Тошпўлат Ҳамиднинг жонкуярлиги, меҳрибонлиги, самимийлиги туфайли тўғарак аъзоларининг сони йил сайин кўпайиб, унинг доираси тобора кенгайиб борди. Унга фақат Бухоро шахридаги ижодкорларгина эмас, балки Бухоро вилоятининг барча туманларидаги кексаю ёш ижодкорлар уюшган эди. Юрагида адабиёт фани ишқи, шеър ёзиш туйғуси пайдо бўлган, қўлига қалам олишни истаган ҳар бир киши унинг аъзоси эди. “Нилуфар” тўғарагига тегишли ижодий муҳит ва унинг раҳбари Тошпўлат Ҳамидга хос хусусиятлар ҳақида ўзбек болалар адабиётининг атоқли вакили, Ғафур Ғулом номидаги мукофот совриндори, ватандошимиз Сафар Барноев шундай ёзади: «Бир минг тўққиз юз эллик еттинчи йил эди. «Колхозчи» кўчасида жойлашган «Бухоро ҳақиқати» газетасининг мўъжазгина бир хонасида республика ёзувчилар союзининг Бухоро област бўлими ишларди. Мен ҳам ўзимча бир нималар қоралаб, синфдошларимга ўқиб берардим. Адабиёт муаллимим Аббос Бакиров бир куни чақириб, фалон кўчада ёзувчилар идораси борлигини, машқларимни ўшанинг каттасига кўрсатишим зарурлигини айтди. Муаллимимиз айтган кўча уйимизга яқинлиги учун пешиндан кейин дарров етиб бордим. Анчадан кейин идора эшигини қора терга ботиб очдим. Ийманиб, зўрға салом бердим.

— Келинг, келинг, — деди Тошпўлат ака оёғимдаги этикка, ўртаҳол уст-бошимга зеҳн солиб, — ўтиринг.

Ўқитувчим айтган “идора каттаси” кўлимдаги дафтарни варақлаб, кимлигимни, оилавий шароитимни, ўқишимни суриштира кетди. Сўз охирида “шеърларимда жон

борлиги"ни айтиб, бундан кейин тортинмай келишимни тайинлади. Бу ҳам етмагандек, эшиккача кузатиб қўйди. Шушу ёзувчилар бўлимига дадил кириб келадиган бўлдим. Ҳар ҳафтада бир марта ҳаваскорлар хонада йиғилиб, шеърхонлик қилардик. Кейинчалик студентлар, ўқувчилар, ишчи-хизматчилардан иборат сафимиз юздан ошиб қолди. Адабий машғулотларимиз шаҳар кутубхоналарида ўтадиган бўлиб қолди. Баҳс, мунозара, янги чиққан китоблар ҳақида суҳбатлар соатлаб давом этарди. (Қаранг: "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафтаномаси: 1997 йил, 11 декабр сони).

Адабий-ижодий ишлар жонлана бошлади. Шу боис таниқли ёзувчилар Бухорога тез-тез келадиган бўлиб қолишди. Тошпўлат Ҳамид уларнинг кўпи билан яқин алоқада бўлиб, устоз шогирдлик, меҳмоннавозлик қоидаларига қаттиқ риоя қиларди. Ҳар бир ёзувчини кутиб олиш, олиб юриш, ҳурматини жойига қўйиб, жўнатиб юбориш у учун шарафли иш ҳисобланарди. Кўнлаб, ҳафталаб, ойлаб меҳмон ёзувчилар билан бирга юришдан, уларга хизмат қилишдан эринмасди. Вилоятнинг йиғини, тўйи, тантанаси, давраси Тошпўлат Ҳамидсиз ўтиши даргумон эди. Бунинг устига «Бухоро ҳақиқати» газетасида бўлим мудирин, муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир, Бухоро давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедрасида мудирлик қиларди Шуларга қарамай, шеър ҳам ёзар, ижодий ишларини вақт топиб бажариб турарди.

Бухорога келган ҳар бир ёзувчи билан «Нилуфар» адабий тўғараги аъзоларининг учрашувини ташкил қилиш ўша йилларда анъанага айлангани рост. Бундай маънодаги учрашувлар, адабий кечалар, баҳслар кўпроқ педагогика институтида -- эски бинонинг мажлислар залида, сомонийлар истироҳат боғида, шаҳар кутубхонасида ва филология факултети биносида ташкил этиларди. Масалан: 60-йилларнинг охирида машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор билан Сомо-

нийлар истироҳат боғида учрашган бўлсак, «Фарғона тонг отгунча» романининг муаллифи Мирзакалон Исмоилий билан филология факультети жойлашган бинода учрашганмиз. Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» романи нашрдан чиққанидан кейин институт мажлислар залида катта баҳс уюштирилгани ҳамон эсимдан чиққан эмас. Бу баҳсга Асқад Мухтор хотини билан иштирок этди ва бу асарнинг ёзилиш тарихи, ижодида тутган ўрни, бош қаҳрамон – Аҳмаджон образига тегишли масалалар ҳақида сўзлади. Бундай фикрларни Ойбек, Уйғун, Зулфия, Воҳид Абдуллаев, Озод Шарофиддинов, Ўткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиёва, Туроб Тўла, Зоҳиджон Обидов, Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Матёқуб Қўшжонов, Иззат Султон, Пўлат Мўмин, Мавлон Икром билан бўлган учрашувлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Муҳими, бу учрашувлар «Нилуфар» тўғараги аъзолари учун ўзига хос бир дарс, бир адабий мактаб вазифасини ўтарди. Ёзувчилар туманларга сафарга чиққанларида, тўғарак аъзолари ҳам жалб этилгани муҳим ҳодиса саналарди. Бу тадбирлар ёш ижодкорлар қобилиятини шакллантириш билан бирга уларнинг адабиётга бўлган муҳаббатларини оширарди. Булардан ташқари, Тошпўлат Ҳамиднинг бевосита ташаббуси ва ҳомийлигида 1958 йилда «Октябрга гулдаста», 1968 йилда «Бухоро куйлайди» номи билан тўпламлар эълон қилинди. Бу тўпламлар бухоролик шоирлар, ёзувчилар, драматурглар, журналистларнинг асарларидан тузилган эди.

Масалан, “Бухоро куйлайди” тўплами Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган бўлиб, ундан Тошпўлат Ҳамид, Мурод Халил, Жамол Камол, Ғулом Шомуродов, Нормурод Турсунов, Тошпўлат Аҳмедов, Сафар Барноев, Самандар Воҳидов, Темур Норов, Розикжон Рўзиев каби шоирларнинг шеърлари; Неъмат Аминов. Аҳаджон Ҳасанов, Аминжон Шукуров каби ёзувчиларнинг

ҳикоялари; Муҳаммаджон Бақоев, Аҳрор Баҳромов, Талаббой Назиров, Ражаб Авезов сингари журналистларнинг очерк ва лавҳалари ўрин олган эди.

“Нилуфар” тўғарагининг адабий маҳсулоти сифатида нашр юзини кўрган «Бухоро куйлайди» тўплами, биринчидан, 60-йиллар охирида Бухорода ўзига хос адабий муҳит шаклланганлигини, иккинчидан, бу адабий муҳитда шоирлар, ёзувчилар, журналистлар ётишиб келаётганлигини, учинчидан, Бухоро адабий муҳитида тилган сўз санъати намуналарини республика маркази тан олганлигини кўрсатади. Шундай бўлишини Тошпўлат Ҳамид кўпдан буён орзу қилар эди. Қисқа 13 йилда (1955-1968) шундай адабий муҳитни яратиш ва уни республика миқёсида тан олдириш осон иш эмаслигини ҳар бир ақлли одам яхши тушунади.

Шу йилларда нашр этилган республика газета ва журналларини варақлайдиган бўлсангиз, бухоролик ижодкорларнинг овози тобора баландроқ жаранглаганлигининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, ўша йилларда Шариф Нурхон, Ойдин Ҳожиёва, Неъмат Аминов, Жамол Камол, Омон Мухторов, Гулчехра Жўраева, Муҳаммад Салом, Аҳад Ҳасан, Сафар Барноев, Садриддин Салимов, Мурод Халилларнинг ижодий парвози юксала бошлади, маҳорати кун сайин ривожлана борди. Мазкур ижодий ходимлар сафига Саид Алиев, Тожи Қораев, Охунжон Сафаров, Раҳим Воҳидовдек адабиётшунос олимлар, Абдулла Мўминов, Ҳомиджон Мўминов, Аминжон Ақобиров, Равил Ботиров каби драматурглар келиб қўшилди.

«Нилуфар» тўғараги қошида 50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг боши билан адабий семинар ташкил этилганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу адабий семинарда Тошпўлат Ҳамиддан ташқари, ўша пайтлардаги «Бухоро ҳақиқати» газетасининг муҳаррирлари Йўлдош Муқимов, Облокул Эгамов ва Тошкентдан келган ёзувчилар чиқиш қилишарди.

Мазмунли, таъсирли ўтган адабий семинарлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирарди.

«Нилуфар» адабий тўгараги таркибида ўзбек адиблари билан бирга Аминжон Шукуров, Асад Гулов каби тожик тилида; Тимофей Новичков, Анна Колесникова каби рус тилида ёзадиган; шунингдек, Фиёс бобо Саидов, Шариф Нурхон, Муҳаррама Турсунова сингари кекса қаламкашлар ҳам бор эди. Агар тўгарак аъзоларини касб-корига қараб тасниф этадиган бўлсак, унинг сафида зиёлилардан ташқари, колхозчи-деҳқонлар, ишчи-хизматчилар ҳам бор эди. Турли соҳадан ва турли табақадан иборат бўлган тўгарак аъзоларининг барча ғаму ташвиши унинг раҳбари Тошпўлат Ҳамид зиммасида турарди. Тошпўлат Ҳамид эса, бу оғир, аммо шарафли, масъулиятли вазифани зиммасидаги бурчи сифатида адо этарди.

«Нилуфар» тўгараги дастлаб ўз фаолиятини Жаббай Балиманов кўчаси яқинида жойлашган В. В. Маяковский номли кутубхонада бошлаган эди. Кейин «Коммунарлар» кўчасидаги 8-хонада жойлашган «Бухоро ҳақиқати» газетаси таҳририяти биносида иш юритди. Шундан сўнг ўн йиллар чамаси Ленин кўчасидаги филология факультети ётоқхонаси куйисидаги пастқам бир хонада, ундан кейин ҳозирги «Бухоро» босмахонасига қарашли бинонинг мажлислар залида машғулот олиб борди. У қаерда, қандай шароитда иш юритишидан қатъи назар, ўз олдидаги вазифасини, масъулиятини заррача бўлса ҳам камайтирган эмас. Ҳамиша талабчанлик ва самимият билан иш юритди. Ижодий парвозларга қанот бағишлаб турди. Шу сабабли иштирокчилари орасидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов; Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Жамол Камол; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Аҳад Хасан, Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳидов; Беруний номидаги республика давлат мукофоти совриндори Тўра Мирзаев

каби юксак унвон ва мартабаларга сазовор кишилар этишиб чигди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Яхшидан шарофат, дегани шу бўлса керак.

Ҳар бир ишнинг қадрини вақт белгилайди, деган ҳақиқат тўғри экан. Мана энди Тошпўлат Ҳамид туғилган кунга 70 йил, фоний дунёдан боқий дунёга ўтганига 13 йил тўляпти. Вақти замонида у тўлиб-тошиб, ташаббус билан ишлаётган, баъзан ҳаёт ташвишларидан чарчаб, толиқиб юрган пайтларида унинг қадрига етмадик, бажараётган ишларининг моҳиятини тушунмадик. Вақт ўтаверган сайин ҳаёт у ҳақ эканлигини тасдиқлайверди. Ҳар бир ишда шундай меҳрибон, жонкуяр, самимий, беғараз одам бош бўлиши зарурлигини тушуна бошладик. Шу сабабли Тошпўлат Ҳамидни қўмсаш, эслаш, унинг томонидан Бухоро адабий муҳитини, маданиятини ривожлантириш борасида амалга оширилган тадбирларни баҳолаш, унга хос фазилатларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш, шундай бўлишини исташ кун сайин кенг авж оляпти. Мураббий шоир ҳақида хотиралар, ёдномалар, марсия ва бағишлов шеърлар ёзилмоқда. Адабиётда унинг бадиий образи яратилмоқда. «Нилуфар» тўғарагининг фаол аъзолари, шоирнинг жонсўз шогирдлари Омон Мухторов, Сафар Барноев, Садриддин Салимов, Жаҳонгир Исмоилов, мактабдош дўсти Душан Файзи Зарафшоний томонидан ёзилган хотиралар ва шеърлар, шу меҳру оқибат, мамнунлик намунасидир.

Хотиранома даромади суханида бухоролик машхур маърифатпарвар ва адабий муҳит ташкилотчиси Садр Зиё, аллома ёзувчи устод Садриддин Айний, буюк олим ва адиб Абдурауф Фитратнинг Бухоро адабий муҳити соҳасида қилган айрим ишларини эслатиб ўтган эдик. Гапнинг тўғриси, Тошпўлат Ҳамид Садр Зиё ҳам, Садриддин Айний ҳам, Абдурауф Фитрат ҳам эмас. У қолдирган адабий мерос ва жаҳоний шухрат уларчалик эмас. Аммо Тошпўлат Ҳамиднинг ўзига хос дилбар шоирлигини, адабий ҳаёт ташкилотчиси

тарзидаги шуҳратини ҳеч ким рад этолмайди. Унинг «Менинг асрим» (1965), «Бинафша уфқлар» (1973), «Куёш зарралари» (1978), «Бўстон наволари», «Достонлар» (1976), «Тоғларга боқ тоғларга» (1982), «Юртим гуллари» (1988), «Манзил» (1989), «Родина аистов» («Лайлаклар диёри») (1982) китобларига кирган энг яхши шеърлари ҳар хил замонлар шамолига дош беришига шубҳа йўқ. Шоирнинг 50-йилларнинг ўрталаридан 80-йилларнинг ўрталаригача Бухоро адабий муҳитини шакллантириш, ривожлантириш, ёш ниҳолларни тарбиялаб, вояга етказиш соҳасида қилган хизматларини Садр Зиёга ҳам, устод Садриддин Айнийга ҳам, Абдурауф Фитратга ҳам ўхшатса бўлади. Ёш талантларга мураббийлик қилиш соҳасида у эришган ютуқлар оламшумул аҳамиятга эга эканлигини эндиликда кўпчилик тан олмоқда.

Бу тўғрида таниқли шоир ва машҳур носир Омон Мухторнинг «Ниҳоллар» шеърида шундай ёзилган:

*Сиздан қолди
на шўх кулгу,
дейлик
На сиз эгаллаган мансаблар,
Китоблар?
Эҳтимол, қолишар...
улар
Мумкин
йиллар тошқинида қолмаслиги ҳам
Бу дунё шу:
Тушавериб тоғлардан сувлар,
Китоблар ҳам ўтаверар,
ўтгандек одам.
Аммо Сиздан
тирик мерос —
Шогирдларингиз
Бухорода
Сиз ўтқазган қатор ниҳоллар —*

Дарахтларга айланаркан улар изма-из,

Унутилмас

Сиз томондан эсган шамоллар.

Улар қолиб,

ҳали узоқ йиллар

Сиз ҳақда

Сўзлаб юришади ҳикоя.

Бахтдир инсон хотирланса – унинг йўғида

Шудир

Сизнинг умрингизда акс этган ғоя!

(Қаранг: Омон Мухтор. Марварид (лирика), Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985; 72-бет).

Омон Мухторнинг «Ниҳоллар» шеърдан олинган шу парча билан ҳам устоз Тошпўлат Ҳамид хотирасига бағишланган «Нафосат боғининг боғбони», номли хотиранома-мизни яқунласак бўларди. Аммо... шу шеър таъсирида икки оғиз сўз айтишни лозим топдик.

Чиндан ҳам Тошпўлат Ҳамиднинг ҳаёти боғ шамолидай шовуллаб ўтди. Бироқ ундан меҳр билан парваришлаб ўстирилган нафосат боғи қолди. Бу нафосат боғи унинг ҳаётлигида балоғатга этиб, ўрикдай оппоқ гуллади. Ўзининг сархил меваларини ҳаётга бера бошлади. Ҳозир айни пишиқчилик фаслини бошидан ўтказяпти. Ҳосили ғирт шарбатга тўлган давр. Табиат баҳори такрорланганида бу боғнинг баҳори ҳам такрорланаверсин! Илоҳо унга асло кўз тегмасин, Парвардигорим! Бухоро адабиёти боғини ҳар қандай бало-ю қазолардан ўзинг асрайвергин!

УСТОЗЛАР ВА ТЕНГДОШЛАР ДАВРАСИДА

Истеъдод – халқ мулки, истеъдод – худодод неъмат. Аммо у тарбиясиз камолга етмайди. Истеъдод қанчалик катта

қимматга эга табиий ҳодиса бўлса, унинг тарбияси шунчалик муҳим аҳамиятга эришадиган ҳодисадир. Талант билан тарбия икки ҳаётбахш дарё бўлиб, улар бир-бирининг манбаига айланади.

Тошпўлат Ҳамид табиий истеъдодга эга бўлиши билан бирга, яхши тарбия кўрган шоир эди. У Бухоро адабий муҳитининг боғбони бўлиб қолмасдан, балки шигил мевали яшноқ боғ эди. Устоз бўлиб, бўйи баробари жонсўз шогирдлар этиштирган шоир устозлар даврасининг умидли ниҳоли, гули эди.

Унга 40-йилларнинг охири, 50 йилларнинг ўрталаридаёқ ўзбек адабиёти дарғаларининг назари тушди. Тошпўлат Ҳамид Ўзбекистон халқ шоири Уйғуннинг, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг, истеъдодли шоир Мамарасул Бобоевнинг, 60-йилларда эса Ўзбекистон халқ ёзувчилари Ойбек, Комил Яшиннинг, машҳур тожик ёзувчиси Жалол Икромийнинг, катта давлат арбоби ва атоқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг, машҳур рус шоири Александр Яшиннинг, филология фанлари докторлари Маҳмудали Юнусов ва профессор Озод Шарафиддиновларнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Уларнинг хизматларида, давраларида бўлди; суҳбатларидан баҳра олди, меҳр-муҳаббатларини қозонди, эътирофларига сазовор бўлди. Инсон учун, айниқса, ижодкор учун, улуғлар давраси ибратли мактаб эканлиги қадимдан маълум. Халқимиз шу сабабли ўғлингни мактабга ёки даврага кўй, деб беҳуда айтмаган. Тошпўлат Ҳамид мактаб кўриш билан бирга улуғлар даврасида юрган ижодкор эди. Унинг ижодида, юқорида номлари эслатиб ўтилган улуғларнинг ўзига хос таъсири борлиги аён. Номлари зикр этилганларнинг бир қисми ижодкор сифатида Тошпўлат Ҳамидга раҳнамолик қилиб, ижодий маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатган, ижодий ютуқларини маъқуллаб турган бўлса, иккинчи бир қисми олим сифатида, унинг шоир сифатида шаклланиб бориш йўлини кузатишган, ижодий

маҳсулотини ўрганиб, тадқиқ қилиб юрган. Бундай бахт ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб қилавермайди.

Устоз Уйғун – Тошпўлат Ҳамидга ҳаммадан олдин назари тушган, *истеъдодини* сезган, унинг тарбиясига оталарча ғамхўрлик кўрсатган, ютуқларини маъқуллаб, камчиликларини кўрсатиб турган сўз санъаткори. Улар бир-бирлари билан ота-ўғилдай меҳрибон, қадрдон дўст, ижодий фикрдош шоирлар эдилар. Бундай яқинликка, аввало, бу шоирлар ижодига хос ижодий фазилатлар сабаб бўлган, иккинчидан, адабиётимиздаги шогирд тайёрлаш анъанасини давом эттириш, ворисларда ғамхўрлик қилиш ҳодисасига эътибор бериш боис, учинчидан, 50- ва 70-йилларда Уйғуннинг уч чақириқ Ўзбекистон Олий кенгашига Бухоро вилояти меҳнаткашлари томонидан депутатликка сайланиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Уйғун, аввало, отахон шоир сифатида ўринбосари Тошпўлат Ҳамидни ижодий жиҳатдан тарбиялашни ўз бурчи деб ҳисоблаган бўлса, иккинчидан, Бухоро вилояти депутати сифатида фақат Тошпўлат Ҳамидни эмас, Бухоро ижодкорларидан Шариф Нурхон, Тошпўлат Аҳмад, Садриддин Салимов, Марям Турдиева, Самандар Воҳидов, Мурод Халил; олимлардан Саид Алиев, мазкур сатрлар муаллифи ва бошқаларни ҳам ижодий, илмий раънақига ҳисса қўшган. Бухорога ҳар келганида кўнгилли учрашувлар бўлар, дилдан суҳбатлар қурилар эди. Шу билан бирга устоз шоир Тошпўлат Ҳамид раҳбарлик қилаётган «Нилуфар» адабий тўгарагининг йиғинларида бухоролик ижодкорларнинг асарлари муҳокамасида қатнашар, уларга йўл-йўриқ кўрсатар, пешқадамларини Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасига аъзо бўлишига ёрдамлашарди. Бу учрашувлар, йиғинлар, адабий суҳбатлар, шеърхонликларнинг ташкилотчиси ва бошқарувчиси, албатта, Тошпўлат Ҳамид бўларди.

Ташкилотчилиги, зукколиги, ҳушчақчақлиги ва меҳрибонлиги учун уни ҳаммадан ҳам яхши кўрарди. 1974-йилда «Ёш гвардия» нашриётида Тошпўлат Ҳамиднинг «Гумбазлар

садоси» (шеърлар ва дoston) тўплами нашр этилди. «Гумбазлар садоси» тўплами Уйғуннинг Тошпўлат Ҳамидга бағишланган «Узоқни кўзлаб...» мақоласи билан очилади, «Узоқни кўзлаб» мақоласида Уйғун Тошпўлат Ҳамидга унинг шеърлятига бўлган муносабатини равшан ифода этган. Мақолада отахон шоирнинг умид билан тарбиялаб ўстирган истеъдодли шогирди ютуқларидан фахрляниш ҳисси намоён бўлиши билан бирга уни шоир сифатида эътироф этиши ҳам ўз баёнини топган. Фикримиз исботи учун «Узоқни кўзлаб» мақоласининг «Кириш» ва «Охирги» қисмини китобхонлар диққатига ҳавола қиламиз. Уйғун шундай ёзади: «Боғбон ўзи этиштирган ҳосилни кўрганда бир қувонади. Биз – катта авлодга мансуб ёзувчилар ҳам шунга ўхшаб кетамиз. Тошпўлат кўз ўнгимда улғайиб, вояга етди. Биринчи машқларини 1948 йилда нашр этилган «Ёшлик дафтари» алманахига тавсия этганим эсимда. Ўшанда ҳали у талаба эди. Бўлажак шоирнинг тема танлаши, образли мисраларни ўқиши ўша йиллардаёқ менда унга қизиқиш ва умид уйғотган. Мана йиллар ўтиб, умидимиз пучга чиқмабди...

Мен Тошпўлатни Зарафшон дарёси қирғоғидаги серфайз боғларнинг хушхон булбулига ўхшатаман. Зеро, Қизилқумда Навоий, Зарафшон каби ажойиб шаҳарлар қад кўтараётган шу ажойиб замонда бу боғларнинг булбули ҳам серавж бўлиши табиий!» (Қаранг: Тошпўлат Ҳамид. Гумбазлар садоси. Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти 1974, 3–4-бетлар).

Юракдан меҳр-муҳаббат алангаси сифатида отилиб чиққан бундай самимий, дилкаш, адолатли сўзларни фақат шогирдини ўз фарзандидай яхши кўрган, унинг ютуқларидан илҳомляниб биладиган Уйғундай устоз шоир ёзиши мумкин.

Абдулла Қаҳҳор ҳам Тошпўлат Ҳамидга Уйғундай эрта ихлос қўйган адиблардан. Шу ихлос самараси сифатида А. Қаҳҳор Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими ташкил этилгандан кейин Тошпўлат Ҳамидни унга масъул котибликка тавсия этган, Бундан ташқари, уни доимо

кузатиб юрган, ижодий жиҳатдан рағбатлантириб турган. Айниқса, Тошпўлат Ҳамиднинг наср соҳасидаги уринишлари устоз Абдулла Қаҳҳорга маъқул кўринган. Тошпўлат Ҳамиднинг «Ботир қиз», «Назира» ҳикоялари нашр этилганида ижодий ютуқларини маъқуллаб, унга хат ёзган.

Абдулла Қаҳҳор ҳам Уйғун сингари 50-йилларда Бухоро вилоятининг Қизилтепа туманидан Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати этиб сайланган. Шу сабаб у Бухоро вилоятига тез-тез келиб-кетар, Тошпўлат Ҳамид етакчилигида сайловчилар билан учрашувларга, ўқувчилар ва талабалар билан бўладиган адабий кечаларга қатнашган. Бу йиғилишлар, давралар ва учрашувлар улар ўртасидаги ижодий — дўстона алоқаларни мустақкамлашда катта рол ўйнаган. Шу боисдан Абдулла Қаҳҳор Тошпўлат Ҳамидни яхши кўрган, шогирди сифатида доимо хурматлаган.

Тошпўлат Ҳамиднинг бизнинг шахсий архивимизда сақланаётган таржимаи ҳолида бу тўғрида шундай ёзилган: «1955 йилда ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бизнинг Бўстон қишлоғимиздан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланиши муносабати билан келганида, менинг асарларим билан қизиқиб қолди.

Адибимизнинг ташаббуси билан (ўша йилларда Абдулла Қаҳҳор Ўзбекистон ёзувчилар союзининг раиси эди) Бухорода Ўзбекистон ёзувчилар союзининг област бўлими ташкил этилди ва у киши мени бўлимнинг масъул котиблигига тавсия этди».

Тошпўлат Ҳамид ижодини синчиклаб ўрганиб юрган шоирлардан яна бири Мамарасул Бобоевдир. Мамарасул Бобоевнинг 1957 йилда «Ёш ленинчи» газетасининг 23-ноябр сонидида босилган мақоласида илгари сурилган фикр одилона ва самимий айтилганлиги билан диққатга сазовор. Мамарасул Бобоев бу мақоласида Тошпўлат Ҳамид шеърлятига хос муҳим хусусиятлар ва фазилатларни тажрибали шоир ва зукко мунаққид сифатида пайқаганлиги муҳим, 50-

йилларда илгари сурилган бу фикрни Тошпўлат Ҳамид 50-йиллардан бошлаб 80-йилларнинг ўрталаригача ёзган шеърлари билан тўла оқлади, шоир Мамарасул Бобоевнинг мазкур мақоласида шундай сатрлар бор: «Тошпўлат Ҳамидни тенгдошларидан ажратиб турувчи ўзига хос хусусияти шуки, у серзавқ ва жўшқиндир. Завқ ва жўшқинлик шоирларда асосий ёнилғи ҳисобланса керак. Бу хусусият унинг илҳом билан ёзилган кўпгина шеърларида яққол кўринади. Тошпўлат воқеликни завқ билан куйлайди. Унинг ҳар бир шеърида оригинал поэтик фикр бўлади. Фикрларининг хулосаси ҳам ўйлаб топилган бўлади. Чиройли тасвирлар, гўзал ўхшатишлар унинг мисраларини безайди».

XX аср тожик адабиётининг забардаст вакили Жалол Икромий ҳам Тошпўлат Ҳамид билан яқин адабий муносабатда ва ҳаммаслак дўст эди. Улар ўртасидаги адабий ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари узоқ йиллар давом этди ва ўзбек, тожик адабий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этди. Жалол Икромийнинг Тошпўлат Ҳамидга бўлган иштиёқи унга Ҳамид Олимжон номидаги мукофот берилганлиги муносабати билан йўллаган табрик хатида ўз ифодасини равшан топган. Табрик хатида эҳтиром билан ёзилган шундай сатрлар мавжуд: «...Бундан бир неча кун олдин Сизнинг Ҳамид Олимжон номидаги мукофотга сазовор бўлганлигингизни эшитиб, ғоятда мамнун бўлдим. Шу нарса аёнки, биз кўп йиллардан бери бир-биримизни яхши биламиз, орамиздаги дўстлик ва адабий муносабатлар ғоятда самимийдир. Мен Сизнинг шеърларингиз ва қатор дostonларингиз билан китобхонлар ҳурматига сазовор бўлиб юрганлигингизни аввалдан ҳам билар, Сиз, ҳамшаҳаримнинг камёб истеъдодингиз билан фахрланардим.

Мен биламанки, Сизда бадий ҳиссиёт завқи ҳамиша жўшқиндир. Кимки Сиз билан мулоқотда бўлса, ширин сўзларингиздан зерикмайди. Сиз самимий, хуштаъб, табиатан

шоир кишисиз»... (Қаранг: «Зарафшон булбули», «Дўстлик байроғи» газетаси, 1981-йилнинг 12-майи).

Тошпўлат Ҳамид шеърияти ҳақида бундай фикрларни ижодкорлардан Шароф Рашидов, Александр Яшин, Абдулла Орипов, Хусниддин Шариповлар ҳам айтишган. Шунинг ўзи ўсиб келаётган ёш талантга ҳурмат ва эътибор ҳисобланади.

Тошпўлат Ҳамид ёшлигидаёқ устозлари эътиборини қозонган шоир эди. Устоз олимлардан Тошпўлат Ҳамид ижодий фаолиятини Воҳид Абдуллаев, Маҳмудали Юнусов, Озод Шарафиддинов, Саид Алиев, Нуриддин Шукуровлар синчиклаб ўрганишган ва бу ижодкорга хос хусусиятларни кашф этишга ҳаракат қилишган. Бу ҳодиса ҳам ёш истеъдод тарбиясига берилган эътибор эди.

Таниқли адабиётшунос олим Маҳмудали Юнусов – Тошпўлат Ҳамиднинг талабалик муаллими. У шоирни 40-йиллардан умрининг охиригача ўрганди, унинг шеъриятга бўлган ҳаваснинг шаклланишига, қаламининг қайралишига муносиб ҳисса қўшди. Муваффақиятларидан қувониб, камчиликларидан ачиниб юрди. Тошпўлат Ҳамид ҳам бу қаттиққўл, талабчан устозининг этагидан маҳкам тутди. Булар ўртасидаги оқибат, муносабат ҳақида китобнинг «Кўприк» қисмида ҳам фикр юритамиз. Атоқли мунаққиднинг суюкли шогирдига бўлган муҳаббати «Тошпўлат Ҳамид» мақоласида ўз ифодасини топди. Бу мақола шоирнинг 50 йиллиги муносабати билан нашр этилган «Қуёш зарралари» (шеърлар, балладалар, поемалар) китобига сўнгсўз сифатида киритилган. Мазкур мақолада Тошпўлат Ҳамид шеърияти ҳусусида шундай фикрлар айтилган: «Лирика конкрет ҳаётдаги воқеа-ҳодисалардан таъсирланиш, ҳайратланиш, ва тўлқинланиш самарасидир. Лирика шоирнинг шахсий ҳаётий тажрибаси бўлиш билан бирга, ижтимоий ва фуқаролик тажрибасини ҳам акс эттиради. Шунинг учун авзаллари кичикроқ масалалар атрофида, сўнг Ватан миқёсида фикр юритган

Тошпўлат бора-бора умумбашарий мавзуларга қўл урди.
Шеърларидан бирида:

**Самовийман, ер куррасин дейман ўз қасрим,
Шу боисдан шодлик, ғамга шерик ҳар қачон.
Кўз ёшим ҳам, қувончим ҳам сен билан, асрим.**

Шоир лирик асарларида инсон шахсининг ҳаяжонини халқ идеали нуқтаи назаридан тасвирлаб, ёмонлик ва яхшилик, бадбинлик ва гўзаллик ҳақидаги тушунчаларни ифодалаган бўлса, лиро-эпик дostonларида инсон тақдирини бутун бир халқнинг турмуши ва кураши билан узвий боғлаган ҳолда яратди». (Қаранг: Тошпўлат Ҳамид. Қуёш зарралари, Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 225-бет).

Академик Воҳид Абдуллаев Тошпўлат Ҳамиднинг ихлосманди, мухлиси эди. Шоирнинг хушчақчақ кайфияти, очиқ чехраси, дилгирлиги, шўхлиги, кўп шеърларни ёддан билиши, адабий воқеаларга фаол аралашиб юриши домлага хуш ёқади. Домланинг табиатларида ҳам Тошпўлат Ҳамид табиатига ҳамоҳанг томонлар кўп эди. Шу сабабли улар бир-бирларини тўлдирар эдилар.

Домла, асосан, мумтоз адабиётимиз тарихи билан бир умр шуғулланган, дарслик, қўлланма, йирик монография ва китоблар, кашфиёт мақолалар ёзган бўлсалар ҳам баъзан-баъзан ўзлари севган ХХ аср адабиёти ва шоирлари тўғрисида ҳам ёзиб турардилар. Шулардан бири Тошпўлат Ҳамид эди.

1973 йилда Тошпўлат Ҳамиднинг «Тилла дарвоза» достони Ўзбекистон ёшлар мукофотига тавсия этилди. Ушанда домла университетимиз ўзбек тили ва адабиёти факултети сиртқи бўлимида давлат имтиҳони комиссияси раиси эдилар. Мен факультет декани эдим. Бир куни ёнларига мени чақириб, Тошпўлат Ҳамиднинг «Тилла дарвоза» дostonини топиб келишни ва биргалашиб, бу асар ҳақида «Ёш ленинчи»

газетасига чиқиш қилишимиз зарурлигини, бундай пайтда шоирни ҳамоя қилишимиз кераклигини айтдилар. Шундан кейин устоз Воҳид Абдуллаев билан бирга шоирнинг «Тилла дарвоза» достони тавсия этилган мукофотга лойиқ эканлигини исботловчи мақола ёздик, бу мақола «Ёш ленинчи» газетасининг 1973 йил 20 октябр сонида босилиб чиқди. Мақоладан олинган бир парчани диққатингизга ҳавола этаман: «...Тошпўлат Ҳамиднинг «Тилла дарвоза» асари кейинги йиллар ўзбек дostonчилигининг ютуқларидан бири бўлиб, унда бугунги кишиларимизнинг бунёдкорлиги кағта муҳаббат билан мадҳ этилган.

«Тилла дарвоза» —ҳозирги кунларимиз достони. Замондошларимиз бунёдкорликларини ўзида мужассам этган ёшлар достони. Чуқур мушоҳадалар ва ёрқин ҳислар, асримиз муаммоларини ва типик белгиларини ифодалаган дoston!». Катта устозим Воҳид Абдуллаев билан ҳамкорликда ёзилган, устозим Тошпўлат Ҳамиднинг «Тилла дарвоза» достони таҳлилига бағишланган бу мақола шахсий архивимда икки устоздан хотира рамзи сифатида авэйлаб сақланади.

Устоз мунаққид ва атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг «Замон – Қалб – Поэзия» китобида Тошпўлат Ҳамид тўғрисида диққатга лойиқ шундай фикрлар айтилган: «Талантнинг ўсиши, гуркираб яшнаши учун энг зарур шартлардан бири – адабиётнинг манбаи, таянчи, илҳомбахш кучи бўлмиш реал ҳаётни, инсон, унинг психологиясини, характерини чуқур ўрганишидир. Шоир Тошпўлат Ҳамид буни яхши тушуниб куйлайдиган шоир». (Қаранг: Озод Шарафиддинов, «Замон – Қалб – Поэзия». Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1962. 101-бет).

Бундай ҳақиқий илмий хулосага келиш учун олим тадқиқ этаётган мавзусини, ўрганаётган объектини узоқ вақт кузатган ва синчиклаб ўрганган бўлиши лозим.

Тошпўлат Ҳамид ижодига тегишли бу фикр 1962 йилда босилган китобда баён этилганлигини ҳисобга оладиган

бўлсак, Озод Шарафиддинов Тошпўлат Ҳамид ижодини, асосан, газета, журналларда босилган шеърлари асосида ўрганганлигининг ва унинг ижодига хос муҳим фазилатларни илғаб олганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунки шоирнинг биринчи шеърлар тўплами кейинроқ нашр этилган эди.

Озод Шарафиддиновнинг яхши илғаб ёзганидай, талантнинг вояга этиб, шаклланиши учун бошқа мансабдорлар қатори ҳаётни чуқур ўрганиш, уни яхши билиш, унинг ичида яшаш ва ундан илҳомланиш муҳим аҳамиятга эга. Тошпўлат Ҳамид бу жиҳатдан ҳам катта тажрибага эга ижодкор эди. Ҳаётнинг у кириб-чиқмаган кўчаси, касб-кори, тортмаган азоби, қийинчилиги қолмаган. 20-йилларда туғилиб, 30-40-йилларда ёшлиги кечган кишиларнинг кўпчилиги шундай таржимаи ҳолга эгалиги маълум. Уч яшарлигида отасидан етим қолган, онаси (Ҳамробуви) Ширин қизи паноҳида ўсган бўлажак шоир босиб ўтган ҳаёт йўлининг ўсмирлик ва йигитлик даврлари ҳақида таржимаи ҳолида шундай ёзади: «... Мактаб таълимини Бўстонда олганман. 1943 йилда Максим Горкий номли ўрта мактабнинг ўнинчи синфини битирмаёқ бизни Бухоро давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига олиб келишган. Мен ўқиёлмай институтни ташлаб кетганман. Ўзимнинг колхозим— “Намуна”да табелчи, котиб бўлиб, Микоян номли мактабнинг бошланғич синфларида рус тили ўқитувчиси, меҳнаткашлар депутатлари Қизилтепа район ижроия комитети олдидаги физкультура ва спорт комитетига раис, кино механикка шогирд тушиб юрганман.

1945 йил уруш тугаши билан яна Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факултетига ўқишга келиб кирдим. Институтнинг оммавий-сиёсий ишларига актив қатнашиб, институт комсомол ташкилотининг аъзоси, оммавий ишлар секторининг мудирини вазифасига сайланганман», (Кўчирма бизнинг шахсий архивимизда сақланаётган «таржимаи ҳол»дан олинди).

Шоир «таржимаи ҳоли»нинг «Мен ўқиёлмай институтни ташлаб кетганман» деган жойига эътибор берадиган бўлсангиз, у шўхликдан, ўқишни истамаганидан эмас, балки уруш даврининг қийинчиликлари сабабли, яшаш оғир бўлганлиги учун ўқишни ташлаб, турмуш тебратиш йўлига кирган, яшаш учун ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларини кашф этганлиги маълум бўлади. Шундай киши, албатта, ҳаёт қонуниятларини яхши ўрганади ва умри давомида унга амал қилади.

Устозлар томонидан ёзилган эътирофлар ва тасдиқлар шоир Тошпўлат Ҳамид ижодининг юксалишига, шеърятининг республика бўйлаб қанот қоқишида катта аҳамият касб этганлигини таъкидлаш лозим.

Тошпўлат Ҳамид мумтоз шоирлардан исёнкор Машрабни, шоҳ ва шоир Бобурни, машҳур лирик шоир Фурқатни, эрк ва озодлик жарчиси Абдулҳамид Чўлпонни, бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжонни, ғазалсаро шоир Чархийни, рус шоирларидан Сергей Есенин ва Тютчевни, ёшлардан Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидовларни севиб ўқир, уларнинг ижодига катта муҳаббат билан қарарди. Энг яхши шоирлар ҳақида баҳс кетганда, шу шоирларни мақтагани мақтаган эди. Ҳали Чўлпон оқланмаган йилларда унинг шеърларини биз ёшлар Тошпўлат Ҳамид оғзидан эшитардик. У Чўлпон ҳақида ҳавас ва армон билан, тўлиб-тошиб гапирарди. Айниқса,

“Муҳаббатнинг саройи кенг экан,

Йўлни йўқотдим-ку,

Асрлик тош янглиғ

бу хатарлик йўлда қотдим-ку»-

байти билан бошланадиган «Қаландар ишқи» ғазалини, «Гўзал», «Мен ва бошқалар» каби шеърларини севиб айтар, хиргойи қилиб юрарди, У шеър ўқишда ҳам ибратли эди. Машрабга бўлган муҳаббатини «Машраб қалами», Ҳамид Олимжонга эътиқодини «Устоз», Фафур Ғулом, Абдулла

Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзодага бўлган ҳурмати «Зиёратгоҳ» шеърларида васф этади. Бобур, Фурқат, Ожиза, Чархий газалларига мухаммаслар боғлаб, адабиётимиз тарихидаги бу ҳаётбахш анъанага муносиб ҳисса қўшади.

Тошпўлат Ҳамиднинг қардош ёзувчи, шоирлардан Жалол Икромийга, Берди Карбобоевга, Максим Танкка, Эдуардас Межелайтисга, Степан Шчепачев, Сергей Орлов, Файзулла Ансорий, Гулчехра Сулаймоновага ҳурмати баланд эди. Бу ҳурматни Б. Карбобоевга бағишланган «Карвонбоши», «Эдуардас Межелайтисга хат», «Файзулла Ансорийга» шеърларида, С. Шчепачев, С. Орлов, Г. Сулаймонова шеърларини қилинган таржималарида ифода этди. Тошпўлат Ҳамид бадий ижодда эришган ютуқларда ана шу қардош ёзувчи ва шоирларнинг ҳам ўзига хос улуши борлигини унутмаслигимиз керак.

Булардан ташқари, Тошпўлат Ҳамид умрининг кўп қисмини тенгдошлари орасида ўзидан беш-ўн ёш катта ёки кичик, адабиётимизнинг иккинчи ва учинчи авлоди саналган шоир ва адиблар ўртасида ўтказди. Тенгдошлари ва адабиётимиз иккинчи авлоди эришган ютуқлардан хурсанд бўлди, улардан сабоқ олди ва улар билан бирга ижодий муваффақиятларга эриша борди. Адабиётимиз иккинчи авлоди вакилларида, айниқса, Асқад Мухтор, Шухрат, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом билан, тенгдошларидан Одил Ёқубов, Зоҳиджон Обидов, Душан Файзи Зарафшоний, Мавлон Икромов билан, учинчи авлоддан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиёва, Воҳид Самандаров, Нормурод Нарзуллаевлар билан яқин ижодий алоқада эди. Жумладан, Тошпўлат Ҳамид Асқад Мухторнинг фалсафий мушоҳадаларга бой, ўзига хос шаклга эга, вазмин, маънодор, таъсирчан шеърини таъсирида юрарди доим. Ана шу маҳлиёлик уни «Асқад Мухторнинг поэтик маҳорати» мавзуси устида тадқиқот иши олиб боришига, 1969 йилда шу мавзуда филология фанлари номзоди илмий даражасини

олиш учун диссертация ҳимоя қилишига олиб келди. Бу диссертация материали 1975 йилда «Кўшиқ қанотида» номи билан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида босилди. Шунга яқин ижодий алоқалар Шуҳрат ва Туроб Тўла билан бўлганлиги ҳақида ҳам мисоллар келтириш мумкин.

Тошпўлат Ҳамиднинг устозлари, тенгдошлари даврасида ҳам ўз ўрни, ўз қадр ва ўз овози бор эди.

Китобимизнинг «Устозлар ва тенгдошлар даврасида» қисмини шоирнинг Ҳамид Олимжонга бағишлаб ёзилган «Устоз» шеърдан олинган қуйидаги мисралар билан якунлашни мақсадга мувофиқ топдим. Зотан, бу шеърда устозларнинг Тошпўлат Ҳамидга бўлган муҳаббати ва маслаҳатлари Ҳамид Олимжон сиймосида ўзининг жамулжам ифодасини топган:

...Ердан олур бир сиқим тупроқ,
Дер: «Шогирдим, шу тупроққа боқ!».

Ақл сира қилмайди бовар,

Ҳар мисқоли олтин баробар,

Шу тупроқнинг қадрини билгин,

Ҳар заррасин сен кўшиқ қилгин!

Меҳнатсевар одамларни кўр,

Бирга бўлиб, ҳолу аҳвол сўр.

Ғиждувонда Зайнаб ва Омон,

Жавлон урар ёшлардай ҳамон,

Сен уларни кўшиқ қил элга,

Достон бўлсин меҳнати дилда.

Зарафшоннинг мавжларига боқ.

Ярақлайди минглаб шамчироқ,

Дарё бўйи кета кетган боғ,

Ёш ниҳоллар ёзади япроқ,

Узоқларга тикилар қувноқ,

Кўзлар сузук, сочлар қўнғироқ,

Атиргуллар этар маҳлиё,
Жаҳон бўлур юрагига жо,
Неларнидир кетади ўйлаб,
Шивирлайди лаблари кунлаб,
Яна кетар завқларга тўлиб.
Ва дер менга у аста кулиб:
«Шогирд бўлсанг, унутма асло,
Халқ ичида бўлгин доимо,
Дил нозикдир, этказма озор,
Доим бўлгин камтар, хокисор».

КЎПРИК

Тошпўлат Ҳамиднинг «Кўприк» деб номланган машҳур шеъри бор. Бу шеърида шоир ҳаётдан кўпни кўрган, кўп нарсаларни билган, умрини эл-юрт хизмати йўлига сарфлаган тажрибали, тадбиркор, донишманд, меҳнаткаш пири бадавлат, нуруний оқсоқолларимиз образини яратади. Шундай маънодаги мукамал образни яратишда шоир кўприк тимсолидан маҳорат билан фойдаланади. Шоир пири бадавлат, тиниб-тинчимас хонадонларининг оийи ва қуёши саналган отахонларимиз ва онахонларимизнинг ўзига хос қиёфаси ва хусусиятларини, фазилатларини «Нор хола», «Жабай ота», «Қампирлар» каби шеърларида яратишда маҳорат кўрсатганлиги шеърхонларга маълум. Аммо 1962 йилда ёзилган «Кўприк» шеъри фалсафий умумлашмаларга бойлиги, мажозий образ асосида яратилганлиги ва ҳаётбахш ғоя билан суғорилганлиги учун алоҳида аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бу шеърда кексаларимизга хос шарқона хусусиятлар ва фазилатлар ўзбекона миллий руҳ ва психология, ворисларга фидойилик ва ғамхўрлик ўзгача бир оригиналликда ифода этилган.

Устоздан бу шеърнинг ёзилишига сабаб бўлган омиллар ҳақида сўраганимизда, Республикаимизда, вилоятимизда

Ватан ва халқ ғами билан яшаган Қаюм Муртазоев, Нишон Бозоров, Ҳабиб Абдуллаев, Мухтор Ашрафий, Олим Хўжаев, Иброҳим Мўминов, Файзулла Юнусов, Шароф бобо Ҳамроев, Шарофат Баракаева, Шоди Комилов, Қосим Қобилов (уларнинг жойлари жаннатда бўлсин) каби кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти бу шеърнинг яратилишида асос бўлганлигини айтар эдилар.

Чиндан ҳам шундай эди. Юқорида номлари эҳтиром билан тилга олиб ўтилган кишилар туфайли республикамиз саноати, қишлоқ хўжалиги, фани, санъати, маданияти ривож топганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга минг йиллик орзу – истиқлолга эришишимизда, шу кунги раҳбар кадрлар ва бошқа соҳалардаги ишбилармон ходимларнинг тарбияланиши ва камол топишида улар кўприк вазифасини ўтаганлари рост. Қизил империя тузумидан бугунги янги тузумга ўтишимизда бу кўприкларнинг ва бу кўприклар орқали ҳозирги тузумга ўтишимизда фидоийлик қилган кишиларнинг роли катта бўлди.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, Тошпўлат Ҳамид ҳам шундай кўприклардан бири эди. Унинг ардоғида ўсиб-улғайганларнинг, ундан баҳраманд бўлиб яшаганларнинг сон-саноғи йўқ. У нажотталаб, ҳимматталаб, кўмак тутинадиганларнинг, муҳтожлик сезганларнинг кўпчилигига елкасини тутиб беришга тайёр турарди. Айниқса, ижодий, илмий, маданий соҳага тегишли бўлган кишилардан жонини аямасди.

Кекса ғазалхонлар Шариф Нурхон билан Ғиёс бобо Саидовларнинг ҳам, ёш ижодкорлар Жаҳонгир Исмоилов билан Марям Турдиеваларнинг ҳам, Тошкентдан, Москвадан, Душанбедан келадиган меҳмонларнинг ҳам, вилоятдаги маданий-оқартув ишларининг ҳам, туғилган қишлоғи бўстонликларнинг ҳам ташвиши унинг елкасида эди. Кимгадир уй олиб беришга, кимгадир китоб чиқаришга, кимгадир ишга жойлашишга, ўқишга киришга, кимнингдир

муҳаббат можаросини бартараф этишга, ишига кўмаклашишга вақт топар, ўзини бурчли ҳис қилар эди. Одам йўқ эдики, Тошпўлат Ҳамид раҳбарлик қиладиган ёзувчилар уюшмаси идорасига бош урмаган бўлса. У кун бўйи идорасида бўлиб, одамлар ташвишини енгиллатишга ҳаракат қиларди.

Тошпўлат Ҳамид бизнинг оиламиз оғирини енгил қилишда, ўғилларим, қизларимнинг тўйларига бош бўлишда, олий таълим олишларида менга ҳам катта ёрдам берганлигини мамнуният билан қайд этишга тўғри келади.

Қизилтепа туманининг собиқ ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Турсунпўлат Фатуллаев билан бўлган бир суҳбатимизда тумандошимиз Тошпўлат Ҳамид ҳақида гапириб:

— Менинг институт тарих факултетига кириб ўқишимда домланинг ҳиссалари катта бўлган. У киши мендан ўзбек тили ва адабиёти фанларидан кириш имтиҳонлари олганлар. Мени мақтаб-мақтаб, иншога «4», оғзаки имтиҳонимга «5» кўйганлар. Оғзаки имтиҳондан Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърини айтганим ҳозир ҳам эсимда. Домла, биласиз-ку, ўша пайтларда конкурс бўлганлиги учун асосий фанлардан «4» ва «5» баҳоси бўлмаган абитуриентлар институтга қабул қилинмас эди. Тошпўлат Ҳамиднинг эътиборлари билан ўқишга кирдим. Ўқиш йилларида ҳам меҳрларини мендан узмадилар. Ҳол-аҳвол сўраб турдилар, Домлаларимни кўрганда, мени мақтаб кўярдилар. Шу баҳонада мени уларга таништириб кўйган бўлсалар керак. У киши билан қизилтепалик бўлишимиздан, раҳматли ойилари билан менинг онам бир қишлоқдан бўлганликларидан бўлак яқинлигимиз йўқ. Мен ватандош Тошпўлат Ҳамиднинг руҳи поклари олдида ўзимни ҳамиша қарздор ҳис қиламан, - деганди.

Бўстонда Ҳусенжон деган киши бор. Тошпўлат Ҳамиднинг ёрдами билан 60-йилларда пединститутнинг филология факультетида ўқиб, олий маълумотли бўлганлардан бири. Тошпўлат Ҳамид табиатига хос хусусиятлардан бири

шунда эдики, у танишган одами билан у ёши каттами, арбобми, оддий одамми қатъи назар ака-укадек, ундан ҳам яқинроқ бўлиб кетарди. Кўнгилдаги гапини, сир-асрорини ундан яширмасди. Жумладан, Ҳусенжон билан ҳам шундай маънодаги дўст эди.

1960-1962 йилларда Тошпўлат Ҳамид СССР Ёзувчилари уюшмасининг икки йиллик олий адабиёт курсида ўқиди. Ўшанда талаба Ҳусенжонга хат ёзади. Хатда шоирнинг ҳаёти, адабий фаолияти, шунингдек, беғубор ва очиқ табиатига тегишли ўринлар борлиги учун хатнинг айрим ўринларидан парча келтирамиз. Даромзди суҳандон кейин шоир Ҳусенжонга шундай ёзади: "...Соғлигимни сўрабсиз. Кўп китоб ўқишдан, ишлашдан бўлса керак, асабларим бироз бўшашибди. Қон босими пасайган. СССР Ёзувчилар союзининг махсус поликлиникасида йигирма кунча даволандим, 16 мартаба электр ёқа ва ўн дона (ҳар қадаганда икки ампуладан) витамин В-1 қабул қилиб, бироз ўзимни тузатиб олдим.

Ҳозир лексияларга қатнашяпман, отдайман. Келганимдан бери (феврал ойи) 250 йўлдан иборат "Онаизор" деган дostonча ёздим. Яқинда «Бухоро ҳақиқати» газетасида босилган парчани ўқигандирсиз. Онда-сонда пьесага ҳам мурожаат қилиб турибман. Ижодий ишларим шундан иборат...

Яхши ўқинг, мендан Мустақим акага, Алиев домлага, Абдурахмон Зариповга, шунингдек, амма, язналарга, ойингиз бўлсалар, ойингизга кўпдан-кўп салом айтинг..." (1962 йилнинг 21 мартада Москвада ёзилган ва Ҳусенжонга жўнатилган хат қўлёзмаси бизнинг шахсий архивимизда сақланади).

Дил изҳорини хатга бундай ҳолда ёзиш учун Тошпўлат Ҳамиддай очиқ кўнгил, бағрикенг, самимий, дарёдил бўлиш керак. Назаримда, кўприк табиатли одамлар шундай бўлсалар керак.

Тошпўлат Ҳамид кекса ғазалхон Шариф Нурхонни элга танитишда, унинг шеърларини вилоят, республика матбуотида чиқаришда катта ҳисса қўшганлигини, йилт этиб кўзга

кўринган ёш ижодкорларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб, уларнинг кўлёмаларини ўқиб, таҳрир қилиб, газета-журналларга тавсия этганлигини, Темир Ғаниев, Муҳаммад Шаропов сингари ногиронларни ўқитиш ва шеърӣ қобилиятини тарбиялашда меҳр-оқибат кўрсатганини яхши биламиз.

Пешку туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида Муҳаммад Шаропов деган ногирон йигит яшар эди. У шеър ҳам ёзарди. 1992 йилда унинг «Ишқли умрим» номли шеърлар тўплами «Камалак» нашриётида нашр этилди. Муҳаммад Шаропов шеърларини Тошпўлат Ҳамидга юбориб турган. Унда истеъдод борлигини сезган шоир Муҳаммаднинг уйига бориб, хабар олиб турган. Тўшақда ётган Муҳаммаднинг шеърларини ўзи таҳрир қилиб, «Бухоро ҳақиқати» газетасида бостириб турган. Ногирон йигит М. Шаропов шоирдан олий маълумот олишига ёрдам беришини сўраган. Тошпўлат Ҳамид вилоят ўрта ва олий, таълим бўлими бошлиғини, институт ректорини рози қилиб, унинг уйига мен бошлиқ кириш имтиҳони олувчи тўрт кишидан иборат комиссия аъзоларини юбориб, имтиҳон олдиртирганди. Муҳаммаднинг институт ўзбек филологияси ва чет тиллари факултети сиртқи бўлимига ўқишга кириб, ўқишини таъминлади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси, муҳаррир ва ношир, публицист ва ёзувчи Умид Сатторов ҳам Тошпўлат Ҳамиднинг шогирдларидан бири. Шоир Умид Сатторовни ўқувчилик йилларидан бошлаб ўз нигоҳи остига олиб, талантининг шаклланишида, ўсиб, нашъу намо топишида доимо ғамхўрлик қилганлиги маълум. Айниқса, Умид Сатторовнинг юқори лавозимларга кўтарилишида, раҳбар ходим сифатида ишлашида, журналист сифатида обрў қозонишида Тошпўлат Ҳамиднинг ҳиссаси катта. 1979 йилда Тошпўлат Ҳамид Бухоро вилояти партия қўмитасининг мафкуравий ишлар буйича котиби лавозимида кўтарилди. Шунгача у 1969 йилдан бошлаб «Бухоро ҳақиқати» вилоят газетасининг бош муҳаррири вазифасида ишлаб келарди. Тошпўлат Ҳамид

вилоят партия қўмитаси котиблигига сайлангандан кейин бир неча кун ижодий ходимлар ўртасида газетага ким муҳаррир бўлар экан, деган фикрлар айланиб юрди. Ниҳоят, газетага Умид Сатторов муҳаррир этиб тайинланди. Шунда мен, бошқа кўпгина кишилар ҳам Тошпўлат Ҳамид тутган йўлга қойил қолдик. Чунки Умид Сатторов шунгача Ғиждувон туман газетаси «Колхоз ҳақиқати» (ҳозирги «Ғиждувон ҳаёти»)да, Навоий тумани «Коммунизм учун» (Ҳозирги «Навоий овози»)да масъул котиблик, Қизилтепа туманида чиқадиган «Қизил тонг» газетасида муҳаррирлик қилган, Қизилтепа туман партия қўмитаси мафкуравий ишлари котиби, Бухоро вилоят партия қўмитаси ходими (йўриқчиси) лавозимларида ишлаб, журналист ва сиёсий раҳбар сифатида шаклланган эди. Ўша давр талаби бўйича бош муҳаррир бўладиган киши шундай тарздаги ҳаёт босқичларини ўташи керак эди. Умид Сатторов аввал «Бухоро ҳақиқати» газетасида, Навоий вилояти Бухоро вилояти таркибидан ажралиб чиққандан кейин «Дўстлик байроғи» вилоят газетасида бир неча йиллар ҳалол меҳнат қилиб, устозининг ишончини оқлади. Кейинги саккиз йил (1990 йилдан 1997 йил охиригача) давомида «Қизил тонг» газетасида муҳаррирлик қилиб, шу ердан катта обрў-эътибор билан нафақага чиқди. Ҳозир ҳам жўшқин ижодий ишлар билан банд. Устоз Тошпўлат Ҳамиднинг ижодкорларга ғамхўрлик анъаналарини изчиллик билан давом эттирмоқда.

Укам Раҳимжон Мақсудов Қизилтепа тумани газетаси «Қизил тонг»да муҳаррирлик қилган 70-йилларнинг охирида ҳар келганида газета чиқаришда қийналаётганлигини, тумандаги полиграфия, яъни матбаачилик базаси ҳозирги талабга жавоб бера олмаслигидан шикоят қилар эди. Газета ишини яхшилаш учун офсет усулидаги босмаҳона ташкил этиш лозимлигини айтарди. Ниҳоят, у шу ишга қизгин киришиб, Тошкент — Бухоро — Тошкент орасида кўп қатнади. Айрим ишлари юришса, айримлари юришмай қолди, Лекин асло бўш келмади. Иши Тошкент билан юришмагандан кейин

обком котиби Тошпўлат Ҳамид қабулига кириб, у кишидан мазкур масалани ҳал қилишга ёрдам беришларини сўраган. Обком котиби вилоят номидан Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитасининг ўша вақтдаги бошлиғи Зиёд Эсенбоевга кўнғироқ қилиб, Қизилтепадаги босмахона аҳволини тушунтирган ва у ердаги матбаачиларни офсет усулидаги янги ускуналар билан таъминлашни сўраган. Укамнинг айтишича, шундан кейин унинг иши юришган. Республика туманлари ичида биринчилардан бўлиб Қизилтепада офсет усулидаги босмахона ташкил қилинган. Ўшанда устоз Тошпўлат Ҳамиднинг эътибори, кўмаги билан Қизилтепа тумани янги усулдаги босмахонага эга бўлди. Бугунги кунда бу босмахона кўпчилик хизматида.

Яхшидан шарофат, дегани шу бўлса керак.

Тошпўлат Ҳамид ўқитган муаллимларини, ижодига раҳнамолик ва ҳомийлик кўрсатган устозлари ҳурматини ҳамиша жойига қўя биларди. Тошкентга борса, албатта, филология фанлари доктори, профессор Маҳмудали Юнусовнинг уйларига кириб, ҳол-аҳвол сўрарди. Маҳмудали Юнусов Бухорога келсалар, уйига чорлаб, дастурхон ёзиб меҳмон қиларди. Шаҳар, туманларга олиб чиқиб, ҳафталаб бирга олиб юрарди. Академик Воҳид Абдуллаевни ҳам бошига кўтарарди. Бухорода бўладиган анжуманларга, катта адабий йиғинлар, юбилейлар, учрашувларга даъват этарди. Алломаи замон Бухорога келиб, кетгунларича хизматларида бўларди. Филология фанлари доктори, профессор Саид Алиев билан ҳам ҳамкор, ҳамнафас, ҳамфикр эди. Таълим берган ўқитувчисига бўлган ҳурматини, муҳаббатини 1976 йилда ёзилган «Ҳовли» деган шеърда шундай ифодалаган:

Кириб бу ҳовлига

Устоз сиймони кўриб қолдим.

Китоблар ичра шўнғиб.

Ўзга дунёни кўриб қолдим

**Захириддин Бобурдек
Донони кўриб қолдим.
Амир терисини шилган
Саҳбони кўриб қолдим.
Бухоромизда йўқ бир зот,
Анқони кўриб қолдим.
Бу ҳовли менга таниш.
Бунда мен меҳригиёҳ кўрдим.
Қулоқ тутдим ва устозим
Сўзларидан чиқмайин юрдим.
Китобни дўст тутиб,
Ганж-у хазинага юзим бурдим,
Ғазаллар ёздим-у, сўнгра
Ғазалнинг кайфини сурдим.
Бу ҳовли саҳнида гуфтор
Маънони кўриб қолдим,
(Қаранг: Тожи Қораев. Саид Алиев. Бухоро—1995, 35-бет).**

Ижодий раҳномолари Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзодага бўлган хурматини «Зиёратгоҳ» шеърида ифода этган Тошпўлат Ҳамиднинг бундай хайрли ишларга кўп қўл урганлиги, замондошлари ҳожатини чиқариш учун умри давомида елиб-югурганлиги, қўли қисқа одамлар учун кўприк вазифасини бажарганлиги тўғрисида яна мисоллар келтириш мумкин. Аммо шулар ҳам етарли бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Шоир «Кўприк» шеърида ёзганидай ҳамон:

**Суз устида кўприк турар букчайиб,
Гўё бели ёй – букилган кекса чол
Тўлқинлар ҳам тебратолмас чол.
Тўлқинлар ҳам тебратолмас кучаниб,
Юк кўтариб бардам турар алл мисол,
Суз устида кўприк турар букчайиб**

Гоҳи уни босиб ўтар одамлар.
Уйинқароқ гўдаклар ҳам улғайиб,
Йиллар ўтса шу йўл билан қадамлар,
Сув устида кўприк турар букчайиб
Гоҳи унга биз бермаймиз эътибор.
Кўпни кўрган, ҳали у зўр ва чайир,
Сукут сақлар, сукутида бор .

(Қаранг: Тошпўлат Ҳамид. Манзил, Тошкент Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 28-бет),

Кўприклар омон бўлсин, ўтганларини худо ўз паноҳига олсин, жойларини жаннатда қилсин, ҳаётларига соғлиқ-саломатлик берсин, умрларини узоқ қилсин, илоҳим!

ВАТАН – САЖДАГОҲ

Она ерини, она элини севмаган шоир дунёда бўлмаса керак.

Дунёда қанча шоир ўтган ва яшаётган бўлса, унинг катта дарди, сўнмас муҳаббати ҳамда бош мавзуси шу муқаддас тупроқ, шу она эр, шу она элдир. Чунки ҳадиси шарифда айтилганидай «Ватанни севмак—иймондандир». Демак, имонли кишилар Ватанни севадилар. Ишончли, эътиқодли одамлар имонли бўладилар. Ишонч, эътиқод тарбия орқали шаклланадиган ижтимоий ҳодисадир. Шоирлар шундай кишилар гуруҳига кирадилар.

Улар иймони бақувват инсонлар ҳисобланадилар. Ижодкорларда она ер, она Ватан тушунчаси бошқаларга нисбатан кучли бўлади. Шоирлар Ватанни саждагоҳ ҳисоблайдилар. Унга сиғинадилар, уни тавоф этишни бахт деб биладилар. Ватан уларга илҳом манбаидир.

Тошпўлат Ҳамид ҳам Ватанни саждагоҳ деб биладиган, ундан илҳомланадиган, унга сиғинадиган шоир эди. Умри бўйи Ватанига маҳлиё бўлиб яшади. Уни она юрти, она

элидан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. У дастлабки шеърларидан бошлаб, сўнгги шеърларигача шу юрт, шу элни куйлади. 40 йиллик ижодий фаолияти давомида яратилган сара мисраларини, шеърларини шу Ватан мадҳига бағишлади. Агар Тошпўлат Ҳамид шеъриятида қайси мавзу кўп қаламга олинган ва илҳом билан куйланган, деган савол туғилса, бу саволга ҳеч иккиланмай, Ватан мавзуси деб жавоб беришдир. Агар шоирда шу туйғу кучли бўлмаганида шоир бўлиб туғилмаган бўларди. Муҳими шундаки, бу муқаддас туйғуни унинг мурғак қалбига она сути билан бирга Оллоҳнинг ўзи пайдо қилган эди. Оллоҳ инояти билан пайдо бўлган бу туйғу кейинчалик у яшаган ва кўрган тарбия таъсирида шаклланиб вояга этди. Сархил, ширин мевалар берди.

Тошпўлат Ҳамид жаҳонга машҳур Зарафшон дарёси қирғоғида жойлашган исми жисмига монанд бўлган Бўстон қишлоғида туғилиб, вояга этди. Бу қишлоқ атрофидаги ҳар гўша, ҳар сиқим тупроқ, ҳар хонадон ҳавас қилса арзигулик гўзаллик масканлари бўлиб, ер юзининг жаннати ҳисобланади. Бу жаннат эса қадимий ва навқирон ер жамоли кўрган кишики ўзига мафтун этмасдан қолмайди.

Бир кўрсангиз, бир умрга ошиғи бўлиб қоласиз. Тошпўлат Ҳамид ҳақида қалам сурган улуғлар шу боисдан бўлса керак, унинг қишлоғи васфини ҳам ҳеч қачон унутмайдилар. Жумладан, машҳур тожик ёзувчиси Жалол Икромий шоир туғилган қишлоғи Бўстон ҳақида шундай ёзади: «Қишлоғингизнинг номи Бўстон эканлигини яхши биламан. Бу қишлоқ Зарафшон дарёси соҳилида жойлашган бўлиб, устод Айний таваллуд топган Хўжа Соктаре билан юзма-юз жойлашгандир. Зеро, шу замин, шу муҳит, табиати зебо шу маскан илҳомга кон, нозик туйғулари истеъдодли шоир ва ёзувчиларни тарбиялаб, етиштирадиган маъводир. Чунончи, Шероз тупроғи, Хўжа Ҳафиз Шерозий, Шайх Саъдий каби буюкларни дунёга ҳада қилган бўлса, Зарафшон дарёси

соҳилларининг тупроғи ажойиб шоирлар, қалами ўткир ижодкорларни вояга этказгандир». (Қаранг: «Зарафшон булбули», «Дўстлик байроғи» газетаси, 1984 йилнинг 12 майи).

Биргина Бўстон қишлоғи эмас, бутун Зарафшон, Сурхон, Қашқадарё, Фарғона, Аму воҳаси – Ўзбекистон замини чиндан ҳам ёзувчи айтгандай, жаннатмакон ўлка, жаҳонга буюк истеъдодларни ҳаётига этган тенгсиз юрт. Шундай юртда туғилиб, ўсишнинг ўзи инсон учун олий бахт ҳисобланади. Тошпўлат Ҳамид шундай бахт соҳиби эди. Шу бахтни куйлаш унинг эзгу мақсади саналарди. У бутун онгли ҳаётини шу эзгу мақсадини куйлашга қаратди. Бир қадар муваффақиятларга эришди.

Бўстон, Қизилтепа, Бухоро, Ўзбекистон – шоирнинг илҳом манбаи, қувончу шодликларининг боиси. Уни шоир қилиб етиштирган, қўлига қалам тутқазган, машҳур қилган куч ҳам шу чаман, шу гулшан, шу боғ, шу жаннатдир. Бу ҳаётининг ҳақиқатни шоир ижодининг дастлабки босқичида ёзилган шеърларида ҳам эътироф этган. 1953 йилда ёзилган уч банддан иборат бир лирик шериди шоир бу тўғрида шундай ёзади:

Қўлимга саз тутқазди ўлкам,
Қўшиқ бўлди ҳамроҳ бир умр.
Қўшиқ билан Ватаним кўркам,
Қўшиқ айтиб қиламан хузур.

(Қаранг: Тошпўлат Ҳамид. Манзил. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил, 4-бет. Бундан кейин келтириладиган шеърининг парчалар ҳам шу тўпламдан олинади ва остида қавс ичида бети кўрсатилади).

Бу шеърдан тўрт йил кейин ёзилган «Қишлоқ йўлида» шеърини шоир она ер, қадрдон қишлоқ, муқаддас Ватанига

бўлган фарзандлик муҳаббатини, қасамини сатрларига қуйидагича жо этади:

Шундай дейман:

– О, она ер, ҳеч туймайман меҳрингга,

Киндик қоним сенда оққан,

бағрингда кўз очганман.

Посбонингманг, боғбонингман,

доим шайман амрингга,

Болалик чоғимданоқ шундай

қасам ичганман.

(8-бет)

«Қишлоқ йўли»да шеърда шоир туғилган она ерни бир умрга қуйлашга қасам ичган бўлса, шундан кейин яратилган шеърларида бу қасамга амал қилади. Юқоридаги икки шеърда она ер, Ватан тушунчаси бир қадар умумий ва бироз мавҳум тарзда ифода этилган бўлса, улардан кейин яратилган «Тўтиё тупроғинг кўзимга суртиб...», «Файзулла Ансорийга», «Қарши чўлидаги хаёллар», «Феруза оқшомлари», «Ерга сажда», «Тупроқ ўйини», «Самарқанд сайқали», «Зиёратгоҳ» шеърларида, «Қора кийик», «Тилла дарвоза», «Қувғин», «Мозорлар сотилмайди» дostonларида умумийлик, мавҳумлик ўрнини аниқлик, ўзига хослик эгаллайди. Шу жиҳатдан шоирнинг 1958 йилда ёзилган «Тўтиё тупроғинг кўзимга суртиб...» мисраси билан бошланадиган шеъри диққатга лойиқ. Жами 8 мисра, икки банддан иборат бу мўъжазгина лирик шеърда шоирнинг туғилган Ватанига бўлган оловли муҳаббати ўз самимий ифодасини топиши билан бирга унинг шеърлятига хос услубий хусусиятлар, мавжлар ва ҳис-туйғулар ҳам яхши намоён бўлади. Шеърнинг лирик қаҳрамони ибратли фазилатлари билан шеърлят шайдолари қалбидан чуқур ўрин эгаллайди. Ўзидаги ватанпарварлик хусусиятларини китобхонга юқтира олиш қудратига эга. Ҳар бир бадий асардан кутиладиган муддао ҳам аслида шунда. Бу шеър Тошпўлат Ҳамид дастлабки шеърла-

ридан бошлаб, лирик шоир сифатида қалам тебратганидан далолатдир:

**Тўтиё тупроғинг кўзимга суртиб,
Дунёни кўролган ўғлинг—эркангман,
Ҳар қарич еринг-чун, эй, она юртим,
Жангларда мардона кўкрак керганман.**

**Меҳри зўр бағрингни севмай бўлурми?
Қалбимда куй қайнар сенинг шаънингга.
О, диёр! Тупроғинг зарми, биллурми?
Ҳеч юрт тенг келурми, Сен— Ватанимга!**

(13-бет)

Қанчалик дилбар лирик шеър бўлишидан қатъи назар, бу шеърда ҳам конкрет Ватан тушунчаси, ундан фахрлиниш ҳисси ҳали етишмайди.

Бошқа бир лирик шеърда «Водий нафасидан гул ҳиди келар, ўлкада кезади баҳор – келинчак» каби адабий топилмаларни яратган шоир ниҳоят «Файзулла Ансорийга» деб номланган шеърда Ватан тушунчасини, ҳиссини ёрқин ифодалаш бахтига эришади. Энди у Ватан тимсоли сифатида Зарафшон дарёси қирғоқларини, Бўстон қишлоғини, шу заминга хос тенгсиз тароватни, жўшқин ҳаётни, яратувчи ижодий меҳнатни, тенгдошларини тушунади. Илҳомининг манбаи шулар эканлигини бу шеърда васф этади. Бу шеър аслида шеърхон, шоир, шеър ҳақидаги асар бўлиб, шулар воситасида Ватанга муҳаббат масаласи шеърятнинг манбаи деган кўҳна, аммо ҳамиша навқирон тушунча янгича талқинда ўз гўзал ифодасини топган.

Савол-жавоб усулида ёзилган шеърда берилган саволга шоирнинг жавоби қуйидагича:

**- Лолаларнинг ол рангида, дедим, дедим,
Тўрғайларнинг оҳангида менинг шеърим,**

Подаларнинг яйловларда яйрашида
Булбулларнинг тонгда «чаҳ-чаҳ» сайрашида,
Зарафшоннинг мавжларида менинг шеърим,
Ҳофизларнинг авжларида менинг шеърим,
Бўстониمنىнг файзли, толзор йўлларида,
Олмаларнинг гулларида менинг шеърим,
Ўйнаб-ўсган далаларда юрар кезиб,
Муштоқ дилим турар бугун шуни сезиб:
Ўзим униб-ўсган азиз чўли қирда!

(25-бет).

Бу шеър шунчалик самимий ёзилганки, уни ўқиган ҳар бир шеърхон кўзи олдида ўзи туғилиб ўсган она қишлоғи, қадрдон далалар кишини маҳлиё қиладиган табиат манзаралари жонли жилваланади, шундай сеҳрли маъвода туғилганлигидан хурсанд бўлади. Унда туғилган юртига бўлган муҳаббат ҳиссини уйғотган, тарбиялаган ҳассос шоирга тасаннолар айтгиси келади.

1960 йилда ёзилган бу шеърдан кейин Тошпўлат Ҳамид шеъриятига ўзи туғилган юрт мадҳи бу юртга муҳаббат ғояси қуюқ образлар, рангли буёқлар билан кириб кела бошлади. Бу мавзу ва ғояни шоир ҳар бир шеърида дostonида бир қиррасини очишга интилса, баъзан мукамал ҳолда, ҳавас қилса арзигулик тарзда ҳам ифода этишга муяссар бўлади. Агар «Ёз оқшомлари» шеърида яна гўзал Зарафшон дарёси, Бўстон қишлоғини фахр билан тилга олса, туғилган жойини кўз қорачиғидай севишини, асрашини ёзса, «Ерга сажда» шеърида эса она заминга сажда қилиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчи эканлигини, чунки бугунимиз ҳам, эртамиз ҳам шу замин тақдири билан боғлиқ эканлигини куйлайди. Унинг ер саждагоҳ, она замин муқаддас, деган умумбашарий ғояни илгари сурувчи бу шеъри ҳар бир китобхон қалбида юртга муҳаббат оловини ёқувчи мисраларга бойлиги билан диққатни тортади:

Оловингмас, меҳринг билан
Пиширгансан ошимни,
Она замин!
Сажда қилай.
Сенга қўйиб бошимни.
Гардларингни кўзга суртай,
Қайтишим бор гард бўлиб...
Сенинг учун курашларга
Отланганман мард бўлиб!

(41-бет).

Она ерга, муқаддас тупроққа муҳаббат ғояси шоирнинг «Тупроқ ўйини» шеърида янада ўзгача тарзда ўз ифодасини топган. Шоир ўғли Жунайдуллага бағишлаб ёзилган бу шеърида оддий ҳаётини воқеадан катта фалсафий умумлашма чиқарган. Ибратомуз миллий характер яратган. Ватанга муҳаббат ҳисси олий ҳис эканлиги, бу ҳис авлоддан авлодга ўтадиган меросий мулк эканлиги бу шеърда жозибали тарзда тараннум этилган. Бу ҳисни ардоқлаш, авайлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканлиги шеърда ўзининг етук бадий ифодасини топди! Ҳаётини мавзу ёзилганлиги, умумбашарий ғояга йўғрилганлиги сабабли «Тупроқ ўйини» шеъри ўзбек поэзиясининг хазинасидан мустаҳкам ўрин олди. Бу шеър ҳар бир ватанпарварнинг ўзлигини англашида, она юртини бегоналардан муҳофаза этишида катта аҳамиятга эга.

Мана, унинг дастлабки қисми:

Болаликда кўча бошида
Ўйнар эдим ҳар куни тупроқ.
Меҳригине кўриб чошида,
Ясар эдим қумдан девор, тоғ.
Сиқимимга чўзилса ёт қўл,
Қўнғир сочим бўларди найза.
Бегонага бермас эдим йўл,
Бегоналар дердилар—қайсар!

— Йўқ, йўқ, бермам менинг

тупроғим...

Ўзни ташлаб, олардим қучиб.

Бугун эса, кўзим кароғи

Феълим сенга ўтибди кўчиб...

(Қаранг: Тошпўлат Ҳамид. Менинг асрим. Тошкент, бадиий адабиёт нашриёти, 1965, 7-бет).

Шу шеърни ҳар доим ўқиганимда, ота-боболаримиз хорижга чиққанларида керакли муҳим ашёлар қаторида бир сиқим тупроқ ҳам олиб кетганлари, жасадни ерга кўмганларида ҳовучларига бир сиқим тупроқ олиб, дуо қилиб, устига сепганлари, Ватан тупроғи учун бўлиб ўтган жангу жадаллар эсимга келади. Бир сиқим тупроқ бу—Ватан, ўзлигимиз, бугунимиз ва эртаимиз тимсоли эканлигига имон келтираман. Шоирнинг Бухоро ҳақидаги шеърларини ўқир эканман, унинг умр бўйи Бўстон, Қизилтепа, Бухоро вилояти меҳнаткашлари бахти-саодати учун, шу ерлар ободлиги учун куйингани, бу қадимий ва навқирон юрт шуҳрати, шаънини кўтариш учун нафақат шеърлари билан, балки кўп қиррали фаолиятига тегишли барча имкониятларни ҳам ишга солганлиги кўз олдимда намоён бўлди.

Тошпўлат Ҳамид чиндан ҳам Бухоро вилоятининг ватанпарвари сифатида бу элда бўладиган барча ташкилий-оммавий, адабий-маданий ишларга бош-қош бўларди. 50-йилларнинг ўрталаридан 70-йилларнинг охиригача Республика ёзувчилари уюшмаси Бухоро вилояти бўлимининг масъул котиби, шундан кейин 80-йилларнинг ўрталаригача, вилоят партия кўмитасининг мафкуравий ишлар буйича котиби сифатида Бухоро ва Тошкентда бўлиб ўтган декадалар, кувноқлар ва зукколар телекўрсатувлари, турли мавзудаги баҳсу мунозаралар, ёзувчилар билан бўладиган учрашувлар, адабий кечалар, шеърят давралари, уларнинг 50, 60, 70, 80 йиллик юбилейлари Тошпўлат Ҳамидсиз ўтмас-

ди. Шоир адабий-маърифий ишларнинг савияси, сифати яхши бўлиши, келиб-кетадиган адиблар хурсандлигини таъминлаш учун вилоятга тегишли имкониятларни ишга соларди. Кутилганидай тайёргарлик кўрилмаса, бу борадаги ишларни тўхтатмасди. Шу сабабли Бухоро вилояти намояндalари Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган қувноқлар ва зукколар телекўрсатуви (КВН)ларда доимо ғалаба қозонарди. «Солномаи Айний», Ҳамза, Ҳамид Олимжон йилликларига бағишланган илмий анжуманлар, уларнинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирган. Бу анжуманларни ҳамон фахрланиб айтиб юришимизда Тошпўлат Ҳамидга хос куюнчаклик аломатлари сабабчи эканлигини яхши биламиз.

Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд ёдгорлигининг, Лабиҳовуз ансамблининг таъмирланиши, Бухоро ўлкашунослик музейининг янги экспонатлар билан бойиши, Бухоро санъат музейининг ташкил қилиниши каби маданий-оқартув ишларнинг амалга оширилишида Тошпўлат Ҳамиднинг ҳам ўзига хос ҳиссаси борлиги аён. Булардан ташқари, Садриддин Айний номли мусиқали драма ва комедия театри фаолиятининг яхшиланишида, вилоятда тиббий, жисмоний маданият, матбуот ишларининг йўлга қўйилишига ҳам Тошпўлат Ҳамиднинг улуши бор. Бухоро ҳар бир соҳада пешқадам бўлиши, илғорлигини қўлдан бермаслиги унинг муроди эди. Шу муродни амалга ошириш учун у бор имкониятларидан фойдаланар эди.

70- ва 80 йилларда Тошпўлат Ҳамид ёзган шеърларида Бухоро, Бўстон васфи янада кенгроқ, янада жозибалироқ ва янада чуқурроқ ўз ифодасини топди. Бундай ижодий ҳолнинг юз беришида, албатта, шоир дунёбинлигининг кенгайганлиги, тажрибасининг ортганлиги, маҳоратининг ошганлиги сабаб бўлса керак. Шундай маҳорат маҳсули сифатида «Кенглик», «Диёр васфи», «Бўстон наволари», «Бухоро ҳақида

қўшиқ», «Афсона қўшиғи», «Гултошлар таровати» сингари шеърлари юзага келди. Ўзбек шеърятининг аруз ва бармоқ вазнларида ёзилган бу шеърлар маънан ва шаклан гўзаллиги билан диққатни тортади. «Кенглик» шеърида шоир шеърхонни катта ижтимоий фикрлари, фалсафий мулоҳазалари билан мафтун этса, «Диёр васфи» ғазалида:

Ватандир осмон, ёрқин ситора унда ҳар миллат,

Ки дўстлар юлдузин жамлаб, бошимга осмон айлай. -

каби таъсирли, равон мазмунли байтлар яратиб, унинг Ватанга бўлган муҳаббатини оширади «Бухоро ҳақида қўшиқ» ва «Гултошлар таровати» шеърларида 2500 йиллик юбилейи жаҳон миқёсида тантанали суръатда нишонланган Бухоро таърифу тавсифи қаламга олинган. Шоир катта меҳр ва самимий ихлос билан муҳаммас шеър шаклидан ўринли фойдаланиб, Бухорога бўлган сўнмас муҳаббатини равшан услубда ва халқона оҳангда ибратли ифода этган. Фикрларимиз исботи учун муҳаммаснинг иккинчи бандини диққатингизга ҳавола этамиз:

Гумбазлари ой, гоҳи қуёш бирла талашган,

Бўй чўзса минор учлари осмонга ярашган,

Ганж обидалар мисли чаман мрамор-у тошдан,

Тошларга чаман ҳусни кўчиб, ҳаддидан ошган,

Таҳсин эли ҳур, одими аллона Бухорога!

(108-бет)

Бухорои шарифнинг ибратли ўтмиши ва замонавий ҳаёти «Гултошлар таровати» шеърида ҳам ўз ифодасини топган. Бу шеърда шоир кўпроқ она шаҳрига бўлган фарзандлик муҳаббатини ифода этишга ҳаракат қилади. Шеърнинг сўнгги икки банди фикримиз далилидир:

Кимики бир қултум ичса сувингдан,

Қайтиб келар эмиш Маккатиллодан.

Мен севган шаҳарлар кўп бу Ватанда,

Аммо сен мен учун азиз дунёда.

**Бировга ишонмам, эшитдим ўзим,
Кезиб юрганлардан жумла-жаҳонни,
Бухоро деганда бутун ер юзи
Билишар юртимиз — Ўзбекистонни!**

(138-139-бетлар)

Тошпўлат Ҳамид Бухоройи шарифнинг фақат ўзиникигина эмас, балки унга тегишли ерлардаги дарёю кўлларини, сахрою чўлларини, боғу чаманларини, пахтазору бугдойзорларини, гулу гиёҳларини, бу жаннатмакон ўлкага тегишли барча жонли-жонсиз мавжудотларини севар, уларни қаламга олишни ўз бурчи деб биларди. Бутун умрини шу бурчни адо этишга сарфлади. Ҳатто ҳар бир йилнинг ўз хусусияти, ҳар бир фаслнинг ўзига хос таровати, ҳар бир воқеанинг ўз мазмуни, моҳияти борлигини билгингиз келса, Тошпўлат Ҳамид шеърларини, дostonларини ўқинг! Ватан деган муқаддас сўзнинг қадр қимматини билмоқни истасангиз, Тошпўлат Ҳамид асарларини ўқинг! Ватанга хизмат қилиш йўлларини изласангиз, Тошпўлат Ҳамид босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташланг! Шунда бу тенгсиз Ватан янада обод, фаровон ва гўзал бўлади!

Ўзбекистон халқ шоири Уйғун томонидан «Узоқни кўзлаб...» мақоласида ёзилган куйидаги фикрларни келтирмасак, китобимизнинг «Ватан—саждагоҳ» қисми ўз мақсадига эришолмай қолиши мумкин. Халқ шоири Уйғун бу мақолада, жумладан, шундай ёзади: «...Поэзия ихлосмандлари бу истеъдодли ижодкорнинг номини кўплаб газета ва журналларнинг саҳифаларида тез-тез учратиб турадилар. У бугунги поэзияга Бухоро мавзусини олиб кирмоқда.

Тошпўлат ёзган олти нафар шеърый китобнинг қай бирини варақламанг, унда аждодлар ақлу идроки билан яратилган асрий обидалар тирилади, ибтидо тилга киради. Қизилқумнинг ўзига хос суврати, жилвагар Зарафшон дарёси қирғоғидаги анвойи боғларнинг бўёқлари Сизни мафтун этади. У ўзи туғилиб ўсган ва ҳозир яшаётган Бухоросини,

Бўстон қишлоғини, у ердаги пахтакор, чорвадор, олтинтопарларни, ипаклари тиллодан дўппилари билан машҳур бўлган чевар қизларни, чўлларнинг обод бўлиб бораётганини, Аму билан Зарафшоннинг тутшиб кетишини зўр иштиёқ билан куйлайди. Шоир табиат манзараларини усталик ва маҳорат билан чиза олади. Ҳар бир шеърда бир янгилик кашф этиш учун тиришади. Аксарият мисралари қуюқ, бўёқли ва ибратли бўлади».

(Қаранг: Тошпўлат Ҳамид. Гумбазлар садоси. Тошкент. «Ёш гвардия» нашриёти. 1974 йил. 3-4-бетлар)

Ҳа, отахон шоир ҳақ, Қадимий ва навқирон Бухоройи шариф Тошпўлат Ҳамиддай шоири борлигидан сарбаланд. Мустақил она юртимиз Ўзбекистон ғазалхон фарзандидан рози. Эл ва юрти рози бўлган кишиларнинг умри абадийлик касб этади. Устоз Тошпўлат Ҳамид, Сиз ҳам шундай олий бахтга муяссар кишилардан бирисиз!

Илоҳо, руҳингиз доим шод бўлсин!

“БЎСТОН НАВОЛАРИ” (ТАҚРИЗ)

Яхши китобнинг ошиғи кўп бўлади. Бундай китоблар тез қўлдан қўлга ўтиб, халқ ўртасида катта шухрат қозонади, мухлисларини хурсанд этади, одамлар маънавий оламида маълум ўзгаришлар ҳосил қилади.

«Ёш гвардия» нашриёти шеър мухлислари диққатига ҳавола қилган «Бўстон наволари» мажмуаси ҳам шундай китоблар сирасига киради. Унинг олам юзини кўрганлигига эндигина, икки-уч ой бўлишига қарамай, у пахтакор ва ишчининг ҳам, олим ва муаллимнинг ҳам талаба ва ўқувчининг ҳам эътиборини қозонди, қалбига ноёб туйғулар ҳады этадиган китоблар қаторидан жой олди.

Маълумки, ўзбек халқининг бадиий адабиётга, хусусан, шеърый китобларга бўлган талаби жуда катта. Уларни ҳар

қандай китоб ҳам ўзига мафтун эта олмайди. Шундай экан, «Бўстон наволари» тўпламининг китобхонларни сеҳрловчи кучи нимада?!

Дастлаб шуни айтиш лозимки, «Бўстон наволари» шеърлар китобининг муаллифи Тошпўлат Ҳамид бунгача нашр этилган ўнлаб дилбар шеъррий тўпламлари билан «оқ олтин» диёри меҳнаткашларининг қалбини забт этган, ўнга яқин лиро-эпик асарлари билан дилини шод қилган нозик лирик, маҳоратли дostonнавис шоирларимиздан. Унинг шеърлари довруғи бугунги кунда Ўзбекистонимиз сарҳадларидан ошиб, хорижий мамлакатларда ҳам жарангламоқда. Дидли китобхон шоир танийди, шеър танлайди. Тошпўлат Ҳамид ўз китобхонларига эга бўлган ана шундай атоқли шоирлардан. У мухлисларининг дидини яхши билади, талабини чуқур англайди ва шуларни ҳисобга олган ҳолда ижод қилади.

«Бўстон наволари» китоби элга манзур бўлишининг асосий сабаби, бизнингча, унда қаҳрамон халқимиз дилидаги гапларнинг қаламга олиншида, уларни кучли пафос ва юксак самимият билан ифода этилганидadir. Булардан ташқари, «Бўстон наволари»да шоир ўзбек халқи маънавий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар хусусида фикр юритган. Халқимизнинг бунёдкор меҳнатини, чўлларни обод қилишдаги жасоратини, мамлакатимизни обод ва фаровонлаштиришдаги қаҳрамонликларини, эстетик оламида пайдо бўлган ўзгаришларни мадҳ этган. «Бўстон наволари» китоби нозик лирик кечинмаларга, тиниқ психологик тасвирга, нафис ва гўзал пейзажга, фалсафий фикрларга бойлиги, мисраларнинг раван оқиши ва ҳар бир сўзининг ҳузурбахшлиги билан ҳам шеърхонни мафтун этади.

«Бўстон наволари»га Тошпўлат Ҳамиднинг кейинги йилларда яратган турли жанрдаги шеърлари жамланган ва у шоирнинг туғилган қишлоғи шаънига бахш этилган.

Ҳа, шоир жонажон Республикаимизнинг ана шу исми жисмига монанд, тенгсиз Бўстон қишлоғи, унинг доно,

бунёдкор, тадбиркор, қаҳрамон, ҳимматли кишилари тимсолида бутун Ўзбекистоннинг кун сайин обод бўлаётгани, зеболашаётгани, одамлари маънавий оламида, турмуш маданиятида катта ижтимоий сифат ўзгаришлари рўй бераётганини фахр, ғурур билан шеърга солади, ўзининг бу улкан ўзгаришлардан ҳосил бўлган ҳис-ҳаяжонини шодлик ва қувончини китобхонлар билан баҳам кўради.

«Бўстон наволари» китобининг мавзуси ранг-баранг, жанрлари хилма-хил. Унда шоир жаннатмакон она Ватанимизни, бепоён далаларимизни, қаҳрамон кишиларимизни, дўстлик ва муҳаббатни, бахт ва шодликни тараннум этади. Бу муқаддас мавзуларни шоир ўзига хос ажиб бир сеҳр билан ифода этади, байт ва мисраларни завқу шавққа ўрайди. Умуман, Тошпўлат Ҳамид завқу шавқ шоири. Унинг лирикаси ҳар қандай бадбинликдан, лоқайдликдан ҳоли. У қайси мавзуда қалам тебратмасин, шу борадаги завқу шавқи мазкур шеърнинг лейтмотивини ташкил этади ва шу ҳолат уни ўзига хос лирик шоир сифатида намоён қилади.

Она Ватан мадҳи, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, инсоний муҳаббат, яратувчилик меҳнати Тошпўлат Ҳамид шеърларининг дастурий мавзулари ҳисобланса, кишиларимизнинг бугунги орзу-ўйлари, курашлари, яратишлари бу шеърларнинг ғоясини ташкил этади.

«Бўстон наволари» тўпламидаги «Кенглик», «Пахтазорда», «Бедазорда», «Дарё бўйида», «Минг чинор» каби шеърларда шоир турли бадий воситалар ва буёқлардан фойдаланиб, жонажон Ватанимизни улуғлайди, унинг обод қишлоқларини, зебо шаҳарларини кўз-кўз қилади. Мазкур шеърларнинг лирик қаҳрамони китобхонга ўзининг қатор муҳим фазилатлари билан намуна бўлади. Унинг фазилатларидан, айниқса, маънавий юксаклик ва курашчанлик алоҳида аҳамиятга эга. Бу лирик қаҳрамон «Кенглик» шеърда маънавий олами бой бир киши сифатида гавдаланса, «Минг чинор»да давримизнинг курашчан, бунёдкор, пешқа-

дам одами бўлиб кўринади. Умуман, бу шеърларда Тошпўлат Ҳамид ижодига хос самимийлик, сиқиклик, аниқлик, образлилик ва завқ-шавқ алоҳида балқиб туради. Шоирга бедазордаги бедананинг питпилдиғи ҳам, чигирткаларнинг чирриллаши ҳам, пахтазордаги ўзгача завқ-сурур ҳам, гўзал Зарафшон бўйидаги бир оний ширин кайфият ҳам илҳом ҳада этади. Табиийки, илҳом билан йўғрилган шеър, албатта, ўқимишли бўлади. Назаримизда, «Кавказ» туркумидаги шеърлар ҳам ана шундай юлдуз чақнаган илҳомли онлар маҳсули ҳисобланади. Улардан гўзал Кавказ диёрининг, мард грузин халқининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари тиниқ ва конкрет тасвирларда ўз ифодасини топади, шоир бу диёр ва унинг кишилари тўғрисидаги эътироф ва ташаккурни, таъриф ва тавсифини баён этади. «Кавказ» туркуми шоирнинг қисқа сафар таассуротлари асосида пайдо бўлган бўлса ҳам уларда ҳеч қандай сунъийлик, баёнчилик ва умумийлик аломатлари кўринмайди. Аксинча, улар ўзгача бир меҳр ва тароват билан ёзилган, шоир туғилган қишлоғи гўзал Бўстонни, камолга етган она шаҳри қадимий Бухорони, гулгун диёримиз Ўзбекистонни васф этганда, унинг илҳоми қанчалик жозиба кашф этган бўлса, Кавказдаги Абхаз қишлоғини, Қора денгизни, у ердаги тоғлар ва дарёларни, ажиб табиат манзараларини тасвирлаганида ҳам шунчалик жозиба кашф қилади. Мана бу мисралар улкан интернатсионал қалбнинг жон кўшиғидай жаранглайди, қулоқларимизда:

Сув тошни тошларга урар бир ёнда,

қадамда булоқлар...

Ойнабанд кўллар...

Харсанглар осилиб турар осмонда,

Тешик тоғ ичидан ўтади йўллар.

Хаёлда кечувчи—жаннати ризвон,

Ёритди қушларнинг юз юз хил нолиши.

Кўкўпар тоғларинг—жаҳонга осмон,

**Оқ бароқ булутлар —парку болиши
Пушкин, Лермонтовнинг хақ экан сўзи,
Гўзаллик бир узук...
Кавказдир кўзи.**

(Ўша тўпلام, 23-бет)

«Бўстон наволари»да алоҳида илҳом билан талқин этилган мавзулардан муҳаббат мавзудир. Бу мавзу тўпلامдаги 19 та ғазал, 2 та мухаммас ва «Боғ сайри», «Баҳор сеҳри», «Тиркамон» каби шеърларида, «Олтинтопарлар ёр-ёри» кўшиғида ўзининг оригинал ифодасини топган. Тошпўлат Ҳамид муҳаббатни тор – интим маънода, кенг –ижтимоий маънода талқин қилганида ҳам маҳорат кўрсатади. Унинг муҳаббат мавзусидаги шеърларида замондошимиз ҳисобланган маъшуқанинг гўзал инсоний қиёфаси, муҳим фазилатлари, дилбар портрети ўзининг ҳаётий тасвирини топади. Мазкур ғазалларнинг ҳар бири маълум тарбиявий-эстетик қимматга эга. Муҳаббат мавзусининг хилма-хил томонларини кашф этишда шоирга ғазал жанри қўл келган. Бу қадимий жанрда у кўпдан буён машқ қилади. Ана шу тенгсиз, тинимсиз машқларнинг мазкур тўпلامдан жой олиши шоирнинг бу борадаги ютуғидир. Арузнинг турли вазнлари ва баҳрларида яратилган бу ғазаллар ўзининг нафислиги, таъсирчанлиги, равонлиги билан кишини хайратлантиради. Улар бир-биридан дилкаш ва ўйноқи.

«Малоҳат», «Кўриб қолдим», «Бу оламда», «Олмалар», «Сизники», «Сумалак сайли» каби ғазаллар фикримизнинг исботи бўла олади. Мисол сифатида, «Сумалак сайли» ғазали ҳақидаги айрим фикрларни айтишга тўғри келади. Бу ғазалда гап сумалак хусусида ҳам, Наврўз сайли тўғрисида ҳам кетмайди, балки сумалак сайлида қатнашган маъшуқанинг маънавий олами хусусида, унинг ошиқни азобловчи нозу истиғнолари, кишиларни ва ҳаммани хайратга солувчи латиф жамоли хусусида кетади. Ғазалчилик анъанасига биноан «Сумалак сайли»нинг қаҳрамони ҳам

лирик қаҳрамонни (ошиқни) қийнайди, уни садоқатга аҳду паймонга чақиради. Матлаъдан кейинги мана бу тўрт байтга зътиборингизни тортамин:

Наврўз ғазали лабларидан бол бўла томди,
Қалбимда муҳаббат олови бўлди муҳайё,
Лаб очди шу чоғ боғда саросимада ғунча,
Бош эгди-ю, таҳсин ўқиди, айтди тасанно,
Боғ ёндими ё, боғлар аро кетди аланга,
Ёндимми, десам боғ ичида менгина танҳо,
Наврўз гулидан сочларига тақди-ю гажжак,
Бир бизни эмас, бир нечани айлади шайдо.

(52-бет)

7 байтдан иборат «Сумалак сайли» ғазалининг лирик қаҳрамони қатор намунали фазилатларга эга. Аввало, унинг аҳду паймони мустаҳкам. У бағритош ва пўлатдан бўлган машъуканинг ҳар қандай азобига дош беришга, висол тонгига етишга умидвор киши:

Қайғурма Ҳамид, билки дили тош ила пўлат,
Танҳо сумалак сайлида у кўзлари шахло.

Умуман, мазкур ғазал ва «Сизники», «Малоҳат» ғазаллари мисолида айтиш мумкинки, Тошпўлат Ҳамид Алишер Навоий, Лутфий, Бобур, Машрабнинг бу борадаги анъаналарини тўғри давом эттиряпти ва муваффақиятга эришяпти.

Тўпламдаги «Шеърларимга», «Ҳаёт ғувури», «Лоқайдлик», «Жавоб», «Ёлғизлик» каби шеърларда ўзбек халқига хос характерли хусусиятлар саналмиш – шиддаткорлик, жонкуярлик, тиниб-тинчимаслик, завқ ва шавқ, бунёдкорлик, аҳиллик ва юксак ватанпарварлик ғоялари тараннум этилади. Бу шеърлар мазмунининг қуюқ ифода этилиши, публицистик руҳи, лирик қаҳрамон характерининг очилиши ва эстетик

қиёфасининг талқини билан тўпламни безатган. Бу жиҳатдан «Жавоб» шеъридаги:

Куйчини тушириб бўлмас завқидан

Шавқим бор, завқим бор, йўқ кам-у кўстим. –

мисралари ёки «Шеъримга» шеъридаги:

Шеърларим, ой нурида гоҳ олма гули,

Гоҳи ғунча жилмайиши бўлиб кўринган.

Гоҳи ситора чарақлаган, гоҳ осмон йўли

Парвонадай тиним билмай, нурга уринган.—

мисралари характерлидир.

Тўпламдаги рубоийларда шоирнинг инсон, замон, Ватан, аждодлар, одоб, шеър ва шоир, умуман, ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари баён этилган. Тақриз этилаётган китобдаги «Умид», «Капалак», «Митти қуш» шеърлари символик образлар ёрдамида яратилган бўлиб, уларда шоирнинг инсонлар ва ҳаёт ҳақидаги фикрлари умумлаштирилган. Тўпламга яна бир қатор ўзига хос «Митти шеърлар» ҳам киритилган бўлиб, улар унинг мазмунига мазмун, кўркига кўрк қўшган. Буларга «Мен биламан», «Шамол титрар...» ва «Тонг нозланар...» шеърлари мисол бўлади. Уларда асосан, муҳаббат ва висол муаммоси, лирик қаҳрамоннинг бу борадаги қарашлари образли ифодалар, пейзаж воситасида ўзининг бетакрор тасвирини топади.

«Бўстон наволари»га сўнг сўз ёзган Ўзбекистоннинг машхур шоири Абдулла Орипов ўзининг қисқа баёнида Тошпўлат Ҳамид ижоди ва мазкур тўплам ҳақида самимий фикр ва тилаклар баён этган. «Бўстон наволари»нинг шуҳрат қозонишида «Ёш гвардия» нашриёти ходимларининг, айниқса, унинг муҳаррири Тўлқиннинг, рассоми И. Ваҳитовнинг ҳам ҳиссаси катта.

«Бўстон наволари» тўплами айрим қусур ва камчиликлардан ҳам ҳоли эмас.

Аввало, шуни айтиш лозимки, унга жамланган шеърларни тематик жиҳатдан ё жанрий нуқтаи назардан тасниф

қилиб, тартиб билан жойлаштириш лозим эди. Шундай қилинганда унинг қиммати янада ошган бўларди. Иккинчидан, шоирнинг олдинги китобларида эълон қилинган «Кенглик» ва «Митти қуш» каби шеърларни «Бўстон наволари»га киритиш шарт эмас эди. Учинчидан, «Пахтазорда» шеърида «Она ер наздимда ёшарсин бироқ!» (8-бет), «Бедазорда» шеърида «Теракларнинг боши шивирлар», (10-бет), «Машраб қалами» шеърида «Тарвуз уруғидай парчаланиб тун» (3-бет) каби ноаниқ мисралар тўпلامда оз бўлса ҳам учраб туради. Булардан ташқари, «чуғзак» – «элат» («Машраб қалами») шеъри, «оқ», «бироқ» («Пахтазорда» шеъри), «булбули», «бўлиб», («Икки оддий сўз» шеъри) каби чала, зўрма-зўраки қофиялар бўлганини инкор этиб бўлмайди. Бу жузъий қусурлардан қатъи назар, «Бўстон наволари» китоби ўзининг қатор ғоявий ва бадиий фазилатлари билан Тошпўлат Ҳамид ижодидагина эмас, балки ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос муҳим воқеадир.

1980 йил.

ЁДГОРЛИК¹

(Шоир Тошпўлат Ҳамиднинг «Юртим гуллари» тўплами тўғрисида)

«Юртим гуллари» - севимли шоиримиз Тошпўлат Ҳамиднинг ўз қўли билан тартиб берилган сўнгги гулдастаси. Бу гулдаста яқинда «Ёш гвардия» нашриёти томонидан «Гулчамбар» сериясида 10 000 нусхада, чиройли муқовада нашр этилиб, шеърят мухлисларига тухфа этилди.

Тўпلامга киритилган шеърлар ва достонларни ягона мавзу ва ғоя атрофига йиғишда, улардан мазмунли гўзал гулдаста тузишда китоб муаллифининг нафис диди, ўзига нисбатан талабчанлиги ва, айниқса, ўз ишига, касбига,

¹ Mazkur taqriz adabiyotshunos R. Vohidov bilan hamkorlikda yozilgan.

бадий сўзга муҳаббати яққол кўзга ташланади. Ана шу ўз ишига нисбатан талабчанлик ҳисси ва шеърга муҳаббат туйғуси китобнинг, ундаги қисмлар ва шеърларнинг номла-нишида ҳам ўз ифодасини топганлигини қайд этиш лозим. Шулар туфайли «Юртим гуллари» ва унга кирган ҳар бир шеър, ғазал, мухаммас, тўртлик ва дostonда оташин шоир-нинг иссиқ нафаси, табиатига хос ўктамлик, фидойилик, нек-бинлик, ҳаётпарварлик фазилатлари сезилиб туради. Мазкур тўплам истеъдодли шоирдан поэзия ихлосмандларига қолган ўзига хос ёдгорликдир. Шоирни билган, у билан бирга ўқиган, ишлаган, ширин суҳбатларидан, дилкаш, завқбахш давра-ларидан баҳраманд бўлган, ижодига ихлос қўйган кишилар учун «Юртим гуллари» хотира китоби бўлиб қолади. Зотан, ўзига хос васиятнома тарзида ёзилган, биринчи марта «Юртим гуллари» тўпламига киритилган сўнгги шеърда шоир шундай дейди:

**Соғинсангиз, мени изланг
Боғ гуллари атридан.
Мен севиниб, Сизга қарай
Шеърларимнинг сатридан.**

**Ўтаб бўлдим ҳаётимни,
Берилиб ҳис-туйғуга.
Сизга атаб ижодимни
Мангу кетдим уйкуга...**

(Қаранг: Тошпўлат Ҳамид «Юртим гуллари», «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1988 йил, 4-бет).

Тошпўлат Ҳамид ижодига хос халқчиллик руҳи билан суғорилган «Сўнгги шеър»нинг тўпламдан дебоча сифатида жой олишига ҳам ўзига хос ана шундай рамзий маъно борлигини ҳисобга олиш керак.

Шоир сўнгги тўпамини «Юртим гуллари» деб номлаган ва унга, асосан, Бухоро мавзусида ёзилган шеърлари,

замонавий мавзудаги иккита лирик-эпик достонини киритган. Тўпламнинг биринчи қисми «Бухоро оҳанглари» деб номланади. Бу қисмдан унинг ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатга муҳаббат, вафо ва садоқат, фидойилик каби умумбашарий мавзуларда турли йилларда ёзилган шеърий асарлари ўрин олган. Шуниси муҳимки, ҳаётини мавзуларда ёзилган ва эзгулик, тинчлик, бирлик, ободончилик, фаровонлик ғоялари куйланган мазкур шеърлар ўзбек поэзиясининг кўп тарқалган ғазал, мухаммас, тўртлик каби поэтик шаклларида, фуқаролик, табиат, муҳаббат лирикаси жанрларида ёзилган. Бу ҳол шоирнинг замонавий адабиёт шеър шаклларида ҳам ва классик адабиёт шеърий шаклларида ҳам яхши эгаллаганлигидан далолат беради. Тўпламнинг иккинчи қисми «Достонлар» деб аталиб, ундан Бухоро мавзусида ёзилган ва шоир замондошларининг интилишларини, қарашларини, орзу-умидларини, дўстлигини тараннум этган достонлар ўрин олган.

Умуман, «Юртим гуллари» тўпламига киритилган поэтик асарларда она Ватанни севиш, туғилган ерни эъзозлаш, унинг ноёб, бебаҳо тупроғини кўзга тутиё қилиш, умрбоқий обидаларни асраш, авайлаш, халқларимиз ўртасидаги олтиндан ҳам қиммат дўстликни улуғлаш, унга гард юқтирмаслик, тўғрилиқ, ҳалоллик, адолат, севиш-севилиш каби буюк инсоний фазилатларни қадрлаш, умид кўзи билан боқиш, аждодлар хотирасини унутмаслик ҳар бир кишининг муқаддас бурчи, олижаноб вазифаси, деган муҳим ҳаётини ғоялар ўзининг ёрқин поэтик ифодасини топган.

Шундай эзгу туйғуларни тарғиб қилган шоирнинг шеърларида ва достонларида она юртнинг ўзи ҳам, унинг чаман бағридаги ҳар бир гиёҳи ҳам, ҳар бир тош, ҳар бир гиёҳ абадият гули сифатида таърифланади. Тоғларию боғлари, тарихий обидаларию замонавий иншоотларига хос тароват ва малоҳат ўзгача талқинини топади. Масалан, унинг «Бухоро ҳақида кўшиқ» мухаммасида (бу шеър мухаммаснинг таъби

худ шаклида ёзилган. Т.Ҳамид мухаммаснинг тахмис форма-сида ҳам ижод қилган. Фикримизга Бобур ғазалига мухаммас ва «Ожиза ғазалига мухаммас» шеърлари мисол бўлади) она юрт шаънига қўшиқ қилиб айтса арзигулик мазмунли бандлар кўп:

**Гумбазлари ой, гоҳи Қуёш бирла талашган,
Бўй чўзса минор учлари осмонга ярашган,
Ганж обидалар мисли чаман мрамору тошдан,
Тошларга чаман хусни кучиб ҳаддидан ошган,
Таҳсин эли хур, одами алпона Бухорога.**

(Ўша тўплам, 7-бет).

«Юртим гуллари» шеърий тўпламига киритилган асарларни ягона мавзу ва ғоя атрофига бирлаштириши билан бирга ундаги лирик қаҳрамоннинг маънавий қиёфасини очишда, фуқаролик позициясини баҳолашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шулар билан бирга бу шеърда шоир шахсиятига хос характерли хусусиятлар, табиатига хос аломат томонлар ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, шоир она юрти Бухорога мурожаат қилиб, шундай дейди:

**Шеъримни ёзолмам бўлмасанг магар,
Бир умр қулингман, шундай бу қисмат.
Ташбеҳим, бўёғим ҳар тошу мрамор,
Толеим қилмишдир сени менга хат.
Туғилдим узоқ бир бўстонида ман,
Бир сиқим тупроғинг бўларман алҳол,
Исёнкор сўзларим бўлганингдан сен,
Толега ўрадинг мени эҳтимол...
Дунёни сингдириб кулгуларимга
Изтироб тортмоққа ўргатган тупроқ...**

(Ўша тўплам, 5-бет).

Тошпўлат Ҳамид — моҳир пейзажчи шоир. Унинг «Юртим гуллари» тўпламидан табиат лирикасига мисол бўладиган талай шеърлари ҳам жой олган. Бундай асарлари орасида, айниқса, «Куз суврати» деган шеъри жонли, жозибали, сиқик, оригинал яратилган. Содда, равон, жуфт қофияли олти байтда куз сурати шундай тирик, реал манзара воситаси ҳаётий яратилганки, шоирнинг тасвирлаш санъатига қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Табиат лирикаси намуналарини яратишда шоир қанчалик моҳир бўлса, муҳаббат лирикаси жанрида ҳам у шундай ибратли шеърлар яратган.

Фикримизга шоирнинг «Моҳитоб», «Осмондаги сулув қиз», шеърлари, Бобур, Ожиза ғазалларига боғланган мухаммаслари ва ўнга яқин ғазаллари мисол бўла олади. Ошиқ билан машъуқа ўртасидаги вафо ва садоқат, ҳижрон ва изтироб масалаларига бағишланган бундай шеърлар Тошпўлат Ҳамид поэзиясининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Масалан, «Аста-аста» радифли ғазалида куйга ўз-ўзидан тушадиган шундай халқона байтлар бор:

**Дилимга кирди жонон аста-аста,
Тилимни қилди бийрон аста-аста.
Бисотим гулшанидан танладим сўз,
Бўлиб қолдим ғазалхон аста-аста.**

(Ўша тўплам, 11-бет).

Шоирнинг тўртликларида ва фуқаролик лирикаси жанрида ёзилган «Овора», «Чол», «Аёллар», «Хушомадгўйга» каби шеърлари ва айрим ғазалларида фалсафий мушоҳадакорлик кучли, «Эдуардас Межелайтисга хат», «Машраб қалами», «Мусаввир», «Мен туғилган кун» шеърларида шеър қадри, шоирнинг бурчи, ижод машаққати ва лаззати ҳақида фикр юритилади. ҳу жиҳатдан қуйида келтириладиган саккизлик унинг бевосита ҳаётий тажрибалари хулосаси сифатида майдонга келган.

Дўстим, магар қотамтой бўлсанг,
Ўтинаман ёлвориб сенга:
Ҳадя қилган мансабингни ол,
Ёшлигимни қайтиб бер менга.

Сайролмасман булбул қафасда,
Кўй, мен қилай боғларда парвоз.
Ёрқин олган ҳар бир нафасда
Бир ҳузур бор ижодкорга хос.

(Ўша тўплам, бет).

«Юртим гуллари» тўпламига кирган «Муқаддас тупроқ», «Гулоб» дostonлари тематик-ғоявий актуаллиги ва бадиий маҳорат масалалари нуқтаи назаридан 70-йиллар ўзбек лирик поэзияси тарихига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилган асарлардир. Мазкур дostonларнинг, айниқса, лирик қисмлари, Ватан табиати тасвирига ва ишқ-муҳаббат масалалари васфига, ёшлик таърифига бағишланган жойлари жозибали яратилган. Ҳар иккала дostonда ҳам ёшлар образи, уларнинг Ватан олдидаги бурчни бажаришлари, масъулияти ва шу йўлдаги фуқаролик позициясини намоён этиши, шаклланиш жараёни қаламга олинган. Мазкур дostonлар тўғрисида адабий танқидчилик вақтида ўз баҳосини берганлиги сабабли биз улар хусусидаги фикримизни шу ерда тўхтатамиз. Яхшиси ҳурматли китобхон, Сиз уларнинг ўзини ўқиб чиқинг.

Умуман, марҳум шоир Тошпўлат Ҳамиднинг «Юртим гуллари» тўпламини чоп этиб, «Ёш гвардия» нашриёти хайрли иш қилди. Шоирнинг ёдгорлик китоби поэзия мухлислари қалбидан чуқур жой олишига, халқ хизматини ўташига аминмиз.

1988 йил.

ДАРЁДИЛ ШОИР

Мен 1953 йилнинг ёзида Қизилтепа туманидаги Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли ТЎМ (тўлиқсиз ўрта мактаб)ни битирдим. Шу йилнинг кузида эса туманимиз марказидаги М.Горкий номли (ҳозирги Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний) ўрта мактабга ўқишга кирдим ўша вақтларда Қизилтепа туманида иккита ўрта мактаб бўлиб, унинг биринчиси ҳозир эслатиб ўтганим туман марказидаги мактаб бўлиб, иккинчиси туманнинг қуйи қисмидаги Зарми-тан фуқаролар кенгашида жойлашган А.С. Пушкин (ҳозирги Иноят Хўжаев) номли мактаб эди. У вақтларда, албатта, норасмий бўлса керак, ТЎМларни битирган ўқувчилар ўрта мактабларга асосий фанлардан кириш имтиҳонлари орқали қабул қилинар эди. Менинг туман марказидаги ўрта мактабга ўқишга киришимга акам —Ҳожи Қораевнинг шу мактабнинг кечки бўлимида ўқиши (акам ўша йилларда тумандаги Г.Дмитров номли жамоа хўжалигида бош ҳисобчи бўлиб ишлар эдилар) ва иккинчидан, Оллоҳнинг менинг диққатимни Ўзбекистоннинг машҳур таълим-тарбия ўчоқларидан бири бўлган шу билим даргоҳига тортгани сабаб бўлса керак.

Хуллас, шу мактабда ўқиш туфайли мен бўлғуси устозим, дўстим, ҳамкасбим, ватандошим шоир Тошпўлат Ҳамид билан учрашиш, бу қалби дарё, меҳри жаҳон, дилбар муаллимдан сабоқ олиш, у ташкил этган ва кейинчалик яхши самаралар берган адабий тўғаракда чархланиш бахтига муяссар бўлдим.

Биринчи учрашувимиз, агар уни учрашув дейдиган бўлсак, 8-синфни тугатаётган ойларга тўғри келди. Ўшанда Ҳожи акамлар давлат имтиҳонларини топшираётган эди. Интернат ўқиётган мактабимиздан узоқда жойлашган бўлишига қарамай, бир неча дўстларим билан давлат имтиҳони топшираётган акамдан хабар олгани бу ерга келдик. Мактабимиз коридорида ўрта бўйли, хушбичим, ҳавас

қилгули маданий кийинган, сочлари Пушкин сочларидай кўнғироқ, чехраси очиқ ва дилбар табиатли бир сипо одамга дуч келиб қолдик. Мактабимиз директори Исом Салимов билан бирга имтиҳонлар хонасига кираётган бояги киши бизларни кўриши билан жигар—жигар, дигар—дигар эканда, деб ичкарига кириб кетди. Суриштириб билсам, шу киши шеърларини биз ўқувчилар севиб ўқийдиган, эл таниган шоир Тошпўлат Ҳамид эканлар. Шунгача Тошпўлат Ҳамид ҳақида бир адабиёт мухлиси сифатида анча маълумотга эга бўлсам ҳам у кишининг ўзларини кўрмаган эдим. Тирик шоирни кўрганимдан (шунгача бирорта шоир зотини кўрмаган эдим), шундай шуҳратли ватандошим борлигидан жуда қувондим. Гапнинг рости, интернатга қайтганимдан кейин ҳам туни билан ухлолмадим: Гўёки бугун менга мен кутиб юрган бир сеҳрли олам ўз эшигини ланг очгандай эди. Худонинг инояти билан Тошпўлат Ҳамид у киши туманимиз халқ маорифи бўлимининг мудирини, ўрта мактабимиз ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, ёш ижодкорларнинг меҳрибон устози, муҳими, эл оғзига тушган таниқли ва севимли шоир эдилар.

9-синфда ўқиб юрганимда, Тошпўлат Ҳамид туман газетаси олдида ташкил этган адабий тўғаракка қатнаша бошладим. Адабиёт илмига меҳрим ёшлиқдан қанча баланд бўлишига қарамасдан, шеър ҳақидаги дастлабки тушунчамни, шу тушунча асосида шеър ёзиш санъатини мазкур тўғаракдан олганим рост.

Мен қатори тўғарак иштирокчилари, ҳозирги кунда қалам соҳиби сифатида шуҳрат қозонган Ойдин Ҳожиева, Тошпўлат Аҳмедов, Умид Сатторов, Бобокул Мансуров, Манзура Холова каби ўнлаб қаламкашлар ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Хулласи калом, Тошпўлат Ҳамид адабий тўғараги таъсирида шеър ёза бошладим. Ўргамчик шеър, мақолаларим дастлаб шу тўғаракда ўқилган, муҳокама қилинган. Тошпўлат Ҳамид кўча-куйда, йиғин ва

давраларда, байрам ва тўйларда ўта хушчақчақ, хушфёъл, ҳазил-мутойибага бой, дилбар одам сифатида кўринсалар ҳам, тўгарагимиз йиғилишлари жиддий, талабчан, баҳсли ҳолда ўтар эди. Ёзилган ҳар бир шеър, мақола, ҳикояни катта ёзувчиларнинг асарларини ёзувчилар уюшмасида муҳокама қилинганидек ипидан игнасигача жиддий таҳлил этилар, жўяли маслаҳатлар берилар, фойдали гаплар айтиларди. Йиғилишларда устозимиз Тошпўлат Ҳамид адабиётнинг тоши ҳаммага бир хил, катта ёзувчининг ҳам, кичигининг ҳам асари ана шу тош билан ўлчанади, деган гапни тез-тез такрорлаб турардилар. Муҳокама этилган ва тузатилган шеърлар Тошпўлат Ҳамид таҳрири ва тавсияси билан туманимиз газетаси «Совет пахтаси учун» саҳифаларида босилиб турар, йиғинларда, адабий кечаларда ўқиларди. Менинг ҳам айрим шеърларим мазкур газета саҳифаларида Тошпўлат Ҳамид таҳрири ва тавсияси билан босилган. Бир куни «Партияга ташаккур» номли бир шеърим шу газета саҳифаларида эълон қилингани ҳамон эсимдан чиқмайди.

Ўша куни ўғил кўрган отадай қувонганман. Юрсам оёғим ерга тегмайди, бошим осмонга етгандай. Хаёлимда атрофимдаги одамлар, муаллимларим, мактабдошларим мени қутлашаётгандай. Хуллас, шеър завқи қанчалик ширин ва мароқли эканлигини ўшанда биринчи марта тотганман.

Ақлимни таниганимдан сўнг, дафтаримдаги «Партияга ташаккур» шеъримни «Совет пахтаси учун» газетасида босилган матни билан қиёслаб ўқисам, менинг шеъримдан унда урвоқ ҳам қолмабди. Ҳозирги дунёқарашим билан ўйлаб кўрсам, раҳматлик устоз Тошпўлат Ҳамид шу боланинг адабиётга бўлган ҳаваси сўнмасин, аланга олсин деб шеъримни биринчи сатридан бошлаб охириги сатригача таҳрир қилиб босишга руҳсат этган эканлар. Худога шукурлар бўлсинким, устозимнинг менга бўлган ишончларини адабиёт илмига тегишли тадқиқотларим, китобларим билан бирга

озми-кўпми бадий ижод соҳасида ҳам оқлашга уриниб келмоқдаман.

Фикримга даврий матбуотда эълон қилиниб турган асарларим, 1996 йилда нашрдан чиққан «Илҳомли онлар юлдузи» номли шеърлар ва бадиалар тўпламини мисол қилиш мумкин. Шу кунларда ҳам илмий-тадқиқот ишларидан бўшаган пайтларимда шеърлар ёзиб тураман.

Оллоҳнинг иноятими ё унинг бандаси Тошпўлат Ҳамиднинг шарофати биланми Қизилтепа туманидан Ўзбекистан Олий кенгашига 50-йилларда устма-уст икки чақирувда ўзбекнинг икки буюк ёзувчиси – Уйғун ва Абдулла Қаҳҳор Республика Олий кенгаши депутатлигига сайланишди. Бу сайловлар бизлардек адабиёт ихлосмандлари учун чинакамига байрамга айланар эди. Ахир, Уйғундек, Абдулла Қаҳҳордек машҳур ёзувчиларни ва улар билан бирга келган Кибриё Қаҳҳорова, Қуддус Муҳаммадий, Ёқубжон Шукуров сингари ўзбек адабиёти таниқли вакиллари кўриш бахтига муяссар бўлиш ўша йилларда камдан кам ўқувчиларга насиб этарди. Номлари зикр этилган ёзувчи ва шоирлар биз ўқиётган мактабга, албатта, ташриф буюрар, мазмунли, таъсирли, эсда қоладиган учрашувлар ташкил этилар, шеърхонликлар бўлар, чиройли лутфлар айтилар, табриклар янграр эди.

Шундай учрашувлардан бири 1954 йилнинг баҳорида мактабимиз эски биносининг юқори қисмидаги пешайвонида бўлиб ўтди. Мактабимиз ва унинг пешайвони байрамдагидай безатилган, гулларга бурканган, муаллимлар, ўқувчилар қалбида байрамона кайфият ҳукмрон. Ўшанда мен, мактабдошим, журналист-ёзувчи Умид Сатторов, иқтисод фанлари номзоди, доцент Юсуф Саломов, биология фанлари номзоди, доцент Тўлқин Саломов 8-синфда, навоийшунос олим Тошпўлат Аҳмедов, шоир Бобоқул Мансуров, врач Жўракул Орипов 9-синфда, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева 5-синфда, Ўзбекистон халқ артисти Ширин Азизова 7-синфда ўқир эдик. Ўқувчилар, муаллимлар билан

учрашувга Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси раиси, Ўзбекистон Олий кенгаши депутаты, Ўзбекистон халқ шоири Уйғун ташриф буюрган эдилар. Уйғун билан ҳамроҳ бўлиб, бир неча қаламкашлар ҳам келишган эди. Учрашувда шоир Тошпўлат Ҳамид маҳорат билан, шоирона руҳ ва кайфият билан гапириб, уни олиб борди. Меҳмонимиз бўлиб келган қаламкашларни бир-бир таништиргач, уларнинг бошлиғи Уйғунга сўз берди. Уйғун ўзига хос оҳанг ва салобат билан Ватан, тинчлик, дўстлик, севги ҳақидаги кўшиқлари, шеърларини, машҳур болалар шоири Қуддус Муҳаммадий ўқувчи, мактаб, ўқитувчига бағишланган шеърларини, Ёқубжон Шукуров ўша йилда нашрдан чиққан «Кўп яшанг» ҳикоялар китобидан парчалар, Тошпўлат Ҳамид янги шеърларидан ўқиб, тингловчиларга бир олам завқ-шавқ ҳадя этдилар. Хусусан, Ойдин Ҳожиёвнинг Уйғун қаламига мансуб «Икки она» ва ўзининг ўргамчик шеърларини ўзига хос ҳаё, ибо, тортинчоқлик ва назокат билан ўқиши ҳаммада катта таассурот қолдирди. Айниқса, оқсоқол шоир Уйғунга Ойдиннинг чиқиши жуда маъқул бўлди. Шу анжуманда Уйғун унинг келажагидан башорат қилдилар. Кейинроқ шу гапларга амал қилиб, «Совет Ўзбекистони адабиёти ва санъати» газетаси орқали унга оқ йўл тиладилар. Мазкур учрашув биз. адабиёт мухлислари, қалбида шеърят оловни алангалатгани билан бирга Ойдин Ҳожиёвадай келажаги порлоқ забардаст шоирани, жамоат арбобини кашф қилгани ҳамон эсимиздан чиқмайди. Шунинг ҳам айтишни лозим топдимки, ўша йилларда одамларнинг адабиёт аҳлларига ихлоси баланд, шеърятга муҳаббатлари зўр эди. Шулар сабаб ҳар бир адабий учрашувга катта эътибор билан қаралар ва у юксак савияда ташкил қилинар эди. 50-йилларда бўлиб ўтган мазкур адабий анжуманларнинг жаранги ҳамон қулоғим остида адабиёт гимнидай акс-садо бериб туради. Шоирнинг ўз оғзидан ўзи ёзган шеърини эшитиш, ёзувчининг ахлоқ-одоб ҳақидаги бамаъни икки оғиз

сўзини, дил яйратар лутфини ўз тилида эшитиш адабиёт ихлосманди учун катта бахт эмасми? Фахрланадиган жойи шундаки, ана шу адабий анжуманларнинг ташкилотчиси ҳам, бошқарувчиси ҳам, руҳ бағишловчиси ҳам Тошпўлат Ҳамид эди. У давраларнинг гули, анжуманларнинг булбули бўларди. У доимо завқу шавқ билан юрар, кўтаринки руҳда яшар, шоирона кайфиятда иш юритарди. Бошқаларда ҳам шундай аъло кайфият уйғота олиш ва орқасидан эргаштира билиш қобилиятига эга эди. Шу сабабли ижодкор аҳли унга эргашар, унинг йўлидан боришга ҳаракат қиларди.

1955 йилда ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кирдим. Ноябрь ойининг ўрталарида бўлса керак, Бухорои шарифнинг ўша йиллардаги дилкаш сайилгоҳларидан бири бўлмиш Лабиховузда сайр қилиб юрганамда, Тошпўлат Ҳамидни учратиб қолдим. Ҳали унчалик ҳам кўникиб кетмаган бир шаҳарда одам ўзига яқин кишини кўриб қолса қизиқ бўлар экан. Ўшанда биласизми, Хожаи Хизрни кўрган одам қанча қувончга сазовор бўлган бўлса, мен ҳам шу қадар севинганман. Кейин яқинда Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасининг қарори билан Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари учун ёзувчилар уюшмаси бўлими ташкил этилганлигини, Тошпўлат Ҳамид шу бўлимга раис этиб тайинланганлигини билдим. Бу қувончли хушxabарни эшитганимдан сўнг қувончимга яна қувонч қўшилди. Хурсанд бўлганимдан ўзимни кўярга жой тополмай қолдим.

Тақдир яхши кўрган бандасини сийласа, шунақа сийлар экан. Оллоҳнинг бу олий иноятига ичимдан унга ҳамду санолар ўқидим.

Шундай қилиб, яна устознинг тарбиясидан баҳраманд бўладиган бўлдим. 1955 йилда бошланган устоз-шогирдлик алоқаларимиз 1984 йилнинг 9 февралигача давом этди ва

Ўзининг ибратли томонларини намойиш этганлигидан мамнунман.

ОТАДАЙ МЕҲРИБОН, БОЛАДАЙ БЕГУБОР

1966 йилнинг бошлари. Тахминан январ ойининг ўрталари. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети аспирантурасини тамомлашимга 10-15 кун қолган. «Шоир Хиромий ва унинг адабий мероси» мавзуидаги номзодлик диссертатсиям кафедрада муҳокама қилиниб, муддатидан олдин тугатганларга бир ойлик қўшимча таътил бериларди, Менга ҳам шу кун насиб этган эди.

Ҳаётим учун ажойиб, шундай шукуҳли кунлардан бирида Тошпўлат Ҳамид Самарқандга бориб қолдилар. Шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, Тошпўлат Ҳамид Бухорода қанча ҳурмат-эҳтиром ва эъзозга эга бўлса, Самарқандда ҳам унинг эътибори бундан кам эмас эди. Дилбар ва эрка шоирнинг устозлари, мухлислари, шогирдлари, дўстлари, ватандошлари, маслакдошлари Самарқандда ҳам кўп эди. Шу сабаб Тошпўлат Ҳамиднинг Самарқандга боришдан Бухорога қайтгунигача бўлган кунлар адабиёт аҳли учун бэйрамга айланарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Одатдагидай, Тошпўлат Ҳамиднинг ватандоши, мактабдош дўсти, шоир ва драматург, Ўзбекистан ёзувчилари уюшмаси Самарқанд бўлимининг бошлиғи Душан Файзи Зарафшонийнинг уйида бўлди. Аҳли дил, аҳли адабиёт жам бўлиб ўтирдик. Шеърхонлик, драмахонлик бўлди. Илмий баҳсу мунозаралар авжига чиқди. Самарқандлик таниқли ҳофизлар, хонандалар Жомий, Навоий, Фурқат ғазалларидан хониш қилиб, даврадагилар қалбига сурур бағишладилар. Шундан сўнг профессор Нуриддин Шукуров уйига чорлади. Тошпўлат Ҳамид бу маърифатли хонадоннинг ҳам эркаси эди. Бундан ташқари, Тошпўлат Ҳамид шу кунларда Нуриддин акадан номзодлик

диссертацияси учун мавзу олиб, илмий-тадқиқот иши бошлаш нияти билан яшарди.

Самарқанддаги ибратли хонадонлардан бири бўлган Нуриддин аканинг хонадони аҳли илм, аҳли шуаро завқу шавқи, баҳсу мунозараси, шеърхонлигидан нурдай ял-ял яшнаб кетгани ҳамон эсимда. Тошпўлат Ҳамид Бухорога қайтадиган кун Самарқанддан машҳур ҳофиз Ҳамроев Ашурнинг уйида базми жамшид ташкил этилди. Ашур асли Қизилтепалик бўлиб, ўрта мактабни мен билан бирга битирган, Самарқанд давлат университетига ўқишга кириб, уйланиб, ўша ерлик бўлиб қолган. Унинг санъатда донг қозонган пайтлари. У ҳам Тошпўлат Ҳамиднинг зўр мухлиси. Вақт етарли эканми, бу ерда кўп ўтириб қолдик. Ичкилик ҳам меъёридан ошиб кетди. Илмий базм қизиб, Тошпўлат Ҳамид билан гапимиз қочиб қолди. Чамамда, баҳс шу кунларда китобхонлар қўлига теккан Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» романи устида борарди. Тошпўлат Ҳамид ўз мавқеидан (ўша йилларда Ўзбекистан ёзувчилари уюшмаси Бухоро вилояти бўлими бошлиғи ва Бухоро педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси мудири эди) ва меҳмонлик имтиёзидан фойдаланиб, ўз фикридан қолмади. Ҳозир баҳс романнинг қайси масаласи устида борганлигини эслолмайман. Мен, аспирант, ҳам бўш келмадим, чоғи. Шуни ҳам эслатиб қўяйки, Тошпўлат Ҳамидда эркалик, дилбарлик, хушчақчақлик билан бирга ўзига хос қизғаниш ва куюнчақлик ҳисси ҳам кучли эди. Ўзидан кичикларга, айрим ҳолларда катталарга ҳам ўз ҳукмини ўтказмаса, қўймасди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Орада Нуриддин ака билан Душан акалар менга қараб, бўлди қил энди. Майли, Тошпўлат ўзимизники, қолаверса, меҳмонимиз, деб кўз қисишган бўлишса ҳам меъёридан ортиқ ичкилик туфайли иккимиз ҳам бўш келмадик. Бир-биримиз билан ади-бади дедик. Ниҳоят, поездга чиқишга вақт бўлди, шекилли, дастурхонга фотиҳа ўқиб, Тошпўлат Ҳамидни Бухорога кузатиш учун

Самарқанд вокзалига келдик. Поездга Тошпўлат Ҳамидни кузатаётганда бояги аччиқ устида унинг портфелидан кеча тайёрлаб топширилган папкани тортиб олдим. Тошпўлат Ҳамиднинг кайфи чоғ эмасми, портфелдан папкани олганимни сезмай қолди. Поезд Бухорога қараб йўл олди. Мен Абрам булвараридаги аспирантлар ётоқхонасига келдим.

Ашурнинг уйида ўтиришдан олдин Тошпўлат Ҳамид мени илмий раҳбарим академик Воҳид Абдуллаевнинг хузурларига олиб кирди. (Шу йилларда Воҳид Абдуллаев университет ректори эдилар). Тошпўлат Ҳамид мени Бухоро пединститути ўзбек адабиёти кафедрасига ишга юборишни домладан сўрадилар. Домла бу фикрни маъқулладилар. Шундан кейин ўша куни иккаламиз ишга кириш учун зарур бўлган расмий хужжатларни тайёрлаб, тавсияномаларни олиб, Тошпўлат Ҳамиднинг портфелига солиб қўйган эдик. Мен ёшлик ғурури биланми ё ичкилик таъсириданми Тошпўлат Ҳамид портфелидан ўша папкани олиб қўйгандим, Шу кеча бир илож қилиб ётоқхонада зўрға ётдим. Эртаси куни шу кайфият билан устозим Воҳид Абдуллаевга кирдим. Кеча Ашурнинг уйида бўлган воқеани оқизмай-томизмай домлага этказдим. Тошпўлат Ҳамид билан ишлай олмаслигимни айтдим. Шу сабабли Бухоро пединститутидан ташқари Ўзбекистоннинг хоҳлаган олий ўқув юртига ишга юборишларини сўрадим. Фақат Бухорога ишга бормасам, бўлди, дедим. Менда мазкур даврада ҳамон сўзимнинг ерда қолганлиги алам қиларди. Гапимни бир илож қилиб катта домлага маъқуллашдим. Домланинг ҳам мардлиги тутди, шекилли, Бухорога ишга бормасанг ўзимга кераксан, аспирантлик мукофот таътилинг тугагандан кейин «Самарқанд университети» кўп тиражли газетасига масъул котиб қилиб қўяман. Янги ўқув йили бошидан бошлаб ўз кафедрамга ассистент қилиб оламан, бўлдим, тулпор, аслида сени Бухоро учун тайёрлаган эдим. Майли, бу ёғи ишлар яхши бўлиб кетади. Бор, тулпор шу мазмунда ариза

ёзиб кел, дедилар. Айтганларидай қилиб аризани ёздим, ўзларига қўл қўйдириб, университет ходимлар бўлимига топширдим. Хурсанд ҳолда ётоқхонага қайтдим, Келсам, Тошпўлат Ҳамиддан менга шошилишч телеграмма келган. Унда папкадаги хужжатларни зудлик билан Бухорога етказиш сўралган. Тўғриси, телеграммага эътибор ҳам қилмадим, Самарқандга ишга жойлашганимни ота-онамга билдириш ва розилиklarини олиб, оиламни кўчириб келтиришни айтиш учун Қизилтепага йўл олдим. Нимагадир Самарқандда ишга қолиш ҳақидаги фикрим ота-онамга маъқул бўлмади. Тўғриси, уларни фикримга кўндирилмадим. Уч кундан кейин хафа ҳолда Самарқандга қайтдим. Ётоқхонага кирсам, яна столда ўша мазмундаги иккита телеграмма турибди. Бу қисқа хатларга ҳам эътибор қилмадим. Лекин ўша кунларда уч ўт ўртасида ловуллаб ёнар эдим. Бир ёғи Тошпўлат Ҳамидга ваъда бериб, бир келишмовчилик учун сўзимдан тониб, шундай нозик, куюнчак одамни хафа қилиб қўйганим, иккинчи ёғи катта домлага кириб, Самарқандга ишга қолишга рози бўлганим, учинчи ёғи Самарқандда қолишга падари бузрукворим ва модаризоримнинг розилик бермаганликлари. Нима қилай? Шу саволга жавоб излаб ўтирган эдим, хобхонам эшиги очилиб, Тошпўлат Ҳамид кириб келсалар бўладими?! Ўша ўша дилбар қиёфа, хушчақчақ кайфият, шоирона руҳ, эрка вазиятдаги Тошпўлат Ҳамид қаршимда кулиб турибдилар. Тўғриси айтсам, у кишининг отадай меҳрибонлиги, боладай беғуборлигини билиб, ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Шу маҳалда гапнинг рости гангиб қолиб, нима қиларимни билмас эдим. Вазиятни тушуниб, ўзлари гапга киришдилар:

— Тожибой, мен Сизни укам деганман. Шогирдларим кўплигини биласиз, аммо яхши кўрганларимдан бири Сиз. Лекин ўта якраҳа одамсиз. Ашурнинг уйида кайф аралаш бирор ноҳўя гап айтган бўлсам, узр. Шунга яхши билингки, мастликда айтилган гап гап эмас. У ароқнинг боди билан

айтилган ва шу бод тарқалиши билан аҳамиятини йўқотадиган нарса. Сиз мастликдаги гапни ҳам гап деб, мендан аразлаб юрибсиз. Ўзингиздаги қалампир ҳам бизникидан кам эмасга ўхшайди. Сизни ўзбек адабиёти кафедрасига ишга олишимни бир йилдан буён кўпчиликка айтиб юрибман. Ректоримиз Жума Намозов билан келишиб, ўрин ажратганман. Тўрт ойга тегишли дарс тақсимлаганман. Самарқандда адабиёт олимлари кўп. Сиз Бухорога кераксиз. Кўпи билан мен бир йил мудирлик қиламан. Кейин аспирантурага ўқишга кираман. Профессор Нуриддин Шукуров билан келишдим. «Асқад Мухторнинг поэтик маҳорати» мавзусида номзодлик иши ёзишга киришдим. Сизни кафедрага ўрнимга қўйиб, келиб диссертация ёзаман. Туринг, папкани олинг, Самарқандни бир айланиб, кечки поездга чиқамиз,--деди.

Бир томондан ота-онамнинг норозиликлари, иккинчи томондан шундай катта бошини кичик қилиб, мендай бир аспирантни деб, яна Самарқандга келган Тошпўлат Ҳамиднинг мардлиги, самимийлиги, меҳрибонлигини кўриб, уялиб кетдим. Шоирдан узр сўраб, кейин кетишга рзилик билдирдим. Фақат катта домланинг олдидан ўтиб, устоздан кечирим сўраб, сўнгра кетишга розилигимни айтдим.

Устоз ҳар галгидек: «Э, тулпорлар, яна нима гап? Бухоройи шариф жойидами, келинглар», деб хушнуд кутиб олдилар. Сўрашгандан кейин одатлари бўйича стол устидаги ёпинчиқли чойнақдан бир пиёладан чой қуйиб бердилар. Тошпўлат Ҳамид келиши сабабини, бўлиб ўтган воқеани домлага қисқача тушунтирди. Менга Бухорога кетиш учун рухсат беришларини сўради. Катта домла Тошпўлат Ҳамиднинг, ота-онамнинг фикрларини маъқулладилар. Бўлиб ўтган воқеалар учун мен катта домладан узр сўрадим. Устоз университет ходимлари бўлимига кириб, аризамни қайтариб олишимни айтдилар. Ва мен шундай қилдим. (Ўша

аризам шахсий архивимнинг нодир қўлёнамалар бўлмасида ҳамон эъзозланиб сақланади).

Шундан сўнг Тошпўлат Ҳамид билан биргаликда шаҳар кезиб, поездга чикдик. Бухорои шарифга келдик.

Эртаси куни Тошпўлат Ҳамиднинг тавсияси билан, унинг талабига кўра Бухоро пединститутини ўзбек адабиёти кафедрасининг ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилиндим. Шу олий даргоҳда 33 йилдан зиёд меҳнат қилдим. Университетда ишлаб, бу ерда доцентлик, профессорлик илмий даражаларига эришдим. Аҳмад Яссавийга бағишланган тадқиқотларим учун халқаро Аҳмад Яссавий номидаги мукофот совриндори бўлдим. 20 га яқин китобларим эл хизматида. Беш йил ўзбек адабиёти кафедрасида мудир бўлдим. 20 йилга яқин ўзбек, тожик филологияси ва чет тиллари факултетига деканлик қилдим. Ташкилотчи, жамоатчи сифатида танилдим. Бошқалардан кам эмасман. Шуларнинг ҳамма-ҳаммасига Тошпўлат Ҳамид сабаб бўлганликларини, албатта, умрим бўйи унутмасам керак.

Устознинг 70 йиллик юбилейларига бағишлаб у киши ҳақидаги хотираларимни дафтарга туширар эканман, бу дилбар, марҳаматли, ҳимматли, дўстпарвар, шогирдпарвар ватандошимнинг гулдай тароватли, нурдай покиза мазмунли ҳаёти чамандай яшнаган қиёфаси ва нафис, ҳароратли, жозибали шеърляти, ижтимоий-сиёсий фаолияти, фақат ўзига хос эрка, куюнчак табиати кўз олдимдан баҳор елларидай ўта бошлади. Шундай ҳассос, нозик дидли, етук одамга шогирд тутинганимдан, ҳаётда оз бўлса ҳам у киши яратган адабий мактаб аъъаналарини давом эттираётганимдан беҳад шодман. Бу улуғ зотнинг ибратли, ҳайратомуз ҳаёт йўлини Оллоҳ фарзандларига, шогирдларига, ватандошларига раво кўришини истаيمان. Илоҳо айтганларим ижобат бўлсин!

Иккинчи қисм

ХОТИРАЛАР

Истеъдодли адабиётчилар фақат Тошкентда эмас, балки Самарқанд, Бухоро, Хоразмда ҳам яшамоқдалар. Булар Эгам Раҳим, Тошпўлат Ҳамид, Душан Файзий ва бошқалар.

Шароф РАШИДОВ,
«Новий мир» журнали мухбири билан суҳбатдан.

ЧИНГА АЙЛАНГАН ҲАҚИҚАТ

1966 йилнинг эрта кузи. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг илмий кенгашида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилганимга эндигина олти ой бўлган. Ҳали шу номдаги ВАК тасдиқлаган дипломимни қўлга олганим ҳам йўқ. Педагогика институтимизнинг Ҳамза 12-кўчасида жойлашган талабалар ётоқхонасидан ректорат ажратиб берган икки хонали уйда катта укам Раҳимжон билан (у физматнинг ИВ курсида ўқир эди ўша вақтда) бирга тураман. Айни кунларда укам пахтада. Бу хона мен сингари уйсиз-жойсиз дўстларимга ҳам кўним топадиган хона эди. Шу сабаб унга «муқимхона» деб ном берганлар. Ҳамон ёдимда. Аспирантлик даврида ҳар йили Сирдарё вилоятининг Гагарин, Титов давлат хўжаликларида уч ойлик муддатда пахта терганимизда томоқ оғриқ касали – ангина орттирганман. Шу касаллик хуруж қилган кунлар. Иссиғим ошиб, бўлмада терлаб ётибман. Бир маҳал хонамга кафедрамиз мудири, шоир Тошпўлат Ҳамид кириб келдилар. Афтидан, Тошпўлат Ҳамидга газета, журналлардан қалам ҳақи (гонорар) келган ё шу бугун маош олганга ўхшардилар. Кайфиятлари чоғ, гулдай очилиб, садафдай сочилиб турибдилар.

Кайфиятларидан мақсадлари нималигини дарров сездим. Демак, бориб хурсандчилик қилишимиз керак. У кишига билдирмай, бормасликка қарор этдим ва касалимни баҳона қилдим. Ёлғондан ўзимни доктор Барно Рўзиевга кўрсатганлигимни, доктор эртага соат 9 да операция қилиб, ангинамни олиб ташлашини, шу сабабли пахтадан ҳам қолдиришганини айтдим. Бўлмади. Домланинг эркалиги тутди, шекилли, мени алдашга, аврашга тушди. “Ангина ҳам касал бўптими, шуни баҳона қилиб, кап-катта йигит кўрпа-тўшак қилиб ётадимиз? Туринг, кийининг, мен ўзим Сизни даволайман. Бу касалининг давоси – юзта ароқ жазоси. «Бухоро» ресторанига олиб бориб, Сизни шундай даволайки, касалингиз сан кўрдинг, ман кўрмадим бўлиб кетсин.

Буни вақтида кайвони кампирлар кўли билан эзиб тузатган. Шунга ҳам операция эмиш. Кийининг, кетдик”.

Тошпўлат Ҳамиднинг ўзига хос қизиқ одатлари бор эди. Шими тасмасининг ўнг томонида бир бармоқ сиғадиган чўнтакчаси бўларди. Шунга газета-журналлардан келган қвитанцияларини (тўлов хабарномасини) ва рўзғордан орттирилган пулларини солиб юрарди. Ҳазиллашиб, янгандан яшириб юрганларим бор, шуни баҳам кўрамиз, дер эдилар. Бу гал ҳам охири шундай бўлди.

— Қитмирлик қилманг. Биламан, оладиган 120 сўмлик маошингиз ўзингизга зўрға етади. Ресторан пулини ўзим тўлайман. Кеча «Шарқ юлдузи» журналидан катта қалам ҳақи олдим. Кичик пул эмас, катта пул. Сизнинг бир ойлик маошингизга тенг келади. Янги шеърларим журналда босилганини биласиз, ўшанинг қалам ҳақи олти кишига бемалол этади. Вақтни олманг, туринг. Йўлда учраган улфатларни ҳам олиб кетаверамиз. Ҳо Тожибой, бўлай десанг мустақил, аканг билан юзта қил, вассалом, гап тамом, – дедилар.

Қарасамки бўлмайдиган. Домланинг сазаси синади. Кайфияти чарақлаб турибди. Ким билади, бу кеча шу чақноқ кайфият билан бир зўр шеър ёзилиши мумкин. Раъйини

қайтарсам, шу шеърнинг бахтига зомин бўламан. Бунинг устига ўзимнинг жон акам, меҳрибон устозим, ватандошим бўлсалар. Кийиндим. Гапим чинлигини исботлаш учун томоғимга атир сепилган ярим метр докани ҳам ўрадим. Иккимиз ўрталаб, «Спартак» ўйингоҳи орқали «Бухоро» ресторанига ўтдик. Ресторан директори Тошпўлат Ҳамиднинг дўсти Қодиржон ака ҳам қаёқадир кетган. (Худога шукурки, йўлда шоирсифат, журналистсифат улфатларга ҳам дуч келмагандик).

Стул танлаб ўтирдик. Тошпўлат Ҳамид официантни чақириб, биринчи овқатга харчо, иккинчисига лангент, бир шиша ароқ ва хилма-хил салат буюрди. Айтилганлар муҳайё бўлгандан кейин ароқни 250 граммлик иккита стаканга тенг бўлдилар. Менинг стаканимга бир қошиқ қалампир солиб, яхшилаб кўшдилар. Кейин «ба нияти шифо», деб ичирдилар. Аъзойи баданим қизиб кетди. Кўзларимдан ёш чиқди. Тошпўлат Ҳамид ҳам ичдилар. Ичилган ароқ иштаҳамни кўзғатди. Биринчи овқатни ҳам, иккинчисини ҳам ўн дақиқа ичида туширдим. Тошпўлат Ҳамиднинг яна бир қизиқ одатлари шу эдики, овқатни жуда секин, майин чайнаб еярдилр. Гўёки фаранги игнанинг учидан ўтказгандай қилиб. Бу гал ҳам шундай бўлди. Мен ўзимга тегишли ҳамма овқатларни эб бўлганимда Тошпўлат Ҳамид зўрға биринчини тугатгандилар. Аччиқ ароқнинг ва иссиқ шўрванинг таъсири билан терладим, ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Ҳолатимни сезган шоир яна бир шиша ароқ ва бир порсиядан бифстороген буюрдилар. Буларни ҳам эрмак қилиб, кеч соат 18 ларгача суҳбатлашиб ўтирдик. Кейин мени ётоқхонада қолдириб, Тошпўлат Ҳамид уйларига кетдилар. Кириб ўралиб ётдим. Ярим кечада иситмам ошиб, алаҳсирабман. Томоғим бўғилиб, хириллабман. Афтидан, ароқ билан ичилган қалампир оғриган томоғим яраларига ёпишиб қолиб, жароҳатни оширган. Тасодифан комендантимиз Муроджон Юсупов (жойлари жаннатда бўлсин) хонамга келиб, аҳволим

оғирлигини кўриб. «Тез ёрдам» машинаси чақирган. Мени тонг саҳарда шаҳар касалхонасига элиб, ётқизган.

Бахтимга яқин дўстим шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг бош ҳакими, машҳур лор врач Барно Рўзиев (худо жойларини жаннатда қилган бўлсин) ўша куни касалхонанинг лор бўлимида навбатчи экан. Аҳволимнинг оғирлигини кўриб, томоғимни операция қилиб, ангинамни олиб ташлаган.

Одатларига биноан Тошпўлат Ҳамид соат 10 ларда ишхонага келганлар. Мени суриштирганлар. Топиша олмагач, ётоқхонага кўнғироқ қилиб, бўлиб ўтган воқеани комендантдан аниқлаб, мендан хабар олгани касалхонага келганлар. Бир маҳал қарасам, тепамда ҳамишадагидай очиқ чехрада кулиб ўтирибдилар. Юзларида, менинг азобда қолганимдан афсусланиш аломати ҳам йўқ. Аксинча, менинг ангинам олиб ташланганидан, шу кеча бир жонон шеър ёзганларидан мамнун эдилар. Кейин билсам, ўзим бундан уч-тўрт кун олдин айтиб берган бир ҳаётий-тарбиявий воқеага бағишланган «Навниҳол» деган лирик шеърларини ёзган эканлар.

НАВНИҲОЛ

Сарвиқомат паризоддек
Ўрикзорда, илк баҳорда
Қад кўтарди навниҳол,
Ташланди кўзга.
Гуллади-ю...
Зебу зийнат бағишлади ўзига
Ҳали куртак отмаганди
Ёшлик экан...
Атрофида дов-дарахт
Бодроқ-бодроқ оппоқ гулга
Кўмилди шошиб.
Очилишни у ўзига билдим бахт,

Ҳаддидан ошиб
Оро-торо берди чунон.
Бирданига ўзгарди-ю,
Илк баҳорда об-ҳаво,
Ариқда сув ҳам, ҳатто
Музлади чунон.
Очилди-ю, қовжиради
Гули, энди йўқ даво.
Мавридида очилади
У бундан буён.

1966 йил.

Муҳими, кечаги воқеа туфайли мен ангинамдан қутулдим. «Навнихол» шеъри яратилиб, Тошпўлат Ҳамиднинг тўп-ламларини безайдиган машҳур шеърлари қаторидан ўрин олди.

ҲАЙКАЛ

Кўпни кўрган бу кўҳна дунёга кимлар келиб кетмади, дейсиз?! Келиб-кетишларнинг сон-саногини илмий-техника тараққиётининг белгиси саналган замонавий компьютерлар ҳам ҳисобга ололмаса керак. Аммо шу келиб-кетганлар ўртасида онгли ҳаётини халқ, Ватан, келажак бахт-саодати йўлида сарфлаганларнинг, эзгулик йўлида хизмат қилганларнинг номи барҳаётдир. Энг қадимги даврдан Мустақиллик кунларигача яшаб ўтган ана шундай барҳаёт кишилар шодасида шоир Тошпўлат Ҳамиднинг ҳам номи бор.

Тошпўлат Ҳамид бу шодадан ўрин олиш бахтига Оллоҳ берган шоирлик ва олимлик истеъдоди, ташкилотчилик ва раҳбарлик қобилияти, юксак инсоний фазилатлари туфайли эришди. Келажак авлодларга ўзидан яхши хотира қолдирган бу дарёдил шоир ҳалол ижодий меҳнати, мураббийлик фаолияти ва қуюнчак, тиниб-тинчимас табиати билан

тириклигидаёқ ўзига Ҳайкал ўрнатди. Бу маънавий ҳайкални бўлакларга бўладиган бўлсак, унинг бир қисмини бадий асарлари, иккинчи бир қисмини шогирдлари, учинчи бир қисмини фарзандлари, тўртинчи бир қисмини дўстлари, яна бир қисмини амалга оширган эзгу ишлари ташкил қилади. Ижодкор сифатида у ХХ аср адабий муҳитида ўз ўрнига эга эди. Умри бўйи илм, публицистика, проза, драматургия, таржима соҳаларида қалам тебратган бўлса ҳам асосан, шоир сифатида шуҳрат қозонди. Ўзининг дилбар шеърлари, мазмунли достонлари, мумтоз адабиётимиз анъаналари йўлида ёзилган жозибали ғазаллари, мухаммаслари, кўшиқлари билан некбин лирик шоир сифатида ном қолдирди. Унинг шеърлари ичида ҳажвга мойил, ҳазил-мутойибали юмористик шеърлар ҳам йўқ эмас, бор. Аммо улар жуда оз. Қувноқ шоир ўз табиатига хос ҳазилкашлик, латифагўйлик ҳажвгўйлик, муқаллидлик, аскиячилик каби хусусиятларини шеърларига кўчиришни лозим топмади, шекилли. У ўз ижодида ҳаётни асосан, ижобий нуқтаи назардан бадий ифодалашни маъқул кўрди. Чунки у завқу шавқ, ҳис-ҳаяжон шоири эди. Шу завқу-шавқ, шу ҳис-ҳаяжон унинг вафотигача нашр этилган «Қуёш шаънига» (1987), «Менинг асрим» (1965), «Ласточка» («Қалдирғоч») (1969), «Бинафша уфқлар» (1973), «Гумбазлар садоси» (1974), «Кўшиқ қанотида» (1975), «Достонлар» (1976), «Қуёш зарралари» (1978), «Бўстон наволари», «Тоғларга боқ, тоғларга» (1982), «Родина аистов» («Лайлақлар диёри» — 1982) ва вафотидан кейин нашрдан чиққан «Юртим гуллари» (1988), «Манзил» (1989) шеърий мажмуаларида ҳукмронлик қилади.

У ўз асарларида замондошларини васф этиш билан бирга ўтмишдошларини ҳам унутмади. Эрк, озодлик, илм-маърифат, келажак йўлида заҳмат чекишган Хайём, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Машраб, Ҳамза, С. Айний, Ҳ. Олимжон, Файзулла Хўжаев, Нарзи Ражабов, Даврон ота, Муҳаррама Салимова каби ватандошлари образини яратишга уринди.

Халқ бахту саодати йўлида фидойилик қилган Жабай ота, Норхола, Энамгул, Ғафур Ғулом ва бошқа замондошларини шарафлади. Берди Карбобоев, Эдуардас Межелайтис, Пабло Неруда, Файзулло Ансорий, Тютчев сингари қардошларни улуғлади. Ватан, ёшлик, муҳаббат, баҳорни тараннум этди. Бир умр ҳаёт ошиғи сифатида гўзалликни васф этди.

Тошпўлат Ҳамид шеърляти лирик қаҳрамонининг маънавий олами кенг, табиати байналмилал, некбин, куюнчак. Унда романтик туйғулар, ошиқона ҳислар, реалистик унсурлар ҳукмрон. У кучли жозиблага эга. Бу лирик қаҳрамон ҳаётбахш ғоялар, ўлмас мавзулар, ёрқин образлар, нафосат ифодачиси сифатида адабий барҳаёт. У ўзини, ўзлигини шеърхонга юқтира оладиган лирик қаҳрамон.

Шоир яратган шеърлят ортиқча мақтовлар, талқинларга муҳтож эмас. Унинг ўзига хос хусусиятлари ва мавқеи тўғрисида Ўзбекистон халқ шоирлари Уйғун, Абдулла Орипов, филология фанлари доктори Махмудали Юнусов, профессор Озод Шарафиддинов, шоирлар Мамарасул Бобоев, Хусниддин Шарипов, Александр Яшин, ёзувчилар Комил Яшин, Жалол Икромий, Шароф Рашидов ва бошқалар яхши фикрлар билдиришган. Шундай яхши сифатлари сабабли шоир шеърлари тожик, туркман, қозоқ, рус, украин белорус, булғор, молдован, қирғиз, қорақалпоқ каби тилларга таржима этилди. Қардошларимизнинг китоб жавонларидан ўрин олиш бахтига муяссар бўлди. Шу маънода унинг ўзи тожик, озарбайжон, туркман, рус ва бошқа халқлар адиблари, шоирлари ижоди намуналарини она тилига ўғирди.

Тўғри, замон тақозоси билан Тошпўлат Ҳамид шеърлятида ҳам ўтқинчи мавзулар, вақтинча ғоялар, ғайритабиий образлар, публицистик, сиёсий шеърлар яратилди, у ўз замонининг куйчиси эди. Шу сабаб унинг шеърларида ҳам, дostonларида ҳам ўша замон мафқураси ўз ифодасини тошмай қолмади. У тамоман бедард ҳам эмас эди. Дардларини ичига ютиб юрарди. Шоир Омон Мухтор «Нихоллар» шеърлида

ёзганидай гарчанд ҳамиша ўзини дилбар ва хушчақчақ кўрсатишидан, катта курсиларда ўтиришидан қатъи назар, бедард, беғам ҳам эмас эди:

Аммо Сиз шоирсиз...

Айтай яна бир гапни:

Бедард каби кулиб,

Дардни юкляб юракка,

Биров эмас,

Ёлғиз пайтда бузиб асабни --

Яшадингиз...

(Қаранг: Омон Мухторов, Марварид. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 71-бет).

Ҳа, шоир шеъриятига, унинг шахсиятига ана шундай нуқтаи назардан ёндошсак тўғри бўлади. Беайб фақат Парвардигори олам деганлар-ку, ахир. Ҳаммамиз ҳам авлиё эмас, хом сут эмган бандалигимизни унутмайлик.

Зотан, шоир 1970 йилда биринчи юрак хасталиги (инфаркт)дан кейин ёзилган «Шеъримга» деган васиятнамо лирик мушоҳадаларида шундай ёзган эди:

Раҳна солди нохуш бир хаёл,

Дер: юрагинг энди тузалмас.

Мендан ёдгор бўлиб, шеърим, қол,

Дўстлараро сен яшасанг бас.

Ўзинг эдинг бедор тунларим,

Сенинг билан эдим мен подшоҳ.

Сенсиз ўтган мудҳиш кунларим,

Юракка чанг солмиш баногоҳ.

Тузаларман, умидсиз шайтон.

Яна тушиб кетаман сафга.

**Гар қисматим келса беомон,
Ўтинаман энг сунгги дафъа:**

**Хаёт йўлим сен эткиз давом.
Ўзимдай шўх бўлиб умр кўр,
Даштга чиқ-у, лолалардан жом
Ясаб олиб хаёт гаштин сур!**

(3-бет).

Хаёт қонуниятларини яхши биладиган, некбин, танти, лирик шоиргина шундай ёза олади. Тошпўлат Ҳамид шеъриятида шундай фазилатлар устувор.

Тошпўлат Ҳамид ҳайкалининг энг муҳим қисмларидан бири у 30 йил боғбонлик қилган нафосат боғида униб-ўсган жонсўз шогирдларидир. Уларни тарбиялаб, вояга этказишда шоир қанчалик изтироб, машаққат, азоб чеккан бўлса, киприклари каби уларни асраб-авайлаб ўстирган бўлса, шогирдлари ҳам эндиликда устозларининг хотирасини абадийлаштиришда, шоир адабий меросини оммалаштиришда шунчалик эътибор, меҳнат, куюнчаклик қилмоқдалар. Бу жиҳатдан Сафар Барноев, Омон Мухтор, Ойдин Ҳожиева, Тошпўлат Ахмад, Жаҳонгир Исмоилов, Умид Сатторов, Аҳад Ҳасан, Садриддин Салим Бухорийларнинг жонсўзлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шундай меҳрибон, оқибатли шогирдлар туфайли шоирнинг шеърят боғи ва боғбонлик фаолияти умрбоқийлик касб этди. Гапнинг рости, Тошпўлат Ҳамид тарбиялаган шогирдлари ўртасида оқибатсизлари жуда кам. Бу шоир учун катта бахт қани энди, шундай бахтга бошқалар ҳам эришса эди!

Тошпўлат Ҳамид тарбиялаб, қаламини қайраган жонсўз шогирдларининг шоирга бўлган эҳтироми, шеърятга бўлган муҳаббати Жаҳонгир Исмоиловнинг 1974 йилда ёзилган «Шеърятнинг ўзи буюк дард» шеърида бадний ифодасини ўзига хос мазмун ва оҳангда топган:

Шоир ётар юраги хаста,
Вужудида оташин ўй, ҳис.
Гар бор бўлсанг, илҳом париси,
Сен шоирни ўриндан турғиз.

Умрин шеърга этган у тортиқ,
Ҳали гаплар юракда қат-қат.
Йўқ, дард унга керакмас ортиқ,
Шеърятнинг ўзи буюк дард!

Устоз солди юракларга кўр,
Биз тутиндик шеър билан ошна.
Машқимиз ҳам ҳали анча ғўр,
Дил ҳам устоз меҳрига ташна.

Сочаверсин ёғдусин куёш,
Юрт бизнинг ҳам кўшиққа тўлсин.
Устоз бўлсин сафимизга бош.
Шогирдлари камолин кўрсин.

Тошпўлат Ҳамид ҳам худонинг бошқа бандалари қатори ота-онали, оилали эди.

Шоирнинг шахсий архивимизда сақланаётган «Таржимаи ҳоли»да ота-онаси ҳақида шундай ёзади: «Мен, Ҳамидов Тошпўлат Ҳакимович, 1927 йил, 12 декабрда сулув Зарафшон дарёси қирғоғида жойлашган Бўстон қишлоғида дунёга келганман. Бу қишлоқ географик жиҳатдан Бухоро областининг Қизилтепа районига мансуб.

Отам – Мирзаабдулҳамид Ҳакимов ўзбекнинг манғит уруғларидан. Инқилобгача хушхат мирза сифатида китоб кўчириб, ариза ёзиб, номлари теварак-атрофдаги одамлар орасида машҳур бўлган. Бухоро амири қочгандан кейин 20-30 йилларда ГПУ ва ЧК органларида, қишлоқ Советида котиб

бўлиб ишлаганлар. Дадам вафот этганларида мен уч ёшда қолганман.

Муҳтарам волидам Ҳамробуви Ширинова ҳам оналик, ҳам оталик қилиб, мени тарбиялаб, ўқитганлар».

Янгамиз Лида Эфимовна Ҳамидова билан (1928-1985) 40 йилга яқин бирга турмуш кечирди.

Янгамиздан икки қиз, икки ўғил кўрди. Уларни ардоқлаб, ўстирди, замон талабига мувофиқ тарбиялади, олий маълумот олишларига жонкуярлик қилди. Шу кунларда устознинг ўғил-қизлари ота-оналарининг анъаналарини давом эттирмоқдалар. Учовлари ҳам оилали, фарзандли, халқ хизматига яраб келишмоқда. Биринчи ўғиллари Олимжон ёшлигида вафот этган.

Катта қизлари Назирахон Тошпўлатовна Ҳамидова (1948) Навоий давлат педагогика институти ўқув ишлари бўлимининг мудир, рус тили ва адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси. Иккинчи қизлари Олимахон Тошпўлатовна Ҳамидова (1959) Бухоро давлат университети 2-бўлимининг бошлиғи, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, ўғиллари Жунайдулла Тошпўлатович Ҳамидов (1956) «Бухарские известия» газетасининг ходими, журналист. Сингиллари Марям Нарзуллаева (1936) олий маълумотли ўқитувчи, Қизилтепадаги Тошпўлат Ҳамид музейининг директори. Куёвлари, келинлари ҳақида ҳам шундай илиқ гапларни айтса бўлади. Неваралари, эваралари ўндан ошиб кетди. Улар бир-бирига меҳрибон, аҳил, одамшаванда. Ота-оналари руҳини шод қилиш учун барча ишларни амалга оширишмоқда.

Ҳар бир инсоннинг ҳам яшашдан, ишлашдан, фарзанд тарбиялашдан асл мақсади шу. Тошпўлат Ҳамид ҳам шу йўлда 57 йил меҳнат қилди. Оиласини, фарзандларини ҳам шеърлари каби асраб-авайлади, севди, парваришлади. Оиласига, фарзандларига бўлган муҳаббатини «Л.га», «Тупроқ ўйини» ва бошқа шеърларида тараннум этди. Шеърларини фарзандлари каби яхши кўрди, суйди. Фарзандларининг бахт

тўйларини кўрди, элга дастурхон ёзиб, муродини ҳосил қилди. Неваралик бўлди, шодлигини қариндош-уруғлари, дўстлари, билан баҳам кўрди. Ҳаётпарвар шоир бутун борлиғини оиласи, фарзандлари, невараларига сарфлашга рози эди. Шундай қилди ҳам.

Тошпўлат Ҳамиднинг дўстлари кўп эди. Уларни собиқ иттифоқнинг ҳар бир шаҳри, тумани ва қишлоғидан топиш мумкин. Зотан, умрини одамгарчиликка, яхшиликка, меҳмоннавозликка бағишлаган дилкаш шоирнинг қисмати бундан бўлак бўлиши мумкин эмасди. Дўст танлашда у миллатига, касби-корига, ирқига, бойлигига қарамасди. Табиатига мос келса, бас эди. Яхши одамларга, дўстларга жонини фидо қилишга тайёр эди. Айниқса, шоирнинг Душан Файзий Зарафшоний, Эркин Самандаров, Шарофжон Орифий, Нормурод Нарзуллаев, Тўра Шуман каби шоирлар, Ортиқ Отажонов, Орифжон Атоев, Ҳамиджон Жалолов, Муҳаммаджон Рафиқов сингари артистлар, бастакорлар, Шариф Аҳмедов, Шавқи Расулов, Саиджон Сафаров каби ўқитувчилар, Ҳожи Қаҳҳоров, Норқул Қурбонов каби савдо хедимлари, Даврон Қурбонов, Жўрақул Орипов, Нусрат Ҳикматов, Мардон Шамсиев каби амалдорлар билан дўстлиги оқибатли бўлди. Бу дўстлик мадҳи шоирнинг мактабдоши, ватандоши, ҳамкасб дўсти шоир Душан Файзий Зарафшонийнинг «Бир йўқотиб, қайта тополмаганим» шеърида алам тўла изтироблар билан ўзининг гўзал ифодасини топган:

**Бухорога келдим яна сени излаб,
Нурли нигоҳингни бир кўрмоқ бўлиб,
Ўша – ҳайёмона суҳбатларинг истаб,
Келдим соғиниб, дўстларингни олиб.
Во дариг!
Бир фарёд эшитилди шу дам,
Ларзага солгудек борлиқ жаҳонни,
Арсат ичида гангиб қолдим мен ҳам,**

Бир фарёдки, қалтиратар эди инсонни!
Наҳот бу дунёда Тошпўлат йўқ энди,
Наҳот, бир йўқотиб, қайта тополмасам?
Бундай кўргуликка наҳот ҳамма кўнди?
Дўстга не десам-у, душманга не десам?
Биров тахтда туриб ризқ ато этганда,
Биз бўлсак, тирнокда ҳаёт яратувдик.
Ҳар қалай замона кўлимиздан тутганди,
Тирмаша-тирмаша шу кунларга етувдик.
Ҳаёт бизга жуда қимматга тушган,
Унинг машаққатин бизчалик ким кўрди?
Элга сув келтирдинг, мевалар ҳам пишган,
Энди яшамоқлик – сенинг ҳаққинг эрди.
Қирқ йил Бухорони мақтаганинг рост,
Халқ севиб: «Зарафшон булбули» деди,
Бухоро мадҳини қилганимда ҳавас,
«Тошпўлат бор-ку», деб кўнглим тинч эди.
Қадки букилмоқда ўйлаганим сайин,
Гулга сероб бир боғ эдинг ўлкамда.
Дўст эдинг жон қадар! Яна нелар дейин,
Суянган тоғим эдинг елкамда.
Шу экан-да, дўстим, дунёнинг иши,
Шоҳни ҳам,
Шоирни ҳам аямаскан тақдир.
Жаҳонгирлар ожиз... биз не деган киши,
Ҳаёт... Қонуният.., чораси йўқдир,
Шоирга ўлим йўқ! Абадият бор!
Сени унутмэгэй навогаъб диллар.
Шеърят боқийдир! Боқийдир баҳор.
Фарзандлар бор бўлсин!
Кўмилмасин йўллар!

(Қаранг: Душан Файзий. Бу кўнгил. Самарқанд. 1990, 19-20-бетлар).

Атоқли шоирнинг жон ўртар мисраларига бир сўз қўшиш қийин. Чунки унинг шеърида Тошпўлат Ҳамид дўстлари, шогирдлари, фарзандлари, ҳамкасблари бўғзида қолган алам ва фарёд нолалари ўзининг гўзал ифодасини самимий топган.

Хоразмлик таниқли шоир, носир ва драматург Эркин Самандаров билан Тошпўлат Ҳамид қалин дўст ва ҳамкор эдилар. Бу дўстлик самараси сифатида уларнинг машхур «Хоразму Бухоро» қушиқ-қасидалари яратилди. Бу қушиқ-қасидага машхур лирик хонанда Ортиқ Отажонов куй басталади ва маромига солиб ижро этди.

Уч дўст, икки шоир ва бир ҳофиз ижодий меҳнати самараси туфайли «Хоразму Бухоро» қушиқ-қасидаси элга манзур бўлди. Қушиқ-қасиданинг яратилиш тарихи тўғрисида Тошпўлат Ҳамид шундай деган эдилар: «Бу шеърнинг ёзилиши ҳақиқий, дўстона мусобақанинг тимсолидир. Чунки, бир байтни тўқиб, иккинчи байтга ўтишда бир-биримизга ўқиб берамиз, бир-биримиздан маслаҳат оламиз, айни пайтда бир-биримизни қойил қолдиришга, бир-биримиздан ўтказишга интиламиз. Шундай қилиб, Эркинжон билан кўҳна Урганчни зиёрат қилиш баҳонасида ана шу Сиз эшитган қушиқни яратдик. Бизнинг мусобақамиз доираси шу билан чекланмади. Зўр санъаткоримиз ҳам бу мусобақага қўшилди, шекилли, шеърни қушиқ қилди. Менинг назаримда, мусобақа ғолиби Ортиқ Отажонов бўлса керак. Чунки у биз ёзган шеърга қанот бағишлади. Унинг ёқимли овози туфайли бу шеър қушиқ бўлиб ҳар бир ўзбек хонадонига етди. (Бу парча архивимизда сақланаётган «Бир қушиқ тарихи» қўлёзмасидан олинди).

Бухоройи шариф, Хоразми латиф шаҳарларнинг 2500 йиллик тўйи катта тантана билан нишонланган қутлуғ айём кунларида Эркин Самандаров, Тошпўлат Ҳамид ва Ортиқ Отажонов ҳамкорлигида яратилган, улар ўртасидаги дўстликнинг ёрқин тимсоли саналган «Хоразму Бухоро» қушиқ-

қасидаси мустақил Республикамиз мусаффо кўкида баралла жаранглаётгандек туюлади:

**Машхурдир Осиёда икки улуғвор диёр,
Бир-бирига туташган тақдири, тарихи бор.
Санъати, сўз дурлари элда топиб эътибор,
Ўзбекистон шаънига қуйиб берган пойдевор.**

**Дўст азал-азалдан Хоразму Бухоро,
Кўз ила қош азалдан Хоразму Бухоро.**

(Кўшиқ-қасидадан олинган парча архивимиздаги мазкур қўлёзмадан олинди).

Тошпўлат Ҳамид ҳаётда ҳам, шеъриятда ҳам дўстликни улуғлаган шоир. Унинг ҳаётидан, шеъриятдан бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Аммо асалнинг ҳам ози яхши деганларидай, бу борадаги фикрларимизни шоирнинг 1977 йилда ёзилган “Дўстларимга” номли шеъри билан яқунласак, мақсадга мувофиқ бўлади:

**Балиқ сувсиз яшай оларми?
Мен – балиқман, дарё – ўзингиз.
Дарахт ерсиз мева соларми?
Меваларим—Сизнинг сўзингиз.**

**Нур бўлмаса, яшарми гуллар?
Нур – ўзингиз, бергувчи камол.
Очилмасди Сизсиз кўнгиллар,
Бўлмас эдим мен ҳам, эҳтимол.**

(89-бет)

Халқимизнинг сеvimли шоирига бўлган меҳр-муҳаббатини унинг вафотидан кейин номини абадийлаштириш борасида Бухоро ва Навоий шаҳар, вилоят ҳокимиятлари жамоатчилиги томонидан амалга оширилган тадбирларда

ҳам равшан кўриш мумкин. Бухоро шаҳар ҳокимияти ва жамоатчилиги ташаббуси билан шоир ўқиган Бухоро давлат педиститути эски биноси деворига ёдгорлик лавҳа ўрнатилди. Бухоро шаҳридаги «Ботаника» кўчасига Тошпўлат Ҳамид номи берилди. Шоир ва турмуш ўртоғи дафн этилган Ҳазрати имом мазоридаги хобгоҳи устида ўғли Жунайдулла, қизлари Назира, Олимахонларнинг падари бузрукворларига бўлган меҳр-муҳаббатлари рамзи сифатида бюст (ҳайкалча) қад ростлади.

Навоий вилояти Қизилтепа тумани Бўстон фуқаролар йиғинидаги мактаблардан бирига унинг номи берилди. Туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Тошпўлат Ҳамид номидаги мактабда унинг музейи очилди, бюсти ўрнатилди. Бўстон марказида Тошпўлат Ҳамиднинг уй-музейи ташкил этилди. Бўстондаги маҳаллалардан бири унинг номи билан аталади. Қизилтепа тумани ҳокимиятининг қарори билан ҳар йил, сентябр ойида унинг хотирасига миллий кураш буйича полвонлар беллашуви ўтказиладиган бўлди. Қизилтепа туман ҳокимияти органи «Қизил тонг» газетаси «Тошпўлат Ҳамид бир куни» рукни остида адабий саҳифалар ташкил этди, тез-тез «Ёднома» рукни остида материаллар бериб боради. Туғилган Ватанида шоирнинг 60 ва 65 йиллик юбилейлари, 1997 йилда эса Қизилтепа тумани ҳокими ва Навоий вилояти ҳокимият қарорига биноан 70 йиллик юбилейи қизғин нишонланди. Шунга яқин тадбирлар Бухоро давлат университетида, Навоий давлат педагогика институтидаги ўзбек филологияси факультетларида ҳам ўтказиб турилади.

1988 йилда «Ёш гвардия» нашриётида «Юртим гуллари» шеърлар ва дostonлар тўплами, 1989 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Манзил» номли танланган асарлари нашрдан чиқди. Булардан ташқари, Бухоро давлат университети ўзбек, тожик филологияси

факултети талабалари томонидан Тошпўлат Ҳамид ижоди бўйича курс ва диплом ишлари ёзиш анъанага айланди.

Шоир туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан ўзбек адабиётини ривожлантириш ва ёш ижодкорларни тарбиялашдаги катта хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» ҳукумат унвонига, 1982 йилда Москвада нашр этилган «Родина аистов» («Лайлақлар диёри») шеърлар ва дostonлар тўплами учун Ўзбекистан ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги мукофотига сазовор бўлган эди. У «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Ҳурмат белгиси» ва «Меҳнат Қизил байроқ» орденлари билан ҳам мукофотланган,

Тошпўлат Ҳамид ҳақидаги «Нафосат боғининг боғбони» хотиралар, мақолалар китобимизни унинг сўнгги шеърини яна бир қарра эслаш билан якунлашни мақсадга мувофиқ топдик.

Соғинсангиз мени изланг
Боғ гуллари атридан.
Мен соғиниб, Сизга қарай –
Шеърларимнинг сатридан.

Ўтаб бўлдим ҳаётимни,
Берилиб ҳис-туйғуга.
Сизга атаб ижодимни,
Маиғу кетдим уйқуга.

(Қаранг: Тошпўлат Ҳамид. Юртим гуллари. Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти, 1988, 4-бет).

Афсуски, шундай!

1984 йил январининг охирлари эди. Ҳаво анча тунд ва хира. Шаҳримизнинг Низомий номли ҳашаматли кўчаси йўлакчаси орқали институтга ҳорғин кетаётган эдим. Тасодифан бир «Волга» автомобили ёнимга келиб тўхтади.

Қарасам, Тошпўлат Ҳамиднинг шофёри Истам ака. Қаергадир шошилаётгани шундайгина юзидан билиниб турарди. Ҳол-аҳвол ҳам сўрамасдан машинага ўтирдим. Дарҳол домланинг аҳволини сўрадим. Истам ака домла Кисловодска даволанишга кетаётганлигини, уни ҳозир аэропортга чиқариб қўйишини айтди. Истам ака билан домланинг Бухоро ёғ заводи ёнида жойлашган кенг, кўркам, файзли ҳовлисига бордик. Домла чиндан ҳам Лидахон янгамиз билан сафар кийимида дарвоза олдида шофёрни кутиб турган экан. Машинадан тушиб, кўришдик. Менинг тасодифан келиб қолганимдан хурсанд бўлиб, унинг тунд юзи бироз ёришди.

Дарҳол домла, янгам, мен машинага ўтирдик. Истам ака рулни аэропорт томон бурди. Ҳаял ўтмай, аэропортнинг фуқаролар самолётга чиқадиган томонга бориб тўхтадик. Домла кейинги тўрт-беш йилда биринчи марта бу томондан самолётга чиқаётган эди. Ҳар гал депутатлар хонасида хизматкорлар ва катта-кичик амалдорлар қўршовида самолётга чиққани эсига тушиб, юзи яна тундлашди. Бу сафар фарзандлари ва мен ёнида эдик, холос. Самолёт учиши олдидан ҳамкасб дўстлари Исмоилжон Ёқубов, Аминжон Шукуровлар ҳам келишди. Ҳар гал атрофида парвона бўлиб, амал-тақал қилиб юрадиган мансабпараст, лаганбардор кимсалардан ёнида ҳеч ким йўқ эди.

1983 йилнинг декабрида Тошпўлат Ҳамид Бухоро вилояти партия қўмитаси мафкуравий ишлар котиблигидан ўз аризасига мувофиқ озод қилиниб, яна олдинги ишлари «Бухоро ҳақиқати» вилоят газетасига бош муҳаррирликка тайинланган кунлар, бундан ташқари, «қизил империя»нинг янги қатағони Бухорода авж олган пайтлар, элнинг оғзига элак тутиб бўлмайдди, дейилганидай ҳар оғизда бир шум хабар. Домла ҳақида ҳам узук-юлуқ норасмий хабарлар шаҳар бўйлаб изғиб юрибди. Айниқса, унинг даврида ишдан ҳайдалган, партиявий жазо олган, амали билан тутоқиб юрган пасткаш кишиларнинг оғзида фитнаю фасод урчиб

юрибди. Домладан ўч олиш ниятида бўлган бу амалпарастлар унга қарши иғвою бўҳтонлар уюштириш билан унинг боладай беғубор, нозик қалбини зада қилиш билан овора. Ана шуларнинг тазйиқ таъқибидан узоқлашиш, эркинроқ нафас олиш ва бой берган соғлиғини тиклаш учун, ижодий режаларини давом эттириш учун домла даволанишга кетаётган кун.

Самолёт учишга ҳозирланганча, аэропорт бекатларидан бирида Тошпўлат Ҳамид билан иккаламиз дарду ҳол қилдик. Қарасам, домланинг юзи докадек оқарган, терисининг остки қисми кўкимтир тусга кирган. Кайфияти асабий. Олдинги дилбарлиги, хушчақчақлигидан асар ҳам йўқ. Вазмин гапиради, гапларида ҳасрат, надомат, афсусланиш аломатлари ҳукмрон. Чамамда, Бухорода, Ўзбекистонда руй бераётган нохуш вазиятдан қалби безовта. Юзида ногаҳон бошланган қатағон ва ундан норозилик аломатлари сезилади. Домланинг оғир кайфиятидан юрагим эзилиб, маъюсландим. Қурғур хаёллар қаерларгадир бориб келмади, дейсиз? Ниҳоят, домлага:

—Аҳволингиз яхши эмас. Узоқ масофага учяпсиз. Чарчаб қолишингиз мумкин. Ундан кўра шу ерларда даволаниб, кейин Кисловодскка борсангиз бўлмайдими? -- деб савол бердим. У киши саволимга:

—Тожибой, бу ерда бўғилиб кетяпман, холос. Кўнглим ҳеч нарса истамайди. Иштаҳам йўқ. Бир кунда битта олма ейман. Бухорода юз бераётган нохуш воқеаларни билишга, кўришга тоқатим йўқ. Юрагим дош бермайди. Биласиз, икки марта инфарктни бошдан кечирганман. Кейинги йилларда партиявий иш билан банд бўлишимга қарамай, ижодий ишимни тўхтатганим йўқ. Китобларим чиқиб турганидан хабарингиз бор. Севган шаҳрим Бухорода ўрта ва олий таълим, табобат, адабиёт, санъат, жисмоний маданият, маънавийтни ривожлантиришга озмунча меҳнат сарфладимми? Етук кадрлар тайёрлашга қанча эътибор қилдим. Булар ҳаммаси осонликча бўлган эмас. Муҳими, ҳаётни чуқур

Ўргандим. Катта тажрибам бор. Даволаниб келиб, ижодкор, бунёдкор, қаҳрамон халқимиз ҳаётидан янги дostonлар, драмалар ёзаман. Катта романларга етгулик ҳаётий материал жамладим. Режаларим кўп. Менга озгина тоза ҳаво, соғлом муҳит ва шифо керак. Тошкентда жияним Муҳаммаджон Ҳасановнинг уйида икки-уч кун дам олиб, кейин Кисловодскка учамиз. Ёнимда ойимқиз (домла янгамизни шундай атар эди) борлар,—дея жавоб берди,

Шу пайт самолётга чиқишга даъват этилди. Суҳбатимиз шу ерда узилди. Биз уч қадрдони, фарзандлари домлани Бухоро—Тошкент йўналишидаги самолётга чиқариб, хайрлашиб, хафа ҳолда ишхонага қайтдик. Ўшанда бу дақиқалар ғанимат дақиқалар эканлиги, бу дийдорлашув сўнггиси эканлигини ҳаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Сўнгги қатағоннинг мудҳиш вазифаси бунчалик чуқур ва кенглигини билмай, ичимда домлани ҳаёлпарастликда, ваҳимачиликда айблаганман. Аммо фикру зикрим домланинг тезроқ даволаниб қайтиши билан, ижодий режаларининг амалга ошиши кунлари ширин ҳаёли билан банд эди.

...Ногаҳон 1984 йилнинг 9 феввалида домла Кисловодск шифохонасида ҳаётдан кўз юмганлиги ҳақидаги хунук хабарни эшитдим. 11 февралда унинг жасади самолётда Бухорога олиб келинди. Аза очмаган, азият чекмаган, қайғурмаган одам қолмади. Мухлислари, шогирдлари, ҳамкасбларининг дийдаси нам, бели букик, фарзандлари, яқинлари ҳассакаш.

Шеър аҳли дилзада. У севган ижодининг олтин сатрлари бағишланган Бухоро ҳам ғамзада. Миноралар боши, мадрасаю дорилфунунларда, мактаблару санъат саройларида оғир мунг ҳукмрон. Бухорога яқин Хоразму Самарқанд, Қашқадарёю Сурхондарё воҳаси, бутун Ўзбекистон азада. У севган халқ, она Бухоро севган ўғли, ғазалхон фарзанди билан видолашяпти. Унинг жасади васиятига биноан Бухоронинг

машхур зиёратгоҳларидан бири бўлган Ҳазрати Имом мазорига қўйилди.

Афсуски, Тошпўлат Ҳамид Мустақилликка етиб келолмади. Агар у тирик бўлганида, қувончи қалбига сиғмасди, яйраб-ййраб шеър, қўшиқ, ғазал, дoston ёзарди. Янада баланд пардаларда севимли Ватанини она халқини, истиқлол ва баҳорни, муҳаббат ва ёшликни мадҳ этарди. Бу юрт, эл камоли сарбаландлиги, порлоқ эртаси унинг орзуси эди, ахир. Водариғ! Умри қисқа экан, унинг Тошпўлат Ҳамиддан асрларга етгулик адабий мерос, эсдан чиқмас ёрқин хотира қолди. Асарларини асраб-авайлаш, ҳамда хотирасини ёдга олиб туриш, мухлисларининг бурчи ҳисобланади. Шу бурчни садоқат билан бажарсак, устознинг ўлмас руҳи биздан ҳамиша шод бўлғусидир.

ИБРАТЛИ ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

Тожи Қораев (1936-2000) Бухоро давлат университети профессори, адабиётшунос, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси, фаол жамоат арбоби, публицист ва жўшқин маърифатпарвар инсон эди. Мана, ўн тўққиз йилдирки, бу ажойиб олим, устоз ва мураббий сафимизда йўқ. Аммо унинг эзгу номи, ибратли ишлари халқ хотирасида яшаб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, айтилганидек, яхшидан ном қолади...

Мураббий-олим кўп йиллар давомида Бухоро давлат университети (аввалги пединститут)да ассистент, доцент, ўзбек адабиёти кафедраси мудир, ўзбек филологияси факультети декани, "Илғор фан учун" газетаси бош муҳаррири сифатида самарали фаолият кўрсатди. У ўзининг қизғин жамоатчилик хизматлари билан катта обрў-эътибор қозонган эди. Т.Қораев қаерга бормасин, шогирдлари, мухлислари бу оқибатли инсоннинг атрофига тўпланар, унга ўз эҳтиром туйғуларини изҳор этар эдилар.

Тожи Қораев ижтимоий-ташкилотчилик фаолиятининг асосий қисмини БухДУ ўзбек филологияси факультетига раҳбарлик ташкил этади. Факультет моддий-техник асосининг мустаҳкамланиши, кафедраларга истеъдодли, серғайрат ёшларнинг ишга қабул қилиниши бевосита шу ташаббускор инсон - олимнинг хизмати эди. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида мазкур факультет олийгоҳимиз ва Республика олий мактабларининг энг илғор жамоаларидан бири деб эътироф этилган, бошқаларга намуна қилиб кўрсатилган.

Куюнчак олимнинг тадқиқотчи сифатидаги ишлари ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Унинг мақола, рисола, монографияларидан жўшқин қалби, адабиёт, санъат, маданиятга, умуман, тараққиёт ва янгиланишга иштиёқи яққол ҳамда ёрқин кўриниб турарди. Т.Қораевнинг "Хиромий", "Шоир

қалби доим навқирон”, “Уйғун маҳорати” каби ишларида ўзбек адабиётининг долзарб муаммолари тадқиқ этилган.

Т.Қораев тажрибали ва моҳир педагог-муаллим эди. У “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Янги ўзбек адабиёти”, “Адабиётшуносликка кириш” соҳаларидан талаба-ёшларга сермазмун, қизиқарли маърузалар ўқир эди. Унда мураббийликка табиий қизиқиш, иқтидор бор эди. Ҳар бир дарсга пухта тайёрланар, янги маълумотлар, фикрларни тингловчиларга етказишга ҳаракат этарди.

У фақат университетнинг ўзида сабоқ бериш билан кифояланиб қолмай, Бухоро шаҳри ва туманларидаги меҳнат жамоаларида ҳам ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти тарихига оид маърузалар ўқир эди.

Серғайрат олим ижтимоий, маърифий фаолиятининг муайян бир қисми матбуот, газетачилик билан боғлиқ кечди. У икки муддат (1966-1970 ва 1984-1986 йиллар) “Илғор фан учун” газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаган. Мазкур рўзноманинг ўша йиллардаги тахламларини ўқиб шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, уларда даврнинг илғор маданий-маърифий руҳини янада ёрқинроқ ёритиш ҳаракати ўзининг теран ифодасини топган.

Устоз-адабиётшунос фақат университет газетасига бошчилик қилиш билан кифояланиб қолмай, вилоят, республика матбуотида ўнлаб долзарб мавзулардаги мақолаларни эълон этди, уларда ижтимоий-маданий ҳаёт, илм-фан, санъат ва адабиётнинг долзарб муаммолари ўз аксини топган.

Профессор Тожи Қораевни ўзи узоқ йиллар ишлаган Бухоро давлат университетидагина эмас, Бухоро вилояти, унинг ёндош ерларида, илмий-адабий муҳит нуқтаи назаридан қарасак, бутун мамлакат доирасида яхши билишарди.

У олим, маърифатпарвар адабиёт, маданият, маънавият тарғиботчиси сифатида танилган, илмий фаолиятини амалий соҳалар билан билан бирлаштира олган инсон эди.

Энг муҳими, Тожи Қораев одамохунлиги, муомала маданияти, сахийлиги, инсонпарварлиги билан яхши ном қозонган. Унинг бу хислатларини ёшлар, айниқса, тенгдошлари, хусусан, катта авлод вакиллари қадрлашарди.

Тожи Қораев ўз умри давомида кўп яхши амалларни бажарди, жамият аҳли орасида яхши инсон деган ном олди.

Олим шахс ва инсон сифатида кўпгина фазилатларга эга эди. Аввало, у чуқур ички маданиятга эга одам сифатида ўзидан ажойиб таассурот қолдирган. Фақат гап-сўзлари, кийими – сувратидагина эмас, руҳияти, фикрлаш тарзида шарқона ахлоқ, инсонпарварлик, олижаноблик барқ уриб турарди. Бу дилкаш одам иштирок этган давраларда ғийбат, иғво, майда гапларга асло жой йўқ эди. Суҳбат ўз-ўзидан адабиёт, маънавият, тарих ўзанларига тушиб кетарди. Мана шу фазилатларнинг ўзиёқ унинг халқ ҳурматига лойиқ шахс эканлигидан далолат беради.

1936 йил 9 февралда Қизилтепа туманининг “Нонвоён” қишлоғида меҳнатсевар ва ҳалол оилада таваллуд топган бўлғуси адабиётшунос болалигиданоқ адабиёт, сўз сеҳрига меҳр қўйди. Ҳазрат Навоийнинг “Камол эт касбким, олам уйдан Сенга фарз ўлмагай ғамнок чикмоқ” деган доно ўгитини қалбига жо қилиб, тинимсиз ўқиб-ўрганди, бадиий матн мутолаасига берилди. “Бу сеҳрли ва мафтункор илоҳий оламга бешинчи синфда ўқиб юрган йилларимда, тахминан 1949-1950 йилларда мубтало бўлганман”, - деб ёзган эди кейинчалик у “Шеър – рўшнолик” хотираномасида.

Мана шу мафтунлик туфайли “Гулливернинг саёхатлари”, “Ўн беш ёшли капитан”, “Капитан Грант болалари” китобларини қайта-қайта ўқиди. Аммо уни ўзига бир умр асир этган китоб оташзабон шоир Ҳамид Олимжоннинг шеърый мажмуаси бўлди. Бу китобни у қўлидан қўйгуси келмас, ундаги тиниқ ҳиссиётли шеърларни ёд оларди.

8-9- синфларда ўқиётганида, ҳаёт уни кейинроқ машҳур шоир бўлиб танилган Тошпўлат Ҳамид билан рўбарў этади.

Ўша пайтларда Қизилтепа туманида раҳбарий вазифалардан бирида ишлаш билан бирга ўрта мактабда она тили ва адабиётидан ўқувчиларга сабоқ бераётган Тошпўлат Ҳамид ўспирин Тожи Қораев қалбидаги иқтидорни пайқади ва унга маънавий раҳбарлик қила бошлади. Бу устоз-шоғирдлик русуми кўп йиллар давом этган ва бузилмаган.

Тожи Қораевнинг дастлабки шеърӣ машқлари Т. Ҳамид таҳрири маслаҳатлари билан ўша пайтларда туман рўзно-масида босилган.

Талабалик, аспирантлик, сўнг муаллимлик йилларида илмӣ, жамоатчилик фаолияти билан банд бўлса-да, назмга бўлган ҳавасини юрагида асрэй олди. Вақт, имкон топиб шеър ёзишни давом эттирди. 1996 йили "Бухоро" нашриётида босилган "Илҳомли онлар юлдузи" шеър ва бадилар мажмуасини варақларканмиз, Тожи аканинг бадий ижод борасида хийла бой тажриба тўплаганига, ёзганларида завқ, назмӣ руҳ, эсда қоларли поэтик кузатишлар мавжудлигига ишонч ҳосил этамиз. Ижодкорнинг бадий адабиёт, шунингдек, адабий танқид борасидаги ишлари ҳисобга олиниб, у 1984 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул этилган эди.

Бадий адабиётга, бадий матнга майл, қизиқиш, муҳаббат уни фан соҳасига, адабиётшунослик, мумтоз бадий сўз санъати даргоҳига олиб кирди.

Бугунги кунда Т. Қораев ёзиб қолдирган илмӣ асарларни кўздан кечирганда, уларнинг анча кенг ва рангбаранглигини кўриш мумкин. Шарқ мумтоз адабиёти, замонавий лирик, лиро-эпик шеърӣят, драматургия бадийати, адабий жараённинг долзарб муаммолари олимни қизиқтирган соҳалар эди.

Мумтоз адабиёт намояндалари – Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Исмаи Бухорий, Алишер Навоий, хусусан, мавлоно Хиромий, замонавий сўз санъати вакиллари – Уйғун, Ҳамид Олимжон ижодига бағишланган мақола ва рисолалари унинг

тадқиқотчи сифатида амалга оширган ишлари кўламдор эканлигини кўрсатиб туради. Жумладан, маърифатпарвар шахс Абул Бозоров билан ҳамкорликда Хожа Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар”нинг мукамал “Туркистон нусхаси”ни топиб, ўрганиб фанга топширилиши матншуносликда воқеа бўлди. Бу заҳматли меҳнат учун иккала тадқиқотчига ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Аҳмад Яссавий номидаги халқаро мукофоти берилган.

Тожи Қораевнинг ижодий, публицистик фаолияти матбуот, журналистика билан ҳам боғлиқ. Буни бутун ижодкорлик умри давомида вилоят, мамлакат газета ва журналларида чоп этилган замон, маданий-маърифий жараён билан боғлиқ ўнлаб мақолалари мисолида кўрса бўлади. У бундай хизматлари учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига аъзо бўлган эди.

Шундай қилиб, устознинг фаолият майдонида тўрт жиҳат: мураббий-муаллимлик, илм-фан (адабиётшунослик) ва адабий танқид, журналистика ва публицистика ҳамда ташкилотчилик ажралиб турганини кўрамиз. У бу ишларнинг барчасини чин дилдан, куч ва соғлиғини аямай, берилиб, чин маънодаги фидойлик билан бажарарди. Баъзиларда кўринадиган жамият ишидан ўзини аяш, кўз бўяш унга мутлақо ёт эди.

Афтидан, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон каби ўзи севган ижодкорлар авлодига хос бўлган оловқалблик, романтик жўшқин руҳ унинг шахсини тарбиялаган ва бу ҳайратомуз хусусият ҳаётининг сўнгги дамларигача уни тарк этмади.

Бу ўринда яна шу нарсани айтиб ўтмоқ жоизки, олим илмий, ижодий, публицистик, жамоатчилик ишларини асосий касби – мударрислик (олий мактабда мураббийлик) билан қўшиб олиб борди. Кўп йиллар давомида ўзбек филологияси факультети талабаларига “Ўзбек адабиёти тарихи”. “Адабиётшуносликка кириш”. “Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи” соҳаларидан маърузалар ўқиди, амалий машғулотлар ўтказ-

ди. Дарсларида ёшларни адабиётни, адабиётшуносликни севишга, қадрлашга даъват этди. Янги замонавий таълим усулларида самарали фойдаланди. Талабалар, шогирдлари ёрдамида 300 дан зиёд кўргазмали қуроллар тайёрлаб, уларни ўзбек адабиёти кафедрасига мерос тарзида қолдириб кетди.

Тожи Қораев чин маънода оқибатли инсон эди. Бундай фазилат касбдошлари, шогирдлари, дўст-биродарлари, қариндош-уруғлари, оила аъзолари, рафиқаси, ўғил-қизларига нисбатан муносабатларида яққол кўриниб-билиниб турарди.

Устоз-олимнинг хонадони меҳмондўстлиги билан ҳам алоҳида ажралиб турарди. Дарвозаси, уйи ҳамиша очиқ эди. Қачон бу уйга бормайлик, серфайз хонадони турли касб эгалари – оддий деҳқондан тортиб таниқли шоиру олимлар билан гавжум бўлган.

Муҳтарам муаллим фақат олим, жамоатчи, мураббий сифатидагина эмас, ибратли оила бошлиғи, ғамхўр ота ва бобо мақомида ҳам яшаб ўтганлигини айтиш жоиз. Турмуш ўртоғи билан биргаликда ўн фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Ўғил-қизлари ота-оналари каби илмли, ҳунарли, ҳурмат-эътиборга лойиқ инсонлар бўлиб етишдилар. Улар бугунги кунда ҳаётнинг турли жабҳаларида ишлаб, оталарининг эзгу ишларини давом эттирмоқдалар.

Оиладаги ҳурмат аслида жамиятдаги ҳурмат демакдир. Тожи Қораевни ўзи ўқитган талабалари ҳам суюшар, уни бошларига кўтаришга ҳозир эдилар. Касбдошлари даврасида ҳам обрўси баланд эди.

Тожи Қораев шахсида шарқона, кенгроқ олганда, инсониятга хос энг яхши одамийлик фазилатлари мужассам эдики, унинг ибратли ишлари, эзгу амаллари туфайли хотираси ҳам эъзозланиб келинмоқда. Ўзи яшаган каттагина кўчага профессор Тожи Қораев номи қўйилгани ҳам фикримизга далилдир.

Мана, биз – Истиқлол даврида яшаш бахтига муяссар бўлган халқ, катта мақсад ва умидлар билан янги асрга, янги даврга қадам қўйдик. Биз яшаган ва кўп улуғ воқеаларнинг шоҳиди бўлган йигирманчи аср ортда қолди, мозийга айланди. Аммо ана шу асрнинг маданий-маърифий қиёфаси, тамойилларини белгилаган эзгу ниятли одамлар ёди қалбларда, тарих саҳифаларида қолади.

Тожи Қораев ўтган асрдаги энг яхши, ибратли фазилатларни ўз қалби, шахси, ҳаракатларида мужассам эттирган инсон эди. Уни билган, китобларини ўқиган ва ўқиши мумкин бўлган одамлар дилида у нуроний сиймоси билан яшайверади.

Ғайрат МУРОДОВ,
филология фанлари доктори,
Бухоро давлат университети профессори.

ЭҲТИРОМ

Инсон умри оқар сувга ўхшайди. Баъзида шиддат билан қирғоқлардан тошиб, баъзида сокин аммо гирдобли оқади. Барибир, сув она заминга сингиб, табиатга жон-ҳаёт бағишлаб, уни яшнатади.

Одам умри ҳам шундай шўх-шодон, сокин аммо сермазмун лаҳзалардан иборат. Ҳамма гап узоқми-қисқами шу умрни қай мақсадларга хизмат қилдиришда. Вақти келиб бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилганда умрингизни қай мақсадларга сарфлаганингиз ҳам ўз интиҳосини топади. Эзгу амаллар йўлида жонини фидо қилганларгина эл-улус, келгуси авлод қалбида руҳан яшайди, иккинчи ҳаётини давом эттиради.

Менинг раҳматли Тожи акам назаримда ана шундай азиз ва мўътабар инсонлардан эдилар. У киши оз эмас, кўп эмас, 64 йил умр кўрдилар ва уни инсоният учун энг улуғ касб – ўқитувчилик ва олимликка сидқидилдан бағишлаб, адолатли одам мартабасига сазовор бўлдилар, шогирдлар, дўстлар, сафдошлар, ўзини билганлар қалбидан жой олдилар, уларнинг эҳтиромига сазовор бўлдилар.

Олимлик мартабасининг теранлиги ва мавқеи баландлигидан биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2002 йил 31 майда Халқ депатутлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоятдаги таниқли ижодкорлар қаторида Тожи Қораев номларини ҳам алоҳида тилга олган эдилар.

2006 йилда “Фан” нашриёти томонидан 6,26 шартли босма тобоқли “Профессор Тожи Қораев замондошлари хотирасида” биринчи китоб нашрдан чиқди. Шогирдлари ва сафдошлари – Р. Ж. Воҳидов, Н. М. Афоқова, Ғ. Н. Муродов нашрга тайёрлаб сўз боши ёзган бу китобдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори,

профессор Тўра Мирзаев, Иброҳим Ҳаққул, Самандар Воҳидов, Ж. Ёдгоров, И. Жумаев, Ж. Исмоилов, Ғ. Мўродов, Х. Неъматов, О. Сафаров, Ш. Сулаймонов, Р. Шоймардонов, Э. Қиличев, М. Қосимова, Ф. Қосимов, Н. Афоқоваларнинг акажоним ҳақларидаги эъзозли фикрлари жой олган эди.

Акажонимнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нәшриёти томонидан чоп этилган “Танланган асарлари” 1-жилди (Тошкент – 2008 йил. 18,56 шартли босма тобоқ)ни нашрга тайёрлашда кадрдон дўстлари филология фанлари доктори профессор Охунжон Сафаров катта хизмат қилган эдилар. Мен у кишининг руҳи олида ҳамisha қарздорман. Бу “Танланган асарлар” Тўра Мирзаев сўзбошиси билан нашрдан чиққанди.

Акажоним илмий педагогик фаолиятларини янги ҳаётга қайтариш, у кишининг ҳаёт фаолиятини тарғибот қилишда, айниқса, азиз шоғирдлари филология фанлари докторлари Иброҳим Ҳаққул ва Ғайрат Муродовнинг хизматлари беқиёс.

Акажоним ва журналист Абдул Бозоров томонларидан тўпланган Аҳмад Яссавий ва Боқирғонийнинг “Ҳикматлар” куллиёти Иброҳим Ҳаққул ва у кишининг сафдошлари филология фанлари номзодлари Эргаш Очилов ҳамда Сайфиддин Рафиддинов томонидан нашрга тайёрланиб, Ўзбекистон нашриёти томонидан 24.36 босма тобоқда 2011 йил 5000 нусхада ва 2015 йилда 3000 нусхада чоп этилди. Иброҳим Ҳаққул томонидан “Талант – жасорат жавҳари” тўпламида, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида чоп этилган мақолалар, Ўзбекистон марказий телевидениеси Маънавият студияси орқали намойиш этилган телекўрсатув; Бухоро вилояти телевидениеси орқали берилган иштидорли журналист, Меҳрибон Зарипова томонидан тайёрланган кўрсатувлар, “Бухоронома”, “Дўстлик байроғи” ва “Қизилтепа тонги” газеталарида чоп этилган туркум мақолалар ҳам акажоним педагогик ва илмий меросини тарғиб қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Акажонимнинг дўстлари айни вақтда Ўзбекистон ФА академиги Тўра Мирзаев менга бир неча марта: “Раҳимжон, Тожибойнинг Уйғунга бағишланган ишлари ҳам қолиб кетмасин”, – дер эдилар. Мана Парвардигорнинг инояти билан қадрдон шогирдлари Ғайрат Муродов Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Тошпўлат Ҳамидга бағишланган тадқиқотларини табдил қилиб, нашрга тайёрладилар. Тез кунда бу китоб ўз китобхонларини топишига умидворман.

Шу ўринда “Инсон хотираси муқаддас” ва Охунжон Сафаровнинг “Устозлар ва шогирдлар”; “Филология масалалари”, “Илм зиёсидан мунаввар кўнгиллар” тўпламларида ҳам акажонимнинг ибратли ҳаёти ва ижоди ҳақида ёритилган мақолалар учун бу тўпламларни тузувчилар ва муаллифларга миннатдорчилик билдираман.

Акажоним яшаган ҳовли жойлашган кўчага бундан 16 йил олдин Республика комиссиясининг қарори билан профессор Тожи Қораев номи берилгани ҳам у кишининг ёрқин хотираларига ҳурмат ва эҳтиром намунаси. Ана шу мақсадда қалам тебратаётган ҳамма-ҳаммага оиламиз номидан қўлимни кўксимга қўйиб ташаккур билдираман.

БАҒИШЛОВ

Ҳам олиму фозил акам,
Эл ишига шодил акам.
Ёмонликка ботил акам,
Сиз – мангу армоним акам.

Сиз кетдингиз, бизлар ғариб,
Сухбатингиз қолди ариб.
Ул дийдордан биз бенасиб,
Хушфеъл, хушкаломим акам.

Мотам тутганлардир бисёр,
Шогирдлар ҳам қатор-қатор.
Сизни эслаб тунлар бедор,
Куяр доим жоним, акам.

Олам келиб, олам кўрган,
Одам келиб, одам ўтган.
Дўсту ёрнинг ҳолин сўрган,
Адоғи йўқ боғим акам.

Нидо келса асрлардан,
Сиз қурган ул қасрлардан,
Шифо бўлгай ҳар сатрингиз –
Савоб етгай насллардан.

Мангу бир достоним акам,
Жон акам, жаҳоним акам.

**Раҳим Қораевич Мақсудов,
Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси,
ҳалқаро “Олтин қалам” миллий мукофоти совриндори.**

Тузувчидан

Профессор Тожи Қораев мумтоз адабиёт тадқиқотчиси бўлиши билан бирга, замонавий миллий сўз санъати тараққиёти ва намояндалари ижодига катта эътибор билан қараган. Айниқса, у ўтган асрнинг 80-90- йилларида Ҳамид Олимжон, Уйғун, Тошпўлат Ҳамид ижодини махсус ўрганиб, уларнинг ижодий мероси таҳлил этилган бир қанча тадқиқотлар ёзган ва турли нашриётларда чоп эттирган эди.

Олимнинг “Танланган асарлари”нинг иккинчи жилдига муосир адабиёт муаммоларига бағишланган айрим ишлари киритилди. Китобни нашрга тайёрлаш жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Олим ҳаётлик чоғида ўзи тайёрлаган ва чоп эттирган нашрларга асосланилди.

2. Ўша йилларда илмий истеъмолда бўлган ва бизнинг давримизга келиб муомаладан чиққан проза, проблема, тема, актуал, традиция каби сўз ва атамалар ҳозирги даврдаги муқобилига алмаштирилди. Фақат айрим ўринлардагина ўша замон адабиётшунослиги “тили” бўйича ҳозирги давр китобхонида муайян таассурот қолдириш мақсадида шундай лисоний бирлик ҳамда истилоҳларнинг айримлари аслига мувофиқ берилди (**ғоявий-тематик, гениал, классик** каби).

3. Маълумки, совет даврида бадиий адабиёт, адабиётшуносликка мафкура билан боғлиқ соҳалар сифатида қаралган ва ижодкорлар ҳамда адабиётшунослардан ҳукмрон дунёқараш ақидаларига асосланиш талаб этилган. Бундай талаб ва тазйиқлар таъсири аксар адабиёт тадқиқотчилари, шу жумладан, Т. Қораев ишларида ҳам маълум даражада зуҳур топган. Китобни нашрга тайёрлаш чоғида собиқ тузум таълимоти билан боғлиқ қарашлар, сўз ва жумлалар қисқартирилди.

Изоҳлар

1. Профессор Т. Қораевнинг “Танланган асарлар”и уч уч қисмдан ташкил топган. “Мангу сеҳрли наво” деб номланган 1-қисмдан олимнинг Ҳамид Олимжон лирик ва лиро-эпик ижоди ўрганилган рисоласи ўрин олган.

2. Адабиётшунос ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон халқ шоири Уйғун ижодини бадиий маҳорат нуқтаи назаридан ўрганишга асосий диққат-эътиборини қаратган. “Шоир маҳорати” номланган 2-қисмда муаллифнинг мазкур муаммо ёритилган “Шоир қалби доим навқирон” (Тошкент: Фан, 1983) рисоласи, “Уйғун маҳорати” (Тошкент: Фан, 1983) ва “Уйғун поэзиясида ғоявийлик ва маҳорат” (Тошкент: Ўқитувчи, 1985; айрим боблари) монографиялари берилди ва юқоридаги тартиб бўйича рақамланди.

3. Учинчи қисм тадқиқотчининг таниқли шоир Тошпўлат Ҳамид ижодига бағишланган “Нафосат боғининг боғбони” рисоласини ўз ичига олади.

МУНДАРИЖА

Умри узун талқинлар.....	3
Мангу сеҳрли наво.....	6
Навий ижодиёти тарғиботчиси.....	30
Рус адабиёти ва Ҳамид Олимжон ижодиёти.....	36
Шоир ижодида бухоролик пахтакорлар мадҳи.....	51
Дўст эҳтироми.....	56
Қайта куриш ва Ҳамид Олимжон ижоди.....	67
Шоир маҳорати.....	75
I. Шоир қалби доим навқирон.....	75
Сўзбоши.....	75
Севги ва садоқат дафтари.....	82
Қадимий ва абадий навқирон муҳаббат васфи.....	90
Ҳижронли кунлар нидоси ва вафо мадҳи.....	99
Осуда кунлар муҳаббати ҳаётдай ширин.....	120
Тарк этма назокатни, бу йўлда хато қилма.....	131
II. Уйғун маҳорати.....	149
Замон – ижодкор – ижод.....	149
I боб. Анъана ва новаторлик масалалари.....	163
Алишер Навоий анъаналари ва Уйғун ижодида маҳорат масалалари.....	169
Рус адабиётини анъаналари ва Уйғун ижодида новаторлик муаммолари.....	187
II боб. Лирик поэзияда анъана ва маҳорат.....	210
Лирик жанрлар ва поэтик шакллар таснифи.....	210
Анъанавий поэтик шакллардан фойдаланишда шоир маҳорати.....	225
Анъаналар ва Уйғун шеъриятида табиат лирикаси.....	243
Хотима.....	289
III. Уйғун поэзиясида ғоявийлик ва маҳорат.....	296
Шоирнинг ҳажв дафтари.....	296
Шеъриятда табиат концепцияси.....	303
Оламда неки бор.....	319
Болалик таронаси.....	326
Балладалар типологияси.....	332

Нафосат боғининг боғбони.....	338
Кириш	339
Биринчи қисм. Мақолалар ва тақризлар.....	343
Нафосат боғининг боғбони.....	343
Устозлар ва тенгдошлар даврасида	361
Кўприк.....	374
Ватан – саждагоҳ.....	382
“Бўстон наволари”	393
Ёдгорлик	400
Дарёдил шоир.....	406
Отадай меҳрибон, боладай беғубор.....	412
Иккинчи қисм. Хотиралар	418
Чинга айланган ҳақиқат	418
Навнихол.....	421
Ҳайкал	422
Ибратли ҳаёт саҳифалари	439
Эҳтиром.....	446
Тузувчидан.....	450
Изоҳлар	451

Тожи ҚОРАЕВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

II жилд

Muharrir:

Texnik muharrir:

Musahhih:

Sahifalovchi:

G'.Murodov

G.Samiyeva

A.Qalandarov

M.Ortiqova

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 10.01.2020. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 28,5. Adadi 500. Buyurtma №6.

Buxoro viloyat Matbuot va axborot boshqarmasi
"Durdona" nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.
Bahosi kelishilgan narxda.

"Sadriddin Salim Buxoriy" MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45

ISBN 978-9943-6193-9-5



9 789943 619395